

365  
И.Б.ЗОКРОВ

# ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ

I КИСМ



## **ЗОКИРОВ ИКРОМ БЕКЕНОВИЧ**

1924 йилда Чимкент шаҳрида таваллуд топган.

1945 йил Тошкент Давлат юридик институтини имтиёзли диплом билан тамомлаб, юрист мутахасислигига эга бўлган. Ярим асрдан ортиқ давр мобайнида олийдаргоҳда илмий иши билан бирга, педагогик фаолиятини олиб бораяпти.

Юзга яқин ўқув, ўқув-услубий ва илмий ишлари эълон қилинган.

Миллий хуқуқшунослик соҳасида яратилган илк дарслик – “Фуқоролик хуқуқи” дарслиги муаллифи. Мамлакатимизнинг Фуқоролик ва Оила кодекслари лойхаларини ишлаб чиқишида фаол иштирок этган.

Юридик фанлари доктори, профессор **И.Б. Зокиров** ўнлаб шогирдларнинг меҳрибон устозидир.

Ҳозирги кунда Тошкент Давлат юридик институтининг “Фуқоролик хуқуқи” кафедраси мудири. “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист” ҳамда “Устоз” фахрий унвонларга эга.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ

И.Б.ЗОКИРОВ

# ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ

I қисм

қайта ишланган ва тўлдирилган тўртинчи нашр

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим  
вазирлигининг Муфовиқлаштирувчи кенгаш томонидан  
университетларнинг юридик факультетлари, юридик институти ва  
хукуқ асослари ўқитиладиган бошқа олий ўқув юртлари талабалари  
учун дарслик сифатида тавсия этилган



Тошкент-2006

**УДК 347 (575.1)**

**67.404**

**374**

Мазкур дарслик ТДЮИ Илмий кенгашининг 2006 йил 28 январдаги мажлисида нашрга тавсия этилган

**Масъул муҳаррир:** *Ҳ.Раҳмонқулов*, юридик фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси академиги.

**Тақризчилар:** *О.Оқюлов*, юридик фанлари доктори, "Хўжалик ва меҳнат ҳуқуқи" кафедраси профессори.

**Б.Самархўжаев**, юридик фанлари доктори, Ўзбекистон Миллий университети Ҳуқуқшунослик факультети декани.

**Зокиров И.Б.**

**374**

Фуқаролик ҳуқуқи: Дарслик. I қисм. И.Б.Зокиров; Масъул муҳаррир: Ҳ.Раҳмонқулов: 4-нашр. Қайта ишланган ва тўлдирилган. –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2006. 384-бет.

Сарлавҳада: Ўзбекистон Республикаси адлия вазирлиги; Тошкент Давлат юридик институти.

**ББК 67.404 (5У) я 73**

Мазкур дарслик Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Фуқаролик кодекси ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида ёзилган. Китоб университетларнинг юридик факультетлари, юридик институти ва ҳуқуқ асослари ўқитиладиган олий мактаб талабаларига дарслик сифатида тавсия этилади. Шунингдек, дарсликдан суд, прокуратура, адвокатура, нотариат ва бошқа орган ходимлари ҳам фойдаланишлари мумкин.

© И.Зокиров.

© Тошкент Давлат юридик институти, 2006.

## **ДАРСЛИК ҲАҚИДА**

Мана, мамлакатимиз Давлат мустақиллигига эришганига ҳам 15 йил тўлмоқда. Ушбу сана биздан йироқлашгани сари бу воқеликнинг мазмун-моҳиятини янада теран англаб бормоқдамиз. Ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларида туб ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Аникроғи, иқтисодиёт либераллашиб, ислоҳотлар чуқурлашмоқда ва ўтган даврнинг энг муҳим ютуқларидан бири шуки, кишиларнинг тафаккури, шуури ўзгарди, воқеа-ҳодисаларга холисона, адолат юзасидан ўз баҳосини бермоқда.

Бўлаётган ўзгаришларни китобхонга, ўқувчига, талабага етказиш ўз касбини севадиган ва шарафлайдиган ҳар қандай олим учун шарафли ишдир. Шу маънода устоз Икром Бекенович Зокиров томонидан тайёрланган мазкур дарслик ҳақида ҳам факат илиқ гапларни айтиш мумкин. 1996 йилда И.Б.Зокиров томонидан миллий ҳуқуқшунослигимиз тарихида илк бор монографик қўлланма – дарслик - Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик ҳуқуқи яратилган эди. Дарслик бутун мамлакатимиз илмий жамоатчилиги, талаба ёшлар орасида қўлма-қўл бўлиб кетди.

Айни вақтда шуни ҳам айтиш керакки, орадан ўтган йиллар давомида амалга оширилаётган ислоҳотларни ҳуқуқий таъминлаш соҳасида катта ўзгаришлар амалга оширилди. Шу йиллар мобайнида мамлакатимизда кўплаб янги қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Улар жумласига Ер, Уй-жой, Оила кодекслари, “Хўжалик ширкатлари тўғрисида”, “Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”, “Хусусий корхона тўғрисида” каби янги қонунлар қабул қилинди, шунингдек ўтган давр мобайнида Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, Фуқаролик кодексига, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”, “Лизинг тўғрисида”, “Мулкчилик тўғрисида”, “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”ги қонунларга қатор қўшимча ва ўзгартишлар киритилди. Қолаверса, талай қонуности ҳужжатлари қабул қилинди. Табиийки, уларнинг қабул қилиниши ўз-ўзидан аввалгиларини ҳаракатдан тўхтатди. Ушбу қонун ҳужжатларидағи ҳуқуқий нормалар фуқаролик ҳуқуқининг мазмун-мундарижасига сезиларли даражада таъсир кўрсатди. Мазкур ҳолатларни ўқувчига, айниқса, талabalарга етказиш дарсликнинг янги таҳрирда ёзилишига туртки бўлди. Ушбу масъулиятли вазифани устоз И.Б.Зокиров яна ўз зиммасига олди. Ва мана, қўнимизда

дарсликнинг мутлақо янгича шакл-шамойил, мазмун-мундарижадаги нусхаси турибди.

Дарсликни ёзишда Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, халқаро Шартнома ва Конвенциялар, Фуқаролик кодексига, мазмунида фуқаролик-хуқуқий нормалар ётган кодекслар (Уй-жой, Ер, Оила кодекслари), жорий қонунлар, қонуности ҳужжатларига таянилган, суд амалиёти материалларидан унумли фойдаланилган. Айни вақтда дарсликда жаҳон ва маҳаллий цивилистика илми эришган энг сўнгги ютуқларнинг руҳи сезилиб турибди.

Аминмизки, қўлингиздаги дарслик Сизни фуқаролик хуқуқи соҳасидаги билимларингизни бойитишда яқин кўмақдош, елкадош бўлади.

***M.Ҳ.Рустамбоев,***

ТДЮИ ректори, юридик фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист.

*Ушбу китобни Мозойир тўқсабо ўғли  
Зокир бобомнинг ва Тиллажон бувимнинг  
ёрқин хотирасига бағишилайман.*

## *Биринчи боб*

# **ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ ТУШУНЧАСИ, ТАМОЙИЛЛАРИ ВА ТИЗИМИ**

## **1.1.Фуқаролик ҳуқуқи тушунчаси**

Фуқаролик ҳуқуқи Ўзбекистон Республикасида амал қилувчи ҳуқуқ тизими соҳаларидан бири бўлиб, мамлакатимизда иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш, босқичма-босқич бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш даврида фуқаролар ва бошқа субъектларнинг моддий, маънавий эҳтиёжларини тобора тўлароқ қондириш мақсадида мулкий муносабатларни ҳамда мулкий характерда бўлмаган шахсий муносабатларни тартибга солиш, мустаҳкамлашга қаратилган ҳуқуқ нормалари йиғиндисидан иборатдир. Содда қилиб айтганда, **фуқаролик ҳуқуқи - юридик жиҳатдан тенг бўлган субъектлар ўртасидаги мулкий ва шахсий-номулкий муносабатларни тартибга соладиган ҳамда мустаҳкамлайдиган ҳуқуқий нормалар йиғиндисидир**. Фуқаролик ҳуқуқининг ҳуқуқ соҳалари тизимида тутган ўрнини англаш учун, даставвал ушбу ҳуқуқ соҳаси тартибга соладиган ижтимоий муносабатларни таҳлил этиш лозим.

Ижтимоий муносабатлар тизимида фуқаролик ҳуқуқи тартибга соладиган муносабатлар кенг ўринни эгаллади. Айниқса, бу муносабатлар кишилар ўртасидаги ўзаро иқтисодий муомалада, кундалик эҳтиёжларни қондиришга қаратилган ҳаракатларда кўп учрайди.

Фуқаролик ҳуқуқи тартибга соладиган муносабатлар доираси Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 2-моддасида белгилаб кўйилган. Бунга асосан фуқаролик қонун ҳужоатлари фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг ҳуқуқий ҳолатини, мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқларнинг, интеллектуал фаолият натижаларига бўлган ҳуқуқларнинг вужудга келиш асосларини ҳамда уларни амалга ошириш тартибини белгилайди, шартнома мажбуриятлари ва ўзга мажбуриятларни, шунингдек бошқа мулкий ҳамда у билан боғлиқ шахсий номулкий муносабатларни тартибга солади.

Бу муносабатлар доирасида мулкий муносабатлар етакчи ўринни эгаллади.

Мулкий муносабатлар деганда, иқтисодий муносабатлар, яъни ишлаб чиқариш воситалари, истеъмол буюмлари, умуман киши меҳнатининг ҳар қандай маҳсулотларни яратиш, эгаллаш, фойдаланиш ва тасарруф этиш билан боғлиқ бўлган ижтимоий муносабатлар тушунилади.

Мулкий муносабатларнинг барчasi ҳам фуқаролик ҳуқуқи нормалари билан тартибга солинавермайди. Баъзи мулкий муносабатлар ҳуқуқнинг бошқа соҳалари билан ҳам тартибга солинади. Ҳуқуқий муносабатда қатнашувчи бир тарафнинг иккинчи тарафга маъмурий жиҳатдан бўйсунишига асосланган мулкий муносабатлар - маъмурий ҳуқуқ нормалари билан, солиқ ва бюджет билан боғлиқ муносабатлар - молия ҳуқуқи нормалари билан, шунингдек ер билан боғлиқ муносабатлар - ер ҳуқуқи нормалари билан, меҳнат шартномаси ҳамда интизомий бўйсунув билан боғлиқ муносабатлар - меҳнат ҳуқуқи нормалари билан тартибга солинади.

Фуқаролик ҳуқуқи асосан муайян эквивалент (тенглик) баробари билан белгиланадиган, қиймат, баҳо билан ифодаланадиган ва иштирокчилари тенг даражада кўриладиган мулкий муносабатларни тартибга солади.

Мулкий характердаги ҳуқуқий муносабатлар, яъни фуқаролар ва ташкилотларнинг моддий бойликларни яратиш, уларни эгаллаш, бу бойликлардан фойдаланиш, уларни тасарруф этишда бўлган ўзаро ҳуқуқий муносабатлар ишлаб чиқариш муносабатларидан, яъни ижтимоий муносабатлардан келиб чиқади ҳамда улар билан чамбарчас боғлиқ ҳолда кўрилади.

Фуқаролик ҳуқуқи иқтисодий муносабатларни маҳсус юридик шаклда мулкий-ҳуқуқий муносабатлар шаклида расмийлаштиради ва мустаҳкамлайди.

Фуқаролик ҳуқуқида мулкий муносабатлар ишлаб чиқариш муносабатларининг ҳуқуқий шакли сифатида кўрилади. Шу маънода мулкий муносабатлар шахслар ўртасидаги, уларнинг эрклари билан боғлиқ бўлган ижтимоий муносабатларнинг алоҳида тоифасини - ҳуқуқий муносабатларни билдиради.

Фуқаролик ҳуқуқи мулкнинг барча шакллари - хусусий ва оммавий мулкни мустаҳкамлаш, тасарруф қилиш ҳуқуқларини белгилайди, ушбу ҳуқуқларни амалга оширишни расмийлаштиради, кўриқлайди ҳамда кафолатлайди.

Фуқаролик ҳуқуқи томонидан тартибга солинадиган мулкий муносабатлар доираси ниҳоятда кенг. Булар жумласига олди-сотди, хилма-хил буюртмалар қабул қилиш (ижро этиш), турар-жойларни ижарага қўйиш ва ижарага олиш, корхоналар, ташкилотларнинг бир-бирига маҳсулотлар етказиб бериш, қурилиш ишларини амалга ошириш, транспорт корхоналари орқали юк ва йўловчи ташиш, етказилган зарарни қоплаш, қонун ва васият бўйича мерос олиш, умуман ҳар қандай шаклдаги мулкни эгаллаш, ундан фойдаланиш ҳамда уни тасарруф этиш билан боғлиқ бўлган муносабатлар киради.

Фуқаролик ҳуқуқи томонидан тартибга солинадиган мулкий кўринишда бўлмаган шахсий ҳуқуқий муносабатлар икки турга: мулкий муносабатлар билан боғлиқ бўлган шахсий муносабатларга ва мулкий муносабатлар билан боғлиқ бўлмаган шахсий муносабатларга (шахсий номулкий) бўлинади.

Мулкий муносабатлар билан боғлиқ бўлган муносабатларга интеллектуал фаолият натижаларига бўлган ва муаллифлик ҳуқуқига доир муносабатларни мисол қилиб, кўрсатиш мумкин. Бу муносабатларда фақат мулкий муносабатларнингина эмас, балки уларнинг шахсий ҳуқуқларини ҳам, чунончи, асарни ўз номидан, та халлуси остида ёки номини кўрсатмасдан аноним тарзда нашр этиш (ФКнинг 1053-моддаси), асарнинг дахлсизлиги ҳуқуқлари, ихтиронинг муаллифи бўлиб танилиш ҳуқуқи ва бошқа ҳуқуқларни белгилайди.

Мулкий муносабатлар билан боғлиқ бўлмаган шахсий муносабатларга ФКнинг 100-моддасида кўрсатилганидек, фуқаро ўзининг шаъни, қадр-қиммати ва ишчанлик обрўсига путур етказувчи маълумотларни тарқатган шахс башарти уларнинг ҳақиқатга тўғри келишини исботлай олмаса, суд орқали раддия талаб қилиш ҳуқуқи ва шу каби бошқа ҳуқуқлар мисол бўлади.

Мулкий характерда бўлмаган шахсий муносабатлар шахснинг ўзи билан бевосита боғлиқ бўлган ва ундан бегоналаштирилмайдиган ҳуқуқлардир. Бундай ҳуқуқлар жумласига фуқаронинг исмига бўлган ҳуқуқи (ФК, 19-модда), ўз тасвири (сурати)нинг дахлсизлиги га бўлган ҳуқук, муаллифлик ҳуқуқи (ФК, 1046-модда), муаллифлик номига бўлган ҳуқуқ (ФК, 1051-модда) ва ҳоказолар киради.

Гарчи фуқаролик ҳуқуқи шахсий муносабатларнинг кўплаб турини тартибга солса-да, лекин ҳар қандай шахсий ҳуқуқий муносабатлар ҳам фуқаролик ҳуқуқи билан тартибга солинавермайди. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 2-моддаси, 4-бан-

дига асосан шахсий номулкий муносабатлар ва мулкий муносабатлар билан боғлиқ бўлмаган шахсий муносабатлар, агар қонунларда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса ёки бу муносабатларнинг моҳиятидан ўзгача ҳол англашилмаса, фуқаролик қонунлари билан тартибга солинади. Ушбу модда қоидаси тегишли йўсинда юридик шахсларга ҳам татбиқ этилади.

Ижтимоий муносабатларни тартибга солишда фуқаролик ҳуқуқининг ўзига хос услуги ва хусусиятлари бор, бу билан у ўзига ёндош бўлган бошқа ҳуқуқ соҳаларидан ажралиб туради. Чунончи, фуқаролик ҳуқуқи оила ҳуқуқи, молия ҳуқуқи, маъмурӣ ҳуқуқ, давлат ҳуқуқи, меҳнат ҳуқуқи, ер ҳуқуқи билан бевосита боғлиқ бўлса ҳам, мулкий ҳамда шахсий номулкий муносабатларни тартибга солишда бу ҳуқуқ соҳаларидан маълум даражада фарқ қиласди. Дастрраб фуқаролик ҳуқуқининг оила ҳуқуқидан фарқи тўғрисида шуни айтиш керакки, оила ҳуқуқи никоҳ ҳамда оилага тааллуқли бўлган муносабатларни, эр-хотин, ота-оналар билан болалар ўртасидағи, оиланинг бошқа аъзолари ўртасидағи муносабатларни, фарзандликка олиш, шунингдек давлат органларининг оилани мустаҳкамлаш ҳамда оналар ва болаларга моддий ёрдам кўрсатишга тааллуқли муносабатларни тартибга солади. Бу ҳуқуқ фуқаролик ҳуқуқининг маълум бир қисми бўлиб қолмай, ҳуқуқнинг алоҳида соҳаси ҳисобланади. Никоҳ ва оилага оид муносабатлар маҳсус кодекс – Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси<sup>1</sup> билан тартибга солинади. Оила ҳуқуқида мулкий муносабатлар эмас, балки шахсий ҳуқуқий муносабатлар устунлик қиласди. Бу муносабатлар оила ҳуқуқи томонидан тартибга солинадиган мулкий муносабатларнинг хусусиятларини белгилайди. Мисол қилиб алимент мажбуриятларини олсак, бу мажбуриятлар мулкий характерда бўлган муносабатлардан эмас, балки шахсий, оилавий (эр ва хотинлик, қариндошлиқ) муносабатларидан келиб чиқади.

Оила ҳуқуқининг фуқаролик ҳуқуқидан фарқ қилувчи асосий хусусияти шундаки, оила ҳуқуқи томонидан тартибга солинадиган мулкий муносабатлар ва шахсий номулкий муносабатлар фақатгина битта оила аъзоси ўртасида вужудга келади ҳамда бу ерда фуқаролик ҳуқуқи учун энг асосий ўринни эгаллайдиган кенг маънодаги мулкий муюмала кузатилмайди. Агар оила аъзолари ўртасида ўзаро фуқаролик муюмласи (олди-сотди, ҳадя, айирбошлаш) амалга оши-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси. -Т.: Адолат. 1998.

рилса ҳам, бу ҳолат оила ҳуқуқи меъёрлари билан эмас, фуқаролик ҳуқуқи меъёри билан тартибга солинади.

Мулкий муносабатларда давлат ҳокимияти органлари қатнашиб, мазкур муносабатларда иштирок этувчиларга ўз эркларини буюрсалар, бундай мулкий муносабатлар фуқаролик ҳуқуқига эмас, балки маъмурий ҳуқуқка тааллуқли бўлади. Чунончи, юқори давлат органининг ўз ваколати доирасида чиқарилган буйруғига мувофиқ муайян бинолар, ускуналарни топшириш-қабул қилиш билан боғлиқ муносабат маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар ҳисобланади. Агар мулкий муносабатларда давлат органлари фуқаролик муомаласининг иштирокчиси сифатида бир-бирларига нисбатан тенг ҳуқуқли бўлиб ва бир-бирларига ўзларининг эркларини буйруқлар тартибида буюра олмайдиган бўлиб қатнашсалар, бундай муносабатлар фуқаролик ҳуқуқига тааллуқли бўлади.

Солиқлар олиш, ташкилотларни пул маблағлари билан таъминлаш, фуқароларга пул ссудалари беришга доир ва бошқа бир мунча муносабатлар молия ҳуқуқи томонидан тартибга солинади.

Шахсий ҳуқуқлар фақат фуқаролик ҳуқуқи билан қўриқланмайди. Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари ва бошқа сиёсий ҳуқуқлари, масалан, Ўзбекистон Конституциясида кўрсатилган фуқароларнинг шахсий ҳуқуқлари давлат ҳуқуқи томонидан қўриқланади.

Меҳнат муносабатлари алоҳида гурӯҳга кирадиган муносабатлардир. Меҳнат мухофазаси, меҳнат интизоми, иш ҳақи, иш вақти ва дам олиш вақти ижтимоий суғурта ва меҳнат билан боғлиқ бўлган бошқа хусусий муносабатлар меҳнат ҳуқуқи нормалари билан тартибга солинади.

Ташкилотлар ва фуқароларнинг ердан, сувдан фойдаланиш соҳасидаги муносабатлари маъмурий-ҳуқуқий характерга эга бўлиб, ер ва сув қонунчилиги билан тартибга солинади.

Кейинги пайтларда бозор иқтисодиёти самараси ўлароқ, Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ тизимиға кириб келган ва бозор иқтисодиётида вужудга келган янги ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қаратилган ҳуқуқ соҳалари: тадбиркорлик ҳуқуқи, хўжалик ҳуқуқи, халқаро хусусий ҳуқуқдан фуқаролик ҳуқуқининг фарқли жиҳатларини ажратиб кўрсатиш муҳимdir. Даставвал фуқаролик ҳуқуқининг таркибий қисми ҳисобланган хўжалик ҳуқуқи, халқаро хусусий ҳуқуқ ўтган асрнинг ўрталарида алоҳида ҳуқуқ соҳаси сифатида талқин этила бошланган бўлса, тадбиркорлик ҳуқуқи тўғрисидаги фикрлар республикамиз мустақилликка эришгач вужудга кела бошлади. Тўғри ҳуқуқшунос олимлар халқаро хусусий

ҳуқуқни алоҳида ҳуқуқ соҳаси сифатида тан олса-да, ҳўжалик ҳуқуқи ва тадбиркорлик ҳуқуқини (баъзи ҳолларда иккаласи битта ҳуқуқ соҳаси тадбиркорлик (ҳўжалик) ҳуқуқи дея талқин этилмоқда (таъкид - муаллифники И.Б.). Мустақил ҳуқуқ соҳаси сифатида эътироф этишга доир баҳсли фикр билдирадилар.

Шундай бўлса-да, уларнинг фуқаролик ҳуқуқидан фарқли жиҳатларини кўрсатиб ўтамиз. Чунки юқоридаги муайян муносабатларни тартибига соловчи ҳуқуқларни (алоҳида ҳуқуқ соҳаси деб аташга бизнингча ҳали эрта) алоҳида ҳуқуқ соҳаси ёки ҳуқуқ соҳаси эмаслиги масаласини тадқиқ этиш мазкур дарсликнинг предметини ташкил этмайди.

Халқаро хусусий ҳуқуқ фуқаролик ҳуқуқидан фарқ қилиб, чет эл элементи билан мураккаблашган мулкий ва шахсий номулкий муносабатларни тартибиغا солади. Ўз ўзидан равшанки, агар мулкий ва шахсий номулкий муносабатларда чет эл элементи иштирок этса, бундай муносабат халқаро хусусий ҳуқуқ предмети ҳисобланади<sup>1</sup>.

Ҳўжалик ва тадбиркорлик ҳуқуқи томонидан тартибиға солинадиган муносабатлар эса, ҳўжалик юритувчи субъектларнинг ташкилий бошқарув, уларнинг ўз фаолиятини амалга ошириши учун турли хил фуқаролик-ҳуқуқий шартномаларга кириши билан боғлиқ бўлади (мутахассислар ҳозиргача бу ҳуқуқ соҳасининг предметини аниқ талқин этиша олмади).

Фуқаролик ҳуқуқи ҳуқуқнинг бошқа соҳалари каби ўзи тартибиға соладиган ҳуқуқий муносабатларга, уларнинг иштирокчилари хатти-ҳаракатларига таъсир кўрсатиш маҳсус воситалар ва усуллар йиғиндисидан, яъни ўз услубидан фойдаланади. Қўриқлаш функциясини бажарувчи ҳуқуқ соҳаларидан (жиноят ҳуқуқи, маъмурий ҳуқуқ ва ш.к.) фарқли равишда фуқаролик ҳуқуқи, энг аввало, нормал ҳуқуқий муносабатларга таъсир кўрсатади. Унинг тартибиға солиш услубидаги ўзига хос хусусиятлар:

- фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда иштирок этувчиларнинг тенг ҳуқуқقا эга бўлишлари, уларга имкон борича эркинлик, мустақиллик ва ташаббускорлик берилишида;

- фуқаролик ҳуқуқида императив меъёрлардан кўра, диспозитив меъёрларнинг кенгроқ қўлланишида;

- фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган жавоб-гарликнинг мулкий характеристерда бўлишида;

<sup>1</sup> Раҳмонкулов Ҳ. ва бошқалар. Халқаро хусусий ҳуқуқ. –Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси. 2002. 13-6.

- бузилган ҳуқуқларнинг суд орқали даъво билдириш тартибida ҳимоя қилинилишида;

-бузилган фуқаролик ҳуқуқини ҳимоя қилишда уни тан олиш, тиклаш, ҳуқуқни бузадиган ҳаракатларга чек қўйиш, етказилган заараларни ундириб олиш ва шу каби чоралар қўлланилишида намоён бўлади.

## 1.2. Фуқаролик ҳуқуқининг асосий тамойиллари

Фуқаролик ҳуқуқининг асосий тамойиллари (принциплари) - бу барча фуқаролик қонунлари мазмунига сингдирилган асосий, бошланғич қоидалардир. Ҳ.Р.Раҳмонқұлов фуқаролик ҳуқуқи тамойиллари ҳақида ўз фикрини билдирад экан, ҳуқуқнинг алоҳида соҳаси сифатида хусусий ҳуқуқ таркибида бўлган фуқаролик ҳуқуқи тамойиллари унинг предметини ташкил қилувчи кўп қиррали мулкий, мулк билан боғлиқ ва мулк билан боғлиқ бўлмаган шахсий ва ташкилий-ҳуқуқий муносабатларнинг хусусиятлари билан ифодаланишини таъкидлайди<sup>1</sup>.

Фуқаролик ҳуқуқининг асосий тамойиллари жумласига қўйида-гилар киради:

1) Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда иштирок этувчи тарафларнинг тенг ҳуқуқлилиги. Бу тамойил Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддасида ва ФКнинг 1-моддасида ўз ифодасини топган. Фуқаролик қонунларида ушбу конституциявий тамойилдан келиб чиқиб, барча фуқаролар учун тенг ҳажмда ҳуқуқ лаёқати, уларнинг ҳуқуқ ва муюмала лаёқатлари чекланишига йўл қўйилмаслиги белгилаб қўйилган. Тарафларнинг тенг ҳуқуқлилиги нафақат фуқароларга, балки бошқа субъектларга ҳам тааллуқлидир ва у юридик шахсларнинг у ёки бу турини тартибга солувчи қонунларда ҳам ўз аксини топган;

2) барча мулк шаклларининг тенглиги ва ҳуқуқий томондан баб-баравар муҳофаза қилиниши. Мазкур тамойил Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 166-моддасида бевосита мустаҳкамлаб қўйилган;

3) мулкий муносабатларнинг мафкуравий муносабатлардан ажратилганлиги. Ўтмишда иқтисодий, шу жумладан, мулкий муносабатларни тартибга солища ҳар хил мафкуравий қолиплар ва

<sup>1</sup> Раҳмонқұлов Ҳ.Р. Фуқаролик ҳуқуқининг предмети, методи ва тамойиллари. -Т.: ТДЮИ. 2003. 35-6.

акидалардан келиб чиқилган эди. "Иқтисодий мақбулиқдан сиёсий конъюнктуравий манфаатларнинг устун келиши собиқ Иттифоқ халқ хўжалиги парокандалик ёқасига, иқтисодий ва ижтимоий муносабатларнинг жиддий бузилишига, ишлаб чиқаришнинг техника жиҳатдан қолоқлигига олиб келди"<sup>1</sup>. Худди шу сабабли ҳам Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 12-моддасида ҳеч қандай мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас, деб кўрсатилди;

4) қонунда нимаики тақиқланмаган бўлса, рухсат берилади. Бу тамойил фуқаролик-хуқуқий муносабатлар иштирокчиларининг эркинлиги, ташаббускорлигини кафолатлади. Қонунда нимаики тақиқланмаган бўлса, рухсат бериш тамойили фуқаролик хуқуқи субъектларининг нафакат қонунда кўрсатилган ҳаракатларни амалга ошириш, балки қонунда белгиланган бўлса ҳам, лекин қонун билан тақиқланмаган ҳар қандай ҳаракатни амалга оширишлари имконини беради. Лекин шу ўринда бундай ҳаракатларнинг ахлоқ меъёрларига ҳам зид келмаслиги лозимлигини айтиб ўтиш жоиз. Фуқаролик кодексининг 8-моддасига мувофиқ, фуқаролик хуқуқининг субъектлари нафакат қонунда назарда тутилган шартномалар ва бошқа битимларни, лекин унга зид бўлмаган шартномалар ҳамда бошқа битимларни ҳам тузишлари мумкин.

Фуқаролик хуқуқида бундай тамойил (қонунда нимаики тақиқланмаган бўлса, рухсат берилади) нинг мавжудлиги фуқаролик-хуқуқий муносабат иштирокчиларига эркинлик ва ташаббус бериш билан бирга, иқтисодиётнинг ривожланишига хизмат қиласидиган янги хуқуқий муносабатларни, қолаверса, хуқуқий институтларнинг вужудга келишини таъминлайди;

5) фуқаролик-хуқуқий муносабатлар иштирокчиларнинг ижтимоий адолат ва қонунийлик тамойиллари асосида амалга оширилади. Бу ҳолат Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14-моддасида мустаҳкамланган;

6) фуқаролик-хуқуқий муносабатлар иштирокчилари мулкининг дахлсизлиги. Бу қоида ФКнинг 1-моддасида ўз ифодасини топган. Шу билан бирга, ФКнинг 166-моддасига мувофиқ, мулк дахлсиздир ва қонун билан қўриқланади. Мулкнинг дахлсизлиги мулкдорга қарши турган барча субъектларнинг мулк хуқуқини бузишидан ўзларини сақлашларидан иборат. Бу ерда "мулкдорга қарши турган" иборасини муайян мулкнинг соҳиби

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. -Т.: Ўзбекистон. 1992. 48-6.

бўлмаган ҳар қандай бошқа шахс сифатида тушуниш лозим. Бундай субъектлар (шахслар) ўзганинг мулкига нисбатан қонун ҳужжатларида белгиланган “ўзларини саклаш”ни амалга оширсалар, мулкнинг дахлсизлиги тамойилига амал қилган бўладилар.

Фуқаролик ҳуқуқининг бошқа тамойиллари каби мулкнинг дахлсизлиги тамойили ҳам мутлақлик характеристига эга эмаслигини назарда тутиб, ФКнинг 166-моддаси 2-қисми, мулкдорнинг мол-мulkини олиб қўйишга, шунингдек унинг ҳуқуқларини чеклашга фақатгина қонунда назарда тутилган ҳоллардагина йўл қўйилиши мумкинлигини белгилайди;

7) қонуний асосларга эга бўлмасдан туриб, ҳеч ким фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда иштирокчиларининг хусусий ишларига ўзбошимчалик билан аралашишга ҳақли эмас.

Фуқаролик ҳуқуқи учун муҳим аҳамиятга эга бўлган асосий тамойиллардан бири ҳисобланган хусусий ишларга ўзбошимчалик билан аралашишга йўл қўйилмаслиги тамойили фуқаролик ҳуқуқи субъектлари ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга оширишларидаги ҳаракатлар бевоситалиги ва узлуксизлигини таъминлайди. Маълумки, фуқаролик ҳуқуқида фуқаролик муюмаласи иштирокчиларининг хусусий манфаатлари асосий ўринни эгаллайди. Шунинг учун қонун чиқарувчи ана шу манфаатлар устунлигини кафолатлаш мақсадида ФКнинг 1-моддасидаёқ, мазкур тамойилни мустаҳкамлайди. Бундан ташқари ушбу тамойил бошқа қонун ҳужжатларида ҳам алоҳида қоида тарзида белгилаб қўйилган. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги 2000 йил 25 майдаги қонунининг 34-моддасига мувофиқ, давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари тадбиркорлик фаолияти субъектларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилаётган фаолиятига аралашишга ҳақли эмас.

Бундай аралашув ФКнинг 1-моддаси талабларига зид бўлиб, ноқонуний ҳаракат ҳисобланади. Албатта, қонун ҳужжатларида кўзда тутилган аралашув (хусусий ишларга) бундан мустаснодир;

8) фуқаролик ҳуқуқларининг тўсқинликсиз амалга оширилиши (ФК, 1-модда). Фуқаролик-ҳуқуқий муносабат иштирокчилари ўз фуқаролик ҳуқуқларини амалга оширишда ҳар қандай тўсқинликларни бартараф этилишини талаб қилишга ҳақли. Қонун ҳужжатларидаги баъзи чеклашларнинг мавжуд бўлиши бу тамойилнинг аҳамиятига пурт етказмайди. Чунки ҳуқуқ субъектига берилган, ҳуқуқ субъектларининг ўз ҳуқуқини амалга ошира олиш имкония-

тига эга бўлишлари, бу ҳуқуқлар мавжудлигининг асосий мезонидир. Айнан шу хусусда тўхталар экан, Ҳ.Р. Раҳмонқұлов фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиларининг ҳалол, оқилона ва адолат билан ҳаракат қилиши назарда тутилишини таъкидлаб ўтади<sup>1</sup>;

9) фуқаролик-ҳуқуқий муносабат иштирокчиларининг бузилган ҳуқуқларининг тикланиши (ФКнинг 1-моддаси). Фуқаролик ҳуқуқи биринчи навбатда ҳуқуқий муносабат иштирокчисининг бузилган ҳуқуқларининг аввалги ҳолатига қайтарилишига қаратилади (мулкни натура ҳолида қайтариш, бузилган шахсий ҳуқуқни тан олиш ва ҳ.к.). Бузилган ҳуқуқларнинг тикланиши, амалда мумкин бўлмаган ҳоллардагина тарафлар талабини қаноатлантиришнинг бошқа усувлари кўлланилади;

10) фуқаролик-ҳуқуқий муносабат иштирокчилари ҳуқуқларининг суд орқали ҳимоя қилинишини таъминлаш (ФКнинг 1-моддаси). Фуқаролик-ҳуқуқий муносабат иштирокчилари ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун ўз талабини маҳсус орган - суд орқали билдиришга ҳақли ва бу ҳуқуқ қонун билан кафолатланади;

11) шартнома тузиш эркинлиги (ФК 1-354-моддалар). Фуқаролар (жисмоний шахслар) ва юридик шахслар ўз фуқаролик ҳуқуқлари ҳамда бурчларига ўз эркларига мувофиқ эга бўладилар, ўз манфаатларини кўзлаб амалга оширадилар.

ФКнинг 354-моддасида эса, ушбу тамойилнинг мазмуни очиб берилган. Шартномалар эркинлиги тамойилини қўйидаги учта ҳолатни ажратиб кўрсатиш орқали тушуниш мумкин:

1) субъектнинг шартнома бўйича ўз контрагенти, яъни шартнома бўйича шеригини танлаш эркинлиги;

2) шартнома предметини, яъни айнан қандай ҳолат юзасидан шартнома тузишни танлаш эркинлиги;

3) шартнома шартларини танлаш эркинлиги.

Ушбу учала ҳолатни амалга оширишда субъектга ҳеч қандай ноқонуний таъсир ўтказмаслик лозим бўлади. Баъзи ҳолларда юқоридаги ҳолатлар субъектга қонунний таъсир ўтказиш орқали унинг хоҳиш-иродасини бошқа томонга ўзгартериш орқали амалга оширилади. Шартномалар эркинлиги тамойилига нисбатан бундай чеклов фақатгина қонун ҳужожатларида кўзда тутилган ҳолларда татбиқ этилади (ФК, 377-модда).

<sup>1</sup> Раҳмонқұлов Ҳ.Р. Фуқаролик ҳуқуқининг предмети, методи ва тамойиллари. -Т.: ТДЮИ. 2003. 42-6.

Улар шартнома асосида ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятларини белгилашда ҳамда қонунга зид бўлмаган ҳар қандай шартнома шартларини белгилашда эркиндиirlар;

12) бозор муносабатлари шароитидаги муҳим аҳамиятга эга бўлган фуқаролик ҳуқуқи тамойилларидан яна бири - Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида товарлар, хизматлар ва молиявий маблағларнинг эркин ҳаракатда бўлишидир (ФК, 1-модда). Бу тамойил бозор иқтисодиёти учун муҳим бўлган моддий неъматларнинг эркин ҳаракатланиши ҳисобига товар-пул муносабатлари тезлашишини амалга оширишга хизмат қилади. Маълумки, иқтисодий ривожланиш ва маъмурий-ҳудудий тузилмаларнинг географик жойлашиши муайян турдаги товарлар тақсимотининг номутаносиблигига сабаб бўлади. Мазкур тамойил ана шу номутаносибликни бартараф этишда етакчи ўринни эгаллайди.

Шунинг учун ҳам фақатгина хавфсизликни таъминлаш, инсонларнинг ҳаёти ва соғлигини ҳимоя қилиш, табиатни ва маданий бойликларни муҳофаза қилиш учун зарур бўлганда, товарлар ва хизматлар ҳаракатда бўлишини чеклаш қонун ҳужжатларига мувофиқ жорий этилиши мумкин.

Фуқаролик ҳуқуқида ҳўжалик ҳисоби тамойили фуқаролик-хуқуқий муносабатларида, масалан, етказилган маҳсулотлар ёки бажарилган ишлар учун келишилган нархлар бўйича ҳақ тўлашда, шартномаларни бажармаганлик ёки кечикириб бажарганлик ёхуд сифатсиз бажарганлик учун санкциялар белгилашда ифодаланади.

Булардан ташқари, айрим ҳуқуқий институтлар, жумладан, мажбурият ҳуқуқи, мулк ҳуқуқи, муаллифлик ҳуқуқи, ворислик ҳуқуқи институти ҳам ўз тамойилларига эга.

### **1.3. Фуқаролик ҳуқуқи тизими**

Фуқаролик ҳуқуқи ҳам ўз навбатида муайян тизимлаштирилади, айни вактда унинг ўзи ҳам хусусий ҳуқуқ тизимига киради.

Бундай тизимлаштириш таркиби қисмларга ажратиш учун асос бўлиб, бутун тармоқ учун хос бўлган асосий, умумий қоидалар - умумий қисмни ажратиш ҳисобланади. Фуқаролик ҳуқуқининг Умумий (биринчи) қисми фуқаролик ҳуқуқлари тушунчаси, уларнинг вужудга келиши, амалга оширилиши ва ҳимоя қилиниши, фуқаролик муомаласи субъектлари, обьектлари, шунингдек муддатлар тўғрисидаги асосий қоидаларни ҳамда барча фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларга қўлланиладиган умумий тартиbdаги бошқа баъзи

нормаларни ўз ичига олади. Ушбу ҳолатлар тизими фуқаролик ҳуқуқи тизимини шакллантириши, ўқув-назарий ва айни вақтда ҳуқуқни қўллаш бўйича мухим аҳамиятга эга, чунки уни умумий (биринчи) қисм таркибиға киравчи қоидалар бошқа барча фуқаролик-ҳуқуқий нормаларни қўллашда ўёки бу даражада ҳисобга олинади.

Шу нуқтаи назардан қараганда, фуқаролик ҳуқуқининг Умумий (биринчи) қисмга кирмаган барча нормалар фуқаролик ҳуқуқининг Maxsus (иккинчи) қисмiga мансубдир деб айтиш мумкинми? - деган савол туғилиши табиий. Бироқ бир қарашда мантиқий жиҳатдан тўғри бўлган бу қоида фуқаролик ҳуқуқига нисбатан тўла қўлланмайди. Шу сабабли ҳам гарчи, ФК икки қисмга бўлинса ҳам, иккинчи қисми Maxsus қисм деб номланмаган. ФКниг умумий қоидаларидан ташқарида бўлган нормалар мазмунан ранг-баранг ва ҳажми жиҳатдан ниҳоятда улкан ҳисобланади. Бу эса уларни янада кенгайтирилган ҳолда тизимлаштирилишини талаб этади. Шу сабабли ҳам агарда, олдин ҳуқуқ тармоғи қисмларга ва институтларга бўлина-диган бўлса, эндиликда табақаланиш тизими ҳамда поғоналари кенгайди ва кўпайди. Эндиликда фуқаролик ҳуқуқини кичик тармоқларга тизимлаштириш қўлланмоқда. Кичик тармоқ - бу бир турдаги гурухларга киравчи муносабатларни тартибга солувчи ва ўзининг умумий қоидаларига эга бўлган нормаларни йирик-йирик гурухлари бўлиб ҳисобланади.

Бугунги кунда фуқаролик-ҳуқуқий нормаларни бешта кичик тармоқларга бўлиш қабул қилинган.

Булар жумласига:

а) мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқлар (баъзи адабиётларда уни ашёвий ҳуқуқ деб ҳам атайдилар). Ушбу кичик тармоқ мулкий муносабатлар иштирокчилариға ашёлар (мол-мулклар) тегишлилигини, мансублигини расмийлаштиради, бу тегишлилик эса мулкий муомаланинг шарти ёхуд натижаси (оқибати) сифатида намоён бўлади;

б) мулкий муомаланинг ўзини расмийлаштирувчи мажбурият ҳуқуқи. Мажбурият ҳуқуқи ҳам ўз навбатида шартномалар ҳуқуқи ва деликт ҳуқуқи каби кичик тармоқларга бўлинади. Уларнинг ҳар иккаласи учун ҳам ягона, умумий бўлган Умумий қисм мавжуд. Шартнома мажбуриятлари ҳам ўз навбатида мол-мулкни ашёвий ҳуқуқ асосида топшириш, фойдаланиш учун бериш, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш, биргаликдаги фаолият бўйича мажбуриятларга бўлинади. Мажбуриятлар ичida бир томонлама ҳаракатлар (битимлар)дан келиб чиқадиган мажбуриятлар ҳам алоҳида

ажралып туради. Бузилган ҳуқуқни муҳофаза қилишга қаратилған мажбуриятлар деликт (зарар етказищдан келиб чиқадиган) мажбуриятларга ва асоссиз бойишдан келиб чиқадиган мажбуриятларга бўлинади. Умуман олганда, мажбурият ҳуқуқи фуқаролик ҳуқуқининг энг пухта тизимлаштирилган қисми ҳисобланади. Ушбу қисм ўз ҳажми бўйича ҳам бекёсдир. У ФКнинг 20-бобидан то 58-бобига қадар бўлган нормаларни (234-1030-моддалар) қамраб олган;

в) мутлақ ҳуқуқлар деб аталмиш кичик тармоқ интеллектуал мулк бўйича нормалар мажмуини ташкил этади. Унинг таркибига ижодий фаолият маҳсуллари (ихтиrolар, фойдали моделлар, саноат намуналари, селекция ютуқлари, интеграл микросхемалар топологияси, компьютер дастурлари, муаллифлик ва турдош ҳуқуқлар объектлари - фан, адабиёт, санъат асарлари ва уларнинг ижролари, тижорат сирлари, шу жумладан ноу-хоу)га нисбатан ҳуқуқларни расмийлаштириш, фуқаролик муомаласида уларнинг амал қилиши, ушбу номоддий объектлардан фойдаланиш ҳуқуқий режимини белгиловчи фуқаролик-ҳуқуқий нормалар киради. Айни вақтда фуқаролик муомаласи иштирокчиларини, товарлар, ишлар ва хизматларни шахсийлаштириш (индивидуаллаштириш) воситаларига нисбатан ҳуқуқларни вужудга келиши, амал қилиши бекор бўлиши ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш бўйича муносабатларни тартибга солувчи фуқаролик-ҳуқуқий меъёрлар ҳам ушбу кичик тармоқ таркибига киради. Бундай индивидуаллаштириш воситалари бўлиб фирма номи, товар белгиси, товар чиқарилган жой номига бўлган ҳуқуқлар ҳисобланади;

г) фуқаро вафот этган тақдирда унинг мол-мулки ва мулкий ҳуқуқлари бошқа шахсларга (яъни васият бўйича ёки қонун бўйича унинг меросхўрларига) ўтишини тартибга солувчи нормалар мажмуидан иборат бўлган ворислик ҳуқуқи;

д) сўнгги вақтларда номоддий неъматларни (шахсий номулкий ҳуқуқларни) ҳимоя қилишни тартибга солувчи нормалар мажмуи ҳам фуқаролик ҳуқуқининг кичик тармоғи сифатида қаралиши тўғрисида нуқтаи назарлар ҳам илгари сурilmоқда<sup>1</sup>. Ушбу кичик тармоқ жисмоний ва юридик шахсларни шаъни, қадр-қиммати ва ишбилармонлик обрўси, фуқароларнинг ҳаёти, соғлиги, шахсий дахлсизлиги, уларнинг хусусий ҳаёти, эрк-мухториятини таъминловчи ҳуқуқлар ва шу кабиларни вужудга келиши, уларни амалга ошириш, ҳуқуқий муҳофаза қилиш бўйича фуқаролик-ҳуқуқий

<sup>1</sup> Гражданское право. Т.1. //Под ред. А....Суханова. - М.: Бек, 1998. 126.

муносабатларни тартибга солади. Шартли равища бу туркумга кирувчи ҳуқуқларни шахсий ҳуқуқлар деб номлаш ўринли бўлур эди.

Фуқаролик ҳуқуқи тизимида кичик тармоқлар ўз навбатида институтларга бўлинади. Ҳуқуқ институти деганда унчалик йирик бўлмаган бир турдаги ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи нормалар йиғиндиси, яъни мажмуи тушунилади. Ҳар бир кичик тармоқ ўз навбатида ҳуқуқ институтларига бўлинади. Масалан, мажбурият ҳуқуқи кичик тармоғи алоҳида шартномалар мажбуриятлари институтларига – олди-сотди, ижара, пудрат ва шу кабиларга бўлинади. Мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқлар кичик тармоғи ҳам ўз навбатида мулк ҳуқуқи, чекланган ашёвий ҳуқуқлар, уларни ҳимоя қилишининг ашёвий-ҳуқуқий усуллари институтларига бўлинади.

Фуқаролик-ҳуқуқий институтлар ҳам ўз навбатида янада бўлакларга бўлинган ҳолда муайян қисмларга тизимлашади. Ушбу қисмлар субинститутлар деб аталади. Айни вактда субинститутлар ҳам тартибга солувчи муносабатлари бир хиллиги ва ягоналиги билан ажralиб туради. Масалан, шартномавий мажбуриятлар институтлари уларнинг алоҳида айрим турлари тўғрисидаги қоидаларни қамраб олади (масалан, олди-сотди шартномаси институти қуйидаги субинститутларга бўлинади – чакана олди-сотди, маҳсулот етказиб бериш, контрактация, улгуржи олди-сотди; ижара шартномаси қуйидаги институтларга бўлинади – прокат, транспорт воситалари ижараси, корхоналар ижараси, лизинг (молия ижараси) ва ҳ.к.). Фуқаролик-ҳуқуқий институтлар ва субинститутлари ҳам ўзларининг умумий қоидаларига эга. Бу эса уларни ташкил этувчи нормаларни юридик жиҳатдан бир хиллигидан далолат беради.

Бу ўринда шуни ҳам унумтаслик лозимки, кичик тармоқнинг умумий қоидалари ушбу кичик тармоқ таркибига кирувчи тегишли институтлар қоидаларига ҳам тааллуқлидир, ушбу институт умумий қоидаларига эса унинг таркибиغا кирувчи субинститутлар ҳам тегишилдири. Масалан, мажбуриятлар ҳамда шартномаларнинг умумий қоидалари олди-сотди ва ижара институтларига ҳам тааллуқли бўлиб, улар ҳам ўз навбатида маҳсулот етказиб бериш ва прокат субинститутларига нисбатан ҳам оид ҳисобланади. Ўз навбатида олди-сотдининг умумий қоидалари маҳсулот етказиб бериш ва контрактацияга ҳам тегишли бўлиб, ижаранинг умумий қоидалари транспорт воситалари ижараси, прокат шартномаси ва молиявий ижара шартномаларига ҳам тааллуқлидир.

Фуқаролик ҳуқуқи – бу ҳар қандай ривожланган ҳуқуқ тизимининг энг муҳим таркибий қисмидир. Айни вақтда фуқаролик ҳуқуқи иборасини фуқаровийлик билан чалкаштирмаслик лозим. Шахснинг фуқаролиги – бу унинг жисмоний шахс сифатида муайян давлатга мансублиги, давлат билан шахс ўртасидаги доимий, барқарор ҳуқуқий боғланишидир. Фуқаролик ҳуқуқи эса мутлақо бошқа ва кенг маънодаги тушунчадир. Фуқаролик ҳуқуқи ибораси нинг келиб чиқиши, тарихий илдизи рим “цивил ҳуқуқи” (*jus civil*)га бориб тақалади. Қадимги Римда бу ҳуқуқ тушунчаси Римнинг тубжой фуқаролари-квиритлар (*cives*) ҳуқуқини, давлат-شاҳарлар (*civitas*) ҳуқуқини англатган. Кейинчалик Европа мамлакатлари ҳуқуқ тизимлари томонидан Рим хусусий ҳуқуқини ўзлаштириб олиш (рецензия) жараёнида бу тушунча ҳозирги замон юридик атамашунослигига кўчирилди. Шу сабабли ҳам фуқаролик ҳуқуқини баъзан цивилистика деб ҳам атайдилар. Мамлакатимиз мустақиллигининг ilk даврларида фуқаролик ҳуқуқи билан фуқаровийликни фарқлаш мақсадларида фуқаролик ҳуқуқини муомала ҳуқуқи (муомала) деб аташ ҳақида таклифлар ҳам бўлди. Бироқ бу таклифлар илмий жамоатчилик томонидан кенг кўллаб-кувватланмади ва натижада фуқаролик ҳуқуқи ибораси ўз кучида қолди.

Фуқаролик ҳуқуқини тавсифлашда хусусий ҳуқуқ ибораси ҳам кенг кўлланилади. Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар доираси – бу энг аввало, кишиларнинг хусусий манфаатлари доирасидир. Бошқача айтганда, хусусий манфаат кишиларни фуқаролик-ҳуқуқий муносабатда ҳаракатлантирувчи кучdir. Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг муайян қисми кишиларнинг ўзлари томонидан тартибга солинади, чунки ҳеч қандай норматив ҳужжат ҳаётдаги барча ҳолатларни, масалан, ўзини тутишнинг энг мақбул варианtlарини белгилаб бера олмайди. Албатта, норматив ҳужжатлар кишиларнинг ноинсоф шахсларни суистеъмолликларидан, тажковузларидан муҳофаза этиш, заиф, ожизларни ҳимоя қилишни амалга оширади. Бироқ давлатнинг хусусий манфаатлар соҳасига аралашуви ялпи, чегарасиз ва ўзбилармонлик билан амалга оширилмайди. Оммавий ҳокимият фуқароларнинг ҳар қандай манфаатларини ягона ҳақиқий ифодачиси ва ҳимоячиси бўлишга даъво қилмаслиги лозим. Хусусий манфаат эгаси ўз манфаати учун ўзи ҳаракат қилмоғи керак. Акс ҳолда яқин ўтмишдаги тарихий тажрибамиз далолат берганидай, давлатдан турли неъматларни кутувчиларга (олма пиш, оғзимга туш қабилида фикр юритувчи шахсларга) айланиб қоладилар, мустақил ва ташаббускор фаолият

юритишига бўлган қизиқишлиарини йўқо-тадилар, бу эса охир-оқибатда давлат учун ҳам, жамият учун ҳам салбий оқибатларни вужудга келтириши мумкин. Шу сабабли хусусий манфаат хусусий ҳуқук тимсолида ўз ҳуқуқий негизига эга бўлиши шарт.

Бутун дунё бўйича ҳуқуқий муносабатлар нормал хусусий-ҳуқуқий ва оммавий-ҳуқуқий тартибга солишнинг мавжудлиги ва уларнинг фарқланишига асосланиши лозим. Фуқаролик ҳуқуқи ёхуд хусусий ҳуқук Қадимги Римдан бошлаб (*jus privatum*) хусусий ҳуқуқ соҳасини англатади, унга иштирокчиларнинг юридик тенглиги ва мустақиллиги, уларнинг хусусий мулклари дахлизилиги, шартномалар эркинлиги, бузилган ҳукуқ ҳамда манфаатларнинг мустақил суд орқали ҳимоя қилиниши каби хусусиятлардир.

Албатта, инсоният цивилизацияси қадимги даврдан буён ўз ривожида бекиёс мураккаб ижтимоий жараёнларни босиб ўтди, аввал техник ва ижтимоий инқилоблар, кейин илмий ва ахборот тараққиёти туфайли тубдан янги ижтимоий феноменлар вужудга келди. Буларнинг барчаси фуқаролик (хусусий) ва оммавий ҳуқуқлар тафовутларига асосланган ҳукуқ тизимлари негизини бартараф эта олмади, уларнинг кўринишлари ўзгарди, холос.

Ҳуқуқнинг хусусий ва оммавий ҳуқуқларга кўра фарқланиши умумий сақланиб қолмоқда. Улардаги принципиал фарқлар илк бора Юстиниан Дигестларида ўз ифодасини топган эди. Қадимги Рим юристи Ульпиан оммавий ҳукуқ Рим давлат мақомини белгилайди, хусусий ҳукуқ эса алоҳида шахслар фойдасини кўзлайди, деб кўрсатган эди.

Оммавий ҳукуқ ва хусусий ҳукуқ нисбатини аниқлаш ва фарқлаш бир қарашда осон туюлса ҳам, аслида мураккаб масала ҳисобланади. Гап шундаки, хусусий ҳукуқ соҳасида ҳам қонун чиқарувчи баъзан умуммажбурий императив нормалардан фойдаланади, бу тартибга солинаётган ҳуқуқий муносабатлар қатнашчилари ташаббускорлиги ва мустақиллигини чеклайди. Масалан, фуқаролик қонунчилиги барча юридик шахсларни рўйхатдан ўтказишни, кўчмас мулк билан боғлиқ барча битимларни ҳам давлат рўйхатидаги қайд этилишини шарт қилиб қўяди. Ушбу талабга риоя қилмаслик субъект ҳаракатларини юридик жиҳатдан беоқибат бўлишига олиб келади (масалан, юридик шахс вужудга келмайди, кўчмас мулкка нисбатан ҳукуқ мавжуд бўлмайди ва х.к.). Бошқа жиҳатдан олганда ҳам, оммавий ҳукуқ соҳасида баъзан суд тартибида ҳимоя қилиш қўлланилади. Масалан, мансабдор шахсларни давлат бошқаруви ҳаракатлари ва қарорлари устидан судга шикоят бериш тартиби

мавжуд. Манфаатларни суд орқали муносабатлаштириш қилиш эса хусусий ҳукуқка кўпроқ ҳосдир.

Бироқ бундай умумийлик оммавий ҳукуқ ва хусусий ҳукуқ ўртасидаги тафовутларни бартараф этмайди, чунки ҳар иккала ҳукуқий “мажмуалар” соҳасидаги ҳукуқий муносабатлар турлича ҳукуқий режимга эгадир. Бир неча асрлар давомида ҳукуқшунос олимлар ҳар иккала ҳукуқий “мажмуалар” ўртасидаги фарқларни белгиловчи мезонларни аниқлашга урингандар. Охир-оқибатда маълум бўлдики, асосий фарқлар ҳукуқий муносабатлар табиатидан келиб чиқсан ҳолда ҳукуқни бу муносабатларга таъсир қилиш характери ва усуслари билан боғлиқ экан.

Одатда, хусусий ҳукуқда иштирокчилар эрки-иродаси автоном (мухтор) ва улар мулкий жиҳатдан мустақиллар ёки алоҳида мол-мulkка эгадирлар. Баъзан мулкий муносабатларда бундай белгилар бўлмаслиги ҳам мумкин. Масалан, солиқлар йигими ва ҳукуқбузарлик учун жарималар солиш орқали давлат бюджетини шакллантириш бўйича муносабатлар. Бундай ҳолларда тарафлар ўртасидаги муносабатда тенглик бўлмай, аксинча, бу муносабатлар ҳокимият ва бўйсунишга асосланади, бу эса ўз навбатида тарафларнинг эрк муҳториятини (ўз хоҳишига кўра иш кўришни) истисно этади. Бир томонни иккинчи томондан ҳокимият бўйича бўйсунувига асосланган бундай муносабатлар (масалан, солик муносабатлари, молия муносабатлари) маъмурий ҳукуқ, молия ҳукуқи, солик ҳукуқини ёки бошқача айтганда, оммавий ҳукуқ мажмуасининг тартибга солиш предметини ташкил этади.

Масалан, олди-сотди шартномаси бўйича сотувчи харидордан товар қийматини тўлашни талаб этса, бу талаб шартнома тузилганда харидор ўзи ушбу шартга рози эканлигига асосланади. Агарда тарафлардан бири тузилган шартномани бузса, вужудга келган низо тарафларнинг ўзаро келишви асосида ҳал этилади ёхуд низо ечимидан манфаатдор бўлмаган учинчи томон – суд томонидан ҳал этилади. Агарда шахсга тегишли пул маблағлари солик сифатида ушлаб қолинаётган бўлса, бунда шахснинг розилиги умуман талаб этилмайди, пулни олиб қўйишини учинчи тарафнинг ўзи судга мурожаат қилмаган ҳолда амалга оширишга ҳақли.

Юқорида фуқаролик (хусусий) ҳукуқий муносабатларда тарафларнинг эрк муҳторияти мавжуд эканлиги таъкидланган эди. Хусусий-ҳукуқий муносабатлар иштирокчиларининг эрк муҳторияти (эрк-иродасининг автономлиги) деганда, уларнинг мулкий муомалага киришишга нисбатан, айнан қайси контрагент билан, қандай шартлар

асосида келишишга нисбатан эркин инон-ихтиёрининг мавжудлиги ни англатади, бундай масалалар бўйича ечимлар, қарорлар иштирокчилар томонидан ўз ташаббусларига кўра, таваккал қилиш асосида ўз мулкий масъулиятини ҳис қилган ҳолда қабул қилинади. Улар ўз ҳуқуқларини амалга ошириш ёки оширмаслик, шу жумладан, суд орқали у ёки бу мулкий талаб қўйиш масаласини ҳам ўзлари ҳал этадилар.

Ниҳоят, хусусий ҳуқуқий муносабатлар иштирокчилари мулкий жиҳатдан мустақилдирлар. Умумий қоидага кўра, улар ўз мол-мулкларига нисбатан мулкдордирлар ва худди шу сабабли олинган ҳосил-даромадларни ўзлаштиради ва айни вақтда келиб чиқадиган зарарлар ҳам уларнинг зиммасига тушади. Улар ўз мол-мулклари билан ўз мажбуриятлари бўйича мулкий муомаланинг бошқа иштирокчилари олдида жавоб берадилар. Бу эса ҳақиқий жонкуяр ва ҳисоб-китобга пухта тадбиркор бўлишга ундейди ҳамда амалда шунга мажбур қиласди.

Фуқаролик (хусусий) ҳуқуқ соҳасига, шунингдек баъзи номулкий муносабатлар ҳам киради, уларнинг иштирокчилари (ушбу муносабатлар доирасида) ушбу номулкий муносабатларни амалга ошириш, расмийлаштиришда мустақилдирлар.

Хусусий ҳуқуқ тўғрисидаги таълимот нуқтаи назаридан фуқаролик ҳуқуқини фуқароларнинг, шунингдек улар томонидан ташкил этилган юридик шахсларнинг хусусий (мулкий ва номулкий) муносабатларини тартибга солувчи асосий ҳуқуқ тармоғи сифатида таърифлаш лозим бўлиб, бу ҳуқуқий муносабатлар иштирокчилар ташаббуси билан шаклланади ва уларнинг (хусусий) манфаатларини қаноатлантиришга қаратилади.

Ушбу таърифдан хусусий ҳуқуқий ва оммавий ҳуқуқий ёндашувлар ўртасидаги туб, принципиал тафовутлар яққол кўриниб турибди. Оммавий ҳуқуқий ёндашувда давлат ва жамоат (оммавий) манфаатларини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган ҳокимият – ташкилотчилар, мажбурий асослар устунлик қиласди. Хусусий-ҳуқуқий ёндашув эса, хўжалик фаолиятида ўзларининг (хусусий) манфаатларини амалга оширувчи иштирокчилар ташаббускорлиги ва мустақиллиги билан боғлиқ.

Албатта, иқтисодиётни, мулкий муносабатларни тартибга солишда ҳар бир ёндашув ўзининг афзалликларига ва нуқсонларига эга, шу сабабли ҳам уларнинг ҳеч бири ҳеч қачон “соф ҳолатда” кўлланилмайди. Масалан, фавқулодда вазиятларда, яъни уруш ҳолларида, табиий оғатларда, оммавий ҳуқуқий асосларни

кучайтирмасдан ва кенг қўлламасдан асло иложи йўқ. Бошқа томондан олганда, товарлар бозорида яккаҳокимликка (монополияга) ва фирром рақобатга қарши қураш, истеъмолчилар ҳуқуқларини химоя қилиш ва шунга ўхшаш бошқа вазиятларда хусусий-ҳуқуқий асосларни чеклашга тўғри келиши табиий. Демак, муаммо давлатнинг мулкий муомалага аралашувига йўл қўйиш ёки уни истисно этишда, тақиқлашда эмас, балки бундай аралашувни чеклаш учун қонунда унинг доираларини ва шаклларини аниқ-равshan белгилаб қўйишда намоён бўлади.

Ўзбекистонда хусусий ҳуқуқнинг вужудга келиши ва ривожланиш тарихи фуқаролик ҳуқуқининг вужудга келиши ва ривожланиш тарихи билан узвий боғлиқдир. Айни вақтда хусусий ҳуқуқ нисбатан кенгроқ тушунчадир. Шу сабабли ҳам хусусий ҳуқуқ ўз таркибига фуқаролик ҳуқуқидан ташқари халқаро хусусий ҳуқуқ, оила ҳуқуқи, меҳнат ҳуқуқини ҳам қамраб олади. Ушбу ҳуқуқий тузилмалар йиғиндиси хусусий-ҳуқуқий оилани ташкил этади, деган қарашлар мавжуд<sup>1</sup>.

Давлат бошқарувидаги муносабатлар унинг иштирокчилари-нинг эркинлиги ва мустақиллиги тамойиллари асосида ташкил этилиши мумкин эмас, чунки бу муносабатларнинг характеристи унинг қатнашчиларига марказлаштирган таъсир бўлишини ва улар муайян поғоналар бўйича бўйсуниш тартибида жойлашувини назарда тутади. Иқтисодиётда, айниқса, товарлар айирбошлиш соҳасидаги муносабатларда (яъни, бозорда) эса аксинча, унинг иштирокчиларига ташаббус ва тадбиркорлик бериш учун энг максимал даражада эркинлик яратиш зарур.

Хусусий ҳуқуқ ва оммавий ҳуқуқ ўзаро бир-бири билан боғлиқ ҳамда бир-бирига таъсир кўрсатиб туради. Бироқ, шуни таъкидлаш ўринлики, бу уларнинг бир-бирлари билан кўшилиб кетишига олиб келмайди, чунки юқорида таъкидланганидек, уларни ҳуқуқий тартиба солиш ёндашувларида туб, ўтиб бўлмас фарқлар мавжуд. Бироқ, улар ўртасидаги алоқадорлик, боғланиш ҳам доимий, барқарор характерга эга. Масалан, фуқаролик процессуал ҳуқуқи оммавий-ҳуқуқий соҳага тааллуқли бўлса ҳам, хусусий ҳуқуқий таъсиrlар остида тадбиркорлар ўртасидаги низоларни кўриш жараёнида тортишувчиликни кучайтириб юборди, низоларни ҳал этишда ҳакамлик (нодавлат) шаклларини кенг қўллашга йўл қўйила бошланди. Бироқ шунга қарамай, процессуал тартиб ўзига хос бўлган

<sup>1</sup> Гражданское право. Т.1. //Под ред. А.Е.Суханова. –М.: Бек. 1998. 8-6.

оммавий-хуқуқий хусусиятни сақлаб қолмоқда. Барча ривожланган давлатлар хуқуқ-тартиботларида хусусий хуқуқ ва оммавий хуқуқ ижтимоий муносабатларга хуқуқий таъсир этишнинг икки тури сифатида, хуқуқий тартибга солишнинг икки мустақил, алоҳида тармоқлари сифатида мавжуд.

Хусусий (фуқаролик) хуқуқни чуқурроқ англаб этиш учун унинг тушунчасига, хусусиятларига эътибор беришимиз лозим. Хусусий хуқуқ хўжаликни бозор бўйича ташкил этишга асосланган хуқуқий тартибнинг ўзаги, негизидир. Тарихий тараққиётни таҳлил этиш шуни кўрсатадики, хусусий-хуқуқий тамойиллар, масалан, мулк дахлизлиги, шартномалар, зарурат тақозосига кўра, у ёки бу чекловларга дучор бўлиб турган. Бундай чекловларнинг даражаси характеристига қараб хуқуқий тизимлар турлари ва типлари фарқланади.

Шуниси диққатга сазоворки, энг қаттиқўл ва жоҳил тузумларда ҳам энг оғир ва шафқатсиз чеклов шароитларида ҳам хусусий хуқуқ (фуқаролик хуқуқи) соҳаси ҳеч қачон йўқ бўлиб кетмаган, чунки бизга маълум бўлган барча цивилизациялар товар хўжалиги ҳамда товарлар айирбошлишсиз мавжуд бўлиши мумкин эмас, бу истисно этилади. Аслини олганда, хусусий хуқуқ, қадимги Рим даврларидан буён шахснинг «қўлини ва йўлини боғловчи» ҳар қандай маҳрумликлардан озод бўлиш, эркин мулкдорлик, шартномаларда эркинлик, васият қилишда эркинлик ва шу кабиларни муқаррар равишда талаб қилувчи эркин иқтисодий ривожланиш маҳсулидир.

Бозор иқтисодиёти шаклланиши жараёнида илгари оммавий-хуқуқий соҳага кирган муносабатларни муайян даражада тижоратлашуви рўй беради. Масалан, ерга нисбатан мутлақ давлат мулкчилигидан воз кечилган муайян ҳолларда ерга нисбатан хусусий мулкчилик жорий этиш мумкин бўлди, ерга нисбатан ижара хуқуқини гаровга қўйишга йўл қўйилди. Лекин шундай бўлса ҳам аксарият хорижий мамлакатлардан фарқли равишда Ўзбекистон Республикасида ер хуқуқи, табиий ресурсларга нисбатан хуқуқларнинг оммавий хуқуқ соҳасидан тўла чиқиб, хусусий хуқуқ соҳасига ўтиши рўй бергани йўқ. Бироқ шунга қарамай, концессия шартномалари, маҳсулот тақсимотига оид билимларни қонуний асосларга эга бўлгани ушбу соҳада ҳам хусусий хуқуқ ўз таъсирини ўтказа бошлаганидан дарак беради, деб айтиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексида никоҳ шартномаларининг мустаҳкамлаб қўйилганлиги эр-хотинга ўз мол-мулклари нинг хуқуқий режимларини ўzlари белгилашларига имкон беради,

бу эса оиласи муносабатларда хусусий ҳуқуқий асослар ўсиб боришини кўрсатади. Оила ҳуқуқида номулкий элементлар мулкий муносабатларга нисбатан устувор аҳамиятга эга, шунингдек никоҳ-оила алоқалари ихтиёрий ва тенг ҳуқуқлилик асосига қурилади, давлатнинг оиласи ишларга энг кам даражада аралашуви тамойили амал қилади (асосан, вояга етмаган болалар, меҳнатга лаёқатсиз эр-хотин манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадларида гина давлат ҳокимият ваколатларидан фойдаланади). Фуқаролик ҳуқуқи предметида кенг доирадаги номулкий муносабатлар (шаън, қадр-қиммат, ишчанлик обрўсини қўриқлаш, маънавий зиённи ундириш, хусусий ҳаёт сирларини, хусусий дахлсизликни ҳуқуқий муҳофаза қилиш ва х.к.) анъанавий равишда мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда оила ҳуқуқининг хусусий ҳуқуқий табиати тўғрисида гапириш мумкин (ушбу ҳол барча илфор ҳуқуқ тартиботига асосланган мамлакатларда истисносиз амал қилади).

Баъзи муаллифлар ҳар ҳолда узил-кесил бўлмаса ҳам меҳнат ҳуқуқини хусусий ҳуқуқий табиатга эга деб ҳисоблайдилар<sup>1</sup>. Меҳнат қонунчилигида мустаҳкамлаб қўйилган меҳнат шартномаси тўғрисидаги қоидалар меҳнат ҳуқуқи асосида ётади ва ҳозирги босқичда бу қоидалар янада ривожлантирилди. Меҳнат шартномаси ва фуқаролик шартномаси ўртасидаги умумийликни ҳам ёдда тутиш лозим.

Айни вақтда меҳнат-ҳуқуқий муносабатларини тартибга солишининг асосий йўналишини ҳали ҳам меҳнат-ҳуқуқий муносабатлар иштирокчилари учун кенг доирадаги маҳсус социал кафолатларни белгилаш ҳисобланади. Бу кафолатлар табиийки, ижтимоий оммавий-ҳуқуқий манфаатларни кўзлаб белгиланади ва оммавий-ҳуқуқий усууллар орқали таъминланади. Демак, меҳнат ҳуқуқида оммавий-ҳуқуқий асослар ҳали ҳам кучли эканлигини эътироф этмоқ лозим. Айниқса, меҳнат ҳуқуқидан ажралиб чиқсан ижтимоий таъминот ҳуқуқида бу ҳол яқъол намоён бўлади. Бу ўринда шуни ҳам унутмаслик лозимки, қитъа, Европа ҳуқуқ тизимида, энг аввало, герман шохобчасида меҳнат ҳуқуки хусусий-ҳуқуқий тузилма сифатида қаралади.

Халқаро хусусий ҳуқуқ ўзининг асосий юридик белгиси (предмети ва тартибга солиш услуби) бўйича ҳеч қачон ўзининг хусусий-ҳуқуқий табиатини йўқотмаган ( rivожланган мамлакатлар ҳуқуқий тартиботи тараққиёти нуқтаи назаридан олганда, албаттада). Бунинг устига назарий жиҳатдан олганда, у деярли доимо фуқаролик

<sup>1</sup> Гражданское право. Е.А.Суханов. –М.: Бек. 1998. 9-6.

хукуқининг таркибий қисми бўлган кичик тармоғи сифатида қараб келинган. Агар халқаро хусусий ҳукуқий нормалар анъанавий равишда амалдаги Фуқаролик кодексининг 6-бўлимида мустаҳкам ўрин олганлигини эътиборга олсак, у ҳолда халқаро хусусий ҳукуқининг хусусий ҳукуқ оиласининг аъзоси сифатидаги ўрни бўйича ҳеч қандай баҳс-мунозара бўлишига асло ўрин йўқ.

Ривожланган мамлакатлар ҳукуқ-тартиботида юридик шахслар тўғрисидаги фуқаролик-ҳукуқий нормалар негизида, одатда, тижорат юридик шахслари ҳукукий мақомини (яъни, уларнинг вужудга келиши, рўйхатдан ўтказиш тартиби, фаолиятини ташкил этиш, бошқариш, қайта ташкил этиш, тугатиш тартибини) белгиловчи нормалар корпоратив ҳукуқ ёки «компаниялар ҳукуки» тушунчасида мужассамланадиган ўзига хос кичик тармоқни ифодалайди. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида ҳам корпоратив ҳукуқ фаол шаклланиш босқичида турибди. Акциядорлик жамиятлари, тўлиқ ва коммандит ширкатлар, масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлар, хусусий корхоналар, ишлаб чиқариш кооперативлари, холдинглар – ушбу тижорат тузилмаларининг ҳар бири ҳақида маҳсус қонун ҳужжатлари қабул қилинган. Айни вақтда корпоратив ҳукуқ мустақил тармоқ бўлмай, у хусусий ҳукуқ доирасида (савдо ҳукуки алоҳида ажратиб чиқсан мамлакатларда эса унинг доирасида) мавжуд бўлишини унутмаслик лозим<sup>1</sup>.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш ўринлики, фуқаролик ҳукуки хусусий ҳукуқининг ўзагини ташкил этади. Ўзбекистон Республикаси ҳукуқ тартиботидаги хусусий ҳукуқ тизимиға бугунги кунда фуқаролик ҳукуқидан ташқари оила ҳукуки, халқаро хусусий ҳукуқ ҳам киради, деб айтиш мумкин.

#### **1.4. Ўзбекистонда фуқаролик ҳукуқининг асосий ривожланиш босқичлари**

Фуқаролик ҳукуки кишилар ўртасидаги кундалик ҳаётий эҳтиёжлар билан боғлиқ бўлган одатдаги, доимий, нормал мулкий муносабатларни, шахсий-номулкий муносабатларни тартибга солганилиги сабабли ҳам у бошқа ҳукуқ тармоқларига нисбатан қадимийроқ илдизларга эга, деб айтиш мумкин. Инсоният мавжудлиги-

<sup>1</sup> Республикаизда ҳам айрим муаллифлар юридик шахснинг айрим турлари билан боғлиқ мустақил ҳукуқ тармоқларини жорий этишини таклиф этмоқдалар. Масалан, Ж.И.Юлдашев ягона “акциядорлик ҳукуки”ни жорий этишини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди. Юлдашев Ж.И. Акциядорлик жамиятлари фуқаролик ҳукуқининг субъекти сифатида. –Т.: ТДЮИ. 2004. 6-б.

нинг энг қадимги даврларида фуқаролик ҳуқуқи кўпроқ одат ҳуқуқи меъёрлари кўринишида бўлганлигини тасаввур этиш қийин эмас. Ўзбекистон ҳудудида қадимдан истиқомат қилган аждодларимиз ўртасидаги фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг ilk босқичларини мусулмон ҳуқуқига қадар бўлган даврдан бошлаш мумкин. Ўша даврларда амал қилган ҳуқук манбалари ҳақида биз жуда ҳам кам маълумотларга эгамиз. Бироқ бизгача етиб келган тарихий манбаларга, масалан, “Авесто” китобига асосан айтиш мумкинки, молмулк, мажбурият ҳуқуқи, мерос масалаларини тартибга солишга қаратилган муайян манбалар мавжуд бўлган<sup>1</sup>.

Ўзбекистон ҳудудида VI асрлардан то XX аср бошларига қадар фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар мусулмон ҳуқуқи меъёрлари асосида тартибга солинган. Албатта, бунда мусулмон ҳуқуқининг суннийлик оқими, ханафия мазҳаби асосий ўрин эгаллаган. Мусулмон ҳуқуқи амал қилган даврларда ҳуқуқнинг асосий манбаи Қуръони Карим ҳисобланган. Қуръони Каримда мол-мулк, мерос, васийлик ва ҳомийлик, ҳадя, хайр-эҳсон, мажбурият муносабатларида аҳдга содиқлик ва шу каби масалаларни тартибга солувчи кўрсатмалар мавжуд. Қуръони Каримда тартибга солинмаган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар сунна, ижмо, қиёс орқали тартибга солинган<sup>2</sup>.

Сунна – Мұхаммад пайғамбар (с.а.в.)нинг сўзлари, кўрсатмалари, хатти-ҳаракатларидир. Улар Ҳадислар ҳам дейилади. Ҳадислар Қуръондан кейинги иккинчи муқаддас манба ҳисобланади.

Ижмо – Қуръон ва Ҳадисда аниқ кўрсатма берилмаган ҳуқуқий масалаларни ҳал этишда фақиҳлар ва мужтаҳидларнинг кўрсатмаларига асосланиб ҳукм чиқариш, яъни фатво беришdir.

Қиёс – исломда шариат манбаларидан бири бўлиб, Қуръон, Сунна, Ижмода бирор ҳуқуқий масалага аниқ жавоб топилмаганида, уни шунга ўхшаш масалага таъқослаш йўли билан ҳукм чиқаришdir.

Шуни фахр билан айтишимиз мүмкинки, мусулмон ҳуқуқини шаклланишида ва ривожланишида буюк аждодларимиз Бурҳониддин Марғиноний, Имом ал-Бухорий, Убу Исо Мұхаммад бин Исо Термизийлар мұхим роль ўйнадилар. Улар томонидан мусулмон ҳуқуқининг мұхим манбаи Ҳадислар тўпланиб, тизимга солинди,

<sup>1</sup> Бобоев Х., Ҳасанов С. Авесто-маънавиятимиз сарчашмаси. -Т.: Адолат. 2001. 52-б.

<sup>2</sup> Мусулмон ҳуқуқи манбалари ҳақида каранг: Бурҳониддин Ал-Марғиноний. Хидоя. 1 жилд. -Т.: Адолат. 2000.; Мұхтасар. -Т.: Чўлпон. 1994. Ҳадислар. 1, 2, 3, 4 томлар. -Т.: Қомуслар нашриёти 1991-1994.; Раҳмонкулов Х.Р. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг биринчи қисмига умумий тавсиф ва шархлар. -Т.: Иктисадиёт ва ҳуқук дунёси нашриёт уйи. 1997. 20-36-бетлар.

шархлар тайёрланди. Айниқса, Марғинонийнинг "Хидоя" номли кўп томли асари асрлар давомида мусулмон ҳуқуқида асосий қўлланма сифатида хизмат қилмокда.

Маълумки, XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Марказий Осиё, шу жумладан, Ўзбекистон ҳудудининг катта қисми (Бухоро амирлиги, Қўқон ва Хива хонлиги) Россия империяси томонидан босиб олинди. Шу сабабли ҳам Ўзбекистон ҳудудида ерли аҳоли учун мусулмон ҳуқуқи меъёрлари билан бирга, XIX аср охиirlари – XX аср бошларидан Россия империясининг фуқаролик қонунлари қўлланана бошланди. Бу қонунлар фақат ерли, туб жойли бўлмаган кишиларгагина қўлланган, деб ўйлаш нотўри бўлур эди. Ўша вақтларда туб жой аҳолиси ҳам компаниялар, ширкатлар, заводлар, корхоналар, банклар ташкил эта бошлаган, Россия ва бошқа хорижий тижоратчилар билан фаол муносабатга киришган<sup>1</sup>. Уларнинг қимматбаҳо қофозлар, тижорат билан боғлиқ муносабатлари бевосита Россия фуқаролик қонунлари билан тартибга солина борган. Демак, бу даврларда фуқаролик муносабатлари ўзига хос дуалистик асослар – мусулмон ҳуқуқи ва Россия империяси қонунлари билан тартибга солинган, десак бўлади.

Бундай дуалистик асослар Бухоро ва Хоразм Халқ Республикалари фуқаролик қонунларига ҳам хос бўлган. Тўғри, ушбу республикаларда ягона кодификациялашган фуқаролик қонуни бўлмаган (Хоразм Республикаси бундан мустасно. Чунки у ерда 1924 йилнинг 7 ноябрида Гражданлик кодекси қабул қилинган). Шариат, одат билан бирга, РСФСР қонунчилиги асосида ишлаб чиқилган меъёрлар ҳам амал қилган. Мулкчилик муносабатларида хусусий мулк билан бир қаторда давлат мулки, вақф мулки, турли кооперативлар мулки мавжуд бўлган. Шартномалар кўпинча оғзаки, катта суммаларда бўлса гувоҳлар иштирокида, кўчмас мулк билан боғлиқ бўлса ёзма равишда тузилган<sup>2</sup>.

Ўзбекистонда фуқаролик-ҳуқукий муносабатларни тартибга солища совет даври бир текис кечмаганлиги, зиддиятли бўлганилигини қайд этмоқ керак. 1917 йилги Октябр тўнташидан кейинги дастлабки "ҳарбий коммунизм" даврларида амалда корхоналар ўртасида пулсиз муомала – нарядлар асосида маҳсулотлар айир-

<sup>1</sup> Батафсил қаранг: И.Б. Закиров. Становление и развитие советского гражданского права в БНСР и ХНСР. -Т.: Фан. 1988. 60-65-бетлар. Юлдашев Ж.И. Акциядорлик жамиятлари фуқаролик ҳуқуқининг субъекти сифатида. -Т.: ТДЮИ 2004. 10-15-бетлар.

<sup>2</sup> Рахманкулов Х.А. Возникновение и развитие гражданского законодательства Узбекской ССР// Правоведение. 1975. №6. 66-72-бетлар.; И.Б.Закиров. Становление и развитие советского гражданского права в БНСР и ХНСР. -Т.: Фан. 1988. 60-64-бетлар.

бошлаш, карточкалар орқали истеъмол моллари тақсимоти амалга оширилган, эркин савдо тақиқланган<sup>1</sup>. Бу давр шу билан якунландики, хусусий мулкчилик ва товар-пул муносабатларига нафрат билан қараган марксистик ҳокимиият янги иқтисодий сиёsat даврига ўтишга, анъанавий фуқаролик-хуқуқий институтларидан фойдаланишга мажбур бўлди. 1922 йил 31 октябрда ВЦИК РСФСР Гражданлик кодексини қабул қилди ва у 1923 йил 1 январдан бошлаб амалга кирди. Бу кодекс кейинчалик бошқа иттифоқдош республикаларнинг, жумладан, Ўзбекистон ССРнинг ҳам гражданлик кодексига намуна бўлди<sup>2</sup>.

Туркистон АССР 1924 йил декабрь ойигача автоном республика сифатида РСФСР таркибида бўлғанлиги сабабли, РСФСР қонунлари, жумладан, юқорида айтилган Гражданлик кодекси ҳам Туркистон худудида бевосита амалда бўлди. Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси ташкил топгандан сўнг ЎзССР Революцион комитети 1924 йил 27 ноябрда қарор қабул қилиб, унда ҳокимиятнинг тегишли органлари томонидан Ўзбекистон ССР учун умумий қонунлар тасдиқлангунча унинг таркибиға кирадиган худудларда ССР Ҳукумати томонидан қабул қилинган қонунлар ва Ўзбекистон ССРнинг тегишли худудларида қўлланиб келинган маҳаллий қонунлар амалда бўлиб ҳисобланиши<sup>3</sup> белгиланди.

ЎзССР таркибиға кирган сабиқ Туркистон АССР худудида, сўнгра Марказий Осиё республикаларининг миллий давлат чегараланиши ўтказилиши муносабати билан ЎзССР таркибиға ўтган сабиқ Бухоро ва Хоразм Ҳалқ республикалари худудларида Ўзбекистон ССР Марказий Ижроя Комитетининг 1928 йил 28 январь тарихий қарорига кўра РСФСРнинг 1922 йилги Гражданлик кодекси амалда бўлиши белгиланди<sup>4</sup>. Ушбу кодексга «ЎзССР чегарасида амалда бўлган Гражданлик кодекси» ёки «ЎзССРда амалда бўлган Гражданлик кодекси» деган ном берилди. ЎзССР Марказий Ижроя Қўмитаси ва Ҳалқ Комиссарлари Кенгашининг 1929 йил 13 апрель қарорига мувофиқ эса ЎзССР чегарасида бўлган Гражданлик кодексига «Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Гражданлик кодекси» номи берилди<sup>5</sup>. Ўзбекистон худудида ҳам амал қила бошлаган

<sup>1</sup> Гражданское право. ч.1. -М.: Юр. издат. 1998. 31-б.

<sup>2</sup> Закиров И.Б. Ўзбекистон ССРнинг гражданлик ҳуқуқи. (Юридик фак. Студентлари учун дарслик). 1-қисм. (А.А.Аъзамхўжаев ва Ф.Х.Сайфуллаевлар таҳрири остида). 2-нашр. -Т.: Ўқитувчи. 1988. 18-б.

<sup>3</sup> Ўзбекистон ССР Қонунлари тўплами. -Т.: 1925. 1-сон. 2-модда.

<sup>4</sup> Закиров И.Б. Ўзбекистон ССРнинг гражданлик ҳуқуқи. (Юридик фак. Студентлари учун дарслик). 1-қисм. (А.А.Аъзамхўжаев ва Ф.Х.Сайфуллаевлар таҳрири остида). 2-нашр. -Т.: Ўқитувчи. 1988. 18-б., Закиров И.Б. Становление и развитие советского гражданского права в БНСР и ХНСР. -Т.: Фан. 1988.

<sup>5</sup> Закиров И.Б. Ўзбекистон ССРнинг Гражданлик ҳуқуқи. 2-нашр. -Т.: Ўқитувчи. 1988. 280-б.

Г'янинг матнига Ўзбекистон мустақил ўзгаришлар киритишга ҳақли эканлиги белгилаб қўйилди<sup>1</sup>. Ўзбекистон Республикасида то XX асрнинг 60-йиллари бошларигача амал қилган фуқаролик қонунчилиги ўз даври зиддиятларини мазмунида акс эттиради. Амалда фуқароларнинг ўз фуқаролик ҳуқуқларини амалга ошириш имкониятлари чегараланган, хусусий мулк, тадбиркорлик тақиқланган, ҳуқуқ меъёрларида мафкуравий ақидалар устувор ўринни эгаллаган эди. Деярли барча мол-мулк давлат қўлида тўпланган, кучли маъмурий-буйруқбозлик тизими, ҳарбийлаштирилган тартиб-интизом фуқаро-лик қонунлари таъсирини амалда заифлаштирган эди.

50-йилнинг ўрталарида СССР Гражданлик кодекси лойиҳаси ишлаб чиқилди. Бу ҳолат Иттифоқдаги республикаларнинг номига бўлса ҳам, давлат суверенитети мавжудлигини амалда йўққа чиқариб, ягона қонунни жорий этишга олиб келиши мумкин эди. Бироқ 1957 йилда СССР Конституциясига киритилган ўзгаришлар, яъни “илиқлик” (оттепель) даври бу фояни амалга оширишга тўсик бўлди.

1956-1964 йилларда фуқаролик қонунчилигини кодификациялаш бўйича цивилист олимлар ўртасида жуда катта баҳс-мунозаралар бўлиб ўтди. 1961 йилда ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикалар Гражданлик қонунчилиги асосларининг қабул қилиниши бу баҳсларга чек қўймади. Бу баҳслар остида давлатга тегишли корхоналаргина иқтисодиётда якка ҳукмронлик қилган шарт-шароитларда улар ўртасидаги муносабатларни фуқаролик қонунчилиги билан эмас, балки ҳўжалик ҳуқуқи билан тартибга солиш, ишлаб чиқариш ва айирбошлашдаги бўйсуниш (вертикал) ва шартномали (горизонтал) муносабатларни муайян маъмурий-буйруқбозлик усули билан тартибга солиш ёки фуқаролик қонунчилигини бу муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқ соҳасидаги мавқеини сақлаб қолиш ҳақидаги қарашлар ётар эди.

ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикалар Гражданлик қонунчилиги Асослари асосида ишлаб чиқилган ва 1963 йил 23 марта қабул қилинган Ўзбекистон ССРнинг Гражданлик кодекси 8 бўлим, 622 моддадан иборат бўлган. Унинг мазмунича коммунистик мафкура ақидалари сингдирилган бўлиб, бу унинг давлат мулкининг имтиёзли ҳуқуқий ҳолатидан, фуқароларнинг мулк ҳуқуқи чекланганлиги, жисмоний шахсларнинг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш имкониятлари назарда тутилмаганлиги, жуда кўп масала-

<sup>1</sup> Гражданское право. ч.1. -М.: Юр. издат. 1998. 49-6.

ларни тартибга солиш маҳкамавий ҳужоатлар ихтиёрига бериб қўйилганлиги ва шу каби ҳолатларда ўз аксини топган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигига эришган, мамлакатимизда бозор муносабатларини қарор топтириш, ҳуқуқий демократик давлатни шакллантириш бош мақсад сифатида белгилаб олинди. Амалдаги ГК эса бу вазифаларни бажара олмас эди.

Шу сабабли ҳам ўша даврдан бошлаб фуқаролик қонунчилиги ривожида янги босқич бошланди. Бу босқичнинг характерли хусусияти шундаки, бунда ГКнинг иқтисодиёт соҳасини тартибга соловчи меъёрлари амалда қўлланмай қўйилди. Уларнинг ўрнига "Мулкчилик тўғрисида"ги, "Тадбиркорлик тўғрисида"ги, "Хўжалик жамиятлари ва ширкатлари тўғрисида"ги, "Кооперация тўғрисида"ги, "Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида"ги янги қабул қилинган қонунлар ишлай бошлади. Ушбу қонунларда хусусий мулк, тадбиркорлик ўзининг ҳуқуқий асосларига эга бўлди, жамоат бирлашмалари, турли тадбиркорлик тузилмалари ташкил этишга ва фаолият юритишига кенг йўл очилди ҳамда уларни амалга ошириш кафолатлари белгилаб қўйилди. План—режанинг иқтисодиётда шартномаларга нисбатан устунлиги бекор қилинди. Юқорида санаб ўтилган қонунлар ўтиш даврида фуқаролик қонунчилигининг ўзаги-ни ташкил этди, деб айтиш мумкин. Айни вақтда эски ГКнинг айrim меъёрлари бозор муносабатлари тизимини шакллантиришга тўсқинлик қилиши мумкин эди. Бу салбий таъсирни бартараф этиш талаб этилди. 1992 йилда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилингандан кейин Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий назорат қўмитаси ГК 96-моддаси 2-қисмини, яъни давлат мулкини қонунсиз эгаллашларидан қайтариб олиш бўйича талабларга нисбатан даъво муддатини қўлламаслик ҳақидаги меъёрни, Республикаимизда барча мулк шаклларининг tengлиги ва teng ҳуқуқий ҳимоя қилиниши хусусидаги Конституциянинг 53-моддасига зид деб топди, шу сабабли ҳам у юридик кучга эга эмас, деб белгиланди. Айни вақтда ГКнинг биттадан ортиқ уй-жойга шахсий эгалик ҳуқуқининг бекор бўлиши ҳақидаги нормаси (ГК 121-модда), юридик шахслар ўртасидаги, ўзаро талабларга нисбатан қисқартирилган даъво муддати белгилаш ҳақидаги норма (ГК 84-модда)лар ҳам бекор бўлди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин фуқаролик қонунларини тубдан қайта қуриш, бозор тизими, ҳуқуқий демократик давлат талаблари, ривожланган мамлакатлар тажрибаси асоси-

да янгилаш вазифаси кўндаланг қўйилди. Фуқаролик-хуқуқий муносабатларни тартибга солишда эски ГК ўрнига оғирлик марказини ўз зиммасига олган жорий қонунларни узвий боғладиган, яхлит тизимга соладиган, улар ўртасидаги мутаносибликни таъминлайдиган янги ФК ишлаб чиқиш лозим эди. Мамлакатимизда бу борадаги саъй-ҳаракатлар 1992 йил ўрталаридан бошланди. Аввалига бу жараён республикамиз цивилист олимлари гурҳи фаолияти доирасида кечган бўлса, кейинчалик кенг миқёсларга кўчди. МДҲ давлатлари, шу жумладан, Россия, Қозоғистон, Украина, Европа мамлакатлари олимлари билан республикамиз олимлари ҳам МДҲ мамлакатлари учун ФК моделини яратишида ҳамкорлик қилишди. Бундай ҳамкорликнинг зарурати қўйидагилар билан изоҳланади:

—биринчидан, МДҲ мамлакатлари, шу жумладан, Ўзбекистон бозор муносабатлари тизимини қарор топтиришини ўз пиравард мақсадлари қилиб белгилашди. Бозор муносабатлари тизими хуқуқий асослари барча учун умумий жиҳатларга эга. Демак, ушбу умумий жиҳатларни ҳар қайси МДҲ давлати якка-якка ишлаб чиққанидан кўра, биргаликда, ҳамкорликда ишлаб чиқиши мақсадга мувоғиқ эди;

—иккинчидан, бундай ҳамкорликда, Европа мамлакатлари цивилист олимлари иштироқида ФК моделини яратиш ривожланган мамлакатлар фуқаролик қонунларининг энг илфор тажрибасидан фойдаланишга имкон берарди;

—учинчидан, ФКнинг ягона модели (намунавий андозаси) асосида МДҲ мамлакатлари ўз фикрларини ишлаб чиқаришлари бу мамлакатлар ва ривожланган мамлакатлар фуқаролик қонунларининг бир-бирларига яқинлашувига, улар ўртасида зиддиятлар ёхуд номувофиқликларни камайтиришига, охир-оқибатда ўзига хос ягона хуқуқий майдон вужудга келишига кўмаклашди. Бу эса мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий, илмий, маданий алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилди.

Ўзбекистонда янги ФКни ишлаб чиқишида, энг аввало, фуқаролик қонунчилигининг таркиби тўғрисида баҳс-муноザаралар бўлиб ўтди. Бунда, асосан, Европа мамлакатларининг баъзи олимлари Ўзбекистонда ФКдан Савдо кодексини алоҳида ажратаб чиқаришни таклиф этдилар. Хусусий хуқуқ тизимини иккига ажратадиган дуалистик тизимда фуқаролик хуқуқи ва савдо хуқуқи алоҳида алоҳида хуқуқ сифатида мавжуд бўлади ва бу қатор ривожланган мамлакатларда амал қиласи (масалан, Франция Савдо кодекси (1807й.), Германия Савдо тузуклари (1896й.), АҚШ Намунавий савдо

кодекси (1958й.). Бироқ бу нуқтаи назар Ўзбекистон Республикаси-нинг фуқаролик қонунчилигини кодификациялаштириш жараёнида сезиларли таъсир кўрсата олмади ва рад этилди. Бунинг ўзига яраша сабаблари бор эди. Биринчидан, мамлакатимизда маъмурӣ-буйруқбозлик тизими оқибатларини бартараф этиш, бозор муносабатлари тизимиға ўтиш босқичида бирданига фуқаролик қонунчилигини иккига бўлиш, уни қўллаш амалиётда жиддий қийинчиликлар, англашилмовчиликларни келтириб чиқариши, цивилист олимлар гуруҳида ихтисослашув, бўлинишга олиб келиши ва бу эса фуқаролик ҳуқуқи фани ривожига салбий таъсир кўрсатиши мумкин эди. Иккинчидан эса, ҳозир бутун дунёда фуқаролик ва савдо ҳуқуқи нормаларининг яқинлашуви, унификациялаш жараёни кетаётган бир вақтда мамлакатимизда фуқаролик ҳуқуқини иккига ажратиш дунё мамлакатларидаги фуқаролик қонунлари умумий ривожланиш ўйналишига номувофиқ бўлган бўлур эди.

Шуни таъкидлаш ўринлики, янги ФКни ишлаб чиқиш ва амалга киритиш билан фуқаролик ҳуқуқининг ривожланиш жараёни тўхтаб қолгани йўқ. Аксинча, бугун ўз ривожининг янги босқичига қадам қўймоқда. Бундаги асосий стратегик ўйналиш бозор муносабатлари тизимини мустаҳкамлаш, фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларини амалга ошириш жараёнини эркинлаштириш, шахсий ҳуқуқларни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш ва муҳофаза қилиш даражасини юқорига кўтариш ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонда фуқаролик ҳуқуқининг ривожини қўйидаги даврлар ва босқичларга бўлиш мумкин:

1.Мусулмон ҳуқуқи даври. Бу XIX асрнинг 2-ярмигача давом этган.

2.Дуалистик давр. Бу давр XIX аср охири ва XX аср бошларини ўз ичига олади. Бу даврда фуқаролик муносабатлари мусулмон ҳуқуқи нормалари билан бирга айрим соҳаларда Россия империяси қонунлари билан ҳам тартибга солинган.

3.Совет даври. Бу давр бир неча босқичларга бўлинади. Биринчи босқич 1917-1924 йилларни ўз ичига олади. Бу даврда Туркистан, шартли равишда Бухоро ва Ҳоразм Республикаларида амал қилган фуқаролик нормаларининг ўзига хослигини кўрсатиш мумкин. Иккинчи босқич 1925 йилдан то 60-йиллар бошларигача бўлган вақтни ўз ичига олади. Бунда фуқаролик қонунларининг аҳамияти, айниқса, иқтисодиёт соҳасида жуда кам бўлган. Учинчи босқич ўтган асрнинг 60-йиллар бошларидан то 80-йиллар охирига

қадар давом этган. Бу даврда маъмурӣ тизим устуворлиги шароитида фуқаролик нормалари амал қилган.

4.Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги билан фуқаролик қонунчилиги ривожида сифат жиҳатдан янги давр бошланди. Бу даврни ҳам икки босқичга бўлиш мумкин. Биринчи босқичда – 1991 йилдан 1997 йилгacha фуқаролик-хуқуқий муносабатларни тартибга солишда асосий оғирлик маркази эски ГКга эмас, ёш, мустақил давлатнинг жорий қонунлари зиммасига тушган. Янги ФК амалга киритилгандан бошлаб эса фуқаролик қонунчилиги ривожининг янги босқичи бошланди.

***Иккинчи боб***  
**ҲОЗИРГИ ЗАМОН ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИННИНГ ЎЗИГА ХОС  
ХУСУСИЯТЛАРИ**

**2.1.Ҳозирги замонда амал қилувчи асосий фуқаролик-  
ҳуқуқий тизимлар**

Ҳеч қайси мамлакат, давлат, халқ ҳозирги замон шароитларида фуқаролик ҳуқуқисиз ижтимоий муносабатларни самарали тартибга сола олмайди. Ҳатто дунёни қайси бир овлоқ чеккасида ҳали ҳам ўрмонлар, чакалакзорларда истиқомат қилувчи ёввойи қабилаларда ҳам ўзаро маҳсулотлар, буюмлар айирбошлаш, савдосотик муносабатлари энг ибтидоий кўринишларда рўй беради ва уларни тартибга солувчи одат, патриархал ҳуқуқ қоидаларининг анчагина қисми фуқаролик-ҳуқуқий характерга эга.

Ҳозирги вақтда дунёда амал қилувчи уч асосий ҳуқуқ тизимлари – қитъа ҳуқуқ тизими, умумий ҳуқуқи тизими ва мусулмон ҳуқуқи тизимида фуқаролик ҳуқуки ўзига хосликларга эга.

Албатта, фуқаролик-ҳуқуқий тизим шартлари тушунчаси аслида фуқаролик-ҳуқуқий тизим мавжуд ҳуқуқ тизимидан келиб чиқади. Шу билан бирга, мавжуд фуқаролик-ҳуқуқий тизимлар ўртасида яқинлик, ўзаро узвийлик ҳам борлигини инкор этиб бўлмайди. Бундай яқинлик, узвийлик кишилар, давлатлар ўртасидаги мустаҳкам иқтисодий, маданий алоқалар туфайли вужудга келган, ҳуқуқ тизимлари эса, бир-бирларидан андоза олишган, ўзаро бойишган.

Ҳар қандай тизим каби фуқаролик-ҳуқуқий тизимлар ҳам муайян таркибий қисмлардан иборат. Фуқаролик-ҳуқуқий тизим таркибий қисмларига ҳуқуқ манбалари, уларнинг таркиби, фуқаролик ҳуқуқининг ички тузилиши, меъёрларнинг қисмлар, бўлимлар, боблар, қўйи соҳалар, институтлар бўйича тақсиланиши, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, ҳуқуққа ва унинг амалиётига нисбатан доктриналар киради. Юқоридаги таркибий қисмлар мусулмон, қитъа (роман-герман) ва умумий (англо-америка) ҳуқуқ тизимларида яққол намоён бўлса, патриархал ҳуқуқ тизимида заиф тарзда акс этади. Қитъа ҳуқуқ тизими асосан Европа қитъаси мамлакатларини (Буюк Британиядан ташқари) қамраб олган, шунинг учун ҳам у қитъа ҳуқуқ тизими номини олган. Бундан ташқари бу тизимга Лотин Америкасининг кўп мамлакатлари, Корея, Хитой ва бошқа ривожланадиган мамлакатлар киради. Умумий ҳуқуқ тизими АҚШ, Буюк Британия, Канада, Австралия, Хиндистон, Янги Зеландияда қўлланади. Мусулмон ҳуқуқ тизими Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари – Эрон,

Саудия Арабистони, Афғонистон, Ливия, Малайзия, Йордания ва шу каби давлатларда қўлланилади. Тропик Африка мамлакатларида, Арабистон ярим оролининг шарқий қисмидаги кўчманчи қабилаларида, Жанубий Шарқий Осиёнинг миллий озчилигини ташкил этувчи халқларида патриархал ҳаёт тарзи сабабли патриархал ҳуқуқ тизими қўлланилади.

МДХ мамлакатлари, шу жумладан, Ўзбекистон фуқаролик ҳуқуқи тизими қитъа ҳуқуқ тизимига мансуб, деб ҳисоблаш жоиз.

Ҳозирги замонда барча фуқаролик ҳуқуқи тизимлари ўртасида ўзаро яқинлашув, бир-биридан андоза олиш, имплантация жараёни кечмоқда. Бу жараён асосан, иқтисодий, илмий-ижодий, маданий соҳалардаги фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи нормаларда яққол намоён бўлмоқда. Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг айрим соҳалари бўйича халқаро Конвенция, давлатлараро битимлар, Бутунжаҳон Савдо Ташкилоти, Европа иқтисодий ҳамжамияти, Бутунжаҳон Интеллектуал мулк Ташкилоти, Халқаро тадбиркорлик Палатаси ва бошқа қатор умумжаҳон, минтақавий ва давлатлараро тузилмаларнинг фаолияти бу соҳада ўзига хос туртки бермокда, уни мақсадга мувофиқ тарзда йўналтироқда. Айни вақтда айрим соҳаларда (масалан, мерос, айрим турдаги битимлар ва шу каби) бундай яқинлашув жараёни кузатилмаяпти. Шу сабабли ҳам тўрли фуқаролик ҳуқуқ тизимлари ўртасида тафовутлар яқин келажакда бартараф этилишига умид қилиш қийин.

Биз қўйида қитъа, умумий ва мусулмон фуқаролик ҳуқуқ тизимларини кўриб чиқамиз.

### **Қитъа ҳуқуқ тизими.**

Қитъа ҳуқуқ тизимининг тарихий илдизлари Рим ҳусусий ҳуқуқига бориб тақалади. Европа ҳуқуқшунос олимлари томонидан рим ҳусусий ҳуқуқи нормаларини такомиллаштириш асосида қитъа давлатларидаги миллий фуқаролик ҳуқуқи тизимлари вужудга келди. Бироқ ушбу миллий ҳуқуқ тизимларидаги қадимги Рим ҳусусий ҳуқуқининг жуда кўп тушунчалари, институтлари, иборалари ва баъзан ҳуқуқ нормаси новеллалари айнан сақланиб қолганини кўриш мумкин.

Қитъа ҳуқуқ тизимида ҳуқуқни оммавий ва ҳусусий ҳуқуқ соҳаларига ажратиш характерли белгидир. Оммавий ҳуқуқ – бу сиёсий ҳокимиятни ташкил этиш ва амалга оширишни тартибга солади, у жамият манфаатларини ифодалайди, унинг асосида давлат ҳокимияти туради. Ҳусусий ҳуқуқ – цивил ҳуқуқи (фуқаролик ҳуқуқи) алоҳида кишилар, ҳусусий шахслар манфаатларига хизмат

қиласи. Бу шахслар фуқаролик-хуқуқий муносабатларида тенг хуқуққа эгадир ва уларнинг ҳеч бири алоҳида имтиёзларга эга эмас.

Қитъа хуқуқ тизимида ҳам ягоналик, бир хиллик мавжуд эмас. Унда икки асосий йўналиш Германия ва Франция фуқаролик қонунчилиги фарқланади. Европа давлатлари ўз фуқаролик қонунчилигини шакллантирганда ушбу давлатларнинг ё униси ёки буни сидан андоза олганлар. Фуқаролик хуқуқининг роман гуруҳи асосида 1804 йилда қабул қилинган Франция фуқаролик кодекси (у Напалеон фуқаролик кодекси деган ном билан ҳам машҳур), герман гуруҳи асосида эса 1896 йилда қабул қилинган Германия фуқаролик тузуклари ётади.

Франция фуқаролик кодекси институциявий деб номланади (у Юстиниан кодификациясининг бир қисми бўлган рим хуқуқи бўйича оддий дарсликнинг институцияларидан ўзлаштирилган). Институциявий тизим фуқаролик-хуқуқий нормаларни қўйидаги қисмларга гурухлаштиради: 1) шахслар (яъни хуқуқ субъектлари); 2) ашёлар (хуқуқ обьектлари) ва ашёвий хуқуқлар; 3) даъволар ва ушбу даъволар бўйича мажбуриятлар. Кейинчалик бу тизим такомиллашуви натижасида ундан процессуал нормалар чиқарилиб, соф моддий хуқуқ нормалари қолди, умумий қоидалар ва бошқа бўлимлар билан бойитилди.

Фуқаролик хуқуқи тизимининг германия йўналиши “герман гуруҳи кодекси” деб аталади, чунки у юстинион кодификациясининг Дегест (кодекс) ларига асосланади. Унинг моҳияти шундаки, хусусий хуқуқ нормалари аввал бошданоқ моддий ва процессуал хуқуқ нормаларига бўлинади ҳамда процессуал хуқуқ нормалари алоҳида ҳолда мавжуд бўлади. Айни вақтда барча моддий хуқуқ нормалари фуқаролик хуқуқининг барча институтларига тааллуқли бўлган нормалар (улар «Умумий қисм» деб аталиб, унда хуқуқ субъектлари, хуқуқ обьектлари, хуқуқларнинг мазмуни, шу жумладан уларни амалга ошириш ва ҳимоя қилишга доир умумий қоидалар ўз аксини топган) билан алоҳида институтларга – ашёвий хукуқлар, мажбуриятлар, оила ва мерос хуқуқларига бағишланган нормалар (маҳсус қисм)га бўлинган. Фойдаланишга қулайлиги жиҳатидан ҳамда юридик техникаси нуқтаи назаридан олганда, пандект тизими институционал тизимдан афзалроқдир. Бундай қулайлик умумий ва маҳсус қисмларга бўлинишда ҳам яққол намоён бўлади (институционал тизимда эса умумий қоидалар ҳар бир институт бўйича қайта-қайта тақоррланиши мумкин). Бироқ узоқ даврлик тараққиёт давомида тизимлар ўртасида яқинлашув

жараёни кетганини ва ҳозир булар мустақил тизим сифатида хусусиятини йўқотганлигини бугунги кунда эътироф этиш мумкин. Европа мамлакатлари ўртасида фаол ҳамкорлик қучайган шартшароитларда пандект ва институцион йўналишлари ягона қитъа ҳуқуқ тизимининг таркибий қисмларига айланиб қолди.

Қитъа ҳуқуқи тизими манбалари ҳақида сўз кетганда, уни муайян ҳуқуқий таълимотлар (доктриналар), энг аввало, Рим ҳуқуқи таъсири остида ривожлангинини қайд этиш лозим. Бу ҳуқуқ тизими нормаларини шакллантиришда илмий мавҳумлаштириш, инсон ақлидрохи ва омиллар фаолияти ҳал қилувчи роль ўйнаганини таъкидлаш лозим. Кўпчилик ҳаётий воқеалар, вазиятлар ҳуқуқий таълимот орқали қараб чиқилади ва унга мослаштирилади. Қитъа ҳуқуқ тизими ёндашувининг моҳияти у ёки бу амалий ечимни топиш ва уни қиёмига етказиш эмас, балки асосийси умумий намунавий тамойилни ишлаб чиқиш, кейин унинг ёрдамида ижтимоий муносабатларни тартибга солиш ҳисобланади.

Демак, қитъа ҳуқуқ тизимида асосий манба қонунлар ҳисобланади ва улар ичida Фуқаролик кодекси марказий ўринни эгаллайди. Фуқаролик кодекси ва қонунларнинг нормалари умумийликдан хусусийликка, мавҳумлиқдан аниқликка йўналтирилади. Бунда юристнинг асосий вазифаси – муайян ҳолатни, вазиятни позитив ҳуқуқнинг у ёки бу нормаси таъсири остига тушириш ҳисобланади. Алоҳида қонунлар Фуқаролик кодексига бўйсундирилган ҳолда яратилади ва қўлланади.

Қитъа ҳуқуқ тизимида одат ҳуқуқи манбалар сифатида жуда кам аҳамиятга эга. Ҳуқуқий тартибга солишда асосий таянч маркази қонун ҳисобланади. Моҳиятан олганда, одатлар амалдаги позитив ҳуқуқни тўлдирувчи иш муомаласи одатлари кўринишида намоён бўлади.

Маълумки, қитъа ҳуқуқ тизимида прецедент ҳуқуқи мавжуд эмас. Тўғри, баъзи мамлакатларда суд амалиёти ҳуқуқ манбайи сифатида эътироф этилса ҳам, бу факат тор доирада, қонун билан тартибга солинмаган ёхуд тўлиқ тартибга солинмаган муносабатларга нисбатангина қўлланади. Айни вақтда ҳуқуқдаги камчиликларни қонунчилик ёрдамида бартараф этишнинг аниқ йўллари мавжуд, бу эса камчиликларни амалиёт орқали бартараф этишга зарурат қолдирмайди.

Қитъа ҳуқуқ тизимида шахслар тўғрисидаги нормалар икки қисмга бўлинади: 1) жисмоний шахслар тўғрисида; 2) юридик шахслар тўғрисида. Жисмоний шахсларнинг ҳуқуқ лаёқати уларнинг

хуқук ва бурчларга эга бўлиш лаёқати, муомала лаёқати, қобилияти сифатида таърифланади. Ҳуқук лаёқати барча учун тенг бўлиб, унинг мазмуни позитив ҳуқук билан белгилаб қўйилган. Инсоннинг соғлиғи ва ёшига қараб муомала лаёқатининг бир қанча даражалари белгиланган. Муомала лаёқатининг ҳажми позитив ҳуқук билан белгиланади.

Қитъа ҳуқуқида юридик шахслар ҳақида батафсил ишлаб чиқилган таълимот (доктрина) мавжуд. Юридик шахс ўзига хос мавҳумлаштирилган тоифа (категория) бўлиб, юридик шахсларнинг эҳтимол тутилган, мумкин бўлган барча турларини қамраб олади. Юридик шахсларнинг моҳияти ва белгиларига (улар қонунларда белгилаб қўйилган), шунингдек уларни таснифлаш – туркумлашга алоҳида аҳамият берилади. Ушбу турлар рўйхати қатъий тизимга солинган. Юридик шахсларни вужудга келтириш, қайта ташкил этиш ва тугатишнинг барчаси учун умумий бўлган қоидалари белгилаб қўйилган. Юридик шахсларнинг вужудга келиши, ўзгариши ва бекор бўлиши норматив-мурожаат тартибида амалга оширилади ва давлат рўйхатидан ўтказилади. Тижорат юридик шахсларни умумий (универсал) ҳуқук лаёқатига эга. Нотижорат юридик шахслар учун маҳсус ҳуқук лаёқати белгиланган. Барча юридик шахслар уюшмалар ва муассасаларга бўлинади. Уюшмалар (корпорациялар) турли жамиятлар ва ширкатларга – тўлиқ ширкат (баъзи мамлакатларда тўлиқ ширкат юридик шахс ҳисобланмайди), коммандит ширкати, масъулияти чекланган жамият, акциядорлик жамиятларига бўлинади. Ширкатларнинг (жамиятларнинг) турларга бўлиниши асосида уларнинг иштирокчиларини корпорация мажбуриятлари учун жавобгарлик характеристи асосий мезон бўлиб ҳисобланади. Тўлиқ ширкатда барча иштирокчилар ўзларининг барча мол-мулклари билан солидар жавоб берадилар. Коммандит ширкатда эса бир хил иштирокчилар (коммандитчилар) устав фондига қўшган улушлари ҳажмида, бошқалар, яъни тўлиқ аъзолар (комплементарлар) ўзларининг барча мол-мулклари билан солидар жавоб берадилар. Ширкат аъзоларидан фарқли равишда жамият аъзоларининг жавобгарлиги уларнинг устав фонdlарига киритилган улушлар билан чекланади. Масъулияти чекланган жамият билан акциядорлик жамиятлари ўртасидаги фарқ уларнинг иштирокчиларига улушлар (хиссалар, пайлар) ёки қимматбаҳо қофоз сифатидаги акциялар тегишли бўлишида намоён бўлади. Корпорациялар ташкил этишда қитъа қонунчилиги бошланғич устав капитали ҳажми ва шакллантириш тартибига нисбатан жуда қаттиқ талаблар қўяди.

Муассасаларда эса муассис ўз мол-мулкидан муассаса учун алоҳида ажратиб, биринчириб қўяди, муассаса маъмурияти муассасаса мақсадларини амалга оширишда ушбу мол-мулкни бошқаради. Одатда, муассаса унинг мол-мулкининг мулқдори, аъзолари ва бошқарувчилари бўлмаган шахсларнинг манфаатлари учун фаолият юритади. Бу шахслар дестинаторлар деб аталади. Давлат ғазнаси (фиск), давлат корхоналари ва бошқа муассасалар, диний ташкилотлар ва хайрия жамғармалари (фондлари) муассаса қўринишида намоён бўлади.

**Ашёвий ҳуқуқлар.** Қитъа ҳуқуқ тизимида ашёвий ҳуқуқлар туркуми мавжуд. Бу ҳуқуқнинг моҳияти ашёнинг шахс билан боғлиқлигига ётади, шахснинг шахслар билан боғлиқлигига эмас. Ашёвий ҳуқуқларнинг алоҳида турлари мавжуд бўлиши билан бирга, барча ашёвий ҳуқуқлар учун умумий қоидалар ҳам мавжуд.

Ашёвий ҳуқуқлар шахснинг ўз ашёларига бўлган ҳуқуқларига (булар жумласига мулк ҳуқуқи ҳам киради) ва шахснинг ўзгалар ашёларига бўлган ҳуқуқларига (булар жумласига сервитутлар, эмфитеузис, гаров, қурилиш қилиш ҳуқуқи ва шу кабилар киради) бўлинади. Ўзгалар ашёларига бўлган ҳуқуқлар бегонанинг мол-мулкига бўлган таъсирнинг үсуллари, ҳажмлари, куввати ва бошқа жиҳатлари бўйича фарқланади. Ўзгалар ашёларига бўлган ҳуқуқлар мулқдорга бурчлар юклагани сабабли ашёвий ҳуқуқлар доираси катъий белгилаб қўйилган (*numenis clausus*). Бу эса рўйхатдан ташқари ўзбошимчалик билан ашёвий ҳуқуқлар вужудга келмаслигини билдиради. Ҳар қандай ҳолда ҳам ашёвий ҳуқуқ мазмуни позитив ҳуқуқ билан белгиланади.

Ашёвий ҳуқуқларнинг алоҳида турлари билан бирга эгаллаш шахсни ашё билан боғланганлиги фактик ҳолати (шахсни ашё устидан ҳукмронлиги) эканлигига катта эътибор қаратилади. Қитъа ҳуқуқи доирасида эгаллаш маҳсус эгалик қилишни таъминлаш даъволари билан ҳимоя қилинади, муайян мезонларга жавоб берадиган эгалик қилиш бузилганда, ҳуқуқбўзарни айбидан қатъи назар бундай даъволарни қўллаш мумкин.

Табиийки, мулк ҳуқуқи асосий ашёвий ҳуқуқ бўлиб ҳисобланади. Ашёвий ҳуқуқ нормаларининг асосий қисми унга бағишланган. Ҳар бир мамлакатда мулк ҳуқуқининг мазмуни ўзига хос бўлишига қарамасдан, уларнинг барчаси учун умумий бўлган жиҳатлар ҳам мавжуд.

Қитъа ҳуқуқ тизимида мулк ҳуқуқини талқин этишда Рим анъаналарига ва энг аввало, «бир ашёга нисбатан иккита тўлиқ

мулк ҳуқуқи бўлиши мумкин эмас» деган асосий тамойилдан келиб чиқилади. Мулк ҳуқуқи ягона ва бўлинмасдир. Бўлинган ёки иккиланган мулк бўлиши мумкин эмас. Мулк ҳуқуқини ушбу доирасига сифмайдиган ҳаётий вазиятларнинг хусусиятлари ё ўзгалар мулкига бўлган ҳуқуқларда ёки у ёки бу объектга нисбатан у ёки бу субъектнинг мулк ҳуқуқининг ўзига хосликларини белгилаб қўйишда ифодаланиши мумкин. Гарчи кейинги вақтларда қитъа ҳуқуқи томонидан англо-америка ҳуқуқининг мутлақо қарама-қарши тамойилларидан (масалан, траст ёки ишониб топширилган мулк) келиб чиқувчи конструкциялар ўзлаштирилаётган бўлса ҳам, бироқ улар ўрнашиб қолган анъаналарни бузмаган ҳолда мослаштирилмоқда (масалан, ишониб топширилган мулк ўрнига ўзганинг мол-мулкини ишончли бошқариш белгиланган).

Қитъа ҳуқуқ тизими амал қилаётган тамойиллардан яна бири – бу мулк ҳуқуқининг энг тўлақонлиги тамойилидир (*plena in re potestas*). Европа мамлакатларининг қонунчилигига мулк ҳуқуқининг таркибий қисмлари (мулкдор ваколатлари – эгаллаш, тасарруф этиш, даромад олиш ҳуқуқи ва шу кабилар) турлича ифодаланилади, баъзан эса ҳатто ғаройиб ваколат ҳам (масалан, мол-мулкни йўқ қилиб ташлаш ҳуқуқи) белгилаб қўйилган. Бироқ айни вақтда ушбу ваколатлар билан мулк ҳуқуқи мазмуни чегараланмаслиги, бу ваколатлар «энг мутлақ тарзда», «мулкдорнинг хоҳишига кўра», «мустақил тарзда» амалга оширилиши белгилаб қўйилган. Худди шу билан мулк ҳуқуқининг маҳсус характеристи, унинг бошқа ҳуқуқлардан фарқи, уни бошқа ашёвий ёхуд мажбурият ҳуқуқи билан таққосланганда мазмунан ҳар доим кенг ва мустақил эканлиги таъкидланади.

Ўзгалар мулкига бўлган ҳуқуқлар (*iura in re aliena*) ҳам ниҳоятда турлича ва хилма-хил, бироқ бу ҳуқуқлар таъсиридаги ашёнинг мулкдори мавжудлиги уларни ягона гурӯхга бирлаштириб туради. Умумий қоидага кўра, мулкдор унинг ашёсига нисбатан таъсириларга тоқат қилиши лозим, бироқ сўнгги вақтларда шундай ашёвий ҳуқуқлар ҳам вужудга келмоқдаки, унинг асосида мулкдор у ёки бу фаол ҳаракатларни содир этиши лозим. Мулкдорнинг қайси ваколатлари чекланганлигига қараб ашёвий ҳуқуқ эгаларига ўзгалар ашёсига нисбатан берилган имкониятлар бўйича ашёвий ҳуқуқлар қўйидаги турларга бўлинади: 1) фақат фойдаланиш ҳуқуқи (сервитут); 2) фақат тасарруф этиш (гаров ҳуқуқи); 3) эгаллаш ва фойдаланиш (масалан, уй-жойларни ва ер участкаларнинг баъзи ижарачилари); 4) эгаллаш, фойдаланиш ва чекланган доираларда тасарруф этиш (эмфитеувис – ишончли

бошқариш) ўртасидаги ҳар қандай хусусий ҳуқуқий муносабатларга мүлжалланган универсал конструкция бўлган мажбурият (*obligatio*) марказий ўринни эгаллади. Мажбурият ҳуқуки шахслар ўртасидаги муносабатларни тартибга солишга мүлжалланган ҳуқук нормалари тизимидан иборат. Мажбурият доирасида бир шахсга бошқа шахсдан (*iug in personal*) қандайдир ҳаракатларни содир этиш (тақдим этиш) ёки муайян ҳаракатларни содир этишдан сақланишни талаб қилиш ҳуқуки тегишли бўлади. Мажбурият тарафлари бўлиб кредитор (талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлган шахс) ва қарздор (зиммасига бурч, мажбурият юклатилган шахс) ҳисобланади, мажбурият предмети фуқаролик ҳуқуқининг ҳар қандай обьекти бўла олади, мажбуриятнинг мазмунини тарафларнинг ҳуқук ва мажбуриятлари ташкил этади. Бунда мажбурият мазмуни нафақат позитив ҳуқуқка, балки тарафларнинг эрки, иродасига ҳам боғлиқ бўлади.

Мажбурият ҳуқуқининг ғоят кенг ривожланган умумий қисми мавжуд бўлиб, унда барча турдаги мажбуриятларга қўлланадиган нормалар мужассамланган. Мажбурият ҳуқуқининг маҳсус қисми мажбуриятларнинг алоҳида турларига бағишиланади.

Мажбуриятлар, энг аввало, уларнинг келиб чиқиши асослари бўйича туркумланади. Мажбуриятлар вужудга келишининг бир қанча бош асослари фарқланади – шартнома, бир томонлама битим, зарар етказиш (деликт), топшириқсиз бошқаларнинг ишларини юритиш, асоссиз бойиш ва қонун.

Шартнома икки ва ундан ортиқ шахсларнинг ўзаро ҳуқук ҳамда мажбуриятларини белгиловчи келишуви сифатида тан олинади. Шартнома тузилгандан кейин қатъий бажарилиши лозим (*pacta sunt sertsonda*), унинг ижроси мажбурийлиги таъминланади.

Жабрланувчининг шахсига ёхуд мол-мулкига қандайдир муайян шартнома билан боғлиқ бўлмаган ҳолда зиён етказиш деликт ҳисобланади.

Шартномани бузгани учун ва деликт учун жавобгарлик айблилик тамойили асосида белгиланади, айни вақтда зарар етказувчининг айборлиги презумпцияси белгилаб қўйилган. Бироқ бу умумий тамойилдан истиснолар ҳам мавжуд.

Шартномалар, энг аввало, ижтимоий-иктисодий мазмуни бўйича турларга бўлинади – мол-мулкни мулк сифатида топшириш, фойдаланишга топширилган шартномалар, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги шартномалар ва ҳ.к. Шартнома ҳуқуқида

шартномаларнинг барча турлари учун қўлланиладиган умумий қоидалар ҳам мавжуд.

Деликтлар бош ва маҳсус деликтларга бўлинади. Бош деликт стандарт қоидаларга киритилган ҳар қандай зиённи қоплаш учун асос бўладиган умумий қоидалардан иборат. Маҳсус деликтлар зиёnnинг алоҳида характеристи (мулкий зиён, маънавий зиён, шахсга етказилган зиён, соғлиққа етказилган зиён), зарар етказиш манбай (оширилган хавф манбай), айби (айбли ёхуд айбиз жавобгарлик), зарар етказувчининг шахси (масалан, ёлланма ходим, давлат хизматчиси) ва бошқа ҳолатлар бўйича ўз хусусиятига эга.

Мутлақ ҳуқуқлар (интеллектуал мулк) инсон тафаккури, ижодий фаолият натижалари қатор ҳалқаро конвенциялар – муаллифлик ҳуқуқига бағишлиган Берн ва Женева, патент тартиби солувчи Париж ва бошқа ҳалқаро конвенциялар асосида яратилган, ривожланган қонунчилиқда мустаҳкамлаб қўйилган. Шу сабабли ҳам, бу масалада қитъа ёки англо-америка ҳуқуқ тизими билан боғлиқ ўзига хос хослик мавжуд эмас. Ҳар иккала тизимга кирувчи мамлакатлар қонунчилиги бир аср мобайнида юқорида кўрсатилган конвенциялар асосида бир хилдаги моделлар (қолиплар, андозалар) асосида таркиб топди.

Ушбу институтлар доирасида мавжуд бўлган тушунчалар ўртасидагина айрим жузъий фарқлар мавжуд. Қитъа ҳуқуқ тизимида одатда, муаллифлик ёки патент ҳуқуқлари тушунчаларидан фойдаланилади, баъзан улар «мутлақ ҳуқуқлар» номи билан умумлаштирилади. Англо-америка ҳуқуқида эса адабий (бадиий) ва саноат мулки деган иборалар қўлланади, интеллектуал мулк тушунчаси уларни бирлаштирувчи ибора ҳисобланади. Бундай талқин мулк тушунчаси доирасини кенгайтиришга мойил бўлган мавжуд доктрина мос келади. Шуни ҳам эътироф этиш ўринлики, бундай ибораларни қўллаш ҳалқаро конвенцияларда ҳам, қитъа ҳуқуқ тизимининг баъзи мамлакатларида (масалан, Францияда) ҳам русм бўлган. Бироқ бундай ҳолда ҳам «мулк» атамасидан шартли равища фойдаланилади (бундай ҳуқуқларнинг химояси мутлақ эканлигини таъкидлаш маъносида).

Қитъа ҳуқуқи ва англо-америка ҳуқуқ тизимларининг оила ҳуқуқи бир-биридан кам фарқ қиласи, шу сабабли бу ҳақда алоҳида тўхталиш мақсадга мувофиқ эмас.

**Ворислик ҳуқуқи.** Марҳум мол-мулкининг меросхўрларига ўтишини тартибга солувчи нормалар тизимида ворислик ҳуқуқи дейилади. Ворислик бу универсал ҳуқуқий ворислик бўлиб, унинг

доирасида мерос қолдирувчидан ворисларга барча мол-мулклар, чунончи активи (хукуқлари) ва пассиви (бурчлари) ҳам ўтади. Айни вақтда мол-мулкни мерос бўйича ўтказишнинг шундай шакли ҳам мавжудки, бунда мол-мулкни олувчи мерос қолдирувчининг қарзлари учун жавобгарлиқдан озод бўлади (vasият мажбурияти ёхуд легат). Одатда, легат мерос қолдирувчига мажбуриятлари бўйича эмас, фақат хукуқлари бўйича сингуляр (қисман) хукукий ворисликни билдиради.

Васият бўйича ва қонун бўйича ворислик фарқланади. Васият бўйича ворислиқда мерос васиятда кўрсатилган шахсларга ўтади. Васиятнома турли шаклларда тузилиши мумкин – мерос қолдирувчини ўз кўли билан ёзилган ёзма васиятнома, давлат мансабдор шахси (нотариус) хузурида (иштирокида) тантанали равишда зълон қилган васиятнома, гувоҳлар хузурида сақлаш учун қонун бўйича ворислиқда меросхўрларнинг муайян навбати белгиланади (разрядлар, поротеллар), демак, мерос қолдирувчига яқинроқ бўлган ворислар навбати мавжуд бўлганда, қолган меросхўрлар меросга чақирилмайди.

### **Англо-америка ҳукуқ тизими.**

**Англо-америка ҳукуқ тизими умумий тавсифномаси.** Ушбу ҳукуқ тизими негизида умумий ҳукуқ (common lawe) ётади, умумий ҳукуқ Буюк Британияда қироллик судлари фаолияти натижасида вужудга келиб, бунда қироллик судлари учун мажбурий бўлган. Судлар томонидан янгидан янги қарорлар қабул қилиш асосида олдин умумий ҳукуқнинг ривожланиши таъминланади, унинг ривожи тўхтагач эса, канцлер суди фаолияти натижасида таркиб топган адолат ҳукуқи (equity) ривожи таъминланди. Бундай дуализм Рим хусусий ҳукуқи доирасидаги цивил ва претор ҳукуклари дуализмига ўхшайди. Кейинчалик умумий ҳукуқ ва адолат ҳукуқи йиғиндисидан прецендент ҳукуқи вужудга келди ва унга парламент томонидан қабул қилинадиган статут ҳукуқи (statute law) кўшилди. Бироқ прецендент ҳукуқи статут ҳукуқига нисбатан мустақил ривожланишга эга бўлди ва ҳатто бутунлай статут ҳукуқининг ҳам қўлланиш тартибини белгилай бошлади.

Худди шундай кўринишдаги инглиз ҳукуқи Буюк Британия колонияларига – АҚШ, Канада, Австралия, Янги Зелландияга, бошқа мамлакатларга ҳам ўтказилди ва бу мамлакатларда модификациялаштирилди. Инглиз ҳукуқи АҚШда энг кўп дараҷада ўзгаришларга дучор бўлди. Шу сабабли ҳам у англо-америка ҳукуқи тизими деган номни олди. Бу ўзгаришлар энг аввало, АҚШнинг федератив тузи-

лиши билан боғлиқ. АҚШ таркибиға киравчы штатлар фуқаролик қонунчилигини яратиш соҳасида катта мустақилликка эга бўлганлар ва ҳозир ҳам эгалар. Шу сабабли штатларнинг қонун ижодкорлиги фаолиятини унификациялаш (бирхиллаштириш) учун Федерация даражасида тўлақонли қонунлар қабул қилингандан ёхуд тавсиявий (моделлаштирилган) намунавий кодификациялар яратилган. Бироқ АҚШ ҳуқуқи ўз хусусиятларига эга бўлишига қарамасдан инглиз ҳуқуқи билан ягона тизимни ташкил этади.

**Ҳуқуқ манбалари.** Инглиз-америка тизимида манбаларнинг умумий доираси бир хил – қонунлар, суд амалиёти, одатлар бўлса ҳам, уларнинг нисбати ўзгариб туради.

Гарчи кейинги вақтларда қонунлар кўпроқ қабул қилинаётганига қарамасдан, улар инглиз-америка ҳуқуқ тизимида қитъя ҳуқуқ тизимида гидек роль ўйнамайди. Бу ўринда шуни таъкидлаш лозими, фуқаролик қонунчилигини кодификациялаштирилган ҳужжатлари – кодекслар мавжуд эмас. Қонунлар фуқаролик ҳуқуқининг алоҳида институтлари – юридик шахслар, мулк ҳуқуқи, олди-сотди ва шу кабиларга нисбатан, яъни улар тўғрисида қабул қилингандан, лекин улар тизимга солинмаган. Фақат у ёки бу даражада тизимга солингандан ҳужжатлар мавжуд, бироқ барибир улар фуқаролик ҳуқуқининг айрим институтларига тааллуқли холос (масалан, АҚШнинг Намунавий Савдо кодекси).

Фуқаролик ҳуқуқи мазмунини белгилашда прецедент ҳуқуқи шаклида намоён бўладиган суд амалиёти ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Прецедент ҳуқуқи – юқори суд инстанциялари ҳал қилув қарорлари йиғиндинсинг тизимлаштирилган доктринаси бўлиб, улар худди шундай ўхшаш ишларда қўлланиши лозим бўлади. Шундай қилиб, прецедентлар ҳуқуқ манбаи бўлиб қолади. Суд ҳал қилув қарорларини ўзгартириб боради. Ҳуқуқ фойдали анъаналарини сақлаган ҳолда аста-секин ривожланади. Чунки ишни ҳал этишда қўлланиши мумкин бўлган манбалар доираси ҳаддан ташқари кенг ва катта ҳажмли бўлади. Бироқ илмий-техника тараққиёти бу борада ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда. Ҳозирги вақтда машинали ўқила-диган прецедентлар тўпламлари мавжуд бўлиб, бу эса улардан фойдаланишни анча енгиллаштиради.

Одатларда ҳам, айниқса, янги прецедентларни шакллантиришда етарли даражада катта эътибор берилади. Иш муомаласи одатларига келганда шуни қайд этиш ўринлики, АҚШда уларнинг аҳамияти етарли даражада катта, бунда улар хусусий характердаги тавсиявий ҳужжатлар асосини ташкил этади (шартнома ҳуқуқи,

агентлар, ишониб қўйилган мулк ва шу кабиларга бағишлиланган), улар алоҳида штатлар учун модель вазифасини ўтайди.

Инглиз-америка доктринаси прецедент ҳуқуқининг ҳал қилувчи таъсири остида ривожланмоқда. Агарда қитъа юристи учун амалиёт эҳтиёжларига унчалик тўғри бўлмаса ҳам минтақавий ва қатъий тизимли нормалар яратиш ҳисобланади, инглиз-америка тизими юристи эса амалиётнинг ҳар бир сўқмоғи бўйича боришга тайёр. Доктрина алоҳида прецедентларни умумлаштириш йўли билан қаzuистик равишда ривожланади. Қайси усул яхши эканлигини айтиш қийин. Ҳозирги босқичда бу ҳуқуқий тизимларнинг яқинлашуви рўй бераётгани тасодифий эмас, бу Европа ҳамжамияти мисолида яққол намоён бўлмоқда.

**Шахслар.** Инглиз-америка ҳуқуқида ҳам шахслар ҳақидаги қоидалар жисмоний ва юридик шахсларга бағишлиланган нормаларга бўлинади. Шахсларнинг ҳуқуқ субъектлигини тартибга солиш позитив ҳуқуқда унчалик аниқ эмас. Асосий эътибор ҳуқуқ субъектлигини амалиётда эҳтиёж сезилган таркибий қисмлари мазмунига қаратилади.

Ҳуқуқ лаёқати ва муомала лаёқатини фарқлаш амалга оширилмайди. Унинг ўрнига ҳуқуқ субъектлигининг ягона тушунчаси (legal capacity) амал қиади. Тўғри, амалиётда пассив ва актив мусмала лаёқати мавжуд. Бошқача айтганда, ҳуқуқий ҳаракатларни мустақил содир этиш лаёқати сифатида талқин этилади. Ҳуқуқ субъектлиги формал жиҳатдан тенг ҳисобланиб, умумий қоидага кўра шахс туғилиши билан бошланиб, ўлими билан тугайди. Инглиз-америка ҳуқуқ тизимида шахсни бедарак йўқолган деб топиш ва ўлган деб эълон қилиш мустақил ҳуқуқий институтлар сифатида мавжуд эмас.

Юридик шахсларга келганда шуни таъкидлаш ўринлики, уларнинг моҳияти етарли ишланмаган. Универсал категориядаги юридик шахслар ўрнига юридик шахсларнинг икки асосий тури, ширкатлар (partnerships) ва компаниялар (Буюк Британияда) ёки корпорациялар (АҚШда, Буюк Британияда оммавий корпорациялар) мавжуд. Ширкатларнинг бир неча тури бўлиб, улар асосан бир-биридан ширкат мажбуриятлари, қарзлари бўйича, шерикларнинг (иштирокчиларнинг) жавобгарлик белгилари бўйича фарқланади. Тўлиқ ширкатлар юридик шахс ҳисобланмайди. Ширкатларнинг турларидан бири коммандит (limited partnerships) ширкат юридик шахс ҳисобланади.

Бироқ юридик шахслар тўғрисидаги асосий нормалар компаниялар (корпорация)ларга бағишлиланган ҳужжатларда ўз аксини

топганини қайд этиш лозим. Қитъа ҳуқук тизимида бундай юридик шахсларнинг ўхшашлари бўлиб масъулияти чекланган жамият, акциядорлик жамиятлари ҳисобланади. Бироқ компаниялар ҳам, корпорациялар ҳам уларнинг иштирокчиларига қандай ҳисса (улуш) ёки акциялар тегишли бўлишига қараб фарқланмайди. Улар ягона атама – shares билан алмаштирилади. Корпорацияларни ташкил этишда дастлабки устав капиталини шакллантиришга қитъа ҳуқук тизимидағи каби аҳамият берилмайди. Формал жиҳатдан ҳалига қадар юридик шахсларнинг ҳуқуқий лаёқати умумийлиги эътироф этилмаган. Юридик шахсларнинг маҳсус ҳуқук лаёқати тўғрисидаги нормалар (*ultra vires* доктринаси) ҳозирча бекор қилинмаган, бироқ амалиётда унинг аҳамияти тобора пасайиб бормоқда. Инглиз-америка ҳуқуқида мулкдор томонидан ташкил этиладиган муассаса каби юридик шахс тури мавжуд эмас. Корпорациялар (улар фойда, даромад олиш мақсадисиз ҳам ташкил этилиши мумкин) ёхуд ишонилган мулкдорлар (мол-мулкни ишончли бошқарувчилар) унинг ўрнини босади.

Мулк (property, ownership). Бу инглиз-америка ҳуқуқининг энг асосий, мухим тушунчаларидан биридир. Шахсларнинг ашёга нисбатан муносабатларини тартибга солишга қаратилган нормалар тизими сифатида ашёвий ҳуқук мавжуд эмас. «Ашёвий ҳуқук» ўрнини «мулк» категорияси эгаллайди. Мулкдорнинг ўзининг ашёлари ва ўзганинг ашёсига нисбатан ҳуқуқлари ҳам мулк ҳуқуқи таркибига киради. Қитъа ҳуқук тизими бўйича кўчмас мулк ҳам ўз ашёсига нисбатан бўлган ҳуқук ҳисобланмайди, чунки ерни олий мулкдори бўлиб давлат (тождор) ҳисобланади. Щу маънода олганда ернинг ҳар бир эгаси мулкдор эмас. Амалиётда эса бундай эмас, чунки «тождор»нинг ваколатлари номига холос.

Инглиз-америка ҳуқуқида мулкни талқин этишнинг асосий белгиси бўлинган (иккиланган) мулкни мавжудлигига йўл қўйиш ҳисобланади. «Бир ашёга – бир мулк ҳуқуқи» тамойили бу ўринда амал қилмайди. Бунинг ўрнига бир неча шахсларни бир ашёга нисбатан мулк ҳуқуқини мазмуни ва миқдори иштирокчиларни келишуви (эрки, иродаси) орқали белгиланиш тамойили белгиланган. Қитъа ҳуқуқида эса ашёвий ҳуқуқлар турлари ва мазмуни объектив ҳуқуқда қайд этиб қўйилган бўлиб, бу эса ҳар иккала ҳуқук тизими ўртасидаги фарқни яққол кўрсатади.

Мулк ҳуқуқини бўлиш нафақат горизонтал ҳолатда – маконда, балки вертикал ҳолатда – замонда ҳам йўл қўйилади. Масалан, бир мулкдор ер участкасини ижарага беришдан даромад олиш ҳуқуқига

эга бўлса, бошқаси ундан фойдаланишдан даромад олиш ҳуқуқига эга. Қандайдир ашё бир мулқдорга умрбод берилиши мумкин, у вафот этгандан кейингина бошқа мулқдорга берилиши мумкин, ҳар иккала ҳолатда ҳам ҳозирги ва келгуси мулқдорлар ўртасида тақсимланадиган мулк ҳуқуқи тўғрисида гап боради. Демак, ушбу турлича мулк ҳуқуқининг мазмуни дастлабки мулқдор эрки ёки мулқдорлар келишуви бўйича белгиланади.

Мулк (property) жуда ҳам кенг маънода талқин этилади. Ань-анавий ҳуқуқлардан ташқари унга баъзи талаб қилиш ҳуқуқларини (масалан, пенсиялар, нафақалар, алиментларга ва ш.к. бўлган ҳуқуқлар), мутлақ ҳуқуқлар айниқса, улар бегоналаштирилиши мумкин бўлса (интеллектуал мулк) ҳам киритилади. Бу ўринда фикр юритиш қўйидаги мантиқий ҳолатлар билан боғлиқ: агарда ҳуқук бегоналаштирилиши мумкин бўлса, гарчи ўзига хос хусусиятли бўлса ҳам, ашё ҳисобланади, демак, мулк объекти бўлиши мумкин.

Инглиз-америка ҳуқуқ тизимидағи мулк талқинини юкорида кўрсатилган хусусиятлари ишонилган мулқда (trust) яққол намоён бўлади. Ишонилган мулкнинг моҳияти шундан иборатки, траст муассиси – дастлабки мулқдор (setilor) ашёни ишонилган мулқдор (trustee) бошқарувига топширади, ишончли бошқарувчи бу мулқдан фойдаланиш натижасида олинган ашёлар ёхуд даромадларни манфаат кўрувчига (beneficiary) топшириши лозим. Манфаат кўрувчи сифатида траст муассиси ҳам учинчи шахслар (кенг маънодаги омма, оломон ҳам) бўлиши мумкин. Ишонилган мулқдор ҳам, манфаат кўрувчи ҳам мулқдорлар ҳисобланади, бироқ уларнинг ҳуқуқлари ҳажман фарқ қиласди, ишонилган мулқдор ўзига топширилган мол-мulkни бошқаришни (фойдаланиш) амалга оширса, манфаат кўрувчи даромад олишга ва ашёни қайтариб олишга бўлган ҳуқуқларга эга бўлади. Ҳар бир мулқдорнинг ҳуқуқлари ҳажми траст қандай шартларда таъсис этилганига қараб (у қонунда, шартномада ёхуд бир томонлама битимда белгилаб қўйилиши мумкин) ўзгариши мумкин. Масалан, ишонилган мулқдорга манфаат кўрувчига даромаддан улуш ажратиш ёки ажратмаслик ҳуқуқи берилиши мумкин. Айни вақтда шундай ишонилган мулк бўлиши ҳам мумкинки, унинг доирасида ҳар қандай вақтда бу ҳуқуқни тугатиш ва ашёни ўзига қайтариб олиши мумкин. Бинобарин, трастнинг бундай «резина» конструкцияси турлича шаклларга киритилиши ва модификациялаштирилиши мумкин. Шу сабабли ҳам уни энг кутилмаган вазиятларда – асоссиз бойиш ҳолларида, компания ва унинг директорлари, принципал ва агенти ўртасидаги, ворислик ва шу каби

муносабатларда қўллайдилар. Бироқ унинг энг асосий тайинланиш, вазифаси – ўз мол-мулкини бошқаришни хоҳламайдиган ёхуд унга қодир бўлмаган шахслар мол-мулкини бошқалар томонидан самарали бошқаришни таъминлаш ҳисобланади. Худди шу маънода ва худди шу сабабларга кўра ҳам ушбу конструкция бошқа ҳуқуқий тизимлар томонидан ҳам ўзлаштирилмоқда.

Инглиз-америка ҳуқуқи доирасида мол-мулкни эгаллаш шахсни ашё билан фактик, амалий боғлиқлик ҳолати сифатида талқин этилади, бироқ эгаллашни ҳимоя қилишда маҳсус эгаллаш даъволари эмас, балки зарар етказишдан келиб чиқадиган (*traspase* и *nuissance*) даъволар қўлланади. Бу эса мол-мулкни эгаллашни ҳимоя қилиш уни бузишда айбнинг борлиги ёки йўқлигига боғлиқлигидан далолат беради.

Ўзгалар мулкига бўлган ҳуқуқларга келганда эса, шуни қайд этиш лозимки, у мустақил категория сифатида мавжуд эмас. Бироқ бу унинг амалиётда қўлланмаслигини англатмайди. Масалан, ашёвий ҳуқуқлар жумласига гаров ҳуқуқи ва сервитутларни киритиш мумкин.

**Шартнома ва деликт ҳуқуқи.** Инглиз-америка ҳуқуқ тизимида шартнома (*contract*) ҳамда деликт (*tort*) муҳим ва асосий тушунчалардан ҳисобланади. Ҳар қандай мажбуриятларга қўлланадиган мажбурият ҳуқуқининг умумий қисми мавжуд эмас. Умумий қисм шунда ҳам легал кўринишда эмас, балки доктринал кўринишда фақат шартнома ва деликт ҳуқуқида мавжуд.

Мажбуриятнинг мавхумлаштирилган (формаллаштирилган) тушунчаси ҳам мавжуд эмас. Асосий эътибор деликт ва шартномага қаратилган. Мажбуриятларнинг легал классификаси (таснифи) ҳам йўқ. Мажбуриятларнинг вужудга келиш асослари бўлиб шартнома, квазишартнома (шартномасифат) мажбуриятлар – асосиз бойиш, ўзгалар манфаатини кўзлаб топшириксиз ҳаракат қилиш ва деликт ҳисобланади.

Инглиз-америка ҳуқуқи бўйича шартнома – бу санкция билан таъминланган (судга ҳимоя сўраб мурожаат қилиш имконияти назарда тутилган) тақдим этиш (қаноатлантириш) эвазига берилган ваъда ҳисобланади. Демак, шартнома муқобил талабларни қаноатлантиришни (*consideration*) назарда тутади: талаб қилиш ҳуқуқини олиш учун кредитор олдин қарздорга у ёки бу ҳақда ваъда берган бўлиши лозим. Бундан оферта (шартнома тузиш ҳақидаги таклиф) акцептланмагунча тарафларни бир-бири билан боғламайди деган қоида келиб чиқади (баъзи истисно ҳолатлардан ташқари). То

акцептланмагунча оферта эркин равишда чақириб олиниши мүмкін. Қытъа ҳуқұқ тизимида эса бошқа ҳолатни күрамиз: оферта қилған шахс у ёки бу даражада ушбу оферта билан бөглиқ. Мұқобил ижроларнинг шартлиги ҳақсиз, текин тузиладиган шартномаларни мавжуд бўлишига тўсқинлик қиласи. Шу сабабли ҳам «муҳр билан» деган алоҳида шартномалар конструкцияси тузилган бўлиб, бунда муқобил ижро бўлмаган ҳолларда ҳам қарздорларга мажбурият юклаш имконини беради. Албаттa, ўзаро тақдим этишлар (муқобил ижролар) фақат тарафларнинг келишуви асосидагина амалга оширилиши мүмкін, бироқ бунда келишувга эмас, балки муқобил ижро мавжудлиги ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади.

Шартнома ҳуқұқи амалиёт эҳтиёжларига жавоб тариқасида ривожланиб борди. Шартномаларни легал туркумлаш мавжуд эмас. Амалий эҳтиёжларга кўра вужудга келган шартномаларнинг алоҳида турлари алоҳида қонунлар (масалан, товарлар олди-сотиси тўғрисидаги қонун) билан тартибга солинади, у ёки бу аниқ ва бир хил мезонлар ёрдамида уларни ажратиш мүмкін эмас.

Шартномани бузганлик учун жавобгарлик зарар етказганлик тамоили асосида белгиланади: қарздор ўзи томонидан йўл қўйилган бузилиш учун айбидан қатъи назар, жавоб беради. Бу инглиз-америка ҳуқуқидаги муҳим бир қоидадан келиб чиқадики, ушбу қоидага асосан қарздор кредиторга етказилган заарларни тўлиқ қоплаган ҳолда шартномадан ҳар қандай вақтда воз кечиши мүмкін.

Инглиз-америка ҳуқұқи шартнома ҳуқуқига асосий эътиборнинг қаратганигини яна бир сабаби шундаки, бу ҳуқұқ тизимида муайян даражада ривожлантирилган битимлар ҳақидаги таълимотлар мавжуд эмас. Шу сабабли ҳам битимлар тўғрисидаги нормалар шартнома ҳуқуқида ифодаланган.

Деликт ҳуқұқи суд амалиёти томонидан ишлаб чиқилган маҳсус деликтлар йиғиндиси сифатида намоён бўлади. Бош (генерал) деликт мавжуд эмас, фақат унинг доктринал моделларигина мавжуд. Деликт дейилганда, шахсга ёки мол-мулкка зиён етказиш тушунилади. Маҳсус деликтларнинг легал таснифи ҳам мавжуд эмас.

Деликтларнинг қўйидаги турлари фарқланади: шахсга ҳам, унинг мол-мулкига ҳам зиён етказишга тааллуқли бўлган бостириб кириш, тажовуз (*trespass*); муайян шахс ёхуд номуайян доирадаги шахсларни мол-мулқдан хотиржам фойдаланишни бузадиган ёмон зиёнкорлик (*nuissance*); ўзгалар бизнесига зиён етказиш мақсадини кўзлайдиган бўхтон (*libel la stander*), фитна (*conspiracy*); бошқалар-

нинг ҳақ-хуқуқларига лоқайдлик билан муносабатда бўлинганини ифодаловчи бепарволик (*negligance*) ва шу кабилар. Умумий қоидага кўра, ушбу деликтлар учун жавобгарлик зиён етказувчининг айби бўлган тақдирда рўй беради.

**Ворислик ҳуқуқи.** Инглиз-америка ҳуқуқ тизимида у қатор ўзига хос белгиларга эга. Инглиз-америка ҳуқуқ тизими бўйича ворислик ўз моҳиятига кўра универсал ҳуқуқий ворислик ҳисобланмайди, чунки мерос қолдирувчининг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари учинчى шахснинг ишонилган мулкига (*trust*) ўтади, ишонилган мулкдорнинг асосий вазифаси мерос қолдирувчининг (бевосита ифодаланган ёки тахмин қилинган) эрки-иродасини бажариш ҳисобланади. Васият бўйича ворислика ***executor*** ва қонун бўйича ворислика ***administrator*** деб аталадиган бу ижрочининг вазифаси мерос қолдирувчининг қарзларини тўлаш, қолган мол-мulkни меросхўрларга бериш, меросхўрлар манфаатини кўзлаб ҳаракат қилишдир. Меросхўрлар мол-мulkни қарзлардан тозаланган ҳолда олганлари учун улар мерос қолдирувчининг қарзлари учун жавобгар эмаслар. Шундай қилиб мерос билан легат ўртасида фарқ йўқ ва шу сабабли ҳам легат конструкцияси мавжуд эмас.

Инглиз-америка ҳуқуқида қонун бўйича ва васият бўйича ворислик фарқланади. Бироқ васиятноманинг факат бир шаклига йўл қўйилади – васиятнома ёзма бўлиши, мерос қолдирувчи томонидан имзоланиши ва энг камида икки гувоҳ ҳозирлигида тасдиқланган бўлиши шарт.

## **2.2.Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни мусулмон ҳуқуқи<sup>1</sup> тизимида тартибга солишнинг ўзига хос ҳусусиятлари<sup>1</sup>**

Африка ва Осиёning баъзи мамлакатларида мусулмон ҳуқуқ тизими ўзининг ҳукмрон мавқеини сақлаб туриди. Бироқ бу дегани мусулмонликнинг илк даврида ёхуд ўрта асрларда амал қилган мусулмон ҳуқуқи ҳали ҳам ўша шакл ва мазмунда қатъий сақланиб қолди дегани эмас. Бошқа ҳуқуқ тизимлари таъсирида, фан-техника тараққиёти мусулмон ҳуқуқ тизимига нисбатан ҳам ўз таъсирини ўтказган. Албатта, фуқаролик ҳуқуқининг ҳамма соҳаларида ҳам бу таъсир бир хилда деб бўлмайди. Агарда замонавий фан ва техника, янги обьектлар билан боғлиқ янги битимлар мусулмон ҳуқуқи

<sup>1</sup> Мусулмон ҳуқуқида фуқаролик ҳуқуқи масалалари қатор олимлар томонидан ўрганиб чиқилган. Қаранг: Ҳ.Р.Рахмонкулов. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг биринчи қисмига умумий тавсиф ва шарҳлар. -Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси. 1999. 20-35-бетлар.; Ҳ.Муҳамедов. Хорижий мамлакатлар давлати ва ҳуқуқи тарихи. 2-қисм. -Т.: ТДЮИ. 2003. 395-464-бетлар.

нормалари билан уйғунлашган бўлса, мусулмон ҳуқуқининг ilk даври нормалари одат ҳуқуқи билан биргаликда оила, ворислик – мерос ва мулк ҳуқуқининг баъзи соҳаларида ўз таъсири даражасини сақлаб турибди, деб айтиш мумкин. Шахсий-диний тизим – мусулмон ҳуқуқи кўп мамлакатларда (Жазоир, Судан, Сомали, Кения, Камерун, Танзания, Ироқ, Иордания ва ҳоказо) Европа ҳуқуқий тизимлари билан уйғунлашган ҳолда миллий-ҳуқуқий тизимларнинг хилмажиллигини ташкил этган. Баъзан бир фуқаролик-ҳуқуқий муносабат бир вақтнинг ўзида икки ва ундан ортиқ ҳуқуқ тизими нормалари билан тартибга солинишини кўриш мумкин. Бундай дуализм ва плюрализм (хилма-хиллик) амалиётда муаммоларни келтириб чиқариши табиий.

Мусулмон ҳуқуқига амал қилаётган мамлакатларда бу ҳуқуқ тизимининг таъсири турличадир. Масалан, Саудия Арабистони ҳамда Эронда у қатъий ва мутлақ таъсирга эга. Баъзи мамлакатларда, юқорида таъкидлаганимиздек, дуализм ва плюрализмга йўл қўйилади. Баъзи мамлакатларда (Сурия) мусулмон ҳуқуқи қонунчиликнинг асосий манбай сифатида Конституциявий асосга эга бўлса, бошқа мамлакатларда уни қўллаш шариат судлари тизими билан таъминланади (Ироқ, Малайзия, Иордания).

Мусулмон ҳуқуқи нормалари турли мазҳаблар бўйича бир оз фарқ қилиши мумкин. Энг йирик мазҳаблар бўлиб маликийлар (асосчиси – Малик ибн Анас), Ҳанафийлар (асосчиси Абу Ҳанифа), Шафиийлар (асосчиси – аш-Шофий), Ҳанбалийлар (асосчиси – Аҳмад ибн Ҳанбалий) ҳисобланади. Яқин Шарқ мамлакатлари қонунчилигида ва юридик таълимотлар (доктриналар) да фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар соҳасида мусулмон ҳуқуқини қўллашда мусулмонларнинг шахсий мақоми мавжуд бўлиб, у асосан оила-никоҳ ва ворислик муносабатларида қўлланади. Ушбу доктрина XIX асрда Мисрда йирик олим ва давлат арбоби Мұхаммад Қадри (1821-1888) томонидан ишлаб чиқилган ва Сурия, Марокаш, Ироқ, Тунис, Иордания қонунларида ўз ифодасини топган. Ушбу доктринанинг қўлланиш доираси баъзи мамлакатларда оила-никоҳ, ворислик – мерос масалаларидан ташқари ҳадя, вақф мулкидан фойдаланиш масалаларини ҳам қамраб олади. Ҳиндистонда мусулмон ҳуқуқи мусулмон жамоаси аъзоларига тегишли шахсий ҳуқуқ сифатида қаралади. Агарда Шарқнинг Араб мамлакатларида мусулмон ҳуқуқи давлат таъсири остида янгиланиб, модификациялаштирилган бўлса, Ҳиндистонда анъанавий, мусулмон ҳуқуқи манбалари – Қуръон, Сунна, Ижмоъ, Қиёс қўлланилади. Ҳиндистоннинг Буюк Британия мустамлакаси бўлган даврда қабул қилинган Мусулмонларнинг шахсий

хукуқлари тўғрисидаги қонун (1937 йил) ва мусулмонча никоҳларда ажralиш тўғрисидаги қонуни (1939 йил) амал қиласди.

Мусулмон мамлакатларида фуқаролик хукуқининг манбалари ичida кодификациялаштирилган меъёрий ҳужжатлар марказий ўринни эгаллади. Масалан, Миср ФК (1949 йил)да мусулмон хукуқининг барча мазҳаблари мужассамланган. Ушбу ФК Ироқ, Эрон ФК мазмунига ҳам ўз таъсирини ўтказган.

Ислом давлатлари қонунчилиги ва хукуқий доктриналари мулкчилик масалаларида инглиз-америка ёхуд қитъа хукуқ тизимлари асосий институтларини ўзлаштирган. Айни вақтда соф мусулмон хукуқи таъсири остида қолган муносабатлар ҳам мавжуд. Бу асосан мусулмонларнинг шахсий мақоми ва вақф мулки билан боғлиқ. Вақф мулки диний-хайрия вазифаларини бажариб, ислом давлат-лари социал-иктисодий ҳаётида жиддий роль ўйнамайди. Бирор шунга қарамай, у мусулмон мулк хукуқининг ўзига хослигини намоён қиласди.

Мусулмон-хукуқий доктринада мулкчилик муносабатларига кучайтирилган эътибор мавжуд, унга алоҳида ғоявий-сиёсий тус берилади. Бу, айниқса, ерга нисбатан мулкчиликда яққол кўринади. Ислом мамлакатларида ер хўжасиз, эгасиз, қаровсиз қолмаслигига эътибор қаратилади. Агарда ер муайян муддат (одатда, 5 йил) давомида ишланмаса, мулкдор ердан маҳрум этилиши мумкин. Мусулмон хукуқида ерга нисбатан давлат мулкчилиги устувор тарзда мустаҳкамлаб қўйилган, бу эса аграр муносабатларни тартибга солишда муҳим аҳамиятга эга. Гарчи ерга нисбатан хусусий мулкчиликнинг «муқаддас ва дахлсизлиги» рад этилса ҳам, умуман олганда, хусусий мулк асло инкор этилмайди, балки ўзининг мустаҳкам асосига эга. Бунда фақат мулкдорнинг мутлақ, ҳеч нарса билан чегараланмайдиган ваколатларигина инкор этилади, холос.

Кўпгина мусулмон мамлакатлари колониал қарамликни бошдан кечирган. Шу сабабли ҳам мажбурият – хукуқий муносабатларига умумий хукуқ ва қитъа хукуқи ўз таъсирини ўтказган. Мажбурият-нинг вужудга келиш асослари орасида шартнома марказий ўринни эгаллади. Шартнома уни тузувчи шахслар эрки-иродасининг мос келишуви натижасида вужудга келади, албатта, бундай эрк-ирода хукуқий кўрсатмаларни бузмаслиги лозим. Шартнома уни тузган шахслар учун қонун бўлиб қолади, у фақат тарафларнинг келишуви ёхуд қонунда назарда тутилган асослар бўйичагина ўзgartирилиши ёки бекор қилиниши мумкин (Жазоирнинг 1975 йилда қабул қилинган ФКнинг 59 ва 106-моддалари).

Эрон ФКда мажбурият хукуқининг ўзига хосликлари ўз ифодасини топган. Ундаги шартномаларнинг туркumlаниш мезони бўлиб

шартноманинг тарафлар учун қай даражада мажбурийлиги ҳисобланади. ФКда шартномаларниң қуидаги турлари белгилаб қўйилган: чақириб олинмайдиган (фавқулодда ҳолатлардан ташқари ҳеч қайси тараф томонидан бекор қилиниши мумкин эмас), чақириб олинадиган (ҳар қайси тараф ўз хоҳишига кўра хоҳлаган вақтда бекор қила олади, масалан, топшириқ, омонат), бекор қилиниши мумкин бўлган (бундай шартнома нафақат тарафлар хоҳишига кўра, балки учинчи шахслар ташаббуси билан ҳам бекор бўлиши мумкин), қатъий (тасодифий ташқи омилларга ҳеч қандай боғлиқ эмас), шартли (қитъа ҳуқук тизимидағи шарти кечиктирилган ёки бекор бўлиш шарти билан тузилган битимларга ўхшаш) шартномалар.

Маълумки, қитъа ҳуқук тизимида хусусий ва оммавий ҳуқук фарқланади, хусусий ҳуқук дуализми мавжуд бўлган ва савдо ҳуқуқларига бўлинади. Мусулмон ҳуқуқи амал қиладиган мамлакатда бундай бўлиниш сезилмайди. Тўғри, Миср қонунчилигига савдо, ширкат, дengiz кемаларини қуриш пуррати, шунингдек таъминловчи битимлар савдо қонунчилиги билан тартибига солиниши кўрсатилган (бундай шартномаларда савдо-сотиқ одатлари қўлланилади, шаклига нисбатан формал талаблар қўйилмайди ва ҳ.к.).

Шартномаларни тузиш тартиби (процедураси) ҳам қитъа ҳуқук тизимиға ўхшаш. Келишув қачон содир бўлгани бўйича «ҳозир бўлган шахслар» ўртасида шартнома (бунда тарафлар бевосита ва доимий мулоқотда бўладилар), “розиликни изҳор қилиш” шартномалари (бунда акцепт «садир бўлгандан кейин» шартнома тузилган ҳисобланади) ва «розиликни олиш» шартномалари (бунда акцепт офферентга очиқ-равshan етказилиши лозим, тузиш тартиби фарқланади (Жазоир ФКнинг 64-67-моддалари).

Тузилган шартномаларниң ҳақиқийлик шартлари деярли ўхшашдир. Масалан, Жазоир ФКнинг 96-моддасига асосан оммавий тартибига ва хушхулқ ахлоққа зид шартномалар ҳақиқий эмас. Шунингдек, шартнома предмети жисмоний жиҳатдан мумкин бўлмаган ҳаракатлар содир этилишини талаб этса, зўрлик, алдаш, янгилишув таъсирида тузилган бўлса ҳам шартнома ҳақиқий ҳисобланмайди. Баъзи мамлакатларда ушбу талаблар бевосита ФКда эмас, балки жорий шартномага қўйилган талаблар (тарафларниң ўз эрки-иродасига шартнома предметининг белгилаб қўйилганлиги ва шартнома асосининг қонунийлиги) ичida шартнома шаклига қўйиладиган талаблар мавжуд эмас. Шакл бўйича талаблар, масалан, нотариал гувоҳлантириш шартлиги битимларни қайд этиш тўғрисидаги Қонунда тури ширкатлар тузиш, ҳадя, кўчмас мулклар бўйича битимлар учун белгилаб қўйилган (Қонуннинг 46-47-моддалари).

Шартномаларнинг предмети бўлиб мұомаладан чиқарилмаган ҳар қандай ашёлар, шу жумладан, шартнома тузилган вақтда натура ҳолида мавжуд бўлмаган ашёлар ҳам, шунингдек бошқа шахсларга ўтказиш мүмкін бўлмаган ҳуқуқлардан ташқари ҳар қандай ҳуқуқлар бўлиши мүмкін. Бироқ келажакда олиниши кутилаётган мерос шартнома предмети бўла олмайди (Жазоир ФКнинг 92-моддаси).

Баъзи ҳолатларда мусулмон мамлакатлари ФКлари шахсий ҳуқуқий тизимларни белгилашда ҳудудий ҳуқуқ қоидалари таъсирини акс эттиради. Масалан, Эрон ФК (247-263-моддалари) шариат нормаларини ўзида мужассамлашган ҳолда предмети учинчи шахсларнинг мол-мулки бўлган шартномаларни тузиш имкониятларини назарда тутади.

Фуқаролик қонунларида шартномаларни ижро этиш ва уларни ижро этмаслик оқибатлари, шунингдек лозим даражада ижро этмаслик масалалари батафсил тартибга солинган.

Осиё ва Араб Шарқи мамлакатларининг қитъа ҳуқуқи тизимини қабул қилган ҳуқуқ тизимларида мажбуриятларнинг натура шаклида бажарилиши шартлиги белгилаб қўйилган. Бу эса шартномаларни натура шаклида ижро этиш лозимлигини англалади.

Зарарларни ундириш – мажбуриятларни ижро этмаганлик ёхуд лозим даражада ижро этмаганлик учун вужудга келадиган оқибат ҳисобланади. Умумий қоида бўйича зарар нафақат мажбурият ижро этилмаганлиги сабабли етказилган мұайян мулкий талофат, балки бой берилган фойдани ҳам ўз таркибиға олади (Жазоир ФКнинг 182-моддаси, Эрон ФПКнинг 728-моддаси, Индонезия ФКнинг 1243-моддаси).

Кўпгина мусулмон мамлакатларида ворислик муносабатларини тартибга солиш кўпроқ мусулмон-ҳуқуқий доктринаға асосланади. Аҳолисининг катта кўпчилиги исломга эътиқод қиласидиган мамлакатларда мерос соҳасида ҳуқуқ тизими дуализми мавжуд эмас. Ҳатто француз ҳуқуқи намунасидаги ФКлари амал қиласидиган мамлакатлар (Сурдия, Ирек) Фуқаролик кодексларида ҳам ворислик тартибга солинмаган. Ворислик ҳуқуқи мусулмон ҳуқуқининг энг мухим институтларидан бири бўлиб, атрофлича ишлаб чиқилган, пухта мувофиқлаштирилган қатъий ҳуқуқ нормалари тизимидан иборатдир. Айни вақтда мусулмон мамлакатларидаги ворислик ҳуқуқи фақат анъанавий мусулмон ҳуқуқи нормалари билангина тартибга солинади, деб ўйлаш нотўри бўлур эди. Баъзи мамлакатлар қонунларида мусулмон ҳуқуқининг анъанавий тамойилларидан сезиларли фарқ қиласидиган анча қоидалар мавжуд. Масалан, Сурдияда ва Покистонда невараларнинг тақдим қилиш ҳуқуқи бўйича мерос олиши тан оли-

нади. Сурияда аёлларнинг мерос олиши бўйича ҳиссалари кенгайтирилган.

Мусулмон ҳуқуқида васият қилиш эркинлиги чегараланади. Васият қилувчи қонун бўйича ворисларни мерос олишга чақириш навбатини ўзгартира олмайди ва ҳуқуқ томонидан белгиланганига зид равишда ворисликнинг алоҳида тартибини яратади. Бундан ташқари, васият бўйича қонунга асосан ворислар доирасига кирмайдиган шахслар меросхўр бўлиб қолган тақдирда мол-мулкнинг фақат учдан биригина берилиши мумкин, холос.

Мусулмон ҳуқуқида қонун бўйича ворислика аёл ва эркакнинг мерос ҳажмларида тенглиги мавжуд эмас. Ворислик ҳуқуқи табиати бўйича мерос мол-мулкига нисбатан эркак ва аёл ворис сифатида тенг ҳуқуқларга эга. Мерос чақирилиш навбатида эркак ва аёл тенг, бироқ аёл эркак улушининг ярмини олади, холос. Марҳумнинг узоқ қариндош-уруғларини меросхўр сифатида навбатга чақирилишида ҳам эркак ва аёл тенг эмас.

Анъянавий мусулмон ҳуқуқида вафот этган мусулмон шахснинг ворислари сифатида бошқа диндаги ёхуд эътиқоддаги шахсларнинг чақирилишида ҳам қийинчиликлар мавжуд.

Қонун бўйича ворислик ҳанафий мазҳабида қуидаги тоифаларга бўлинади:

I. Қуръон бўйича муайян улушларда мерос оловчи ворислар: 1) эр; 2) хотин; 3) бобоси ёхуд ота томонидан тўғри насаб чизиги бўйича бошқа эркак қариндош; 5) онаси; 6) бувиси ёхуд ота томонидан тўғри насаб чизиги бўйича бошқа аёл қариндош; 7) қизи; 8) ўғлининг қизи бўлган набираси ёхуд ўғил тарафдан тўғри насл чизиги бўйича бошқа аёл қариндоши; 9) туғишган синглиси; 10) ота бир она бошқа синглиси; 11) ота бошқа она бир ака-укаси; 12) ота бошқа она бир синглиси.

II. Агнат ворислари, яъни, оила бошлиғи қарамоғида бўлган оила аъзолари: мерос қолдирувчининг ўғиллари ва қизлари, ўғил томондан набиралари, отаси, ака-укалари, ота томонидан амакилари ва жиянлари, мерос қолдирувчининг туғишган ва ота бир она бошқа сингиллари.

III. Мерос қолдирувчининг узоқ қариндошлари, булар жумласи-га агнат қариндош бўлган аёллар (дастлабки икки тоифага мансуб бўлмаган аёллардан ташқари) ва барча когнатлар, яъни биринчи тоифага кирмайдиган қон-қариндошлар. Улар юқоридаги икки тоифа мавжуд бўлмаган тақдирдагина мерос оладилар.

Тоифалар навбат асосида меросга чақириладилар. Қатор ворислар вазиятга қараб Қуръон бўйича ёки иккинчи тоифа ворислари сифатида меросга чақирилишлари мумкин.

Ҳар бир тоифа доирасида ҳам муайян навбат мавжуд, навбат бошидаги ворислар мавжудлиги қўйидаги рўйхат бўйича ворисларнинг мерос олиши имкониятини бекор қиласди.

Биринчи навбатдаги ворислар қўйидагиларда ҳисобланади:

Қуръон бўйича ворислардан: марҳумнинг хотини (эри), ота-онаси ва қизлари. Булар мажбурий ворислар бўлиб, меросдан четлатилиши мумкин эмас, истисно ҳолларидан ташқари; иккинчи тоифа ворисларига – марҳумнинг ўғиллари (ва қизлари-ўғиллари бўлмаган ҳолда) киради.

Ушбу тоифаларнинг бошқа ворислари мерос олишда қатнаш-маслиги ҳам мумкин (масалан, ўғли ва отаси мавжуд бўлганда).

Қуръон бўйича ворисларнинг улушлари ( $1/2$ ,  $1/4$ ,  $1/8$ ,  $1/6$ ,  $1/3$ ,  $2/3$ ) мерос қолдирувчининг харажатлари ва қарзларини қоплаш билан боғлиқ тўловлар:

1) мерос қолдирувчини даволаш, дафн этиш билан боғлиқ харажатлар; 2) мерос мол-мulkни бошқариш бўйича ҳужжатларни расмийлаштириш харажатлари; 3) мерос қолдирувчининг вафотидан уч ойгача олдинги давр учун мерос қолдирувчининг ишчи-хизматчиларига тўланиши лозим бўлган иш ҳақи; 5) васият ва васият мажбурияти бўйича улушлар.

Ҳанафий мазҳабига кўра қонун бўйича ва васият бўйича ворисликда мерос қолдирувчининг ўлимига қасддан ёки эҳтиётсизлиқдан сабаб бўлган меросхўрлар мерос олишдан четлаштирилиши мумкин.

Шиа мазҳабида, гарчи у ҳам Қуръонга асосланса-да, мерос олиш ўз хусусиятларига эга. Биринчидан, унда аёлларга нисбатан хайриҳоҳлик даражаси юқори. Шиаларда агнат келиб чиқиши бўйича эркак қариндошларга бериладиган имтиёзлар йўқ. Марҳумнинг ўғли ва қизи ворислик ҳуқуқига эга. Иккинчидан, шиаларда ворислари таснифи оддий бўлиб, унинг асосида марҳум билан қон-қариндошлик ва эр (хотинлик) муносабати ётади.

Барча ворислар учга бўлинади: биринчи навбатда эр-хотин, ота-она, фарзандлар ва уларнинг болалари; иккинчи навбатда бобоси, ота ва она аждоди бўйича бува-бувилари, aka-укалари, опа-сингиллар ҳамда уларнинг фарзандлари киради; учинчи навбатда мерос қолдирувчининг ота-она аждоди бўйича тоға-амаки, хола-аммалари ва уларнинг фарзандлари киради.

Мусулмон ҳуқуқида олди-сотди савдосига алоҳида эътибор берилади. Бунда қатор ўзига хосликлар ҳам мавжуд. Масалан, харидор

товарни кўздан кечириб, сифатини текшириб олиш ҳуқуки билан бирга сотувчи ашёдаги камчиликларни, нуқсонларни очик айтиши лозим. Кўчмас мулк сотилганда туташ ёки кўшни уй-жой эгалари имтиёзга эга бўладилар. Мусулмон ҳуқуқида сотилаётган товарга белгиланадиган нарх тўрт хил бўлиши мумкин:

- 1.Мусовама;
- 2.Вазия;
- 3.Муробаҳа;
- 4.Тавлия.

Мусовама савдосида молнинг олдинги баҳоси эътиборга олинмайди, харидор сотувчи билан ўзаро тортишиб, келишув асосида баҳолаб олади.

Вазия – молни ўз қийматидан паст нархда сотишdir. Муробаҳа молни келиб тушиш нархи устига маълум бир фойда қўйиб сотишdir. Бунда қўйилган фойда аниқ айтилади.

Тавлия – молни келиб тушиш нархида сотишdir. Муробаҳа ва тавлия савдоларида олди-сотди соҳасида тажрибага эга бўлмаганлар малака ҳосил қиласи ва савдо йўллари билан танишади.

Фанда фикҳ мутахассислари мол устига қўйиладиган устама нарх тўғрисида, фойда миқдори тўғрисида бир хил фикрда эмаслар. Баъзилари уни чегараланмаган деб ҳисобласалар ҳам, умумий фикрга кўра баъзи харидорларни ғўрлигидан фойдаланиб товарни сотилаётган қийматидан ошириб сотиш ёки сотувчининг соддалиги туфайли молни ўз қийматидан арzonга олиш (ғайни фахиш) савдони бузиш ҳуқуқини беради. Кундалик харид молларда беш фоиз, чорва молларида ўн фоиз ва кўчмас молларда 20 фоиздан ортиқ баҳога панд бериш ғайни фахиш ҳисобланади (манбалар: Раддул Мухтор, Шарҳи Илёс).

Маълумки, мусулмон ҳуқуқида фоизлар эвазига қарз бериш – судхўрлик ҳуқуқка хилоф ҳаракат ҳисобланади. Ҳозирги замон иқтисадиётининг тизимида тижорат банклари, пул-кредит муассасалари алоҳида ўрин эгаллайди. Унинг замирида эса пул маблағларидан ҳақ эвазига фойдаланиш ётади. Шу сабабли ҳам мусулмон ҳуқуки амал қиласётган мамлакатларда «ислом банклари»нинг фаолият юритиш қоидалари» одатдаги тижорат банкларидан фарқ қиласи.

**Учинчи боб  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИННИГ  
МАНБАЛАРИ**

### **3.1. Фуқаролик ҳуқуқи манбалари тушунчаси ва турлари**

Фуқаролик ҳуқуқининг манбалари деганда, фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни тартибга соладиган норматив ҳужжатлар тушунилади.

Ҳуқук манбаини ташкил этган ҳалқнинг эрки давлат эрки бўлиб, маълум шаклда қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда ифодаланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 7-моддасида: “Ҳалқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбайдир”, деб нормаланган.

Ҳуқук манбалари тўғрисида сўз юритилганда, биринчи навбатда қонун устида тўхталиш лозим. Ўзбекистон Республикасида қонунлар Олий Мажлис – ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи олий органи томонидан амалга оширилади. Қабул қилинадиган бу қонунлар барча учун мажбурий бўлган норматив ҳужжатлардир.

Ўзбекистон Республикасининг қонуни – Конституция барча қонунчилик учун, жумладан, фуқаролик қонунчилиги учун ҳам раҳбарий манба ҳисобланади. Конституция нормалари у ёки бу муносабатни умумий ҳолда, конституциявий даражада нормалайди, фуқаролик ҳуқуқига доир қонунлар эса, уни тўлдиради, аниқлаштиради. Мамлакатимизнинг Асосий қонунида ҳуқуқнинг, шу жумладан, фуқаролик ҳуқуқининг асосий тамойиллари мустаҳкамланган. Конституциянинг 18,27,36,42,53,54,56-моддалари бевосита фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишга қаратилган. Масалан, Конституциянинг 18-моддасида тенг ҳуқуқлилик тўғрисида, 27-моддасида инсон шаъни, қадр-қимматининг қадрланиши тўғрисида сўз боради. 36-моддада эса, ҳар бир шахснинг мулкдор бўлиши мустаҳкамлаб қўйилган. Ворислик ҳуқуқи қонун билан кафолатланиши таъкидланган.

42-моддада бўлса ижод эркинлиги ўз ифодасини топган. Конституциянинг 53-моддаси алоҳида диққатга сазовордир. Энг аввало, Конституцияда бир марта, яъни юқоридаги моддада “бозор муносабатлари” ўз аксини топган. Бундан келиб чиқиб, моддадаги қуидаги ҳолатларни алоҳида кўрсатиш мумкин:

- Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шаклдаги мулк ташкил этиши;

- истеъмолчилар ҳуқуқларининг устуворлиги;
- иқтисодий фаолият, тадбиркорлик фаолияти билан шуғуллашиш ва меҳнат қилиш эркинлиги;
- барча мулк шаклларининг тенглиги ва ҳуқуқий жиҳатдан баббаравар муҳофаза этилиши;
- хусусий мулкнинг бошқа мулк шакллари каби дахлсизлиги ва давлат муҳофазасида эканлиги;

- мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкидан маҳрум этилиши мумкинлиги каби қоидалар. Бу ҳолатлар кейинчалик мос равишда Ўзбекистон Республикасининг жорий қонун ва қонуности ҳужжатларида ўз аксини топди<sup>1</sup>. Конституциянинг 54-моддасида эса мулк ҳуқуқининг мазмуни бевосита ўз ифодасини топган. Бунга асосан мулкдор ўзига тегишли мол-мulkни ўз хоҳишига кўра эгаллаш, фойдаланиш, тасарруф қилишга ҳақли. Айни пайтда мулкдор ҳуқуқининг чегаралари ҳам Конституцияда белгилаб берилган. Яъни мол-мulkдан фойдаланиш экологик муҳитга зарар етказмаслиги, фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқ ва манфаатларига путур етказмаслиги лозим.

Ўзбекистон Республикаси Конституциянинг қабул қилиниши давлатимизда янги ижтимоий ва иқтисодий муносабатларнинг пайдо бўлишига пойдевор бўлди.

Энг муҳими, Конституция фуқаролик ҳуқуқининг асосий иштирокчиси ҳисобланган инсон ва унинг манфаатларини олий қадрият деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ҳам конституциявий тамоилларга асосланган ҳолда бозор иқтисодиёти шароитига мос келадиган механизмни яратишига қаратилган. У фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишда алоҳида ўринни эгаллайди.

“Қабул қилинадиган қонунлар ва қонунчиликка оид ҳужжатлар ўзаро боғланган бўлиши ва ижтимоий йўналтирилган яхлит бозор механизмининг ҳуқуқий тизимини жадаллик билан яратишига кўмаклашиш керак”<sup>2</sup>, – деган эди И.А.Каримов. Бозор муносабатларининг

<sup>1</sup> “Мулкчилик тўғрисида”ги, “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида”ги, “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Давлат тасарруфидан чикариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”ги Қонунлар, Фуқаролик, Мехнат, Уй-жой кодекслари, “Иқтисодий ислоҳотларни янада чукурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини химоя қилиш ва тадбиркорликийни ривожлантиришиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 21.01.1994 йилдаги фармони шулар жумласига киради.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон - бозор муносабатларига ўтишининг ўзига хос йўли. -Т.: Ўзбекистон. 1993. 70-6.

бутун тизимини бирлаштиришга ва үнинг ички үйғулигини таъминлашга хизмат<sup>1</sup> қиласынан, фуқаролик-хуқуқий муносабатларни тартибга соладынан, бозор иқтисодиёти муносабатлари талабларига қаратылған кодификациялаширилған қонун бу – Фуқаролик кодексидир.

Амалдаги Фуқаролик кодекси шахсларнинг мулкий хуқуқлари билан боғлиқ бўлган масалаларни янгича ҳал қилди. Унда:

- хилма-хил фуқаролик-хуқуқий битимлар тузишда кенг эркинлик ва имкониятлар берилганлиги;
- фуқароларнинг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишини кенг тартибга солиш;
- фуқароларнинг ҳуқуқ лаёқати кенгайтирилганлиги, улар ёлланма мөхнатдан фойдаланиш, хусусий мулкка, жумладан, хусусий корхоналарга эга бўлиши, мулк шаклларининг тенглиги ва үнинг ҳимояси кафолатланганлиги;
- фуқаролик-хуқуқий муносабат субъекти бўлган юридик шахсларга ўз фаолиятларини амалга оширишда, хўжалик ишларини юритишда кенг имкониятлар берилганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Фуқаролик кодексининг тузилиши бозор иқтисодиёти талабларига мос келадынан фуқаролик ҳуқуқи тизимиға монанддир.

Ўзбекистон Республикасининг жорий қонунлари ҳам фуқаролик ҳуқуқининг манбаи ҳисобланади. Уларга “Мулкчилик тўғрисида”ги, “Ижара тўғрисида”ги, “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Қимматли қофозлар ва Фонд биржалари тўғрисида”ги, “Гаров тўғрисида”ги, “Лизинг тўғрисида”ги ва бошқа қатор қонунлар киради.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 76-моддасида “Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси олий давлат вакиллик органи бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади” деб кўрсатилған. Шунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган ва фуқаролик-хуқуқий характерига эга бўлган қонун ҳужжатлари фуқаролик ҳуқуқининг манбани ташкил этади. Юқоридаги қонунлар бунга мисол бўла олади. Бугунги кунда юзлаб қонунлар фуқаролик-хуқуқий характердаги қонунлардир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 94-моддасида “Ўзбекистон Республикасининг Президенти Конституцияга ва қонунларга асосланиб ҳамда уларни ижро этиш юзасидан республиканинг бутун ҳудудида мажбурий кучга эга бўлган фармонлар, қарорлар ва

<sup>1</sup> Юқорида кўрсатилған жойда.

фармойишлар чиқаради”, деб белгиланган. Президент томонидан чиқариладиган мазкур фармонлар қонуности ҳужжатлари деб юритилади. Президент фармонлари турмушда, ҳаётда, халқ ҳўжалигида, иқтисодиётда, ишлаб чиқарышда кечиктириб бўлмайдиган муносабатларни тартибга солиш ва мустаҳкамлаш эҳтиёжидан келиб чиқади. Уларнинг аксарияти фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни тартибга solaётганлиги учун фуқаролик ҳуқуқининг манбай бўлиб ҳисобланади.

Бунга яққол мисол қилиб, “Иқтисодий ислоҳотларни янада чукурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1994 йил 21 январдаги Фармонини кўрсатиш мумкин. Амалда ушбу фармон Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг иккинчи босқичини бошлаб берди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддасида “Вазирлар Маҳкамаси амалдаги қонунларга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча органлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар ва фармойишлар чиқаради”, деб кўрсатилган. Шунга биноан Вазирлар Маҳкамаси иқтисодиётнинг, ижтимоий ва маънавий соҳанинг самарали фаолиятига раҳбарликни, қонунлар, Олий Мажлиснинг бошқа қарорлари ва Президентнинг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари ижросини таъминлаш юзасидан қарор ва фармойишлар чиқаради<sup>1</sup>. Бунга мисол қилиб, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 сентябрдаги “Қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етишигурувчилар билан тайёрлов, хизмат кўрсатиш ташкилотлари ўртасида шартномалар тузиш, уларни рўйхатдан ўтказиш, бажариш, шунингдек уларнинг бажарилиши мониторингини олиб бориш тартиби тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш хақида қабул қилинган 383-сонли қарорини келтириш мумкин.

Республика вазирликларининг, Давлат қўмиталарининг, идораларининг ўз Низомлари асосида чиқарган тегишли норматив ҳужжатлари ҳам фуқаролик ҳуқуқи манбалари ҳисобланади. Айниқса, фуқаролик ҳуқуқи соҳасида Молия, Ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва савдо вазирлиги, Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирликлари, Давлат мулк қўмитаси, “Ўзбекенгилсаноат” ўюшмалари бир-мунча кўпроқ меъёрий ҳужжатлар чиқарадилар.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Ҳукуматининг норматив қарорлари фуқаролик ҳуқуқи манбаи сифатидаги масала бўйича батафсил қаралсин: У.Чарияров. Правотворчество союзной республики (на материалах Узбекской ССР). -Т.: ФАН. 1991.

Улар томонидан чиқарилган меъёрий ҳужжатлар мазкур соҳа учун умуммажбурий тусда бўлади.

Вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликлари ўзига берилган ваколатлар доирасида тегишли ҳудуддаги барча корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, бирлашмалар, шунингдек мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши зарур бўлган фуқаролик-ҳукуқий характерга эга бўлган қарорлар қабул қиласидар. Бундай қарорлар ҳам фуқаролик ҳукуқининг манбалари ҳисобланади.

Фуқаролик қонун ҳужжатларида тегишли нормалар бўлмаган тақдирда, бу муносабатларни тартибга солишда маҳаллий одат ва анъаналар қўлланилади (ФК, 6-модда).

Тадбиркорлик фаoliyatinning бирон-бир соҳасида вужудга келган ва кенг қўлланиладиган ҳулқ-атвор қоидаси бирон-бир ҳужжатда ёзилган-ёзилмаганидан қатъи назар, иш муомаласи одати ҳисобланади.

Фуқаролик қонун ҳужжатларида тегишли нормалар бўлмаган тақдирда бу қонун ҳужжатлари билан тартибга солинадиган муносабатларга нисбатан маҳаллий одат ва анъаналар қўлланилади. Бироқ, қўлланиладиган иш одатлари, маҳаллий одатлар ва анъаналар қонун ҳужжатлари нормаларига, шартнома шартлари мазмунига зид бўлмаслиги керак (ФК, 6-модда).

Фуқаролик қонун ҳужжатларини тўғри шарҳлаш ва татбиқ этиш учун суд тажрибаси мухим аҳамиятга эга бўлса ҳам, аммо у ҳукуқ манбаи бўлиб ҳисобланмайди. Фуқаролик иши бўйича суд томонидан чиқарилган қарор факат мазкур иш учунгина мажбурийдир. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги “Судлар тўғрисида”ги қонуни 17-моддасида “Олий суд Пленуми суд амалиётини умумлаштириш материалларини кўриб чиқади ва қонун ҳужжатларини қўллаш масалалари бўйича тушунтиришлар беради”, деб белгиланган. Бунга биноан Олий суд Пленумининг суд ишларини кўриш да қонунларни қўллаш масалалари юзасидан судларга раҳбарий тушунтиришлари фуқаролик ҳукуқининг манбалари бўлмаса ҳам, барча судлар учун мажбурий ҳисобланади ва судлар томонидан офишмай ижро этилиши шарт. Бунга мисол сифатида Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1997 йил 2 майдаги “Хусусийлаштирилган тураг-жойларга эгалик қилиш, улардан фойдаланиш ва уларни тасарруф қилиш билан боғлиқ

ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида”ги қарори<sup>1</sup>ни кўрсатиш мумкин (мазкур қарорга 1998 йил 11.09да ўзгартаришлар киритилган).

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси “Судлар тўғрисида”ги қонунининг 42-моддаси мазмунига кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди хўжалик судлов соҳасида суд ҳокимиятининг энг юқори органи бўлиб, у томондан қабул қилинган ҳужжатлар қатъий ва Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудида бажарилиши мажбурийдир.

Олий хўжалик суди Пленум мажлисида дастурий кўрсатмалар қабул қиласди. Шуни айтиш керакки, Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги қонунининг 11-моддасида “Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий хўжалик суди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга”<sup>2</sup> деб кўрсатилган.

### **3.2. Фуқаролик қонунларининг вақт, ҳудуд ва шахслар бўйича амалда бўлиши**

Фуқаролик қонунларининг амалда бўлиш вақти дейилганда мазкур қонуний ҳужжатнинг кучга кириши пайтидан то ҳуқуқий кучини йўқотиш пайтига қадар бўлган давр назарда тутилади.

Ўзбекистон Республикасининг Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисидаги 2000 йил 14 декабрда қабул қилинган қонунга кўра, Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари, агар ҳужжатларнинг ўзида бошқа мuddат кўрсатилган бўлмаса, расман эълон қилинганидан сўнг ўн кундан кейин кучга киради<sup>3</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларини эълон қилиш ҳамда амалга киритиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгилана-ди. Жумладан, норматив характерга эга бўлган қарорларда уларнинг амалга кириш вақти кўрсатилади, агар кўрсатилмаса қарорлар қабул қилиниб, матбуотда эълон қилинган пайтидан кучга киради. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 83-моддаси, 2-қисмига асосан қонунларни ва бошқа норматив ҳужжатларни

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорларининг тўплами. 1991-1998 йиллар. Шарқ. 1999. 47-58-бетлар.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. 1993. 10-сон. 367-модда.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикасининг Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисидаги 2000 йил 14 декабрдаги қонуни. //“Норма” Юридик ахборот тизими. 2004 йил 1 апрелгача бўлган версияси.

қўллашнинг зарур шарти уларнинг матбуотда эълон қилинганлиги хисобланади. Эълон қилинганлик дейилганда, қонун ёки норматив ҳужжат матни ёки асосий мазмуни расмий манбаларда, матбуотда нашр этилганлиги, оммавий ахборот воситалари, шу жумладан, радио, телевидение орқали маълум қилинганлиги ёки хизмат тартибида ижрочиларга маҳсус етказилганлиги тушунилади. Қонун ҳужжатининг эълон қилинганлиги, ундан ҳамма хабардор деб хисоблашга асос бўлади ва келажакда “мен бу қонундан бехабарман” – деган важ келтириши шахснинг қонунга риоя қилмаслигига баҳона бўла олмайди.

Фуқаролик қонунлари, шу жумладан, Фуқаролик кодекси ҳам, умумий қоида бўйича фақат келажак учунгина амалда бўлиб, орқага қайтиш кучига эга эмас, яъни улар янги қонуннинг амалга киритилиш вақтига қадар вужудга келган ҳуқуқий муносабатларга татбиқ этилмайди (ФК, 4-модда, 1-банд).

Қонуннинг орқага қайтиш кучига эга бўлиши, яъни мазкур қонун амалга киритилган кунга қадар вужудга келган ҳуқуқий муносабатларга ҳам татбиқ этилишига шу қонуннинг ўзида ёки бошқа қонунларда тўғридан-тўғри назарда тутилган ҳоллардагина йўл қўйилади (ФК, 4-модда, 2-банд). Масалан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1996 йил 29 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексини амалга киритиш тартиби тўғрисида”ги Қарорининг 6-бандида келтирилишича, кодекс 187-моддасининг қоидалари мулкка эгалик қилиш 1997 йилнинг 1 марта га қадар бошланган ва кодекс амалга киритилаётган вақтда давом этаётган ҳолларга ҳам татбиқ этилади. (Ахборот учун: 187-моддага мувофиқ мулкдор бўлмаган, лекин кўчмас мол-мулкка ўн беш йил давомида ёки бошқа мол-мулкка беш йил давомида ўзиники каби ҳалол, ошкора ва узлуксиз эгалик қилган шахс бу мол-мулкка мулк ҳуқуқини олади).

Фуқаролик қонунлари амалга киритилгунинга қадар вужудга келган муносабатлар бўйича бу қонун ҳужжати у амалга киритилганидан кейин вужудга келган ҳуқуқ ва бурчларга нисбатан қўлланилади, тузилган шартнома бўйича томонларнинг муносабатлари бундан мустасно.

Фуқаролик-ҳуқуқий характердаги норматив ҳужжатлар то бекор қилингунicha ёки янги ҳужжатлар билан алмаштирилгунicha амалда бўлади.

Фуқаролик қонунлари муайян худудга тааллуклидир. Ўзбекистон Республикасининг норматив ҳужжатлари Ўзбекистон худудида

амалда бўлади. Ўзбекистон қонун ҳужжатларида ва бошқа норматив ҳужжатларда муайян қоидаларнинг маълум вилоят, шаҳар ёки туман ҳудудидагина татбиқ қилиниши тўғрисида кўрсатмалар бўлиши мумкин.

Фуқаролик қонунларининг шахсларга нисбатан татбиқ этилиши дейилганда, унинг барча шахслар, чунончи, фуқаролар (Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, бошқа давлатларнинг фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар) ва юридик шахслар (маҳаллий, хорижий, қўшма юридик шахслар) га нисбатан бир хилда қўлланилиши тушунилади. Қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Фуқаролик қонун ҳужжатлари умумий қоида бўйича барча учун умуммажбурий ҳисобланади. Лекин муайян соҳани тартибга солишга қаратилган қонун ҳужжатлари фақат шу соҳа вакилларига таалуқли бўлади. Масалан, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун акциядорлик жамияти ва унинг акциядорига, “Ноширлик фаолияти тўғрисида”ги қонун ноширлар ва уларнинг фаолиятини тартибга солинишига қўлланилади. Муайян соҳани тартибга солувчи қонун ҳужжати шу соҳа вакиллари бўлмаган шахсларга татбиқ этилмайди.

### **3.3. Фуқаролик ҳуқуқида қонун аналогияси ва ҳуқуқ аналогияси**

Фуқаролик қонунлари ижтимоий ҳаёт муносабатларида кун сайин вужудга келаётган муносабатларни тўла ўз ичига олган қоидаларни бера олмайди. Турмушда фуқаролик ҳуқуқи нормалари билан назарда тутилмаган янги муносабатлар ҳам пайдо бўлиши мумкин. Шу сабабли фуқаролик ҳуқуқида аналогияга (қиёс, ўхшаштишга) йўл қўйилади.

Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 5-моддасига асосан фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлари қонун ҳужжатлари ёки тарафларнинг келишви билан тўғридан-тўғри тартибга солинмаган ҳолларда фуқаролик қонун ҳужжатларининг ўхаш муносабатларни тартибга солувчи нормаси қўлланилади (қонун ўхшашлиги). Агар қонун ўхшашлигидан фойдаланиш мумкин бўлмаса, тарафларнинг ҳуқуқ ва бурчлари фуқаролик қонун ҳужжатларининг умумий негизлари ва мазмуни (ҳуқуқ ўхшашлиги) га ҳамда ҳалоллик оқиллик ва адолат талабларига амал қилган ҳолда белгиланади.

Юқорида кўрсатилган нормага биноан аналогия икки турга бўлинади: биринчиси – қонун бўйича, иккинчиси – хуқук бўйича. Ўхшаш муносабатларни тартибга соладиган қонунни татбиқ этишга қонун аналогияси дейилса, низоли муносабатларнинг қонунларнинг умумий асослари ва маъносига таяниб ҳал қилишга хуқук аналогияси деб аталади.

Аналогия тўғрисидаги қонун (қоида) ларни татбиқ этишда қўйидагиларни назарда тутиш лозим. Биринчидан, юқорида кўрсатилган қоидаларга фақат мазкур масала юзасидан тегишли қонун ва фармойишлар бўлмаган ҳолдагина асосланиб ишни ҳал қилиш мумкинлигини, иккинчидан, бундай аналогия тариқасида суд қарори фақат низо учун кучда бўлишини ва, учинчидан, суд қонунларнинг умумий негизлари ва мазмунига қуруқдан-қуруқ ҳавола қилмай, балки қарорни ифодалашда суд қайси қонуннинг умумий асосларига таяниб, ўз қарорини чиқарганлигини кўрсатиши лозим.

Фуқаролик ҳуқуқларини чеклайдиган ва жавобгарлик белгилайдиган нормаларни ўхшашлик бўйича қўлланишга йўл қўйилмайди (ФК, 5-модда, 3-банд).

### **3.4. Фуқаролик-ҳуқуқий нормаларни шарҳлаш ва уларнинг турлари**

Фуқаролик-ҳуқуқий нормаларни татбиқ этиш ва шарҳлаш тўғрисида шуни айтиш керакки, ҳуқуқий нормаларни татбиқ этиш деганда, конкрет фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни тегишли ҳуқук нормасига мувофиқ ҳолда ҳал қилиниши ва бу муносабат юзасидан мажбурий кучга эга бўлган қарор қабул қилиниши тушунилади. Ҳуқук нормалари татбиқ этишга ваколатли бўлган давлат органлари томонидан, чунончи, суд, прокуратура, хўжалик суди ва бошқа органлар, шунингдек баъзи ҳолларда жамоат ташкилотлари томонидан қўлланилади.

Ҳуқук нормаларини татбиқ этиш тушунчасидан уларга риоя қилиш тушунчаси фарқ қиласи. Ҳуқук нормасини юқорида айтилганидек, фақат муайян ваколатли органларгина татбиқ этишлари мумкин бўлса, ҳуқуқий нормаларга риоя қилишга ҳар бир шахс (фуқаролар ҳам юридик шахслар ҳам) мажбурдир.

Ҳуқук нормасининг тўғри қўлланилиши унинг хозирги вақтда амалда бўлиш-бўлмаслигини, яъни унинг бекор қилинган-қилинманлигини ёхуд ўзгартирилган-ўзгартирилмаганлигини, унинг қанчалик мажбурий бўлиш-бўлмаслигини ва ҳақиқий матнини аниқлаш

имконини беради. Ҳуқук нормасини тегишли фуқаролик-ҳуқуқий муносабатга татбиқ этиш учун унинг аниқ мазмунини, маъносини ва аҳамиятини белгилаш зарур. Ҳуқук нормаси маъносини белгилаш ва тушунтиришга қонунни шархлаш, дейилади.

Нормани шархловчи субъектлар ҳуқук нормаларига расмий ва норасмий шарҳ берувчиларга бўлинади. Расмий шарҳ ваколатли бўлган ҳокимият органлари томонидан берилиб, маълум даражада мажбурий кучга эга бўлади. Бундай шарҳ Олий Мажлис томонидан берилади. Улар республика доирасида барча фуқаролар ва ташкилотлар учун мажбурий ҳисобланади.

Шунингдек, маҳаллий Кенгашлар томонидан бериладиган шархлар ҳам расмий, айни пайтда мажбурий ҳисобланади.

Расмий шархнинг турларидан бири суд шархлашидир. Маълум бир ишни ҳал қилишда суд томонидан берилган шарҳ чиқарилган қарорнинг қонуний кучга кирганидан сўнг мазкур иш бўйича мажбурий ҳисобланади. Аммо келажакда шунга ўхшаш бошқа ишни ҳал қилишда, бошқа судлар, жумладан, шу суднинг ўзи ҳам аввалги ишнинг ҳал қилинишига қараб масалани еча олмайди. Чунки, умумий характерда бўлган баъзи шархлар Олий суд Пленуми томонидан берилади. Шу тартибда қабул қилинадиган қарорлар судларда ишларнинг бир хилда қўрилишини таъминлашга қаратилганилиги сабабли судлар учун мажбурийдир.

*Норасмий шарҳ* деб, мажбурий кучга эга бўлмаган шархга, масалан, илмий асарларда, дарслкларда, маърузаларда бериладиган шархларга айтилади. Бундай шархлар юридик кучга эга бўлмаса ҳам қонуннинг маъносини аниқлашга ёрдам беради. Улар имловий, мантикий, тизимли ва тарихий шархлашга бўлинади.

*Имловий шархлашда* имло қоидаларидан фойдаланиб қонунда ишлатилган айрим сўзлар, жумлалар, ифодаларнинг маъносини аниқлаш йўли билан ҳуқуқий нормаларнинг мазмуни белгиланади. Масалан, ФКнинг 30-моддасида “Рухий касаллиги ёки ақли заиғлиги оқибатида ўз ҳаракатларининг аҳамиятини тушуна олмайдиган ёки уларни бошқара олмайдиган фуқароларни суд қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган тартибда муомалага лаёкатсиз деб топиши мумкин”, дейилади. Бу ерда қонун чиқарувчи иккинчи “ёки” сўзини ишлатиши натижасида фуқарони муомалага лаёкатсиз деб топиш учун иккита асосдан биттаси, яъни ўз ҳаракатларининг аҳамиятини тушуна олмаслик ёки уларни бошқара олмасликнинг мавжуд бўлиши етарли эканлигини ифодалайди.

*Мантикий шархлашда* қонунда ишлатилган ифодалар, тушунчалар бир-бiri билан ички, узвий, мантикий боғланғанлиги аниқланиб, ҳуқуқий норманинг музмуни белгиланади. Масалан, ФКнинг ушбу 30-моддасида “Рұхий касаллiği ёки ақли заифлиги оқибатида ўз ҳаракатларининг аҳамиятини тушуна олмайдиган ёки үларни бошқара олмайдиган фуқарони суд қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган тартибда муомалага лаёқатсиз деб топиш мумкин”, дейилган. Демак, вояга етган фуқаро рұхий касал бўлса ҳам, то суд томонидан “муомалага лаёқатсиз” деб топилгунига қадар муомалага лаёқатли, деб фараз қилинади.

*Тизимли шархлашда* ҳуқуқ нормасининг мазмуни унинг ҳуқуқ тизимида эгаллаган ўрнини белгилаш, уни бошқа ҳуқуқий нормалар билан таққослаш йўли билан аниқланади. Масалан, 1963 йилда қабул қилинган ГКнинг 321-моддасида мулкнинг ижарага оловчи томонидан ёмонлаштирилган ҳолда етказилган заарларнинг ижарага берувчи томонидан қопланишига айтилади. Бу ерда заар етказилиши шартнома бўйича олинган мажбуриятни бузиш билан боғлиқ бўлгани учун низо ГКнинг 479-моддаси билан эмас, 321-моддаси билан ҳал қилинади.

*Тарихий шархлашда* ҳуқуқ нормаси қандай тарихий вазиятларда қабул қилинганинги белгилаш йўли билан аниқланади. Шархлаш ўзининг ҳажми бўйича туб маънодаги шархда қонуннинг маъноси унинг ифодаланиш, яъни ёзилиш шаклига айнан тўғри келиши керак. Чекланган шархда қонуннинг маъноси унинг ифодаланишига қараганда бирмунча торроқ кўринади. Кенгайтирилган шархда қонуннинг мазмуни унинг туб таҳририга қараганда бирмунча кенгроқ тушунилади. Масалан, ФКнинг 115-моддасида: “Битимнинг қонун талаб қиласидиган шаклига риоя қилмаслик қонунда тўғридан-тўғри кўрсатилган ҳолдагина унинг ҳақиқий эмаслигига сабаб бўлади”, деб ёзилган.

Бунда “қонун” сўзи фақат Олий Мажлис томонидан қабул қилинган норматив ҳужжатнигина билдирамай, балки ҳуқуқнинг бошқа нормаларини ўзининг таъсирий кучига қараб *императив ва диспозитив* нормаларга бўлинади. *Императив нормалар*, деб маълум бир ҳуқуқий муносабатда қатнашувчиларнинг эрклари билан ўзgartирилиши мумкин бўлмаган, қатъий характерда бўлган, қатъий буйруқ берадиган нормаларга айтилади. Императив нормаларга мисол қилиб “Фуқароларнинг ҳуқуқ лаёқатидан ёки муомала лаёқатидан тўла ёки қисман воз кечиши ва ҳуқуқ лаёқати ёки муомала лаёқатини чеклашга қаратилган бошқа битимлар ўз ўзидан

ҳақиқий эмасдир” (ФК, 23-модда, З-қисм), деб айтилган нормани кўрсатиш мумкин. *Диспозитив нормалар*, деб тарафларнинг ўз ихтиёrlари билан тўлдирилиши мумкин бўлган ва шартномаларда ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиларининг ўзаро келишуви бўйича тартибга солиниши мумкинligини кўрсатадиган нормаларга айтилади. Масалан, ФКниг 223-моддаси 1-бандида улушли мулкдаги мол-мулк иштирокчилар ўртасида уларнинг келишувига мувофиқ тақсимланиши мумкин деб ёзилган. Демак, бу ҳуқуқий норманинг мазмунига кўра, умумий мулк иштирокчилари ўзига тегишли бўлган улушкини ўзларининг келишувларига мувофиқ тақсимлашлари мумкин.

**Тўртинчи боб**  
**ФУҚАРОЛИК-ХУҚУҚИЙ МУНОСАБАТ**  
**4.1. Фуқаролик-хуқуқий муносабат тушунчаси**

Фуқаролик-хуқуқий муносабат деб, шахслар ўртасида бўладиган ва фуқаролик-хуқуқий нормалар билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатга айтилади. Шахслар (фуқаролар ва юридик шахслар) ўртасида тузиладиган олди-сотди, маҳсулот етказиб бериш, бирон-бир ишни бажариш, ижара, қарз тўғрисидаги шартномалар фуқаролик-хуқуқий муносабатлар жумласига киради.

Фуқаролик-хуқуқий муносабат ижтимоий муносабат сифатида энг аввало, шахслар, кишилар ўртасидаги муносабат бўлганлиги учун унда қатнашувчиларнинг эрки-иродасидан вужудга келади. Фуқаролик-хуқуқий муносабатда ифодалангандан шахсларнинг эр克拉ри, турли-туман манфаатлари давлатнинг фуқаролик-хуқуқий нормаларида (қонунларда) ўз ифодасини топади.

Шахслар (жисмоний ва юридик шахслар) ўртасида бўладиган фуқаролик-хуқуқий муносабатлар қонун билан тартибга солинадиган нормал муносабатлар бўлганлиги туфайли улар ихтиёрий равишда амалга оширилиши лозим. Аммо баъзи ҳолларда хуқуқий муносабат юзасидан олинган мажбуриятлар ихтиёрий равишда амалга оширилмаганлиги туфайли давлат томонидан белгилангандан мажурий ижро чоралари қўлланилади.

Фуқаролик-хуқуқий муносабатга хос баъзи хусусиятлар ҳам мавжуд. Чунончи, фуқаролик-хуқуқий муносабатда қатнашувчи шахслар бу муносабатларда ўзларига хос мулкка, аниқроғи, муайян мулкий мустақилликка эга ҳолда қатнашадилар. Фуқаролик-хуқуқий муносабатда қатнашувчи шахслар бир-бирларига нисбатан teng хуқуқли шахслар ҳисобланади. Фуқаролик-хуқуқий муносабатда қатнашувчи шахсларнинг хуқуқлари бузилган тақдирда, бу хуқуқлар, одатда, даъво қўзғатиш йўли билан судлар томонидан қўриқланади.

Фуқаролик-хуқуқий муносабатлар учта мустақил элементдан - хуқуқий муносабат субъектлари, мазмуни ва обьектларидан иборатdir.

Бунда, фуқаролик-хуқуқий муносабат субъектлари бўлиб, ушбу хуқуқий муносабатда қатнашувчи шахслар – фуқаролар ва ташкилотлар (яъни, юридик шахс хуқуқига эга бўлган корхоналар) ҳисобланади. Давлат ҳам фуқаролик-хуқуқий муносабат субъекти бўлиши мумкин.

Фуқаролик-хуқуқий муносабатда қатнашувчи шахслар фуқаролик хуқуқ лаёқатига, яъни фуқаролик хуқуқлари ва бурчларига эга бўлиш лаёқатига молик бўлишлари лозим.

*Фуқаролик-хуқуқий муносабатнинг мазмунини* шу муносабатда қатнашувчи шахсларнинг субъектив хуқуқлари ва бурчлари ташкил этади.

Баъзи муаллифлар фуқаролик-хуқуқий муносабатнинг мазмунини бундай муносабат қатнашчиларининг ўз субъектив хуқуқ ва мажбуриятларига мувофиқ амалга оширадиган ўзаро ҳаракатлари ташкил этади, субъектив хуқуқлар ва бурчлар эса хуқуқий муносабатнинг хуқуқий шаклидир, деб ҳисобладилар<sup>1</sup>.

Субъектив хуқуқ дейилганда, муайян хуқуқий муносабатда қатнашувчи шахсга тегишли хуқуқ тушунилади. Субъектив хуқуқлар объектив хуқуқ нормалари, яъни давлат томонидан белгиланган умумий қоидалар асосида вужудга келади ва уларга мувофиқ равишда амалга оширилади<sup>2</sup>. Фуқаролик-хуқуқий муносабат иштирокчиларининг хуқуқлари одатда объектив хуқуқ (давлат томонидан ўрнатиладиган ва белгилаб қўйиладиган хуқуқлар) нормаларидан келиб чиқади. Ушбу хуқуқка нисбатан “субъектив” сўзи қўлланилишининг асосий сабаби, фуқаролик-хуқуқий муносабат иштирокчисининг ушбу хуқуқнинг соҳиби бўлиш ҳамда уни амалга оширишдаги хоҳиш-иродасининг бирлашиши аҳамиятга эгалигидир. Чунки субъектив хуқуқ соҳиби ўзининг бу хуқуқларини ўз хоҳишига кўра амалга ошириши ёки умуман амалга оширмаслиги ёхуд ушбу хуқуқлардан воз кечиши мумкин.

Субъектив хуқуқлар ўз эгасига қонун билан йўл қўйилган доираларда ўз хоҳиши ва ихтиёри билан ҳаракат қилиш имкониятини беради. Бошқача қилиб айтганда, субъектив хуқуқ субъектга ўз эркини амалга ошириш ва ўз манфаатларини қондириш имкониятини берадиган муносабатларни вужудга келтиради. Субъектив хуқуқ иккинчи томондан, хуқуққа эга бўлган шахснинг бошқа шахслардан ўз хуқуқининг бузилмаслигини талаб қилиш имкониятини назарда тутади. Масалан, мулк эгасининг субъектив хуқуқи, бир томондан, ўз мулкини эгаллаш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш билан боғлиқ хуқуқларни назарда тутса, иккинчи томондан, у субъектив хуқуқ эгаси сифатида ўз хуқуқларининг бузилмаслигини

<sup>1</sup> Гражданское право. Учебник. Ч.1. -М.: Проспект. 1996. 78-79-бетлар.

<sup>2</sup> Халфина Р.О. Общее учение о правоотношении. -М.: Юридическая литература. 1974. 134-140-бетлар.

ҳар кимдан талаб қила олади. Субъектив ҳуқуқлар ўз ҳаракатлариға күра мулкий ёхуд шахсий номулкий бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасида субъектив ҳуқуқлар кафолатланган ҳуқуқлардир. Давлат бу ҳуқуқларнинг амалга оширилишини таъминлайдиган моддий шароитларни яратади.

Ҳуқуқий муносабатларнинг мазмунини юкорида кўрсатилганидек, ҳуқуқлар билан бир қаторда мажбуриятлар ҳам ташкил этади. Мажбуриятнинг моҳияти шундаки, бунда ҳуқуқий тартибнинг талаби бўйича уни ўз зиммасига олган шахс маълум ҳаракатларни қилишга ёки ҳаракатларни қилишдан сақланишга мажбур бўлади.

Ҳар қандай мажбурият қарздор шахснинг, яъни зиммасида мажбурият бўлган шахснинг эркини маълум даражада чеклайди, уни ҳуқук эгасининг манфаатлари билан боғлайди. Масалан, сотувчи сотилган мулкни харидорга шартномага мувофиқ равишда топширишга мажбур. Яъни, бирордан ашё сотиб олган шахс бу ашёнинг ўзига топширилиши учун лозим бўлган барча ҳаракатлар қилинишини талаб этишга ҳақлидир, сотувчи эса – ашёни топшириш билан боғлиқ ҳаракатларни қилишга мажбур бўлади.

Шахсдан муайян ҳаракат қилишни талаб этадиган мажбуриятлар ижобий (позитив) мажбуриятлар, муайян ҳаракатларни қилишдан сақланишни талаб этадиганлари эса салбий (негатив) мажбуриятлар деб аталади.

Субъектив ҳуқуқлар ва мажбуриятлар ягона ҳуқуқий муносабатнинг элементи бўлиб, ўзаро боғлангандир. Бирорда субъектив ҳуқуқнинг бўлиши, бошқа бирорда албатта, бу ҳуқуққа яраша мажбурият бўлишини билдиради, ва аксинча, ҳар қандай мажбурият ўз қаршисида уни бажаришни талаб қилишга ҳақли шахснинг бўлишини билдиради. Чунончи, мулкдор ўзига қарашли мулкдан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлгани учун у бошқа фуқаролардан бу ҳуқуқдан фойдаланишда тўсқинлик қилинmasлигини талаб қила олади. Қарздор маълум бир ҳаракатни бажаришга мажбур бўлса, кредитор бу ҳаракатнинг бажарилишини талаб қилишга ҳақлидир. Булар ҳақида субъектлар мавзусида батафсил сўз юритамиз.

*Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатнинг обьекти деб, фуқаролик-ҳуқуқий муносабатда қатнашувчи шахсларнинг субъектив ҳуқуқлари ва мажбуриятлари нимага қаратилган бўлса, шунга айтилади. Булар – ашёлар, мол-мулклар, пуллар ва қимматли қофозлар, ишлар ва хизматлар, интеллектуал фаолият натижалари, шахсий номулкий ҳуқуқлардир.*

Фуқаролик-хуқуқий муносабатларнинг обьектлари сифатида кўрилган ашёлар фуқаролик хуқуқида мухим аҳамиятга эга.

Ишлар ва хизматлар фуқаролар ва юридик шахсларга кўрсатиладиган хуқуқий муносабатларнинг обьектлари бўлиб ҳисобланади<sup>1</sup>.

Масалан, олди-сотди шартномаси бўйича сотувчи ашёни топширишга қаратилган ҳаракатни қиласи, пудрат шартномаси бўйича, кийим тикиш ательеси мижознинг буюртмаси бўйича кийим тикишга қаратилган ҳаракатни қилишга ва ўзи бажарган иш натижасини топширишга мажбурдир.

Интеллектуал фаолият (ижодий меҳнат) натижалари, чунончи, фан ёки санъат асарлари, ихтиrolар, саноат намуналари, муаллифлик ҳамда саноат мулки хуқуқи нормаси билан тартибга солинадиган ва кўриқланадиган хуқуқий муносабатларнинг обьекти бўлади.

Мулкий характерда бўлмаган шахсий хуқуқлар ФКнинг 100-моддасида кўрсатилган бўлиб, улар шахснинг номи, шаъни, қадр-қиммати, ишчанлик обрўси ва бошқа шахсларнинг мулкий характерда бўлмаган манфаатларини таъминлашга қаратилган хуқуқий муносабатларнинг обьекти сифатида кўрилади. Амалдаги фуқаролик-хуқуқий характердаги қонунларимизда фуқаролик-хуқуқий муносабат обьектларини ташкил этадиган мулкий ва шахсий-номулкий хуқуқлар доираси бирмунча кенгайтирилган.

## **4.2. Фуқаролик-хуқуқий муносабатларнинг турлари (таснифи)**

Фуқаролик-хуқуқий муносабатлар бир неча турга бўлинади:

**1. Мулкий характердаги ва мулкий характерда бўлмаган шахсий хуқуқий муносабатлар.** Мулкий характердаги муносабатлар дейилганда, муайян иқтисодий мазмунга эга бўлган ижтимоий муносабатлар, масалан, мулк юзасидан белгиланадиган, мулкни сотиш, ижарага қўйиш ва бошқача шаклда қўлдан-қўлга ўтказиш, умуман, мулкий муомала билан боғлиқ хуқуқий муносабатлар англашилади.

Мулкий характерда бўлмаган шахсий хуқуқий муносабатлар шахс (фуқаролар ва юридик шахслар) нинг ўзи билан бевосита боғлиқ бўлган, ўз соҳибидан бегоналаштирилиши ва бирорга ўтказилиши мумкин бўлмаган шахсий хуқуқлар, чунончи, шахснинг

<sup>1</sup> Ибраторов Б. Служба быта и права потребителя. -Т.: Ўзбекистон. 1992. 35-40-бетлар.

муаллифлик номи, қадр-қиммати ва бошқа шахсий манфаатлари билан боғлиқ бўлган ҳуқуқлардан иборат.

**2. Мутлақ ва нисбий ҳуқуқий муносабатлар.** Мутлақ ҳуқуқий муносабатларда субъектив ҳуқуқ эгалари ўз ҳуқуқларининг бузилмаслигини ҳар кимдан ва ҳаммадан талаб қила оладилар. Мутлақ ҳуқуқлар номаълум ҳар бир кимса томонидан бузилиши мумкин бўлгани сабабли ҳар кимдан қўриқланади. Уларга мулк, муаллифлик ҳуқуқлари, шахсий ҳуқуқ кабилар киради.

Нисбий ҳуқуқий муносабатда эса фақат бир шахс (ёки шахслар)гина ҳуқуқ ёки мажбурият олади. Нисбий ҳуқуқлар зиммасида мажбурият олган маълум шахс (ёки шахслар) га нисбатангина кучда бўлади. Шартномага асосланган барча ҳуқуқлар нисбий ҳуқуқлар жумласидандир. Нисбий ҳуқуқларга асосланган талабларниң амалга оширилиши, мажбуриятларниң бажарилиши, қарзга олинган пулниң тўланиши бўйича ўз зиммасига шартнома асосида мажбурият олган шахсдангина талаб қилиш мумкин бўлади.

**3. Мулкий ҳуқуқий ва мажбурият ҳуқуқий муносабатлар.** Мулкий ҳуқуқий муносабатлар юқорида қайд этилганидек, мутлақ ҳуқуқий муносабат бўлиб, мулкий характерга эга ҳамда ашёни эгаллаш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этишга қаратилади. Мулкий-ҳуқуқий муносабатларда ҳуқуқ эгаси бўлган шахслар бошқа шахсларниң ижобий ҳаракатларига муҳтож бўлмай, ўз ҳуқуқларини ўzlари бевосита амалга ошириш имкониятига эга бўладилар.

Мажбурият-ҳуқуқий муносабатлари нисбий муносабат бўлиб, мулкий ҳуқуқий муносабатлар билан боғлиқ бўлса ҳам, ҳамма вақт моддий нарса (ашё) билан боғлиқ бўлмаслиги мумкин. Бундай муносабатлар, одатда, фуқаролик муомаласи натижасида вужудга келади. Чунончи, муйян ишларни бажариш, хизмат қўрсатилиши ёки етказилган зарарни тўлатилишига қаратилиши мумкин. Барча шартномалар, бирорга зарар етказиш, мулкни асоссиз олиш ёки тежаш билан боғлиқ муносабатлар мажбурият муносабатлари ҳисобланади.

Бозор муносабатлари тизимида фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларниң янги тури – **корпоратив ҳуқуқий муносабатлар** (4) ҳам вужудга келди. Субъектларни юридик шахс белгиларига эга бўлган ташкилий-ҳуқуқий тузилмалар – корпорацияларда аъзолиги (иштироки) асосида вужудга келадиган ҳуқуқий муносабатлардир. Бундай ҳуқуқий муносабатлар мазмунини корпоратив ҳуқуқ ташкил этади.

Корпоратив ҳуқуқий муносабатларнинг вужудга келиш асослари турлича бўлиб, улар жумласига:

- таъсис шартномасида қатнашиш;
- кооперативга аъзо бўлиб кириш;
- акцияларни сотиб олиш ва ш.к. киради.

Корпоратив ҳуқуқ туфайли корпорация иштирокчилари (хўжалик ширкатлари, жамиятлари, кооперативлар ва ш.к. аъзолари) корпорацияни ва унинг мол-мulkини турли шаклларда бошқаришда қатнашадилар. Корпоратив ҳуқуқларини амалга ошира бориб, корпорация қатнашчилари фуқаролик ҳуқуқининг мустақил субъекти – юридик шахс ҳисобланган ушбу корпоратив тузилма эрки-иродасини шаклланишига таъсир этади. Бундай вазият фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш учун типик хол эмас, чунки умумий қоидага кўра фуқаролик муомаласида субъектлар мустақил ва бир-бирига боғлиқ эмас, шу сабабли контрагентлар эрки-иродасини шаклланишида бевосита қатнаша олмайди.

Корпоратив ҳуқуқларни амалга ошириш бевосита ёхуд бавосита бундай ҳуқуқ соҳиблари мулкий манфаатларини қаноатлантириш мақсадини кўзда тутади. Шу сабабли ҳам корпоратив ҳуқуқларни мулкий ҳуқуқлар жумласига мансуб деб ҳисоблаш мумкин.

### **5. Имтиёзли (афзаллик) ҳуқуқий муносабатлар.**

Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларида муайян ҳуқуқ субъектига имтиёз, афзаллик берувчи ҳуқуқлар мазмунини ўз ичига олган алоҳида гуруҳдаги ҳуқуқий муносабатлар мавжуд. Масалан, улушли мулкда умумий улушли мулкдаги улуш сотилганда шерик мулқдорлар имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқига эга (ФК, 224-модда). Ёпик акциядорлик жамияти аъзоси ҳам ўз акцияларини сотганда, бошқа аъзолар сотиб олишда имтиёзга эга. Гаровга олувчи гаров предмети сотилганда, унинг қиймати ҳисобидан ўз талабларини қаноатлантиришда бошқа кредиторларга нисбатан имтиёзга эга. Ушбу ҳуқуқлар ўзига хос бўлиб, фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлари субъектлари teng ҳуқуқлиги доирасидан ташқари чиқади. Шу сабабли ҳам имтиёзли ҳуқуқий муносабат фақат қонунда белгиланган асослар бўйича ва маҳсус доирадаги субъектлар учунгина вужудга келади. Имтиёзли ҳуқуқлар мустасно характерга эга бўлиб, фақат ваколатли субъектгина ундан воз кеча олади. Имтиёзли ҳуқуқларни бузувчи ҳар қандай юридик ҳаракатлар ўз ўзидан ҳақиқий саналмайди.

### **4.3. Фуқаролик ҳуқуқлари ва бурчларининг келиб чиқиш асослари. Юридик фактлар**

Фуқаролик ҳуқуқи нормалари (қонунлар) ўз ўзидан фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни вужудга келтирмайди. Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг вужудга келиши, ўзгариши ёки бекор бўлиши маълум ҳолатлар билан белгиланади. Бинобарин, ҳуқуқий муносабатларни белгилаш, ўзгартириш ва бекор қилишга қаратилган ҳолатлар юридик факт деб юритилади.

Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар вужудга келиши учун ҳуқуқий нормаларда тўғридан-тўғри назарда тутилган, шунингдек назарда тутилмаган бўлсада, фуқаролик қонунларининг умумий асослари ва мазмунига мувофиқ келадиган муайян ҳолатлар мавжуд бўлиши керак.

Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни вужудга келтирадиган, ўзгартирадиган ва бекор қиласидан асослар сифатида кўрилган юридик фактлар турлича бўлиб, субъектлар эрки-иродаси мазмунига кўра икки гуруҳга: ҳодисалар ва ҳаракатларга бўлиниши мумкин.

ФКнинг 8-моддаси 1-қисмида кўрсатилишича, фуқаролик ҳуқуқлари ва бурчлари қонун ҳужжатларида назарда тутилган асослардан, шунингдек фуқаролар ҳамда юридик шахсларнинг гарчи қонун ҳужжатларида назарда тутилган бўлмаса-да, лекин фуқаролик қонун ҳужжатларининг умумий негизлари ва мазмунига кўра фуқаролик ҳуқуқ ҳамда бурчларини келтириб чиқарадиган ҳаракатлардан вужудга келади.

ФКнинг 8-моддаси 2-қисмида фуқаролик ҳуқуқлари ва бурчлари вужудга келиш асослари санаб чиқилган. Улар кўйидагилардан иборат:

1) қонунда назарда тутилган шартномалар ва бошқа битимлардан, шунингдек гарчи қонунда назарда тутилмаган бўлса-да, унга зид бўлмаган шартнома ва бошқа битимлардан;

2) давлат органлари ҳамда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг фуқаролик ҳуқуқлари ва мажбуриятлари вужудга келишининг асоси сифатида қонунда назарда тутилган ҳужжатларидан;

3) суднинг фуқаролик ҳуқуқлари ва мажбуриятларини белгилаган қарорларидан;

4) қонун йўл қўйган асосларда мол-мулк олиш натижасида;

5) фан, адабиёт, санъат асарларини яратиш, ихтиrolар ва бошқа интеллектуал фаолият натижасида;

- 6) бошқа шахсга зарар етказиш натижасида;
- 7) асоссиз бойиб кетиш натижасида;
- 8) фуқаролар ва юридик шахсларнинг бошқа ҳаракатлари натижасида;

9) қонун ҳужжатлари фуқаролик-хуқуқий оқибатларнинг келиб чиқиши билан боғлайдиган ҳодисалар натижасида.

Ҳодисалар, воқеалар, яъни кишиларнинг эркидан ташқари содир бўладиган фактлар (масалан, ўлим ва шунга ўхшашлар) фақат қонунда назарда тутилган ҳоллардагина фуқаролик хуқуқи ва мажбуриятларини вужудга келтиради. Масалан, фуқаро вафот этган тақдирда унинг меросхўрлари ворислик хуқуқи тўғрисидаги нормалар асосида мерос олиш хуқуқига, марҳумнинг қарзи бўлса, олган мерос мулки қиймати ҳажмидан шу қарзни тўлашга мажбур бўладилар. Табиий оғатлар, ёнғин юз берган тақдирда, суғурта органлари жабрланган шахс зарарини суғурта ҳақидаги хуқуқий нормаларга асосан тўлашга мажбур бўладилар (агар аввалдан суғурта шартномаси тузилган бўлса).

Ҳаракатлар фуқаролик-хуқуқий муносабатларда қатнашувчи шахс (ёки шахслар) нинг эрки бўйича қилинадиган юридик фактлар ҳисобланади. Ҳар қандай ҳаракат ҳам юридик факт ҳисобланмайди, фақатгина муайян хуқуқий оқибат туғдирадиган ҳаракатгина юридик факт сифатидә эътироф этилади. Улар ўз навбатида икки турга: хуқук йўл қўйган ва хуқук йўл қўймаган ҳаракатларга бўлинади.

Хуқук йўл қўйган ҳаракатлар қонун билан ман этилмаган ҳаракатлардан иборат. Бундай ҳаракатлар фуқаролар ва юридик шахсларнинг фуқаролик хуқуқлари ва бурчларини белгилаш, ўзgartириш ёки бекор қилишга қаратилган ҳаракатлар бўлиб, муайян хуқуқий оқибатни туғдиришга қаратилади.

Хуқук йўл қўймаган ҳаракатларга бирорвга зарар етказиш ва асоссиз бойиб кетиш ҳолатлари киради (ФК, 8-модда, 2-қисм, 6-7-бандлар).

Қонун йўл қўйган асосларда мол-мулк олиш натижасида ҳам фуқаролик хуқук ва мажбуриятлари вужудга келади. Давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлган мол-мулкка нисбатан хуқуклар, агар қонунда бошқача тартиб белгилаб қўйилмаган бўлса, тегишли тартибда рўйхатдан ўтказилган пайтдан бошлаб вужудга келади.

#### **4.4. Фуқаролик ҳуқуқларининг амалга оширилиши ва бурчларининг бажарилиши. Фуқаролик ҳуқуқларининг ҳимоя қилиниши**

Фуқаролар ва юридик шахслар ўзларининг ҳуқуқ лаёқати мазмунига яраша хилма-хил фуқаролик ҳуқуқлари олиш имкониятига эгадирлар.

Президентимиз И.Каримов уқтирганидек, фуқаролик ҳуқуқларини амалга ошириш ва бурчларни бажариш вақтида фуқаролар ва ташкилотлар давлатимиз бозор иқтисодиётини шакллантириш шароитида қонуларга ва норматив ҳуқуқий ҳужжатларга нисбатан чуқур ҳурмат ҳиссини тарбиялаш алоҳида аҳамиятга эгадир<sup>1</sup>.

Фуқаролик ҳуқуқларини амалга ошириш тартиби ФКнинг 9-моддасида кўрсатилган. Унга асосан фуқаролар ва юридик шахслар фуқаролик ҳуқуқларини ўз эрклари билан, ўз манфаатларини кўзлаб қўлга киритадилар ҳамда амалга оширадилар. Улар ўзларига тегишли фуқаролик ҳуқуқларини, шу жумладан, бу ҳуқуқларни ҳимоя қилиш ҳуқуқини ҳам ўз хоҳишларига қараб тасарруф этадилар. Бунда улар, ҳатто ўзларига тегишли ҳуқуқларни амалга оширишдан воз кечишга ҳам ҳақлидирлар ва бу ҳолат қонунда назарда тутилган ҳоллардан ташқари (масалан, меросдан воз кечиш) ҳуқуқларнинг бекор қилинишига олиб келмайди.

Фуқаролик ҳуқуқларини амалга ошириш бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт. Қонун фуқаролик-ҳуқуқий муносабат иштирокчиларининг инсофли, оқилона ва адолат билан ҳаракат қилишини назарда тутади.

Фуқаролар ва юридик шахслар ўз ҳуқуқларини амалга оширишда жамиятнинг маънавий тамойиллари, ахлоқий нормаларини ҳурмат қилишлари, тадбиркорлар эса иш юритиш одоби қоидаларига риоя қилишлари шарт. Улар ўз ҳуқуқларини амалга ошириш жараёнида бошқаларга зарар етказмасликлари, ўз ҳуқуқларини сунистеъмол қилмасликлари, шунингдек улардан қонун ҳужжатларига зид равища фойдаланмасликлари шарт.

Фуқаролар ва юридик шахслар ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ушбу шартларга риоя этмасалар, суд уларга тегишли ҳуқуқини ҳимоя қилишни рад этиши мумкин. Субъектив фуқаролик ҳуқуқини амалга ошириш – зиммасида мажбурият бўлган шахсни муайян

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон - бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. -Т.: Ўзбекистон. 1993. 72-б.

хатти-ҳаракатни қилишга (агар ўз бурчини ихтиёрий равишда бажармаса) мажбур қилиш йўли билан кафолатланади.

Фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усуллари ФКнинг 11-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган. Улар қўйидагилардан иборат:

1) ҳуқуқни тан олиш (масалан, асарнинг, бирор томонидан ўзлаштирилиб нашр этилгани тўғрисида низо бўлгани ҳолда, шу асарга нисбатан муаллифликни тан олиш);

2) ҳуқуқ бузилишидан олдинги ҳолатни тиклаш ва ҳуқуқни бузадиган ёки унинг бузилиши хавфини туғдирадиган ҳаракатларнинг олдини олиш (масалан, мулк эгаси ўзининг мулкидан фойдаланиш ҳуқуқининг ҳар қандай равишда бузилишини бартараф этиш ва келгусида мулкдан фойдаланишда ҳалақит бермаслик мажбуриятини бузувчи шахсга юклаш);

3) битимни ҳақиқий эмас деб топиш ва унинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш;

4) давлат органининг ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг ҳужжатини ҳақиқий эмас деб топиш;

5) шахснинг ўз ҳуқуқларини ўзи ҳимоя қилиши;

6) бурчни аслича (натура) бажаришга мажбур қилиш (масалан, сотилган ашё сотувчи томонидан ихтиёрий равишда топширилмаганида унинг олувчисига мажбурий тарзда олиб бериш);

7) зарарни тўлаш;

8) неустойка ундириш;

9) маънавий зиённи қоплаш;

10) ҳуқуқий муносабатни бекор қилиш ёки ўзгартириш;

11) давлат органининг ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг қонунга зид ҳужжатини суднинг қўлламаслиги;

12) қонунда назарда тутилган бошқача усуллар.

**Фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тартиби ҳам умумий ва маҳсус тартибга** бўлинади. Фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг умумий тартиби суд ва ҳўжалик суди орқали ҳимоя қилишдан, шунингдек фуқаронинг ўз ҳуқуқларини ўзи ҳимоя қилишдан иборат бўлади. ФКнинг 10-моддасига асосан бузилган фуқаролик ҳуқуқлари процессуал қонулларда ёки шартномада белгилаб қўйилганидек, ишлар қайси судловгага тааллуқли бўлишига қараб, суд, ҳўжалик суди ёки холислар суди томонидан ҳимоя қилинади.

Қонунда назарда тутилган ҳоллардагина фуқаролик ҳуқуқлари маъмурий тартибда ҳимоя қилинади. Маъмурий тартибда қабул

қилинган қарор устидан судга шикоят қилиш мумкин (ФК, 10-модда 2-банд).

Шахснинг ўзи томонидан ҳам фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилишга йўл қўйилади. Бироқ бунда ҳимоя маълум шартлар асосида амалга оширилмоғи лозим. Улар ФКнинг 13-моддасида назарда туттилган. Унга асосан шахснинг ўзи томонидан фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усувлари ҳуқуқни бузиш даражаси билан бара-вар бўлиши ҳамда ҳуқуқни бузишга йўл қўйиш учун зарур ҳаракатлар доирасидан чиқиб кетмаслиги лозим. Масалан, истеъмолчи ўзига сотилган нуқсонли товарни ушлаб қолиб, етказилган зарап ва неустойка тўланмагунча қайтариб бермасликка ҳақли бўлади<sup>1</sup>.

Фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг маҳсус тартиби фақат қонун ёки бошқа норматив ҳуҗожатларда маҳсус қўрсатма бўлган тақдирдагина қўлланилиши мумкин. Ҳимоя қилишнинг маҳсус тартиби қўйидагичадир: фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қонунлар билан белгиланган ҳолларда ва тартибда касаба ўушма ташкилотлари томонидан ҳам амалга оширилади.

Ўртоқлик судлари Ўзбекистон Республикаси “Ўртоқлик судлари тўғрисида”ги низомда кўрсатилган фуқаролик ишларини кўриб, ҳал қиласди.

Фуқаро ва ташкилотларнинг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш суд тартибида амалга оширилади. Баъзи ҳолларда, агар фуқаронинг шаънига доғ туширадиган ва қадр-қимматини пастга урадиган маълумотлар шахснинг турар жой ёки ишлаш жойида биринчи марта содир этилган бўлса, жабрланган шахснинг ҳуқуқи турар жой ёки ишхонасидаги ўртоқлик суди томонидан ҳимоя қилиниши мумкин.

<sup>1</sup> Бобоев Ж.И. Право потребителей и их защита по законодательству Республики Узбекистан. //Узбекистонда ижтимоий фанлар. 2003. № 3. 20-29 б.

**Бешинчи боб**  
**ФУҚАРОЛАР – ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИННИГ СУБЪЕКТЛАРИ**  
**СИФАТИДА**

**5.1. Фуқаролик ҳуқуқ лаёқати түшүнчаси**

Хуқуқ субъектларини белгилайдиган асосий хуқуқий хусусиятлар ҳуқуқ ва мумомала лаёқатларидан иборат. Фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларига эга бўлиш лаёқати (хуқуқ лаёқати) тенг равишда эътироф этилади (ФК, 17-модда). Ҳар бир шахс фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларига эга бўлиш лаёқатига молик бўлмай туриб, фуқаролик ҳуқуқининг субъекти бўла олмайди. Бу қоида, одатда, юридик шахсларга тааллуқли бўлсада, жисмоний шахслар учун ҳам аҳамиятли ҳисобланади.

Давлат ҳаётнинг моддий шароитларига қараб фуқароларнинг ҳуқуқ лаёқати, яъни муайян ҳуқуқ ва бурчларга эга бўлиш лаёқатини белгилайди. Ҳуқуқ лаёқатининг белгилари ва мазмуни жамиятдаги ишлаб чиқариш муносабатларидан келиб чиқади.

Фуқаролик ҳуқуқ лаёқати фуқароларга ўзларининг моддий ва маданий эҳтиёжларини қондириш мақсадида хилма-хил ҳуқуқий муносабатларга киришишнинг юридик имкониятини беради.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддасида айтилганидек, Ўзбекистон Республикасидаги барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар. Ушбу қоидага асосланган ҳолда фуқаролик ҳуқуқида фуқаролар ҳуқуқ лаёқатида тенг ҳисобланадилар. Яъни барча фуқароларга бир хилдаги ҳуқуқ ва бурчлар белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳуқуқ лаёқатининг мазмуни Конституциянинг “Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари” номли иккинчи бўлимидаги қатор моддаларда кенг таърифланган ва мустаҳкамланган. Уларда фуқароларнинг мол-мулкка эга бўлиши, мерос олиши, мерос қолдириши, касб ва тураг-жой танлаш, фан, адабиёт, санъат асарлари яратиш, тадбиркорлик фаолияти билан ва умуман қонунда тақиқланмаган ҳар қандай фаолият билан шуғулланиш, шунингдек бошқа кенг мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўлишлари мумкинлиги айтилган ва асосий қонун доирасида мустаҳкамланган.

Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг фуқаролик ҳуқук лаёқати мазмунини ФКнинг 18-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган. Унга асосан фуқаролар:

- мулк ҳуқуқи асосида мол-мулкка эга бўлишлари;
- мулкни мерос қилиб олишлари ва васият қилиб қолдиришлари;
- банкда жамғармаларга эга бўлишлари;
- тадбиркорлик, дехқон (фермер) хўжалиги билан ҳамда қонунда тақиқлаб қўйилмаган бошқа фаолият билан шуғулланишлари;
- ёлланма меҳнатдан фойдаланишлари, ўзлари мустақил рашидда ёки бошқа фуқаролар ва юридик шахслар билан биргаликда юридик шахслар ташкил этишлари;
- қонунга зид бўлмаган ҳар қандай битимлар тузишлари ва мажбуриятларда қатнашишлари;
- бошқа шахслар томонидан етказилган заарнинг тўланишини талаб қилишлари;
- маҳсулот турини ва яшаш жойини танлашлари;
- фан, адабиёт ва санъат асарларининг, ихтироларининг, қонун билан қўриқланадиган бошқа интеллектуал фаолият натижаларининг муаллифи ҳуқуқига эга бўлишлари;
- шунингдек, бошқа мулкий ва шахсий ҳуқуқларга эга бўлишлари мумкин.

Қонунда белгиланган ҳоллар ва тартибдан ташқари, ҳеч кимнинг ҳуқуқ ва м uomала лаёқати чекланиши мумкин эмас. Фуқаронинг ҳуқуқ ва м uomала лаёқатидан тўла ёки қисман воз кечиши ҳақидаги, шунингдек ўз ҳуқуқ ва м uomала лаёқатини чеклашга қаратилган битимлар қонун йўл қўйган ҳоллардан ташқари ўз ўзидан ҳақиқий эмас деб хисобланади (ФК, 23-модда). Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 43-моддаси айrim фуқаролик ҳуқуқларидан, чунончи хизмат бўйича чеклаш, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ҳолларини кўзда тутади. Жиноят қонунида ҳуқуқдан маҳрум қилиш вақтинча чора сифатида кўзда тутилади<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 45-моддасида кўрсатилганидек, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш бир йилдан беш йилгача муддатга тайинланиши мумкин. Бу муддат ўтгач, фуқаро яна ўзи маҳрум қилинган ўша ҳуқуқни қонуний асосларда қўлга киритиши мумкин бўлади.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. -Т.: Адолат. 2001. 21-6.

## **5.2. Ҳуқуқ лаёқатининг бошланиши ва тамом бўлиши**

Ҳуқуқ лаёқати киши туғилганидан то ўлимигача ундан ажралмайди, у билан бирга бўлади. Янги туғилган чақалоқ ҳам ҳар хил ҳуқуқларга, чунончи, яшаш ҳуқуқи, овқатланиш ҳуқуқи, эркин бўлиш ҳуқуқи каби қатор табиий ҳуқуқларга, шу жумладан, отоналардан тарбия олиш ва бошқа ҳуқуқларга эга бўлади. Ақли заиф ва руҳий хасталар ҳам ҳуқуқ субъекти бўлиб ҳисобланади. Улар, хусусан, даволаниш, пенсия олиш ва бошқа ҳуқуқларга эга. Уларнинг мулкий ҳуқуқлари тўлиқ ҳажмда сақланади.

Киши туғилиши билан унинг ҳаёти бошланганидек, туғилиши билан ҳуқуқ субъекти сифатида яшashi ҳам бошланади. Кишининг туғилиш факти муҳим юридик аҳамиятга эга бўлганлиги туфайли боланинг туғилиши фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимида (ФХДЁ) давлат рўйхатидан ўтказилади. Рўйхатдан ўтказилмаслик туғилган боланинг ҳуқуқига таъсир этмайди, фақат унинг ҳуқуқларини рўёбга чиқариш учун зарур ҳаракатларни амалга оширишда қийинчилик туғдиради.

Кишининг ҳуқуқ лаёқати унинг туғилиши билан бошланса ҳам, қонун баъзи ҳолларда ҳали туғилмаган боланинг – келгусидаги ҳуқуқ субъектининг манфаатларини ҳам эътиборга олади ва қўриклиди. Масалан, қонунга асосан мерос қолдирувчи вафот этган, яъни қонун белгиланган тартибда мерос очилганидан сўнг туғилган болалари ҳам ворис бўла оладилар (ФҚ, 1118-модда). Уй-жой кодексида кўрсатилганидек, фуқароларга уй-жой берилганида, турар-жой ҳажмини белгилашда оиласда ҳомиладор аёлларнинг бўлиши ҳам ҳисобга олинади.

Ҳуқуқ лаёқати киши, яъни ҳуқуқ субъекти вафот этиши билан тамом бўлади. Ўлган кишининг то ўлимига қадар ихтиёрида бўлган ҳуқуқ ва зиммасидаги мажбуриятларнинг бир қисми (мулкий, шахсий ҳуқуқ ва мажбуриятлари) бекор бўлади, шу билан бирга баъзи мулкий ҳуқуқлар ворисларга ўтади. Ўлим қатор ҳуқуқий оқибатлар туғдирадиган фактдир. Шунинг учун ўлим ҳам туғилиш сингари фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлими (ФХДЁ) да оила қонунчилигига мувофиқ қайд этилади.

Нормал тартибда гувоҳлантирилган ўлим ҳолларидан ташқари, қонун фуқарони бедарак йўқолган деб топиш ва вафот этган деб ёълон қилиш институтини ҳам белгилайди.

### **5.3. Фуқароларнинг муюмала лаёқати**

Муюмала лаёқати фуқароларнинг ўз ҳаракатлари билан фуқаролик ҳуқуқларини олиш, амалга ошириш, ўзлари учун фуқаролик бурчларини вужудга келтириш ва уларни бажариш лаёқатидир (ФК, 22-модда). Муюмала лаёқатини юридик ҳаракатлар қилиш, яъни қонун бўйича маълум ҳуқуқий оқибатлар қилиш лаёқати деб ҳам таърифлаш мумкин (масалан, шартномалар тузиш, етказилган зарарни тўлаш ва ҳоказолар).

Муюмала лаёқатининг ҳуқуқ лаёқатидан фарқи шуки, барча фуқаролар ҳам муюмала лаёқатига эга бўлавермайдилар. Муюмала лаёқатига эга бўлган фуқаролар ақли расолик билан ўз ҳаракатларининг оқибатларини тушуниб ҳаракат қиладилар. Маълумки, янги туғилган бола тўла ҳуқуқ лаёқатига эга бўлса ҳам, ўз ҳаракатлари билан биронта ҳуқуқ ва мажбурият олмайди. Онгли ҳаракатлар қилиш лаёқати фақат маълум ёшга етгандан кейингина бошланади. Бинобарин, фуқаролик муюмала лаёқатининг фуқаро тўла ҳажмда вояга етиш билан вужудга келишини кўрсатади. Вояга етиш 18 ёшга тўлиш билан бошланади. Бу ёшга етиш билан киши фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда, жумладан, мулкий муносабатларда тўла қатнашувчигина бўлиб қолмай, сиёсий ҳуқуқлар билан бирга, бошқа фуқаролик ҳуқуқлари ва мажбуриятларини ҳам олади.

Қонун вояга етиш ёшини белгилаш билан бир қаторда, вояга етгунга қадар қонуний асосда никоҳдан ўтган фуқаро никоҳдан ўтган вақтдан эътиборан тўла ҳажмда муюмала лаёқатига эга бўлишини ҳам белгилайди (ФК, 22-модда).

Вояга етган фуқаролар тенг даражада муюмалага лаёқатли ҳисобланадилар. Фуқароларнинг муюмала лаёқати фақат қонунда назарда тутилган холларда ва тартибдагина чекланиши мумкин. Фуқаронинг муюмала лаёқатини чеклашга қаратилган битимлар ўз ўзидан ҳақиқий эмас (ФК, 23-модда).

Тўла муюмала лаёқати юкорида кўрсатилганидек, ўн саккиз ёшга етган фуқароларга берилгани сабабли бу ёшга тўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий ҳолатини белгилашда улар иккига бўлиниб, яъни ўн тўрт ёшгача бўлган вояга етмаган ва ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаган шахслар муюмала лаёқати ўзига хослиги билан ажралиб туради.

Ўн тўрт ёшгача бўлган вояга етмаганлар (кичик ёшдаги болалар) тўла равишда муюмалага лаёқатсиз ҳисобланадилар.

Олти ёшдан ўн тўрт ёшгача бўлган болалар:

1) майда миший битимлар;

2) текин манфаат кўришга қаратилган, нотариал гувоҳлантириш ёки давлат рўйхатидан ўтказишни талаб қилмайдиган битимлар;

3) қонуний вакил ёки унинг розилиги билан учинчи шахс томонидан муайян мақсад ёки эркин тасарруф этиш учун берилган маблағларни тасарруф этиш борасидаги битимларни амалга оширишга ҳақлидирлар (ФК, 29-модда).

Н.Ашурованинг фикрича, кичик ёшдаги болалар мустақил туза оладиган майда миший битим деганда, бола ёки унинг оила аъзоларининг одатдаги, ҳар кунги эҳтиёжини қондиришга қаратилган ва юқори бўлмаган баҳодаги битим тушунилади. Битимнинг майда миший битим эканлигини белгиловчи икки шарт мавжуд бўлиши талаб этилади. Биринчиси, одатдаги, ҳар кунги эҳтиёжларни қондиришга қаратилганлиги ва иккинчиси, юқори бўлмаган баҳода бўлиши талаб этилади<sup>1</sup>.

Ўн тўрт ёшгача бўлган вояга етмаганлар учун битимларни уларнинг номидан ота-оналари, фарзандликка оловчилари ёки васийлари тузадилар.

Бирорга етказилган заарлари учун ҳам кичик ёшдаги болалар жавобгар бўлмайдилар. Улар учун ота-оналари ёки бошқа назоратчилари жавобгардир. Ўн тўрт ёшгача бўлган вояга етмаганларнинг банкларга омонат қўйиш ва уларни тасарруф қилиш ҳуқуқлари қонун билан белгиланади.

Ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаганлар (ўсмиirlар) қисман муомалага лаёқатли бўлиб, қонуний вакиллари (ота-оналари, фарзандликка оловчилари ёки ҳомийлари) нинг розилиги бўлган тақдирда ўз ҳаракатлари билан ҳуқук ва мажбуриятлар олишлари мумкин.

Ўсмиirlар битимларни ота-оналари, фарзандликка оловчилари ёки ҳомийларининг розилиги билан тузадилар. Аммо улар мустақил равишда ўзларининг иш ҳақлари ёки стипендияларини тасарруф қилишга, ўз асрлари, ихтиrolарига бўлган муаллифлик ҳамда ихтирочилик ҳуқуқларини, ўз кашфиётларига бўлган ҳуқуқларини амалга оширишга, кредит муассасаларига маблағлар олишлари мумкин.

<sup>1</sup> Ашурова Н. Муомала лаёқати. // Ҳаёт ва конун. 2003. № 2. 47-6.

түзишга ҳақлидирлар. Улар 16 ёшдан кооперативларга аъзо бўлиб киришлари мумкин.

Етарли асослар мавжуд бўлганида суд қонуний вакиллари ёхуд васийлик ва ҳомийлик органининг илтимосномасига кўра ўсмирнинг ўз иш ҳақи ёки стипендиясини мустақил тасарруф қилиш ҳуқуқини чеклаши ёки бу ҳуқуқдан маҳрум этиши мумкин (ФК, 27-модда 8-банд).

Ўсмирлар бошқа шахсларга етказилган заарлари учун ФК билан белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Рұхий касаллар ва ақли заифлар тўла ҳажмда муомалага лаёқатсиз ҳисобланадилар. Онгли ҳаракатлар қилиш ва ўз ҳаракатларининг юридик оқибатларини ҳисобга олиш лаёқати (муомала лаёқати) га, рұхий касаллиги ёки ақли заифлиги сабабли эга бўлмаган фуқаро – муомала лаёқатига эга эмас деб танилиши мумкин. Ҳар қандай рұхий касаллик ёки ақли заифлик фуқарони онгли ҳаракатлар қилиш ва фуқаролик муомаласида қатнашиш лаёқатидан маҳрум қилмайди. Рұхий ҳолат бузилиши фактининг ўзигина кишини муомалага лаёқатсиз деб топишга асос бўлмайди. ФКда кўрсатилишича, рұхий касаллиги ёки ақли заифлиги сабабли ўз ҳаракатларининг аҳамиятини тушуна олмайдиган ёки уларни идора қила олмайдиган фуқаро суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилиши мумкин, шу муносабат билан унга нисбатан васийлик белгиланади (ФК, 30-модда).

Рұхий касални ёки ақли заиф кишини суд томонидан тайинланган психиатр (руҳшунос)ларнинг иштироки билан бўладиган маҳсус комиссия томонидан кўриб текшириш ва унинг натижалари ҳақида далолатнома тузиш суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топиш ҳақида ҳал қилув қарори чиқариш учун асос бўлади. Муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаро номидан битимларни уларнинг васийлари тузадилар.

Фуқаронинг муомалага лаёқатсиз деб топилишига сабаб бўлган асослар бекор бўлса, суд уни муомалага лаёқатли деб топади ва белгиланган васийликни бекор қиласди (ФК, 30-модда). Қонун баъзи ҳолларда вояга етган фуқароларнинг муомала лаёқатини чеклаш ҳолларини назарда тутади, чунончи, ФКнинг 31-моддасида кўрсатилишича, спиртли ичимликларни ёки гиёхвандлик воситаларини сунистехнология қилиш натижасида ўз оиласини оғир моддий аҳволга солиб қўяётган фуқаронинг муомалага лаёқати ФПКда белгиланган тартибда суд томонидан чеклаб қўйилиши мумкин. Бундай ҳолда у

майда майший битимларни истисно қилганда, қолган битимларни ҳомийнинг розилигисиз туза олмайди.

Агар фуқаро спиртли ичимлик ёки наркотик моддаларни суюистеъмол қилишни ташласа, суд унинг муомалага лаёқати чекланганлигини бекор қиласди. Суд қарорига асосан унга нисбатан белгиланган ҳомийлик ҳам бекор қилинади.

#### **5.4. Васийлик ва ҳомийлик**

Муомалага лаёқатсиз фуқаро шахсини, унинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун, шунингдек қонунда назарда тутилган ҳолларда мулкий ҳуқуқларини қўриқлаш учун васийлик ва ҳомийлик белгиланади.

Васийлик шундан иборатки, бунда муомалага лаёқатсиз шахс – ўн тўрт ёшга тўлмаган фуқаролар, руҳий касал ва ақли заифлар номидан васий сифатида ҳаракат қиласди ҳамда ўзининг ҳаракатлари билан васийликка олинган шахс учун ҳуқуқ ва мажбуриятлар туғдиради.

Ҳомийликда ҳомийлар қисман муомала лаёқатига эга бўлган шахсларга (ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган фуқароларга) ўз ҳуқуқларини амалга ошириш, мажбуриятларни бажаришда ёрдам кўрсатадилар, шунингдек уларни учинчи шахсларнинг баъзан бўлиши мумкин бўлган ёмон ниятли ҳаракатларидан сақлайдилар. Ҳомийлик баъзи ҳолларда жисмоний камчиликлари бўлган, масалан, кўзи ожиз (кўрлик), майблик сабабли ўз ҳуқуқларини ўzlари амалга ошира олмайдиган ва ҳимоя қила олмайдиган тўла муомала лаёқатига эга бўлган шахсларга нисбатан ҳам белгиланади. Бундай шахсларга нисбатан ҳомийликнинг вазифаси ҳуқуқлар олиш ёки уларни амалга ошириш билан боғлиқ турли ҳаракатларни улар учун бажаришдан иборат.

Боланинг ота-онаси олти ойдан ортиқ муддатда бўлмаган ҳолларда, агар боланинг манфатлари учун зарур бўлса, уларга нисбатан ҳам васийлик ва ҳомийлик белгиланади<sup>1</sup>.

Маҳаллий органлар васийлик ва ҳомийлик органлари бўла олади. Улар вояга етмаганларга нисбатан васийлик ҳаракатларини амалга оширишни ёш болаларга нисбатан *халқ таълим бўлимларига*, руҳий касал ва ақли заифларга нисбатан *соғлиқни сақлаш бўлимларига*, васийликка олинувчиларнинг бошқа тоифаларига

<sup>1</sup> Юлдашева Ш. Васийлик ва ҳомийлик институтлари:// Ёш олимлар тўплами. №1. -Т.: ТДЮИ. 2002. - 54-59 бетлар.

нисбатан эса *ижтимоий таъминот бўлнимларига* юклайдилар. Васийлик ва ҳомийлик қишлоқ жойларида фуқаролик йиғинлари томонидан белгиланади.

Ўзбекистон Республикасидан ташқарида яшайдиган, отонасининг қарамоғидан маҳрум бўлган Ўзбекистон Республикасининг вояга етмаган фуқароларига ва соғлиғи туфайли ўз ҳуқуқини мустақил равишда амалга ошира олмайдиган, ўз мажбуриятларини бажара олмайдиган Ўзбекистон Республикасининг вояга етмаган фуқароларига васийлик ва ҳомийлик фаолиятини амалга ошириш Ўзбекистон Республикасининг консуллик идоралари зиммасига юкланди. Агар васийликка олинувчининг мулки у турган жойда бўлмаса, икки васий: бири – унинг ўзига нисбатан, иккинчиси – васийликка олинган шахснинг мулкига нисбатан тайинланиши мумкин.

Ота-оналар васийлик ва ҳомийлик вазифаларига алоҳида тайинланмай, васийлик ва ҳомийлик қонун бўйича бажарадилар. Ота-оналари бўлмаган тақдирда ёки улар амалда бу вазифани биронта сабаб, масалан, қамоқда ёки шифохонада бўлиши туфайли бажара олмасалар ёки ота-оналиқ ҳуқуқидан маҳрум бўлган бўлсалар, васийлик ва ҳомийлик органлари васий ва ҳомийни, биринчи навбатда, васийликка олинувчига ёки ҳомий тайинланаётганга яқин шахслардан бирига тайинлади.

Муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган шахслар, суд томонидан ота-оналиқ ҳуқуқларидан маҳрум қилинганлар ёки ота-оналиқ ҳуқуқи чекланганлар собиқ фарзандликка олувчиларнинг фарзандликка олганлиги Оила кодексининг 169-моддасига мувофиқ бекор қилинган шахслар (яъни, ўз зиммаларидағи мажбуриятларни бажаришдан бўйин товлаётган ёки уларни лозим даражада бажармаётган, ота-оналиқ ҳуқуқини суиистеъмол қилаётган, фарзандликка олинганларга нисбатан, шафқатсизлик билан муомалада бўлаётган, муттасил ичкиликбозлик ёки гиёҳвандликка мубтабо бўлган шахслар) қонун билан зиммаларига юклangan мажбуриятларни лозим даражада бажармаганларни ёки ўз ҳуқуқларини суиистеъмол қилганларни учун васийлик (ҳомийлик) вазифаларидан четлатилган шахслар, руҳий ёки наркологик муассасаларда рўйхатда турганлар, қасддан содир этган жинояти учун илгари ҳукм қилинган шахслар васий ва ҳомий қилиб тайинланиши мумкин эмас<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасида васийлик ва ҳомийлик тўғрисида Низом. Тўплам. -Т.: Адолат. 1999. 76-77-бетлар.

Васий ва ҳомийнинг асосий вазифаси васийликка олинувчининг шахси ва мулки юзасидан ғамхўрлик қилишдан, васийликка олинувчининг манфаатларини кўриқлашдан иборат. Бинобарин, васийликка олувчи ўзига ишонилган мулқдан ўзи учун ҳеч қандай фойда олмаслиги лозим. У васийликка олинган шахсни асраш ва унинг мулкини идора этиш харажатинигина ундиришга ҳақли. Умумий қоида бўйича васийлик ва ҳомийлик вазифалари бепул бажарилади. Васий ва ҳомий ўз васийлиги ёки ҳомийлигидаги шахсга таъминот беришга мажбур эмас. Васий ва ҳомийнинг ўз васийлиги ёки ҳомийлигидаги шахснинг таъминоти учун қилган харажатлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ушбу шахснинг маблағи ҳисобидан қопланади, бу маблағ етарли бўлмаган тақдирда эса, унинг таъминоти учун васийлик ва ҳомийлик органлари нафақа тайинлаши мумкин.

Васий васийликка олинган шахс томонидан битимлар тузишга ҳақли, лекин васийликка олинувчининг мулкий аҳволига ёмон таъсир этадиган битимлар тузишида васийлик органларининг розиликлари билан иш қилиш лозим. Нотариал гувоҳлантиришни талаб қиласиган шартномалар тузиш, васийликка олинган шахсга қарашли мулкий ҳуқуқлардан воз кечиш, мулкни тақсимлаш ва шу каби ҳаракатлар учун васийлик органларининг розилиги зарур. Ёш болаларга қарашли иморатларни сотиш учун васийлик органларидан маҳсус рухсат олиниши керак.

Васий васийликка олинган шахснинг ўзи билан ва унинг номидан ўзининг яқин кишилари билан битимлар туза олмайди, чунки бунда васийликка олинувчининг манфаатларига заарар келтириб, ўзига яқин кишиларнинг манфаатларига устунлик бериш хавфи бор.

Васий вояга етмаганларнинг тарбияланишлари, соғликлари ҳақида ғамхўрлик қилишга ва улар билан бирга туришга мажбур. Рӯҳий касалларнинг васийлари эса, уларни даволаш ва соғликларига мувофиқ шароитда асраш тадбирларини таъминлашлари лозим.

Ҳомийлар ғамхўрлик қилиш учун ўзларига ишонилган шахсларга, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга оширишларида ёрдам кўрсатадилар, уларни учинчи шахсларнинг ёмон ниятли ҳаракатларидан сақлайдилар. Битим тузиш учун васийлик ва ҳомийлик органларининг розиликлари талаб қилинмаган ҳолларда, битимлар тузишга розилик бера оладилар.

Васийлар ва ҳомийлар ўз ҳимояларидағи шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳар қандай шахслар билан муносабатларда, шу

жумладан, судларда ҳам маҳсус ваколатларсиз ҳимоя қила оладилар (ФК, 32-модда).

Васийлик ва ҳомийлик билан боғлиқ бўлган муносабатларга оид асосий қоидалар Оила кодекси ҳамда васийлик ва ҳомийлик органлари тўғрисидаги Низом билан тартибга солинади.

## **5.5. Хусусий тадбиркор фуқароларнинг ҳуқуқий мақоми**

Маълумки, тадбиркорлик фаолиятининг субъекти жисмоний шахслар ҳам бўлиши мумкин. ФКнинг тегишли нормаларида, чунончи, 18-модданинг талабига кўра, фуқаролар мулк ҳуқуқи асосида мол-мулкка эга бўлишлари дехқон ва фермер хўжалиги ташкил этишлари, тадбиркорлик ҳамда қонунда тақиқланмаган бошка фаолият билан шуғулланишлари, шунингдек ёлланма меҳнат асосида фаолият юритишлари мумкинлиги белгиланади.

Умумий қоида бўйича, фуқаролар 18 ёшга тўлиб, тўлик муомала лаёқатига эга бўлгач, хусусий тадбиркорлик билан шуғулланишга ҳақли. Бироқ ФКнинг 28-моддасига асосан 16 ёшга тўлган вояга етмаган шахс меҳнат шартномаси бўйича ишлаётган бўлса, ёки ота-онаси, фарзандликка оловчилари ёхуд ҳомийсининг розилигига биноан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган бўлса, у тўла муомалага лаёқатли деб эълон қилиниши мумкин.

Вояга етмаган шахсни тўла муомалага лаёқатли деб эълон қилиш (эмансипация) ота-онанинг, фарзандликка оловчиларнинг ёки ҳомийнинг розилиги билан васийлик ва ҳомийлик органининг қарорига мувофиқ ёхуд бундай розилик бўлмаган тақдирда, суднинг қарори билан амалга оширилади. Ота-она, фарзандликка оловчилар ва ҳомий эмансипация қилинган вояга етмаганнинг мажбуриятлари бўйича, хусусан, у етказган зарар оқибатида келиб чиқкан мажбуриятлар бўйича, тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ мажбуриятлар бўйича жавобгар бўлмайдилар. Эмансипация қилинган вояга етмаган тадбиркорга нисбатан ФКнинг 27-моддаси 1-2-банди қўлланилмайди.

Хусусий тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланмоқчи бўлган фуқаро туман (шаҳар) ҳокимлигига зарур хужожатлар тақдим этган ҳолда ариза билан мурожаат қиласди. Агар тадбиркор маҳсус рухсатнома талаб этиладиган фаолият тури билан шуғулланиш истагини билдиrsa, тегишли органларнинг хulosасини ҳам тақдим этиши лозим. Юридик шахс бўлмасдан ўз фаолиятини амалга оширувчи хусусий тадбиркор сифатида рўйхатдан ўtkazilgan

жисмоний шахсга у, албатта, давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома берилади ва тегишли худудий солиқ органида қайд этилади. Шу пайтдан бошлаб фуқаро тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга ҳақли. Унинг фаолиятига нисбатан ФКниг тижорат ташкилотлари бўлган юридик шахслар фаолиятини тартибга солувчи қоидалари кўлланилади. Давлат рўйхатидан ўтмасдан туриб хусусий тадбиркорлик билан шуғулланганлик учун қонунларда тегишли жавобгарлик мавжуд.

Якка тадбиркор кредиторларнинг у тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган талабларини қаноатлантиришга қодир бўлмаса, бундай тадбиркор белгиланган тартибда банкрот деб топилиши мумкин. Якка тадбиркорни банкрот деб топиш расм-русларини амалга ошириш жараёнида унинг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган мажбуриятлари бўйича кредиторлари ҳам ўз талабларини қўйишга ҳақли. Мазкур кредиторларнинг ушбу тартибда қўйилган талаблари якка тадбиркор банкрот деб топилганидан кейин ҳам ўз кучини сақлаб қолади (ФК, 26-модда).

Хусусий тадбиркорга берилган гувоҳнома муддати тамом бўлганида, қонунга номувофиқ фаолият юритганда, жумладан, рухсат олиш асосида шуғулланиш лозим бўлган фаолият билан рухсатсиз шуғулланганда хусусий тадбиркорлик ҳуқуқи бекор бўлади. Хусусий тадбиркор ўз хоҳишига кўра гувоҳномада қўрсатилган муддатдан олдин ҳам тадбиркорлик фаолиятини тўхтатишга ҳақли.

Бугунги кунда якка тадбиркор фуқаро ҳам мустақил, юридик шахс тузиб, фаолият юритиш ҳам мустаҳкамланди. Масалан, дехқон хўжалиги<sup>1</sup> ёки хусусий нотариал идоралар<sup>2</sup> шулар жумласидандир.

## 5.6. Фуқароларнинг турар жойи

Фуқаронинг доимий турар жойи фуқаролик ҳуқуқи учун муайян аҳамиятга эгадир. Фуқаронинг доимий ёки асосан яшаб турган жойи унинг яшаш жойи ҳисобланади, деб қўрсатилади. Ўн тўрт ёшга тўлган вояга етмаганларнинг (кичик ёшдаги болаларнинг) ёки васийлиқда бўлган фуқароларнинг қонуний вакиллари, отоналари, фарзандликка олувчилари ёки васийлари яшайдиган жой

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг "Дехқон хўжалиги тўғрисида"ги қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1998 йил. 5-6-сон. 88-модда.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг "Нотариат тўғрисида"ги қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 2-сон, 42-модда.

вояга етмаганлар ёки васийлиқда бўлган фуқароларнинг яшаш жойи ҳисобланади (ФК, 21-модда).

Тураг жой танлаш ҳуқуқи муомалага лаёқатли фуқаронинг ўзи томонидан белгиланади. Тураг жой танлаш ҳуқуқи фақат қонунда назарда тутилган ҳоллар ва тартибдагина, масалан, озодликдан маҳрум қилиниши ҳолларида маҳсус ижозат олиш йўли билан жойлашиш мумкин худудларда чекланиши мумкин.

Одатда, фуқаро яшаш учун қаерда рўйхатдан ўтган бўлса, шу жой унинг тураг жойи ҳисобланади. Фуқаронинг тураг жойи қонунга мувофиқ кўп ҳолларда ҳуқуқий аҳамиятга эга. Чунончи, фуқаролик даъволари билан, қоидага кўра жавобгарнинг тураг жойи ҳудудидаги судга мурожаат қилинади. Аммо баъзи даъволар, масалан, алимент ундириш, зарарни тўлатиш тўғрисидаги даъволар даъвогарнинг тураг жойидаги судга билдирилиши мумкин. Мажбуриятларнинг кўп қисми қарздорнинг тураг жойида, пул мажбуриятлари эса – кредитор турган жойда ижро этилади. Мерос қолдирган шахснинг охирги доимий тураг жойи бўйича мерос очилади ва ҳоказо.

Тураг жой билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлар асосан Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодекси<sup>1</sup> орқали тартибга солинади.

## **5.7. Фуқарони бедарак йўқолган деб топиш ёки вафот этган деб эълон қилиш**

Фуқаронинг ҳуқуқ лаёқати унинг ўлимни натижасида батамом тугайди. Аммо ҳуқуқий муносабатдан келиб чиқадиган ноаникликларни бартараф этиш учун шу ҳуқуқий муносабатларнинг иштирокчиларидан бири бўлган фуқаро айрим сабабларга кўра доимий яшаш жойидан узоқ муддатга кетиб қолганда, унинг ҳақиқий яшаш жойини аниқлаш имконияти бўлмаса, бундай ҳолларда бедарак йўқолган деб топилиши мумкин.

Фуқаролик ҳуқуқида, умуман, ҳуқуқнинг бошқа соҳаларида ҳам бедарак йўқолган деб топиш институти катта амалий аҳамиятга эга. Бу институт бедарак йўқолган фуқаронинг қариндошлари ва бошқа манфаатдор шахсларнинг шахсий ва мулкий ҳуқуқлари таъминланишини кафолатлайди.

Турмушда шундай воқеалар ҳам бўладики, баъзан фуқаро йўзининг доимий яшаш жойига узоқ муддат келмай қўяди. У йўзининг

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодекси. Т.: Адолат. 1999.

қаерда турғанлиги тұғрисида биронта маълумот ҳам юбормайды. Унинг қаерда яшаётганини ёки қаерга кетганини аниқлашга қартилган барча ҳаракатлар беҳуда кетади. Унинг тирик ёки үлкілігінің аниқлаш мүмкін бўлмайды. Бундай ҳолларда ҳам ҳуқуқий муносабат қатнашчиси бўлган фуқаронинг анча вақт йўқолиб кетиши унинг ҳуқуқий муносабатдаги тақдирига таъсир қиласлиги керак. Одатда, бундай фуқаронинг доимий яшаб турадиган жойида қандайдир мулклари қолади. Бу шахс бирон-бир мажбуриятда қарздор ёки кредитор бўлиши мүмкін. У, шунингдек ҳуқуқ ва мажбуриятнинг эгаси бўлгани учун бошқа кишиларнинг шахси билан бевосита боғлиқ бўлиши, чунончи, никоҳда бўлиши, отоналик ҳуқуқ ва мажбуриятига эга бўлиши ҳам мүмкін. Фуқаронинг узоқ вақт доимий турар жойига қайтиб кела олмасдан бедарак йўқолиб кетиши кўп вақтга чўзилиб кетмаслиги керак. Чунки давлат фуқаролик-ҳуқуқий муносабатнинг бундай бекарорлигига бефарқ қарай олмайди. Бедарак йўқолган фуқаронинг яқин кишиларининг, кредиторларининг, давлатнинг ва ниҳоят ўзининг шахсий манфаатлари, бундай ноаниқлик ва бекарорликларнинг тугатилишини талаб этади.

Башарти бедарак йўқолган фуқаро ўлган бўлса, унинг бирон-бир ҳуқуқий муносабатда бўлиши тұғрисида гап ҳам бўлиши мүмкін эмас. Бинобарин, унга тегишли бўлган ҳуқуқ ва бурчлар бошқаларга ўтиши керак. Манфаатдор шахслар эса, унинг ворисларига нисбатан ўзларининг тегишли эътиroz ва даъволарини билдириш имкониятига эга бўлишлари лозим.

Фуқаролик кодексининг 33-моддаси биринчи қисмида бедарак йўқолган деб топиш тұғрисида умумий қоидалар берилади. Унга асосан, агар фуқаронинг қаердалиги ҳақида унинг яшаш жойида бир йил давомида маълумотлар бўлмаса, манфаатдор шахсларнинг аризасига мувофиқ суд бу фуқарони бедарак йўқолган деб топиши мүмкін. Фуқарони бедарак йўқолган деб топиш унинг фуқаролик ҳуқуқларини бекор қиласмиади. Аксинча, бедарак йўқолган деб топилган фуқаронинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун зарур чоралар амалга оширилиши талаб қилинади.

Бедарак йўқолган деб топилган фуқаронинг мол-мулкини доимий суратда бошқариб туриш зарур бўлса, бу мол-мулк суднинг қарорига мувофиқ васийлик ва ҳомийлик органи томонидан белгиланадиган ва ушбу орган билан тузиладиган ишончли бошқарув тұғрисидаги шартнома (ФКнинг 49-боби) асосида иш олиб борадиган шахсга топширилади. Бу мол-мулкдан бедарак йўқолган шахс

қонунга мувофиқ боқиши керак бўлган фуқароларга таъминот берилади, унинг солиқлар ва бошқа мажбуриятлар бўйича қарзлари тўланади (ФК, 34-модда).

Манфаатдор шахсларнинг аризалари бўйича васийлик ва ҳомийлик қилувчи орган бедарак йўқолган фуқаронинг мулкини қўриқлаш учун, шунингдек унинг мулкини идора этиш учун, унинг қаерда эканлиги тўғрисидаги охирги маълумот олинган кундан эътиборан бир йил ўтишини кутмасданоқ мулкка бошқарувчи тайинлаши мумкин.

Фуқарони бедарак йўқолган деб топиш бошқа ҳукукий оқибатларни ҳам келтириб чиқариши мумкин. Масалан, фуқарони бедарак йўқолган деб топиш топшириқ шартномасининг бекор бўлишига асос бўлади. Агар фуқаро жиноят қилган ёхуд алиментларни ундириш иши бўйича қидирувдан яшириниб юрган бўлса, бундай ҳолларда у бедарак йўқолган деб топилмайди.

Бедарак йўқолган деб топилган фуқаро қайтиб келган ёки унинг тураг жойи аниқланган тақдирда, суд унинг бедарак йўқолган деб топиш ҳақидаги қарорни бекор қиласди. Суднинг қарори асосида фуқаронинг мол-мулкини бошқариш бекор қилинади (ФК, 35-модда).

Фуқарони вафот этган деб эълон қилиш тўғрисидаги асосий қоида ФКнинг 36-моддасида берилган. Бу қоидада айтилишича, “агар фуқаронинг қаерда турганлиги ҳақида унинг яшаш жойида уч йил мобайнода маълумот бўлмаса, башарти у ўлим хавф солиб турган ёки муайян баҳтсиз ҳодисадан ҳалок бўлган деб тахмин қилиш учун асос бўладиган вазиятларда бедарак йўқолган бўлиб, унинг қаердалиги ҳақида олти ой мобайнода маълумотлар бўлмаса, манфаатдор шахсларнинг аризасига мувофиқ суд уни вафот этган деб эълон қилиши мумкин.

Ҳарбий ҳаракатлар муносабати билан бедарак йўқолган ҳарбий хизматчи ёки бошқа фуқаро ҳарбий ҳаракатлар тамом бўлган кундан эътиборан камида икки йил ўтганидан кейин суд томонидан вафот этган деб эълон қилиниши мумкин”.

Фуқаро вафот этган деб эълон қилинганда унинг ҳукукий муносабатлари тугайди, мулкига нисбатан мерос очилади, шахсий мажбуриятлари тамом бўлади ва ҳоказо.

Башарти вафот этган деб эълон қилинган фуқаро тирик бўлса, унинг барча ҳукукий муносабатлари амалда давом этаверади. Вафот этган деб эълон қилинган фуқаро қайтиб келган тақдирда ёки унинг қаерда турганлиги маълум бўлган тақдирда, уни вафот

этган деб эълон қилиш ҳақидаги қарор суд томонидан бекор қилинади.

Фуқарони вафот этган деб эълон қилиш ҳақидаги қарор бекор қилинганидан кейин у ҳар қандай шахсдан бу шахсга бепул ўтиб қолган мавжуд мол-мulkини ўзига қайтариб беришни уч йил (ФК, 150-модда талабига кўра) мобайнида суд орқали талаб қилишга ҳақли.

Агар вафот этган деб эълон қилинган фуқаронинг мол-мulkни, унинг ворислари томонидан учинчи шахсларга сотилган бўлиб, бу шахслар харид нархини фуқаро қайтиб келган пайтгача батамом тўламаган бўлсалар, бу ҳолда тўланмаган суммани талаб қилиш ҳуқуки қайтиб келган фуқарога ўтади.

Вафот этган деб эълон қилинган фуқаронинг мол-мulkини ҳақ тўлашни назарда тутадиган битимлар асосида олган шахслар мол-мulkни вафот этган деб эълон қилинган фуқаронинг тириклигини била туриб, сотиб олганликлари исботланса, улар фуқарога бу мол-мulkни қайтариб беришлари шарт. Бундай мол-мulkни асли ҳолида қайтариб беришнинг имкони бўлмаса, унинг қиймати тўланади.

Агар вафот этган деб эълон қилинган шахснинг мол-мulkни мерос ҳуқуки бўйича давлатга ўтган ва сотиб юборилган бўлса, фуқарони вафот этган деб эълон қилиш ҳақидаги қарор бекор қилинганидан кейин унга мол-мulkни сотишдан тушган пул қайтариб берилади (ФК, 37-модда).

## 5.8. Фуқаролик ҳолати ҳужжатларини қайд этиш

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 38-моддасига асосан, қуйидаги фуқаролик ҳолати ҳужжатлари давлат томонидан қайд этилиши керак:

1. Туғилиш.
2. Ўлим.
3. Никоҳ тузилганлиги.
4. Никоҳдан ажралиш<sup>1</sup>.

Фарзандликка олиш, оталикни белгилаш, фамилия, исм ва ота исмини ўзгартириш, жинснинг ўзгартирилиши каби фактлар юқорида санаб ўтилган фуқаролик ҳолати ҳужжатларига тегишли ўзгартишилар киритиш йўли билан ифодаланади.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 25 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартишилар киритиш тўғрисида"ги қонуни таҳририда.

Фуқаронинг шахсий ҳаётдаги ҳамда унинг жамиятдаги ҳуқуқий ҳолати (фуқаролик ҳолати) учун, унинг фуқаролик ҳуқуқи ва оила ҳуқуқининг субъекти сифатида танилиши учун аҳамиятли ҳисобланган юқоридаги фактлар давлатнинг тегишли органлари томонидан рўйхатга олинади (қайд қилинади).

Фуқаролик ҳолати далолатномаларини рўйхатга олиш шаҳар ва туман марказларида, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш (ФҲДЁ) бўлими томонидан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари (фуқаролик йигинлари) котиблари томонидан олиб борилади.

Фуқаронинг туғилиш фактини рўйхатга олиш мазкур фуқарога нисбатан фуқаролик ҳуқуқ лаёқатининг вужудга келганлигини ва боланинг маълум ота-онадан туғилганлигини белгилаш учун зарур. Фуқаронинг фақат маълум ёшга тўлгандан сўнг муомала лаёқатига эга бўлганлиги сабабли туғилиш фактини олиш мазкур фуқарога ФҲДЁ бўлими фуқаролик муомала лаёқатининг вужудга келганлигини белгилаш учун ҳам аҳамиятидир. Боланинг туғилиши тўғрисидаги ариза ФҲДЁ органига бир ойлик муддат ичидан боланинг ота-онаси ёки улардан бири томонидан, алоҳида ҳолларда эса, қўшнилари, қариндошлари, тиббиёт муассасалари маъмурити, ички ишлар ёки васийлик ва ҳомийлик органлари томонидан берилиши мумкин. Туғилиш тўғрисидаги ариза бола ўлик туғилган тақдирда ҳам берилиши шарт. Улик туғилган бола туғилгандан кейин 24 соат ичидан ФҲДЁ идорасида қайд этилиши керак.

Никоҳни қайд этиш муҳим давлат аҳамиятига эга бўлган ҳужжат ҳисобланади. Оила қонунчилигига белгиланишича, фақат ФҲДЁ идораларида қайд этилган никоҳгина эр ва хотин учун муайян ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларни вужудга келтиради. Никоҳ никоҳла-нувчиларнинг турар-жойлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Оила қонунчилигига риоя қилиниб рўйхатдан ўтказилади.

Никоҳдан ажралиш эр-хотиннинг розилиги бўйича ёки суднинг никоҳни бекор қилиш тўғрисидаги ҳал қилув қарори асосида қайд этилади. Эр ва хотиннинг ажралишлари ФҲДЁ идораларида қайд этилгандан кейингина тан олинади, улар ўртасидаги эр ва хотин-ликка оид ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлар бекор бўлади.

Фуқаронинг вафот этганлиги ёки вафот этган деб эълон қилинганлигини қайд этиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Фуқаронинг ўлим факти қайд этилиши ҳуқуқ лаёқатини бекор қилади. Шу муносабат билан вафот этган шахснинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тамом бўлади. Унинг мулкига нисбатан мерос очилади. Фуқаронинг вафот этганли-

ги түфрисидаги маълумот ўлим факти түфрисидаги тиббиёт гувохномаси билан уч кундан кечиктирилмай ФХДЁ идорас, а билдирилиши ва шу муддат ичидаги ўлим факти қайд этилиши шарт. Ўлдирилган, шунингдек ўзини ўзи ўлдирган ёки баҳтсиз ҳодисадан ўлган ёки мурда топилган пайтдан бошлаб 24 соат ичидаги ўлим сабаби түфрисида тиббиёт муассасаси томонидан берилган гувохномага мувофиқ ФХДЁ органида қайд этилади. Ўлим факти түфрисидаги аризалар марҳумнинг яқин кишилари ёғи турагаржой идораси томонидан, зўрлик билан ўлдирилиши, узини ўзи ўлдириш ёки баҳтсизлик ҳодисасидан ўлиш ҳолларидағи тегишли маълумотлар тергов органлари ёхуд милиция томонидан берилиши лозим.

Фарзандликка олиш факти шаҳар (туман) ҳокимлиги томонидан чиқарилган қарорга биноан рўйхатдан ўтказилади. Фарзандликка олинувчининг насаби ва ота исми сифатида фарзандликка оловчи эр ва хотин боланинг ота-оналари сифатида ёзилишида боланинг туғилиши түфрисида ёзилган маълумотларга тегишлича ўзгартиришлар киритилади. Фарзандликка олишнинг бекор қилиниши ҳам шаҳар (туман) ҳокимликлари қарори билан расмийлаштирилади ва ФХДЁ идорасида қайд этилади.

Фуқаролар фамилия, исм ва ота исмларини ўзгартириш түфрисида 16 ёшга тўлганларидан сўнг ФХДЁ идораларига мурожаат қилишлари мумкин. Фуқаронинг иши терговда ёки у судланган бўлса, шунингдек давлат ҳокимияти идоралари норозилик билдириса, ФХДЁ идораларида насаб ва исмларнинг ўзгартирилишига йўл қўйилмайди ва бу суд томонидан ҳал этилади.

Оталикни белгилаш никоҳда бўлмаган ота-онадан туғилган болага оталикни белгилаш ота ва онаси (агар отаси вояга етмаган бўлса, унда унинг ота-онаси ёки қонуний вакили) томонидан берилиган биргаликдаги ариза асосида ФХДЁ органида амалга оширилади. Оталикни белгилашда ота-онанинг шахсан иштироки талаб этилади. 10 ёшга тўлган болага нисбатан оталик унинг розилиги билан беягиланади.

ФХДЁ органи оталикни белгилаш ҳақидаги ариза асосида туғилганлик ҳақидаги далолатнома ёзувига тегишли ўзгартиришлар киритади.

Агар оталик белгиланган шахс никоҳ тузган бўлса, у холда ФХДЁ органи никоҳ тузилганлиги ва болаларининг туғилганлиги ҳақидаги далолатнома ёзувларига тегишли ўзгартиришлар кирита-

ди, шүнингдек оталикнинг белгиланганлиги ҳақида маълумотнома беради.

Фуқаролик ҳолатлари ҳужжатлари ёзувларини бекор қилиш ва тиклаш ФХДЁ идоралари томонидан манфаатдор шахслар ўртасида низо бўлса ёки фуқаролик ҳолати ҳужжатларидағи ёзувларда жиддий тафовутлар бўлса, суд қарорига асосан амалга оширалади.

Ушбу фактларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги, фуқаролар ҳаётидаги аҳамиятидан келиб чиқиб, ФХДЁ органлари архивларида улар тузилган кундан бошлаб, 75 йил мобайнида сақланади. Бу муддат тугагач, ушбу далолатнома ёзувлари дафтарлари тегишли шаҳар, вилоят ва республика ФХДЁ архивларига топширилади.

Фуқаронинг туғилиши, никоҳга кириши, никоҳнинг бекор қилиниши, фарзандликка олиниши, фамилия исм ва ота исмининг ўзgartирилиши, фуқаронинг ўлими фактларини қайд этиш Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси ҳамда Ўзбекистон Республикаси шаҳар ва туман ҳокимларини фуқаролик ҳолатлари далолатномаларини ёзиш бўлимларига ҳамда ўзини ўзи бошқариш идораларида фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш Қоидаларига<sup>1</sup> мувофиқ расмийлаштирилади.

<sup>1</sup> Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш Қоидалари. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъқамасининг 1999 й. 12 апрель қарори билан тасдиқланган. Тўплам. -Т.: Адолат. 1999. 5-61-бетлар.

## **Олтинчи боб ЮРИДИК ШАХСЛАР**

### **6.1. Фуқаролик ҳуқуқида юридик шахс түшүнчаси ва белгилари**

Фуқаролик ҳуқуқининг мустақил субъектлари сифатида фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда қатнашиш ва шу муносабат билан муайян ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлиши лаёқати нафақат фуқароларга, балки юридик шахсларга ҳам берилади.

Ўзбекистонда юридик шахслар фаолиятини тартибга солувчи қонунларнинг бутун бир туркуми вужудга келтирилган. Кооперация, Фермер хўжалиги, Сиёсий партиялар, Банклар ва банк фаолияти тўғрисида, Нотариат, Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар, Нодавлат нотижорат ташкилотлар, Биржа ва биржা фаолияти тўғрисидаги қонунлар шулар жумласидандир. Уларнинг ҳар бирида турли хўжалик юритиш шаклига эга бўлган у ёки бу юридик шахсларга ўзига хос таърифлар, түшүнчалар берилган. ФК эса уларнинг барчасини умумлаштириб қўйидагича таъриф беради:

Ўз мулкида, хўжалик юритишида ёки оператив бошқарувида алоҳида мол-мулкка эга бўлган ҳам ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, ўз номидан мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўла оладиган ва уларни амалга ошира оладиган, мажбуриятларни бажара оладиган, судда даъвогар ва жавобгар бўла оладиган ташкилот юридик шахс ҳисобланади (ФК, 39-модда).

Юқорида берилган таърифдан аниқланишича, ҳар қандай ташкилот эмас, балки муайян талабларга жавоб берадиган ташкилотларгина юридик шахс бўла олади.

Юридик шахслар:

- 1) ташкилий бирлик;
- 2) мулкий мустақиллик;
- 3) мустақил мулкий жавобгарлик;

4) фуқаролик муомаласида ўз номидан ҳаракат қилиш белгиларига эга бўлиши керак.

Ташкилий бирлик – бу юридик шахснинг ҳуқуқ субъекти сифатида ташкил бўлганлигини, муайян ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлишлигини билдиради.

Юридик шахснинг ташкилий жиҳатдан тузилиши (структураси)ни кўрсатадиган Низоми ёки Устави бўлиши керак. Баъзи давлат

муассасалари ва давлат бюджетида бўлган бошқа давлат ташкилотлари, шунингдек қонунда назарда тутилган ҳолларда, бошқа ташкилотлар ҳам алоҳида Низомга эга бўлмай, мазкур турдаги ташкилотлар ҳақидаги умумий Низом асосида иш олиб боришлари мумкин.

Юридик шахсларнинг айрим филиаллари (хўжалик бўлимлари, участкалари, агентликлари) маълум тизимга эга бўлган, муайян тарзда ташкил этилган бўлса ҳам, улар бутун бир ташкилот (корхона, муассаса) ишининг бир қисминигина бажарувчи ташкилотлари бўлгани туфайли юридик шахс бўла олмайди. Масалан, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг юридик факультети муайян шаклда ташкил топиб, иш олиб бориш тартиби, кафедра аъзолари ўртасидаги ўзаро муносабатлар, деканнинг ваколатлари белгиланган бўлса ҳам, юридик шахс хисобланмайди.

Мулкий мустақиллик – фуқаролик ҳуқуқининг субъекти бўлиши учун юридик шахс ҳисобланган ҳар қандай ташкилотнинг ўзига хос мулки бўлиши, ҳар қайси давлат ташкилотининг ўзига бириктирилган мулки бўлишини тақозо қиласи. Бошқача айтганда, юридик шахслар мустақил баланс ёки сметага эга бўлишлари керак (ФК, 39-модда, 2-банд).

Юридик шахсларнинг мол-мулки уларнинг Устав доирасида акс эттирилади. Устав фонди таъсисчиларининг қўшган пул маблағлари, кўчмас мол-мулклари, аъзолик бадалларидан, тадбиркорлик фаолиятидан топилган даромадларидан, фуқароларнинг ихтиёрий хайрия маблағларидан, акцияларидан тушган дивидендлардан ва қонунда ман этилмаган ўзга манбалардан ташкил топади. Бу соҳада айрим чекловлар ҳам бор. Чунончи, сиёсий партиялар давлат органларидан, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлардан, хорижий давлатлар ва ташкилотлардан, ҳалқаро ташкилотлардан, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан, диний ташкилотлардан, аноним хайрия берувчилардан маблағлар ва бошқа мол-мулклар олиши тақиқланади<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг "Сиёсий партиялар тұғрисида"ги қонуни. Ўзбекистоннинг янги қонунлари. 15-сон. -Т.: Адолат. 1997. 14-6.

батларида бўла олмайдиган ташкилотлар фуқаролик ҳуқуқининг субъекти бўлиб ҳисобланмайди.

Мустақил мулкий жавобгарлик – шундан иборатки, юридик шахс ҳисобланган ташкилот ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига тегишли бўлган (давлат ташкилоти эса, ўзига биритириб қўйилган) мулки билан жавоб беради. Юридик шахс ҳисобланган давлат ташкилотларининг мажбуриятлари юзасидан давлат жавобгар бўлмайди, бу ташкилотлар ҳам давлат ташкилотлари мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайдилар. Давлат бюджетида туродиган ташкилотларнинг қарзини қоплаш, маблағ бериш шартлари ва тартиби Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан белгиланади.

Юридик шахснинг юқори органи ўзига қарашли юридик шахс ҳисобланган ташкилотларнинг қарзлари юзасидан жавобгар бўлмайди. Аммо юридик шахснинг юқори органи ўзига бўйсунадиган ташкилотнинг қарзлари учун қонунда ёки Низомда назарда тутилган ҳолларда жавобгар бўлиши мумкин. Қуий ташкилотлар ҳам ўзларининг юқори ташкилотлари мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайдилар.

Юридик шахслар ўз мажбуриятлари бўйича ўзларига қарашли бутун мол-мулки билан жавоб беради.

Давлат корхонасининг мол-мулки етарли бўлмаганида давлат унинг мажбуриятлари бўйича субсидиар (қўшимча) жавобгар бўлади.

Юридик шахснинг банкротлиги унинг мулкдори ёки таъсисчнинг ғайриконуний ҳаракатлари туфайли вужудга келган бўлса, юридик шахснинг мол-мулки етарли бўлмаганда, унинг мулкдори (ёки таъсисчиси) зиммасига субсидиар жавобгарлик юклатилиши мумкин.

Фуқаролик муомаласида ўз номидан ҳаракат қилиши – юридик шахс ҳисобланган ташкилот ўз номидан ҳуқуқий муносабатларда қатнашиб, турли битимлар туза олиши, мулкий ва мулкий ҳарактерда бўлмаган ҳуқуқларга эга бўла олиши ва мажбуриятлар вужудга келтира олиши, демакдир. Юридик шахс судда, хўжалик судида мустақил равишда даъвогар ва жавобгар бўла олади.

Ҳар бир юридик шахс ўз фирма номига эга бўлиши талаб этилади. Фирма номи юридик шахснинг ташкилий-ҳуқуқий шаклини билдиради. Масалан, “Зарбдор” савдо-ишлаб чиқариш жамоа корхонаси. Бу ерда “Зарбдор” – корхонанинг номи, яъни, корхонанинг маҳсулот ва хизматлари “Зарбдор” ёрлиги остида чиқарилади. “Савдо-ишлаб чиқариш” корхона фаолиятининг ҳарактерини, “жа-

моя корхонаси” – корхонанинг жамоа мулкчилигига асосланганлигини билдиради.

Шунингдек, юридик шахслар расмий номда, яъни давлат номида бўлишлари ҳам мумкин. Юридик шахсларга расмий номни беришда Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати рухсат беради. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 28 январдаги Фармонига кўра, Тошкент Давлат Университетига Ўзбекистон Миллий Университети мақоми берилди<sup>1</sup>.

## 6.2. Юридик шахснинг ҳуқуқ лаёқати ва муомала лаёқати

Юридик шахс ўз фаолиятида ўз таъсис ҳужжатларида назарда тутилган мақсадларга мувофиқ фуқаролик ҳуқуқ лаёқатига эга бўлади. Ташкилотлар билан фуқаролар ўртасидаги ҳуқуқ лаёқатларининг ҳажмида фарқ бўлиши мутлақо табиийдир. Ташкилотлар фуқароларга нисбатан белгиланган бирмунча ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўла олмайдилар, фақат ўз устав ёки низомларида кўрсатилган фаолият билангида шуғуллана оладилар.

Юридик шахснинг маҳсус ҳуқуқ лаёқати унинг устави, низоми ёки қонун ҳужжатлари билан белгиланади (ФК, 41-модда, 3-банд).

Юридик шахс ҳисобланган ташкилот ёки корхона қатнашадиган муносабатларнинг доираси унинг ташкил қилиниш мақсадлари билан ҳамда амалга оширилиши лозим бўлган ишларнинг характеристи билан белгиланади. Юридик шахс ўзи қатнашадиган муносабатларга қараб маълум ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади. Шундай қилиб, юридик шахснинг ҳуқуқ лаёқати, унга маҳсус юкланган вазифалар билан белгиланади (маҳсус ҳуқуқ лаёқати принципи). Юридик шахс қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган айrim фаолият турлари билан фақат маҳсус рухсатнома (лицензия) асосида гина шуғулланиши мумкин. Масалан: нефть, нефть маҳсулотлари ва газ қазиб чиқариш, уларни қайта ишлаш ва сотиш фаолияти.

Фуқаролик ҳуқуқида фуқароларга нисбатан ҳуқуқ лаёқатининг тенглик принципи ўрнатилган, фуқаролик ҳуқуқ лаёқатининг мазмуни ҳамма фуқаролар учун қонун билан тенг ҳажмда белгиланган бўлса, юридик шахсларнинг ҳуқуқ лаёқати ундан фарқланиб, уларнинг ҳар қайси тури учун ҳар хил бўлади. У барча юридик шахслар учун бирорта умумий ҳажмда олдин эмас, балки муайян

<sup>1</sup> /Ўзбекистон овози. 2000 йил 29 январь. №13-сон.

юридик шахснинг пайдо бўлишида, унинг иш мақсадларига қараб, қонун, устав ёки низомларида белгиланади.

Юридик шахсларнинг муомала лаёқати ҳам фуқаролик муомала лаёқатидан фарқ қиласди. Агар фуқароларда ҳуқук лаёқатидан фарқ қилиб, муомала лаёқати муайян ёшга етгач вужудга келса, муомала лаёқати юридик шахсларда ҳуқук лаёқати билан бир вақтда ташкил топади. Шу билан бирга, фуқаролик муомала лаёқатидан фарқ қилиб юридик шахсларнинг муомала лаёқатини чеклаш ва уни муомалага лаёқатсиз деб топиш мумкин эмас.

Юридик шахс ўз устави ёки низоми асосида ҳаракат қиласди. Юридик шахснинг ҳуқук лаёқати, унинг устави ёки низоми тасдиқланган пайтдан бошлаб ёхуд тегишли ваколатли идора ушбу юридик шахсни ташкил этиш ҳақидаги қарор чиқаргандан кейин вужудга келади. Юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилгандан бошлаб ташкил этилган ҳисобланади (ФК, 44-модда, 4-банд).

Умумий қоида бўйича, юридик шахснинг таъсис ҳужжатлари қонун талаблари даражасида бўлса, уни уч иш кунида давлат рўйхатидан ўтказиш лозим. Айрим юридик шахсларни ташкил қилиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш қонун билан таъқиб қилинади. Масалан, Конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўювчи, республиканинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига, фуқароларнинг конституциявий ҳуқук ва эркинликларига қарши чиқувчи, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилувчи, халқнинг соғлиғи ва маънавиятига тажовуз қилувчи, шунингдек ҳарбийлаштирилган бирлашмаларнинг, миллий ва диний руҳдаги сиёсий партиялар ҳамда жамоат бирлашмаларининг махфий жамият ва ўшмаларнинг тузилиши ва фаолияти тақиқланади.

Юридик шахснинг устави ёки у ҳақдаги низом шундай ҳужжатки, бунда унинг фаолияти учун юридик аҳамиятга эга бўлган қоидалар мустаҳкамланади. Уставда юридик шахснинг номи, унинг жойлашган ери, ташкил бўлиш мақсади ва тартиби, унинг ташкилий тузилиши, аъзоларга эга бўладиган ташкилот бўлса, аъзоликка қабул қилиш шартлари, мулкнинг таркиби сингари қатор қоидалар белгиланади.

Баъзи ҳолларда, юридик шахсни ташкил этишда, мазкур турдаги юридик шахсларнинг ташкилий тузилиши ва фаолиятига доир барча умумий қоидаларни назарда тутган (типовий) намунавий уставларнинг бўлиши юридик шахс уставини тузиш вазифасини

енгиллаштиради. Бундай намунавий уставларга фермер хўжалиги-нинг намунавий уставини<sup>1</sup>, қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги)нинг намунавий уставини<sup>2</sup> мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Юридик шахснинг органлари ҳам бўлади. Юридик шахс қонун, устав ёки низом бўйича белгиланган ваколатлар доирасида ҳаракат қилувчи ўз органлари орқали фуқаролик ҳуқуқлари ва бурчларига эга бўлади.

Юридик шахсларнинг муомала лаёқати, яъни ўз ҳаракатлари билан фуқаролик ҳуқуқлари ва бурчларини олиш лаёқати, юқорида кўрсатилганидек, уларнинг органлари орқали амалга оширилади. Юридик шахсларнинг органлари қонун, устав ёки низомга мувофиқ равишда юридик шахснинг эрк-иродасини ифодалайди ва юридик шахс номидан фаолият олиб боради. Юридик шахсларнинг органлари якка бошчиликка асосланиб, директор, раис, бошқарувчи ёки коллегиал бошқарув, вакиллар мажлиси, умумий мажлис (ёки йиғилиш) сингари тартибида бошқарадиган орган бўлиши мумкин.

Давлат ташкилотлари ҳисобланган юридик шахсларнинг органлари, қоида бўйича, якка бошчилик асосида белгиланади. Масалан, Тошкент Давлат юридик институти ректори.

Кооператив ва жамоат ташкилотлари ҳисобланган юридик шахсларнинг органлари икки турга: якка (тартиб) бошчиликка асосланган (масалан, бошқарув раиси) ёки коллегиал тартибда бошқаришга асосланган (масалан, аъзоларнинг умумий мажлиси, бошқаруви) бўлиши мумкин.

### **6.3. Юридик шахсларнинг вужудга келиш ва бекор бўлиш тартиби**

Юридик шахслар қўйидаги усувларда вужудга келиши мумкин:

1. **Бўйруқ (фармойиш) орқали.** Масалан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ТошДЮИни ташкил этиш тўғрисидаги қарори бунга мисол бўла олади. Одатда, бундай усул билан давлат ташкилотлари ҳисобланган юридик шахслар ташкил топади.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 июлдаги 300-сон қарорига 2-илова. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси ва қишлоқ хўжалигига оид қонун хўжоятлари. Тўплам. -Т.: Адолат. 1999. 205-222-бетлар.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 июлдаги 299-сон Қарорига 4-илова. Юқоридаги тўплам. 160-175-бетлар.

Қолган икки усулда эса юридик шахсларнинг таъсисчиси, мулкдорлар ёки улар вакил қилган шахслар қонунда назарда тутилган ҳолларда эса, бошқа ташкилотлар ва фуқаролар ҳисобланади.

2. **Мурожаат қилиш усули.** Бунда муассислар томонидан тузиладиган юридик шахсларнинг вужудга келиш имконияти қонун томонидан олдиндан белгилаб қўйилмаган бўлади. Бинобарин, бундай ҳолларда давлат органи худди шундай юридик шахснинг бўлиш-бўлмаслиги мақсадга мувофиқлигини текширади.

3. **Рұхсат олиш усули.** Бундай усулда ташкил топадиган юридик шахсларнинг вужудга келиш имкониятлари қонунларда олдиндан белгилаб қўйилади ва бинобарин, уларнинг ташкил бўлиш-бўлмаслиги мақсадга мувофиқлиги текширилмайди, балки таъсис ҳужжатларининг (юридик шахсларни ташкил этиш ҳақидаги таъсис шартномаси ва уларнинг устави) қонунга мувофиқлиги текширилади, холос. Юридик шахс таъсис шартномаси иштирокчилар томонидан тузилади, устави эса рўйхатга олинади (низоми тасдиқланади).

Таъсис ҳужжатларида юридик шахсларнинг таркиби ва ваколатлари, бошқа зарурий маълумотлар бўлмоғи керак. Таъсис шартномасида иштирокчилар юридик шахс фаолиятини амалга оширишда вужудга келган фойда ва зарарни тақсимлаш, юридик шахсни бошқариш тартибини белгилайдилар.

Юридик шахс мурожаат қилиш ва рұхсат олиш усуллари орқали ташкил топганда, албатта, уни ташкил қилувчилар ташаббускор грух бўлади. Бу грух фуқаролар (жисмоний шахслар) дан ҳам, юридик шахслардан ҳам иборат бўлиши мумкин. Улар муассислар ёки таъсисчилар деб аталади. Таъсисчилар орасида давлат ҳам унинг органлари бўлиши мумкин. Муассислар кўп ҳолларда юридик шахснинг мол-мулкини вужудга келтиришга ўз улушини қўшади. Бу улушлар асосида устав фонди ташкил топади.

Фуқаролик қонун ҳужжатларда “таъсисчи” ва “муассис” атамаларининг изоҳи ҳамда улар ўртасидаги фарқли жиҳатлар берилмайди. Кўпчилик ҳолларда айниқса, кейинги пайтда “таъсисчи” атамаси ҳуқуқ нормаларида деярли қўлланилмаяпти. Юридик шахсни ташкил этаётган шахс (ёки шахслар) ҳуқуқ нормаларида муассис (ёки муассислар) атамаси билан номланмоқда. Бу ҳолат эса ўз ўзидан кундалик ҳаётда ишлатилаётган “таъсисчи” ва “муассис” атамаларининг бир хилдаги маънога эгалигини ифодалайди.

Юридик шахс ўз фаолиятида кўзланган мақсад бўйича тижоратчи ва тижоратчи бўлмаган турларга бўлинади (ФК, 40-модда).

Юридик шахсларнинг тижоратчи турлари муассисларнинг фойда олиш мақсадини кўзлаб тузилади. Нотижорат турларида муассислар фойда олиш мақсадини кўзламайдилар.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ тижоратчи юридик шахслар ҳам ва нотижорат юридик шахслар ҳам тадбиркорлик (фойда олишга қаратилган фаолият) фаолияти билан шуғулланишлари мумкин, лекин бунда, тижоратчи юридик шахслардан фарқ қилиб нотижорат юридик шахслар ўз тадбиркорлик фаолиятларидан олган фойдани фақат аъзоларининг эҳтиёжини қондириш ёки ўзга муштарак мақсадни амалга ошириш учун ишлатадилар. Олинган фойдани бошқа мақсадларда ишлатилишига йўл қўйилмайди. Шу муносабат билан нотижорат юридик шахсларга нисбатан ФҚда “фойда олишни мақсад қилиб қўймаган” деган ибора эмас, балки “фойда олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб қўймаган” ибораси белгиланган. Бу эса, нотижорат ташкилоти тадбиркорлик билан шуғулланиши, муайян фойда кўриши мумкинлигини белгилайди. Нотижорат юридик шахсларнинг асосий мақсади (ёрдамчи ёки бошқа мақсадлар бундан мустасно) фақатгина фойда олиш бўлмайди, холос.

Юридик шахс бекор бўлганида уларнинг тижорат турларида юридик шахс ҳамма кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилгандан кейин мол-мулки муассислар ўртасида тақсимлаб олинади. Нотижорат характердаги юридик шахсларда эса қолган мол-мулкка нисбатан муассислар ҳақ-хуқуқка эга бўлмайдилар. Юридик шахсларнинг давлат рўйхатидан ўтиш маълумотлари, шунингдек ўзига хос номи давлат реестрига киритилади.

Юридик шахсларни рўйхатдан ўтказишни ташкил этишнинг мақсадга мувофиқ эмаслиги ҳақидаги асос билан уни рўйхатдан ўтказишни рад этиш фақат юридик шахсларни мурожаат этиш усули билан ташкил қилиш тартибида қўлланилади. Давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилганда судга шикоят билан мурожаат қилиш мумкин бўлади. Юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтган пайтидан бошлаб тузилган ҳисобланади. Юридик шахсни қайта тузиш бу ҳақдаги тегишли қарор билан амалга оширилади. Қарорда муассисларни шартномага қўшилиш ва шартномадан чиқиш тартиби кабилар кўрсатилади. Одатда, тижоратчи юридик шахсларнинг уставлари конунда белгиланган тартибда туман ҳокимларида давлат рўйхатига олинади. Жамоат бирлашмалари мақомига эга бўлган юридик шахслар, шунингдек йирик қўшма корхоналар, давлат томонидан ташкил этилган юридик шахслар низомлари маҳсус ваколатли давлат органлари томонидан (Вазирлар Маҳкамаси, Адлия вазирли-

ги каби) тасдиқланади. Республикамиз ҳозирги бозор иқтисодиётiga босқичма-босқич ўтиш даврида юридик шахслар кўпинча қайта ташкил этиш йўли билан бекор бўлади. Қайта ташкил этиш турли шаклларда жумладан, қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш, ўзгартириш шаклларида амалга оширилиши мумкин (ФК, 49-модда).

Юридик шахс бирлашганида икки ёки бир неча ташкилот ўзининг мустақил равишда иш олиб боришини бекор қиласди ва ягона ташкилотга бирлашади, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари янгидан вужудга келган юридик шахсга ўтади.

Юридик шахс бўлинганда ўз фаолиятини бекор қиласди ва унинг негизида икки ёки бир неча юридик шахс пайдо бўлади ҳамда аввалгисининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари янгидан вужудга келган юридик шахсларга ўтади.

Юридик шахснинг қўшилишида унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари уни қўшиб олаётган юридик шахсга ўтади ҳамда қўшилган юридик шахс ўзининг мустақил равишда фаолият юритишини тўхтатади. Ажралиш шаклида эса фаолият юритаётган юридик шахс таркибидан мустақил ташкилот ажралиб чиқади ва алоҳида юридик шахс ҳуқуқини олади.

Кооператив жамоат ташкилотларининг бирлашишига, бўлинишига аъзоларнинг умумий мажлислари (йиғилишлари) ва вакиллари мажлиси (йиғилиш) нинг қарори асосидагина йўл қўйилади.

Юридик шахсларни қайта ташкил қилиш тартиби Ўзбекистон Республикаси қонунлари ёки ўзларининг уставлари билан белгиланади.

Юридик шахсларни ташкил этилганида универсал ҳуқуқий ворислик вужудга келади.

Юридик шахсни тугатиш унинг ҳуқуқ ва бурчлари ҳуқуқий ворислик тартибида бошқа шахсга ўтмасдан бекор қилинишига олиб келади.

ФКнинг 53-моддасида юридик шахсларни тугатиш асослари қўйидагича белгиланган:

1. Юридик шахс муассислари (иштирокчилари) нинг ёки таъсис ҳужжатлари билан тугатишга ваколат берилган юридик шахс органининг қарорига мувофиқ, шу жумладан, юридик шахс органининг қарорига мувофиқ, юридик шахснинг амал қилиш мuddати тугаши, уни ташкил этишдан кўзланган мақсадга эришилганлиги муносабати билан ёки юридик шахсни ташкил қилиш чоғида қонун ҳужжатлари бузилишига йўл қўйилганлиги сабабли, агар бу бузилишларни

бартараф этиб бўлмаса, суд юридик шахсни рўйхатдан ўтказишни ҳақиқий эмас деб топганида.

2. Юридик шахс фаолияти рухсатномасиз (лицензиясиз) амалга оширилган ёки қонун билан тақиқлаб қўйилган фаолият амалга оширилган тақдирда, шунингдек ФКда назарда тутилган бошқа ҳолларда суднинг қарорига мувофиқ тугатилади.

3. ФКнинг 57-моддасида айтилганидек, юридик шахснинг банкрот деб ҳисобланиши унинг тугатилишига олиб келади.

Юридик шахс тугатилаётганда, тугатиш комиссияси тайинланади. Тугатиш комиссияси юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақидаги маълумотлар босиб чиқарилган матбуот органларида юридик шахснинг тугатилиши ҳамда унинг кредиторлар томонидан талабларни баён этиш тартиби ва муддати ҳақида хабар эълон қиласи (ФК, 55-модда). Бу муддат тугатиш ҳақида хабар эълон қилинган пайтдан бошлаб икки ойдан кам бўлиши мумкин эмас.

#### **6.4. Юридик шахсларнинг турлари**

Юридик шахсларнинг турлари жамиятда мавжуд бўлган мулк шаклларига бевосита боғлиқdir. Маълумки, Ўзбекистон Республикасида мулк хусусий мулк ва оммавий мулк шаклларида бўлиб, юридик шахслар ҳам ўз навбатида давлатга тегишли ва хусусий (нодавлат) юридик шахслар кўринишидадир.

ФКнинг .40-моддасида айтилганидек, фойда олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олган (тижоратчи ташкилот) ёки фойда олишни ана шундай мақсад қилиб олмаган ташкилот (тижоратчи бўлмаган ташкилот) юридик шахс бўлиши мумкин.

Тижоратчи бўлган юридик шахслар жумласига хусусий корхоналар, ҳўжалик ширкатлари ва жамиятлари, ишлаб чиқариш кооперативлари ҳамда унитар корхоналар киради.

Тижоратчи бўлмаган юридик шахслар жумласига жамоат бирлашмалари, жамоат фондлари ва мулқдорлар томонидан молиявий таъминлаб туриладиган муассасалар киради.

Тижоратчи бўлмаган ташкилотлар ўз уставида белгиланган мақсадларга мос келадиган доираларда тадбиркорлик фаолиятлари билан ҳам шуғуллана олади. Нодавлат, нотижорат ташкилотларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги аҳамиятидан келиб чиқиб, 1999 йил 14

апрелда Ўзбекистон Республикасининг Нодавлат нотижорат ташкилотлар тўғрисидаги қонуни<sup>1</sup> қабул қилинди ва амалга киритилди.

ФКнинг 77-моддасига кўра юридик шахслар ўзларининг фаолиятларини мувофиқлаштириш, шунингдек муштарак манфаатларини ифода этиш ҳамда ҳимоя этиш мақсадида уюшмалар (иттифоқ) шаклида бирлашмалар тузишлари мумкин. Уюшма юридик шахс ҳисобланиб, унинг аъзолари ўз мустақилликларини ва юридик шахс ҳукуқларини сақлаб қоладилар. Уюшма ўз аъзоларининг мажбуриятлари бўйича уюшманинг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган миқдорда ва тартибда субсидиар жавобгар бўлади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳам юридик шахс сифатида фуқаролик-ҳукуқий муносабатларнинг қатнашила-ридир (ФК, 78-модда).

Умуман, юридик шахслар ўз фаолиятларида Фуқаролик кодекси нормаларига, соҳа қонунларига, шунингдек уставлари ва бошқа таъсис ҳужжатларига асосланган ҳолда иш олиб борадилар.

## 6.5. Хусусий корхоналар – юридик шахс сифатида

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида мавжуд бўлмаса-да 2003 йил 11 декабрда қабул қилинган "Хусусий корхона тўғрисида"ги<sup>2</sup> қонуннинг қабул қилиниши билан янги ташкилий ҳукуқий шаклдаги тижоратчи юридик шахснинг ҳукуқий мақоми белгиланди.

Ушбу қонуннинг З-моддасига асосан, мулкдор ягона жисмоний шахс томонидан тузилган ва бошқариладиган тижоратчи ташкилот хусусий корхона деб эътироф этиладиган бўлди. Хусусий корхона тадбиркорлик субъектларининг ташкилий-ҳукуқий шаклидир. Хусусий корхона ўз мулкида алоҳида мол-мулкка эга бўлади, ўз номидан мулкий ва шахсий номулкий ҳукуқларга эга бўлиши ҳамда уларни амалга ошириши, мажбуриятларни бажариши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин. Хусусий корхона ўз мажбуриятлари бўйича ўзига қарашли бутун мол-мулк билан жавоб беради. Хусусий корхона мулкдори корхонанинг мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда, хусусий корхонанинг мажбуриятлари бўйича ўзига қарашли мол-мулк билан қонун ҳужжатларига мувофиқ субсидиар жавобгар бўлади.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг "Нодавлат нотижорат ташкилотлар тўғрисида"ги қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1999 йил. №5. 115-модда.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 3-сон, 28-модда.

Хусусий корхона тўлиқ фирма номига эга бўлиши лозим ва қисқартирилган фирма номига эга бўлишга ҳақли. Хусусий корхона Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда банк ҳисобварақлари очади. Хусусий корхона ўзининг тўлиқ фирма номи давлат тилида ифодаланган ва хусусий корхонанинг жойлашган ери кўрсатилган мұхрга эга бўлиши керак. Мұхрда айни пайтнинг ўзида фирма номи бошқа тилда ҳам кўрсатилиши мумкин. Хусусий корхона ўзининг фирма номи ёзилган штампларига ва бланкаларига, ўз эмблемасига, шунингдек белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган товар белгисига ҳамда кўзга ташланиб турадиган бошқа идентификация воситаларига эга бўлишга ҳақли.

Хусусий корхона мулкдор томонидан тузилади, мулкдор унга тегишли мол-мулк беради ва унинг уставини тасдиқлайди. Хусусий корхона, агар унинг уставида бошқача қоида белгиланган бўлмаса, номуайян муддатга тузилади.

Хусусий корхона қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бошқа юридик шахсларнинг муассиси бўлишга ёки уларнинг устав фондида ўзгача тарзда иштирок этишга, ваколатхоналар очишга ва филиаллар тузишга ҳақли.

Хусусий корхонанинг таъсис ҳужжати унинг уставидир. Хусусий корхонанинг уставида корхонанинг фирма номи, унинг жойлашган ери ва почта манзили тўғрисидаги маълумотлар, асосий фаолият турларининг рўйхати, мулкдорнинг фамилияси, исми, отасининг исми ва яшаш жойи, устав фондининг микдори ўз ифодасини топиши лозим, бундан ташқари уставда қонун ҳужжатларига зид келмайдиган бошқа қоидалар ҳам белгиланиши мумкин.

Хусусий корхона давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб юридик шахс мақомига эга бўлади. Хусусий корхонани давлат рўйхатидан ўтказиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Хусусий корхонанинг устав фонди бўлинмасдир ва уни мулкдорнинг ўзи белгилайди. Пул, қимматли қофозлар, пул билан баҳоланадиган бошқа мол-мулк ёки мулкий ҳуқуқлар ёхуд бошқа шахсга бериладиган ўзга ҳуқуқлар хусусий корхонанинг устав фондига қўшиладиган ҳисса бўлиши мумкин. Мулкдор хусусий корхонанинг устав фондига ўзи киритадиган мол-мулкни мустақил баҳолайди. Агар хусусий корхонанинг устав фонди шакллантрилаётгандан мулкдор ўз оила аъзоларининг умумий (улушли ёки биргаликдаги) мулки ҳисобланган мол-мулкни корхонага бераётгандан

бўлса, ушбу мол-мулкнинг барча мулкдорларидан нотариал тасдиқланган розилик олиш талаб этилади.

Хусусий корхонанинг устав фондини кўпайтириш ва камайтириш мулкдорнинг қарорига кўра хусусий корхонанинг уставига ўзгартишлар киритиш йўли билан амалга оширилади. Агар иккинчи молия йилининг ва шундан кейинги ҳар бир молия йилининг якунида хусусий корхона соф активларининг қиймати унинг устав фондидан кам эканлиги маълум бўлиб қолса, хусусий корхона ўз устав фондини ўзининг соф активлари қийматидан ошмайдиган миқдорда камайтириши шарт. Хусусий корхона соф активларининг қиймати қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда аниқланади.

Хусусий корхона мулкдори корхонани раҳбар сифатида якка бошқаради, корхона номидан ишончномасиз иш қўради, унинг манфаатларини ифодалайди, хусусий корхонанинг пул маблағларини ҳамда бошқа мол-мulkини тасарруф этади, шартномалар, шу жумладан меҳнат шартномалари тузади, ишончномалар беради, банкларда ҳисобварақлар очади, штатларни тасдиқлади, корхонанинг барча ходимлари учун мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва кўрсатмалар беради.

Хусусий корхона мулкдори хусусий корхона уставига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш, хусусий корхонани қайта ташкил этиш ва тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиш, хусусий корхонанинг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан кейин қолган фойдасидан ўз ихтиёрига кўра фойдаланиш, хусусий корхонага тегишли мол-мulkни бошқа шахсга бериш, ижарага бериш, гаровга қўйиш, бошқа юридик шахсларнинг устав фондига ҳисса сифатида киритиш ёки ушбу мол-мulkни бошқача усуlda тасарруф этиш ҳукуқига эга. Хусусий корхона мулкдори қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳукуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Хусусий корхона мулкдори устав фондини шакллантириши, ўзига қарашли корхонани якка бошқариши шарт. Хусусий корхона мулкдори зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

Хусусий корхона мулкдори ўзи вақтинчалик бўлмаган тақдирда шу муддатда раҳбарлик вазифасини бажариб туришни бошқа жисмоний шахс зиммасига юклаш тўғрисида ёзма қарор қабул қиласиди. Хусусий корхона мулкдори муваққат раҳбар нинг хусусий корхона мол-мulkини тасарруф этишга оид ҳукуқини чеклаб қўйиши мумкин.

Вафот этганилиги, мумалага лаёқатсизлиги, мумала лаёқати чекланганлиги ёки бедарак йўқолган деб топилганлиги оқибатида мулқдорнинг хусусий корхона раҳбари вазифасини бажариши мумкин бўлмай қолган тақдирда хусусий корхонани бошқариш фуқаролик қонун ҳужжатларига ва хусусий корхонанинг уставига мувофиқ амалга оширилади.

Хусусий корхонанинг мол-мулки қонунда назарда тутилган ҳоллардан ташқари, национализация қилинмайди. Шунингдек, унинг мол-мулки реквизиция қилинмайди, хусусий корхонанинг мулқдорига реквизиция қилинаётган мол-мулкнинг бозор қийматига мувофиқ компенсацияси тўланадиган табиий оғатлар, авариялар, эпидемиялар, эпизоотиялар ва фавқулодда тусдаги бошқа ҳолатлар бундан мустасно.

Хусусий корхона қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳар қандай фаолият турларини амалга оширади. Хусусий корхоналарга тадбиркорлик субъектлари учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзлар, преференциялар ва кафолатлар татбиқ этилади. Қонун ҳужжатлари билан белгиланадиган тартибда хусусий корхоналар учун давлат бюджетига ва давлат мақсадли жамғармаларига солиқлар ҳамда бошқа мажбурий тўловларнинг доимий ставкалари белгиланади. Хусусий корхонанинг фойдаси солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан сўнг корхона мулқорининг тасарруфига ўтади ҳамда унга солиқ солинмайди.

Хусусий корхона фаолиятини текшириш назорат қилувчи органлар томонидан кўпи билан икки йилда бир марта, белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Хусусий корхоналар ўз ҳуқук ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида қонунга мувофиқ ассоциацияларга (уюшмаларга) ва бошқа бирлашмаларга бирлашишлари мумкин.

Хусусий корхона мулқори хусусий корхонани мол-мулк мажмуаси сифатида сотишга, ҳадя қилишга, васият қилиб қолдиришга ёки уни ўзгача усулда бошқа шахсга ўтказишга ҳақли.

Хусусий корхона унинг мулқори ёки суднинг қарорига кўра, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қайта ташкил этилиши ёки тугатилиши мумкин. Хусусий корхоналарнинг тузилиши, фаолияти, қайта ташкил этилиши ва тугатилиши соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

## **6.6.Хўжалик ширкатлари – юридик шахс сифатида**

Хўжалик ширкати – бу ширкат номидан ҳаракат қилувчи икки ёки ундан ортиқ шахснинг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун тузган шартномавий юридик шахс мақомига эга бўлган бирлашмасидир.

Хўжалик ширкатлари ва жамиятлари бозор муносабатлари шароитида тадбиркорлик фаолиятининг энг фаол иштирокчилари ҳисобланади. Улар тижоратчи ташкилотлар жумласига кириб, устав капиталлари, одатда, муассисларнинг қўшган умумий (хисса) молмулк ва маблағлари ёки иштирокчиларнинг акцияларидан иборат бўлади.

Хўжалик ширкатларининг унинг мажбуриятлари учун иштирокчилар ўз мулклари билан солидар ва субсидиар тарзда жавобгар бўлишлари, унинг тадбиркорлик фаолиятида иштирокчилар шахсий иштироки характерли (командитчилардан ташқари), таъсис ҳужжати таъсис шартномаси ҳисобланishi, хўжалик ширкатларидан иштирокчилар чиқиб кетадиган бўлса, тегишлича унинг таъсис ҳужжатига ўзгартириш киритилиши унинг ўзига хос хусусиятларини ташкил этади.

Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик ширкатлари тўғрисида”ги 2001 йил 6 декабрда қабул қилинган қонуни З-моддасига мувофиқ муассисларнинг (иштирокчиларнинг) улушларига (хиссаларига) бўлинган устав фондига (устав капиталига) эга бўлган тижорат ташкилоти хўжалик ширкати ҳисобланади, бундай ширкатда муассислар (иштирокчилар) ёки улардан айримлари ширкат номидан тадбиркорлик фаолияти юритишда шахсан иштирок этадилар. Хўжалик ширкати, агар унинг таъсис шартномасида бошқача қоида белгиланган бўлмаса, номуайян муддатга тузилади ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган ҳар қандай турдаги фаолиятни амалга ошириши мумкин.

Хўжалик ширкати қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бошка юридик шахсларнинг муассиси (иштирокчиси) бўлиши, ваколатхоналар ва филиаллар ташкил этиши мумкин.

Таъсис шартномаси хўжалик ширкатининг таъсис этиш ҳужжати ҳисобланади. Унда хўжалик ширкатининг тури, фаолият соҳаси, мақсадлари ва муддатлари, муассисларнинг(иштирокчиларнинг) таркиби, фирма номи ва почта манзили, устав фондининг миқдори ва уни ҳосил қилиш тартиби, ҳар бир иштирокчи улушининг миқдори ва номинал қиймати, ҳиссаларининг таркиби, уларни

киритиши муддатлари ва тартиби, устав фондини кўпайтириш ва камайтириш тартиби; бошқарув органлари, ширкатни қайта ташкил этиш ва тутгатиш тартиби, шунингдек қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа шартлар ўз ифодасини топади. Бундан ташқари, таъсис шартномада ваколатхона ва филиаллари тўғрисидаги маълумотлар бўлиши керак.

Якка тадбиркорлар ва тижоратчи ташкилотлар тўлиқ ширкатнинг иштирокчилари ҳамда коммандит ширкатда тўлиқ шериклар бўлишлари мумкин. Юридик ва жисмоний шахслар коммандит ширкатда ҳисса қўшувчилар бўлишлари мумкин. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида белгиланган бўлмаса, тўлиқ ширкатнинг иштирокчилари ва коммандит ширкатнинг тўлиқ шериклари, шунингдек коммандит ширкатда ҳисса қўшувчилар бўлишга ҳақли эмаслар.

Хўжалик шаркатларининг икки тўлиқ ва коммандит ширкат каби турлари мавжуд.

ФКнинг 60-моддаси ва "Хўжалик шаркатлари тўғрисидаги қонуннинг" 8-моддасига мувофиқ иштирокчилари (тўлиқ шериклари) ўз ўрталарида тузилган шартномага мувофиқ ширкат номидан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган ҳамда унинг мажбуриятлари бўйича ўзларига қарашли бутун мол-мулк билан жавоб берадиган ширкат тўлиқ ширкат деб ҳисобланади.

Шахс фақат битта тўлиқ ширкатнинг иштирокчиси бўлиши мумкин.

Тўлиқ ширкатнинг фирма номи ё унинг барча иштирокчилари номини (номланишини), шунингдек "тўлиқ ширкат" деган сўзларни ёхуд бир ёки бир неча иштирокчининг "ва компания" деган сўзлар қўшилган номини (номланишини), шунингдек "тўлиқ ширкат" деган сўзларни ўз ичига олиши керак.

Тўлиқ ширкатнинг устав фонди (устав капитали) унинг иштирокчилари улушларининг номинал қийматидан таркиб топади. Ва унинг миқдори тўлиқ ширкатни давлат рўйхатидан ўтказиши учун ҳужжатларни тақдим этиш санасидаги ҳолатга кўра қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан кам бўлмаслиги керак. Тўлиқ ширкат иштирокчисининг ширкат устав фонди (устав капиталидаги) улушининг миқдори фоизларда ёки каср кўринишида белгиланади. Тўлиқ ширкат иштирокчиси улушининг миқдори унинг улушининг номинал қиймати билан ширкат устав фондининг (устав капиталининг) ўзаро нисбатига мувофиқ бўлиши керак. Иштирокчи улушининг ҳақиқий қиймати

ширкат соғ активлари қийматининг унинг ширкат устав фондидаги (устав капиталидаги) улуши миқдорига мутаносиб бўлган бир қисмига мос бўлади. Тўлиқ ширкат давлат рўйхатидан ўтказиладиган пайтга қадар унинг ҳар бир иштирокчиси ўз ҳиссасининг камидаги ўттиз фоизини ширкатнинг устав фондига киритиши шарт. Қолган қисми таъсис шартномасида кўрсатилган муддатда киритилиши лозим бўлиб, бу муддат ширкат давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан бир йилдан ошмаслиги керак.

Пул, қимматли қофозлар, бошқа ашёлар ёки мулкий ҳуқуқлар ёхуд пул баҳосига эга бўлган бошқа шахсга ўтказиладиган ўзга ҳуқуқлар иштирокчиларнинг тўлиқ ширкат устав фондига (устав капиталига) қўшадиган ҳамда ширкатга қабул қилинадиган учинчи шахсларнинг ҳиссалари бўлиши мумкин.

Иштирокчиларнинг умумий йиғилиши ширкатнинг олий бошқарув органи ҳисобланади. Тўлиқ ширкатнинг жорий фаолиятини бошқариш мақсадида таъсис шартномасида ширкатнинг ижро этувчи органини тузиш назарда тутилиши мумкин. Ижро этувчи органни тузиш ва унинг ваколатлари, унинг аъзоларига ҳақ тўлаш тартиби ширкатнинг таъсис шартномаси ҳамда бошқа ҳужжатлари билан белгиланади.

Тўлиқ ширкат иштирокчилари ширкатнинг мажбуриятлари юзасидан ўз мол-мулклари билан солидар тарзда субсидиар жавобгар бўладилар.

ФКнинг 61-моддаси ва “Хўжалик шаркатлари тўғрисида”ги қонуннинг 28-моддасига мувофиқ, ширкат номидан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширадиган ҳамда ширкатнинг мажбуриятлари бўйича ўзларининг бутун мол-мулклари билан жавоб берадиган иштирокчилар (тўлиқ шериклар) билан бир қаторда ширкат фаолияти билан боғлиқ заарлар учун ўзлари қўшган ҳиссалар доирасида жавобгар бўладиган ҳамда ширкат томонидан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда иштирок этмайдиган бир ёки бир неча иштирокчи (ҳисса қўшувчи, коммандитчи) мавжуд бўлса, бундай ширкат коммандит ширкат деб ҳисобланади.

Коммандит ширкатда иштирок этаётган тўлиқ шерикларнинг ҳуқуқлари ва уларнинг ширкат мажбуриятлари бўйича жавобгарлиги тўлиқ ширкат иштирокчилари жавобгарлиги каби бўлади. Шахс фақат битта коммандит ширкатда тўлиқ шерик бўлиши мумкин. Тўлиқ ширкат иштирокчиси коммандит ширкатда тўлиқ шерик бўла олмайди. Коммандит ширкатдаги тўлиқ шерик ўша ширкатнинг ўзида ҳисса қўшувчи ва бошқа тўлиқ ширкатда иштирокчи бўлиши

мумкин эмас. Коммандит ширкатнинг фирма номи ё барча тўлиқ шерикларнинг номларини (номланишини) ва “коммандит ширкат” деган сўзларни ёхуд камида битта тўлиқ шерикнинг “ва компания” деган сўзлар қўшилган ҳолдаги номини (номланишини), шунингдек “коммандит ширкат” деган сўзларни ўз ичига олиши керак.

Агар коммандит ширкатнинг фирма номига ҳисса қўшувчининг номи киритилган бўлса, бундай ҳисса қўшувчи тўлиқ шерикка айланади.

Коммандит ширкат фаолиятини бошқариш тўлиқ шериклар томонидан амалга оширилади. Бундай ширкатни унинг тўлиқ шериклари томонидан бошқариш ва унинг ишларини юритиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Ҳисса қўшувчилар коммандит ширкатни бошқаришда ва унинг ишларини юритишида иштирок этишга ишончномасиз бошқа ҳар қандай тарзда унинг номидан иш қўришга ҳақли эмаслар. Ҳисса қўшувчилар ширкатни бошқариш ва унинг ишларини юритиш бўйича тўлиқ шерикларнинг хатти-ҳаракатлари хусусида баҳсласишишга ҳақли эмаслар.

## **6.7.Хўжалик жамиятлари юридик шахс сифатида**

Хўжалик жамиятлари – бу бир ёки бир неча шахслар томонидан жамият номидан тадбиркорлик фаолиятини бирга амалга ошириш учун ўз мулклари(асосан маблағлари)ни қўшиш йўли билан тузган ташкилотидир.

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ хўжалик жамиятларининг масъулияти чекланган жамият, қўшимча масъулиятли жамият ва акциядорлик жамиятлари каби турлари мавжуд.

Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар ФК ва “Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари ҳуқуқий тартибга солади.

Бир ёки бир неча шахс томонидан таъсис этилган, устав фонди (устав капитали) таъсис ҳужжатлари билан белгиланган миқдорларда улушларга бўлинган хўжалик жамияти масъулияти чекланган жамият деб ҳисобланади. Масъулияти чекланган жамиятнинг иштирокчилари унинг мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайдилар ва жамият фаолияти билан боғлиқ зарарлар учун ўзлари қўшган ҳиссалар қиймати доирасида жавобгар бўладилар. Масъулияти чекланган жамиятнинг ўз ҳиссасини тўла қўшмаган иштирокчилари

жамият мажбуриятлари бўйича ҳар бир иштирокчи ҳиссасининг тўланмаган қисмининг қиймати доирасида солидар жавобгар бўладилар.

Бир ёки бир неча шахс томонидан таъсис этилган, устав фонди (устав капитали) таъсис ҳужжатлари билан белгиланган миқдорлардаги улушларга бўлинган хўжалик жамияти қўшимча масъулиятли жамият деб ҳисобланади. Бундай жамиятнинг иштирокчилари жамият мажбуриятлари бўйича ўзига тегишли мол-мулклари билан ҳамма учун бир хил бўлган ва қўшган ҳиссалари қийматига нисбатан жамиятнинг таъсис ҳужжатларида белгиланадиган каррали миқдорда солидар тарзда субсидиар жавобгар бўладилар. Қўшимча масъулиятли жамият иштирокчилари жавобгарлигининг энг юқори миқдори қўшимча масъулиятли жамиятнинг уставида назарда тутилади. Иштирокчилардан бири банкрот бўлиб қолганида, унинг қўшимча масъулиятли жамият мажбуриятлари бўйича жавобгарлиги, агар жамиятнинг таъсис ҳужжатларида жавобгарликни тақсимлашнинг бошқача тартиби назарда тутилган бўлмаса, бошқа иштирокчилар ўртасида уларнинг қўшган ҳиссаларига мутаносиб равиша тақсимланади.

Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар қонун ҳужжатларида тақиқланмаган ҳар қандай фаолият турларини амалга ошириши мумкин.

Жамият ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига қарашли барча мол-мулк билан жавобгар бўлади. Жамият ўз иштирокчиларининг мажбуриятлари юзасидан жавоб бермайди. Жамиятнинг банкротлиги иштирокчи сифатидаги шахснинг айби туфайли вужудга келган бўлса, жамиятнинг мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда бундай шахс зиммасига унинг мажбуриятлари бўйича субсидиар жавобгарлик юклатилиши мумкин. Давлат ва унинг органлари жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди, худди шунингдек жамият ҳам давлат ва унинг органлари мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

Юридик ва жисмоний шахслар жамиятнинг иштирокчилари бўладилар. Қонунда айрим тоифадаги жисмоний шахсларнинг жамиядта иштирок этиши тақиқланиши ёки чекланиши мумкин. Давлат ҳокимиюти ва бошқарув органлари, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида белгиланган бўлмаса, жамиятнинг иштирокчилари бўлишга ҳақли эмаслар. Жамият бир шахс томонидан таъсис этилиши мумкин бўлиб, у жамиятнинг ягона иштирокчисига айланади. Жамият кейинчалик бир иштирокчиси бўлган жамиятга

айланиши мумкин. Жамият ягона иштирокчи сифатида бир шахсдан иборат бошқа хўжалик жамиятига эга бўлиши мумкин эмас. Жамият иштирокчиларининг сони эллик кишидан ошмаслиги лозим. Агар жамият иштирокчиларининг сони ушбу белгиланган меъёрдан ошиб кетса, жамият бир йил ичида очиқ акциядорлик жамияти ёки ишлаб чиқариш кооперативи этиб қайта тузилиши керак. Агар кўрсатилган муддат давомида жамият қайта тузилмаса ва жамият иштирокчиларининг сони белгиланган меъёрга қадар камаймаса, у юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органнинг талабига биноан суд тартибида тугатилиши керак.

Жамиятнинг таъсис шартномаси ва устави жамият таъсис ҳужжатлари деб ҳисобланади. Агар жамият бир шахс томонидан таъсис этилса, шу шахс тасдиқлаган устав жамиятнинг таъсис ҳужжати ҳисобланади. Жамият иштирокчиларининг сони икки ва ундан ортиқ кишига кўпайса, улар ўртасида таъсис шартномаси тузилиши керак.

Жамият устав фонди (устав капитали) унинг иштирокчилари улушларининг номинал қийматларидан таркиб топади. Жамият устав фондининг (устав капиталининг) миқдори жамиятни давлат рўйхатидан ўтказиш учун ҳужжатларни тақдим этиш санасидаги ҳолатга кўра қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан кам бўлмаслиги лозим. Жамият давлат рўйхатидан ўтказиладиган пайтга қадар унинг ҳар бир иштирокчиси таъсис ҳужжатларида кўрсатилган жамиятнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) ўз ҳисссасининг камида ўттиз фоизини киритиши шарт. Жамиятнинг ҳар бир иштирокчиси таъсис ҳужжатларида белгиланган ва жамият давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб бир йилдан ошмайдиган муддат мобайнida жамиятнинг устав фондига (устав капиталига) ўз ҳисссасини тўлиқ киритиши керак. Жамиятнинг иштирокчиси томонидан ҳисссанинг тўлиқ киритилганлиги жамият иштирокчисига бериладиган гувоҳнома билан тасдиқланади.

Жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши жамият бошқа рувининг олий органи ҳисобланади.

Жамиятнинг уставида жамиятнинг кузатув кенгашини тузиш назарда тутилиши мумкин.

Жамиятнинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилиш жамиятнинг яккабошлиқ асосидаги ижро этувчи органи томонидан ёки жамиятнинг коллегиал ижро этувчи органи томонидан амалга оширилади. Жамиятнинг ижро этувчи органи жамият иштирокчиларининг

умумий йиғилишига ва агар тузилиши жамиятнинг уставида назарда тутилган бўлса, жамиятнинг кузатув кенгашига ҳисобдордир.

Хўжалик жамиятлари турларидан яна бири акциядорлик жамиятидир. Устав фонди муайян миқдордаги акцияларга бўлинган жамият акциядорлик жамияти ҳисобланади. Иштироқчилар (акциядорлар) жамият мажбуриятлари бўйича жавоб бермайдилар, жамият фаолияти билан боғлиқ заарлар учун ўзларига қарашли акциялар қиймати доирасида жавобгар бўладилар (ФК, 64-модда).

Ж.И.Юлдашев хўжалик жамиятлари ва ширкатлари ичida акциядорлик жамиятлари йирик ва ўрта бизнесга, қолган хўжалик ширкатлари ва жамиятлари майда ва ўрта бизнесга хос хўжалик юритувчи субъектлар деб ҳисоблайди<sup>1</sup>.

Акциядорлик жамиятларининг ҳуқуқий мақоми ФК, 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун ва бошқа қонун хужжатлари билан тартибга солинади.

АЖ ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига тегишли барча мол-мулки билан жавобгар бўлади. Акциядорлар жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайдилар ва унинг фаолияти билан боғлиқ зиёнларни ўзларига тегишли акциялар қиймати доирасида тўлайдилар. Акциялар ҳақининг ҳаммасини тўламаган акциядорлар жамият мажбуриятлари юзасидан ўзларига тегишли акциялар қийматининг тўланмаган қисми доирасида солидар жавобгар бўладилар. Жамият ўз акциядорларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди. Агар жамиятнинг ночорлиги (банкротлиги) жамият учун мажбурий кўрсатмаларни бериш ҳуқуқига эга бўлган акциядор сифатидаги шахснинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари туфайли вужудга келтирилган бўлса, мазкур акциядор зиммасига жамиятнинг мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда унинг мажбуриятлари бўйича субсидиар жавобгарлик юклатилиши мумкин. Акциядорлик жамиятнинг уставида тегишли ҳуқук назарда тутилган тақдирдагина, акциядор мажбурий кўрсатма бериш ҳуқуқига эга бўлган акциядор жамиятнинг муайян ҳаракатни амалга ошириши оқибатида ночор (банкрот) бўлиб қолишини олдиндан билиб, ўз ҳуқуқидан унинг ана шундай ҳаракатни амалга оширишини кўзлаб фойдаланган ҳолда-гина жамиятнинг ночорлиги

<sup>1</sup> Юлдашев Ж.И. Акциядорлик жамиятлари фуқаролик ҳуқуқининг субъекти сифатида. -Т.: ТДЮИ, 2004. 22-30-бетлар.

(банкротлиги) акциядорнинг ҳаракат-лари туфайли вужудга келтирилган деб ҳисобланади.

Акциядорлик жамияти очик ёки ёпиқ бўлиши мумкин. Очик акциядорлик жамиятининг муассислари таркибига кирувчиларнинг энг кам сони чекланмайди. Ёпиқ акциядорлик жамиятларининг муассислари эса камида уч шахсдан иборат қилиб белгиланади. Айнан муассисларнинг белгиланган миқдори турли давлатларда турлича белгиланган. Масалан, Италияда – 2, Швейцарияда – 3, Германияда – 5, Англия, Франция, Японияда – 7, Эстония, Россия, Нидерландия, Швейцария, Финляндия ва АҚШнинг кўпгина штатларида – 1 киши ва ҳ.к<sup>1</sup>.

Қатнашчилари ўзларига тегишли акцияларини ўзга акциядорларнинг розилигисиз бошқа шахсларга бериши мумкин бўлган акциядорлик жамияти очик акциядорлик жамияти деб ҳисобланади. ОАЖ ўзи чиқараётган акцияларга очик обуна ўтказишга ва қонун ҳужжатларининг талабларини ҳисобга олган ҳолда уларни эркин сотишга ҳақлидир. ОАЖ акциядорларининг сони чегараланмайди.

Очиқ акциядорлик жамияти устав фондининг энг кам миқдори жамият давлат рўйхатидан ўтказилган санада Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича эллик минг АҚШ долларига тенг бўлган суммадан кам бўлмаслиги керак<sup>2</sup>.

Акциялари факат ўз муассислари ёки олдиндан белгиланган доирадаги шахслар орасида тақсимланадиган акциядорлик жамияти ёпиқ акциядорлик жамияти деб ҳисобланади. Бундай жамият ўзи чиқараётган акцияларга очик обуна ўтказишга ёхуд уларни чекланмаган доирадаги шахсларга сотиб олиш учун бошқача тарзда таклиф этишга ҳақли эмас. ЁАЖ акциядорларининг сони эллик нафардан зиёд бўлиши мумкин эмас. Белгиланган чегарадан ортиб кетган тақдирда, у ёпиқ акциядорлик жамиятлари учун миқдори акциядорларнинг чегараланган лимитидан ортиб кетган шахслар акциядорлар реестрида рўйхатга олинган кундан эътиборан олти ой ичida очик акциядорлик жамиятига айлантирилиши, ушбу муддат тугагач, суд тартибида тугатилиши лозим.

Ёпиқ акциядорлик жамияти устав фондининг энг кам миқдори эса, жамият давлат рўйхатидан ўтказилган санада қонун ҳужжат-

<sup>1</sup> Долинская В.В. "Акционерное право". -М.: "Юридическая литература", 1997. 243-б.

<sup>2</sup> Ҳусусийлаштирилган корхоналарни корпоратив бошқаришни тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 19 апрелдаги 189-сонли карори /Ўзбекистон овози. 2003 йил 22 апрель.

ларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг икки юз баравар иш мөрдидан кам бўлмаслиги керак.

Жамият филиаллар ташкил этиши ҳамда ваколатхоналар очиши мумкин. Улар ўзларини ташкил этган жамият томонидан мол-мулк билан таъминланади ва шу жамият тасдиқлаган низомлар асосида иш кўради. Филиал ёки ваколатхонанинг раҳбари жамият томонидан тайинланади ва жамият берган ишончнома асосида иш кўради. Филиал ҳамда ваколатхона фаолияти учун жавобгарлик уларни тузган жамият зиммасида бўлади.

Таъсис йиғилиши (муассис) тасдиқлаган устав жамиятнинг таъсис ҳужжати ҳисобланади.

Давлат корхонаси акциядорлик жамиятига айлантирилаётганда давлат мулкини тасарруф этишга ваколатли орган тасдиқлайдиган эмиссия маълумотномаси ҳам таъсис ҳужжати ҳисобланади.

Жамиятнинг устав фонди акциядорлар сотиб олган жамият акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади. Жамият чиқара-диган барча акцияларнинг номинал қиймати бир хил бўлиши лозим.

Жамиятнинг устав фонди унинг мол-мулкининг ўз кредиторлари манфаатларини кафолатлайдиган даражадаги энг кам миқдорини белгилайди. Жамият давлат мулки негизида тузилганда корхонанинг (мол-мулкнинг) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда аниқланган бозор баҳоси жамият устав фондининг суммасини ташкил этади.

Акциядорлик жамиятини акциядорларнинг умумий йиғилиши, кузатув кенгаши ва ижроия органи бошқаради.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши жамиятни бошқаришнинг олий органидир.

Жамиятнинг кузатув кенгаши жамият фаолиятига умумий раҳбарлик қиласи, ушбу Қонун билан акциядорлар умумий йиғилишининг мутлақ ваколатларига киритилган масалаларни ҳал этиш бундан мустасно. Овоз берувчи акцияларнинг эгаси бўлган акциядорлар сони ўттиз кишидан кам бўлган жамиятда кузатув кенгаши вазифаси жамият устави билан акциядорларнинг умумий йигилиши зиммасига юкланиши мумкин. Бундай ҳолларда акциядорлар умумий йиғилишини ўтказиш масаласини ҳал этишга ваколати бўлган муайян шахс ёки жамият органи жамият уставида ўз аксини топиши керак.

Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик яккабошчилик асосидаги ижроия органи (директор) ёки коллегиал ижроия орган (бошқарув, дирекция) томонидан амалга оширилиши мумкин. Бир

пайтнинг ўзида ҳам яккабошчилик асосидаги, ҳам коллегиал ижроия органлари бўлиши назарда тутилган жамият уставида улардан ҳар бирининг ваколатлари белгилаб қўйилиши керак. Бундай ҳолларда жамиятнинг яккабошчилик асосидаги ижроия органи (директор) вазифасини бажарувчи шахс коллегиал ижроия органи (бошқарув, дирекция) раиси вазифасини ҳам амалга оширади.

Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига биноан жамият ижроия органининг ваколатлари шартнома бўйича тижорат ташкитотига (бошқарувчи ташкилотга) ёки якка тартибдаги тадбиркорга (бошқарувчига) берилиши мумкин. Тузиладиган шартноманинг шартлари, башарти уставда ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса, жамият кузатув кенгashi томонидан тасдиқланади. Жамият ижроия органининг ваколатларига жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради, акциядорлар умумий йиғилишининг мутлақ ваколатларига ёки кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар бундан мустасно.

Хўжалик ширкати ва жамиятлари юридик шахс ҳуқуқини олган шўъба ва тобе хўжалик жамиятларга эга бўлиши мумкин.

ФКнинг 67-моддасига мувофиқ, бир (асосий) хўжалик жамияти ёки ширкати иккинчи хўжалик жамиятининг устав фондида ундан устунлик мавқеига эга бўлган ҳолда иштирок этиши туфайли ёхуд улар ўртасида тузилган шартномага мувофиқ ё бўлмаса бошқача тарзда иккинчи хўжалик жамияти томонидан қабул қилинадиган қарорларни белгилаб бериш имконига эга бўлса, ушбу иккинчи хўжалик жамияти шўъба хўжалик жамияти ҳисобланади.

Шўъба хўжалик жамияти ўзининг асосий жамияти (ширката)нинг қарзлари бўйича жавоб бермайди.

Шўъба хўжалик жамиятига бажарилиши шарт бўлган кўрсатмаларни беришга ҳуқуқли асосий жамият ана шундай кўрсатмаларни бажариш учун шўъба жамият томонидан тузилган битимлар юзасидан шўъба жамият билан солидар жавобгар бўлади. Асосий жамиятнинг шўъба хўжалик жамиятга бажарилиши шарт бўлган кўрсатмаларни бериш ҳуқуқи шўъба хўжалик жамият билан тузилган шартномада ёки шўъба хўжалик жамиятнинг уставида кўзда тутилган тақдирдагина асосий жамият бундай ҳуқуққа эга деб ҳисобланади.

Шўъба хўжалик жамияти асосий жамиятнинг айби билан начор (банкрот) бўлиб қолган ҳолларда асосий жамият шўъба хўжалик жамиятнинг қарзлари юзасидан субсидиар жавобгар бўлади. Асосий

жамият шўъба хўжалик жамиятнинг муайян ҳаракатларни амалга ошириш оқибатида ночор (банкрот) бўлиб қолишини олдиндан билиб, юқорида айтилган ўз ҳуқуқлари ва (ёки) имкониятидан шўъба хўжалик жамиятнинг шундай ҳаракатларни амалга оширишини кўзлаб фойдаланган ҳоллардагина шўъба хўжалик жамиятнинг ночорлиги (банкротлиги) асосий жамиятнинг айби билан юз берган деб ҳисобланади.

Шўъба хўжалик жамият акциядорлари асосий жамиятдан унинг айби билан шўъба хўжалик жамиятга келтирилган зиённи тўлашни талаб қилишга ҳақлидир. Асосий жамият шўъба хўжалик жамиятнинг муайян ҳаракатларни амалга ошириш оқибатида зиён кўришини олдиндан билиб, ўз ҳуқуқлари ва (ёки) имкониятидан шўъба хўжалик жамиятнинг шундай ҳаракатларни амалга оширишини кўзлаб фойдаланган ҳолдагина зиён асосий жамиятнинг айби билан келтирилган деб ҳисобланади.

Хўжалик жамиятида иштирок этувчи бошқа жамият хўжалик жамиятига қарашли овоз берадиган акцияларнинг йигирма фоизидан кўпрогига эга бўлса, бундай хўжалик жамияти қарам жамият деб ҳисобланади.

Қарам хўжалик жамияти юридик шахс ҳисобланади. Хўжалик жамиятида иштирок этувчи бошқа жамият қарам жамият устав фондининг тегишли қисмини қўлга киритиб олганлиги ҳақидаги маълумотларни қонунда назарда тутилган тартибда дарҳол эълон қилиши шарт.

Хўжалик жамиятлари бир-бирларининг устав фондларида ўзаро қатнашишининг чегараси ва бундай жамиятлардан бири бошқа жамият иштирокчилари ёки акциядорларининг умумий йигилишида фойдаланиши мумкин бўлган овозлар сони қонунда белгилаб қўйилади. Иштирок этувчи ва тобе хўжалик жамиятлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

## **6.8. Давлат корхоналари – юридик шахс сифатида**

Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 70-моддасига мувофиқ, унитар корхона деб ўзига бириктириб қўйилган мол-мулкка нисбатан мулкдор томонидан мулк ҳуқуқи берилмаган тижоратчи ташкилотга айтилади. Бу корхонанинг мулки бўлинмасdir ва у қўшилган ҳиссалар (улушлар, пайлар) бўйича, шу жумладан, корхона ходимлари ўртасида ҳам тақсимланмайди. Унитар корхонанинг мол-мулки унга хўжалик юритиш ёки оператив бошқариш ҳуқуқи асосида тегиш-

лидир. Унитар корхона ўз мажбуриятлари бўйича ўзига қарашли мол-мулкка жавоб беради. Унитар корхона ўз мол-мулк эгасининг мажбурияти бўйича жавоб бермайди.

ФКнинг 71-моддасида белгиланишича юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган, хўжалик юритиш ҳуқуқига асосланган унитар корхона мулкдорнинг ёки у вакил қилган органнинг қарорига мувофиқ ташкил этилади. Корхонанинг таъсис ҳужжати белгиланган тартибда тасдиқланган уставидан иборат. Хўжалик юритиш ҳуқуқига асосланган унитар корхона ўз мол-мулкининг бир қисмини хўжалик юритиш учун белгиланган тартибда топшириш йўли билан юридик шахс бўлган бошқа унитар корхона (шўъба корхона) ташкил этиши мумкин. Қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда давлат органининг қарорига мувофиқ давлат мулки бўлган мол-мулк негизида оператив бошқариш ҳуқуқига асосланган давлат унитар корхонаси (давлат корхонаси) ташкил этилиши мумкин. Оператив бошқарув ҳуқуқига асосланган давлат корхонасининг фирма номи унинг давлат корхонаси эканлигини кўрсатиб туради, корхонанинг мол-мулки етарли бўлмаганида давлат корхона мажбуриятлари бўйича субсидиар жавобгар бўлади.

Давлат корхонаси уни тузган давлат органининг қарорига мувофиқ қайта ташкил этилиши ёки тугатилиши мумкин (ФК, 72-модда).

Давлат корхонасининг асосий таъсис ҳужжати бу – унинг уставидир. Давлат корхонаси ана шу устав асосида иш олиб боради. Уставда қўйидагилар белгиланади: корхонанинг номи, жойлашган ери, мол-мулки ва маблағлари, хўжалик фаолияти тури, фаолият предмети, меҳнатни ташкил қилиш ва унга ҳақ тўлаш, корхона бошқаруви, ҳисботи, корхона фаолиятини қайта ташкил қилиш ва тугатиш ҳақидаги қоидалар.

## **6.9. Ишлаб чиқариш кооперативлари – юридик шахс сифатида**

Фуқароларнинг шахсий иштироки аъзоларнинг (иштирокчиларнинг) мулки билан қўшиладиган пай бадалларини бирлаштириш асосида биргаликда ишлаб чиқариш ёки бошқа хўжалик фаолиятини олиб бориш учун аъзолик негизидаги ихтиёрий бирлашмаси ишлаб чиқариш кооперативи ҳисобланади. Қонунда ва ишлаб чиқариш кооперативининг таъсис ҳужжатларида унинг

фаолиятида аъзолик асосида юридик шахслар ҳам иштирок этиши назарда тутилиши мумкин (ФК, 69-модда).

Ишлаб чиқариш кооперативининг аъзолари кооперативнинг мажбуриятлари бўйича қонунда ва кооператив уставида назарда тутилган микдорларда ва тартибда субсидиар жавобгар бўладилар.

Кооперативнинг фирма номи кооператив номини ва "ишлаб чиқариш кооперативи" деган сўзларни ўз ичига олган бўлиши керак. Ишлаб чиқариш кооперативларининг ҳуқуқий мавқеи ва аъзоларининг ҳуқуқий бурчлари Фуқаролик кодекси ҳамда бошқа қонунлар билан белгиланади. Кооператив фуқаролар истаги билан ёки юридик шахсларнинг ташабbusи билан мутлақо ихтиёрийлик асосида ташкил этилади. Кооператив аъзолари бўлган фуқароларнинг сони уч кишидан кам бўлмаслиги керак.

Кооператив мустақил тарзда ҳам, мулкнинг ҳар қандай шаклига мансуб корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳузурида ҳам ташкил этилиши ва фаолият кўрсатиши мумкин.

Кооперативнинг устави кооператив таъсис этишини истаган фуқароларнинг умумий йиғилишида ёки юридик шахслар мухтор вакилларининг йиғилишида қабул қилинади ва кооператив жойлашган ердаги туман ҳокимлигига рўйхатга олинади.

Кооперативнинг олий бошқарув идораси умумий йиғилиши – конференция, съезд бўлиб, улар кооператив раисини (бошқарувини), тафтиш комиссиясини (тафтишчини) сайлайди ва уларга кооперативни бошқариш бўйича ўз ваколатларини топширади.

Кооперативнинг мол-мулки ўз аъзоларининг пул ва моддий бадаллари, банкларнинг кредитлари, ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотлар, бу маҳсулотларни сотишдан, кооператив уставида назарда тутилган ўзга хил фаолиятдан келган даромадлар ҳамда қонунларда ман этилмаган бошқа манбалар ҳисобига ҳосил бўлади.

Кооператив ўз фаолиятини қўйидаги ҳолларда тугатади:

1. Мол-мулк эгасининг ёки у ваколат берган органнинг қарорига ёхуд суднинг ҳал қилув қарорига мувофиқ.
2. Агар рўйхатга олингандан бир йил ўтгач ишлаб чиқариш, хўжалик фаолиятини бошламаса ёки амалда тўхтатиб қўйилгач, даромадлар тўғрисидаги декларацияни топширган вақтдан бошлаб бир йил давомида фаолиятини бошламаса.
3. Олти ойдан кўпроқ вақт давомида тўловгага қобилиятысиз бўлса.

4. Ўзбекистон Республикаси қонунларида кўзда тутилган бошқа ҳолларда<sup>1</sup>.

Кооператив тутатилган тақдирда, унга нисбатан ҳақдорлар ва ёлланиб ишловчиларнинг даъволари қондирилгандан кейин қолган мол-мулки кооператив аъзолари ўртасида уставда кўрсатилган тартибда тақсимланади.

## 6.10. Матлубот кооперативи – юридик шахс сифатида

Иштирокчиларнинг моддий (мулкий) эҳтиёжларини қондириш мақсадида фуқароларнинг аъзолигига асосланган ихтиёрий бирлашмаси матлубот кооперативи ҳисобланади ва бирлашув унинг аъзолари томонидан ўз мулкий (пай) бадалларини қўшиш йўли билан амалга оши, илади (ФК, 73-модда).

Матлубот кооперативи уставида қўйидаги маълумотлар бўлиши керак: кооператив аъзолари қўшадиган пай бадалларининг микдори, кооператив аъзолари пай бадалларининг таркиби ва уларнинг қўшиш тартиби, бадални қўшиш мажбуриятини бузганлик учун жавобгарлик, кооперативни бошқариш органларининг таркиби ва ваколатлари, улар томонидан қарорлар қабул қилиш тартиби, шу жумладан, қарорлар бир овоздан ёки овознинг кўпчилиги билан қабул қилинадиган масалалар ва шунингдек, кооператив кўрган заарларни кооператив аъзолари томонидан тўлаш тартиби тўғрисидаги масалалар кўрсатилади<sup>2</sup>.

Матлубот кооперативининг номидә унинг фаолиятини асосий мақсади кўрсатилиши, шунингдек “кооператив” сўзи ёки “матлубот жамияти” деган сўзлар бўлиши керак.

Матлубот кооперативининг аъзолари унинг мажбуриятлари бўйича ҳар бир кооператив аъзоси тўлайдиган қўшимча бадалнинг тўланмаган қисми доирасида субсидиар жавобгар бўладилар. Бу ҳолда кооператив аъзолари солидар жавоб берадилар (ФК, 73-модда, 5-банд).

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасида кооперация тўғрисида”ги қонун (1991 йил 14 июня), Ўзбекистоннинг янги қонунлари. -Т.: Адолат. 1991. З-сон. 27-44-бетлар; “Ўзбекистон Республикасида кооперация тўғрисида”ги қонунга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 1995 йил 28 декабрь. Ўзбекистоннинг янги қонунлари. 1995. -Т.: Адолат. 10-сон. 88-93-бетлар.

<sup>2</sup> Турабеков Т. К вопросам становления и развития законодательства о некоммерческих организациях и гражданско - правового статуса отдельных их видов. //Хозяйство и право. 2004. №4. 84-6.

Матлубот кооперативининг тижорат фаолиятига нисбатан Фуқаролик кодексининг тижоратчи ташкилотлар тўғрисидаги қоидалари қўлланилади.

Ўзбекистон Республикаси Матлубот кооперацияси халқаро кооператив альянсида ва бошқа халқаро ташкилотларда қатнашиши мумкин<sup>1</sup>.

## 6.11. Жамоат бирлашмалари – юридик шахс сифатида

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва бошқа қонунларида белгиланган ҳуқуқлари, эркинликларини ва сиёsat, иқтисод, ижтимоий ривожланиш, фан-маданият, экология ва ҳаётнинг бошқа соҳаларидағи қонуний манфаатларини биргалиқда рўёбга чиқариш учун бирлашган фуқароларнинг хоҳиш-иродаларини эркин билдириши натижасида вужудга келадиган ихтиёрий тузилма жамоат бирлашмасидир. Сиёсий партиялар, оммавий ҳаракатлар, касаба уюшмалари, хотин-қизлар, ёшлар ва болалар ташкилотлари, фахрий ва ногиронлар уюшмалари, илмий-техникавий, маданий-маърифий ва бошқа кўнгилли жамиятлар, ижодий уюшмалар, юртошлар бирлашмалари, фонdlар, ассоциациялар ва фуқароларнинг бошқа бирлашмалари жамоат бирлашмаси деб аталади.

Фаолияти жамиятнинг ахлоқий негизларини, умумбашарий инсонпарварлик қадриятларини бузишга қаратилган, шунингдек конституцион тузумни ғайриқонуний йўл билан ўзгартириш ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудининг бирлигини бузиш, урушни, зўравонликни ва шафқатсизликни, жамиятни парчалашга олиб борадиган ижтимоий, шу жумладан, синфий; шунингдек, ирқий, миллий ва диний адоватни авж олдириш, қонун билан тақиқланган бошқа хатти-ҳаракатлар қилиш мақсадини кўзлайдиган жамоат бирлашмаларининг тузилишига йўл қўйилмайди. Ҳарбийлаштирилган жамоат бирлашмалари ва қуролли тузилмалар, шунингдек диний характерга эга партиялар, уларнинг филиаллари ва бошқа структура бўлаклари ташкил этиш тақиқланади.

Жамоат бирлашмалари қонунда кўрсатилган миқдордан кам бўлмаган ташаббускор гурух томонидан тузилади<sup>2</sup>. Бунинг учун

<sup>1</sup> "Ўзбекистон Республикасида кооперация тўғрисида"ги қонунга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш хакида"ги қонуни. 1993 йил 26 декабрь. Ўзбекистоннинг янги қонунлари. -Т.: Адолат. 1993. 10-сон. 88-93-бетлар.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг "Жамоат бирлашмалари тўғрисида"ги, "Сиёсий партиялар тўғрисида"ги, "Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида"ги қонунлари://Норма" Юридик ахборот тизими. 2005 йил 1 апрелгача бўлган версияси.

таъсис қурултойи ёки умумий йигилиш чақириб, унда устав ва раҳбар органлари тасдиқланади.

Уставда қўйидагилар кўрсатилади:

1. Жамоат бирлашмасининг номи, мақсади ва вазифаси.  
2. Жамоат бирлашмасининг ўз фаолиятини амалга оширадиган ҳудуд ички тузилиши.

3. Жамоат бирлашмасига қабул қилиш шартлари ва тартиби.

4. Жамоат бирлашмаси аъзоларининг ҳуқуқ ва бурчлари.

5. Жамоат бирлашмасидаги унинг ташкилотлари, раҳбар органларининг ваколатлари ва уларни тузиш тартиби.

6. Жамоат бирлашмаси маблағлари ва унинг вужудга келиш манбалари.

7. Жамоат бирлашмасининг манзилгоҳи.

8. Уставга ўзгаришилар киритиш тартиби.

9. Жамоат бирлашмаси фаолиятини тұхтатиш тартиби.

Халқаро жамоат ташкилотларининг, республика, вилоятлараро бирлашмаларнинг уставлари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига рўйхатга олинади. Вилоят, туман, шаҳар ҳудудларининг доирасида амал қилувчи бирлашмалар вилоят ҳокимлиги Адлия бошқармаларида рўйхатга олинади. Жамоат бирлашмалари ва уларнинг ташкилотлари устави рўйхатга олингандан бошлаб юридик шахс ҳуқуқини олади. Сиёсий партиялар хўжалик фаолияти билан шуғулланишлари мумкин эмас.

Ўз олдига сиёсий мақсадларни қўйган жамоат бирлашмалари эса хўжалик фаолияти билан шуғулланиши мумкин, лекин бу ҳақда уларнинг уставларида кўрсатилиши керак.

Жамоат бирлашмалари фаолияти асосан Ўзбекистон Республикасининг “Жамоат бирлашмалари тўғрисида”<sup>1</sup>ги, “Сиёсий партиялар тўғрисида”<sup>2</sup>ги, “Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”<sup>3</sup>ги, “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”<sup>4</sup>ги қонунлари ва бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. 1991 йил. 4-сон., 76-модда.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1997 йил. 2-сон., 36-модда.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. 1992. 9-сон. 344-модда

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1999. 5-сон. 115-модда.

## **6.12. Жамоат фонди – юридик шахс сифатида**

ФКнинг 75-моддасида жамоат фондларга қўйидагича таъриф берилган: фуқаролар ва(ёки) юридик шахслар томонидан ихтиёрий мулкий бадаллар қўшиш асосида ташкил этилган, хайрия, ижтимоий, маданий, маърифий ёки бошқа ижтимоий фойдали мақсадларни кўзлайдиган, аъзолари бўлмаган нодавлат нотижорат ташкилоти жамоат фонди ҳисобланади<sup>1</sup>.

Жамоат фондига унинг муассислари(муассиси) ёки васият қилувчи томонидан ўtkазилган мол-мулк фонднинг мулкидир. Фонд муассислари (муассиси) ёки фонд васиятнома бўйича ташкил этилганда васиятномани ижро этувчи фонднинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайдилар. Фонд эса, ўз муассислари(муассиси) нинг ёки васиятномани ижро этувчининг мажбуриятлари учун жавоб бермайди.

Жамоат фондининг мол-мулкидан ўз уставида белгиланган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш ҳамда маъмурий харажатларни қоплаш учун фойдаланилади. Жамоат фонди қонун ҳужокатларига мувофиқ, ўз уставида назарда тутилган мақсадларга тўғри келадиган доирада тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга ҳақли. Жамоат фондлар тижорат ташкилотлари устав фондидаги (устав капиталидаги) иштироки қонун ҳужокатларида белгиланган тартибда амалга оширилади. Жамоат фондлари ҳар йили ўз фаолияти тўғрисида ҳисбот эълон қилиши шарт.

Жамоат фондини бошқариш тартиби ва унинг органларини шакллантириш тартиби устави билан белгиланади.

Жамоат фонд уставида қўйидаги маълумотлар бўлиши керак: Жамоат фондининг уставида фонднинг номи, унинг жойлашган ери (почта манзили), жамоат фонди фаолиятини бошқариш тартиби, фонд органларининг тузилиши, ваколатлари ва шакллантирилиш тартиби, фонд органларининг мансабдор шахсларини тайинлаш (сайлаш) ва уларни лавозимиidan озод қилиш тартиби, фонднинг мол-мулкини шакллантириш манбалари, фонднинг, унинг ваколатхоналари ҳамда филиалларининг мол-мулкини бошқариш борасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари, фонд ваколатхоналарини очиш ва филиалларни ташкил этиш тартиби, фондни қайта ташкил этиш ва тугатиш тартиби, фонд тугатилганида унинг мол-мулкидан фойда-

<sup>1</sup> Узбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 2004 йил 30 апрелдаги таҳририда. Ушбу ўзгартариш 2004 йил 26 июндан амалга киритилди.

ланиш тартиби, фонднинг уставига ўзгартериш ва қўшимчалар киритиш тартиби каби масалалар.

Жамоат фондининг уставида фонднинг белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган рамзий белгисининг тавсифи, шунингдек қонун ҳуюқатларига зид бўлмаган бошқа қоидалар ҳам бўлиши мумкин.

Жамоат фондлари асосан ФК ва Ўзбекистон Республикасининг “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги қонуни билан тартибга солинади. Ушбу қонунларнинг самараси сифатида бугунги кунда мамлакатимизда юзлаб жамоат фондлар, шу жумладан, хорижий мамлакатларда жойлашган фондларнинг филиаллари ёки ваколатхоналари фаолият юритмоқда.

### **6.13. Муассасалар – юридик шахс сифатида**

Давлат муассасалари юридик шахс сифатида давлат бюджетида турадиган ва мустақил сметага эга бўладиган давлат муассасалари ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган фаолият, чунончи, маъмурӣ идора этиш ёки ижтимоий-маънавий ишларни бошқаришни амалга оширади. Булар жумласига мустақил сметага, раҳбарларни кредит тақсимлаш ҳуқуқига эга муассасалар (шифохоналар, олий ўқув юртлари, театрлар, суд-прокуратура ва бошқалар) киради. Юридик шахс ҳисобланган давлат муассасалари ўз низомлари доирасида ўzlари юритаётган вазифаларни амалга ошириб, турли фуқаролик битимлари тузадилар, ўzlарига бириктирилган мўлқдан оператив бошқариш ҳуқуқи асосида фойдаланадилар. Давлат органлари ўз қарзлари учун жавобгар бўлади. Бироқ маблағи етмаса, белгиланган тартибда давлат ҳам унинг учун жавобгар бўлиши мумкин.

### **6.14. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари – юридик шахс сифатида**

Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги қонунида мазмунига таъкидланганидек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши – бу фуқароларнинг Конституция ва қонунлар билан кафолатланган, уларнинг ўз манфаатларидан, тарихий хусусиятларидан, миллий ва маънавий қадриятлардан, маҳаллий урф-одатлар ва анъаналардан келиб чиқсан ҳолда маҳаллий аҳамиятга эга бўлган масалаларни ҳал қилишларидир.

Маҳаллий ўз-ўзини бошқарув органлари ичидаги маҳалла алоҳида ўринни эгаллади. Ўзбекистон Республикасининг 1990 йил 31 октябрда қабул қилинган “Мулкчилик тўғрисида”<sup>1</sup>ги қонуннинг 10-моддасида “Маҳаллалар эгалик қиласиган, фойдаланадиган ва тасарруф этадиган мол-мулк маҳалла аҳолисининг биргаликдаги меҳнат фаолияти ёки уларнинг муштарак даромадлари, шунингдек мазкур мол-мулқдан хўжалик мақсадларида фойдаланишдан келган тушумлар, юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий бадаллари моддий ва хайрия йўсенидаги ёрдамлари, ҳалқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари берадиган моддий ва молиявий ресурслар асосида вужудга келтирилган мол-мулқдан иборат”, – дейилади.

Маҳаллада истиқомат қилувчи аҳоли маҳалла мулкининг субъектидир. Ўзи сайлаб қўйган органлар маҳалла мулкини тўла хўжалик юритиш асосида эгаллади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади.

Юрида таъкидланган қоидаларга кўра маҳаллага тўла юридик шахс ҳуқуқи берилди. Бинобарин, маҳалла турли фуқаролик-хуқуқий муносабатларида иштирок этиши мумкин.

## 6.15. Юридик шахсларнинг филиаллари ва ваколатхоналари

Юридик ва жисмоний шахслар ўз вазифаларини амалга ошириш ва аҳолига яқиндан хизмат кўрсатиш мақсадларида ўз филиаллари (бўлимлари, идоралари, агентликлари)ни ташкил этишлари мумкин. Филиал юридик шахснинг у турган ердан ташқарида жойлашган ҳамда унинг барча вазифаларини ёки вазифаларининг бир қисмини, шу жумладан, ваколатхона вазифаларини бажарадиган алоҳида бўлинмасидир (ФК, 47-модда, 2-банд).

Филиал юридик шахснинг таркибий қисми бўлиб, мустақил юридик шахс ҳисобланмайди ва муайян бир жойда юридик шахснинг вазифаларни бошқаришга хизмат кўрсатиш мақсадида тузилади.

Филиаллар ўзларига берилган ваколатлар доирасида баъзи юридик ҳаракатларни қилишлари мумкин. Аммо бундай ҳаракатлар натижасида олинган мажбуриятлар юзасидан юридик шахс мулкий жавобгар бўлади.

“Чет эл инвестициялари тўғрисида”<sup>1</sup>ги Ўзбекистон Республикаси қонуннинг 7-моддасида кўрсатилишича, чет эл инвестициялари

<sup>1</sup> Ўзбекистоннинг янги қонунлари. 19-сон. -Т.: Адолат. 1998. 139-6.

иштирокидаги корхона ушбу Қонун талабларига риоя этган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган шўъба корхоналар, филиаллар, шунингдек юридик шахс бўлмаган ваколатхоналар ва бошқа алоҳида бўлимлар очиши мумкин.

Ваколатхона юридик шахснинг у турган ердан ташқарида жойлашган, юридик шахс манфаатларини ифодалайдиган ва уларни ҳимоя қиласиган алоҳида бўлинмадир. Қонунда бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, ваколатхона ва филиаллар юридик шахс ҳисобланмайди. Улар ўзларини ташкил этган юридик шахс томонидан мол-мулк билан таъминланадилар ҳамда у тасдиқлаган низомлар асосида иш олиб борадилар. Ваколатхона ва филиалларнинг раҳбарлари юридик шахс томонидан тайинланади ҳамда унинг ишончномаси асосида иш олиб боради (ФКнинг 47-моддаси).

Ваколатхона ва филиаллар уларни ташкил этган юридик шахснинг таъсис хужжатларида кўрсатилган бўлиши керак.

## **6.16. Юридик шахсларнинг товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиқсан жой номларига бўлган ҳуқук**

Ўзбекистон Республикасида товарлар ишлаб чиқарадиган, хизматлар кўрсатадиган ва хўжалик-тижорат фаолияти билан шуғулланадиган ҳамда фуқаролик мӯомаласида қатнашадиган ҳар бир юридик шахс ўзигагина хос товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгисига эга бўлади. Бу белгилар бир юридик шахснинг товарлари ва хизматларини ўзга юридик шахсларнинг турдош товарлари ва хизматларидан фарқлаш учун хизмат қиласиган белгилардир.

Товар белгиси сифатида сўзлар, тасвиirlар, қабариқ ва бошқа белгилар ёки уларнинг жамлами ифодаси рўйхатдан ўтказилади.

Товар белгисини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги талабнома юридик ёки жисмоний шахслар томонидан шахсан ёки патент идорасида рўйхатга олинган патент вакили орқали берилиши мумкин.

Жамоат манфаатларига, инсонийлик ва ахлоқ қоидаларига зид бўлган белгилар товар белгиси ёки товар белгисининг қисми сифатида рўйхатдан ўтказилишига йўл қўйилмайди.

Товар белгисининг эгаси ушбу белгидан фойдаланишда ва уни тасарруф этишда, шу жумладан, ундан ўзга шахслар фойдаланишига рухсат бериш ёки тақиқлаб қўйишда мутлақ ҳуқуққа эгадир.

Товар белгисидан қонунга зид равишда фойдаланган юридик ва жисмоний шахслар Ўзбекистон Республикасининг қонунларига

мувофиқ жавобгар бўладилар. Ўзбекистон Республикасининг юридик шахслари товар белгиларини бошқа давлатларда рўйхатдан ўтказиш ёки халқаро миқёсда рўйхатдан ўтказиш ҳуқуқига эга.

Чет эл юридик шахслари халқаро шартномаларга ёки ўзаро ҳамкорлик асосида товар белгилари ва хизмат кўрсатиш белгилари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунида назарда тутилган ҳуқуқлардан Ўзбекистон Республикасининг юридик шахслари билан баб-баравар фойдаланадилар. Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида Ўзбекистон Республикаси товар белгилари ва хизмат кўрсатиш белгилари тўғрисидаги қонундан фарқ қилувчи ўзгача қоидалар белгиланган бўлса, у ҳолда халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

Ҳар бир мамлакат, минтақа, маълум бир ҳудуд ўз иқлими, ҳавоси, тупроқ таркиби, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ва бошқа табиий шароитлари билан ўзига хосдир. Баъзан бу ўзига хослик ўша ҳудуд доирасида ишлаб чиқариладиган товарлар, бажариладиган ишлар, кўрсатиладиган хизматнинг ўзига хос алоҳида сифат белгиларига эга бўлишини таъминлайди. Бошқа жойдаги айнан ўшандай ишлаб чиқилган товарлар, бажариладиган ишлар ёки кўрсатиладиган хизматлар ўшандай сифатга, белгиларга эга бўлмайди. Бинобарин, маълум географик ҳудуднинг табиий шароитлари ёки бошқа омиллар (асосан ўша жойда яшовчиларнинг касб малакаси, маҳорати) билан узвий боғлиқ равишда тайёрланган товарлар бошқа жойда тайёрланган айнан шундай товарларга нисбатан харидор-гир, юқори сифатли, алоҳида хусусиятли, рақобатбардошли ҳисобланади. Бозорда ушбу товар тайёрланган жойнинг номи товарнинг маълум сифати, хусусиятга эга эканлиги ҳақида ўзига хос сертификат ҳисобланади. Масалан, «Боржоми», «Ессентуки», «Тошкент» сувлари, Учқора майизи, Ургут тамакиси, Янгиқўрғон анжири, Қуваанори ва ҳ.к. Баъзан товар тайёрланган жойнинг табиий шарт-шароитлари эмас, балки ўша жойда яшовчи аҳолининг маълум бир касб-хунарга, маҳсулот тайёрлашга бўлган алоҳида маҳорати, малакаси ушбу товарнинг сифатини белгилашда алоҳида муҳим омил бўлиши ҳам мумкин. Масалан: Чуст пичоги, Самарқанд нони, Хива гилами ва ҳ.к.

Товар чиқарилган (тайёрланган) жой номи сифатида мамлакат номи ишлатилиши (Бразилия кофеси, Эрон гилами, Грузия чойи), аҳоли пункти ёки минтақавий ҳудуд номи (Тошкент суви, Чуст пичоги) умуман, қандайдир географик обьект номи (масалан, Тянь-Шань суви) қўлланилиши мумкин. Бундай мақсадларда ўша

географик объект тарихий номи ишлатилиши мумкин (Шампань шароби, Когор шароби ва ҳ.к.) Бунда энг асосийси ўша жойда ишлаб чиқарилган товарнинг юқори сифати, алоҳида белгиларга эга эканлиги ва худди шу ҳолат товарлар бозорида, харидорлар орасида маълум аҳамиятга эга эканлигидир<sup>1</sup>.

Товарларни келиб чиқиш мамлакатларни аниқлаш қоидалари 1988 йил 8 апрелда Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган<sup>2</sup>.

Товар келиб чиқиш жой номи Ўзбекистон Республикаси Патент идораси рўйхатидан ўтказдирилади<sup>3</sup>. Бунда асос бўлиб ФК 1108-моддасининг иккинчи қисмида белгиланган талабларга ишлаб чиқариладиган товарнинг жавоб бериши ва айни ўшандай товар ишлаб чиқарувчининг ўша худуд доирасида фаолият юритиши ҳисобланади (Масалан, Сурхондарёда фаолият юритаётган ҳунарманд ўз маҳсулотини Чуст пичоғи деб бозорда сотиши мақсадга мувоғик эмас). Товар чиқарилган жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи гувоҳномаси 10 йил муддатта берилади, бу муддат тугагач узайтирилиши мумкин.

Дунёning деярли барча давлатларида товарларни чиқарилган жойлар номларидан ғайриқонуний фойдаланиш, бу жойлар номлари ҳақида нотўғри ёки ёлғон маълумот бериш фирмом рақобатнинг кўринишларидан ҳисобланади ва тегишли жавобгарлик чоралари (зарарларни тўлатиш, худудига олиб келишни тақиқлаш, арест солиш, товарларни йўқ қилиб ташлаш ва ҳ.к.) қўлланилади. Ўзбекистон Республикасининг “Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида”ги 1996 йил 27 декабрда қабул қилинган қонунининг 8-моддасига асосан юридик шахснинг интеллектуал фаолияти натижаларида ва уларга тенглаштирилган индивидуаллаштириш воситаларидан қонунсиз фойдаланиб товар сотиши, товарнинг ҳусусияти, уни тайёрлаш усули ва жойи ҳусусида истеъмолчини чалғитиш инсофсиз рақобат ҳисобланади ва тақиқланади.

<sup>1</sup> Оқюлов О. Интеллектуал мулк ҳуқуқи мақомининг назарий ва амалий муаммолари. -Т.: ТДЮИ. 2003. 93-6.

<sup>2</sup> Правила определения страны происхождения товаров. //Оптовик. №3 (30.07.98) 65-66-бетлар.

<sup>3</sup> Аслида рўйхатта олишни вилоят ҳокимларига топшириш мақсадга мувоғик бўлур эди.

**Еттинчи боб**  
**ДАВЛАТ – ФУҚАРОЛИК-ХУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАР**  
**СУБЪЕКТИ СИФАТИДА**  
**7.1. Умумий қоидалар**

Ўзбекистон Республикасининг мустақил давлат деб эълон қилиниши, унинг халқаро ҳуқуқ субъекти, мустақил суверен давлат сифатида тан олиниши Ўзбекистоннинг ўз бойлигини ўзи мустақил тасарруф қилиш имкониятини берди. Эндиликда бозор иқтисодиёти шароитига ўтаётган Ўзбекистон Республикаси иқтисодий алоқаларнинг турлари ва шаклларини мустақил белгилаш имкониятига эга бўлди. Дарвоҷе, Ўзбекистон мустақиллигининг моддий асоси ҳам унинг мол-мulkидир<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикаси ўзига мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган обьектлардан хорижий давлатлар, уларнинг юридик ва жисмоний шахслари, халқаро ташкилотлар билан ўзаро фойдали ҳамкорлик ўрнатишга, бундай ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган жами амалий ҳаракатларни рўёбга чиқариш учун фойдаланади.

Маълумки, давлатнинг сиёсий ташкилот сифатидаги асосий ижтимоий вазифаси жамиятдаги мавжуд субъектларнинг, яъни турли гурухлар, миллатлар ва элатлар, кишилар ўртасидаги жиспликини таъминлашдан иборат. Шу маънода барча ҳуқуқий демократик давлатлarda бўлгани сингари Ўзбекистон Республикасида ҳам Ўзбекистон, унинг халқи номидан фақат у сайлаган Олий Мажлис ва Президентгина иш олиб бориши мумкин (Ўзбекистон Республикасининг Конституциянинг 10-модда). Манбалар мавзусида айтганимиздек, Конституция нормалари жорий қонун ҳужжатларида тўлдириб борилади. Жумладан, юқоридаги норма ФКнинг 214-моддасида янада мустаҳкамланиб, шундай дейилади: “Республика мулки бўлган мол-мulkни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ёки улар маҳсус вакил қилган органлар (қонунда бошқача ҳол белгиланмаган бўлса) тасарруф қиласидар”. Амалда давлат номидан юқоридаги нормадан келиб чиқиб, турли вазирлик, давлат қўмиталари, давлат ташкилотлари қатнашиши мумкин. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 21 февралдаги фармонига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг ягона ташки иқтисодий сиёсатини ўтказиш, ташки бозорда умумдавлат

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Давлат Мустақиллиги Асослари тўғрисидаги Конституциявий қонунидан. 1991 йил 31 август. Ҳужжатлар. -Т.: Ўзбекистон. 1999.

манфаатларини таъминлаш, чет мамлакатлар билан иқтисодий, техникавий ва савдо ҳамкорлиги самарадорлигини ошириш, бу соҳада бошқарувни такомиллаштириш ва ҳалқаро миқёсдаги самарали ишда ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиларига зарур шарт-шароит яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ташкил этилди<sup>1</sup>. Кейинчалик бу вазирлик Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, бугунги кунда эса ушбу вазирлик Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 21 июлдаги ПФ-3631-сонли Фармони билан Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги этиб қайта ташкил этилди<sup>2</sup>.

Ўзбекистон Республикасининг юридик шахслари ва фуқароларининг ҳуқуқ ҳамда манфаатларини таъминлаш, ташқи иқтисодий фаолият соҳасида бевосита ўзаро фойдали алоқаларни ўрнатиш мақсадида хорижий давлатларда, ҳалқаро ташкилотлар ҳузурида Ўзбекистон Республикасининг савдо ваколатхоналари таъсис этилади. Бу ваколатхоналар ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси қонунларига, ўзлари тўғрисидаги Низомга, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳамда ваколатхона жойлашган давлатлар иштирокчи бўлган ҳалқаро шартномаларга амал қиласди. Чет элдаги ваколатхоналар тўғрисидаги Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси ўз мулкини эгаллаш, фойдаланиш ва тасарруф этиш юзасидан фуқаролик ҳукуқининг мустақил субъекти сифатида мамлакат ичида ва хорижда чет давлатлар ва бошқа субъектлар билан бўладиган фуқаролик-ҳукуқий муносабатларда қатнашиб, ўз номидан ҳаракат қиласди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида айтилганидек, Ўзбекистон – суверен демократик республика деган ном билан мустақил давлат бўлиб, ўзининг миллий давлат ва маъмурӣ-худудий тузилишини, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг тизимини белгилайди, ички ва ташқи сиёсатни амалга оширади (1, 2-моддалар).

Давлатнинг фуқаролик-ҳукуқий муносабатлардаги иштироки унинг суверенитет соҳиби эканлигидан келиб чиқади.

Давлат суверенитет соҳиби сифатида ягона ва бўлинмасдир. Шунга биноан давлат фуқаролик-ҳукуқий муносабатда якка ва ягона субъект (фуқаролар ва юридик шахслар каби кўп ва турли хил эмас) деб қаралади.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари. 1-сон. -Т.: "Адолат". 1992. 64-б.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 28-29-сон., 206-модда.

М.Боротовнинг фикрича давлат фуқаролик ҳуқуқий муносабатлардаги «алоҳида шахс» мақоми гарчи, юридик шахсга ўхшаса-да, у билан бир хилда эмас деб ҳисоблаш лозим. Зеро, давлат ***ipso jure*** – юридик шахс эмас<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролик ҳуқуқининг бошқа субъектлари билан тенг ҳуқуқли иштирокчи ҳисобланади.

Давлат – олий ҳокимият, суверенитет соҳиби бўлганлиги туфайли фуқаролик-ҳуқуқий муносабат субъекти сифатида ўзига хос хусусиятларга эга. Чунончи:

1. Давлат фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлари субъекти сифатида фуқаролик ҳуқуқи субъектлари амал қиласидиган қонунларни ўзи белгилайди.

2. Давлат органлари фуқаролик ҳуқуқ ва бурчлари вужудга келишининг асоси бўладиган ҳужжатлар чиқариши мумкин (ФК, 8-модда, 2-банд).

3. Давлат иммунитетдан фойдаланади, яъни давлат мол-мулкидан ҳақ ундиришга давлат органлари рози бўлгандагина йўл қўйилади.

4. Ҳуқуқ ва муомала лаёқатини чеклаш бўйича бошқа субъектларга тааллуқли бўлган қоидалар давлатга нисбатан татбиқ этилмайди.

Бироқ айни пайтда, давлатнинг ҳуқуқлари мутлақ чексиз ҳам эмас. Масалан, давлат шахсий ҳуқуқларга эга бўлмайди. Бинобарин, давлат алоҳида хусусиятларга эга бўлган субъектдир.

## **7.2. Ўзбекистон Республикаси – мамлакатнинг ички оборотида фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг субъекти**

Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 79-моддасига асосан давлат фуқаролик қонун ҳужжатлари билан тартиба солинадиган муносабатларда уларнинг бошқа иштирокчилари билан баб-баравар асосларда иштирок этади. Давлатнинг мамлакат ички оборотидаги фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларида иштироки куйидагиларда намоён бўлади:

а) давлат ўзига қарашли мол-мулкка нисбатан мулқдор сифатида ҳаракат қилганида;

<sup>1</sup>Боротов М.Х. Бозор муносабатлари шаронтида давлатнинг фуқаролик-ҳуқуқий макоми. - Т.: ТДЮИ. 2004. 18-б.

б) эгаси бўлмаган ёки эгаси номаълум бўлган ашё эгасиз ҳисобланиб, у суд қарори билан давлат эгалигига ўтказилганида (ФК, 191-модда);

в) Фуқаролик кодексининг 193-моддасига, 2-бандига биноан ашёни топиб олган шахс топилган ашёни мулк қилиб олишдан бош тортса, ашё давлат мулкига ўтганда;

г) ҳар бир фуқаро васият бўйича ўзининг бутун мулкини ёки унинг бир қисмини давлатга васият қилиб мерос тариқасида қолдиришида (ФК, 1120-модда);

д) Ўзбекистон Республикаси давлати ҳуқуқ субъекти сифатида баъзи фуқаролик-ҳуқуқий характерда бўлган кредит муносабатларида, масалан, давлат заёми облигацияларини сотишида, қарз шартномасида иштирок этганида;

е) табиий оғатлар, авариялар, эпидемиялар, эпизотиялар юз берган тақдирда ва фавқулодда тусдаги бошқа вазифаларда мол-мулк жамият манфаатларини кўзлаб, давлат ҳокимияти органи қарорига мувофиқ мулқдордан унга мол-мулкнинг қийматини тўлаған ҳолда қонун ҳужожатларида белгиланган тартибда ва шартлар асосида олиб қўйилишида (реквизиция). Бунда реквизиция ўтказилишига сабаб бўлган вазиятларнинг амал қилиши тўхтаганидан кейин реквизиция қилинган мол-мулкнинг собиқ эгаси сақланиб қолган мол-мулкни ўзига қайтариб беришни талаб қилишга ҳақли эканлигида (ФК, 203-модда);

ё) мол-мулк мусодара қилинганида, яъни қонунда назарда тутилган ҳолларда мол-мулк суднинг ҳукми (қарори)га мувофиқ жиноят ёки ўзга ҳуқуқбузарлик қилганлик учун ҳақ тўламасдан мулқдордан олиб қўйилишида (ФК, 204-модда);

ж) давлат баъзи ҳолларда муаллифликка оид ҳуқуқий муносабатларда, масалан, асарни нашр этиш ҳукуқини сотиб олганида, ихтиорчилик муносабатларида ихтирога бўлган патентни сотиб олганида ҳуқуқ субъекти сифатида иштирок этишида. Бундай ҳуқуқий муносабатларда давлатнинг иштирок этиши натижасида олинган даромадлар ҳам давлат бюджетига ўтказилади. Шу билан бирга, давлат маблағлари ҳисобига яратилган интеллектуал мулк объектига нисбатан ҳам давлат мулк ҳукуқини кўлга киритади;

з) давлат, шунингдек концессия муносабатларида ҳам қатнашади; Унга кўра, давлат чет эл фирмаси хусусий шахс билан келишиб олинган шартлар асосида муайян ҳўжалик фаолиятини амалга ошириш; ер ости бойликларини ишлаб чиқариш ва фойдали

қазилмаларни кавлаб олиш, корхоналар қуриш ва экспулатация қилиш ҳамда бошқа ҳуқуқларни беради<sup>1</sup>;

и) давлат чет мамлакатларда кўчмас мулкни сотиб олишида ва ҳ.к.

Давлат ўзининг фуқаролик-ҳуқуқий мажбуриятлари бўйича ўз мулки бўлган маблағлари билан жавоб беради.

Фуқаролик қонун ҳужжатлари билан тартибга солинадиган муносабатларда давлат номидан юқорида айтганимиздек, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари ҳамда улар маҳсус вакил қилган бошқа органлар иштирок этадилар.

Мамлакат ичидаги фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда, яъни унинг ички оборотида давлат номидан аксарият ҳолларда Ўзбекистон Республикасининг тегишли вазирликлари ва давлат қўмиталари қатнашади. Қонунда назарда тутилган ҳолларда, Ўзбекистон Республикаси давлати номидан ҳаракат қилувчи органлар тизимида Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси ва Молия вазирлиги, Марказий банк алоҳида мавқега эга. Масалан, давлат номидан давлат мулкини идора этадиган ва бошқарадиган орган Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш қўмитасидир. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисидаги 1991 йил 19 ноябрь қонунига биноан бу орган:

—мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш билан боғлиқ бўлган муносабатларни давлат номидан амалга оширади;

—хусусийлаштириш тўғрисидаги битимларни тузади;

—хусусийлаштириш ва ижарага бериш билан боғлиқ бўлган бошқа ҳуқуқий муносабатларни амалга оширади.

Давлат идораларини фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлардаги иштироки икки хил қўринишда бўлади:

1. Давлат номидан иштирок этиш. Бунда – муайян орган давлат номидан ҳаракат қиласи ва давлат учун ҳуқуқ ва мажбуриятлар вужудга келтиради (Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг чет эл компанияси билан тузган шартномаси бунга мисол бўла олади).

2. Давлат органи фуқаролик муомаласида ўз номидан ҳаракат қиласи. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ишлар бошқармасининг дўконлардан идора жиҳозларини сотиб олиши.

<sup>1</sup> Баратов М. Концессия шартномаси нима?//Ҳуқалик ва ҳуқук. 1997. № 7. -24 6.

Бунда фақат Олий Мажлисга бириктирилган мол-мулкка нисбатан ҳуқуқ ва мажбуриятлар юзага келади.

Давлат баъзи ҳолларда субъект сифатида ўзининг мансабдор шахслари ёки органлари томонидан етказилган мулкий зарарни тўлашда жавобгар бўлади (масалан, дастлабки тергов, тергов, прокуратура, суд органларининг мансабдор шахслари фуқароларга нисбатан қилган ғайриқонуний ҳаракатлари натижасида уларга етказилган зарар учун жавобгар бўладилар).

Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 15-моддасида айтилганидек, давлат органи ёки ушбу органлар мансабдор шахсларининг ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги), шу жумладан давлат органи томонидан қонун ҳужжатлариiga мувофиқ бўлмаган ҳужжат чиқарилиши натижасида фуқарога ёки юридик шахсга етказилган зарар давлат томонидан тўланиши керак.

### **7.3. Ўзбекистон Республикаси – мамлакатнинг ташқи оборотида фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг иштирокчиси**

Ўзбекистон давлати ташқи оборотда ҳам мустақил ҳуқуқ субъекти сифатида иштирок этади.

Ўзбекистон Республикаси ўзига мулк ҳуқуки асосида тегишли бўлган обьектлардан хорижий давлатлар, уларнинг юридик ва жисмоний шахслари, халқаро ташкилотлар билан ўзаро фойдали ҳамкорлик ўрнатишда, бундай ҳамкорликни ривожлантиришда барча амалий ҳаракатларни рўёбга чиқариш учун фойдаланади.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги давлат органи бўлиб, республиканинг барча ташқи иқтисодий алоқаларни координация қиласи, тартибга солади, назорат қиласи ва бошқаради. Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқари ва хорижда республика номидан барча ташқи иқтисодий масалалар бўйича унинг манфаатларини кўзлаб ҳаракат қилиш билан бирга Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларидан келиб чиқадиган мажбуриятларни ҳам ўз зиммасига олади. Агентлик ўзининг фаолиятини бевосита Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси раҳбарлигида амалга оширади. Агентлик ягона ташқи иқтисодий сиёsat юритиш ва уни режалаштириш стратегиясини шакллантириш учун умумдавлат манфаатларини ҳам ташқи бозорда таъминлаш, хорижий мамлакатлар билан бўладиган иқтисодий, илмий, техникавий, савдо, спорт, сайёхлик ва бошқа

муносабатларни ривожлантириш, бу соҳада бошқарувни такомиллаштириш ва ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларининг самарали ишлаши учун зарур бўлган шароитларни таъминлаш мақсадида тузилган.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида вазирликнинг ваколатларини олган бошқармалар, улар қошида тузилган хўжалик ҳисобидаги тижорат тузилмалари, филиаллари, республика ҳудудидами ёки хорижий мамлакатлар ҳудудида бўлишидан қатъи назар, хорижий мамлакатларда жойлашган ваколатхоналари, республиканинг хўжалик ҳисобидан ташқи иқтисодий ва ташқи савдо бирлашмалари, фирмалари, тижорат-реклама маркази, транспорт ваколатхонаси ва бошқа юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган ташкилотлар вазирлик тизимини ташкил қиласди.

Қорақалпоғистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ўзининг бутун фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг ягона иқтисодий сиёсатига мувофиқ ва Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги раҳбарлигида амалга оширади.

Бошқармалар маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан ташқи иқтисодий алоқалар соҳасида муштарак иш олиб бораётган.

Вазирлик ўз тармоғидаги хўжалик ҳисобида иш олиб бораётган ва бошқа ташқи иқтисодий ташкилотларнинг мажбуриятлари бўйича бу ташқи иқтисодий ташкилотлар эса агентликнинг мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайдилар.

Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги Ўзбекистон Республикасининг хорижий мамлакатлар билан бўладиган барча иқтисодий муносабатларида асосий роль ўйнайди ва Республика номидан иш олиб боради.

Вазирлик ўзининг иш фаолиятида Ташқи ишлар вазирлиги, Марказий банк билан узвий ҳамкорлик қиласди. Ташқи Ишлар вазирлиги тизимида халқаро шартномалар бўлими бўлиб, у республика ҳукуматининг барча шартномаларини ишлаб чиқиша вазирлик билан ҳамкорлик қиласди. Шунингдек, иқтисодий алоқаларга тегишли шартномаларни амалга ошириш учун унинг нусхаларини Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигига юборади.

Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлика республика ҳукуматининг ваколатига мувофиқ хорижий мамлакат-

лар билан уларнинг юридик ва жисмоний шахслари билан тузиладиган халқаро шартномаларни имзолаши, халқаро анжуманларда унинг номидан вакил бўлиб иштирок этиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг юридик шахслари ва фуқароларининг қонуний ҳуқук ҳамда манфаатларини таъминлаш, ташқи иқтисодий соҳада бевосита ўзаро фойдали алоқаларни ўрнатиш мақсадида хорижий давлатлар, халқаро ташкилотлар хузурида Ўзбекистон Республикасининг савдо ёки ўзга ваколатхоналари таъсис этилади. Бу ваколатхоналар ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Қонунларига, ўзлари тўғрисидаги Низомга, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳамда ваколатхона жойлашган давлатлар иштирокчи бўлган халқаро шартномаларга амал қиласди. Чет элдаги ваколатхоналар тўғрисидаги Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

ФКнинг 80-моддасига биноан Давлат ўзи тузган юридик шахс мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди (қонунда назарда тутилган ҳоллардан ташқари). Давлат мажбурияти юзасидан юридик шахс ҳам жавобгар бўлмайди. Ушбу қоидалар давлат тузган шартнома асосида юридик шахснинг мажбуриятлари бўйича ўз зиммасига кафиллик олган (кафолат берган) ёки мазкур юридик шахс давлатнинг мажбуриятлари бўйича ўз зиммасига кафиллик олган (кафолат берган) ҳолларга тааллуқли эмас.

## **8.1. Фуқаролик ҳуқуқи объектлари түшүнчеси ва турлари**

Хуқуқий муносабатларнинг объекти ҳуқуқ субъектларининг ҳаракатлари қаратылған, ҳуқуқ ва мажбуриятлар үнинг устида белгиланган нарсалардир.

Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 81-моддасига асосан фуқаролик ҳуқуқларининг объектлари жумласига:

- ашёлар;
- мол-мулклар;
- пуллар ва қимматли қофозлар;
- ишлар ва хизматлар;
- интеллектуал фаолият натижалари;
- шахсий номулкий ҳуқуқлар киради.

Умумий ҳолда фуқаролик ҳуқуқининг объектларини икки турга, яъни моддий ва номоддий неъматларга бўлиш мумкин.

Бошқача айтганда, жисмоний ва юридик шахслар фойдаланиши ва тасарруф этишини амалга ошира оладиган, эркин суратда олиш, сотиш ҳуқуқи ва одоб-ахлоқ нормалари билан чекланмаган ёки тақиқланмаган ҳар қандай моддий нарсалар ва моддий қийматликлар қадриятлар бойлик ҳисобланиб, фуқаролик ҳуқуқининг объекти бўла олади.

## **8.2. Ашёлар – фуқаролик ҳуқуқининг объекти сифатида**

Фуқаролик ҳуқуқларининг объектларидан бири ҳисобланган ашёлар муайян моддий қийматга эга бўлган ҳамда иқтисодий муносабатнинг предмети бўла оладиган нарсаларгина бўлиши мумкин.<sup>1</sup>

Ашёлар халқ фаровонлиги учун, республика фуқароларининг моддий ва маданий эҳтиёжларини қондириш учун хизмат қиласи. Фуқаролик ҳуқуқида ашёлар жонли ашёлар ҳам, масалан, уй ҳайвонлари; жонсиз ашёлар ҳам, шунингдек уй-жойлар, ишлаб чиқариш қуроллари, асбоб-ускуналар, кийим-кечаклар ва бошқа нарсалар инсонларнинг яшashi учун мухим аҳамиятга эгадир.

Ҳуқуқ субъектларининг муайян ашё тўғрисидаги, жумладан, ашёдан фойдаланиш тартиби ва уни тасарруф этиш усуллари тўғрисидаги хатти-ҳаракатларини белгилайдиган ҳуқуқ нормаларининг йиғиндисига ашё ҳақидаги қоида деб айтилади. Ашёларнинг жамиятдаги тайинланишларига қараб, уларнинг ҳар қайсиси учун

турлича ҳуқуқий қоида, масалан, ердан фойдаланиш қоидаси, корхоналардан фойдаланиш, уларни тасарруф этиш каби қоидалар белгиланади.

Фуқаролик ҳуқуқида ашёлар ўзларининг иқтисодий тайинлашишларига, шунингдек ҳуқук нормаларида акс эттирилган жисмий ва бошқа хусусиятларга қараб бир неча турга бўлинади (классификация қилинади).

Ашёларнинг муайян хусусиятлари юзасидан ҳам маҳсус қоидалар белгиланиши мумкин. Масалан, ўзининг хусусиятлари бўйича теварак-атрофдагилар учун хавф туғдирадиган ашёлар, яъни хавфли хоссаларга эга ашёлар (портловчи моддалар, қаттиқ таъсир қилувчи заҳар кабилар) тўғрисида алоҳида қоидалар белгиланган (ФК, 883-модда). Бундай ашёларни эркин олиш ва сотишга йўл қўйилмайди. Муомалада бўлишга йўл қўйилмайдиган фуқаролик ҳуқуқлари обьектларининг турлари (муомаладан чиқарилган обьектлар) қонунда тўғридан-тўғри кўрсатилган бўлиши керак (масалан, Ўзбекистон Республикаси “Мулкчилик тўғрисида”ги қонунининг 19-моддаси 1-бандида кўрсатилган ва Ўзбекистон Республикасининг мутлақ мулки ҳисобланувчи обьектлар). Шунингдек, бундай туркумдаги ашёлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 31 августда қабул қилинган “Алоҳида турдаги корхоналар ва молмулкларни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг айрим масалалари тўғрисида”<sup>1</sup>ги қарорида ҳам мустаҳкамланган.

Муайян муомала иштирокчиларигагина қарашли бўла оладиган ёки муомалада бўлишга маҳсус рухсатнома билан йўл қўйиладиган (муомалада ҳаракатланиши чекланган обьектлар) фуқаролик ҳуқуқи обьектлари турли қонулларда кўрсатилган тартибида белгиланади (масалан, ёпиқ акциядорлик жамияти акциялари фонд биржасида эркин сотилиши мумкин эмас, ов милтиги фақат рухсат олиш ва рўйхатдан ўтиш тартибида жисмоний шахс эгалигига ўтиши мумкин ва ҳ.к.). Бинобарин, қонун биринчи навбатда ашёларни муомалада бўлиш хусусиятига қараб фарқлади. Фуқаролик муомаласидан чиқарилган ашёлар фуқаролар ва ташкилотлар эгалигига бўлиши мумкин эмас. Юқорида кўрсатилганидек ер, ер ости бойликлари, сув ва ўрмонлар давлатга хос мулк бўлганлигидан улар фақат фойдаланишгагина берилиши мумкин. Фуқаролик муомаласидан чиқарилган ашёлар фуқаролар ва бошқа ташкилотларга сотилиши мумкин эмас. Бу ашёлар гаровга

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1995. 9-сон. 194-модда. Ўзбекистоннинг янги қонуллари. 11-сон. -Т.: Адолат. 1996. 161-166-бетлар.

қўйилмайди ва кредиторларнинг талаб-ларини қондириш учун улар ҳисобидан ҳақ ундирилмайди.

Агар фуқаролик муомаласидан чиқарилган ашё қонуний асосларга кўра фуқароларнинг мулки бўлиб қолса, яъни фуқароларнинг тасарруфига ўтса, у ҳолда фуқаро ушбу фуқаролик муомаласидан чиқарилган ашёни ўзидан бегоналаштириш чораларини кўриши лозим. Масалан, генерал вафотидан сўнг унинг ўғлига, генералга совға қилинган пистолет мерос бўлиб ўтади. Бунда ўғли фуқаролик муомаласидан чиқарилган ашёни қонуний асосларда қўлга киритди. Шундан сўнг у бу ашё ҳақда тегишли ҳарбий бўлимга хабар беради ва ваколатли давлат органи пистолетнинг баҳосини тўлаб, уни меросхўрдан сотиб олади.

Фуқаролик муомаласидан чиқарилган ашёларга нисбатан мулк ҳукуки ҳар доим давлатга тегишли бўлади.

Баъзи ашёлар ҳалқ ҳўжалиги учун бўлган аҳамияти, давлат ҳавфсизлиги нуқтаи назаридан ёхуд бошқа асослар бўйича фақат алоҳида рухсат бўйича олиниши, сотилиши мумкин. Бундай нарса (ашё)ларнинг рўйхати, шунингдек уларга рухсат бериш тартиби маҳсус қонунлар билан белгиланади. Маҳсус рухсатлар бўйича олиниши мумкин бўлган нарсалар жумласига: қурол ва ўқ-дорилар, портловчи ва радиоактив моддалар, қаттиқ таъсир қиласидаган заҳарлар, мұхр ва штамплар киради.

Валюта қимматликлари: чет эл валютаси (банкнотлар, қофоз пуллар, танга-чақалар); чет эл валютаси ҳисобида ёзилган тўлов ҳужжатлари (чеклар, векселлар, аккредитив ва бошқалар); банкнинг чет эл валютасига сотиб олинадиган ва шундай валютага алмаштириш ҳукуқига эга бўлган сўм ҳисобидаги тўлов ҳужжатлари (чеклар ва бошқалар); ҳар қандай шакл ва ҳолатдаги қимматбаҳо металлар: олтин, кумуш, платина турӯхига киравчи металлар (палладий, иридий, радий, рутений ва осмий); хом ва ишланган шаклдаги қимматбаҳо табиий тошлар (олмос, гавҳар, лаъл, зумрад, саприф, марварид ва бошқалар) Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда ва доиралардагина олди-сотди предмети бўлиши мумкин. Мазкур қимматбаҳо метал ва тошлардан ясалган заргарлик ва бошқа майший буюмлар ҳамда шундай буюмларнинг синик парчалари бундан мустаснодир.

Фуқаролик муомаласидан чиқарилмаган ашёлар доираси ниҳоятда кенг бўлиб, булар жумласига хилма-хил буюмлар киради. Улар қўйидагича таснифланади:

**Истеъмол қилинадиган ва истеъмол қилинмайдиган ашёлар** (ФК, 89-модда): истеъмол қилинадиган ашёлар бир марта фойдаланиш натижасида бутунлай йўқка чиқадиган ёки жиддий равища үзгарадиган нарсалар (масалан, озиқ-овқат, хом-ашё кабилар)дир.

Истеъмол қилинмайдиган ашёлар бирмунча узоқ вақт давомида ўзининг сифатини сақладиган нарсалардир. Бундай ашёлар одатда, қайта-қайта фойдаланишга мўлжалланган бўлади. Қайта-қайта фойдаланиш давомида истеъмол қилинмайдиган ашёларнинг емирилиши ҳам аста-секин кечади. Истеъмол қилинмайдиган ашёлар жумласига: бинолар, ускуналар, транспорт воситалари ва ҳ.к.лар киради.

**Хусусий ва турга хос аломатлар билан белгиланадиган ашёлар:** хусусий аломатлари билан белгиланадиган ашёлар алоҳида фақат ўзларигагина хос белгилари ва ўзига хос, ёлғиз сифатлари бўлган ашёлар ҳисобланади. Ўзининг белгилари билан бошқа ўхшаш ашёларда ажралиб турадиган нарсалар, масалан, маълум кўчадаги, маълум сонли уй-жой хусусий аломатлари билан белгиланадиган ашё бўла олади.

Хусусий аломатлари билан белгиланадиган ашёлар жумласига ноёб, яъни ўзи бир дона бўлган ашёлар ҳам киради. Масалан, жаҳон биринчилигида чемпион бўлган от, кўхинур олмоси ва шу кабилар. Хусусий аломатлари билан белгиланадиган ашёлар бошқа ашёлардан муайян усулда белги қўйиш ёки муҳр босиш, рақам қўйиш билан фарқланади.

Шу ўринда пулнинг қайси турдаги ашёга мансублиги хусусидаги масалага эътибор қаратиш зарур. Зеро, кўпчилик ҳолатларда пулнинг хусусий аломатлари билан белгиланадиган ашёми ёки турга хос аломатлари билан белгиланадиган ашёми деган савол туғилади.

Бир томондан қараганда, пулларда муайян белги ва рақам қўйилгани учун уни хусусий аломатлари билан белгиланадиган ашё дейиш мумкин. Иккинчи томондан қараганда, пуллар бир турга хос, яъни уларнинг барчаси битта вазифани – тўлов эквиваленти вазифасини бажаради.

Пулнинг ашёларнинг қайси турига (хусусий ёки турга хос аломатлари билан белгиланадиган ашёларга) мансублиги масаласига жавоб ФКнинг 87-моддаси 2-қисмида ифодаланган. Ушбу нормага мувофиқ, хусусий аломатлари билан белгиланган ашёлар бошқаси билан алмаштириб бўлмайдиган ашёлардир. Пулларни эса бошқаси

билинмайдиган ашёларга ашёлар, сон, ўлчов ва оғирлик билан күрсатиладиган нарсалар ҳисобланади. Масалан, 100 дона шифер, 100 метр чит, 100 тонна пахта ва ҳоказо.

Турга хос аломатлари билан белгиланадиган ашёлар бошқаси билан алмаштираса бўладиган ашёлардир. Шунинг учун ҳам бундай ашёларга нисбатан *persona non grata*нинг (яъни, тур нобуд бўлмайди) қоидаси қўлланилади. Фуқаролик ҳуқуқида ашёларнинг хусусий ва турга хос аломатлари билан белгиланадиган ашёларга бўлиниши катта аҳамиятга эга. Айниқса, мажбуриятларни ижро этишда, бурчни натура ҳолида бажарилишида бундай бўлинишнинг ўрни бекиёс.

**Бўлинмайдиган ва бўлинмайдиган ашёлар.** Бўлиш натижасида ҳар қайси қисми бутуннинг хоссаларини ўзида сақлаб қоладиган ва шу билан бирга ўзининг хўжалик (мақсадли) аҳамиятини йўқотмайдиган ашё бўлинмайдиган ашё ҳисобланади. Масалан: бир қоп ун, бир қоп картошка, бир бидон пахта ёғи каби.

Бўлинмайдиган ашёлар бўлиш натижасида қисмлари дастлабки ашё (бутун)нинг хоссаларини йўқотадиган, унинг хўжалик (мақсадли) аҳамиятини ўзгартирадиган ашё бўлинмайдиган ашё ҳисобланади (ФК, 88-модда). Бўлинмайдиган ашёларга шкаф, стол, телевизор кабилар киради.

**Фуқаролик ҳуқуқида ашёларнинг асосий ва мансуб ашёларга** бўлиниши ҳам (ФК, 90-модда) ҳуқуқий аҳамиятга эгадир. Мансуб ашё деб асосий ашёга хизмат қилишга тайинланган ва умумий хўжалик мақсади жиҳатидан у билан боғлиқ бўлган нарсаларга айтилади. Масалан, асосий ашё қулф бўлса, унга мансуб ашё калитдир.

Мансуб ашё, агар қонунда ёки шартномада бошқача тартиб белгилаб қўйилмаган бўлса, асосий ашёнинг тақдирига боғлиқ бўлади. Бинобарин, асосий ашё тўғрисидаги шартлар мансуб ашёга ҳам доирдир. Масалан, бирорнинг эгалигига ёки вақтинча фойдаланишига асосий ашё ўтса, мансуб ашё ҳам у билан бирга ўтади. Аммо қонун ёки шартномада бошқача ҳоллар ҳам белгиланиши мумкин, яъни асосий ашё бирорвга ўтказилганда мансуб ашёнинг қолдирилиши тўғрисида алоҳида келишув ҳам бўлиши мумкин.

Мансуб ашёдан унинг таркибий қисмини ажратиш керак. Ашёдан уни заарлантиrmай ва қийматини жиддий равишда туширмай ажратилиши мумкин бўлмаган ҳар нарса ашёнинг таркибий қисми

ҳисобланади. Масалан, велосипеднинг насоси мансуб ашё бўлса, автомашинанинг радиатори ашёнинг таркибий қисми ҳисобланади.

**Мураккаб ашёлар.** Агар турли хил ашёлар бирикманинг мөхияти билан белгиланадиган вазифаси бўйича фойдаланиш имконини берадиган яхлит бир бутунни ташкил этса, улар битта ашё (мураккаб ашё) ҳисобланади. Мураккаб ашё хусусида тузилган битим, агар шартномада бошқача тартиб белгилаб қўйилган бўлмаса, унинг таркибий қисмларига тааллуқли бўлади (ФК, 91-модда).

**Баъзи ашёлар ҳосил ва даромад берадиган ашёлар** бўлиши ва шу туфайли бу ҳосил ва даромадлардан фойдаланиш, уларни тасарруф этиш тўғрисидаги ишни ҳал этиш масаласи қўйилиши мумкин. Ашёнинг ҳосил ва даромадлари тўғрисида Фуқаролик кодексининг баъзи моддаларида кўрсатма берилади. Жумладан, ФКнинг 230-моддасида мулкни бировларнинг қонунсиз эгаллашидан талаб қилиб олишда даромад ва харажатларнинг тўланиши айтилади.

Ашёдан келадиган ҳосил ва даромадлар, агар қонунда ёки шартномада бошқача тартиб белгилаб қўйилган бўлса, ашё эгасига тегишлидир (ФК, 92-модда).

### **8.3. Мол-мулклар – фуқаролик ҳуқуқининг обьекти сифатида**

Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг обьекти бўлиб кўринган мулк тушунчasi тўғрисида тўхталиб, шуни айтиш керакки, баъзи ҳолларда ашё нарсаларни мулк деб аталса ҳам мол-мулк атамасининг маъноси бирмунча кенг бўлишини биламиз.

Мол-мулк дейилганда, маълум шахсга (фуқаро ёки ташкилотга) эгалик ҳуқуки билан тегишли айрим ашёлар ёки ашёларнинг йиғиндинси назарда тутилади.

Мол-мулк таркибига мажбурият ҳуқуки, муаллифлик ва ихтиро-чиликка оид мулкий ҳуқуқлар, оила ҳуқуки билан боғлиқ бўлган мажбуриятлардан келиб чиқадиган мулкий талаблар, қарз берилишида олинган тилхатлар ҳам киради.

Демак, мол-мулк бу муносабатdir. (бу ҳақда мулк ҳуқуки ва бошқа ашёвий ҳуқуқлар мавзусида янада батафсил тўхтаймиз).

Мол-мулк атамаси чекланган ҳолда, тор маънода шарҳ қилинган тақдирда, фақат маълум шахсга тегишли мулкий ҳуқуқларнинг активинигина (мулкни талаб қилиш ҳуқуқларинигина) ўз ичига олади. Агар “мол-мулк” атамаси кенг маънода шарҳланса, шахснинг

факат ҳуқуқларигина, яъни активигина назарда тутилмай, балки унинг учинчи шахс олдида бўлган мажбуриятлари, яъни пассиви ҳам назарда тутилади.

Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 83-моддасида мол-мулк турлари кўрсатилган. Унга асосан мол-мулк кўчмас ва кўчар мулкка бўлинади.

Кўчмас мулк ер участкалари ва ер ости бойликлари, кўп йиллик дов-дараҳтлардан иборат. Кўчмас мол-мулк билан боғлиқ ҳуқуқларни олиш ёки бегоналаштириш ФКнинг 84-моддасида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўtkазиш орқали амалга оширилади. ФКнинг 83-моддаси З-қисмида қонунда бошқа мол-мулк ҳам кўчмас мол-мулк қаторига киритилиши мумкинлиги белгиланган. Шунга биноан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси нинг 1995 йил 29 декабрдаги 478-сонли қарори билан тасдиқланган “Жисмоний шахсларнинг мулки бўлган бинолар ва иншоотларни баҳолаш, қайта баҳолаш тўғрисида”ги Низомда турар жойлар, квартиralар, боғдорчилик ва узумчилик ширкатлари аъзоларининг боғ уйчалари, гаражлар ва бошқа иморатлар ҳамда иншоотлар ҳам жисмоний шахсларнинг мол-мулки ҳисобланади<sup>1</sup>.

Кўчмас мулк билан боғлиқ асосий хусусият шундаки, у ер билан боғлиқ бўлиб, бир жойдан иккинчи жойга кўчириш натижасида ўз хусусиятини йўқотади.

Вазифасига ва тайинланиш мақсадига зарап етказмаган ҳолда бир жойдан иккинчи жойга кўчирилиши мумкин бўлган мол-мулк кўчар мулк жумласига киради. Қонунда назарда тутилган ҳоллардан ташқари кўчар мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўtkазиш талаб этилмайди.

#### **8.4.Пуллар ва қимматли қофозлар – фуқаролик ҳуқуқининг объекти сифатида**

Пул ҳам фуқаролик ҳуқуқининг объектидир. Пул мамлакатнинг ҳўжалик ҳаётида, хусусан, савдода катта аҳамиятга эга. Пул ўзининг узоқ давом этган тадрижий ривожланишида, мол-ҳол, зайдун ёғи, олтин ва кумуш ёмбиси кўринишидаги айирбошлаш воситаларидан ҳозирги электрон пулларга, кредит карточкаларига қадар бўлган йўлни босиб ўтди. Пул бозор иқтисодиётини ривожлантиришнинг муҳим қуролларидан бири ҳисобланади.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами. 1995. 12-сон. 49-модда.

Мустақил давлатнинг асосий атрибутларидан бири – бу унинг миллий валютасидир. Шу борада мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг гултожи Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси – сўмни муомалага киритиш бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 16 июндағи “Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасини муомалага киритиш тўғрисида”ги Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 122-моддасига, “Ўзбекистон Республикаси Давлат Мустақиллигининг Асослари тўғрисида”ги Қонуннинг 11-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1993 йил 3 сентябрдаги 952-XII сон қарорига мувофиқ 1994 йилнинг 1 июлидан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида 1000 сўм пул купонга бир “Сўм” нисбати билан Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси – “Сўм” муомалага киритилди.

Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси – “Сўм” Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қўймати 1,3,5,10,25,50, 100,200,500,1000 сўм бўлган банк қофоз пуллар “банкноталар” ва 1,3,5,10,20,50 “Тийин”, 1,5,10,25,50 сўм бўлган металл танга-чақалар ҳолида нақд пул муомаласига чиқарилди.

Мазкур Фармоннинг 4-бандига мувофиқ 1994 йилнинг 1 июлидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида “Сўм” мулкчилик шаклидан қатъи назар қонуний тўлов воситаси ҳисобланади.

“Сўм”лар ва “Тийин”лар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида мулкчилик шаклларидан қатъи назар, ҳамма жисмоний ва юридик шахслар томонидан барча турдаги тўловларга, шунингдек банклар томонидан омонатлар ва ҳисоб варакларига қўшиб қўйиш учун ҳеч қандай чекловларсиз қабул қилиниши мажбурийдир.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида миллий валюта – “Сўм” билан бир қаторда эркин муомаладаги валютада тўлов воситаси сифатида белгиланган тартибда фойдаланишга рухсат берилди<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалга киритилган пул муомаласини мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қатор қарорлар қабул қилди. 1994 йил 12 июлдаги “Муомаладаги нақд пулларни камайтиришга оид чоратадбирлар тўғрисида”<sup>2</sup>ги ва 1994 йил 23 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси миллий валютасининг ички эркин алмашинувини таъмин-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари. -Т.: Адолат. 1995 йил. З-сон. 73-76 бетлар.  
<sup>2</sup>// Халқ сўзи, 1994 йил 12 июль.

лашга оид чора-тадбирлар тўғрисида"ги<sup>1</sup> қарорлар шулар жумла-сиданdir.

Пуллар жисмоний аломатлари билан белгиланган ашёлар қаторида бўлиб, пул белгиларининг сони бўйича ҳисобланмай, балки бу белгиларда кўрсатилган суммаларга қараб ҳисобланади.

Пул ҳар хил битимларнинг, масалан, олди-сотди, қарз ва бошқа битимларнинг предмети бўлиб, ҳалқ ҳўжалигида, шунингдек фуқаролик ҳуқуқий муносабатларда мұхим аҳамиятга эга.

Президентимиз И.А.Каримов айтганларидек, "Миллий ифтихор, давлат мустақиллигининг рамзи, суверен давлатга хос белгидир. Бу республикага тегишли умумий бойлик ва мулкдир"<sup>2</sup>.

Пул (валюта), валюта қимматликлари тўғрисидаги қоида ФКнинг 94-95-моддаларида берилган.

Қимматли қофозлар Фуқаролик кодексининг 96-моддасида кўрсатилганидек, мулкий ҳуқуқларни белгиланган шаклга ва мажбурий реквизитларга амал қилган ҳолда тасдиқловчи ҳужжатлардир.

Қимматли қофозлар бошқа шахсга берилиши билан улар томонидан тасдиқланадиган ҳамма ҳуқуқлар ҳам ўша шахсга ўтади.

Қимматли қофозлар жумласига ФКнинг 96-моддаси 2-бандида кўрсатилганидек, облигация, вексель<sup>3</sup>, чек, депозит ва жамғарма сертификатлари, банкнинг тақдим қилувчига пул бериладиган жамғарма дафтарчаси, коносамент, акция ҳамда қонун ҳужжатлари билан қимматли қофозлар жумласига киритилган бошқа ҳужжатлар киради.

Акциялар, облигациялар ва ҳазина мажбуриятларида акс эттириладиган реквизитларни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, депозит сертификатлари ва векселларда акс эттириладиган реквизитларни эса Ўзбекистон Республикаси Марказий банки белгилайди. Қимматли қофозлар эгаси ёзилган ёки тақдим этувчига деб номланган турлари мавжуд бўлиб, бу қимматли қофознинг ўзида кўрсатилади.

Қимматли қофозлар муомаласи деганда, Ўзбекистон Республикасида уларни сотиб олиш ва сотиш, шунингдек республика қонунларида назарда тутилган, қимматли қофозлар эгаси алмашинувига олиб келадиган бошқа ҳаракатлар тушунилади.

<sup>1</sup> //Халқ сўзи, 1994 йил 23 июль.

<sup>2</sup> Каримов И. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. -Т.: Ўзбекистон. 1995 йил. 217-б.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 2 июнь "Ўзбекистон Республикаси ҳалқ ҳўжалигида векселларни кўллаш тўғрисида"ги қарори. Халқ сўзи, 1995 йил 6 июнь.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қимматли қофозларни (депозит сертификатлари ва векселлардан ташқари) муомалага чиқариш ва уларни рўйхатдан ўтказиш қоидаларини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тасдиқлади. Давлат рўйхатидан ўтказилган ҳамда белгиланган тартибда рўйхат рақамини олган қимматли қофозларнингина Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чиқарилиши ва муомалада бўлишига йўл қўйилади. Давлат рўйхатидан ўтказилмаган қимматли қофозларни чиқариш ғайриқонуний ҳисобланади. Бу уларни ҳамда мазкур қимматли қофозларни сотишдан тушган пулнинг олиб қўйилиши ва бой берилган наф қопланишини ҳисобга олган ҳолда инвесторларга қайтариб берилишига сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 26 марта қимматли қофозлар бозорининг ишлаш самарадорлигини ошириш ва уни давлат йўли билан тартибга солиш, унинг қатнашчилари фаолиятини мувофиқлаштириш, сармоядорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш мақсадида чиқарилган “Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги қимматли қофозлар бозори ишлашини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш марказини ташкил этиш тўғрисида”ги<sup>1</sup> фармонини қимматли қофозлар бозорини шакллантириш, ривожлантириш, назорат қилиш ва тартибга солиш соҳасида давлат сиёсатини амалга оширишда қимматли қофозлар билан бўладиган муносабатларни янада ривожлантиришга қаратилган “Қимматли қофозлар бозорининг фаолият кўрсатиш механизми тўғрисида”ги 1996 йил 25 апрелда Ўзбекистон Республикасининг қонуни ва бошқа қонун ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасининг босқичма-босқич бозор муносабатларига ўтишда қимматли қофозлар билан бўладиган муносабатларнинг ҳуқукий механизмини таъминлашда муҳим аҳамиятга эгадир.

## 8.5. Номоддий неъматлар тушунчаси ва таркиби

Моддий кўринишдаги неъматлар (ашёлар) билан бир қаторда номоддий неъматлар ҳам фуқаролик ҳуқуқининг обьекти ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида номоддий неъматлар тушунчаси берилган бўлиб, унга асосан фуқарога туғлишдан ёки қонун бўйича тегишли бўлган шахснинг ҳаёти, соғлиғи, шаъни, шахсий дахлсизлиги, қадр-қиммати ва пок номи, касбий

<sup>1</sup>/ Халқ сўзи, 1996 йил 27 март.

нуфузи, хусусий ҳаёт дахлсизлиги, шахсий ва оммавий сирлари, эркин кўчиб юриш, туриш ва яшаш жойини танлаш, муаллифлик ва бошқа шахсий мулкий ҳуқуқлари номоддий неъматлар ҳисобланади. Улар шахсдан бегоналаштирилмайди ёки бошқа бирорга ўтказилиши (берилиши) мумкин эмас. Айни вақтда қонунларда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда марҳумга тегишли бўлган шахсий номулкий ҳуқуқлар ва бошқа номоддий неъматлар бошқа шахслар, шу жумладан, ҳуқуқ әгасининг меросхўрлари томонидан амалга оширилиши ва ҳимоя қилиниши мумкинлигини ҳам қонун назарда тутади.

ФКнинг 8-боби номоддий неъматларга бағишиланган. Номоддий неъмат фуқаролик ҳуқуқи объектларининг алоҳида гуруҳини ташкил этади.

Номоддий неъматлар деганда қонун томонидан тан олинадиган, муҳофаза қилинадиган моддий кўринишга эга бўлмаган ҳамда әгасини (соҳибини) шахсидан ажратиш мумкин бўлмаган неъматлар ва эркинликлар тушунилди.

ФКда номоддий неъматларнинг қуидаги турлари белгилаб қўйилган:

- 1) интеллектуал фаолият натижалари (ФК, 97-модда);
- 2) хизмат ва тижорат сири (ФК, 98-модда);
- 3) шахсий номулкий ҳуқуқлар (ФК, 99-модда).

Номоддий неъматларнинг бир қисми, яъни интеллектуал фаолият натижалари, хизмат, тижорат сирлари иқтисодий мазмунга эга бўлиб, товар шаклига киради ва мулкий муомалада мутлак ҳуқуқлар объектлари сифатида намоён бўлади.

Шахсий номулкий ҳуқуқлар эса фуқаролик муомаласида ўзига хос тарзда, товар шаклига кирмаган ва иқтисодий мазмунга эга бўлмаган ҳолда намоён бўлади.

Баъзи адабиётларда ишлар ва хизматларни ҳам моддий кўринишда бўлмагани сабабли номоддий неъматлар гуруҳига киритадилар. Гарчи ФКнинг 8-бобида назарда тутилмаган бўлса ҳам ушбу фикрни ҳам шартли равиша қабул қилиш мумкин.

Номоддий неъматларнинг фуқаролик ҳуқуқи обьекти сифатидаги хусусияти шундан иборатки, бунда, биринчидан, бузилган номоддий ҳуқуқ мазмунидан, иккинчидан, бундай бузилиш оқибатлари характеристидан келиб чиқсан ҳолда фуқаролик ҳуқуқларининг ҳимоя қилиш усуllibаридан фойдаланади.

Номоддий неъматларга нисбатан ҳуқуқлар бузилган тақдирда кўп ҳолларда ҳуқуқ соҳибиға моддий эмас, балки маънавий зарар

етади. Маънавий зарар ҳуқуки бузилган шахснинг жисмоний ёки руҳий изтироблари, қайғу-алами, ғам-ташвиши сингари кўринишларда намоён бўлади. Қонунга асосан, агар фуқарога тегишли бошқа номоддий неъматларга тажовуз қилувчи ҳаракатлар орқали маънавий зарар етказилса, шунингдек қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда, суд ҳуқуқбузар зиммасига кўрсатилган зарарни пул орқали (моддий кўринишда) товоң тўлаш билан қоплашни юклashi мумкин.

Маънавий зарарни қоплаш харажатларини белгилашда суд ҳуқуқбузарнинг айби даражасини ва бошқа эътиборга молик ҳолатини ҳисобга олади. Суд, шунингдек зарар етказилган шахсни индивидуал хусусиятлари билан боғлиқ жисмоний ва ахлоқий қийноқлари (изтироблари, руҳий азоблари) даражасини ҳам ҳисобга олмоғи шарт.

Номоддий неъматга нисбатан ҳуқуқларни ҳимоя қилишда кўп ҳолларда суд ҳуқуқни қайта тикиш ёки ҳуқуқбузарликларни тўхтатишини таъминловчи чоралар кўради. Номоддий неъматлар ичida шахснинг (юридик шахснинг ҳам) шаъни, қадр-қиммати ва касбкор нуфузи алоҳида ўринни эгаллайди. Айни вақтда номоддий неъматлар шахсий ҳуқуқлар номи билан юритилувчи ўзига хос ҳуқуқлар мажмуини ҳам ўз ичига олади (Масалан: номга, яшаш жойини танлашга, ёзишмалар дахлсизлиги, яъни сир сақланишига бўлган ҳуқуқлар ва бошқалар).

ФКнинг 99-моддасида номоддий неъматлар ҳуқуқ соҳибига ё туғилгандан бошлаб тегишли бўлади (яшаш ҳуқуқи, соғ-саломат бўлишига бўлган ҳуқуқ, шахс шаъни, шахсий дахлсизлиги, шахсий ҳаёт дахлсизлиги, хусусий ва оиласвий сирларга бўлган ҳуқуқ ва ҳ.к.) ёхуд қонунга мувофиқ ҳуқуқ субъектига тегишли бўлади (Масалан: номга бўлган ҳуқуқ, эркин кўчиб юриш ҳуқуқи, яшаш жойини танлаш ҳуқуқи ва ҳ.к.) деб кўрсатилган.

Т.Фадеева ФКда назарда тутилган «номоддий неъмат» тушунчасини умумий маънода қўлланилган ва неъматнинг ўзига ҳам, шахсий ҳуқуқка ҳам тааллуқли деб ҳисблайди. Айни вақтда у номоддий неъматларни икки гурӯхга бўлади. Биринчи гурӯх неъматлар шахснинг мавжуд бўлиши билан боғлиқ. Шахснинг ҳаёти ва соғлиғи ушбу қатламга мансуб. Ушбу неъматлар объектив равишда мавжуд ва бу неъматларга тажовуз қилингандагина улар ҳуқуқий ҳимояга муҳтоҷ бўлади.

Иккинчи гурӯх неъматлар: номга бўлган ҳуқуқ, муаллифлик ҳуқуқи ва бошқа шахсий номулкий ҳуқуқлар муайян ҳуқуқий муно-

сабатнинг мазмунини ташкил этувчи субъектив ҳуқуқлар бўлиб, шу сабабли ҳам ҳуқуқ нормаси томонидан тартибга солинган<sup>1</sup>.

Номоддий неъматлар шахснинг ўзидан бегоналаштирилмайди, бироқ уларни амалга ошириш ва ҳимоя қилиш учинчى шахсларга топширилиши мумкин (Масалан: янги туғилган чақалоқقا исм кўйиш ота-онаси томонидан амалга оширилади).

Номоддий неъматнинг ашёвий мазмунга эга эмаслиги, унинг соҳиби бўлган субъектнинг шахси билан узвий боғлиқ эканлиги зарурый элементлар ҳисобланади, баъзан уларнинг бирортаси бўлмаслиги ҳам мумкин. Ушбу номоддий неъмат соҳибини шахсидан ажратиб бўлмаслиги сабабли, ушбу неъматнинг мавжудлиги унинг соҳиби шахсини такрорланмас қиласди, индивидуаллаштиради. Номоддий неъмат унинг соҳиблари ижтимоий мавқенини характерлайди, бу мавқенинг ажралмас белгиси ҳисобланади, айни вақтда ўзининг бутун мавжудлиги давомида ўзгаришларга дучор бўлиши ҳам мумкин. Номоддий неъматларнинг амал қилиш муддати чекланмаган.

Айни вақтда бу белгилар шартли характерга эга (Масалан: интеллектуал мулк номоддий неъмат сифатида қаралса ҳам, фуқаролик муюмаласида ўзига хос товар сифатида ҳаракатда бўлиши мумкин).

Юқорида кўрсатилганидек, номоддий неъматларга нисбатан шахсий ҳуқуқларнинг вужудга келиши ўзига хос: улар юридик факт асосида эмас, балки қонунда бевосита назарда тутилган ҳоллардагина вужудга келади деб ёзади Т.Фадеева<sup>2</sup>. Унинг бу фикрида муайян маънода жон бор, ҳақиқатан ҳам, ФКнинг 99-моддасига асосан шахсий номулкий ҳуқуқлар ҳуқуқ соҳибига ё туғилгандан бошлаб, ёки қонунга мувофиқ тегишли бўлади. Бироқ туғилишнинг ўзи юридик факт ҳисобланади. Бундан ташқари, ҳар қандай шахсий ҳуқуқнинг вужудга келиши муайян юридик фактсиз мумкин эмас, фақат бундай юридик фактлар билан шахсий ҳуқуқлар ўртасидаги боғловчи вазифасини қонун бажаради.

Узоқ вақтлар цивилист олимлар ичida фуқаролик ҳуқуқи номоддий неъматлар билан боғлиқ муносабатларни тартибга соладими ёки муҳофаза қиладими деган мунозаралар бўлиб ўтган эди. Охир оқибатда тартибга солиш муҳофаза қилишни англатади, муҳофаза қилиш эса тегишли муносабатларни тартибга солиш

<sup>1</sup> Гражданское право. Ч.1. –М.: Проспект. 1996. 301-6.

<sup>2</sup> Ўша жойда.

орқали амалга оширилади деган муросага келинди<sup>1</sup>. Сўнгги вақтлар эса фуқаролик ҳуқуқи номоддий неъматлар билан муносабатларни ҳам тартибга солади, ҳам муҳофаза қиласи деган фикрлар илгари суримоқда<sup>2</sup>. Фуқаролик қонунларининг ривожланиш жараёнини кузатсак, бунинг түғрилигига икror бўламиз.

А.Ниёзова номоддий неъмат тушунчасига нисбатан ўзига хос қарашларга эга. У номоддий неъмат тушунчасида фуқаролик ҳуқуқлари обьекти сифатида шахсий ҳуқуқлар ҳам қамраб олинганига эътиroz билдириб, шахсий ҳуқуқлар ушбу номоддий неъматлардан фойдаланишининг юридик имкониятини таъкидлайди деб кўrsатади. Шахсни индивидуаллаштириш шахсий номулкий ҳуқуқларнинг белгиси сифатида бир субъектнинг бошқасидан фарқ қилиш имкониятини беради. Шахсий номулкий ҳуқуқлар ҳуқуқ лаёқатининг элементи бўлиб ҳисобланмайди, чунки ҳуқуқ лаёқати субъектларда бир хил ҳажмда мавжуд бўлади, уларни тенглаштиради (чунки мавхум имконият тариқасида намоён бўлади)<sup>3</sup>.

Номоддий неъматлар билан шахсий ҳуқуқлар ўртасидаги нисбат ФКнинг 8-бобида аниқ кўrsатилганидек, умумийлик ва хусусийлик ўртасидаги нисбатдир.

## **8.6. Интеллектуал фаолият натижалари, хизмат ва тижорат сири – фуқаролик ҳуқуқининг обьекти сифатида**

Фуқаролик ҳуқуқларининг обьекти сифатида интеллектуал фаолият натижалари, хизмат ва тижорат сири номоддий неъматларнинг таркибий қисми ҳисобланади. Маълумки, инсоннинг интеллектуал фаолият маҳсуллари, уларнинг яратилиш жараёни ва ўзига хос хусусиятлари одатдаги ашёлардан фарқ қиласи. Шунинг учун улар фуқаролик ҳуқуқий муносабатларида ўзига хос обьект сифатида қаралади.

Интеллектуал фаолият ижодий фаолият ҳисобланади. Бу асосан ақлий меҳнат кишилари – ёзувчилар, шоирлар, рассомлар, олимлар, инженер-техник ходим ва бошқалар ижодий фаолиятининг маҳсулидир. Бундай фаолият маҳсуллари фуқаролик қонунлари билан кўриқланиши учун қуйидаги шартларга жавоб бериши керак:

<sup>1</sup> Развитие советского гражданского права в современном этапе. –М.: 1986. 205-б.

<sup>2</sup> Красавчикова Л.О. Личная жизнь граждан под охраной закона. –М.: 1983. 32-33-бетлар.

<sup>3</sup> Ниязова А. Гражданско-правовое регулирование неимущественных отношений в Киргызской Республике. Автореф.канд.дисс. 5-б-бетлар.

–ҳақиқатда ижод маҳсул бўлиши, яъни оригинал (ўзига хос) бўлиши;

–бетакрор бўлиши;

–бирон-бир объектив шаклда ифода этилиши.

Бу маҳсулларнинг кўпчилиги foявий-номоддий кўринишда бўлади. Шу сабабли ҳам уларга нисбатан одатдаги ашёларга, моддий объектга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқ меъёрларини қўллаб бўлмайди.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари интеллектуал фаолиятнинг қўйидаги натижаларини фарқлайди:

– ихтиро, фойдали модел, саноат намуналари;

– селекция ютуқлари;

– муаллифлик ва турдош ҳуқуқлар обьектлари – фан, адабиёт, санъат асарлари, аудивизуал асарлар, радио эшилтиришлар ва телевизион қўрсатувлар, асарлар ижролари, ЭҲМ учун яратилган дастурлар ва маълумот базалари;

– интеграл микросхемалар топологиялари.

Инсоннинг ижодий тафаккури бу обьектлар доирасини тинмай кенгайтириб бормоқда.

Умумий қоида бўйича юридик шахснинг индивидуаллаштириш воситалари, жисмоний ва юридик шахсларнинг маҳсулот ва хизматлари ҳам интеллектуал фаолият натижаларига тенглаштирилади (ФҚ, 97-модда, 1-қисм). Индивидуаллаштириш воситалари (фирма номи, товар ва хизмат белгилари, товар келиб чиқсан ёки тайёрланган жой номи) турдош маҳсулот ва хизматларни бошқаларидан фарқлаш уларни бир-бирлари билан чалкаштириб юбормасликка хизмат қиласди.

ФКнинг 97-моддасига асосан интеллектуал фаолият натижалари ва уларга тенглаштирилган индивидуаллаштириш воситаларига нисбатан фуқаронинг ёки юридик шахснинг мутлақ ҳуқуқи эътироф этилади, тан олинади. Бунинг маъноси шундаки, мутлақ ҳуқуқ эгаси интеллектуал фаолият натижалари ва индивидуаллаштириш воситаларидан фойдаланиш ва тасарруф этишда фақат ўзигагина тегишли бўлган ҳуқуқ эгасидир. У учинчи шахсларга бу обьектлардан фойдаланишга рухсат бериши ва тақиқлаб қўйишга ўзигина ҳақли (юридик шахснинг фирма номи бундан мустасно бўлиб, учинчи шахсларга фойдаланиш учун берилиши мумкин эмас).

Интеллектуал фаолият натижаларини яратиш, улардан фойдаланиш, уларни тасарруф этиш ва ҳуқуқий муҳофаза қилишда вужуд-

га келадиган муносабатлар ФКнинг тегишли нормалари, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 6 майда қабул қилинган "Ихтиrolар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида"<sup>1</sup>ги, "Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида"<sup>2</sup>ги қонун, 1996 йил 30 августда қабул қилинган "Муаллифлик ва турдош ҳуқуқлари тўғрисида"ги қонун билан тартибга солинади. Субъектларни индивидуаллаштириш воситаларидан фойдаланиш масалалари Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 30 августда қабул қилинган "Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиқсан жой номлари тўғрисида"ги қонунда белгилаб кўйилган.

Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 98-моддасига асосан хизмат ва тижорат сирлари ҳам номоддий неъматлар таркибига киради. Ошкор этилиши Ўзбекистон Республикаси манфаатларига зарар етказиши мумкин бўлган фан, техника, ишлаб чиқариш ва бошқарув соҳасига доир маълумотлар хизмат сирини ташкил этади (1993 йил 7 майда қабул қилинган "Давлат сирларини сақлаш тўғрисида"<sup>3</sup>ги қонуннинг З-моддаси). Корхонанинг тижорат сири деганда, корхонанинг ишлаб чиқариш, технология ахбороти, бошқаруви, режалаштирилиши, молиялаштирилиши, молияси ва бошқа фаолияти билан боғлиқ бўлган ҳамда эълон қилиш (топшириш, ошкор бўлиб қолиши) унинг манфаатларига зарар етказиши мумкин бўлган, давлат сири бўлмаган маълумотлар тушунилади.

Хизмат ва тижорат сирлари фуқаролик ҳуқуқи обьекти сифатида ҳимоя қилиниши учун қуийдаги шартлар мавжуд бўлиши лозим:

биринчидан, хизмат ёки тижорат сири бўлган маълумотлар учинчи шахсларга номаълумлиги сабабли ҳақиқий ёки нисбий тижорат қийматига эга бўлиши керак;

иккинчидан, бу маълумотлардан учинчи шахсларнинг хабардор бўлишга, баҳраманд бўлишга қонуний асослари бўлмаслиги талаб қилинади;

учинчидан, сир ҳисобланган ахборот (маълумот) эгаси унинг маҳфийлигини сақлашга доир чораларни кўрган бўлиши зарур.

<sup>1</sup> Ўзбекистоннинг янги қонунлари. 10-сон. -Т.: Адолат. 213-242-бетлар.

<sup>2</sup> Ўша ерда. 201-212-бетлар.

<sup>3</sup> Ўзбекистоннинг янги қонунлари. 10-сон. -Т.: Адолат. 255-6.

Ушбу шартлардан бирортаси мавжуд бўлмаса, хизмат ёки тижорат сирларидан фойдаланганлик учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик юзага келмайди.

Корхоналар ва бошқа субъектларнинг атроф-муҳитни ифлослантираётганлиги ёки жамиятга зарар келтириш мумкин бўлган бошқа салбий фаолиятлари ҳақидаги маълумотлар хизмат ёки тижорат сири ҳисобланмайди. Тижорат сирлари эгаси улардан ўз фаолиятида фойдаланиши, шунингдек бошқаларга фойдаланиш учун лицензия шартномаси асосида рухсат беришга, сотишга, бошқача усулларда тасарруф этишга ҳақли.

## **8.7. Ишлар ва хизматлар – фуқаролик ҳуқуқининг объекти сифатида**

Кўрсатиладиган хизматлар ва бажариладиган ишлар ҳам фуқаролик ҳуқуқининг объектлари бўлиши мумкин. Маълумки, фуқаролар ва ташкилотлар ўзларига қонун ёки ўзаро тузилган шартномалар бўйича юклатилган хизматларни ёхуд ишларни амалга оширадилар. Масалан, пудрат шартномасига мувофиқ хилма-хил кийимлар, уй-рўзгор ашёлари ва бошқа нарсаларни тайёрлайдилар, таъмиrlайдилар. Курилишга оид пудрат шартномасига биноан турар жой курилиши ва бошқа курилиш ишлари амалга оширилади. Омонат шартномаси бўйича мулклар омонатда сақланади. Топшириқ шартномаси юзасидан фуқаро ва ташкилотларнинг турли топшириклари амалга оширилади. Воситачилик шартномаси бўйича фуқароларнинг буюмлари сотиш учун қабул қилинади ва сотилади, жамоа ҳўжаликлари аъзоларидан ортиқча қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари ҳам сотиш учун қабул қилиниб, кейинчалик воситачилик асосларида сотилади ва ҳоказо. Ишларнинг натижаси моддий кўринишда бўлади. Хизмат кўрсатиш туфайли, масалан, репититорлик хизмати туфайли илим-маърифат ўқувчига сингдирилади, сайёхлик хизмати туфайли – сайёхларга тегишли хизмат кўрсатилади. Хизматларнинг натижаси одатда, ғоявий, номоддий кўринишда бўлади.

## **8.8.ШАХСИЙ НОМУЛКИЙ ҲУҚУҚЛАР ТУШУНЧАСИ ВА ТУРЛАРИ**

### **8.8.1.Номулкий ҳуқуқларнинг тушунчаси ва белгилари**

"Шахсий номулкий муносабатлар", "шахсий ҳуқуқлар" иборалари ҳукукий мазмунга эга бўлиб турли қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда мустаҳкамлаб қўйилган. Масалан, Конституциянинг VII бобида, Фуқаролик кодексининг 99-моддасида шахсий ҳуқуқлар ҳақида қоидалар мавжуд. Бошқа қонунларда (масалан, Жиноят кодекси, Оила кодекси ва х.к.) ҳам шахсий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш, улардан фойдаланиш масалалари ўз аксини топган.

Шахсий ҳуқук жуда кенг қамровли тушунча ва фақат Конституциядагина бу кенг мазмун ўз ифодасини топган. Бироқ, алоҳида қонунларда, жумладан, ФК ёки ЖКда бу тушунчалар талқинида айрим ўзига хосликлар мавжуд. Бироқ айни вақтда улар ўртасида туташ нуқталар ҳам йўқ эмас.

Айрим муаллифлар инсон ҳуқуқлари – шахс ҳукукий мақомини белгилашнинг мухим ва ажралмас таркибий қисми эканлигини кўрсатиб, бу ҳукукий мақом турлича эканлигини эътироф этади. Уларнинг фикрича, шахснинг умумий ҳукукий мақоми билан бирга, унинг тармок, тармоқлароро ва маҳсус ҳукукий мақомлари ҳам мавжуд ҳамда улар ўртасида ўзаро боғланиш борлигини эсдан чиқармаслик шарт<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг VII бобида ўз ифодасини топган шахсий ҳуқуқлар ҳам ўз мазмунига кўра юқоридаги нуқтаи назарга мосдир. Албатта, Конституцияда мужассамланган шахсий ҳуқуқлар мазмуни ўз талқинига кўра ФКда назарда тутилган шахсий ҳуқуқлардан ғоят кенг. Бу шахсий ҳуқуқлар бир вақтнинг ўзида турли ҳуқук тармоқлари орқали ҳимоя қилинади.

Илмий адабиётларда номоддий неъматларнинг ва номулкий ҳуқуқларнинг ўзига хос ҳусусиятлари тўғрисидаги фикрларда умимилик кўпроқ эканини таъкидлаш лозим. Уларда шахсий номулкий неъматларнинг қўйидаги ҳусусиятлари кўрсатиб ўтилади:

–улар фуқароларнинг турли эҳтиёжларини қондиришга қаратилган бўлади;

–улар бевосита пулда баҳоланиши мумкин эмас;

<sup>1</sup> Теория государства и право. –М.: Юрист. 1997. 173-6.

–улар шахсдан ажралмайди (бундай неъматларни сотиш, ҳадя қилиш, мерос қилиб қолдириш ва бошқача тарзда шахсдан ажратиш мумкин эмас);

–улар умумий қоидаги кўра, фуқаронинг туғилиши билан бошланиб, ўлими билан тугайди<sup>1</sup>.

Шахсий ҳуқуқларнинг номоддий характеристири иқтисодий мазмундан маҳрум ҳолда юзага келади. Бу шуни билдирадики, шахсий номулкий ҳуқуқлар баҳоланиши мумкин эмас, улар учун текинлик хосдир, уларнинг амалга оширилиши бошқа шахсларнинг тенг қийматдаги мулкий мажбуриятларини назарда тутмайди. Номулкий неъматлар обьекти, бу шахсдан ажратиб бўлмайдиган номоддий неъматлар: ном (исм), шаън, қадр-қиммат, соғлик, шахсий ҳаётсири, шахсий дахлсизлик ва бошқалардир.

Ихтиро, фойдали модель, саноат намуналарининг тегишли ҳуқуқий муносабатлар обьекти деб тан олиниши учун яна ақлий фаолият натижаларини баҳолай оладиган ваколатли органнинг қарори ҳам керак.

Қонунлар бир қатор ҳолларда баъзи номулкий ҳуқуқлар ёки шу ҳуқуқлар мазмунига кирувчи баъзи ваколатларни бошқа шахсга ўтказишни (беришни) кўзда тутади. Чунончи, товар белгисига бўлган ҳуқуқ юридик шахс қайта ташкил этилиши сабабли бошқа юридик шахсга ўтиши мумкин. Баъзи шахсий номулкий ҳуқуқлар мерос бўйича берилади (нашр қилиш ҳуқуқи, асарни қайта ишлаб чиқиш ва тарқатиш, патент олиш ҳуқуқи).

Баъзи номулкий ҳуқуқлар мерос сифатида ўтмаса ҳам, бирок, ҳуқуққа эга бўлган шахснинг вафотидан кейин учинчи шахс томонидан ҳимояланади. ФКнинг 1054-моддасига асосан, муаллифнинг вафотидан кейин асарнинг дахлсизлигини ҳимоя қилиш васиятномада кўрсатилган шахс томонидан, бундай кўрсатма бўлмаган тақдирда эса, муаллифнинг меросхўрлари, шунингдек қонунга мувофиқ, муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мажбурияти юклатилган шахслар томонидан амалга оширилади. Фуқаро вафот этган оила аъзосининг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш тўғрисида даъво билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Агар муаллиф ва (ёки) оловччи адресат вафот этган ҳолларда хатлар, кундаликлар, ёзишмалар, мақолалар ва кўрсатилган ҳужжатлар марҳумнинг хотини (эри) ва болаларининг розилиги билан чоп этилиши мумкин.

<sup>1</sup> Ярошенко Н.Б. Жизнь и здоровье под охраной закона. –М.: Юр лит. 1990. 11-б.

Шундай қилиб, баъзи субъектив номулкий ҳуқуқларнинг нафакат ўзи, балки унинг мазмунини ташкил қилувчи баъзи қисмлари ҳам ворисларга ўтиши мумкин. Шахсий номулкий ҳуқуқнинг кейинги белгиси – уларнинг вужудга келиши ва бекор бўлишидаги ўзига хослиқдир. Номулкий ҳуқуқлар баъзи юридик факт сифатидаги воқеалар бошланганда, юридик хатти-ҳаракатлар натижасида ваколатли органларнинг ҳужжатлари асосида вужудга келиши (ёки бекор бўлиши) мумкин.

Ходисаларга одамларнинг эркига боғлик бўлмаган ҳолда юзага келадиган вазиятлар киради (туғилиш, маълум ёшга кириш ва бошқалар). Демак, инсон туғилиши билан исм, соғлик, соғлом атроф-муҳит, шахсий қиёфага доир субъектив ҳуқуқларга эга бўлади.

Юридик ҳаракатлар маълум ҳуқуқий оқибатларни юзага келтириш мақсадидан қатъи назар бажарилган, лекин шу билан бирга улар қонун кучи билан вужудга келадиган фуқаролик ҳуқуқи субъективнинг қонуний ҳаракати сифатида характерланади (масалан, илмий асар яратиш (ҳаракати) муаллифлик ҳуқуқини келтириб чиқаради).

Юридик ҳужжат деганда ҳуқуқий натижаларга эришишга йўналтиришган ваколатли давлат органининг қонуний ҳаракати тушунилди. Масалан, товар белгисига бўлган ҳуқуқ ваколатли давлат органида рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб юзага келади.

Алоҳида номулкий ҳуқуқлар битим тузилиши билан юзага келади (Масалан: адвокатлик сири ҳуқуқи – топшириқнома ёки ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасидан юзага келади).

Кўпгина шахсий номулкий ҳуқуқлар унинг эгаси вафот этиши билан тўхтайди. Масалан, муаллифнинг номига бўлган ҳуқуқ, яшаш жойининг дахлсизлиги ва бошқалар. Баъзи ҳуқуқлар учун юридик ҳаракатнинг тўхташи маълум муддатнинг ўтишига боғлиқдир. Масалан, адабий асарни чоп этиш, қайта ишлаш ва тарқатиш ҳуқуқи муаллифнинг ўлимидан 50 йилгача мерос бўйича ўтиши ҳамда муомалада ҳаракат қилиши мумкин.

Шахсий номулкий ҳуқуқларнинг муҳим белгиларидан бири – шахсни индивидуаллиги, яккалигидир. Шахсий номулкий ҳуқуқлар институти бир субъект ҳуқуқидан иккинчисини ажратиш имконини беради, уларнинг ўзига хослигини ва шубҳасиз алоҳидалигини, индивидуаллигини ҳам ҳимоя қиласди, ҳар бир субъект ўзига хос номулкий ҳуқуқлар мажмуга эга, булар ҳам уни жамиятдан ажратиб туришга имкон беради, бироқ ҳар қандай ҳолда ҳам номулкий

хукуқлар алоҳида-алоҳида бўлганда, индивидуал ҳолатда устунликка эга бўлади.

## **8.8.2. Номулкий ҳукуқларнинг таснифи ва туркумлаш мезонлари**

Мулк билан боғланмаган номулкий муносабатларни цивилистик фанининг фуқаролик-ҳукуқий тартибга солиш доирасига киритиш мумкинлиги тўғрисидаги масала мунозарали эди. Фуқаролик ҳукуки фанида мулкий муносабатларнинг устуворлиги назарияси узок вақтгача ҳукмронлик қилди.

Хозирги пайтда номулкий манфаатларни, шахснинг номоддий талабларини қаноатлантиришни ҳукуқий таъминлаш объектив зарурлиги сабабли, бу масала долзарблашмоқда. Ҳукуқий ҳолатини белгилаш ва шахсий номулкий ҳукуқларни ҳимоя қилиш ҳукуқий меъёрлар тариқасида қатор тармоқларнинг ҳукуқий меъёрлари билан амалга оширилади. ФКда шахснинг илгариги қонунлардан жиддий фарқ қиласидан ҳукуқий ҳолати ва шахсий номулкий ҳукуқларни белгилашга йўналтирилган меъёрлар мустаҳкамланган.

Баъзи шахсий номулкий муносабатларнинг мулкий муносабатлар билан алоқада эмаслиги, уларнинг илмий ва услубий жиҳатидан ҳам, тартибга солиш мақсади ва бажарадиган вазифаси жиҳатидан ҳам айнан фуқаролик ҳукуқи томонидан ўрганишни асло инкор этмайди.

Шахсий номулкий ҳукуқларнинг турли кўринишдаги таснифлари мавжуд. Аввало, шахсий ҳукуқнинг мулкий ҳукуқлар билан боғланган ва боғланмаганларини фарқлашади.

Мулкий муносабатлар билан боғланган шахсий номулкий ҳукуқлар, уларни амалга оширишда мулкий ҳукуқнинг юзага келишида асос сифатида кўриниши мумкин. Чунончи, шахснинг адабий асарга муаллифлиги (шахсий ҳукуқ) ўз кетидан қалам ҳақи(гонарар) олишни вужудга келтириб, мулкий ҳукуқни юзага келтиради.

Мулкий ҳукуқлар билан боғлик бўлмаган шахсий номулкий ҳукуқларга, номга, ташқи қиёфага, шаън ва қадр-қимматга бўлган ҳукуқ киради. Бу номулкий ҳукуқлар мулкий ҳукуқ билан бирон тарзда боғланышда бўлмайди.

Шахсий номулкий ҳукуқ бир қатор белгилар билан тавсифланади. Бу белгилар жумласига номоддий кўринишдаги мустақил шахсий номулкий ҳукуқ эканлиги ва уларнинг ҳукуқ эгасидан бегоналаштирилмаслигини киритиш мумкин.

Бу муносабатларда жисмоний ва юридик шахс муайян номоддий ваколатларга эга бўлган субъект сифатида намоён бўлади. Бунда шуни таъкидлаш керакки, фуқаронинг муомала лаёқатининг чекланганлиги ёки муомалага лаёқатлизилиги шахсий номулкий ҳуқуқни (соғ-саломат бўлиш ҳуқуқи, шахсий дахлсизлик, қулай атроф-муҳитта бўлган ҳуқуқи) амалга оширишга ҳалақит бермаслиги лозим.

Баъзи ҳуқуқшунослар умуман шахсдан ажратиб бўлмайдиган обьектларга нисбатан субъектив ҳуқуқнинг бўлишини рад этадилар ва бунда шахсий ҳуқуқлар тўғрисида эмас, балки шахсий неъматлар тўғрисида гапириш тўғрирок деб ҳисоблайдилар. А.А.Ҳасанов бу масалада анъанавий нуқтаи назар ниҳоятда мақбул деган холосага келади. «Шахс» ва «ҳуқуқ» тушунчаларини бир-биридан фарқлаш шак-шубҳасиз лозим. Ахир шахс нафақат ушбу неъматлар билангина эмас, балки авваламбор онг, ирода билан, шунингдек ижтимоий, маънавий сифатлар билан тавсифланади<sup>1</sup>.

Ёзишмалар сири, шахснинг шаъни, қадр-қиммати, дахлсизлиги ва бошқалар – булар ҳақиқатан ҳам ҳақиқий ижтимоий неъматлардир, улардан фойдаланишнинг давлат томонидан кафолатланганлик имконияти – бу субъектив ҳуқуқ, яъни айтиб ўтилган неъматларни ҳимоя қилиш ҳуқуқи ва уларни бузишдан ҳимоя қилишни талаб қилиш ҳуқуқидир.

Субъектив ҳуқуқда эса ҳуқуқ соҳиби ўз ҳуқуқига риоя этилишини бир ёки бир неча шахсдан талаб қила олади. Мулкий ҳуқуқ билан боғлиқ бўлмаган кўпгина шахсий номулкий ҳуқуқлар мутлақ ҳуқуқлар ҳисобланади. Бироқ мутлақ ҳуқуқ бузилганда, бузувчига мутлақ ҳуқуқни тиклашга йўналтирилган ҳаракатни содир қилиш вазифаси топширилади, бунда ҳуқуқ соҳиби ҳуқуқни бузувчи билан нисбий ҳуқуқий муносабатда бўлади. Мулкий ҳуқуқлар билан боғлиқ бўлмаган баъзи шахсий ҳуқуқлар фақат нисбий бўлиши мумкин.

Мулкий ҳуқуқ билан боғлиқ бўлган шахсий ҳуқуқлар бир вақтнинг ўзида ҳам мутлақ, ҳам нисбий ҳуқуқий муносабатларда намоён бўлиши мумкин. Масалан, муаллифнинг асарга дахлсизлик ҳуқуқи нашриёт билан муносабатда нисбий характерга эга бўлади. Муаллиф муаллифлик шартномасига мувофиқ, унинг асари қандай кўринишда яратилган бўлса, шундай ҳолиша унинг розилигисиз ўзгартиришлар, қўшимчалар, тузатишлар киритмай, нашр этилиши-

<sup>1</sup> Ҳасанов А.А. Ўзбекистон Республикасида шахсий номулкий ҳуқуқларни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш ва ҳимоя қилишнинг айрим муаммолари. Автореф. Ю.Ф.Н. дис. –Т.: 2001 йил.

ни талаб қилиш ҳуқуқига эга. Шу вақтнинг ўзида муаллиф ўз асарининг дахлсизлиги хусусида номуайян доирадаги шахслар билан мутлақ ҳуқуқий муносабатга киришади, бундай ҳолда унинг ҳуқуки муаллифлик шартномасига эмас, балки асарни яратиш фактига асосланади.

Мулкий ҳуқуқ билан боғлиқ бўлган баъзи шахсий ҳуқуқлар фақат нисбий ҳисобланади. Чунончи, фуқаронинг тиббий сирни сақлашни талаб қилиш ҳуқуқи муайян муассасанинг тиббий ходимига юкландган. Агар ташхис, даволаш услублари ва бошқа маълумотлар бегона шахсларга маълум бўлса, у ҳолда улар сирни сақлашга доир мажбуриятга эга бўлмайдилар.

Шахсий номулкий ҳуқуқларни уларнинг фуқаролик ҳуқуқлари субъектига тегишлилиги бўйича фарқлаш мумкин. Бир хил шахсий ҳуқуқлар фақат фуқароларга тегишили бўлади (соғ-саломатликка бўлган ҳуқуқ, хусусий қиёфага, тиббий сир, фарзандликка олиш сирига бўлган ҳуқуқлар ва бошқа шахсий ҳуқуқлар) бошқалари эса, фақат ташкилотга тегишили бўлади, жумладан, фирма номига бўлган ҳуқуқ шундай ҳуқуқлар сирасига киради.

Шахсий номулкий ҳуқуқларнинг турлари ва доираси кенг. Олимлар ҳар доим ўз тадқиқот мақсадларидан келиб чиқиб, муайян ўлчовни ишлаб чиқадилар ва қўллайдилар. Натижада шахсий номулкий ҳуқуқларнинг янги қонуниятлари очилади, у ҳақда билимларимиз боййиди ва кенгаяди. Масалан, ҳозирга қадар баъзи муаллифлар шахсий номулкий ҳуқуқларни тайнинланиш мақсади бўйича<sup>1</sup>, субъектлар бўйича ва шахсга ажратиб бўлмайдиган ҳолатда тегишили бўлган маънавий неъматлар бўйича<sup>2</sup>, шахсий номулкий ҳуқуқларнинг ҳуқуқий табиати, амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари бўйича<sup>3</sup> туркумлашга ҳаракат қиласидилар.

Т.Фадеева шахсий номулкий ҳуқуқларнинг моҳиятига кўра қўйидаги турларга бўлади:

1) шахсий индивидуаллаштиришга қаратилган шахсий номулкий ҳуқуқлар: номга бўлган ҳуқуқ (юридик шахснинг номланишга бўлган ҳуқуқи), шаън, қадр-қиммат, ишбалармонлик обрўйига бўлган ҳуқуқлар;

<sup>1</sup> Гражданское право. Учебник. //Под ред.А.Г.Калпина, А.И.Масляева. –М.: 1997. 133-6.

<sup>2</sup> Жакенов В.А. Личные неимущественные права в советском гражданском законодательстве и их социальное значение. Автореф. канд. дисс. –М.: 1984. 26-6.

<sup>3</sup> Тогайназаров Ш. Гражданско-правовое регулирование личных неимущественных прав граждан СССР. –Душанбе. 1990. 34-6.

2) шахснинг жисмоний дахлсизлигини таъминлашга қаратилган шахсий номулкий ҳуқуқлар (яшаш, эркинлик, истиқомат жойи, турагар-жойга бўлган ҳуқуқлар);

3) шахснинг ички дунёси ва унинг манфаатлари дахлсизлигига қаратилган шахсий ҳуқуқлар (шахсий ва оиласвий сирлар, хусусий ишларга аралашмаслик, шаън ва қадр-қиммат)<sup>1</sup>.

А.А.Хасанов шахсий номулкий ҳуқуқларни 4 гурӯхга ажратишни таклиф этади. Уларнинг **биринчи гурӯхига**, шахснинг жисмоний бардамлигини таъминловчи (яшаш ҳуқуқи, соғлик ҳуқуқи, (саломатликни муҳофаза қилиш), соғлом атроф-муҳит ҳуқуқи) шахсий номулкий ҳуқуқларни киритилса, **иккинчи гурӯхига** шахснинг ўзига тегишли бўлган (номга бўлган ҳуқуқи, хусусий қиёфа (кўриниш)га бўлган ҳуқуқи, шаън ва қадр-қиммат ҳуқуқи) ҳуқуқлар киради. **Учинчи гурӯхни** шахснинг мухтор (автоном) ҳолатини (шахсий ҳаёт сири) таъминловчи (адвокатлик сирига бўлган ҳуқуқи, нотариал ҳаракатлар сирига бўлган ҳуқуқи, банк сирига бўлган ҳуқуқи, тиббий сир ҳуқуқи, фарзандликка олиш сирига бўлган ҳуқуқ, ёзишмалар, телефон сўзлашувлари ва телеграф хабарлари сирига бўлган ҳуқуқ, турагар-жой дахлсизлигига бўлган ҳуқуқи, шахсий ҳужжатларнинг дахлсизлик ҳуқуқи) ҳуқуқлар ташкил қилади. Тўртинчи гурӯх эса интеллектуал ва бошқа фаолият натижаларини ҳимоя қилишга йўналтирилган (фан, адабиёт, санъат асарларининг, рационализаторлик таклифлари, ихтиро, саноат намуналари, фойдали моделлар муаллифларининг номулкий ҳуқуқлари, товар белгисига бўлган ҳуқуқи) ҳуқуқларни ўз ичига олади.

Юқоридаги турли туркумлаш мезонлари шахсий номулкий ҳуқуқлар мазмунини яхшироқ англаб етишга ва тегишли даражада ҳимоя қилишга имкон беради<sup>2</sup>.

Ушбу туркумлаш мезонлари доимий равишда кенгайиб бориши табиий. Бу мезонлар асосида туркумлаш шахсий номулкий ҳуқуқлар ҳимояси учун мұхим аҳамиятга эга. Бу шахсий номулкий ҳуқуқларнинг янги турларини қонунларда мустаҳкамлаб қўйиш, улар ҳақидағи нормаларни тақомиллаштириш фуқаролик ҳуқуқи фанини ривожлантириш учун асосий манба бўлиб хизмат қилади.

<sup>1</sup> Гражданское право. –М.: Проспект. 1996. 302-б.

<sup>2</sup> Ҳасанов А.А. Ўзбекистон Республикасида шахсий номулкий ҳуқуқларни фуқаролик-ҳуқуқий тартибиға солиш ва ҳимоя қилишнинг айрим муаммолари. Автореф. Ю.Ф.Н. дис. –Т.: 2001 йил.

### **8.8.3. Шаън, қадр-қиммат ва ишчанлик обрўсини фуқаролик-ҳуқуқий ҳимоя қилиш**

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 27-моддасида ҳар ким ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажовузлардан, шахсий ҳаётига аралашишдан ҳимояланиш ҳуқуқига эга эканлиги мустаҳкамланган бўлиб, бу кўрсатмага мувофиқ қонунларда тегишли қоидалар белгиланади. ФКнинг 100-моддасига биноан фуқаро ёки ташкилот ўз шаънига доғ туширадиган ва қадр-қимматини, ишбилармонлик обрўсини пастга урадиган маълумотларнинг, агар ана шу маълумотларни тарқатувчи шахс уларнинг ҳақиқат эканлигини исбот қила олмаса, суд орқали рад қилинишини талаб этишга ҳақлидир. Бунда қонун шахсий ҳуқуқларни ҳимоя қилишда шахснинг жамиятда ўз меҳнати билан туттган ўрни, топган обрўсини назарда тутади. Фуқаролик қонунчилигига бундай қоидаларнинг бўлиши шахсларнинг ҳуқуқлари яна ҳам кенгроқ ҳимоя қилинишига алоҳида эътибор берилганлигини билдиради.

Шаън, қадр-қиммат ва ишчанлик обрўсига тажовуз қилинган тақдирда, кўп ҳолларда ҳуқуқ соҳибига моддий эмас, балки маънавий зарар етади. Маънавий зарар ҳуқуқи бузилган шахснинг жисмоний ёки руҳий изтироблари, қайғу-алам, ғам-ташвиш сингари кўринишларда намоён бўлади. Қонунга асосан, агар фуқарога унинг шахсий номулкий ҳуқуқларини бузувчи ёхуд унга тегишли бошқа номоддий неъматларга тажовуз қилувчи ҳаракатлар орқали маънавий зарар етказилса, шунингдек қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда суд ҳуқуқбузар зиммасига кўрсатилган зарарни пул орқали (моддий кўринишда) товоң тўлаш билан қоплашни юклashi мумкин.

Маънавий зарарни қоплаш харажатларини белгилашда суд ҳуқуқбузарнинг айби даражасини ва бошқа эътиборга молик ҳолатини ҳисобга олади. Суд, шунингдек зарар етказилган шахсни индивидуал хусусиятлари билан боғлиқ жисмоний ва ахлоқий қийноқлари (изтироблари, руҳий азоблари) даражасини ҳам ҳисобга олмоғи шарт. Шаън, қадр-қимматни ҳимоя қилишда кўп ҳолларда суд ҳуқуқни қайта тиклаш ёхуд ҳуқуқбузарликларни тўхтатишни таъминловчи чоралар кўради. Шаън – фуқаронинг муайян даражада тасдиqlаниши, унинг ижтимоий ҳолатидир. Қадр-қиммат эса мазкур ҳолатнинг соҳиби онгига акс эттирилиши, яъни жамият томонидан тақдирланишига кўра шахснинг ўз-ўзига берган баҳосидир. Бу

масала Ўзбекистон Республикаси Мехнат кодекси<sup>1</sup>нинг 6-моддасида айтилганидек, меҳнат соҳасида ўзини камситилган деб ҳисоблаган шахс камситишни бартараф этиш ҳамда ўзига етказилган моддий ва маънавий зарарни тўлаш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат қилиши мумкин.

Ишчанлик обрўси жисмоний ёки юридик шахснинг фуқаролик муомаласида иштирок этганидаги инсофли ёки инсофсиз ҳаракат қилишини билдиради. Бирон-бир фуқаронинг ёки ташкилотнинг номига, шаънига доғ туширишга, бадном қилишга, қадр-қимматини пастга урадиган маълумотларни тарқатишга қонун йўл қўймайди. Бундай ҳолларда ҳуқуқлари бузилган шахсларнинг манфаатлари, жиноят қонунчилиги нормалари (ЖКнинг 139-140-моддалари) кўриқланиши-кўриқланмаслигидан қатъи назар, фуқаролик қонунчилиги билан ҳимоя қилинади (ФК, 100-модда).

Ҳар қандай салбий маълумотлар шаън ва қадр-қимматни, ишчанлик обрўсини пастга урадиган ёки унга доғ туширадиган маълумотлар ҳисобланавермайди. Фуқаролик қонунида назарда тутилган маълумотлар, биринчидан, бирорвонинг шаънига доғ туширадиган ёки қадр-қимматини ишчанлик обрўсини пастга урадиган бўлиши; иккинчидан, бу маълумотлар тарқатилган бўлиши ва учинчидан, мазкур маълумотлар ҳақиқатга тўғри келавермайдиган бўлиши керак.

Шахсларнинг обрўсига доғ туширадиган маълумотлар, дейилганда турмуш доираларига, жамиятишимиз ахлоқ тамойилларига бўлган муносабатларнинг салбий баҳоланиши тушунилади.

Маълумотлар конкрет фактларга баҳо беришдан ёки шахснинг хулқини, хатти-ҳаракатини баҳолашдан иборат бўлиши мумкин. Бундай ишлар бўйича жавобгар тараф фактларнинг ҳақиқатда бўлганлигини исботласагина ёки келтирилган баҳо ва тавсиф далилларига тўғри келишини исботласагина, даъвогар олдида жавобгарликдан озод қилиниши мумкин. Агар жавобгар даъвогар шахсни тавсифловчи далилларнинг бўлганлигини исботлай олмаса ёки суд жавобгар берган баҳоси билан келишмаса, уни жавобгарликка тортиши мумкин.

Башарти, фуқаронинг шаъни, қадр-қиммати ёки ишчанлик обрўсига путур етказувчи маълумотлар оммавий ахборот воситаларида тарқатилган бўлса, айни шу оммавий ахборот воситаларида раддия берилиши лозим (ФК, 100-модда, 3-қисм).

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Мажлисининг Ахборотмаси. 1996 йил. 1-сонга илова.

Башарти, бундай маълумотлар ташкилотдан олинган ҳужжатда учраса, бундай ҳужжат алмаштирилиши ёки чақириб олиниши лозим (ФК, 100-модда, 4-қисм).

Бошқа ҳаракатларда раддия бериш тартиби суд томонидан бегиланади, лекин у обрўга путур етказувчи маълумотларни тарқатиш усулига ва характеристига мувофиқ бўлиши шарт.

Обрўга путур етказувчи маълумотларни тарқатган шахс бундай маълумотларни рад этиш билан бирга уларнинг тарқатилиши натижасида етказилган моддий ва маънавий зарарларни ҳам тўлаши лозим.

Умумий қоидага кўра, фуқаронинг ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қоидалар юридик шахснинг ишчанлик обрўсини ҳимоя этишга нисбатан ҳам тегишли йўсинда татбиқ этилади (ФК, 100-модда, 9-қисм).

Бозор муносабатлари шаклланаётган шароитда фуқаролар ва юридик шахсларнинг шаъни, обрўси, қадр-қиммати, шунингдек ишчанлик фаолияти обрўсини тиклаш, ижтимоий муносабатларда уларнинг фаолиятига одилона баҳо бериш, айниқса, катта ҳаётий аҳамиятга эга.

#### **8.8.4. Фуқаронинг исмга (номга) бўлган ҳуқуқи ва уни фуқаролик ҳуқуқий ҳимоя қилиш**

Номга бўлган ҳуқуқ муайян исмнинг соҳиби сифатида танилишига бўлган субъектив фуқаролик ҳуқуқидир. Мазкур ном воситасида фуқаро жамият аъзоси сифатида бошқа фуқаролардан ажраби туради, индивидуаллашади. Фуқаронинг исми деганда унинг исми ҳам, ота исми ва насаби (урӯф-авлоди номи) ҳам назар-да тутилади.

Ўтган мавзуларда айтганимиздек, ном олиш, яъни насаб, исм ва ота исмини олиш, номни ўзгартириш маҳсус қонунлар билан, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси ва фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд қилиш тартиби тўғрисидаги Қоидалар билан тартибга солинади.

ФКнинг 19-моддасида фуқаронинг исми билан боғлиқ қатор нормалар белгилаб қўйилган. Унга кўра агар қонундан ёки миллий одатдан бошқача тартиб келиб чиқмаса, фуқаро ўз фамилияси ва номидан, шунингдек отасининг исми билан ҳуқуқ ва бурчларга эга бўлади ҳамда уларни амалга оширади.

Қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда фуқаро тахаллусдан (түқилған номдан) фойдаланиши мүмкін.

Фуқаро фуқаролик мұомаласида яширин (аноним) тарзда ҳаракат қилишга фақат қонунда йўл қўйилған ҳолларда йўл қўйилади (масалан, мамлакатимизда муаллиф ўз асарининг номини кўрсатмасдан, аноним тарзда нашр этишга ҳақли, тижорат банкларида хорижий валюталар кўринишида омонатлар қўйишга ҳақли).

Фуқаро қонунда белгиланган тартибда ўз исмини ўзгартиришга ҳақли. Фуқаронинг ўз исмини ўзгартириши аввалги исми билан олган ҳуқуқ ва бурчларини бекор қилиш ёки ўзгартириш учун асос бўлмайди.

Фуқаро ўз исмини ўзгартирганлиги ҳақида қарздорлари ва кредиторларига хабар бериши учун зарур чораларни кўриши шарт ва у мазкур шахсларда фуқаронинг исми ўзгарганлиги ҳақида маълумот йўқлиги туфайли келиб чиқиши мүмкін оқибатлар хавфини ўз зиммасига олади.

Исмни ўзгартирган фуқаро ўзининг аввалги исмига расмийлаштирилган ҳужжатларга ўз ҳисобидан тегишли ўзгартиришлар киритилишини талаб қилишга ҳақли. Масалан, шахс никоҳга кириши муносабати билан эри (хотини) фамилиясини олиши унинг аввалги ҳужжатлари (дипломи, омонат дафтарчаси, хизмат гувоҳномаси ва шу кабилар)ни ҳам тегишли равишда ўзгартириш бериш ҳақида тегишли идоралардан талаб қилиш ҳуқуқини беради. Бироқ бу ўзгартиришларни амалга ошириш харажатлари манфаатдор шахс зиммасига тушади.

Айрим ҳолларда субъектларни, (Масалан: терговда, судда айбланувчи, судланувчи сифатида қатнашаётган шахс, банкротлик бўйича иш қўзғатилган якка тадбиркор ёки тадбиркорлик субъекти муассиси бўлган жисмоний шахсни) муайян вақтингчалик белгиланган муддатда ўз исмини ўзгартириш ҳақидаги мурожаати рад этилиши мүмкін. Фуқаро туғилган вақтида олган исмини, шунингдек ўзгартирилган исмини фуқаролик ҳолати ҳужжатларини қайд этиш учун белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиши керак.

Бошқа шахс исмидан фойдаланиб ҳуқуқ ва бурчларга эга бўлишига йўл қўйилмайди.

Ўз исми билан яшаш ҳуқуқига эътиroz билдирилаётган ёки исмидан қонунсиз фойдаланилаётганилиги муносабати билан манфаатлари бузилаётган шахс манфаатларини бузувчидан бундай ҳаракатларга чек қўйишни, раддия беришни талаб қилиши мүмкін. Агар манфаат қасдан бузилаётган бўлса, жабрланган шахс қўшим-

ча суръатда зарарни қоплашни талаб қилиши мумкин. Зарарни қоплаш учун манфаати бузилган шахснинг даромадини бериш талаб қилиниши мумкин. Манфаат қасдан бузилганида жабрланувчи маънавий зарарнинг қопланишини ҳам талаб қилишга ҳақли. Масалан, бир шахс ўзини машхур санъаткорлардан бирини номи билан кўрсатиб, чекка қишлоқларда концертлар беради. Бундан хабар топган санъаткор унинг номидан фойдаланган шахсга нисбатан ФКнинг 20-моддасида белгиланган тартибда ва асосларда даъво қилишга ҳақли.

Ислёки шахсий шаън эгаси бўлмаган, лекин оиласвий мавқеига қўра бундан манфаатдор бўлган шахс ҳам ФКнинг 20-моддаси 2-қисмига асосан ўзганинг исмидан ғайриқонуний фойдаланаётган шахсдан бу ҳаракатларга чек қўйишни ва раддия бериш ҳақидаги талабларни қўйиши мумкин. Бу шахс бошқа шахснинг ўлимидан кейин ҳам унинг исмини ва шаънини ҳимоя қилишга қаратилган талабларнинг бажарилишига ҳаракат қилиши мумкин. Ислми ва шаънини бузиш туфайли келтирилган зарарни қоплаш талаби ўлимдан кейин тан олинмайди.

## **ТҮККИЗИНЧИ БОБ БИТИМЛАР**

### **9.1. Битимлар тушунчаси ва турлари**

Битимлар деб фуқаролар ва юридик шахсларнинг фуқаролик хукуқ ва бурчларини белгилаш, ўзгартириш ва бекор қилишга қаратилган ҳаракатларга айтилади (ФК, 101-модда).

Ҳар қандай битим шахсларнинг эрки-иродаси билан боғлиқ бўлиб, муайян хукуқий оқибат туғдиришга қаратилади. Битимда фуқаро ва ташкилотларнинг маълум моддий ҳамда маданий эҳтиёжларини қондиришга қаратилган эрклари ифодаланади.

Битим шахсларнинг эрки билан боғлиқ бўлган, уларнинг иродасидан келиб чиқадиган ҳаракат бўлганлиги туфайли битимда ифодаланган эрк изҳор қилиниши, яъни бошқа шахсларга билдирилиши лозим.

Битим тузиш натижасида муайян хукуқий оқибат туғдириш учун битим тузувчи шахслар битимда ўз эркларини ифодалашдан ташқари муайян ҳаракатни қилишлари лозим бўлади. Бу ҳаракат шарт қилинган ишни бажаришга, маълум мулкни топширишга ёки маълум пулни тўлашга қаратилган бўлиши мумкин.

Фуқаролик хукуқлари ва мажбуриятларини вужудга келтириш, ўзгартириш ёки бекор қилишга қаратилган ҳолатлар сифатида юридик факт таркибига кирадиган битимлар бошқа юридик фактлардан фарқ қиласи. Масалан, юридик факт ҳисобланган ҳодиса шахсларнинг эркидан ташқари вужудга келса, битимлар фақат шахсларнинг эрки билангина тузилади.

Битимлар учун қуйидаги шартларнинг бўлиши мухимdir:

а) битим тузувчи шахс фуқаролик хукуқининг субъекти ҳисобланиши;

б) муайян битимни тузувчи шахсда бу битимни тузиш эрки бўлиши ва бу эрк маълум хукуқий оқибатлар туғдиришга қаратилган бўлиши;

в) шахснинг эрки муайян юридик факт ҳисобланган ҳаракатда ўзининг ташки ифодасини топиши, яъни маълум шаклда изҳор қилинган бўлиши керак.

Фуқаролик хукуқи фанида битимлар ўзларининг белгилари бўйича қуйидаги турларга бўлинади (классификация қилинади):

1. Битим тузувчиларнинг эрклари ифода этилишига қараб битимлар бир томонлама, икки томонлама ёки кўп томонлама бўлиши мумкин. Бир томонлама битимдан фақат бир томоннинг-

гина эрки ифодаланади, ҳуқук ва мажбурият фақат бир томоннинг иродаси бўйичагина вужудга келади, ўзгаради ёки бекор бўлади. Бир томонлама битимларга васият, меросдан воз кечиш, ишонч қоғози бериш, ваколат олмасдан вакиллик қилган шахснинг ҳаракатларини ваколат берувчи маъқуллашини мисол қилиб кўрсатса бўлади. Бир томонлама битим уни тузган шахс учун мажбуриятлар келтириб чиқаради.

Икки томонлама битимлар ҳар икки томоннинг эркига мувофиқ тузилади. Бундай битимлар – шартномалардир. Икки томонлама битимга, олди-сотди, мулк ижараси, суғурта ва бошқа шартномалар киради.

Кўп томонлама битимларда уч ва ундан ортиқ шахсларнинг эрклари ифодаланади. Кўп томонлама битимга оддий ширкат (биргаликдаги фаолият) шартномаси мисол бўлади. Кўп томонлама битимлар ҳам икки томонлама битимлар сингари ўзаро келишувлар, яъни шартномалардир.

Хулоса қилиб айтганда, ҳар қандай шартнома битим ҳисобланса ҳам, ҳар қандай битим шартнома бўла олмайди. Аксарият битимлар шартнома ҳисобланиши мумкин.

2. Битимлар муқобил ижронинг бўлиш-бўлмаслигига қараб ҳақ бараварига ва текинга тузиладиган битимларга бўлинади.

Ҳақ бараварига тузиладиган битимлар бўйича томонлардан ҳар бири қарши томон фойдасига муайян бир мулкни топшириш, пул тўлаш, ишни бажариш, биронта хизмат кўрсатиш сингари ҳаракатларни қилиш мажбуриятини олади. Ҳақ бараварига тузиладиган битимларга қарши (муқобил) ижро назарда тутиладиган битимлар олди-сотди, айирбошлаш, пудрат, суғурта каби бир қанча шартномалардир, чунки уларда томонлардан ҳар бири қарши томон фойдасига биронта ҳаракат қиласи. Масалан, сотувчи пул эвазига маълум мулкни топширади.

Текин, яъни ҳақ тўланмай тузиладиган битимлар асосида томонлардан биригина иккинчи томон фойдасига бирон-бир ҳаракат қилиш мажбуриятини олади. Бу ерда қарши (муқобил) ижро йўқ. Масалан: ҳадя, фоизсиз қарз, мулкдан текин фойдаланиш (ссуда) тўғрисидаги шартномаларни кўрсатиш мумкин.

3. Битимлар қай пайтдан эътиборан тузилган деб ҳисобланишига кўра консенсуал ва реал битимларга бўлинади.

Консенсуал битим деб ҳуқук ва мажбуриятларни ўзаро келишиш ва бундай келишувни лозим тартибда расмийлаштириш пайтда вужудга келтирадиган битимга айтилади. Мулк ижараси, маҳсулот

етказиб бериш, пудрат, контрактация сингари шартномалар консенсуал битим ҳисобланади.

Реал битим деб ўзаро келишувга мувофиқ ашёлар ёки пулни топшириш пайтида ҳуқук ва мажбуриятни вужудга келтирадиган битимга айтилади. Реал битимларга қарз, омонат, юк ташиш шартномаларини мисол қилиб кўрсатса бўлади.

## 9.2. Битимларнинг муддатлари ва шартли битимлар

Ҳуқук субъектлари ўртасида тузиладиган битимлар муайян муддатларда ижро этилади ва бекор бўлади.

Агар битимда ҳуқук ва мажбуриятларнинг вужудга келиши ёки бекор бўлиши вақти кўрсатилган бўлса, битимлар муддатли ҳисобланади. Битимларда муддатлар қўйидагича:

- а) маълум кун, ой, йил билан (масалан, 2005 йил 15 сентябрь);
- б) маълум вақтнинг ўтиши билан (масалан, бир ярим йилдан кейин ўтишини кўрсатиш);
- в) маълум бир воқеа юз бериши (масалан, дарё орқали юк ташиш – муз эриши билан) билан белгиланади.

Агар битимда унинг ижро этилиш муддати кўрсатилмаган бўлса, бундай битим муддатсиз ҳисобланади. ФКнинг 242-моддасида кўрсатилганидек, агар мажбуриятни бажариш муддати кўрсатилмаган ёки талаб қилиб олиш пайти белгилаб қўйилган бўлса, кредитор ҳар қачон ижрони талаб қилишга, қарздор эса ижрони ҳар қачон амалга оширишга ҳақли бўлади. Мажбуриятни дарҳол бажариш вазифаси қонун, шартнома ёки мажбуриятнинг моҳиятидан англашилмаса, қарздор бундай мажбуриятни кредитор талаб қилган кунидан бошлаб етти кунлик муддат ичida бажариши шарт.

Шартли битим деб тарафлар ўртасида тузиладиган битимнинг амалга оширилиши ёки бекор бўлиши, бирон-бир шартга боғлаб қўйилишига айтилади. Шартли битимлар икки хил қўринишда бўлади:

- а) шарти кечиктирилган;
- б) бекор бўлиш шарти билан тузилган битимлар.

ФК 104-моддасининг биринчи қисмида айтилганидек, агар тарафлар ҳуқук ва бурчларнинг келиб чиқишини юз бериши ёки бермаслиги номаълум бўлган ҳолатга боғлиқ қилиб қўйсалар, битим шарти кечиктириш шарти билан тузилган ҳисобланади. Айтайлик, ўй эгаси турар жойни ижарага берилишини ўғлининг маълум вақтга бошқа шаҳарга ўқиши шарти билан битим тузади, агар ўғли

бошқа шаҳарга кетмаса, бунда тарафлар ўртасида ҳеч қандай ҳуқук ҳам, мажбурият ҳам вужудга келмайди.

ФК 104-моддасининг иккинчи қисми бекор бўлиш шарти билан тузилган битимни таъкидлайди. Унда кўрсатилишича, агар тарафнинг ҳуқук ва бурчларининг бекор бўлишининг юз бериши ёки бермаслиги номаълум ҳолатга боғлик қилиб қўйсалар, бундай битим бекор бўлиш шарти билан тузилган битим ҳисобланади. Масалан, турар жойни ижарага берувчи фуқаро мұайян бир ҳол содир бўлганда, айтайлиқ, ўғлиниң ҳарбий хизматдан қайтгач, уйни бўшатиб беришни шарт қилиб, ижара шартномаси тузган бўлса, ўғли қайтиши билан ижара шартномаси бекор бўлади.

Шартли равишда мажбурият олган шахс шартга боғлиқ бўлган ҳуқуқни ёмонлаштириш ёки йўқ қилишга қаратилган ҳаракатларни қилмаслиги керак.

Агар шартнинг юз беришига, ушбу шартнинг юз беришидан манфаатдор бўлган тараф инсоғизлиқ билан ёрдамлашган бўлса, бу шарт содир бўлмаган ҳисобланади (ФК, 104-модда, 4-банд). Масалан, мол-мулкларини суғурта қилдирган шахс суғурта суммасини олиш мақсадида мол-мулкка қасдан ўт қўйиб ёндиrsa, бу ҳолда суғурта суммаси тўланмайди.

### 9.3. Битим шакллари

Битим тузишда эркни ифодалаш үсулига битим шакли деб айтилади. Битимлар оғзаки ва ёзма (оддий ёки нотариал тасдиқланган) шаклда тузилади (ФК, 105-модда, 1-банд).

ФКнинг 106-моддасига биноан қонун ҳужжатларида ёки тарафларнинг келишувида ёзма тасдиқланган шакл белгилаб қўйилмаган, жумладан, у тузилаётган вақтнинг ўзидаёқ бажариладиган битим оғзаки тузилиши мумкин. Шахснинг хатти-ҳаракатидан унинг битим тузишига бўлган хоҳиш-иродаси билиниб турган ҳолда ҳам бундай битим тузилган ҳисобланади.

Жетон, патта ёки одатда, қабул қилинган бошқа белги бериш билан тасдиқланган битим, агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, оғзаки шаклда тузилган битим ҳисобланади.

Ёзма шаклда тузилган шартнома бажаришга қаратилган битимлар, агар қонун ҳужжатлари ва шартномага зид бўлмаса, тарафларнинг келишувига мувофиқ оғзаки тузилиши мумкин.

Қонунда индамасдан, сукут сақлаш орқали ҳам битим тузилиши мумкинлиги назарда тутилади. Бу ҳолда халқимизнинг қадимдан мавжуд “сукут – розилик аломати” қоидаси амал қиласди. Бироқ бундай усуlda битим тузишга фақат чекланган ҳоллардагина йўл қўйилади. ФКниг 105-моддасига асосан сукут сақлаш қонун ҳужжатларида ёки тарафларнинг келишувида назарда тутилган ҳолларда битим тузишга бўлган хоҳиш-ироданинг ифодаси ҳисобланади.

Юқорида айтилганидек, шахснинг хулқ-атвори, хатти-ҳаракатларидан битим тузишга бўлган хоҳиш-иродаси билиниб турган ҳолларда ҳам бундай битим тузилган ҳисобанади. Бу усуlda тузилган битимларнинг номи лотинча “конклюдо” сўзидан олинган бўлиб, “тузаман” деган маънени англатади. Конклюдент ҳаракатлар шундай ҳаракатларки, улар оғзаки шаклда ҳам, ёзма шаклда ҳам ифода этилмаган бўлсада, шахснинг нияти, мақсади ҳақида ўз-ўзидан гувоҳлик бериб туради. Ёзма шаклда тузиладиган битимлар икки турга:

а) оддий ёзма;

б) нотариал идораларда, шунингдек қонунда назарда тутилган ҳолларда, бошқа органларда тасдиқланадиган битимларга бўлинади.

Оддий ёзма битим битимнинг шартларини ўз ичига олган ва тарафлар (ёки бир тараф) томонидан имзоланган ҳужжатга айтилади. Битимлар қуйидаги ҳолларда оддий ёзма шаклда тузилади:

1) юридик шахсларнинг ўзаро ва фуқаролар билан тузиладиган битимлари (чунки, юридик шахслар мавзусида айтганимиздек, юридик шахсларнинг мулки ва маблағлари унинг балансида акс эттирилиши керак. Бинобарин, юридик шахснинг турли битимлар тузиш орқали кўрган даромади ёхуд зарари ҳам бухгалтерия балансларида расмийлаштирилиши керак);

2) фуқаролар ўртасидаги белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг ўн бараваридан ортиқ суммадаги битимлар, қонунда белгиланган ҳолларда эса – битим суммасидан қатъи назар бошқа битимлар.

Ёзма битим уни тузувчилар ёки уларнинг вакиллари томонидан имзоланиши керак. Агар фуқаро жисмоний камчилиги, касаллиги ёки бошқа бирон сабаблар туфайли битимни имзолай олмаса, бу ҳолда унинг топшириғига биноан бошқа фуқаро имзолаши мумкин. Бу фуқаронинг имзоси битим тузувчи ишлаб ёки ўқиб турган ташкилоти ва яшаш жойидаги ўй бошқармаси ёки у даволанаётган муассасанинг маъмурият ёхуд нотариал идора томонидан тасдиқ-

ланиши лозим. Бундай ҳолларда битим тузган шахснинг ўзи қандай сабаб билан битимни имзолай олмаганилиги, албатта, кўрсатилиши керак.

Ташкилотлар томонидан тузиладиган ёзма битимларда мазкур ташкилот раҳбарининг имзоси ва муҳри бўлиши лозим. Баъзи юридик шахслар томонидан тузиладиган битимларда иккита имзо: ташкилот раҳбари ва бошқа мансабдор шахс, одатда, бош бухгалтер ёки бухгалтернинг имзоси бўлади.

Хатлар, телеграммалар, телефонограммалар, телетайпограммалар, факслар ёки субъектларни ва улар хоҳиш-иродаси мазмунини белгилайдиган бошқа ҳужжатларни ўзаро айирбошлаш, агар қонунда ёки тарафларнинг келишувида бошқача ҳол белгиланмаган бўлса, ёзма шаклда тузилган битимга тенглаштирилади.

Баъзи ҳолларда ёзма тузилган битим қўшимча талабга ҳам жавоб бериши лозим (муайян шаклдаги тузилиши, муҳр билан тасдиқланиши ва ҳ.к.).

Ёзма шаклда тузилган битимни бажарган тараф иккинчи тарафдан ижрони тасдиқловчи ҳужжат талаб қилишга ҳақли. Бу қоида оғзаки тадбиркорлик битимига нисбатан ҳам жорий қилинади.

Қонун билан талаб этилган битимнинг оддий ёзма шаклига риоя қилмаслик унинг ҳақиқий эмаслигига олиб келмайди, бироқ низо келиб чиқсан тақдирда, тарафларни битимнинг тузилганлигини, мазмунини ёки бажарилганлигини гувоҳларнинг кўрсатувлари билан тасдиқлаш ҳуқуқидан маҳрум қиласди (ФК, 109-модда).

Оддий ёзма шаклга риоя қилмасдан тузилган битим қонун ёки тарафларнинг келишувига бевосита зид бўлмаса, ўз ўзича ҳақиқий бўлиб саналса ҳам, низо чиқсан тақдирда битимнинг тузилганлигини ва унинг мазмунини гувоҳларнинг кўрсатмалари билан исботлаб бўлмайди.

Нотариал гувоҳлантирилган битим деб белгиланган шаклда нотариат хати бўлган, нотариус томонидан имзоланган ва гербли муҳр босилган ёзма ҳужжатга айтилади. Нотариал шаклдаги битим уни тузувчилар ёки вакиллари томонидан нотариус ҳузурида имзоланади.

Битимларни нотариал тартибда тасдиқлаш фақат қонун<sup>1</sup>да кўрсатилган ёки тарафлардан бири талаб қилган ҳоллардагина мажбурийдир. Жумладан, уй-жойларни олди-сотдиси, гаровга қўйиш

<sup>1</sup> Нотариат тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг қонунида. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Ахборотномаси. 1997. 2-сон. 42-модда.

шартномалари ва бошқа баъзи шартномалар, шунингдек мулкни васият қилиш тұғрисидаги битим (васиятнома) нотариал тартибда тасдиқланишини талаб қиласы.

Битимларнинг оддий ёзма ва нотариал тасдиқланган шаклда тузилиши баъзи мұхим асослар бүйічә белгиланған, чунончы:

бириңчидан, битимнинг ёзма шакли битим тузилгандығы фактини бир томоннинг баёнотига ёки гувохларнинг күрсатмаларыға қараганда асослироқ исботлайдыған далил бұла олади;

иккінчидан, ёзма шакл оғзаки шаклдан күра битимнинг ҳақиқиي мазмунини аниқлашга яхшироқ ёрдам беради ва зарур ҳолларда уни тегишли давлат органлари томонидан текширилишини енгиллаشتыради. Шу нүктай назардан битимнинг инсофсиз иштирокчилари томонидан баъзи ҳолларда йүл қўйиладыған суюистеъмолчиликларга қарши маълум даражада гаров бўлиб хизмат қиласы;

учинчидан, битимнинг ёзма шакли тарафлар учун мажбурий бўлиши – юридик фактларни ҳужожатлаштириш ва тарафларнинг фаолиятлари устидан назорат олиб бориш имкониятини беради;

тўртингчидан, битимларнинг ёзма шаклда расмийлаштирилиши фуқаролик муомаласи иштирокчиларини муайян тартибга, ўз эркларини аник ифода этишга ва битим билан назарда тутилган шартларни пухта бажаришга ўргатади.

Қонун баъзи ҳолларда битимларнинг ёзма ёки нотариал шаклда расмийлаштирилишидан ташқари тегишли давлат муассасаларида қайд этилишини (рўйхатдан ўтказилишини) талаб қиласы. Масалан, ер участкалари ва бошқа кўчмас мол-мулк билан боғлик битимлар (бошқа шахсга бериш, ипотека, узок муддатли ижара, меросни қабул қилиб олиш ва бошқалар) давлат рўйхатидан ўтказилиши керак (ФК, 111-модда).

Қонун бўйича талаб қилинадыған шаклга риоя қилмаслик оқибатида қонунда тўғридан-тўғри кўрсатилған тақдирдагина битимнинг ҳақиқиий саналмаслигига сабаб бўлади. Жумладан, битимнинг нотариал шаклига ёки уни давлат рўйхатидан ўтказиш талабига риоя қилмаслик битимнинг ҳақиқиий эмаслигини келтириб чиқаради. Бундай битим ўз ўзидан ҳақиқиий бўлмайди (ФК, 112-модда, 1-қисм). Бундай ҳолларда битим тузган тарафлар ҳар бир битимга биноан олинган ҳамма нарсани қайтаришга, бунинг имконияти бўлмагандан, агар ҳақиқиий бўлмаган битимнинг бошқа оқибатлари қонунда назарда тутилмаган бўлса, унинг қийматини пул билан тўлашга мажбур бўлади.

Агар тарафлардан бири нотариал тасдиқлаш талаб қилинадиган битимни тўла ёки қисман бажарган бўлса, иккинчи тараф эса – битимни нотариал расмийлаштиришдан бош тортса, суд битимни бажарган тарафнинг талаби бўйича уни ҳақиқий ҳисоблашга ҳақлидир. Бу ҳолда битимни кейинчалик нотариал расмийлаштириш талаб қилинмайди (ФК, 112-модда, 2-қисм).

Агар давлат рўйхатидан ўтказиш талаб қилинадиган битим керакли шаклда тузилган бўлиб, аммо тарафлардан бири уни рўйхатдан ўтказишдан бош тортса, суд бошқа тарафнинг талаби билан битимни рўйхатдан ўтказиш тўғрисида қарор чиқаришга ҳақли. Бундай ҳолларда битим суд қарорига мувофиқ рўйхатдан ўтказилади (ФК, 112-модда, 3-банд).

#### **9.4.Биржа битимлари**

Битимлар орасида биржа битимлари ўзига хос ҳусусиятга эга. Биржа аввалдан тайинланадиган манзил ва вақтда белгиланган қоидалар асосида очиқ савдо-сотиқ ўтказиш орқали биржа товарлари билан эркин улгуржи савдо қилиш учун шарт-шароитлар яратувчи юридик шахсdir<sup>1</sup>.

Биржаларда куйидаги битимлар тузилиши мумкин:

- бор (мавжуд) товарларнинг олди-сотди битимлари, шу жумладан, товарларни дарҳол бериб юбориш ёки етказиб бериш ёхуд товарга эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатлар топширишни кўзда тутувчи олди-сотди битимлари;
- *форвард битимлар*, яъни бир товарни етказиб бериш муддатларини кечикирган ҳолда харид қилиш ва сотишга доир битимлар;
- *фьючерс битимлар*, яъни стандарт контрактларга доир олди-сотди битимлари;

–*опцион битимлар*, яъни товарларни ёки товарлар етказиб бериш контрактларини белгиланган нархлар бўйича келгусида харид қилиб олиш ёки сотиш ҳуқуқларига доир олди-сотди битимлар.

Форвард ва фьючерс битимлари ҳамда опционлар савдосини амалга оширувчи биржа ўзининг ҳисоб-китоб (клиринг) марказлари орқали битимлар ижросини кафолатлаши шарт.

Биржаларда тузилган битимларда тегишли тарафлардан ташқари воситачилар ҳам қатнашадилар. Бунда воситачилик вазифасини брокер (олди-сотди битимлар тузилишида ўз мижозларининг

<sup>1</sup> Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. 1992. 10-сон. 394-модда.

топшириғи бүйича ва уларнинг номидан воситачилик хизматларини амалга оширувчи шахс) амалга оширади.

Биржа битимлари биржаларда рўйхатдан ўтказилади ва улар нотариал тасдиқланишин талаб этмайди (қонунда назарда тутилган ҳоллардан ташқари).

Биржа битимларининг мазмуни (товарнинг номи, микдори, нархи, ижро ўрни ва муддатидан бошқа) ошкор этилиши мумкин эмас.

Биржа битимлари биржа номидан ва унинг ҳисобидан тузилиши мумкин эмас.

Биржа битимлари фақат ёзма шаклда тузилади.

Битим билан боғлиқ низолар олдин биржалар ҳакамлик (ихтилоф) комиссиясида ҳал этилади. Қарордан рози бўлмаган томон судга мурожаат этишга ҳақли.

## 9.5. Битимнинг ҳақиқий саналиш шартлари

Битимлар ҳақиқий саналиши учун қўйидаги шартларга жавоб бериши:

биринчидан, битимларнинг мазмуни қонунга ва қонун асосида чиқарилган актларга, умуминсоний қоидаларга мувофиқ бўлиши;

иккинчидан, битимларни тузувчи шахслар муомала лаёқатига эга бўлишлари;

учинчидан, битимлар кўриниш учунгина тузилмай, балки чиндан ҳам юридик оқибат түғдириш мақсадида тузилган бўлиши;

тўртинчидан, нотариал гувоҳлантириши ёки давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлган битимлар ҳақиқий саналмаслиги хавфи остида қонун билан талаб қилинган шаклда расмийлаштирилиши керак.

Шунингдек, ҳўжалик шартномаларини ҳўжалик юритувчи субъектлар юридик хизмати (ёки адвокати)нинг имзосисиз тузишга йўл қўйилмайди. Айни вақтда, қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақининг икки юз бараваридан ортиқ суммадаги шартномалари юридик хизмати (ёки адвокати)нинг ёзма хулосасидан кейингина тузилади<sup>1</sup>.

Юқорида кўрсатилган талабларга риоя қилинмай тузилган битимлар тузилган пайтдан эътиборан ўз ўзидан ҳақиқий саналмайди.

<sup>1</sup> "Ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳукукий базаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1998. 9-сон. 170-модда.

Бундай битимлар мутлақ ҳақиқий саналмайдиган битимлар деб аталиб, ҳеч қандай ҳуқук ва мажбуриятларни вужудга келтирмайди.

Мутлақ ҳақиқий саналмайдиган битимлар жумласига қонун талаблариға мувофиқ бўлмаган (ФК, 116-модда), Ўзбекистон Республикасининг манфаатлариға хилоф равишда тузилган (Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 175-моддаси), ўн тўрт ёшга тўлмаган шахс томонидан тузилган (ФК, 117-модда), қалбаки ва қўзбўяма-чилик учун тузилган битимлар (ФК, 124-модда) ўз ўзидан ҳақиқий саналмайди.

Ҳақиқий саналмайдиган битим юзасидан ижрони, мулк топширилишини ёки пул тўланишини талаб қилиш мумкин эмас.

Битим бутунлай ҳақиқий саналмаганидек, баъзи ҳолларда унинг айрим қисми ҳақиқий бўлмаслиги мумкин. Битимнинг муҳим қисми, яъни унинг нарсасини, юридик табиатини ёки мақсадини ва бошқа муҳим шартларини кўрсатувчи бандлари ҳақиқий бўлмаганида битим бутунлай юридик кучга эга бўлмайди. Масалан, фуқаронинг ўзига уй-жой қуриш учун берилган ер участкасини сотиши тўғрисида тузган битими бутунлай ҳақиқий саналмайди.

Битимнинг муҳим бўлмаган қисмлари, яъни битимнинг юқорида кўрсатилган аҳамиятга эга бўлмаган бандлари қонунга мувофиқ келмаган тақдирда, унинг қолган, қонунга хилоф бўлмаган қисмлари ҳақиқий саналади. Бу ҳақда ФКнинг 128-моддасида битимнинг бир қисми ҳақиқий саналмаслиги битимга бу ҳақиқий саналмаган қисм қўшилмаса ҳам у тузилган бўлар эди, деб тахмин қилиш мумкин бўлса, унинг бошқа қисмларининг ҳақиқий саналмаслигига сабаб бўлмайди, деб кўрсатилган.

Ҳақиқий бўлмаган битим, бу тўғрида даъвонинг қилиниш-қилинмаслигидан қатъи назар, тузилган пайтданоқ ўз-ўзидан мутлақо ҳақиқий эмас деб танилади. Агар бутунлай битим суд ёки хўжалик суди муҳокамасида бўлса, фақат унинг ҳақиқий эмаслиги таъкидланади ва унга биноан қонунда кўрсатилган оқибатларнинг татбиқ этилиши лозимлиги кўрсатилади.

Юқорида кўрсатилган ўз-ўзидан ҳақиқий саналмайдиган битимлардан ташқари низоли битимлар ҳам бўлади. Бундай битимларнинг содир бўлмаслиги учун: биринчидан, битимни тузувчи шахс ўз томонидан тузилаётган битимнинг характеристини ва ҳуқуқий оқибатларини аниқ, равшан билиши; иккинчидан, битим тузувчи шахснинг эрки ўзи томонидан, бошқа бирорларнинг таъсиридан ташқари ҳолда ифодаланиши; учинчидан, битим

тузувчи шахснинг эрки етарли даражада етук, мукаммал бўлиши керак.

Юкорида кўрсатилган талабларга риоя қиласлик тузилган битим тузилиши пайтида ҳақиқий саналса ҳам, кейинчалик бундай битимлар тўғрисида низо қўзғатилиши мумкин. Бундай битимлар тузилганидан сўнг тарафларга нисбатан муайян ҳуқуқ ва мажбуриятлар даъво қўзғатилгани ҳолда у ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Низоли битимлар жумласига, ўз ҳаракатларининг аҳамиятини тушуна олмайдиган ёки уларни бошқара олмайдиган фуқаро томонидан тузилган (ФК, 121-модда) янгилишиш таъсирида тузилган (ФК, 122-модда), алдаш, зўрлик, қўрқитиш бир тараф вакилининг иккинчи тараф билан ёмон ниятда келишуви ёки оғир ҳолатлар юз бериши таъсирида тузилган (ФК, 123-модда), мумомала лаёқати чекланган фуқаро томонидан тузилган (ФК, 120-модда), юридик шахс ҳуқуқий лаёқатидан ташқарига чиқадиган битимлар (ФК, 125-модда) киради.

Бундай низоли битимлар тўғрисида даъвони жабрланган шахснинг ўзи, прокурор ёки бошқа шахсларнинг манфаатларини кўзлаб судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлган давлат органлари, жамоа хўжалиги, кооператив ва бошқа жамоат ташкилотлари ҳамда айрим фуқаролар қўзғата оладилар.

Ҳақиқий эмас деб топилган битим у тузилган пайтдан бошлаб ҳақиқий эмас деб ҳисобланади. Битимнинг мазмунидан унинг фақат келажак вақт учун бекор қилиниши мумкинлиги англашилса, ҳақиқий эмас деб топилган битим келажак вақт учун ҳаракатдан тўхтайди (ФК, 127-модда).

## **9.6. Ўз-ўзидан ҳақиқий саналмайдиган битим турлари ва уларнинг ҳуқуқий оқибатлари**

Қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келмайдиган мазмундаги битим, шунингдек ҳуқуқ-тартибот ёхуд ахлоқ ёки ахлоқ асосларига атайн қарши мақсадда тузилган битим, ФКнинг 116-моддасида кўрсатилганидек, ўз-ўзидан ҳақиқий эмасдир. Бу моддада кўрсатилган “қонун” сўзи кенг маънода қўлланилади. Бу модда фақат Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан чиқарилган ҳужжатларни бузуб тузилган битимларгагина эмас, балки қонунлар асосида чиқарилган барча ҳужжатларни ҳам бузуб тузилган битимларга татбиқ этилади.

Қонун талабларига мувофиқ бўлмаган битим ҳақиқий саналмагани ҳолда, бундай битим бўйича тарафларнинг ҳар бири иккинчи тарафга битимга биноан олинган ҳамма нарсани қайтаришга, олинган нарсанинг ўзини қайтариб бериш имконияти бўлмаган ҳолда эса, агар ҳақиқий бўлмаган битимнинг бошқа оқибатлари қонунда назарда тутилмаган бўлса, унинг қийматини пул билан тўлашга мажбурдир. Масалан, Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонуннинг 90-моддасига мувофиқ, қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада жамият активлари баланс қийматининг йигирма беш фоизидан эллик фоизгачасини ташкил этувчи мол-мулк хусусида бўлган йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор кузатув кенгаши томонидан яқдиллик билан қабул қилинади. Агар жамиятнинг активларининг 50 фоизидан юқори суммадаги шартномани кузатув кенгаши имзоласа, у ҳақиқий эмас деб топилади.

Ўзбекистон Республикасининг манфаатларига хилоф мақсадларда тузилган битим ҳақиқий саналмайди. Фараз, ёмон ният билан атайин давлат ва жамият манфаатларига хилоф мақсадларда тузилган битим қонунни жиддий равишда бузиш, деб қаралади. Бинобарин, бундай битимларни тузувчилар учун ҳуқук нормаларида қаттиқ мулкий маъсулият белгиланади ҳамда бу битим мутлақо ҳақиқий саналмайди. Масалан, фуқарога уй-жой қуриш учун ажратилган ер участкасини бутунлай ёки қисман олди-сотди тўғрисидаги ёки муомаладан чиқарилган ашёлар, чунончи: қорадори, наша ва бошқаларни олди-сотди тўғрисидаги битимлар мутлақо ҳақиқий саналмайдиган битимлар жумласидандир.

Битим атайин давлат ва жамият манфаатларига хилоф мақсадларда тузилганлиги сабабли ҳақиқий саналмагани ҳолда қўйидагича ҳуқуқий оқибатларни вужудга келтиради:

1) битим тузувчиларнинг ҳар қайсисида ғараз ният бўлса, ҳар икки тараф томонидан бажарилган битим юзасидан олинган ҳамма нарсалар ундирилиб, давлат даромадига ўтказилади;

2) битим фақат бир тараф томонидан бажарилганида эса, иккинчи тарафдан унинг олган ҳамма нарсаси ва унинг эвазига биринчи тарафга тўлаши лозим бўлган нарсалари ундирилиб, давлат даромадига ўтказилади;

3) битимлар тузишда бир тарафдагина ғараз бўлган тақдирда, унинг битим бўйича олган ҳамма нарсаси иккинчи тарафга қайтариб берилиши лозим, иккинчи тараф олган ёки битимнинг ижроси эвазига олиши лозим бўлган нарсалар ундирилиб, давлат даромадига

Ўтказилади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 175-моддасида Ўзбекистон Республикаси манфаатларига хилоф равишда битимлар тузганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Қалбаки ва қўзбўямачилик учун тузилган битимлар ҳам ҳақиқий саналмаслиги мумкин.

Қалбаки битим – тарафларнинг келишуви бўйича юридик оқибатлар туғдирмаслик нияти билан фақат қўриниш учунгина тузилган битим бўлиб у ҳақиқий саналмайди (ФК, 124-модда).

Қўзбўямачилик учун тузилган битим деб бошқа бир битимни яшириш мақсадида тузилган битимга айтилади. Агар битим бошқа бир битимни яширмоқ учун тузилган бўлса, бу ҳолда тарафлар томонидан ҳақиқатда назарда тутилган битимга оид қоидалар қўлланилади. Қўзбўямачилик учун тузилган битим барча ҳолларда ҳақиқий саналмайди. Бундай битим билан яширилган битим қонун талабларига жавоб бериш-бермаслигига қараб ё ҳақиқий бўлади ёки ҳақиқий эмас деб топилади.

Агар қўзбўямачилик учун тузилган битим қонунга хилоф бўлса ҳам, жамият ва давлат манфаатларига қарши қаратилган бўлса, ҳар икки тарафнинг битим юзасидан нарса олганлари бир-бирига қайтарилади. Аммо битим жамият ва давлат манфаатларига хилоф мақсадларда тузилган бўлса, ҳар икки тарафнинг олган нарсаси давлат даромадига ўтказилади.

Муомалага лаёқатсиз шахслар томонидан тузилган битимлар тўғрисида шуни айтиш керакки, битимнинг ҳақиқий саналиши учун уни тузувчи шахслар муомалага лаёқатли бўлишлари керак.

Муомалага лаёқатсиз фуқаролар, жумладан, руҳий касаллар ёки ўн тўрт ёшга тўлмаган болалар учун битимларни уларнинг қонуний вакиллари: ота-оналар, фарзандликка олувчилар ёки васийлари тузадилар.

Ўн тўрт ёшга тўлмаганлиги, шунингдек руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги сабабли муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаро томонидан тузилган битимлар ҳақиқий саналмайди, тарафларнинг ҳар қайсиси битим юзасидан олган нарсаларининг ҳаммасини иккинчи тарафга қайташишга мажбур, олинган нарсани натура бараварида қайташи мумкин бўлмаса, унинг қийматини пул билан тўлашга мажбур.

Бундан ташқари, муомалага лаёқатли тараф агар иккинчи тарафнинг муомалага лаёқатсизлигини билган бўлса, ёки билиши лозим бўлган бўлса – унинг битим туфайли қилган харажатларини,

мулкининг йўқолиши ёки заарланишидан келган зиёнларни шу вояга етмаган шахсга тўлашга мажбур.

Ёш болалар тузилиш вақтидаёқ ижро этиладиган майда миший битимлар, жумладан, қalam, дафтар, умуман ўзлари учун зарар бўлган нарсаларни олиш бўйича битим тузишлари мумкин.

## **9.7. Низоли битимларнинг турлари ва уларнинг ҳақиқий саналмаслиги оқибатлари**

Ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаган ўсмирлар қисман муомала лаёқатига эга бўлсаларда, битимларни отоналари, фарзандликка олганлар ёки ҳомийлари розилиги билан тузадилар. Аммо уларнинг кундалик эҳтиёжларини қондиришга қаратилган ва ўзлари учун зарарли бўлмаган миший битимларни мустақил равишда тузишлари мумкин. Ўсмир томонидан тузилган битим (агар бу битим унинг ота-оналари ёки фарзандликка олган ёхуд ҳомийлари розилигидан ташқари тузилган бўлса) ота-оналарининг ёки фарзандликка олганларнинг ёхуд ҳомийларининг даъвосига биноан суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин. Демак, бундай битимлар, умуман, ҳақиқий саналсада, улар тўғрисида низо қўзғатилиши ва битим тузувчиларнинг қонуний вакиллари томонидан қўзғатилган даъволарга биноан суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин. Бундай ҳолда, мазкур битим бўйича тарафларнинг ҳар қайсиси битим юзасидан олган нарсаларининг ҳаммасини иккинчи тарафга қайтаришга, олинган нарсани натура бараварида қайтариш мумкин бўлмаса, унинг қийматини пул билан тўлатишга мажбур. Муомалага лаёқатли тараф, бундан ташқари, агар иккинчи тарафнинг муомалага лаёқатсизлигини билган бўлса, ёки билиши лозим бўлган бўлса, унинг битим туфайли келган харажатларини мулкнинг йўқолиши ёки заарланишидан келган зиёнларни шу вояга етмаган шахсга тўлашга мажбур.

Спиртли ичимликларни ёки гиёхванд воситаларини суистеъмол қилиш оқибатида муомала лаёқати чекланган фуқаро томонидан ҳомийсининг розилигисиз тузилган битимни суд ҳақиқий эмас деб топиши мумкин (ФК, 120-модда).

Ўз ҳаракатларининг аҳамиятини тушунишга ёки уларни бошқаришга қобилиятли бўлмаган фуқаро томонидан тузилган битим деб муомалага лаёқатли бўлса-да, битим тузиш пайтидан қандайдир таъсиrlар остида (Масалан: гипноз, психотропик дори) ўз ҳаракатларининг аҳамиятини тушуна олмайдиган ёки уларни идора қила

олмайдиган ҳолатда бўлган шахс томонидан тузилган битимга айтилади. Бундай битим суд томонидан ҳам ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Юқорида кўрсатилган икки ҳолдан биринчисида даъволар муомалага лаёқати чекланган фуқаро томонидан унинг ҳомийси қўзғатса, иккинчи ҳолда, яъни битим муомалага лаёқатли шахс томонидан тузилган ҳолда унинг ўзи томонидан қўзғатилиши мумкин. Агар бундай битимлар ҳақиқий эмас деб топилса, тарафларнинг ҳар қайсиси битим юзасидан олинган барча нарсаларини иккинчи тарафга қайтаришга, агар олинган нарсани натура бараварида қайтариш мумкин бўлмаса, унинг қийматини тўлашга мажбур бўлади.

Бундан ташқари, битим тузиш пайтида ўз ҳаракатларининг аҳамиятини тушунмаган ёки уларни идора эта олмаган тарафга иккинчи тараф, агар ўзи билан битим тузган фуқаронинг шундай ҳолатда бўлганилигини билган ёки билиши лозим бўлса, унинг битим юзасидан қилган харажатларини, мулкнинг йўқолиши ёки заарланиши сабабли кўрган зиёнларни тўлаши лозим.

Жиддий аҳамиятга эга бўлган янгилишиш таъсири остида тузилган битим янгилишиш таъсирида ҳаракат қилган тарафнинг даъвоси бўйича суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Жиддий янгилишиш таъсирида бўлиб битим тузища, бундай битим тузувчи шахс битимда нарса, хусусан, бу нарсанинг сифати тўғрисида, битим тузувчи контрагентнинг (қарши тараф-нинг) шахси ҳақида нотўғри тасаввурда бўлади.

Агар жиддий аҳамиятга эга бўлган янгилишиш таъсирида тузилган битим ҳақиқий эмас деб топилса, тарафлардан бири иккинчи тарафга битим юзасидан олган барча нарсаларини қайтаришга, олинган нарсани натура бараварида қайтариш мумкин бўлмаганида эса унинг қийматини тўлашга мажбур. Бундан ташқари, ўз даъвосига кўра битим ҳақиқий эмас деб топилган тараф, янгилишиш иккинчи тарафнинг айби билан юз берганлигини исботлай олса, иккинчи тарафдан ўзига етказилган ҳақиқий зарарни тўлашни талаб қилишга ҳақли. Агар бу ҳол исботланмаса, ўз даъвосига кўра битим ҳақиқий эмас деб топилган тараф иккинчи тарафнинг талаби билан, башарти, ҳатто янгилишиши тарафга боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра юз берган бўлса ҳам, етказилган ҳақиқий зарарни унга тўлаши шарт (ФК, 122-модда).

Алдаш, зўрлаш, кўрқитиш таъсири остида ёки бир тараф вакилининг иккинчи тараф билан ёмон ниятда ёхуд фуқаро учун

оғир ҳолатларнинг юз бериши оқибатида тузилган битим жабрла-  
нувчининг даъвоси бўйича ҳақиқий саналмаслиги мумкин.

Алдаш таъсири остида битим тузилишида битим тузувчи  
иккинчи томонни атайнин ёмон ният билан янглиширади. Бу ҳолда  
алданувчи томон битимнинг нарсаси ёки унинг шартлари тўғрисида  
нотўғри тасаввур қиласди. Уй-жойларни эгаликка бериш ҳақидаги  
қарор ва унга асосан эгалик хуқуқи тўғрисида берилган ордер би-  
тимлар фуқаролик қонунчилигига белгиланган асосларда суд  
томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Қўрқитиш таъсири остида битим тузилишида жабрланган шахс  
ўзига ёки яқин кишиларига бирор мулкий ёки шахсий зарар  
етказилишидан қўрқиб, битим тузишга мажбур бўлади.

Зўрлик дейилганда бошқа шахснинг эрки шу шахсни битим  
тузишга мажбур қилиш мақсадида унинг ўзига ёки яқин кишиларига  
жисмоний азоб етказишдан иборат бўлган ғайриқонуний қилмиш  
тушунилади.

Бир тараф вакилининг иккинчи тараф билан ёмон ниятда  
келишуви туфайли битим тузилса, вакилнинг ёки у билан битим  
тузувчининг манфаатлари назарда тутилиб, унда вакил қилинувчи-  
нинг зарарига қаратилган ҳаракат қилинади. Масалан, муайян  
нарса сотиб олиш учун вакил қилинган шахс сотувчи билан ёмон  
ниятда ўзига маълум мукофот берилиши шарти билан нарсани  
юқори баҳода сотиб олиш тўғрисида келишса, юқоридаги ҳол юз  
беради.

Оғир ҳолатларнинг вужудга келиши туфайли тузилган битимда  
тарафлар бири қаттиқ муҳтоҗлик таъсирида ҳаракат қиласди ва ўзи  
зарари очиқдан-очиқ қўриниб турган битимни тузади.

Алдаш, зўрлик, қўрқитиш, бир тараф вакилининг иккинчи  
тараф билан ёмон ниятда келишиши таъсирида тузилган битим,  
шунингдек оғир ҳолатлар юз бериши туфайли тузилган битим  
ҳақиқий эмас деб топилса, бу ҳолат иккинчи тараф битим юзасидан  
олган нарсасини жабрланувчига қайтариши, олинган нарсани нату-  
ра бараварида қайтариши мумкин бўлмаганида эса, унинг қийма-  
тини тўләши лозим. Битим юзасидан жабрланувчининг иккинчи  
тарафдан асоссиз олинган мулки давлат даромадига ўтказилади.  
Бундан ташқари, иккинчи тараф битимнинг ҳақиқий эмас деб  
топилиши туфайли вужудга келган харажатларнинг, йўқолган мол-  
мулк ва етказилган зарарни жабрланувчига тўлаши шарт (ФК,  
123-модда).

ФКнинг 125-моддасига асосан, юридик шахс томонидан унинг таъсис ҳужжатларида (таъсис шартномаси, низом, устави) аниқ чегаралаб қўйилган мақсадларга зид ҳолда тузилган ёки тегишли фаолият билан шуғулланишга лицензияси бўлмаган юридик шахс томонидан тузилган битим унинг муассиси (иштирокчиси) ёки ваколатли давлат органининг даъвоси бўйича суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

**Ўнинчи боб**  
**ВАКИЛЛИК ВА ИШОНЧНОМА**  
**10.1. Вакиллик тушунчаси**

Вакиллик деб бир шахснинг иккинчи шахс номидан юридик ҳаракатларни амалга оширишига айтилади. Ишончномага, қонунга, суд қарорига ёки вакил қилинган давлат органининг хужжатига асосланган ваколат билан бир шахс (вакил) томонидан бошқа шахс (ваколат берувчи) номидан тузилган битим ваколат берувчига нисбатан фуқаролик ҳуқуқ ва мажбуриятларини бевосита вужудга келтиради, ўзгартиради ва бекор қиласи (ФК, 129-модда),

Вакилликнинг моҳияти шундаки, бунга асосланиб тузилган битимлар фақат ваколат берувчи учунгина муайян ҳуқуқ ва мажбуриятларни туғдиради, ўзгартиради ва бекор қиласи. Вакилнинг шахсан ўзи эса, битимлар юзасидан ҳеч қандай ҳуқуқ ва мажбуриятлар олмайди. Кишининг шахси билан боғлиқ бўлган, шунингдек қонунларда назарда тутилган битимларни вакил орқали тузишга йўл қўйилмайди. Масалан, никоҳ шартномасига киришиш алиментларни ундириш ёки тўлаш билан боғлиқ мажбуриятлар.

Вакиллик орқали ҳуқуқ лаёқатини амалга ошириш, яъни ҳуқуқлар олиш ва мажбуриятларни бажариш мумкин бўлмаганлиги сабабли вакилларнинг хизматига фуқаролар ҳам, юридик шахслар ҳам муҳтож бўладилар. Чунончи, фуқаро ўзига қарашли уй-жойни вакил орқали бошқариш ёки сотиши, ташкилотлар эса, вакиллар орқали бир-бирлари билан ҳар хил шартномалар тузишлари мумкин.

Муомалага лаёқатли фуқароларгина вакил бўлишлари, вакиллик қилишлари мумкин. Истисно сифатида айрим ҳолларда ўн олти ёшга тўлиб, паспорт олган фуқаро ҳам вакил бўлиши мумкин. Фуқароларнинг фақат бир-бирлари учунгина эмас, баъзи ҳолларда ташкилотлар учун ҳам вакил бўлишларига қонун йўл қўяди. Масалан, савдо ва таъминот бўлимларининг агентлари, маҳсулот тайёрловчи вакил ва бошқа ходимлар ташкилотларнинг вакиллари сифатида иш бажарадилар.

Юридик шахс фақат ўз уставида назарда тутилган ҳолларда ёки ўз фаолиятининг характеристига мувофиқ бўлгандагина фуқароларнинг вакил ёки бошқа юридик шахс вакили сифатида ҳаракат қилиши мумкин.

Ташкилотларнинг мулкий ҳуқуқларини, шунингдек фуқароларнинг шахсий ва мулкий ҳуқуқларини қўриқлаш мақсадида қонун

кимларнинг вакил сифатида ҳаракат қила олмаслигини белгилайди. Жумладан, ташкилотнинг бош бухгалтерига ўзи ишлаб турган ташкилот учун банқдан ва молия органларидан нақд пул, шунингдек бошқа товар, моддий бойликлар олишга йўл қўйилмайди. Савдо корхоналари ва бошқа ташкилотлар ўзларидан олинган ваколатномалар юзасидан ҳисобот бермаган мансабдор шахсларни товар ва бошқа ашёларни олиш учун вакил қила оламайди.

Судда: вояга етмаган шахслар, васийлик ва ҳомийлик остидаги шахслар фуқароларнинг вакиллари сифатида қатнаша олмайдилар. Судьялар, терговчилар, прокурорлар қонуний вакил сифатида (отононалар, фарзандликка олганлар, васийлар, ҳомийлар) шунингдек тегишли суд ёки прокуратуранинг вакили сифатида қатнашиш ҳолларидан ташқари, судда вакил бўла олмайдилар (ФПК, 51-модда).

Ваколат берувчи ҳар қандай шахс муомалага лаёқатли ва муомалага лаёқатсиз фуқаролар ҳам, шунингдек юридик шахслар ҳам бўлиши мумкин.

## 10.2. Ваколат ва унинг турлари

Вакил ўзида бўлган ваколатга биноан ўзини вакил қилувчига нисбатан муайян ҳуқуқ ва мажбуриятларни вужудга келтиради, ўзгартиради ва бекор қиласди. Бинобарин, ваколат деб вакилнинг бошқа шахс номидан муайян юридик ҳаракатлар қилишга ва шу билан у учун ҳуқуқий оқибатларни вужудга келтиришга қаратилган ҳуқуқ тушунилади. Вакилнинг ваколатлари қонунга, суд қарорига, вакил қилинган давлат органларининг ҳужжатига ёки ишончномага асосланган бўлиши мумкин.

Вакил ўз ваколатини ваколат берувчининг манфаатларини кўзлабгина амалга оширишга мажбур. Бинобарин, вакил ўзига ваколат берган шахс номидан, шахсан ўзига нисбатан ҳам, у айни бир вақтда вакили бўлган бошқа шахсга нисбатан ҳам битимлар тузиши мумкин эмас – тижорат вакиллиги бўлган ҳоллар бундан мустасно. (ФК, 129-модда, 3-банд).

Агар ошкора шахс номидан ҳаракат қилиш учун ҳеч қандай ваколат бўлмаса ёки ваколатли бўлса ҳам унинг доирасидан четга чиқилган бўлса – бу ҳолда тузилган битимлар бўйича ким номидан ҳаракат қилган бўлса, мазкур шахс учун ҳуқуқ ва мажбуриятлар вужудга келмайди.

ФКнинг 132-моддасида кўрсатилганидек, бошқа шахс номидан тузилган ёки ваколатлардан ташқари чиқиб тузилган битим ваколат берган шахс кейинчалик маъқулланган тақдирдагина, унинг учун хукуқ ва мажбуриятларни вужудга келтиради, ўзгартиради ва бекор қиласи. Битим тузишга ваколат берган шахс битимнинг ижрога қабул қилинганинидан гувоҳлик берувчи ҳаракатлар қилган ҳолда ҳам бундай битим маъқулланган ҳисобланади.

Вакил қилувчи томонидан битимнинг келгусида маъқулланиши у тузилган вақтдан эътиборан ҳақиқий деб ҳисоблашга хукуқ беради.

Битимлар тузишда вакил ўз эрки билан ҳаракат қиласи. Бу ҳолда у ўзига берилган ваколатнинг ҳажмига, амалдаги хукуқий нормаларнинг қоидаларига, вакил қилувчининг берган кўрсатмаларига асосланиб иш тутади. Битим тузилишида вакилнинг эрки ҳам ваколат доирасида ифодаланганиниги сабабли вакилнинг жиддий равишда янгилиши, алданиш, кўркитилиш ёки зўрлик таъсирида тузилган битим суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Вакил воситачидан фарқ қиласи. Агар вакил битим тузишда бошқа шахс номидан ҳаракат қилса, комиссиронер бошқа бир шахс комитетент топшириғи бўйича ва унинг ҳисобига ҳаракат қилса ҳам битимни ўз номидан тузади.

Вакил вакил қилувчи томонидан юридик ҳаракатлар қилиш, вакил қилувчи учун муайян фуқаролик хукуқларини вужудга келтириш, ўзгартириш ёки бекор қилиш ниятида бўлганлигининг битим тузувчи шахсларга очик-равshan билдириши лозим. Вакилнинг бундай ниятда бўлганлиги вакил ҳаракат қилиб турган вазиятнинг ўзидан ҳам кўриниб туриши мумкин. Масалан: чакана савдо билан шуғулланувчи корхонада ишловчи сотувчи, кассир ва бошқаларнинг ҳаракатларини, уларнинг муайян бир ташкилот вакиллари бўлишларини билдиради.

Вакил билан ваколат берувчи ўртасида вужудга келадиган хукуқий муносабатлардан вакилнинг юридик ҳаракатлари туфайли, жумладан, у томонидан тузилган битим туфайли, ваколат берувчи билан учинчи шахслар ўртасида вужудга келадиган хукуқий муносабатни ажратиш керак. Агар вакил билан ваколат берувчи ўртасидаги муносабат (ички муносабат) шартномага, масалан, топшириқ ёки меҳнат шартномасига асосланган ёхуд бошқа турдаги юридик фактларга, чунончи: туғилганлик, васийлик, фарзандликка олиш фактларига асосланган ваколат берувчи учинчи шахс

ўртасидаги ҳуқуқий муносабат (ташқи муносабат) вакилнинг учинчи шахс билан тузган битими асосида вужудга келади.

Ваколат қандай асосларда вужудга келишига қараб, вакиллик икки турга: қонун бўйича вакиллик ва шартнома бўйича, яъни ихтиёрий вакилликка бўлинади.

Вакиллик ва унинг ваколати норматив акт билан белгиланган ҳолда бундай вакиллик муомалага лаёқатсиз шахслар: ёш болалар, руҳий касаллар, ақли заифларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари қўриқланишини таъминлашга қаратилади. Суд органларида вакиллик қилиш тўғрисидаги қоидалар тегишли қонунлар билан белгиланади.

Ота-оналар, фарзандликка олувчилар ва васийлар ФКнинг 131-моддасида белгиланганидек, қонуний вакиллар ҳисобланадилар.

Шартномали, яъни ихтиёрий вакилликда вакил ва унинг ваколати вакил қилувчининг эрки билан белгиланади. Бундай вакилликда вакил ва унинг ваколати вакил қилувчи томонидан кўрсатилади.

Шартнома бўйича вакилликда меҳнат шартномасига биноан ташкилот номидан берилган ваколатномага асосан ҳаракат қилувчи хизматчи, масалан, ташкилотларнинг юрист маслаҳатчилари, таъминот вакиллари ва бошқалар вакил бўлиб ҳисобланадилар.

Топшириқ шартномасига биноан берилган ваколатномага асосан ҳаракат қилувчи шахслар ҳам шартнома бўйича вакил бўла олади.

Корхона раҳбари корхона номидан бошқа субъектлар билан муносабатларга киришганда маҳсус ёзма ваколатномасиз иш юритишга ҳақли.

### **10.3. Ишончнома**

Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 134-моддасида таърифланишича ишончнома деб бир шахс (ишонч билдирувчи) томонидан иккинчи шахсга (ишончли вакилга) учинчи шахслар олдида вакиллик қилиш учун бериладиган ёзма ваколатга айтилади. Ишончли вакил ўзига ишончнома билан берилган ваколатлар доирасида иш олиб боради. Ишончноманинг берилиши вакил учун ваколат белгилашга қаратилган бир томонлама битим сифатида кўрилади. Ишончнома топшириқ шартномаси, меҳнат шартномаси, экспедиция шартномаси ва бошқа шартномалар асосида берилади.

Юридик шахс номидан, шунингдек юридик шахсга ҳам ишончнома фақат юридик шахснинг уставида (низомида) кўрсатилган

фаолият мақсадларига зид бўлмаган битимларни тузиш учунгина берилиши мумкин (ФК, 134-модда, 2-банд).

Ишончнома бир шахс, шунингдек бир неча шахслар номидан бир ёки бир неча шахслар номига ҳам берилиши мумкин. Чунончи, уй-жой қуриш кооперативининг вакили кооператив аъзоларининг барчаси томонидан ёки умумий мажлиснинг ваколатига биноан бир неча шахс томонидан имзоланган ишончнома олиши мумкин.

Ишончнома вакилнинг учинчи шахслар билан ҳуқуқий муносабатларда бўлиши учун тайинланади. Ишончноманинг мазмунидан унинг қандай ваколатларга эга эканлиги, қандай юридик ҳаракатлар қилишга ҳақли бўлиши кўриниб туради. Бинобарин, вакил ишончномада кўрсатилган ваколат доирасида ҳаракат қилиб, учинчи шахслар билан шартнома тузган бўлса, вакил қилувчи бу шартномани бажаришдан бош торта олмайди.

Ишоночнома умумий ва маҳсус турларга бўлинади.

Умумий ишончномада ҳар хил битимлар ва бошқа юридик ҳаракатлар қилиш, масалан, юридик ва жисмоний шахсларнинг филиалларини идора этиш ёки фуқарога қарашли мулкни бошқариш учун берилган ваколат кўрсатилади.

Маҳсус ишончномада бир турдаги битимларни тузиш, масалан, фермер ҳўжаликлари ва уларнинг аъзоларидан қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини харид қилиш бўйича битимлар тузиш учун ваколат белгиланади. Фақат бирон-бир битимнигина тузиш, масалан, сотиб олиб ажратиб қўйилган товарни олиш учун берилган ишончнома берганлик маҳсус ишончнома ҳисобланади. Ишончномада унинг қачон берилганлиги кўрсатилиши лозим, акс ҳолда, у ҳақиқий саналмайди. Ишочнома кўпи билан уч йил муддатга берилиши мумкин. Агар ишончномада муддат кўрсатилган бўлмаса, у берилган кундан бошлаб бир йил мобайнида ўз кучини сақлайди. Берилган куни кўрсатилмаган ишончнома ҳақиқий эмас (ФК, 139-модда).

Ташкилотлар томонидан товарлар ва бошқа моддий бойликлар олиш учун бериладиган ишончномаларда уларнинг амалда бўлиш муддати, албатта, кўрсатилиши керак.

**2** Нотариал шаклни талаб қилувчи битимларни тузиш ёхуд юридик шахсларга нисбатан ҳаракатларни амалга ошириш учун берилган ишончнома идора томонидан тасдиқланган бўлиши керак. ФКнинг 136-137-138-моддаларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустаснодир.

Ишончномаларнинг нотариал идоралардан ташқари бошқа ташкилотлар томонидан тасдиқланиши ФКнинг 136-137-моддалари

билан белгиланади. Чунончи, хат-хабарлар, шу жумладан пул ва посилкалар олиш учун бериладиган ваколатнома, иш ҳақи ҳамда меҳнат муносабатлари билан боғлиқ бўлган бошқа тўловларни, муаллиф ва ихтирочиларга бериладиган ҳақларни, пенсиялар, ёрдам пуллари ва стипендияларни, шунингдек халқ банкларидан тегишли суммаларни олиш учун бериладиган ишончнома фуқаролар яшаб турган жойдаги ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан, ишлаб турган ёки ўқиб турган ташкилот томонидан, турар жойдаги уйга хизмат кўрсатувчи уй-жойдан фойдаланиш ташкилоти томонидан, даволаниб турган жойида эса – даволаниш муассасасининг маъмурияти томонидан, ҳарбий хизматчи томонидан ишончнома берилганида – тегишли ҳарбий қисм қўмондонлиги томонидан тасдиқланиши мумкин. Озодликдан маҳрум қилиш ёки қамоқда сақланаётган шахсларга бериладиган ишончнома тегишли муассасалар бошлиqlари томонидан тасдиқланади.

Юридик шахс номидан бериладиган ишончнома раҳбар томонидан имзоланиб, унга ушбу юридик шахснинг муҳри босилади.

Давлат мулкига асосланган юридик шахс номидан пул ва бошқа мулкий бойликларни олиш ёки топшириши учун бериладиган ишончнома ушбу юридик шахснинг бош бухгалтери томонидан ҳам имзоланиши керак. Банқда операцияларни амалга оширишга ишончнома бериш тартиби ва унинг шакли қонун ҳужжатлари билан белгилаб қўйилади (ФК, 138-модда).

Вакилли шахсий ишончга боғлиқ бўлганлиги туфайли ваколат олган шахс қандай ҳаракатларни қилишга вакил қилинган бўлса, уларни шахсан ўзи бажариши лозим. Вакил олган ваколати юзасидан бу ҳаракатларни бажаришни фақат ишончномада кўрсатилган ҳолларда ёки ваколат берувчининг манфаатларини қўриқлаш учун маълум бир шароитлар туфайли бирорвга топширишга мажбур бўлсагина бошқа шахсга топширишга ҳақли. Ваколатнинг вакил томонидан бошқа шахсга ўтказилиши мумкинлиги назарда тутилган ишончнома нотариал идора томонидан тасдиқланиши лозим.

Ишончнома ФКнинг 141-моддасида кўрсатилганидек, қуйидаги ҳолларда бекор бўлади: муддат тугаши, ишончнома берувчи томонидан бекор қилиниши, ваколат олган шахснинг вакилликдан бош тортиши, номидан ишончнома берилган юридик шахснинг бекор бўлиши, номига ишончнома берган юридик шахснинг бекор бўлиши, ишончнома берувчи фуқаронинг ўлими, муомалага лаёқатсиз, муомала лаёқати чекланган деб топилиши ёки бедарак йўқолган деб топилиши, ишончнома олган шахснинг ўлиши, унинг муомалага

лаёқатсиз, мумала лаёқати чекланган ёки бедарак йўқолган деб топилиши билан бекор қилинади.

Ишончнома берувчи хоҳлаган пайтда уни бекор қила олади, ишончнома олувчи ҳам ундан бош торта олади.

Номидан ишончнома берилган юридик шахснинг тугаши туфайли ишончнома бекор қилинган ҳолда, бундай вазифа ваколат берувчининг ҳуқуқини олувчи шахсларга ҳам юклатилади. Ваколат берувчининг вафот этиши туфайли ишончнома бекор қилинган ҳолда эса, бу вазифа унинг ворисларига юклатилади.

Ишончнома берган шахс унинг бекор қилинганилиги тўғрисида ишончнома берган шахсни, шунингдек ишончнома йўналтирилган учинчи шахсларни ҳам хабардор қилиши керак. Номидан ишончнома берилган юридик шахс бекор бўлган, ишончнома берган фуқаро вафот этган, мумалага лаёқатсиз деб топилган ҳолатларда ишончнома бекор бўлгани ҳақида хабардор қилиш ишончнома берган шахс ҳуқуқи қабул қилиб олувчилар зиммасига юкланди.

Ишончнома бекор қилинганидан сўнг ваколат олган шахс томонидан қилинган ҳаракатлар тўғрисида ФКнинг 142-144-моддаларида мулкнинг йўқолиши ёки заарланиши сабабли кўрилган зиёнларни жабрланувчига тўлайди. Ишончоманинг бекор қилинганилиги билгунига ёки билиши лозим бўлгунига қадар ишончнома берган шахс томонидан учинчи шахсларга нисбатан қилинган ҳаракатлар ишончнома берувчи учун ёки унинг ҳуқуқларини олувчилар учун ўз кучини сақлаб қолади.

Ишончнома олган шахс томонидан унинг ишончнома бекор қилингани ёки тугатилганини билганидан ёки билиши лозим бўлган вақтдан сўнг қилинган ҳаракатлар ваколатнома берувчи учун ҳуқуқ ва мажбурият туғдирмайди. Ишончнома бекор қилинганидан сўнг ваколат олган шахс ёки унинг ворислари (ҳуқуқ ва мажбурият олувчилар) ишончномани дарҳол қайтаришлари лозим.

Ишончноманинг бекор қилиниши билан бу ишончнома юзасидан бошқа шахсларга топширилган ваколат (ўтказилган ваколат) ҳам ўз кучини йўқотади. 

## **Ўн биринчи боб МУДДАТЛАР**

### **11.1. Муддат тушунчаси**

Фуқаролик ҳуқуқида – аниқ белгиланган вақтга муддат деб айтилади. Муддатнинг ўтиши маълум юридик факт ҳисобланади, чунки унинг ўтказиб юборилиши натижасида, қонунда назарда тутилган ҳолларда, муайян ҳуқуқий оқибатлар вужудга келади, бирон-бир ҳуқуқ ва мажбурият олинади, ўзгартирилади ёки йўқотилади.

Н.Имомов муддатлар тушунчаси ҳусусида тұхталар экан, уни аниқ белгиланган, ўтишининг бошланиши ва тамом бўлиши муайян ҳуқуқий оқибатларни вужудга келтирадиган, фуқаролик ҳуқуқларини вужудга келтирадиган, фуқаролик ҳуқуқларини амалга ошириш ва муҳофаза қилишга қаратилган пайтлар ва вақт даврларига айтилишини таъкидлаб ўтади<sup>1</sup>. Масалан, Ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисидаги қонунинг 25-моддаси мазмунига кўра, товарларни етказиб бериш муддатларини кечикириб юборганлик учун товар етказиб берувчи сотиб оловчига кечикирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди. Шуниси мухимки, пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни товарларни етказиб бериш муддатларини кечикириб юбориши оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди. Бу зарарни тўла ҳажмда қоплаш тамоилидан келиб чиқади.

Вақт – мажбурият ҳуқуқига оид муносабатларда ҳам мухим аҳамиятга эга. Масалан, ўзаро шартнома тузган шахслар маълум вақт ичиди бирон-бир ҳаракатни қилишлари: шартнома нарсаси бўлган ашёни топширишлари, муайян ишни бажаришлари; пул тўлашлари, иккинчи тараф томонидан қилинган ижрони қабул қилишлари лозим бўлади.

Фуқаролик ҳуқуқий муносабатларда муддатларнинг тўғри ҳисобланиши ва ўз вақтида татбиқ этилиши – бу муносабатларда қатнашувчиларнинг ҳуқуқларини қўриқлашда, қонунчиликни таъминлашда, ташкилотлар ўртасида муносабатларда эса – ҳўжалик қисобини мустаҳкамлашда, корхоналарнинг нормал ишлашида, топширикларни ўз вақтида бажаришда, мухими, шартнома интизомига амал қилишда катта роль ўйнайди.

<sup>1</sup> Имомов Н.Ф. Фуқаролик ҳуқуқида муддатлар на датибо муддати. – Т.: ГДЮИ. 2005. 7 б.

Муддатлар ким томонидан белгиланишига қараб, қўйидаги турларга бўлинади: а) қонуний муддатлар; б) шартномавий муддатлар; в) судлар томонидан белгиланадиган муддатлар.

**Қонуний муддатлар** – ҳуқуқ нормаларида белгиланган муддатлардир. Бу муддатлар ҳуқуқий муносабатда қатнашувчиларнинг ўзаро келишувлари билан умумий қоида бўйича ўзgartирилиши мумкин эмас. Бундай муддатларга мисол қилиб фуқароларнинг тўла ёки қисман м uomала лаёқатига эга бўлиш муддатлари (ФКнинг 22-27-моддалари), ишончнома муддати (ФКнинг 139-моддаси) умумий даъво муддати (ФКнинг 150-моддаси)ни кўрсатиш мумкин.

**Шартномавий муддатлар** – ФКнинг 357-моддасида кўрсатилган битимлар билан белгиланадиган шартномали муддатларнинг бир тури ҳисобланади. Бу муддатлар шартнома тузувчи шахсларнинг ўзаро келишувлари бўйича белгиланиши, ўзgartирилиши, қисқартирилиши ёки узайтирилиши мумкин. Улар, масалан, иморатлар қурилишида, таъмиглашда, уй-жойлар ижарага берилишида тузиладиган шартномаларда кенг қўлланилади.

**Судлар томонидан** муддатлар бирон-бир ҳуқуқ ёки мажбуриятларни олиш, ўзgartириш ёхуд бекор қилиш тўғрисида тайинланади.

Юқорида кўрсатилган барча турдаги муддатларга риоя қилиш буюртма топшириқларини бажариш юзасидан тузиладиган маҳсулот етказиб бериш, капитал қурилишга оид пудрат, юк ташиш ва бошқа шартномаларнинг ўз вақтида бажарилишини, шартнома тузувчи ташкилот ва фуқаролар ўртасидаги муносабатларнинг қатъийлигини таъминлашда, қонун билан белгиланган шартнома интизомига риоя қилишни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Муддатлар ҳуқуқий оқибатлари бўйича қўйидаги турларга бўлинади:

**Даъво муддатлари** бузилган ҳуқуқнинг ҳимоя қилиниши учун қонун билан белгиланган муддатлар. Масалан, қарз олган фуқаро олган қарзини қайтармаса, унга нисбатан уч йил мобайнида даъво қилиниши мумкин. Агар бу муддат давомида узрсиз даъво қилинмаса, даъво нарсасига бўлган ҳуқуқ йўқотилиши мумкин.

**Эътироz билдириш муддатлари** шартномалар бўйича олинган мажбуриятлар қарздор томонидан бутунлай бажарилмагандан ёки лозим даражада бажарилмагандан ташкилотларнинг бир-бирларига талабларини билдириш учун белгиланган муддатлар. Ташкилотлар ўртасидаги кўпчилик ҳуқуқий муносабатларда низоларни

ҳал қилиш учун эътиroz билдириш тартиби белгиланган. Масалан, темир йўл корхонасига ташиш учун топширилган юк йўқотилса, унга нисбатан олти ойлик муддат давомида эътиroz билдирилиши мумкин. Эътиroz билдириш муддатининг ўтказиб юборилиши, қонунда назарда тутилган ҳолларда, талабларниг хўжалик суди томонидан кондирилмаслигига асос бўлади.

**Кафолат муддатлари.** Бу муддатлар давомида сотиб олинган ёки буюртма қилинган ашёда ёхуд бажарилган ишда камчиликлар топилган тақдирда, оловучи ёки буюртмачи мазкур нуқсонларнинг текинга йўқотилишини ёки ашёning алмаштирилишини ёхуд қайта олиб, бунинг учун тўланган пулнинг қайтарилишини талаб қилиш ҳукуқига эга бўлади. Кафолат муддатининг ўтказиб юборилиши оловучи ёки буюртмачини юқорида кўрсатилган ҳукуқлардан маҳрум қиласди. Масалан, б ойлик кафолат муддати белгиланган соатни олган фуқаро мазкур муддат давомида унга бўлган камчиликлар тўғрисида арз қилмаса, кейинчалик уни алмаштириш ёки пулини олиш ҳукуқини йўқотади.

**Мажбуриятларни бажариш ва ҳукуқларни амалга ошириш вақтини белгилайдиган муддатларга** мисол қилиб қарз шартномаси бўйича 15 апрелда олинган қарзнинг қарздор томонидан икки ойдан сўнг, яъни 15 июнда қайтариш мажбурияти олинганлигини кўрсатиш мумкин. Мазкур муддат бир томондан мажбурият вақтини белгиласа, иккинчи томондан кредитор учун ҳукуқни амалга ошириш вақти келганлигини билдиради.

Ҳукукий оқибатига кўра муддатлар ҳукуқни вужудга келтирувчи, ҳукуқни ўзгартирувчи ва ҳукуқни бекор қилувчи муддатларга бўлинади.<sup>1</sup>

**Ҳукуқни вужудга келтирувчи муддатларнинг ўтиши** натижасида фуқаролик ҳукуқлари вужудга келади. Бунда ҳукуқнинг бир шахсдан иккинчи шахсга ўтиши аҳамиятга эга эмас. Масалан, олди-сотди шартномасига мувофиқ товарга нисбатан мулк ҳукуқи сотувчига товар топширилиши муддати натижасида вужудга келади(ФК, 389-модда).

**Ҳукуқни ўзгартирувчи муддатлар** ўтишининг бошланиши ёки ўтиб кетиши фуқаролик ҳукуқ ва бурчларини ўзгаришига олиб келади. Ҳукуқни ўзгартирувчи муддатлар ўз табиатига кўра шартномавий муносабатларда кенг қўлланилади ва одатда бундай муддатларнинг ўтиши натижасида шартнома тарафларининг ҳукуқ

<sup>1</sup> Гражданское право. Учеб. Т 1./Под. ред. Сергеева А.П., Толстого Ю.К. -М.: Проспект. 1998. 295-6.

ва мажбуриятлари у ёки бу даражада ўзгаради. Масалан, пудрат шартномасига мувофиқ буюртмачининг бажарилган ишни қабул қилишдан бош тортиши ишни топшириш кечикиб кетишига сабаб бўлса, тайёрланган (қайта ишланган) ашёнинг тасодифан нобуд бўлиш хавфи ашё топширилиши лозим бўлган пайтдан буюртмачига ўтган деб ҳисобланади (ФК, 646-модда). Бунда ашёнинг тасо-дифан нобуд бўлиш хавфи аввал пудратчида бўлган бўлса, белги-ланган муддатнинг ўтиши натижасида бу хавф буюртмачига ўтади.

**Хуқуқни бекор қилувчи муддатларнинг** рўй бериши фуқаролик ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг бекор бўлишига олиб келади. Масалан, умумий мулкдаги улушни сотишда, агар қолган мулкдорлар имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқидан воз кечсалар ёки бу ҳуқуқни хабар қилинган кундан эътиборан кўчмас мулкка нисбатан бир ой давомида, бошқа мол-мulkка нисбатан эса ўн кун давомида амалга оширмасалар, улар имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқини йўқотадилар ва мулкдор ўз мулкини истаган шахсга сотиш ҳуқуқига эга бўлади (ФК, 224-модда).

Бундай муддатларнинг ўтиши оқибатида фуқаролик ҳуқуқлари бекор бўлиши қонунчиликда тўғридан-тўғри белгилаб қўйилиши мумкин. Ҳуқуқни бекор қилувчи муддатлар муайян муносабат иштирокчиларининг фақатгина шу муносабатларига доир ҳуқуқлари ёки мажбуриятларини бекор қилади.

Муддатлар ўзларининг аниқланиш тавсифига кўра императив ва диспозитив, мутлақ аниқ, қисман аниқ ва ноаниқ, умумий ва маҳсус ҳамда бошқа муддатларга ажратилади.

**Императив муддатлар** қонунда аниқ белгиланиб, тарфларнинг келишуви билан ўзgartирилмайди. Бундай муддатлар императив бўлиб, қонунда белгилangan барча муддатлар учун бу ҳол мажбурий аҳамиятга эга эмас. Фақатгина қонун ҳужжатларида қатъий белгилangan ва ҳуқуқий муносабат иштирокчиларига ўзgartириш имконияти берилмаган муддатларгина императив муддат ҳисобланади ҳамда ҳуқуқий муносабат иштирокчилари бу муддатларга оғишмай амал қилишлари лозим. Масалан, уч йиллик умумий даъво муддатини тарафлар икки йилга камайтиришлари ёки тўрт йилга узайтиришлари мумкин эмас.

**Диспозитив муддатлар** қонунда белгилangan бўлса-да, тарафлар келишувга мувофиқ мавжуд вазият тақозосидан келиб чиқиб қисқартириш ёки узайтириш ҳуқуқига эга бўладилар. Масалан, мажбуриятни дарҳол бажариш вазифаси қонун, шартнома ёки шартнома моҳиятидан англашилмаса қарздор бундай мажбуриятни

кредитор талаб қилған кундан бошлаб етти күнлик муддат ичіда бажариши лозим (ФКнинг 242-моддаси), бироқ тарафлар ўзаро келишув асосида ижро дарҳол ёки бир оз муддат ўтгач амалга оширилишини белгилашлари мүмкін.

**Мутлақ аниқ** муддатлар аниқ пайтни ёки юридик оқибат билан боғлиқ вақт оралигини ифодалайды. Уларга календарь санаси ёки аниқ вақт даври билан белгиланадиган муддатлар мисол бўлиши мүмкін. Масалан, ишнинг натижалари 1 майгача топширилиши лозимлиги кўрсатилган бўлса, бундай муддатлар мутлақ аниқ муддат ҳисобланади.

**Қисман аниқ** муддатлар аниқ давр ёки вақт оралиғи билан боғлиқ бўлсада, улар ўзларининг белгиланиши ҳолатидан келиб чиқиб мутлақ аниқ муддатларга қараганда камроқ аниқликка эга бўладилар. Қисман аниқ муддатлар жумласига рўй бериши муқарарлар бўлган ҳодиса билан белгиланадиган муддатлар ҳам киради. Масалан, дарё музлари эриши юкни етказиб бериш билан боғлиқ муддатлар.

**Ноаниқ муддатлар** қонун ёки шартномада бирон-бир вақт белгиланмаган бўлса-да, лекин шу муносабатда вақт чегараси мавжудлиги билан ифодаланади. Ҳуқуқий муносабатдаги вақт чегараси гарчи тарафларнинг ҳуқуқий муносабатга киришаётган пайтларида белгиланмасада, кейинчалик тарафлардан бири томонидан белгиланиши талаб қилиниши мүмкін. Масалан, ашё муддат кўрсатилмасдан текин фойдаланишга топширилганда шартноманинг амал қилиш муддати аниқ белгиланмайди.

**Умумий муддатлар** барча субъектив фуқаролик ҳуқуқларига ва деярли бир хилдаги ҳолатларга таалукли бўлади. Масалан, ишончноманинг амал қилиш муддати уч йил қилиб белгиланган (ФК, 139-мода).

**Махсус муддатлар** умумий қоидалардан алоҳида белгиланади ва фақатгина қонунда тўғридан тўғри кўрсатилган ҳолларда амал қиласди. Нотариус томонидан тасдиқланиб Ўзбекистон Республикасидан ташқарида ҳаракатларни амалга оширишга мўлжалланган, амал қилиш муддати кўрсатилмаган ишончнома уни берган шахслар томонидан бекор қилингунча ўз кучини саклаши маҳсус муддатларга мисол бўла олади.

Бундан ташқари, фуқаролик ҳуқуқида фуқаролик ҳуқуқларини амалга ошириш муддатларининг қўйидаги турлари мавжуд: фуқаролик ҳуқуқларини амалда бўлиш вақтини белгилайдиган муддатлар, чекловчи(преклюзив) муддатлар, яроқлилик муддати, товарнинг

хизмат қилиш муддати, товардан фойдаланиш, товарни сақлаш ва бошқа муддатлар мавжуд<sup>1</sup>.

Муддатларни ҳисоблаш үсуллари ҳар хил бўлиши мумкин. ФКнинг 145-147-моддаларида кўрсатилганидек, муддатлар:

биринчидан, календарь сана билан;

иккинчидан, йиллар, ойлар, хафталар, кунлар ёки соатлар билан;

учинчидан, барқарор содир бўлиши лозим бўлган ҳодисалар ҳавола қилиниши йўли билан белгиланиши мумкин.

Одатда, муддатлар аниқ календарь сана билан белгиланади. Тураг жой ҳақи ўтган ой учун янги ойнинг 10-кунидан кечиктирмасдан тўланиши фикримиз исботидир.

Йиллар ва ойлар билан ҳисобланадиган вақт даврининг ўтишига, умумий даъво (ФК, 150-модда) ва қисқартирилган ёки узайтирилган маҳсус даъво муддатларини (ФК, 151-модда) мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Кунлар билан вақт даврининг ҳисоблаш қўпинча транспорт корхоналари фаолиятига тааллуклидир. Энергия қуввати корхоналарида асосан соат билан белгиланади.

ФКнинг 145-моддасида айтилганидек, муддат муқаррар юз бериши керак бўлган воқеани кўрсатиш билан ҳам белгиланиши мумкин.

## **11.2. Муддатлар ўтишининг бошланиши ва тамом бўлиши**

Муддат ўтишининг бошланиш вақтини аниқлаш катта амалий аҳамиятга эга бўлиб, муддат тамом бўлиш вақтини тўғри аниқлаб олиш имконини беради. Бу эса юридик факт, яъни маълум ҳуқуқ ва мажбуриятни вужудга келтирадиган ёки бекор қиласидаган ҳолатлар билан боғлик.

Муддатнинг тамом бўлишини аниқлаш тўғрисида шуни айтиш керакки, йиллаб ҳисобланадиган муддат, шу муддатнинг охирги йили, тегишли ойи ва кунида тамом бўлади. Муддатнинг бошланишига тўғри келган кун эътиборга олинмаганлиги сабабли муддатнинг бошланиши ва тамом бўлиши кунлари тегишлича қўшилади.

Ойлаб ҳисобланадиган муддат, шу муддат охирги ойнинг тегишли кунида, агар ойлаб ҳисобланадиган муддатнинг тамом бўлиши тегишли куни бўлмаган ойга тўғри келиб қолса, бу ҳолда муддат шу ойнинг охирги кунида тугайди. Баъзи муддатлар яrim

<sup>1</sup> Имомов Н.Ф. Фуқаролик ҳуқуқида муддатлар ва даъво муддати. -Т.: ТДЮИ. 2005. 132-6.

Йил ёки ярим ой қилиб ҳам белгиланиши мүмкін. Бунда ҳисоблаш тартиби қүйидаги белгиланади: ярим йил қилиб белгиланған муддатта ойлаб ҳисобланадиган муддатларга доир қоидалар құлланыб, ярим ой қилиб белгиланған муддат эса – кунлаб ҳисобланадиган муддат қаторида күрилиб, үн беш кунга баравар бўлади (ФК, 147-модда, 5-банд).

Ҳафталар билан ўлчанадиган муддат шу муддатнинг охирги ҳафтасидаги тегишли кунда тугайди (ФК, 147-модда, 7-банд). Агар муддатнинг охирги куни иш куни бўлмаган кунга тўғри келиб қолса, муддатнинг тамом бўлиши бундан кейинги иш куни ҳисобланади.

Муддатнинг тамом бўлишини белгилаш тўғрисида яна шуни айтиш керакки, агар хужжатларда охирги муддат, масалан, "5 январгача" деб ёзилган бўлса, 5 январь куни ҳисобга ўтмайди, агар "5 январда" деб ёзилган бўлса, бу кун ҳисобга олинади.

Муддатнинг охирги кунида ҳаракат қилиш тартиби ФКнинг 148-моддасида кўрсатилган. Бу қонунда айтилишича, агар муддат бирон-бир ҳаракатни амалга ошириш учун тайинланған бўлса, бу ҳаракат муддатнинг охирги кунида соат йигирма тўртга қадар бажарилиши мүмкін. Масалан, қарздор шартномада қарзини қайтарадиган кун 5 январь деб белгиланған бўлса, олинган қарз шу 5 январь соат йигирма тўртгача тўланса, қарздор мажбуриятини ўз вақтида бажарган бўлади. Агар мажбуриятни бажаришга қаратилган ҳаракат ташкилотда қилиниши лозим бўлса, муддат шу ташкилотларда белгиланадиган қоидалар бўйича тегишли операциялар (ишлар) тамом бўладиган охирги соатда тугайди.

Тегишли ташкилотларга юбориладиган барча ёзма хужжат (ариза, билдириш)лар муддатнинг охирги куни соат йигирма тўртга қадар алоқа бўлимига ёки телеграфга топширилган бўлса, муддат ўтмаган ҳисобланади. Бу қоида умумий ҳарактерга эга бўлиб, суд, хўжалик суди, прокуратура ва бошқа ташкилот ҳамда муассасаларга нисбатан ҳам қўлланилади. Масалан, фуқаро ўз даъво аризасини муддат тамом бўладиган кун соат йигирма тўртга қадар алоқа бўлимига топширган бўлса, даъво муддати ўтмаган ҳисобланади. Бу қоида яна ташкилотлар ўртасида тузиладиган етказиб бериш, юқ ташиш сингари шартномалар юзасидан бўладиган даъво, талаб ва шикоятларга нисбатан ҳам қўлланилади.

## **Ўн иккинчи боб** **ДАЪВО МУДДАТИ** **12.1. Даъво муддатлари**

Даъво муддати деб шахс ўзининг бузилган ҳуқуқини даъво қўзғатиш йўли билан ҳимоя қилиши мумкин бўладиган муддатга айтилади.

Ш.Шораҳметовнинг фикрича ҳар қандай фуқаролик даъвосининг икки томони бор:

Биринчидан, моддий-ҳуқуқий томони – бунда, аввало, даъвогарнинг жавобгарга нисбатан муайян низоли моддий-ҳуқуқий талаби бўлиши, масалан, бирон-бир ашёнинг топширилиши, пул тўланиши, хизмат кўрсатилиши, заарнинг қопланиши хусусида талаб қилинади;

Иккинчидан, процессуал ҳуқуқий томони – бунда тарафлар ўртасида келиб чиқсан низонинг мазмунан ҳал қилиниши ва бузилган ёки низоли ҳуқуқнинг қўриқланиши тўғрисида судга илтимос билан мурожаат қилинади<sup>1</sup>.

ФКнинг 10-моддасида кўрсатилганидек, фуқаролик ҳуқуқлари процессуал қонунлар ва шартномада белгилаб қўйилганидек, ишлар қайси судга тааллуқли бўлишига қараб, суд, хўжалик суди ёки холислар суди томонидан ҳимоя қилинади. Бинобарин, ҳуқуқлари бузилган шахс (фуқаро ёки ташкилот)лар юқорида кўрсатилган суд, хўжалик суди ёки холислар судига даъво аризаси бериб, бузилган ҳуқуқларини ҳимоя қилиниши тўғрисида даъво қўзғатишлари мумкин.

Даъво муддати субъектив ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳимоя этиши учун шахсга бериладиган сўнгги имконият. Бу вақт оралиғида шахс ўз ҳуқуқларининг амалга оширилишини талаб қилмаса, уларни йўқотади<sup>2</sup>.

Бузилган ҳуқуқни ҳимоя қилиш талаби даъво муддатининг ўтганлигидан қатъи назар, судда кўриб чиқиш учун қабул қилинади (ФК, 153-модда).

Агар даъво аризаси қонун билан белгиланган муддат давомида берилган бўлса, суд, хўжалик суди ёки холислар суди томони даъво ишини кўриб, ишнинг мазмуни бўйича даъвони қондириш ёки қондирмаслик тўғрисида қарор чиқаради. Агар даъво аризаси қонун

<sup>1</sup> Шораҳметов Ш. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуки. Дарслик. -Т.: Адолат. 2001. 151-6.

<sup>2</sup> И момов Н. Даъво муддати институти. //Ҳаёт ва қонун. 2004. №1 23-24-бетлар.

билин белгиланган муддатни ўтказиб берилган бўлса, суд, хўжалик суди, ёки холислар суди муддатнинг ўтказилиш сабабини муҳокама қиласди, агар даъво муддати узрсиз сабаблар билан ўтказилганлиги аниқланса, ўтказилган муддат тикланиши ва ишнинг мазмуни бўйича қарор чиқарилиши мумкин.

Мулкий муносабатларни тартибга солишда даъво муддатлари қонун билан белгиланиши муҳим аҳамиятга эга. Даъво муддатининг белгиланиши фуқаролик ҳуқуқий муносабатларни мустаҳкамлашга, қарзнинг ундирилиши, мажбуриятнинг бажарилиши тўғрисидаги талаблар ўз вақтида бажарилишини таъминлашга, ташкилотлар ўртасидаги ҳисоб-китоблар қилинишини тезлатишга, шартнома ва молия интизомига риоя этилишини таъминлашга, хўжалик ҳисобини мустаҳкамлашга ёрдам беради. Даъво муддатларининг белгиланиши фуқаролар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатларни мустаҳкамлаш учун ҳам катта аҳамиятга эга.

Мульумки, даъвони белгиланган муддатда тўғри ҳал қилиш учун фуқаролик иши юзасидан далиллар тўплаш ва уларни чуқур текшириш лозим. Аммо низоли ҳуқуқий муносабат вужудга келган пайтдан бошлаб узоқ муддат ўтган бўлса, далилларни тўплаш анча қийинлашади. Чунки ишнинг судда кўрилиши вақтида баъзи гувоҳларнинг бўлмаслиги (кўчиб кетган, вафот этган бўлиши), баъзилари эса бўлган воқеаларни, фактларни унугланган бўлишлари ёки бу фактларни бузиб тасвиrlашлари, иш тўғри ҳал қилиниши учун зарур ҳаражатлар йўқотилган бўлиши мумкин ва ҳоказо. Агар даъво муддати қонун билан белгиланмаган бўлса, битим тузган ёки бироннинг бирон-бир ҳуқуқини бузган шахс доимо узоқ вақт давомида, ўзига нисбатан бошқа шахс томонидан даъво қилиниши хавфи остида бўлар эди.

Хулоса қилиб айтсак, даъво муддатларининг белгиланиши ташкилот ва фуқароларнинг ҳуқук ва манфаатларини қўриклишга, фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни мустаҳкамлашга катта ёрдам беради.

## 12.2. Даъво муддатининг турлари

Ҳуқуки бузилган шахсларнинг даъволари юзасидан уларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш қонун билан белгиланган даъво муддатлари ҳуқуқий муносабатнинг иштирокчиларига ва мазмунига қараб умумий ва маҳсус (қисқартирилган ёки узайтирилган) муддатларга бўлинади.

Умумий даъво муддати – ҳуқуқий муносабатларда қатнашувчи шахсларнинг барчаси учун уч йил қилиб белгиланган (ФК, 150-модда).

ФКниг 151-моддасига асосан айрим турдаги талаблар учун қонунларда умумий даъво муддатига қараганда қисқартирилган ёки узайтирилган маҳсус даъво муддатлари белгиланиши мумкин.

Маҳсус даъво муддатлари фақат қонунларда тўғридан-тўғри кўрсатилган ҳоллардагина қўлланилади, чунончи, олти ой давом этадиган қисқартирилган даъволарга:

- 1) неустойка (жарима, пеня) ундириш тўғрисидаги даъволар;
- 2) сотилган ашёнинг камчиликлари тўғрисидаги даъволар;
- 3) сифати лозим даражада бўлмаган маҳсулотларни етказишдан келиб чиқадиган даъволарга мисол бўла олади.

Даъво муддатлари императив, яъни қатъий белгилангандиги сабабли бу муддатлар ва уларни ҳисоблаш тартиби тарафларнинг келишуви билан ўзгартирилиши мумкин эмас (ФК, 152-модда).

### **12.3. Даъво муддатининг ўта бошлиши**

Даъво муддатини тўғри ҳисоблаш учун унинг қай вақтда тугашини белгилаш зарур. Даъво муддатининг тугаши даъво қилиш ҳуқуқи вужудга келган кундан бошланади (ФК, 154-модда). Бундай ҳуқуқ, яъни даъво муддати шахс ўзининг ҳуқуқи бузилганлигини билган ёки билиши лозим бўлган кундан ўта бошлайди.

Даъволарнинг турларига қараб даъво муддати ўтишининг бошланиш пайти бир хил бўлмайди, жумладан, бажариш муддати кўрсатилган мажбуриятлар бўйича даъво муддатининг ўтиши учун шу кўрсатилган бажариш муддатининг охирги кунидан кейинги кундан бошланади. Масалан, фуқаро бошқа бировга 1995 йил 20 декабрда тўлаш шарти билан қарз берган бўлса, даъво муддатининг ўтиши шу йил 21 октябр соат 00-у 01 дақиқадан бошланади.

Бажариш муддати кўрсатилмаган мажбуриятлар бўйича даъво муддатининг ўтиши мажбуриятларнинг вужудга келган пайтидан бошланади. Бировга зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар бўйича даъво муддатининг ўтиши жабрланган шахснинг ўзига зарар етказилганлигини билган ёки билиши лозим бўлган кундан эътиборан бошланади.

Баъзи даъволар бўйича даъво муддати ўтишининг бошланиши тўғрисида маҳсус қоидалар белгиланган. Чунончи, юк ташиш шартномаси юзасидан юк ташувчига нисбатан даъво қилиш учун

белгиланган икки ойлик муддатнинг ўтиши эътиroz билдирувчи томонидан жавоб олинган ёки жавоб бериш учун белгиланган муддатнинг ўтган кунидан бошланади; сифати лозим даражада бўлмаган маҳсулотлар етказиб беришдан келиб чиқадиган даъволар учун белгиланган даъво муддатининг ўтиши етказиб берилган маҳсулотдаги камчиликлар сотиб олувчи томонидан тегишли тартибда белгиланган кундан бошланади.

#### **12.4. Даъво муддати ўтишининг тўхтатилиши, узилиши ва даъво муддатининг тикланиши**

**Даъво муддати ўтишининг тўхтатилиши.** Қоида бўйича даъво муддатининг ўтиши узлуксиз давом этади. Аммо баъзи ҳолларда даъво муддати давом этиб турганда, даъво қилиш учун объектив – ҳалақит берадиган биронта ҳолат содир бўлиши мумкин. Бундай даъво муддатининг ўтишини тўхтатадиган ҳолатлар қонунда (ФКнинг 156-моддаси) белгиланган бўлиб, қўйидагилардан иборат:

- 1) даъво қилиш учун муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган фавқулодда ҳодиса (енгиб бўлмас куч) тўқсинглик қиласа, масалан, тошқин, зилзила сингари ҳодисалар юз берса;
- 2) мажбуриятларни бажаришни кечикитириш (мораторий) тўғрисида ҳукумат қарори бўлса;
- 3) агар даъвогар ёки жавобгар ҳарбий ҳолатга ўтказилган Қуролли кучлар, чегара қўшинлари ва ички қўшинлар таркибида бўлса;
- 4) агар муомалага лаёқатсиз шахснинг қонуний вакиллари бўлмаса;
- 5) тегишли муносабатларни тартибга солувчи қонун ёки бошқа ҳуқуқий ҳужжатларнинг амал қилиши тўхтатилган бўлса.

Даъво муддатининг ўтиши юқорида кўрсатилган ҳолатлар даъво муддатининг охирги олти ойида, бу муддат олти ойдан кам бўлса, даъво муддатида вужудга келган ёки давом этиб турган бўлса, муддатнинг ўтиши тўхтатилади.

Муддатнинг тўхтатиб турилишига асос бўлган ҳолат барҳам топган кундан бошлаб даъво муддатининг ўтиши давом этади, бунда муддатнинг қолган қисми олти ойгача, даъво муддати олти ойдан кам бўлса, даъво муддатига қадар узайтирилади (ФК, 156-модда).

Даъво муддатининг ўтиши юқорида кўрсатилган умумий асослардан ташқари яна маҳсус асослар бўлган тақдирда ҳам тўхтатиб

турилиши мумкин. Бундай маҳсус асослар қонунларда назарда тутилади.

**Даъво муддати ўтишининг узилиши.** Даъво муддати ўтишининг узилиши даъво муддати ўтишининг тұхтатилишидан фарқ қиласы. Агар даъво муддатининг ўтиши тұхтаганда муддат янгидан ҳисобланмаса, даъво муддатининг ўтиши узилган ҳолда, даъво муддати узилгунга қадар вақт янги муддатга қүшилмайды ва даъво муддатининг ўтиши узилганидан сүнг янгидан ҳисобланади.

Даъво муддатининг ўтиши икки ҳолда: биринчидан, белгиланған тартибда даъво құзғатилиши билан, иккінчидан, мажбур шахс қарзни тан олғанлигини күрсатувчи ҳаракатларни қилиши билан узилади (ФК, 157-модда).

**Даъво муддатининг тикланиши.** Агар суд, хұжалик суди ёки холислар суди даъво муддатининг ўтказиб юборилиши сабабини узрли деб топса, бузилган ҳуқук ҳимоя қилиниши лозим бўлади. Бу ҳолда ўтказилган даъво муддати тикланади ва тарафлар ўртасидаги низо мазмунан кўриб ҳал қилинади.

Даъво муддатининг ўтказилиши сабабларини қандай ҳолларда узрли деб топиш тұғрисида қонун муйян ҳолатларни күрсатмайды, бинобарин, даъво муддатини ўтказиб юбориш сабабларини текшириш ва узрли ёки узрсиз деб топиш ҳуқуқи судга, хұжалик суди ёки холислар судига берилади. Суд, хұжалик суди ёки холислар суди ҳар сафар конкрет ишнинг ҳолатларини эътиборга олиб, ўтказилган даъво муддатини узрли ёки узрсиз деб топилиши мумкин.

Баъзи ҳолларда фуқаролар ва ташкилотлар үзларига боғлиқ бўлмаган сабаблар билан қонунда белгиланған муддат давомида даъволарни қўзфата олмасликлари мумкин. Масалан: фуқаро касаллиги, кекса ёхуд вояга етмаганлиги, узоқ муддат давомида хизмат сафарида бўлғанлиги сабабли ёки жавобгарнинг қаерда бўлиши номаълум бўлган ва бошқа баъзи ҳолларда ўтказилган даъво муддатлари суд томонидан узрли деб топилиши мумкин. Ташкилотлар томонидан ўтказилган даъво муддатлари ҳам баъзи ҳолларда суд ёки хұжалик суди томонидан узрли деб топилиши мумкин. Чунончи, ташкилотлар ўз мансабдор шахсларининг айбли ҳаракатлари, назорат органларининг нотўғри берган бўйруқлари, суд ёки хұжалик судининг хато ҳаракатлари туфайли даъво муддати ўтказилиши узрли сабаб деб топилиши ва иш мазмунан ҳал қилиниши мумкин.

Даъво муддатининг тұхтатилиши, узилиши ва тиқланиши түғри-сидаги қоидалар, агар қонун билан бошқача ҳол белгиланмаган бўлса, маҳсус даъво муддатларига ҳам жорий қилинади (ФК, 151-модда, 2-банд).

## **12.5. Даъво муддати ўтишининг оқибатлари**

Даъво қўзғатилгунга қадар даъво муддатининг ўтиши даъвони рад қилиш учун асос бўлади. Бинобарин, даъвогар (ҳақдор) ўз ҳуқуқини мажбурий равишда амалга ошириш имкониятини йўқотади.

Юқорида кўрсатилган даъво муддати ўтишининг асосий оқибатини белгилайдиган қоидадан ташқари қонунда шу юридик факт билан боғлиқ бўлган бошқа қоидалар ҳам белгиланади. Жумладан, асосий талаб бўйича даъво муддати ўтиши билан қўшимча талаблар, чунончи: неустойка, гаров, кафолат ва бошқалар бўйича даъво муддати ҳам ўтган ҳисобланади (ФК, 162-модда).

Баъзи ҳолларда қарздор ўз мажбурияти даъво муддати ўтгандан сўнг ҳам бажариши ҳоллари юз бериши мумкин. Бундай ҳолларда аввал мажбур шахс ўз томонидан бажарилганилиги, тўланган сумманинг қайтарилиши тўғрисидаги талабни қўя олмайди. ФКда қарздор даъво муддати ўтганидан кейин мажбуриягини бажарган ҳолда, гарчи ижро этиш пайтида даъво муддатининг ўтиб кетганлигини билан ёки билиши лозим бўлганлигидан қатъи назар бажарган нарсасини қайтаришни талаб қилишга ҳақли эмасдир, деб кўрсатилади (ФК, 161-модда).

## **12.6. Даъво муддати жорий қилинмайдиган талаблар**

Бузилган фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун кўпчилик ҳолларда даъво муддати белгиланса, даъво муддати қўйидагиларга нисбатан татбиқ қилинмайди:

шахсий номулкий ҳуқуқларни ва бошқа номоддий бойликларни ҳимоя қилиш ҳақидаги талабларга, қонун ҳужожатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

омонатчиларнинг ўз омонатларини бериш тўғрисида банкка қўядиган талабларига;

фуқаронинг ҳаёти ёки соғлиғига етказилган заарни тўлаш ҳақидаги талабларига. Даъво муддати ўтганидан кейин қўзғатилган талаблар даъво олдинги кўпи билан уч йил бўйича қондирилади;

жиноят туфайли етказилган зарарни тўлаш ҳақидаги талабларга;

мулқорнинг ёки бошқа эгалик қилувчининг ўз ҳуқуқини ҳар қандай бузилишларни, шу жумладан, эгалик қилишдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган бузишларни бартараф этиш ҳақидаги талабларга;

мамлакат мустақиллиги эълон қилинишидан олдин унинг чегараларидан ташқарига олиб чиқиб кетилган тарихий, маданий ва илмий-бадиий қимматта эга бўлган мол-мулкни ҳамда қимматбаҳо обьектларни қайтариб бериш ҳақидаги талабларга;

қонунда белгиланган ҳолларда бошқа талабларга (ФК, 163-модда).

Баъзи муаллифлар юқоридаги ҳолатлардан ташқари даъво муддати жорий қилинмайдиган талаблар қаторига меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган маънавий зарарни ундириш ҳақидаги талабларни киритишни таклиф этади.<sup>1</sup>

Табиийки, бу талаблар фуқаро ва шахслар, шунингдек давлатимизнинг реал ҳуқуқларидан келиб чиқади. Бу нормаларнинг киритилиши фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар тенглиги муносабатлари, нормал муносабатлар эканлигининг яна бир бор тасдигидир. Ушбу талаблар билан боғлиқ муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг жорий қонунларида ҳам нормаланганд. Чунончи, маданий бойликларнинг олиб чиқилиши ва олиб кирилиши тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг қонуни<sup>2</sup>да тарихий, маданий ва илмий-бадиий қимматга эга бўлган мол-мулкларни мамлакатимизга қайтариш билан боғлиқ бирмунча нормалар белгиланган.

<sup>1</sup> Мамасиддиқов М.М. Меҳнатга оид низоли ишларни судда кўришнинг процессуал хусусиятлари. Ўқув кўйламна -Т.: ТДЮИ, 2004. 42-б.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1998. 9-сон. 178-модда.

## **Ўн учинчи боб МУЛК ҲУҚУҚИ**

### **13.1. Мулк ва мулк ҳуқуқи тушунчалари**

Жамиятнинг иқтисодий негизи – мавжуд мулкчилик муносабатларига асосланади. Шу сабабли мулк нафақат юридик мазмунга, балки иқтисодий маънога ҳам эга. Кишилар меҳнати билан яратилган ёки табиат томонидан инсонларга ўзига хос тарзда “тақдим этилган” бойиклар ҳар доим мулк бўлиб келган. Мулк эгаси бўлиш ёки бўлмаслигига қараб, кишиларнинг жамиятдаги мавқеи, аниқроғи ижтимоий-иқтисодий мақоми вужудга келади. Мулкий муносабатларсиз, иқтисодий муносабатлар, ишлаб чиқариш жараёни ўз мазмунига эга бўлмайди.

Мулкий муносабатлар – жамиятдаги бойикларни ўзлаштириш хусусидаги иқтисодий муносабатлардир. Мулкчилик, биринчидан инсоннинг бойлиги бўлмиш ашё, буюм ёки бошқа нарсага нисбатан эгалик ҳис-туйғуси билан боғлиқ муносабат, иккинчидан, ана шу бойлик, неъмат хусусида кишилар ўртасида вужудга келган муносабатдир. Кишилар буюмларни, неъматларни ўзиники қилиб олганда-гина ўзлаштиришлари мумкин, чунки жамиятда ўзганики бўлган неъматларни ўзлаштириб бўлмайди. Мулк соҳиби ўз мулкига мустақил таяниб иш кўради. Мулксиз ўзганинг мулкини ижарага олуви ёки мулкдорга ёлланиб ишловчи шахс тўлиқ маънода ҳали мустақил эмас. Неъматлар икки йўсинда: ишлаб чиқариш ресурслари, яъни воситалари ва ишлаб чиқариш натижалари сифатида ўзлаштирилади.

Мулкчилик бу – масъулият билан манфаатнинг узвий бирлиги ҳисобланади. Мулкчилик реал бўлиши учун мулкдорнинг иқтисодий манфаати – унинг бойлик эгаси сифатидаги ҳаётий эҳтиёжи бўлиб, хатти-ҳаракат, феъл-атворини иқтисодий мотивацияси (сабабини) юзага чиқаради<sup>1</sup>.

Мамлакатимизда бозор муносабатларини шакллантириш, мулкчилик муносабатларини тубдан қайта кўриб чиқишни тақозо этади. Шахсни мулқдан бегоналашувига асосланган ижтимоий алоҳида имтиёзли мавқега барҳам берилди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддасида бозор муносабатларини ривож-

<sup>1</sup> Ўлмасов А., Шарифхўжаев М., Иқтисод назарияси. -Т.: Мехнат. 1995. 133-6.

лантиришга қаратилған мамлакатимиз иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этиши мустаҳкамлаб қўйилди<sup>1</sup>.

Табиат бойликлари ва киши меҳнати натижалари шахслар томонидан айрим-айрим ҳолда ўзлаштирилмай, балки биргалашиб ва ўзаро ҳамкорлик билан ўзлаштирилади. Бинобарин, мулк табиат нарсаларини ўзлаштиришда кишилар ва уларнинг жамоалари ўртасида бўлган муносабатни, яъни ижтимоий муносабатни, ижтимоий ишлаб чиқариш муносабатларини билдиради.

Юқорида айтганлардан маълум бўлишича, мулк ишлаб чиқаришнинг зарур шарти ва ишлаб чиқарилган бойликларнинг ўзлаштирилиши натижаси ҳисбланади.

Мулк ишлаб чиқариш воситалари ва ишлаб чиқарилган маҳсулотларни эгаллаш, фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш соҳасида бўладиган ижтимоий муносабатларнинг мажмуи сифатида ҳам таърифланиши мумкин.

Юридик маънодаги “мулк” тушунчаси тўғрисида шуни айтиш керакки, шахслар томонидан табиат бойликларини, ашёлари-ни ўзлаштиришда бўладиган ижтимоий муносабатларни тартибга соладиган ва мустаҳкамлайдиган ҳуқуқий нормалар тизими – юридик маънодаги “мулк” тушунчасида қўлланилади. Бу маънодаги мулк мулк ҳуқуқи (субъектга тегишли соф маънодаги субъектив ҳуқуқ сифатида эмас, балки муайян ҳуқуқ соҳаси) сифатида кўрилади.

Мулк ҳуқуқи тушунчасининг юридик таърифи ФКнинг 104-моддасида берилган. Унга мувофиқ, мулк ҳуқуқи шахснинг ўзига қарашли мол-мулкка ўз хоҳиши билан ва ўз манфаатларини кўзлаб эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш, шунингдек ўзининг мулк ҳуқуқини, ким томонидан бўлмасин, ҳар қандай бузишни бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқидан иборатдир. Бу таъриф мулқдорнинг ўз мулкига нисбатан муносабатининг барча ҳуқуқий жиҳатларини қамраб олади. Шу билан бирга, ушбу таърифда учинчи шахсларнинг мулқдор мулкига муносабатларининг энг муҳим қонуний асоси кафолатланган. Яъни мулқдорнинг мулк ҳуқуқини ким томонидан бўлмасин ҳар қандай бузишдан муҳофазалай олиши императив меъёр сифатида мустаҳкамланган. Бу эса, ўз навбатида мулқдор мулк ҳуқуқини мажбурий маънода “муқаддаслигини” ифодалайди.

<sup>1</sup> Раҳмонқулов Х. Эволюция права собственности (проблемы собственности сравнительное исследование). -Т.: Адолат. 1995. 34-б.

## **13.2. Мулк ҳуқуқининг мазмуни**

Мулк ҳуқуки ўз навбатида икки маънодаги: объектив ва субъектив маънодаги мулк ҳуқуқига бўлинади.

Объектив маънодаги мулк ҳуқуки деганда, табиат ашёларини ижтимоий ўзлаштиришнинг мавжуд заҳираларини, усусларини белгилаш, тартибга солиш ва мустаҳкамлаш учун халқ манфаатларини кўзлаб белгиланган тадбирларни ифодаловчи ҳуқуқ нормалари йиғиндиси назарда тутилади. Чунончи, мулк тўғрисидаги умумий қоидалар объектив ҳуқуқ нормалари ҳисобланади.

Субъектив маънодаги мулк ҳуқуки деб, айрим шахслар, яъни ҳуқуқ субъектларининг (давлат, юридик шахслар ва фуқароларнинг) объектив ҳуқуқ нормалари асосида келиб чиқадиган мулкни эгаллаш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф қилиш ҳуқуқларига айтилади.

Мулкни ўз хоҳишига кўра ва ўз манфаатини кўзлаб эгаллаш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш, шунингдек мулк ҳуқуқини ҳар қандай бузилишлардан бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуки тушунчалари мулк ҳуқуқининг мазмунини ташкил этади. Субъектив мулк ҳуқуқининг мазмунини ташкил этадиган бу элементлар мулк эгасига қонун билан белгиланган доираларда берилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Мулкчилик тўғрисида”ги қонуни ва ФКнинг 164-моддасида белгиланишича, мулкдор ўзига тегишли мол-мулкка ўз ихтиёрига кўра, ўз хоҳиши ва манфаатларини кўзлаб эгалик қиласи, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Шу маънода мулкдор ўз мулкига бўлган ҳуқуқларини ихтиёрий равишда, ўз хоҳишига кўра амалга оширади. Мулкдорнинг ўз хоҳиши деганда, унинг ўз эрки, иродаси билан ўз манфаатларини кўзлаб, бирорнинг (учинчи шахсларнинг) тазиийисиз, ғайрихуқукий таъсирсиз ҳаракат қилиши назарда тутилади. Агар мулкдорга нисбатан бундай ҳолатда зўрлик, тазийк кўрсатилган бўлса, қонун мулкдорнинг хоҳиш-иродаси эркин амалга оширилишини кафолатлайди ва муҳофаза қиласи. Айни вақтда мулкдорнинг ўз хоҳишига кўра иш тутиши қонун, инсоф ва адолат доирасида амалга оширилиши лозим.

Мулкдорнинг мулкий ҳуқуқни ўз хоҳишига кўра амалга оширишда унинг манфаати ётади. Бу манфаат бевосита унинг ўзига, яқинларига ёки бошқаларга тааллуқли бўлиши мумкин. Масалан,

ота-она вояга етмаган фарзанди номига банкка омонат пул маблағи қўйғандан ҳам, гарчи бунда учинчи шахснинг манфаати кўзлагандай бўлса ҳам, аслида мулқдорнинг ҳаракати замираидан ота-она сифатидаги бурчи ётади. Мулқдорни ўз хоҳишига кўра ёки манфаатига зид равишда мулкий битимлар тузишга мажбур қилиш, умумий қоида бўйича бундай битимлар ҳақиқий саналмаслигига сабаб бўлади.

Юқорида айтганимиздек, мулк ҳуқуқи уч унсур (элемент) – мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этишдан ташкил топади.

Мулкни эгаллаш ҳуқуқи мулкни қўлда ёки үнга нисбатан ўз ҳуқуқларини амалга оширишга имкон берувчи бирон жойда сақлаб туришдир. Мулкни қонунга мувофиқ равишда ўз қўлида ёки ўз эркинродаси таъсири остида сақлаб турган шахс мулкни эгаллаш ҳуқуқига эга. Бундай ҳуқуқ, аввало, мулк эгасига тегишли бўлади. Аввало деганимизнинг боиси шундаки, мулкни эгаллаш ҳуқуқи қонун ёки шартномага асосан бошқа шахсда ҳам бўлиши мумкин. Масалан, мулк шартнома бўйича ижарага берилганида, вақтинча текин фойдаланиш учун топширилишида, омонат қўйилишида ёки маъмурий далолатномаларга биноан вақтинча сақлаш учун бирон ташкилот ёки фуқароларга ўtkазилишида эгалик ҳуқуқи мулк эгаси ҳисобланмаган шахсда ҳам бўлиши мумкин.

Мулкни қонун талабларига мувофиқ қўлда сақлаб туришга қонуний эгаллаш деб айтилса, қонуний асослар бўлмай туриб бирорвларга қарашли мулкни эгаллаш, масалан, бирорвнинг ўғирлатган ёки йўқотган мулкини қўлда сақлашга қонунсиз эгаллаш деб айтилади.

Мулқдан фойдаланиш ҳуқуқи – мулкнинг фойдали хусусиятларини ўзлаштириш, мулқдан иқтисодий маънода фойда қўришдир. Мулқдан қонунга мувофиқ равишда фойдаланувчи шахс шу мулқдан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлади. Мулқдан фойдаланиш ҳуқуқи шу мулкни эгалламай, қўлда сақламай туриб ундан фойдаланиб ҳам бўлмайди. Масалан, мулк ижараси шартномасига мувофиқ, ижарага берувчи даставвал мулкни ижарага олувчига қонун ёки шартномада кўзда тутилган тартибда топширади. Топшириш билан бир вақтда ижарага олувчида мулкка нисбатан эгалик қилиш ҳуқуқи ҳам вужудга келади ва у шундан сўнг ижарага берилган мол-мулқдан фойдаланиши мумкин. Мулқдан ишлаб чиқаришда ёки кундалик ҳаётда

фойдаланишда бу мулк бутунлай истеъмол қилинади ёки муайян вақт давомида аста-секин эскиради.

Агар бирорнинг мулкидан фойдаланиш қонун ёки шартнома билан белгиланган асослар бўлмай туриб амалга оширилса, бундай фойдаланиш қонунсиз фойдаланиш ҳисобланади. Масалан, ўғирланган ёки йўқотилган мулқдан фойдаланиш.

Мулкни тасарруф этиш ҳуқуқи – мулкнинг юридик тақдирини белгилаш, яъни мулк юзасидан бошқа шахслар билан бўладиган ҳуқуқий муносабатни белгилаш, ўзгариши ёки бекор қилишга қаратилган ҳуқуқдир.

Мулк эгаси тасарруф этиш ҳуқуқига биноан мулк юзасидан хилма-хил битимлар, шартномалар, чунончи, ашёни сотиш, ҳадя қилиш, ижарага қўйиш тўғрисида шартномалар тузади. Агар ашё бутунлай кераксиз бўлиб қолса, мулк эгаси бундай ашёни ташлаб юбориши, ўзидан бирон-бир усул билан соқит қилиши мумкин. Бу ҳуқуқ мулкдорга ўз мол-мулкига нисбатан қонунга зид бўлмаган ҳар қандай ҳаракатларни амалга ошириш, шу жумладан мол-мулқдан гаров нарсаси сифатида фойдаланиши ёки унга бошқача йўллар билан вазифа юклаш, уни бегоналаштириш ёки мол-мулкни бошқача усул билан тасарруф этишга имкон беради.

Бу ҳуқуқнинг қўлдан кетиши билан мулкка нисбатан бўлган эгалик ҳуқуқи ҳам қўлдан кетади. Масалан, мулкни омонатга қўйишда ашёни эгаллаш ҳуқуқи, ижарага беришда ашёни эгаллаш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқи бирорга ўтса, ашёнинг сотилиши ёки ҳадя қилинишида эса субъектив мулк ҳуқуқининг ҳар уч элементи: эгаллаш, фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқлари ҳам бутунлай бошқа шахсга (яъни мулкдорга) ўтади.

Айрим ҳолларда, чунончи, мулкни йўқотиш, ўғирлатиш ҳолларида мулк эгаси ўз мулкини эгаллаш, фойдаланиш ва уни тасарруф этиш имкониятидан маҳрум бўлса ҳам, эгалик ҳуқуқини қонунда белгиланган ҳолларда ва муддатларда ўзи сақлаб туради. Фуқарога тегишли мулк ўғирлатилганида унинг кимнинг қўлида бўлишилиги аниқланганидан сўнг қонун билан белгиланган уч йиллик даъво муддати давомида талаб қилиб олиниши мумкин. Акс ҳолда мулкка нисбатан бўлган эгалик ҳуқуқи йўқолади. Умуман олганда, мулкни тасарруф этиш элементи кимда бўлса, шу шахс (гарчи мулк қўлида, яъни эгалигида ёки фойдаланишида бўлмаса ҳам) мулкдор ҳисобланади. Зоро, тасарруф этиш элементи мулкнинг шакли ва ҳуқуқий мақомига қараб муайян ҳужжатлар (ордер, тилхат ва ҳ.к.) билан тасдиқланади.

Мулк эгалари ўзларига тегишли мулк ҳуқуқидан ғайриқонуний мақсағларда, бироннинг зарарига фойдаланиши йўл қўйилмайди.

Мулкдор ҳуқуқлари ва ваколатларининг чегараси Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 54-моддасида баён қилинган бўлиб, унга асосан мулкдор ўз ҳуқуқларини амалга оширишда экологик мухитга зарар етказмаслиги, фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт.

Бу конституциявий норма ФКнинг 172-моддасида батафсил талқин қилинган. Ушбу моддага асосан мулкдор ўз мулкий ҳуқуқларини амалга оширишда қўйидаги шартларига амал қилиши лозим:

1. Мулкдорнинг ўз ҳуқуқларини амалга ошириши бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт.

2. Қонунларда назарда тутилган ҳолларда, шартларда ва доирада мулкдор бошқа шахслар унинг мол-мулкидан чекланган тарзда фойдаланишига йўл қўйишга мажбур (масалан, кўчмас мулк – ер участкаси эгаси қўшни ер участкасининг эгасидан зарур ҳолларда, бошқа ер участкаларининг эгаларидан ҳам ўзганинг ер участкасидан чекланган ҳолда фойдаланиш (сервитут) ҳуқуқини беришни талаб қилишга ҳақли. Одатда, сервитут пиёдалар ва транспорт йўли, электр, алоқа, газ ёки сув қувурлари ўtkазиш учун зарур бўлиши мумкин. Ер участкасида сервитут белгиланиши ер эгасини мулк ҳуқуқидан асло маҳрум қilmайди. Сервитутдан фойдаланувчи билан ер участкаси эгаси ўртасида сервитут ҳақида битим тузилиб, у кўчмас мулкка оид битимлар каби рўйхатдан ўтказилади. Сервитут белгиланган участканинг эгаси агар қонунда бошқа тартиб назарда тутилмаган бўлса, сервитут кимнинг фойдасини кўзлаб белгиланган бўлса, ўша шахсдан участкадан фойдаланганлик учун мутаносиб ҳақ талаб қилишга ҳақлидир (ФК, 173-модда).

3. Мулкдор ўзининг устунлик мавқеини суиистеъмол қилишга, бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини камситадиган ўзга ҳаракатларни қилишга ҳақли эмас.

4. Мулкдор ўз ҳуқуқини амалга оширганда фуқароларнинг соғлиғига ва атроф-муҳитга зарар етказишнинг олдини олиш чораларини қўришга мажбур.

Мулк ҳуқуқининг мазмунида нафақат мулкдорнинг ҳуқуқлари, балки мол-мулкни сақлаб туриш бурчи ҳам ётади. ФКнинг 174-

моддасига асосан, ўзига қарашли мол-мulkни сақлаш, агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, мулк эгасининг зиммасида бўлади. Агар мулкдор бу мажбуриятни бажармаса, бъази ҳолларда унинг мулкий ҳуқуқлари чегаралаб қўйилиши ёки мол-мulk ундан олиб қўйилиши ҳақида даъво олдиндан огохлантирмасдан ҳам қўзғатилиши мумкин (Масалан, ФКнинг 190-моддасида кўзда тутилган асослар бўйича).

### **13.3. Мулк ҳуқуқининг вужудга келиш ва бекор бўлиш асослари**

Мулк ҳуқуқининг вужудга келиш ва бекор бўлиш асослари деганда, мулк ҳуқуқининг олиниши ёки йўқотилиши билан боғлиқ бўлган юридик фактлар назарда тутилади.

Мулк ҳуқуқининг олиниши асосларида жамиятнинг иқтисодий тизими ўз ифодасини топади. Мулк ҳуқуқининг олиниши: дастлабки ва ҳосила асосларига бўлинади.

Мулк ҳуқуқининг вужудга келишини билдирадиган дастлабки асослар бўйича мулкка нисбатан субъектив фуқаролик ҳуқуқи илгари ҳеч кимга тегишли бўлмаган мулкка нисбатан ёки аввалги мулк эгасининг ҳуқуқи билан боғлиқ бўлмаган ҳолда вужудга келади. Мулк ҳуқуқининг дастлабки асосда вужудга келиши:

биринчидан, табиат неъматларини ўзлаштириш;

иккинчидан, ишлаб чиқариш ва тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш натижасида янги ашёларни вужудга келтириш;

учинчидан, эгасиз мулкнинг суд қарори билан давлат ихтиёрига олиниши;

тўртинчидан, эгаси бўлмаган мулкка ёки эгаси бўлса ҳам ҳўжаликсиз билан сақланаётган мулкка, эгалари томонидан белгиланган муддатларда талаб қилиб олинмаган мулкларга, шу жумладан топилган ашёлар, хазиналар (бошқа усулда яширилган нарсалар) топилиши ҳолларида юз беради.

Мулк ҳуқуқининг вужудга келишида эгалик ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат ўзига хосдир. Мулкдор бўлмаган, лекин кўчмас мол-мulkка ўн беш йил давомида ёки бошқа мол-мulkка беш йил давомида ўзиники каби ҳалол, ошкора ва узлуксиз эгалик қилган шахс бу мол-мulkка нисбатан мулк ҳуқуқини олади, яъни тўла маънода мулкдор ҳуқуқларига эга бўлади (ФК, 187-модда).

Мұхими, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1996 йил 29 августдаги "Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексини

амалга киритиш тартиби тўғрисида"ги қарорида белгиланишича, ушбу 187-модданинг қоидалари мулкка эгалик қилиш 1997 йилнинг 1 марта (яъни, янги ФК амалга киритилгунга қадар) қадар бошланган ва кодекс амалга киритилаётган вақтда давом этаётган ҳолларда ҳам татбиқ этилади. Демак, ушбу ҳолати бўйича ФК нормаси орқага қайтиш кучига эга бўлади.

Мулк ҳуқуқи вужудга келишининг дастлабки асосларидан яна бири - ҳамма йиғиб олиши мумкин бўлган ашёларни мулкка айлантиришдир. ФКнинг 189-моддасида кўрсатилишича, қонун ҳужжатларида ёввойи мевалар, ёнғоқ, замбурғлар, резавор мевалар ҳамда ўсимлик, ҳайвонот дунёси ва жонсиз табиатнинг ҳамма олиши мумкин бўлган бошқа обьектларини йиғиш йўли билан фуқаролар мулкига айлантириш тартиби ва шартлари белгилаб қўйилиши мумкин. Бундай тартибда мулк ҳуқуқи ўрмонлардан қўзиқорин, мевалар териш, дашту тоғлардан доривор гиёҳлар тўплаш, дарё ва кўллардан балиқ овлаш орқали вужудга келиши мумкин. Бироқ, маълумки, ушбу мулк обьектлари ўсан мавжуд худуд хусусий мулк ҳуқуқи асосида бошқага тегишли бўлмаслиги лозим. Мулк обьектларининг баъзиларини овлаш учун ваколатли давлат органида рухсат (лицензия) олинган бўлиши талаб этилади. Айни вақтда балиқ ва бошқа жониворларни овлаш овга рухсат берилган мавсумдагина йўл қўйилади, акс ҳолда овланган жониворлар мусодара қилиниб, ов қуроллари олиб қўйилиши ва уларга нисбатан тегишли жазо чоралари қўлланилиши мумкин.

Эгасиз ашёга нисбатан мулк ҳуқуқи ҳам дастлабки асосда вужудга келади. Эгаси бўлмаган ёки эгаси номаълум ашё эгасиз ашё ҳисобланади. Эгасиз кўчар ашёларга нисбатан эгалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат асосида қўлга киритилиши мумкин. Бундай ашё тегишли давлат органи ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи аризасига мувофиқ кўчмас мол-мulkни давлат рўйхатига олувчи органда ҳисобга олиниб, уч йил ўтгач, тегишли давлат органи талаби асосида суд томонидан давлатга ўтказилиши мумкин.

ФКнинг 192-моддасида топилмага нисбатан мулкий ҳуқуқларнинг вужудга келиши хусусиятлари белгиланган. Унда кўрсатилишича, йўқолган ашёни топиб олган шахс бу ҳақда уни йўқотган шахсни ёки ашё эгасини ёхуд уни олиш ҳуқуқига эга бўлган ўзга маълум шахслардан биронтасини дарҳол хабардор этиши ҳамда топилган ашёни шу шахсга қайтариши шарт. Башарти, ашё бинода ёки транспортда топилган бўлса, у шу бинонинг ёки транспорт

воситасининг эгаси бўлмиш шахсга топширилмоғи лозим. Топилма топширилган шахс ашёни топиб олган шахснинг ҳуқуқларини қўлга киритади ва унинг мажбуриятларини ўз зиммасига олади. Башарти, топилган ашё қайтарилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлган шахс номаълум бўлса ёки унинг манзили бўлмаса, ашёни топиб олган шахс топилма тўғрисида милицияга, тегишли давлат органдарига ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига маълум қилиши шарт.

ФКнинг 193-моддасига асосан олти ой мобайнида топилманинг эгаси аниқланмаса, ашёни топиб олган шахс унга эгалик ҳуқуқини қўлга киритади (агар у бу ҳуқуқдан воз кечса, топилма давлат мулкига ўтади).

ФКнинг 196-моддасида хазинага нисбатан мулк ҳуқуқининг вужудга келиши хусусиятлари белгилаб қўйилган. Хазина деб эгасини аниқлаш мумкин бўлмаган ёки қонунга биноан ҳуқуқларини йўқотган, ерга кўмилган ёки бошқача усуlda яширилган пул ёки қимматбаҳо буюмларга айтилади. Яшириб қўйилган мол-мулк (ер участкаси, иморат ва ш.к.) мулкдори бўлган шахсга ва хазинани топган шахс мулкига агар улар ўртасидаги келишувга мувофиқ бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, тенг улушларда тегишли бўлади.

Хазина у яшириб қўйилган ер участкаси ёки бошқа мол-мулк эгаси - мулкдорнинг розилигисиз қазишма ишларини олиб борган ёки бойлик қидирган шахс томонидан топилган тақдирда, бу хазина у топилган ер участкасининг ёки бошқа мол-мулкнинг эгасига топширилиши шарт. Тарих ва маданият ёдгорликлари жумласига кирадиган ашёлардан иборат хазина топилган тақдирда, улар давлат ихтиёрига ўтади. Бироқ хазина топилган ер участкаси эгаси ва хазинани топган шахс хазина қийматининг эллик фоизи миқдорида мукофот олишга ҳақли.

Хазина топиш учун қазишма ва қидирув ишларини олиб бориш меҳнат ёки хизмат вазифаларига кирадиган шахслар (Масалан, археологлар, геологлар)га нисбатан юқоридаги қоидалар қўлланилмайди (ФК, 196-модда, 5-банд).

Мулкка нисбатан эгалик ҳуқуқини вужудга келтирувчи ҳосила усули деганда муайян шахс томонидан мулк ҳуқуқининг олиниши дастлабки мулк эгасининг ҳуқуқига боғлиқ бўлган усул назарда тутилади. Бу усуlda мулк ҳуқуқининг маълум ашёга нисбатан пайдо бўлиши ёки бу ашёга нисбатан мулк ҳуқуқининг илгари маълум шахсга тегишли бўлиши билан боғлиқдир. Шу маънода мулк

хукуқининг бошқа шахсга ўтиши ҳақида сўз юритилади. Бинобарин, ҳосила усули бўйича мулк хукуки вужудга келганда, мулкка нисбатан бўлган хукукни бир шахсдан иккинчи шахсга кўчирилиши тўғрисида сўз боради. Масалан, олди-сотди шартномаси тузилиши йўли билан ашёга нисбатан эгалик хукуки бир шахсда, яъни сотиб оловчида пайдо бўлади.

Мулк хукуқининг ҳосила усулида вужудга келишига олди-сотди, ҳадя, айирбошлаш, қарз шартномалари; шунингдек қонун ва васият бўйича мерос олиш, давлат мулкини хусусийлаштириш орқали олиниши мисол бўла олади.

Фуқаролик кодексининг 185-моддасида кўрсатилганидек, шартнома асосида мол-мулк оловчида мулк хукуки, агар қонун ҳужжатлари ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ашё топширилган пайтдан бошлаб вужудга келади. Агар ашёни бирорвга ўтказиш тўғрисидаги шартнома нотариал гувоҳлантирилиши ёки давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлса, эгалик хукуки бундай шартнома нотариал гувоҳлантирилган ёки рўйхатдан ўтказилган пайтдан эътиборан вужудга келади.

Қонунда уй-жой (квартира)га мулк хукуқининг вужудга келиши белгиланган тартибда ажратиб берилган ер участкасида қурилаётган янги уй-жойга мулк хукуки давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб вужудга келиши белгиланган.

Бир ёки бир неча шахслар томонидан кўрилаётган уй-жой қурилиш тамом бўлгунча ва рўйхатдан ўтказилгунча маҳаллий ҳокимият органларининг рухсатисиз бошқа шахсга берилиши мумкин эмас. Давлатга қарашли уй-жой (квартира)га мулк хукуки қонун ҳужжатларида назарда тутилган хусусийлаштириш тартибида вужудга келади.

Кооператив уй-жойга, квартирага, гаражга, чорбоқга ва бошқа биноларга мулк хукуки кооператив аъзоси пай бадалларини батамом тўлаб бўлгандан кейин вужудга келади (ФК, 210-модда). Баъзи ашёларга нисбатан эса эгалик хукуки ашё топширилишидан сўнг ёки ашёning қиймати тўла ёки қисман тўлангандан сўнг вужудга келиши белгиланиши мумкин.

Хусусий аломатлари билан белгиланган ашёлар бир шахсдан иккинчи шахсга ўтказилган ҳолда, агар бундай ўтказиш тегишли органлардан рўйхатдан ўтказилиши шарт бўлса, ашёга нисбатан эгалик хукуки шартноманинг қайд қилиниши пайтидан эътиборан вужудга келади.

Мулкка нисбатан эгалик ҳуқуқининг ўтиш пайти қонунда муқаррар белгиланиши бирорга ўтказилаётган ашёларнинг тасодифан нобуд бўлиши ёки бузилиши хавф-хатари, яъни бунинг натижасида етказилган зарар кимнинг зиммасида бўлишини белгилаш ҳам катта аҳамиятга эгадир.

ФКнинг 175-моддасида белгиланган қоида бўйича молмulkнинг тасодифан нобуд бўлиши ёки бузилиши хавфи, агар қонун ҳужокатларида ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, етказилган зарар мулк эгасининг зиммасида бўлади.

Агар ашёларни бирорга ўтказувчи шахс топширишни ёки оловчи уларни қабул қилишни кечиктирса, ашёларнинг тасодифан нобуд бўлиши ёки бузилиши хавф-хатари кечиктирган тарафда бўлади. Масалан, сотиб оловчи қурилиш материалларини қабул қилишни кечиктирса, ашёларнинг тасодифан нобуд бўлиши ёки бузилишидан келган зарарни ўз зиммасига олади.

Мулк ҳуқуқининг бекор бўлиш усуслари ҳам хилма-хил. Бу усусларни қуйидагича туркумлаштириш мумкин:

1) мулкдорнинг ўз эрки-иродаси бўйича мулк ҳуқуқини бекор бўлиши (масалан, мол-мulkни сотиш, хадя қилиш ва ш.к.);

2) мол-мulkни тугатиш ва ҳисобдан чиқариш (йўқ қилиб ташлаш) ёки нобуд бўлиши натижасида мулк ҳуқуқининг бекор бўлиши (ФК, 198-модда);

3) мулкдорнинг эрки, иродасидан ташқари мол-мulkнинг олиб қўйилиши орқали мулк ҳуқуқининг бекор бўлиши. Мол-мulkни мулкдордан олиб қўйишга қонунларда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда мулкдорнинг мажбуриятлари бўйича ундирув ана шу молмulkка қаратилган тақдирда, шунингдек национализация қилиш, реквизиция ва мусодара қилиш тартибида йўл қўйилади (ФК, 199-модда).

Агар қонунга асосан шахсга тегишли бўла олмайдиган молмulk унинг мулки бўлиб қолса, ушбу мол-мulkка нисбатан мулк ҳуқуки суд тартибида бекор қилиниб, олиб қўйилган мол-мulkнинг қиймати шахсга тўланади (ФК, 199-модда, 2-банд).

Ашёларга нисбатан эгалик ҳуқуки баъзи ҳолларда мулк эгасининг эркидан ташқари ҳам бекор бўлиши мумкин. Масалан, ашёлар табиий оғатлар, ёнгин, сув тошқини, зилзила натижасида тасодифан нобуд бўлишида мулк ҳуқуки мулк эгасининг эркига боғлиқ бўлмаган ҳолда бекор бўлади. Баъзи ҳолларда, чунончи, қарзни қоплаш учун ижро варақаси бўйича ҳақ ундирилишида ёки

мол-мулкнинг мусодара қилинишида эгалик ҳуқуқи мулк эгасининг эркига боғлиқ бўлмаган ҳолда бекор бўлиши мумкин.

### **13.4. Мулк ҳуқуқининг асосий тамойиллари**

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида (36,53,54-моддалар), ФК (164, 165, 172, 228, 231-моддалар) ва бошقا қонунларда мулк ҳуқуқининг қўйидаги асосий тамойиллари ўз ифодасини топган:

1. Ўзбекистон Республикасида мулк дахлсиз, муқлдорнинг мулкий ҳуқуқи қонун билан кафолатланади ва мулқдор бу ҳуқуқлардан фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина маҳрум этилиши мумкин.

2. Иқтисодиёт самарали амал қилишига ва халқ фаровонлигининг ўсишига ёрдам берадиган ҳар қандай шаклдаги мулкчилик бўлишига рухсат берилади.

3. Мулкчиликнинг ҳамма шакллари ҳимоя қилиниши қонун билан кафолатланади ва уларнинг teng rivojланишига шароит яратиб берилади.

4. Мулқдор ўз мол-мулкига нисбатан қонунга зид бўлмаган ҳар қандай хатти-ҳаракатларни ўз хоҳишига кўра содир этишга ҳақли.

5. Мулкий ҳуқуқнинг амалга оширилиши атроф-муҳитга зарар етказмаслиги, фуқаролар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва давлат ҳуқуқларини бузмаслиги ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларга путур етказмаслиги шарт.

6. Ҳар ким мулқдор бўлишга ҳақли.

### **13.5. Мулк шакллари**

Иқтисодий маънодаги мулк шакллари дейилганда моддий неъматларни ўзлаштириш усулларининг йиғиндиси тушунилади. Бундай усуллар якка тартибда ёки жамоат бўлиб ёхуд давлат томонидан амалга оширилиши мумкин<sup>1</sup>.

Юридик маънодаги мулк шакли – моддий неъматларни муайян субъектларга тегишли бўлишини (бириктириб қўйишликни) мустаҳкамловчи ва тегишли мулкнинг ҳуқуқий режимини белгиловчи ҳуқуқий меъёрлар йиғиндисидан иборат.

<sup>1</sup> Суханов Е.А. Лекции о праве собственности. -М.: Юрлит. 1991. 45-46-бетлар.

Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 167-моддасига асосан Ўзбекистон Республикасида мулкчиликнинг қуидаги шакллари мавжуд:

1. Хусусий мулк.
2. Оммавий мулк.

Давлат мулк шаклларини ривожлантириш учун зарур ҳуқуқларнинг тенглигини таъминлайди ва унинг ҳимоя қилинишини кафолатлади. Мулк шаклларини бундай туркумлаш учун мулк субъекти мақоми ва мол-мулк режимининг узвий бирлиги асосий мезон ҳисобланади. Ўз навбатида, хусусий мулк шакли қуидаги кўринишларда (турларда) намоён бўлади:

- а) якка шахсга (индивидуда) тегишли мулк (фуқаролар мулки);  
б) нодавлат юридик шахслар мулки.

Оммавий мулк таркибига қуидагилар киради:

- а) Ўзбекистон Республикаси мулки;
- б) маъмурий-худудий тузилмалар мулки (муниципал мулк).

**Ўн тўртинчи боб**  
**ХУСУСИЙ МУЛК ҲУҚУҚИ**  
**14.1.Хусусий мулк тушунчаси**

Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 207-моддасига асосан хусусий мулк ҳуқуқи шахснинг қонун ҳужжатларига мувофиқ тарзда қўлга киритган мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқидир. Яъни у мерос тариқасида, ишлаб чиқаришда ўз меҳнати билан шахсан иштирок этиш, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш, битимлар тузиш, ёлланма меҳнатдан фойдаланиш тартибида ҳамда қонунда тақиқлаб қўйилмаган бошқа асосларда олган ҳуқуқидир. Хусусий мулк ҳуқуқи билан боғлиқ мухим қоида шуки, хусусий мулк бўлган мол-мулк мулқдор ва қиймат жиҳатдан чекланмайди.

Хусусий мулк ҳуқуқининг субъектлари фуқаролар, хўжалик ширкатлари ва жамиятлари, кооперативлар, жамоат бирлашмалари, ижтимоий фондлар ва давлатга қарашли бўлмаган бошқа юридик шахслардир (ФК, 208-модда).

Хусусий мулк ҳуқуқи субъектлари турли-туман ва кенг доирада бўлса ҳам уларни бирлаштирувчи белги мулкнинг вужудга келиши, ундан фойдаланиш, бошқариш, тасарруф этиш, унинг натижаларидан баҳраманд бўлишда жисмоний шахс (хусусий шахс)нинг у ёки бу даражада иштирок этиши, иштирок этганида ҳам оммавий мулқдаги каби фуқаро (давлатга мансуб шахс) ёки маҳсус ваколатли мансабдор шахс сифатида эмас, балки мулқдор шахс сифатида иштирок этишидир. Бундай иштирок этиш бевосита (масалан, фуқароларга тегишли мол-мулк бўйича мулқдор ваколатларини амалга оширишда) ёки бевосита (масалан, юридик шахсни таъсис этувчиси ёки юридик шахс мол-мулкидан баҳраманд бўлувчи субъекти сифатидаги ҳуқуқларни амалга оширишда) намоён бўлади. Ҳар иккала кўринишида ҳам хусусий шахсга маълум мулкий ҳуқуқлар тегишли бўлади ва у бу ҳуқуқларни ўзига хос тарзда рўёбга чиқаради.

**14.2. Хусусий мулк ҳуқуқи субъектлари**

Юқорида айтганимиздек, хусусий мулк ҳуқуқи фуқаролар ва нодавлат юридик шахслар мулки кўринишида учрайди. Фуқаро мулки хусусий мулкнинг ўзига хос кўриниши бўлиб, мулкнинг бошқа турлари нисбатан қуйидаги афзалликларга эга:

1. Мулкдор ҳар доим конкрет шахс бўлади.
2. Мулкдор мулкка нисбатан энг яқин бўлади ва шу сабабли ҳам унга таъсир қилишда қатор устунликларга эга.
3. Бинобарин, бундай мол-мулк ташмачилик, ўғрилик, хўжасизликнинг қурбони бўлиш эҳтимолидан узоқдир.

Бошқача айтганда, хусусий мулкнинг бу турини фуқароларга якка тартибда тегишли бўлган мол-мулк маъносида тушуниш мумкин. Бу мулкнинг энг асосий белгилари мол-мулкка нисбатан мулкдор якка шахс, яъни фуқаро эканлиги ва у мол-мулкка нисбатан ўз ҳуқуқларини хусусий тарзда амалга оширишга ҳақли эканлигидир. Хусусий тарзда амалга ошириш дейилганда, мулк соҳиби бўлган шахснинг бошқа ҳар қандай шахслардан рухсат олмай, ўз хоҳишига кўра мулкий ҳуқуқларни эътироф этиш, ёлланма меҳнатни қўллаш асосида фойда олиш мақсадини кўзлаб ишлаб чиқариш воситаларига, корхоналарга эгалик қилиш имкониятларига йўл очди. Айни вақтда хусусий мулк ҳуқуқини фуқароларнинг ўзига якка тартибда тегишли мол-мулкка нисбатан эрки ва иродасини амалга оширишда мутлақ хоҳишини рўёбга чиқариш маъносида тушунмаслик лозим. Хусусий мулк эгаси ўз ҳуқуқларини амалга оширишда атроф-муҳитга зарар етказмаслиги ва бошқа шахсларнинг манфаатларини бузмаслиги лозим. Юқорида таъкидланганнайдек, барча мулк турлари ичида фақат фуқаролар мулкида мулкдор ўз мулкига энг яқин туради. Қачонки мулкдор аниқ ва муайян бўлса, ўз мол-мулкига бевосита тез ва осон таъсир кўрсатишга, назорат қилишга имкон туғилади, бундай мол-мулк эса хўжасиз қолмайди. Аксинча, мулкдорнинг доимий назорати, бошқаруви, ғамхўрлиги остида қўпайиб, ривожланиб боради. Фуқаролар мулки сифатидаги бундай хусусий мулк бозор муносабатлари тизимида тадбиркорлик фаолиятининг моддий негизи мўл-кўлчилик ва фаровонлик манбай сифатида ўзига хос мавқега эга бўлади. Шу билан бирга, мулкдорнинг ўз мулкига яқин туриши, бозор иқтисодиёти шароитида ўзгариб турувчи талаб ва таклифга тез мослашиш имконини беради.

Фуқароларга қарашли мол-мулк оила мулки қўринишида ҳам бўлиши мумкин. Оила – кишиларни бир-бирлари билан қон-қарин-дошлиқ ёки никоҳ асосида биргаликда яшаб, умумий хўжалик юритувчи уюшмасидир. Оилавий мулкнинг таркибига қуйидагилар киради:

–эр-хотиннинг биргаликдаги мулки;

—оила аъзоларининг ҳар бирига шахсан тегишли бўлган мулк, шу жумладан никоҳгача бўлган мулк ҳам;

—оилавий умумий мулк — оила мулки оила аъзоларининг умумий келишуви асосида бошқарилади. Умумий қоидага кўра оила юридик шахс эмас, бироқ оила замирида дехқон хўжалиги ташкил этилса, у юридик шахс ҳуқуқидан фойдаланиши мумкин. Бироқ бу ерда оила билан дехқон хўжалигини асло аралаштириб юбормаслик керак.

Хусусий мулк ҳуқуқининг иккинчи кўриниши — нодавлат юридик шахсларнинг мулк ҳуқуқидир.

Нодавлат, яъни давлатга қарашли бўлмаган юридик шахслар мулкининг иқтисодий мазмуни ташкилий жиҳатдан уюшган кишилар гурухига моддий неъматларнинг тегишли эканлигига ифодаланади. Баъзи иқтисодий адабиётларда юридик шахслар мулки шу жамоа аъзоси ҳисобланган шахсларнинг умумий ҳиссали мулки деб кўрсатилади. Бу — нотўғри. Мазкур мулкнинг субъекти фақат юридик шахс ҳисобланади.

Юридик шахслар мулкида умумий мулқдаги каби кўп субъектлилик эмас, балки бир субъектлилик мавжуд. Юридик шахслар мулкининг қуийдаги турлари мавжуд: а) маҳалла мулки; б) кооператив мулк; в) жамоа корхоналарининг мулки; г) ижара корхонасининг мулки; д) хусусий корхоналар мулки; е) хўжалик ширкати ва жамияти мулки; з) жамоат бирлашмаларининг мулки; и) диний ташкилотларнинг мулки.

**Маҳалла мулки.** Маҳалла ижтимоий ўз-ўзини бошқаришнинг бошланғич бўғини ҳисобланади. Маҳалла мулки қуийдаги маблағлардан шаклланади:

—маҳалла аҳолисининг биргаликдаги меҳнат фаолияти ва уларнинг умумий даромадлари;

—фуқаролар ва юридик шахсларнинг ихтиёрий бадаллари, хайр-эҳсонлари;

—халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари томонидан белгиланган тартибда ажратилган бюджет маблағлари;

—шунингдек, қонун хўжатларида назарда тутилган бошқа маблағлар<sup>1</sup>.

Маҳаллада истиқомат қилувчи аҳоли томонидан сайлаб қўйилган органлар маҳалла мулкининг субъекти ҳисобланади. Маҳалла мулкининг тайинланишидан мақсад, турли маросимлар, тадбирлар,

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ти қонуни. Ўзбекистон Республикасининг янги қонунлари. 21-сон. -Т.: Адолат. 1999. 129-б.

шунингдек кам таъминланган оиласларга нисбатан моддий ёрдам бериш ҳисобланади. Шу билан бирга, ушбу органлар ўз мулки бўлган обьектларни вақтинчалик ёки доимий фойдаланиш учун юридик ва жисмоний шахсларга беришга, ижарага топширишга, ўз тасарруфидан чиқаришга, қонун ҳужжатларига мувофиқ мазкур мулк билан боғлиқ бошқа битимлар тузишга ҳақлидир.

**Кооператив мулк** ҳўжаликни биргаликда юритиш ёки бошқа фаолият билан шуғулланиш учун аъзолик асосида ихтиёрий бирлашган фуқароларнинг биргаликдаги мулкидир. Кооператив мулк ўз таркиби бўйича унинг аъзолари мол-мulkини умумлаштириш, ҳўжалик фаолиятини юритиш асосида олинган даромадлар ва ҳоказолардан ташкил топади. Кооператив тугатилган тақдирда бюджет, банклар ва бошқа қарз берувчилар билан ҳисоб-китоблар қилинганидан кейин қолган мол-мулк кооператив аъзолари ўртасида тақсимланади<sup>1</sup>.

**Ижарага олинган корхона мулки** таркибига асосан ишлаб чиқарилган маҳсулотдан олинган даромад ва бошқалар киради. Корхонанинг бошқарув органи мулк ҳуқуқини амалга оширувчи субъект ҳисобланади. Бундай мақомдаги корхоналар мулки билан боғлиқ муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг, Мулкчилик, Ижара<sup>2</sup> тўғрисидаги қонунларида мустаҳкамланган.

**Жамоа корхонаси**нинг мулки давлат корхонасиning бутун мол-мулки меҳнат жамоаси аъзолари томонидан сотиб олиш ёки бошқача усуllар билан қўлга киритилган тақдирда вужудга келади. Унинг таркибига, шунингдек ишлаб чиқарилган маҳсулотлар, олинган даромад ва бошқалар ҳам киради.

**Хусусий корхоналар мулки.** Мулкдор ягона жисмоний шахс томонидан тузилган ва бошқариладиган тижоратчи ташкилот хусусий корхона деб эътироф этилади. Хусусий корхона ўз мулкида алоҳида мол-мulkка эга бўлади ва ўз номидан мулкий ҳуқуқларга эга бўлиши ҳамда уларни амалга ошириши мумкин. Хусусий корхона ўз мажбуриятлари бўйича ўзига қарашли бутун мол-мулк билан жавоб беради. Хусусий корхона мулкдори корхонанинг мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда хусусий корхонанинг мажбуриятлари бўйича ўзига қарашли мол-мулк билан қонун ҳужжатларига мувофиқ субсидиар жавобгар бўлади.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Мулкчилик тўғрисидаги қонуни. Ўзбекистон Республикасининг қонун ли фармонлари. - Т.: Ўзбекистон. 1992. 13-б.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. 1992. 1-сон. 45-модда.

Хусусий корхонанинг устав фонди бўлинмасдир ва уни мулқдорнинг ўзи белгилайди. Пул, қимматли қоҳозлар, пул билан баҳоланадиган бошқа мол-мулк ёки мулкий ҳуқуқлар ёхуд бошқа шахсга бериладиган ўзга ҳуқуқлар хусусий корхонанинг устав фондига қўшиладиган ҳисса бўлиши мумкин. Мулқдор хусусий корхонанинг устав фондига ўзи киритадиган мол-мулкни мустақил баҳолайди. Агар хусусий корхонанинг устав фонди шакллантирилаётганда мулқдор ўз оила аъзоларининг умумий (улушли ёки биргаликдаги) мулки ҳисобланган мол-мулкни корхонага бераётган бўлса, ушбу мол-мулкнинг барча мулқдорларидан нотариал тасдиқланган розилик олиш талаб этилади. Хусусий корхонанинг устав фондини кўпайтириш ва камайтириш мулқдорнинг қарорига кўра хусусий корхонанинг уставига ўзгартишлар киритиш йўли билан амалга оширилади.

Агар иккинчи молия йилининг ва шундан кейинги ҳар бир молия йилининг якунида хусусий корхона соф активларининг қиймати унинг устав фондидан кам эканлиги маълум бўлиб қолса, хусусий корхона ўз устав фондини ўзининг соф активлари қийматидан ошмайдиган микдорда камайтириши шарт.

Хусусий корхона соф активларининг қиймати қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда аниқланади. Хусусий корхона мулқдори хусусий корхонанинг пул маблағларини ҳамда бошқа мол-мулкини тасарруф этади. Мулқдор хусусий корхонанинг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан кейин қолган фойдасидан ўз ихтиёрига кўра фойдаланиш, хусусий корхонага тегишли мол-мулкни бошқа шахсга бериш, ижарага бериш, гаровга қўйиш, бошқа юридик шахсларнинг устав фондига ҳисса сифатида киритиш ёки ушбу мол-мулкни бошқача усуlda тасарруф этиш ҳуқуқига эга. Хусусий корхонанинг мол-мулки национализация қилинмайди, қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Хусусий корхонанинг мол-мулки реквизиция қилинмайди, хусусий корхонанинг мулқдорига реквизиция қилинаётган мол-мулкнинг бозор қийматига муодил компенсацияси тўланадиган табиий оғатлар, авариялар, эпидемиялар, эпизоотиялар ва фавқулодда тусдаги бошқа ҳолатлар бундан мустасно<sup>1</sup>.

**Ҳўжалик ширкати ва жамиятларининг мулки** юридик шахс ҳисобланган ҳўжалик ширкати ва жамиятининг мулки қатнашчиларнинг қўшган ҳиссаси ҳисобидан, ҳўжалик фаолияти

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Хусусий корхоналар тўғрисидаги қонуни. / Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2004 йил 3-сон, 28-модда.

натижасида олинган ҳамда қонунда ман этилмаган бошқа асосларда улар томонидан қўлга киритилган мол-мулқдан ҳосил бўлади.

Хўжалик ширкатларининг мол-мулки ФК ва «Хўжалик ширкатлари тўғрисида»ги қонунда ўз ифодасини топган. Хўжалик ширкатларининг мол-мулкининг дастлабки асоси унинг устав фондида ўз ифодасини топади. Чунки ширкат иштироқчилари (таъсисчилари) ширкатга аъзо бўлиб кираётганда қўшган улушларининг номинал қийматидан таркиб топади. Ширкат устав фондининг миқдори ширкатни давлат рўйхатидан ўтказиш учун ҳужжатларни тақдим этиш санасидаги ҳолатга кўра қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан кам бўлмаслиги керак. Ширкат иштироқчисининг ширкат устав фондидағи улушкининг миқдори фоизларда ёки каср кўринишида белгиланади. Ширкат иштироқчиси улушкининг миқдори унинг улушкининг номинал қиймати билан ширкат устав фондининг ўзаро нисбатига мувофиқ бўлиши керак. Ширкат иштироқчиси улушкининг ҳақиқий қиймати ширкат соғ активлари қийматининг унинг ширкат устав фондидағи улуси миқдорига мутаносиб бўлган бир қисмига мос бўлади. Ширкат давлат рўйхатидан ўтказиладиган пайтга қадар унинг ҳар бир иштироқчиси ўз ҳиссасининг камида ўттиз фоизини ширкатнинг устав фондига киритиши шарт. Ҳиссанинг қолган қисми таъсис шартномасида кўрхатилган муддатда киритилиши лозим бўлиб, бу муддат ширкат давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан бир йилдан ошмаслиги керак.

Пул, қимматли қофозлар, бошқа ашёлар ёки мулкий ҳуқуқлар ёхуд гул баҳосига эга бўлган бошқа шахсга ўтказиладиган ўзга ҳуқуқлар иштироқчиларнинг ширкат устав фондига қўшадиган ҳамда ширкатга қабул қилинадиган учинчи шахсларнинг ҳиссалари бўлиши мумкин. Ширкатнинг устав фондига пулсиз ҳиссасининг гул ҳисобидаги баҳоси ширкатнинг барча иштироқчилари томонидан бир овоздан қабул қилинадиган ширкат иштироқчилари умумий йиғилишининг қарори билан тасдиқланади.

Ширкатга тегишли мол-мулк унга устав фондига ҳисса сифатида фойдаланишга берилган муддат ўтгунига қадар мол-мулқдан фойдаланиш ҳуқуқи тугатилган тақдирда, ширкатнинг мол-мулкни берган иштироқчиси ширкатнинг талабига биноан унга шундай мол-мулқдан шунга ўхшаш шароитларда қолган муддат мобайнида фойдаланганилик учун тўланадиган ҳаққа teng пул товони тўлаши шарт. Пул товони ширкат томонидан уни бериш талабномаси тақдим этилганидан эътиборан, агар ширкат иштироқчилари умумий

йиғилишининг қарори билан товоң тұлашнинг бошқача тартиби белгиланған бўлмаса, бир ой ичида бир йўла тұланиши керак. Бундай қарор ширкатнинг устав фондига ҳисса сифатида мол-мулқдан фойдаланиш ҳуқуқини берган ва бу ҳуқуқ муддатидан илгари тугатилган ширкат иштирокчисининг овозини ҳисобга олмаган ҳолда ширкат иштирокчиларининг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади. Ширкат иштирокчиси устав фондига ҳисса сифатида ширкаттаға фойдаланиш учун бериб қўйган мол-мулқдан фойдаланиш ҳуқуқининг муддатидан илгари тугатилганлиги учун ширкат иштирокчиси томонидан товоң тұлашнинг бошқача тартиби таъсис шартномасида назарда тутилган бўлиши мумкин. Ширкатдан чиқарилган ёки ундан чиқиб кетган иштирокчи томонидан ширкаттаға устав фондига ҳисса сифатида фойдаланишга берилган мол-мулк, агар таъсис шартномасида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, у қанча муддаттага берилган бўлса, шунча муддат давомида ширкатнинг фойдаланишида қолаверади.

Ўз ҳиссасини тўлиқ киритган ширкат иштирокчисига гувоҳнома берилади. Ширкат иштирокчиси қолган иштирокчиларнинг розилиги билан устав фондидағи ўз улушини ёки унинг бир қисмини ширкатнинг бошқа иштирокчисига ёхуд учинчи шахсга беришга ҳақли. Улуш (улушнинг бир қисми) бошқа шахсга берилгандан улушни (улушнинг бир қисмини) берган иштирокчининг ҳуқуқи тўлалигича ёки ҳуқуқининг тегишли қисми унга ўтади. Иштирокчининг ўз қарзлари бўйича ундирувни унинг ширкат устав фондидағи улушига қаратишга иштирокчининг бошқа мол-мулки қарзларини қоплаш учун етишмаган тақдирда фақат суднинг қарорига асосан йўл қўйилади. Бундай иштирокчининг кредиторлари ширкат мол-мулкининг устав фондидағи қарздорнинг улушига тўғри келадиган қисмини ундирувни ана шу мол-мулкка қаратиш мақсадида, ажратишни талаб қилишга ҳақлидирлар. Ширкат мол-мулкнинг ажратилиши лозим бўлган қисми ёки унинг қиймати кредиторлар томонидан ажратиш тўғрисидаги талабнома тақдим этилган пайтдаги ҳолатга кўра тузилган баланс бўйича аниқланади.

Ширкат устав фондидағи иштирокчининг улушига тўғри келадиган мол-мулкка ундирувни қаратиш унинг ширкатдаги иштирокини тугатади. Ширкатнинг ўз тадбиркорлик фаолияти натижасида қўлга киритган барча мол-мулкларини ўз хоҳишларига кўра эгалик қиладилар, фойдаланадилар ва уни тасарруф этадилар.

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ хўжалик жамиятларининг масъулияти чекланган жамият, қўшимча масъулиятли жамият ва акциядорлик жамиятлари каби турлари мавжуд.

Масъулияти чекланган жамиятларда муассис-таъсисчи жамиятнинг хўжалик фаолияти натижаси учун устав фондига ўзи киритган пай бадали улуши миқдорида жавобгар бўлади. Хўжалик жамияти муассислари хўжалик жамиятлари фаолиятларида бевосита иштирок этишлари шарт эмас.

Жамият устав фонди унинг иштирокчилари улушларининг номинал қийматларидан таркиб топади. Жамият устав фондининг миқдори жамиятни давлат рўйхатидан ўтказиш учун ҳужожатларни тақдим этиш санасидаги ҳолатга кўра қонун ҳужожатларida белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан кам бўлмаслиги лозим. Жамият иштирокчисининг жамият устав фондидаги улушкининг миқдори фоизларда ёки каср кўринишида белгиланади. Жамият иштирокчиси улушкининг миқдори унинг улуши номинал қиймати билан жамият устав фондининг нисбатига тенг бўлиши керак. Жамият иштирокчиси улушкининг ҳақиқий қиймати жамият соғ активлари қийматининг унинг улуши миқдорига мутаносиб бўлган бир қисмига мос бўлади. Жамиятнинг устави билан жамият иштирокчиси улушкининг энг юқори миқдори, шунингдек жамият иштирокчилари улушларининг нисбатини ўзgartириш имконияти чеклаб қўйилиши мумкин. Бундай чеклашлар жамиятнинг айрим иштирокчиларига нисбатан белгиланиши мумкин эмас. Қўрсатиб ўтилган қоидалар жамият таъсис этилаётганда унинг уставида назарда тутилиши, шунингдек жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг жамият барча иштирокчилари томонидан бир овоздан қабул қилинадиган қарорига биноан жамиятнинг уставига киритилиши, ўзgartирилиши ва ундан чиқариб ташланиши мумкин.

Жамият давлат рўйхатидан ўтказиладиган пайтга қадар унинг ҳар бир иштирокчиси таъсис ҳужожатларida қўрсатилган жамиятнинг устав фондидаги ўз хиссасининг камидаги ўттиз фоизини киритиши шарт. Жамиятнинг ҳар бир иштирокчиси таъсис ҳужожатларida белгиланган ва жамият давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб бир йилдан ошмайдиган мuddат мобайнida жамиятнинг устав фондига ўз хиссасини тўлиқ киритиши керак. Жамиятнинг иштирокчиси томонидан ҳиссасининг тўлиқ киритилганлиги жамият иштирокчисига бериладиган гувоҳнома билан тасдиқланади.

Пул, қимматли қофзлар, ўзга ашёлар ёки мулкий ҳуқуқлар ёхуд тул баҳосига эга бўлган бошқа шахсга ўтказиладиган ўзга ҳуқуқлар

жамиятнинг устав фондига қўшиладиган ҳиссалар бўлиши мумкин. Жамиятнинг иштирокчилари ва жамиятга қабул қилинадиган учинчи шахслар томонидан жамиятнинг устав фондига қўшиладиган пулсиз ҳиссаларнинг пул баҳоси жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг жамиятнинг барча иштирокчилари томонидан бир овоздан қабул қилинадиган қарори билан тасдиқланади.

Устав фондига ҳисса сифатида жамиятга фойдаланиш учун берилган мол-мулкнинг муддат ўтгунга қадар ушбу мол-мулкдан фойдаланиш ҳуқуқи тугатилган тақдирда, жамиятнинг мол-мулкни берган иштирокчиси жамиятнинг талабига биноан унга шундай мол-мулкдан шунга ўхшаш шароитларда қолган муддат мобайнида фойдаланганлик учун тўланадиган ҳақига teng пул товони тўлаши шарт. Пул товони жамият томонидан уни бериш талабномаси тақдим этилганидан эътиборан агар жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг қарори билан товон тўлашнинг бошқача тартиби белгиланган бўлмаса, бир ой ичида бир йўла тўланиши керак. Бундай қарор жамиятнинг устав фондига ҳисса сифатида мол-мулкдан фойдаланиш ҳуқуқини берган ва бу ҳуқук муддатидан илгари тугатилган жамият иштирокчисининг овозини ҳисобга олмаган ҳолда жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади. Таъсис хужожатларида жамият иштирокчиси томонидан устав фондига ҳисса сифатида жамиятга фойдаланиш учун берилган мол-мулкдан фойдаланиш ҳуқуқининг муддатидан илгари тугатилганлиги учун жамият иштирокчиси томонидан товон тўлашнинг бошқача тартиби назарда тутилган бўлиши мумкин. Жамиятдан чиқарилган ёки ундан чиқиб кетган иштирокчи томонидан жамиятнинг устав фондига ҳисса тариқасида фойдаланиш учун берилган мол-мулк, агар таъсис хужожатида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, у қанча муддатга берилган бўлса, шунча муддат давомида жамият фойдаланишида қолаверади.

Жамият устав фондини жамиятнинг мол-мулки ҳисобига қўпайтириш тўғрисидаги қарор бундай қарор қабул қилинган йилдан олдинги йил учун жамиятнинг бухгалтерия ҳисботи маълумотлари асосидагина қабул қилиниши мумкин. Жамият устав фонди жамиятнинг мол-мулки ҳисобига қўпайтирилладиган сумма жамият соф активларининг қиймати билан устав фонди ҳамда заҳира фонди суммаси ўртасидаги фарқдан ортиқ бўлмаслиги керак. Жамиятнинг устав фонди қўпайтирилганда жамият барча иштирокчилари улушларининг миқдорлари ўзгармаган ҳолда улар улушларининг номинал қиймати мутаносиб равища кўпаяди.

Жамият йилнинг ҳар чорагида, ярим йилда бир марта ёки бир йилда бир марта ўзининг соф фойдасини жамият иштирокчилари ўртасида тақсимлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақлидир. Жамиятнинг жамият иштирокчилари ўртасида тақсимланадиган фойдаси қисмини аниқлаш тўғрисидаги қарор жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади. Жамият фойдасининг унинг иштирокчилари ўртасида тақсимлаш учун мўлжалланган қисми уларнинг жамият устав фондидаги улушларига мутаносиб равишда тақсимланади.

Акциядорлик жамиятлари ўз устав фонди доирасида, унинг қийматига тенг келадиган акциялар, яъни қимматли қофозлар чиқаришга ҳақли. Айнан мазкур акция номинал қиймати доирасида унинг устав фонди шаклланади. Жамият иштирокчиларининг жамиятга киритган улушлари акция орқали расмийлаштирилади ва бу қимматли қофоз келажақда жамият фойда кўрган тақдирда, акциядорларга дивидент олиш ҳуқуқини беради. Акция жамият умумий йиғилишида “бир акция – бир овоз” тамойилига асосланган ҳолда иштирок этиш ҳуқуқини ҳам беради.

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунига (1996 йил<sup>1</sup> 26.04.) 1998 йил 29.08.даги қонунга киритилган қўшимча ва ўзгартишларда<sup>2</sup>, жамият давлат мулки негизида тузилганда корхонанинг (мол-мўлкнинг) қонун ҳужжатларида белгиланган тартиба аниқланган бозор баҳоси жамият устав фондининг суммасини ташкил этиши белгиланди. Шунингдек, акциядорликка айлантирилаётган корхонанинг фонд бозоридаги фаолиятини рафбатлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Фонд бозорини янада ривожлантириш ҳамда давлат мулки негизида ташкил этилган акциядорлик жамиятларини кўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони<sup>3</sup> қабул қилинди.

Акциядорлик жамиятлари очик ёки ёпиқ шаклда бўлиши мумкин. Акциялар эркин реализация қилинса очик, факат маҳсус доирадаги шахслар (муассислар ва улар белгилаган шахслар) гагина тарқатилса, ёпиқ акциядорлик жамияти бўлади. Уларнинг устав фондининг энг кам микдори қонун ҳужжатларида белгиланади. “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 20-моддасига асосан, очик

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1996. 5-сон. 61-модда.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1998. 9-сон. 181-модда.

<sup>3</sup> /Халқ сўзи, 1998 йил 5 март сони.

акциядорлик жамияти устав фондининг энг кам миқдори жамияти давлат рўйхатидан ўтказилган санада Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича эллик минг АҚШ долларига тенг бўлган суммадан кам бўлмаслиги, ёпиқ акциядорлик жамияти устав фондининг энг кам миқдори эса, жамият давлат рўйхатидан ўтказилган санада қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг икки юз баравари миқдоридан кам бўлмаслиги керак. Жамият устав фондининг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган миқдорда шакллантиришнинг энг кўп муддати, агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, жамият давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан бир йилдан ошмаслиги лозим.

**Жамоат бирлашмаларининг мулки** жамоат бирлашмалари, касаба уюшмалари, хотин-қизлар, фахрийлар, ёшлар ва болалар ташкилотлари, ижодий уюшмалари ва турли жамғармалар мол-мулкидан иборат.

**Диний ташкилотларнинг мулкида** бинолар, ишлаб чиқариш, ижтимоий ва хайрия аҳамиятига эга бўлган обьектлар, ўз фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган пул маблағлари ва бошқа мол-мулклар бўлиши мумкин. Улар ўз мол-мулкларига амалдаги қонунлар доирасида эгалик қиласи, фойдаланади ва тасаррӯф этади.

### **14.3. Хусусий мулк ҳуқуқи обьектлари**

Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 209-моддасига асосан қонун билан ман этилган айрим ашёлардан ташқари ҳар қандай мол-мулк хусусий мулк бўлиши мумкин. Қуйидагилар хусусий мулк ҳуқуқининг обьектлари ҳисобланади:

–ўй-жойлар, хонадонлар, дала ҳовлилар, экинлар, ҳайвон ва паррандалар, уй-рўзгор буюмлари;

– акциялар, облигациялар ва бошқа қимматли қофозлар;

– ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, савдо ва бошқа ҳўжалик фаолияти соҳасидаги корхоналар, мулкий комплекслар, бинолар, иншоотлар, ускуна, транспорт ва бошқа ишлаб чиқариш воситалари;

– ихтиrolар, селекция ютуқлари, саноат намуналари ва интеллектуал фаолиятнинг (мулкнинг) бошқа натижалари;

– истеъмол қилишга ва ишлаб чиқаришга мўлжалланган ҳар қандай бошқа мол-мулк қонунларга мувофиқ хусусий мулк бўлиши мумкин, айрим мол-мулк турлари бўндан мустасно.

Юқоридаги обьектлар хусусий мулк ҳуқуки асосида фуқароларга ҳам, юридик шахсларга ҳам тегишли бўлиши мумкин. Корхона мол-мулк мажмуидан иборат бўлиб, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишнинг зарур ва муҳим шартларидан биридир. Тадбиркорлик фаолияти юридик шахслар, фуқаролар ёки фуқаро томонидан ўз таваккалчилклари ва мулкий жавобгарликлари асосида даромад (фойда) олиш мақсадида қонунлар доирасида амалга ошириладиган ташаббускор ҳўжалик фаолиятидир.

Фаолиятга ёлланма меҳнатни жалб қилган ҳолда иш олиб бораётган хусусий тадбиркор юридик шахс ҳисобланиб, унинг корхонаси тегишли тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши шарт.

Ёлланма меҳнат жалб қилмай якка тартибда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган шахс юридик шахсни ташкил қилмай иш олиб бориши мумкин.

Хусусий тадбиркорлик мол-мулки давлат, кооператив ёки бошқа корхоналарнинг мулкидан ёки унинг бир қисмини харид қилишдан ёки ижарадаги мулкини сотиб олишдан ҳамда қонунда назарда тутилган бошқа асослардан вужудга келади.

Қонун бўйича фуқаро ёки юридик шахс сотиб олиши, фойдаланиши ва ҳадя қилиши мумкин бўлган ҳар қандай нарса хусусий мулк обьекти бўлиши мумкин. Хусусий мулк ўзининг ҳуқукий режимиға кўра фуқаролик эркин муюмаласидаги хусусий мулк ва фуқаролик муюмаласида ҳаракати чекланган хусусий мулкка бўлинади.

Фуқаролик муюмаласида ҳаракати чекланган мол-мулк обьектларини эркин равишда сотиши ва сотиб олиш мумкин эмас. Бундай обьектларнинг фуқаролик муюмаласидаги ҳаракати давлатнинг маҳсус ваколатли органлари томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади. Ер хусусий мулк сифатида ўзига хос хусусиятларга эга. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 21 январдаги фармони<sup>1</sup>га асосан савдо обьектлари жойлашган ер участкалари хусусий мулк сифатида сотилишига рухсат берилади. Бундай сотиши танлов ёки ким ошди савдолари асосида амалга оширилади. Тураг жой ёки маъмурӣ бинолар жойлашган ер участкалари хусусий мулк қилиб сотилмайди.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иқтисодий испоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манбаатларини химоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари гўрисида”ги фармони. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари. З-тўплам. -Т.: Адолат. 1995 йил.

Тегишли қонун ҳужжатларида фуқароларнинг мулки бўла олмайдиган мол-мулк кўрсатиб ўтилган. Бунга асосан қўйидагилар фуқароларга тегишли мулк бўла олмайди:

–қурол-яроғ, шу жумладан, ўқ отар қурол (силлиқ стволли ов милтиқлари, спорт қуроллари, шунингдек мукофотга берилиб белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган қуроллардан ташқари), армия ўқ дорилари ва ҳарбий техникаси;

–портловчи моддалар ва материаллар, асбоблар ва қурилмалар;

–гиёхвандлик моддалари, психотроп, заҳарли моддалар, қаттиқ таъсир этувчи, заҳарловчи моддалар;

–махсус тақиқлаб қўйилган бошқа мол-мулклар<sup>1</sup>.

Агар фуқаро ихтиёрида бундай мол-мулк инсофли ва қонуний асосларда пайдо бўлса (мерос тариқасида ўтиш ва ҳ.к.), у буни ўзидан бегоналаштириши лозим. Агар бундай мол-мулк ғайриқонуний ва ноинсофлик асосида олинса ёки ҳосил қилинса, давлат фойдасига мусодара этилиши лозим.

Юқоридаги обьектлар қонунда белгиланган тартибда ва асосларда юридик шахслар мол-мулки таркибиغا кириши истисно этилмайди.

<sup>1</sup> "Айрим корхоналар ва мол-мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг баъзи масалалари тўғрисида"ти Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисining 1995 йил 31 августдаги карорининг 1-2-иловалари; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисining Ахборотномаси. 1995 йил 9-сон. 194-мода; Фуқароларга хусусий мулк сифатида берилмайдиган ва ким ошиди савдоларида мерос килиб қолдириш шарти билан умрбод эгалик қилиш учун сотилмайдиган ерлар рўйхати (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 11 апрелдаги 126-сон карорига 4-иловада келтирилган). Б.Ибраторовнинг "Пудрат ва қонун" тўпламида. -Т.: Адолат. 1998.

**Ўн бешинчи боб**  
**ОММАВИЙ (ДАВЛАТ) МУЛК ҲУҚУҚИ**  
**15.1. Оммавий (давлат) мулкнинг турлари**

Ўзбекистон Республикасида оммавий (давлат) мулкининг қўйидаги турлари мавжуд:

а) Ўзбекистон Республикаси мулки қўйидагилардир:

– давлатга мутлақ мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган мол-мулк: ер, ер ости бойиклари, сув, ҳаво бўшлиғи, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий бойиклар;

– давлат ҳокимияти ва бошқаруви республика органларининг мол-мулки, давлат аҳамиятига эга бўлган маданий ва тарихий бойиклар, республика бюджетининг маблағлари, олтин заҳираси, давлатнинг валюта фонди ва бошқа фондлари республика мулкидир; шунингдек, бошқа мулкий комплекслар, ўкув, илмий-тадқиқот муассасалари ва ташкилотлари, интеллектуал фаолият натижалари, башарти булар бюджет ёки давлатнинг ўзга маблағлари ҳисобидан яратилган ёки сотиб олинган бўлса, бошқа мол-мулкни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Республика Президенти, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ёки улар маҳсус вакил қилган органлар, ягар қонунда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, тасарруф қиладилар (ФК, 214-модда).

Республика мулки бўлган мол-мулк давлат юридик шахсларига ҳўжалик юритиш ёки оператив бошқариш ҳуқуқи асосида бириткириб қўйилиши мумкин.

## **15.2. Оммавий (давлат) мулкнинг зарурати ва манбалари**

Ўтган мавзуларда айтганимиздек, давлат мулки мулкнинг мустақил шакли ҳисобланади. Давлат мулки зарурлигининг объектив сабаблари қўйидагиларда кўринади:

– давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятини ташкил этиш;

– ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар фаолиятини ташкил этиш;

– давлат хавфсизлиги ва мудофаа эҳтиёжлари;

– илм-фан ва маданиятни таъминлаш;

– кам таъминланган аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш;

– табиий оғатларга ва фавқулодда ҳолатларга қарши кураш ва унинг оқибатларини бартараф этиш;

– баъзи тармоқларда ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш (Масалан: атом, ёнилғи энергияси каби).

Давлат мол-мулки қуидаги манбалардан шаклланади:

- солиқлар;
- маҳаллий йиғимлардан;
- ишлаб чиқариш фаолиятидан олинган даромаддан;
- кредитлар ва заёмлардан;
- давлат мулкини хусусийлаштиришдан тушган даромадлардан;
- национализациядан;
- реквизициядан;
- мусодарарадан;
- топилмалардан;
- хазиналардан;
- эгасиз ашёдан;
- турли шартнома (контракт)лардан;
- хорижий мамлакатларда кўчмас мулк сотиб олишдан ва ҳоказо.

б) маъмурий-ҳудудий тузилмалар мулки (муниципал ёки коммунал мулк). Мазкур мулк таркибига маҳаллий бюджет маблағлари, муниципал уй-жой фонди ва коммунал хўжалик корхоналар ва бошқа мулкий комплекслар, халқ таълими, маданият, соғлиқни сақлаш муассасалари ва бошқа мол-мулк муниципал мулк бўлади.

Муниципал мол-мulkни қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, давлат ҳокимияти маҳаллия органлари ёки улар вакил қилган органлар тасарруф этадилар.

### **15.3. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш**

1991 йил 19 ноябрда бу ҳақда маҳсус қонун<sup>1</sup> қабул қилинган. Мазкур қонуннинг қабул қилинишига қуидагилар объектив сабаблар бўлди:

1. Тоталитар тузумда шахснинг мулкдан бегоналашуви оқибатларини тутгатиш.

2. Давлат мулкининг таркибий марказлашувининг ҳаддан ортishi, ундан самарали фойдаланиш, бошқариш ва назорат қилишини таъминлай олмаганлиги.

<sup>1</sup> Ўзбекистоннинг янги қонулари. 5-сон. -Т.: Адолат. 1993.

3. Давлат мулкига нисбатан ташмачилик ва хўжасизликка барҳам бериш.

4. Бозор иқтисодиёти, тадбиркорлик фаолиятини йўлга кўйиш мулкнинг давлат қўлида ҳаддан ортиқ марказлашувига зид эканлиги.

Давлат тасарруфидан чиқариш дейилганда давлат корхоналари ва ташкилотларини жамоа ижара корхоналарига, акциядорлик жамиятларига, давлатга қарашли бўлмаган бошқа корхоналар, ташкилотларга айлантирилиши тушунилади.

Хусусийлаштириш дейилганда эса, фуқаролар ва давлатга тааллуқли бўлмаган юридик шахсларни давлат мулки объектларини ёки давлат акцияларини давлатдан сотиб олиши тушенилади.

**Бу икки тушунча ўртасидаги асосий фарқ шундан иборатки, давлат тасарруфидан чиқарилганда мулк ҳуқуқининг маълум бир қисми давлат қўлида сақланиб қолади, хусусийлаштирилганда эса мулк ҳуқуқи тўлиқ хусусий шахсларга ўтади.**

Давлат органлари хусусийлаштириш субъекти бўла олмайди. Хусусийлаштириш объектларини давлат бюджети томонидан сотиб олишга йўл қўйилмайди. Хусусийлаштириш жараёни мобайнида кўп ҳолларда низоли бинолар хусусида келишмовчиликлар ва тизим бўлимларининг акциядорлик жамиятлари таркибидан чиқаришлари билан боғлиқ бўлган низолар келиб чиқмоқда.

Тажриба шуни кўрсатадики, айrim корхоналар ва идоралар томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш масалаларига оид қарорига етарлича эътибор берилмаётган ҳоллар учраб туради. Уларни бажаришда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва хусусийлаштириш жараёнига тўсиклар туғдирадиган тор маҳкамачиликка йўл қўйилаётганидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат мулкини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш учун ариза бериш ва уни кўриб чиқиш тартиби тўғрисида”ги Вақтинчалик Низомнинг 11-бандига кўра, бундай ариза берилган пайтдан бошлаб ва ижобий қарор қабул қилинган тақдирда, бу мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва бошқариш ҳуқуқини бошқа мулкдорга ўтказилган пайтга қадар маъмурий бошқариш органлари корхонани қайта

тузилиши, тугатилиши, штат жадвали тузилишини ўзгартериши ва ходимларни ишдан бўшатиши мумкин эмас<sup>1</sup>.

Давлат уй-жой фондидағи турар жойни хусусийлаштиришни амалга оширишда фуқароларнинг ва мулкдорларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш муносабати билан вужудга келган низолар Ўзбекистон Республикаси ФПК ва “Давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш тўғрисида”ги Қонуннинг 26-моддасига мувофиқ судларга тааллуқлидир<sup>2</sup>.

#### **15.4. Давлат корхонасининг мулки**

Давлат мулки бўлган ва давлат корхонасига бириктириб қўйилган мол-мулк тўла ҳўжалик юритиш асосида ушбу давлат ҳўжалигига тегишли бўлади. Корхона ўз мол-мулки билан тўла ҳўжалик юритиш ҳуқуқини амалга оширас экан, шу мулкка эгалик қиласи, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Унга нисбатан қонунга зид бўлмаган ҳар қандай ҳаракатларни содир этишга ҳақли (давлат корхонасининг ўзига бириктириб қўйилган мол-мулкка нисбатан мулкий ҳуқуқларнинг мазмунини ашёвий ҳуқуқларга бағишиланган бобларда баён этилган).

#### **15.5. Давлат муассасаларининг мол-мулки**

Давлат мулки бўлган ва мулкдор томонидан давлат бюджетида турувчи давлат муассасасига, ташкилотига бириктириб қўйилган мол-мулк оператив бошқарувда бўлади. Давлат муассасаси, ташкилоти ўз мажбуриятлари юзасидан ўз тасарруфидаги маблағлари билан жавоб беради. Давлат муассасасининг, ташкилотининг маблағи етарли бўлмаган тақдирда унинг мажбуриятлари бўйича тегишли мулкнинг эгаси жавобгар бўлади.

#### **15.6. Давлат ижара корхонасининг мол-мулки**

Ижара давлат мулкини фойдаланишнинг ўзига хос шакли бўлиб, ашёвий ҳуқуқлар тизимиға мансуб ҳуқуқлардан ҳисобланади. Бунда давлат мулкини идора қилувчи орган-меҳнат жамоаси давлат мулкини ижарага беради. Бундай ашёвий ҳуқуқнинг субъекти ижара корхонасининг меҳнат жамоаси ҳисобланади ва у ижара мулкий шартномада белгилаб қўйилган ҳуқуқлар доирасида бошқарилади.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг 1996 йил 1 марта қабул қиласига 53-сонли қарорига илова.

<sup>2</sup> //Қонун номи билан. Ўзбекистон Республикаси Олий Судининг Ахборотномаси. 1995. 3-4-сон.

## **Ўн олтинчи боб АШЁВИЙ ҲУҚУҚЛАР**

### **16.1. Ашёвий ҳуқуқ тушунчаси ва турлари**

Мулкий ҳуқуқлар тизимида мулк ҳуқуқи билан бир қаторда ашёвий ҳуқуқлар мұхим үрин әгаллайды. Маълумки, мулқдор ҳар доим үз мол-мулкига нисбатан шахсан үзи барча ваколатларини амалға ошириш имкониятига эга бўлавермайди. Баъзи ҳолларда объектив сабабларга кўра (Масалан, давлат мулкини идора қилишда) ёхуд мулқдорнинг вояга етмаганилиги, мулкни шахсан үзи бошқариш ҳуқуқидан фойдаланиш имкониятига эга эмаслиги ва бошқалар сабабли мол-мулк бошқа шахслар ихтиёрига вақтингчаликка топширилиши мумкин. Ана шундай ҳолларда мулқдор бўлмаган шахс бошқаларнинг мол-мулкига эгалик қилиши, фойдаланиши ва мулқдор рухсат берган доирада тасарруф қилиши ашёвий ҳуқуқлар орқали амалға оширилади. Бинобарин, ашёвий ҳуқуқлар мулқдорнинг розилиги билан унинг мол-мулкини бошқа шахслар томонидан әгаллаш, фойдаланиш тартибини белгиловчи ҳуқуқий воситалар сифатида тузилиши мумкин.

Ашёвий ҳуқуқлар – чегараланган характер ва таркибга эга бўлиши, мулкий ҳуқуқлардан келиб чиқиб, унга боғлиқ бўлиши, мутлақ тартибда ҳимоя қилиниши каби хусусиятлари билан характерланади<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига асосан ашёвий ҳуқуқларнинг қуйидаги турлари мавжуд:

- хўжалик юритиш ҳуқуқи ва оператив бошқариш ҳуқуқи;
- мерос қилиб қолдириладиган ер участкасига умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи;
- ер участкасига доимий эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқи;
- сервитут ҳукуки.

### **16.2. Хўжалик юритиш ҳуқуқи ва оператив бошқариш ҳуқуқи**

Хўжалик юритиш ҳуқуқи давлатга қарашли корхоналарга нисбатан кенг қўлланилади. ФКнинг 176-моддасига асосан, хўжалик юритиш ҳуқуқи асосида ихтиёрида мол-мулк бўлган давлат унитар

<sup>1</sup> Гражданское право. //Под ред. А.П. Сергеева, Ю.К. Толстого. -М.: ТЕИС. 1996. 312-317 бетлар

корхонаси бу мол-мулкка ФҚда белгиланадиган доирада эгалик қиласи, фойдаланади ва уни тасарруф этади. Унитар корхона дейилганды, ўзига бириктириб қўйилган мол-мулкка нисбатан мулкдор томонидан мулк ҳуқуқи берилмаган тижоратчи ташкилот тушунлади. Унитар корхонанинг мол-мулки бўлинмасдир ва у қўшилган ҳиссалар (улушлар, пайлар) бўйича, шу жумладан, корхона ходимлари ўртасида ҳам тақсимланиши мумкин эмас (ФҚ, 70-модда).

Ҳўжалик юритиш ҳуқуқида мулкий ҳуқуқлар ўз мазмунига кўра икки қисмдан иборат бўлади:

а) ҳўжалик юритиш ҳуқуқи асосида корхонага бириктириб қўйилган мол-мулкка нисбатан мулк эгасининг ҳуқуқлари ФҚнинг 177-моддаси 1 ва 2-қисмига асосан бу ҳуқуқлар қуидагилардан иборат:

—қонунга мувофиқ корхона ташкил этиш;

—корхона фаолият соҳасини ва мақсадларини аниқлаш;

—корхонани қайта ташкил этиш ва тугатиш масаласини ҳал қилиш;

—корхона директорини (раҳбарини) тайинлаш;

—корхонага қарашли мол-мулқдан белгиланган мақсадларда фойдаланиш ва унинг сақланишини назорат қилиш;

—ҳўжалик юритишида бўлган мол-мулкни ишлатишдан келган фойданинг бир қисмини ўзига олиш.

Мулкдорнинг ушбу ҳуқуқлари айни вақтда ҳўжалик юритувчи корхонанинг мажбуриятлари ҳамdir. Бунга асосан корхона ҳўжалик юритиш ҳуқуқи асосида ўзига бириктирилган кўчмас мулкни мулкдорнинг розилигисиз сотишга, ижарага беришга, гаровга қўйишга, ҳўжалик ширкатлари ва жамиятларининг устав фондига ҳисса, улуш сифатида топширишга ёки уни бошқача усулда тасарруф этишга ҳақли эмас;

б) ҳўжалик юритиш ҳуқуқи асосида ўзига мол-мулк бириктирилган корхона бу мол-мулкка нисбатан юқорида қўрсатилган ҳуқуқлардан ташқарида бўлган ҳуқуқ ва ваколатларни амалга оширишга ҳақли. Корхонага қарашли мол-мулкни у мустақил тасарруф этади (қонунда белгиланган ҳоллар бундан мустасно).

Ҳўжалик юритиш ҳуқуқи асосида фаолият юритувчи корхона маъмурияти мулкдор ёки у вакил қилган орган томонидан тайинланади ва уларга ҳисоб беради.

Ўзбекистон Республикаси ФҚнинг 178-моддасида оператив бошқариш ҳуқуқининг мазмуни берилган. Унга асосан давлат корхонаси, шунингдек муассасаси ўзларига бириктириб қўйилган

мол-мулкка нисбатан қонунда белгилаб қўйилган доирада, ўз фаолиятининг мақсадларига, мулкдорнинг топшириклариға ҳамда мол-мulkнинг вазифасига мувофиқ ҳолда эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқларини амалга оширадилар.

Давлат корхонаси ёки муассасасига бириктириб қўйилган мол-мulkнинг эгаси ортиқча фойдаланилмаётган ёки ноўрин фойдаланилаётган мол-мulkни олиб қўйиш ҳамда уни ўзи хоҳлаган тарзда тасарруф этишга ҳақли.

Оператив бошқарув ҳуқуқидан фойдаланувчи муассаса ўзига бириктириб қўйилган мол-мulkни ва смета бўйича унга ажратилган маблағлар ҳисобига сотиб олинган мол-мulkини бошқа шахсга беришга ёки бошқача усул билан тасарруф этишга ҳақли эмас. Агар таъсис ҳужжатлариға мувофиқ муассасага даромад келтирадиган фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқи берилган бўлса, бундай фаолиятдан олинган даромадлар бу даромадлар ҳисобидан сотиб олинган мол-мulk муассасасининг мустақил тасарруфига ўтади ва алоҳида балансда ҳисобда олиб борилади (Масалан, давлатга қарашли олий ўқув юрти кафедраси томонидан шартнома асосида тадқиқотлар ўtkазиб, ишлаб топилган маблағлар худди шундай тартибда тасарруф қилинади).

Давлат корхонаси ўзига бириктириб қўйилган мол-мulkни унинг эгасининг (яъни давлатнинг) розилиги билангина бошқа шахсга беришга ёки уни бошқача усулда тасарруф қилишга ҳақли. Агар қонун ҳужжатларида бошқача белгиланган бўлса, давлат корхонаси ишлаб чиқарарадиган маҳсулотларни ўзи мустақил равишда реализация қиласди. Давлат корхонасининг даромадларини тақсимлаш тартиби унинг мол-мulkни мулкдори томонидан белгиланади. Оператив бошқариш ҳуқуқи асосида фаолият юритувчи давлат корхонасининг мол-мulkни етарли бўлмаганида давлат унинг мажбуриятлари бўйича субсидиар жавобгар бўлади (ФК, 72-модда, 5-банд).

**Хўжалик юритиш ҳуқуқи ёки оператив бошқариш ҳуқуқининг вужудга келиши ва бекор бўлиши.** Унитар корхонага ёки муассасага ўз мол-мulkини хўжалик юритиш ҳуқуқи ёки оператив бошқариш ҳуқуқи асосида бириктириб қўйиш ҳақидаги қарор бириктириб қўйиладиган мол-мulk эгаси (мулкдори) томонидан қабул қилинади. Бироқ ашёвий ҳуқуқнинг вужудга келиши учун шундай қарорни қабул қилиш кифоя эмас. Тўла хўжалик юритиш ҳуқуқи ёки оператив бошқариш ҳуқуқи бириктириб қўйиладиган мол-мulk мулкдор томонидан унитар корхона ёки муассасага

топширилган вақтдан бошлаб вужудга келган ҳисобланади (агар қонун ҳужжатларида ёки мулқдорнинг қарорида бошқача тартиб белгиланмаган бўлса).

Хўжалик юритиш ёки оператив бошқаришда бўлган мол-мулқдан фойдаланишдан олинган даромадлар, ҳосил ва маҳсулотлар, шунингдек унитар корхона ёки муассаса шартнома бўйича ёхуд бошқа асосларда олган мол-мулқ қонунда белгилаб қўйилган тартибда корхона муассасасининг хўжалик юритишга ёки оператив бошқаришга ўтади.

Хўжалик юритиш ёки оператив бошқариш ҳуқуқи асосида корхона ёки муассасага бириктириб қўйилган мол-мулқ мулқдорнинг қарори билан корхона ёки муассасанинг мол-мулки қонуний суратда олиб қўйилган ҳолларда бекор бўлади. Айни вақтда хўжалик юритиш ёки оператив бошқариш ҳуқуқи мулқ ҳуқуқининг бекор бўлиши қонуний асослари вужудга келган ҳолларда (мулқ ҳуқуқининг бекор бўлиш тартиби) бекор бўлиши мумкин.

Мулқий комплекс сифатида давлат корхонасига бўлган мулқ ҳуқуқи давлат мол-мulkининг бошқа мулқдорга ўтган вақтда бундай корхона ўзига қарашли мол-мулкка хўжалик юритиш ҳуқуқини ҳам сақлаб қолади. Оператив бошқариш ҳуқуқига эга бўлган муассаса ёки корхонага мулқ ҳуқуқи бошқа шахсга ўтганида бу муассаса ва коррхона ўзига бириктириб қўйилган мол-мулкнинг оператив бошқариш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади.

### **16.3. Мерос қилиб қолдириладиган ер участкасига умрбод эгалик қилиш ҳуқуқлари**

Мерос қилиб қолдириладиган ер участкасига эгалик қилиш ҳуқуқи бу ашёвий ҳуқуқнинг бир тури бўлиб, фуқаронинг белгиланган ўлчамдаги ва қонунда назарда тутилган ҳолларда эҳтиёжларни қондириш мақсадида ер участкасига нисбатан бевосита эгалик қилиш ҳуқуқидир.

Бундай ашёвий ҳуқук тури фуқароларга ишлаб чиқариш эҳтиёжларини қондириш учун (дехқон хўжалиги, боғдорчилик, чорвачилик, миллий халқ хунармандчилиги), шахсий эҳтиёжларни қондириш учун (турас жой, дала ҳовли қуриш ва таъмирлаш учун) ноҳўжалик фаолият юритиш учун берилиши ва турас жойни мерос сифатида қабул қилиш билан вужудга келади. Мерос қилиб қолдириладиган ер участкасига умрбод эгалик қилиш ҳуқуқининг обьекти – бериладиган мақсадлардан келиб чиқиб, ўлчами қонун билан

тартибга солинадиган ер участкаси ҳисобланади. Субъекти – жисмоний шахслардир. Шуни айтиш керакки, фермер хўжалигига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга берилган томорқа ер участкалари хусусийлаштирилиши ва олди-сотди, гаров, ҳадя, айирбошлиш обьекти бўлиши мумкин эмас. Аммо бу ҳуқук кредит олиш учун гаровга қўйилиши мумкин<sup>1</sup>.

#### **16.4. Ер участкасига доимий эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуки**

Ер участкасига доимий эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуки қонунан юридик шахсларга бериладиган ашёвий ҳуқуқларнинг алоҳида тури сифатида кўринади. Ер кодексига<sup>2</sup>нинг 17-моддасига кўра, юридик шахслар ер участкасидан доимий эгалик қилиш ва фойдаланиш, муддатли (вақтинча) фойдаланиш, ижарага олиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай ҳолатда ердан фойдаланиш ҳуқуки шартномадан келиб чиқади ҳамда мутлақ ҳимоя қилинади. Бунда субъект юридик шахслар бўлиб, обьект – конкрет белгиланган ер участкасидир. Ушбу кодексга кўра, ер участкаси ижара шартномаси асосида муддатли, ҳақ эвазига эгалик қилиш ва фойдаланиш учун қўйидагиларга берилиши мумкин:

–Ўзбекистон Республикаси фуқароларига ва юридик шахсларига;

–чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарга, ҳалқаро бирлашмалар ва ташкилотларга, чет эллик юридик ва жисмоний шахсларга.

Бундай ашёвий ҳуқук турида ер фойдаланувчиларга қишлоқ хўжалиги, ўрмон хўжалиги, диний ташкилотлар, мудофаа эҳтиёжлари учун берилиши мумкин. Улар бунда белгиланган ер участкасида мустақил хўжалик юритиш ҳуқуқига эга бўлишади, шунингдек етиширилган ҳосилдан тушган даромадларни эркин реализация қилиш ҳуқуқига эга бўладилар. Ер участкалари эллик йилгача бўлган, лекин ўн йилдан кам бўлмаган муддатга ижарага берилади<sup>3</sup>.

<sup>1</sup>Тижорат банклари томонидан фермер хўжаликларини ер участкасини ижарага олиш ҳуқукини гаровга олган ҳолда кредитлаш тартиби тўғрисидаги Низом. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 31.12.2004 йил 1345-1-сон билан рўйхатга олинган. Норма ҳуқукий ахборот тармоги. 2005 йил декабрь версияси.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1998. 5-6 сон. 82-моддаси. Ўзбекистон Республикасининг “Ер кодекси ва қишлоқ хўжалигига оид қонун хужжатлари”. -Т.: Адолат. 1999. 18-б.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1998. 5-6 сон. 82-моддаси. Ўзбекистон Республикасининг “Ер кодекси ва қишлоқ хўжалигига оид қонун хужжатлари”. -Т.: Адолат. 1999. 86-модда. 102-б.

## 16.5. Сервитут ҳуқуқи

Күчмас мулк әгаси құшни ер участкасининг әгасидан, зарур ҳолларда эса, бошқа ер участкасининг әгасидан ҳам үзганинг ер участкасидан чекланған тарзда фойдаланиш (сервитут) ҳуқуқини беришни талаб қилишга ҳақлидир.

Үзганинг ер участкасидан пиёда ва транспортда ўта олишни таъминлаш, электр узатгич, алоқа ва қувур линияларини ўтказиш, улардан фойдаланиш, сув билан таъминлаш учун; шунингдек күчмас мулк әгасининг әхтиёжларини сервитут белгиламай туриб таъминлаши мүмкін бўлмаган бошқа әхтиёжларини қондириш учун сервитут белгиланиши мүмкін. Ер участкасида сервитут белгиланиши ер участкаси әгасининг ушбу участкага әгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқларидан маҳрум этмайди.

Сервитут белгилашни талаб қилаётган шахс билан ўзга ер участкасининг әгаси ўртасидаги битимга кўра, сервитут белгиланади ва у кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқлар белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилиши лозим. Сервитутни белгилаш хусусида келиша олинмаса, баҳс сервитутни талаб қилаётган шахснинг даъвоси бўйича суд томонидан ҳал қилинади. Фуқароларнинг сервитут ҳуқуқлари тижорат мақсадларидан ҳоли бўлганлиги учун кенг мулкий ҳуқуқларни талаб қилмайди.

Шунингдек, гаров ҳам ашёвий ҳуқуқ тури ҳисобланади. Унинг нарсаси ҳар қандай мол-мулк, шунингдек ашёлар ва мулкий ҳуқуқлар бўлиши мүмкін. Муомаладан чиқарилган мол-мулк, кредиторнинг шахси билан узвий боғлиқ бўлган талабномалар, хусусан, ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги талаблар, алиментлар тўғрисидаги талаблар ҳамда бошқа шахсга берилиши қонун билан ман этилган бошқа талаблар бундан мустаснодир. Гаров турларига ипотека, яъни кўчмас мулкни гаровга қўйиш ҳамда закалат киради.

## **Ўн еттинчи боб УМУМИЙ МУЛК ҲУҚУҚИ**

### **17.1.Умумий мулк ҳуқуқи түшүнчаси. Умумий мулк турлари**

Фуқаролик кодексининг 216-моддасида айтилганидек, икки ёки ундан ортиқ шахснинг эгалигига бўлган мол-мулк уларга умумий мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлади.

Юкорида келтирилган нормадан англашилишича, умумий мулк ҳуқуқи бир неча шахсларнинг (шерик, эгаларнинг) муайян мулк (объектлар)га нисбатан бўлган мулкий ҳуқуқларига айтилади.

Умумий мулк ҳуқуқининг объектини маълум ашё ёки ашёларнинг тўплами ташкил этиши мумкин. Масалан, икки ёки бир неча шахснинг биргаликда қурган ёки сотиб олган иморати, икки ёки бир неча жамоа хўжалиги биргаликда қурган фишт заводи каби бошқа объектлар бўлиши мумкин. Умумий мулк ҳуқуқининг субъектлари (иштирокчилари) икки ёки бир неча шахс (ташкилот ёки фуқаро)лар бўлиши мумкин.

Умумий мулк ҳуқуқининг субъектлари бир неча шахсдан иборат бўлганлиги туфайли шерикларнинг ҳар қайсиси бундай мулкни ўз ҳолича тасарруф қила олмайди, балки ўзига қарашли объектларни биргаликда, ўзаро келишув асосида эгаллайди, улардан фойдаланади ва тасарруф қиласди.

Умумий мулк ҳуқуқи қўйидаги асослардан вужудга келади:

биринчидан, оддий ширкат шартномасидан, масалан, бир неча фуқаронинг биргалашиб уй-жой қуришидан ёки бир неча жамоа хўжалигининг биргалашиб электр станцияси қуришидан;

иккинчидан, бир неча фуқаронинг муайян умумий мулкка эга бўлиш учун маблағ ва меҳнатларини қўшишларидан, масалан, умумий оиласвий мулк;

учинчидан, бир неча шахсларнинг қонун ёки васият бўйича мерос олишларидан.

Умумий мулк ҳуқуқи аксарият ҳолларда оддий ширкат (биргалиқдаги фаолият) шартномаси асосида, умумий хўжалик мақсадларига эришиш учун, жамоа хўжаликлари, корхона ёки бошқа ташкилотлар қуриш ва эксплуатация қилиш, сув хўжалиги иншоотлари, мактаблар, турар-жой бинолари ва шу каби объектларни қуриш учун биргаликда ҳаракат қилишларида, бунинг учун пул ҳамда бошқа мулк ёхуд ҳамкорликдаги меҳнатлари асосида вужудга келади. Фуқаролар ҳам ўзларининг шахсий-маиший эҳтиёжларини

қондириш учун пул, мулк ва ҳамкорликдаги меҳнатлари эвазига, масалан, уй-жой қуриш учун биргалиқда шартнома тузиб умумий мулк ҳуқуқини оладилар.

Умумий мулк ҳуқуқи институти, умумий мулк ҳақидаги ҳуқуқий муносабатлар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 216-227-моддаларида батафсил баён этилган.

ФКнинг 216-моддасида кўрсатилганидек, умумий мулк икки турга: биринчидан, мол-мулк мулқдорлардан ҳар бирининг мулк ҳуқуқидаги улуши аниқлаб қўйилган улушли мулк ва иккинчидан, улушлари аниқлаб қўйилмаган биргалиқдаги мулкка бўлинади. Булар ўртасидаги асосий фарқлар қўйидагичадир:

Тақсимланадиган умумий мулкнинг ҳар бир иштирокчиси ашёда аниқ белгиланган ҳиссага эга бўлади. Масалан, ярмига, учдан бирига ва ҳоказо.

Тақсимланмайдиган биргалиқдаги умумий мулк эса, ҳиссаларга тақсимланадиган мулқдан улушларга ажралмаслиги билан фарқ қиласди. Бундай умумий мулк ҳамма иштирокчилар ўртасида, уларнинг умумий розилиги билан ва тенглик асосида эгалланади, фойдаланилади ва тасарруф этилади.

Улушли мулк субъектлари фуқаро ҳам, ташкилот ҳам бўлиши мумкин.

Умумий биргалиқдаги мулк ҳуқуқида субъектлар ўз улушларини мустақил тасарруф қила олмайди, чунки, биринчидан, уларнинг ҳар бирининг улуши умуман белгиланмаган бўлади; иккинчидан, оиласиий муносабатда бўлган умумий мулк эгаси оиласдан чиққанда, уни бошқа бир иккинчи шахс билан алмаштириб бўлмайди.

Улушли мулк улушларга ажралмайдиган умумий мулқдан вужудга келиши асослари ва тартиби билан ҳам фарқ қиласди.

Улушли мулк ташкилотлар ва фуқароларнинг битимлар тузиши асосида, қонунда назарда тутилган асосларда, чунончи қонун ва васият бўйича мерос олишда, мулкнинг мусодара қилинишида ва бошқа баъзи ҳолларда вужудга келиши мумкин.

Жамоа хўжалиги оила аъзоларининг, жамоа хўжалигида меҳнат қилиб топган ва хонадон мулкига қўшган даромадлари ёрдамчи хўжаликдан, чорва моллари асрардан келган даромадлари хонадон аъзоларининг умумий мулк ҳуқуқини вужудга келтиради. Касбкор, ҳунарманд, умуман якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи фуқаролар оиласининг топган пул ёки бошқа буюмлари ҳам шу хонадон аъзоларининг умумий мулкини вужудга келтиради.

## **17.2. Умумий улушли мулкни эгаллаш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш**

Умумий улушли мулкни эгаллаш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этишда шерик эгаларнинг ҳуқуқлари икки турга: барча умумий мулкка нисбатан, умумий мулкдаги улушга нисбатан бўлган ҳуқуқларга бўлинади. Бинобарин, умумий улушли мулк эгаларининг ҳар қайсиси ўз улушкини мустақил тасарруф этиш ҳуқуқига эга бўлса ҳам, бироқ ўз улушкини қонун ёки устав (низом)да бошқача ҳол белгиланмаган бўлса, ўзга шахсга ўтказиш ҳуқуқига эга бўлса ҳам, умумий мулкни шерикларининг розилигидан ташқари тасарруф қила олмайди.

Умумий улушли мулкни эгаллаш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш давомида бундай мулкнинг эгалари ўртасида бўлган низолар умумий мулк иштирокчиларининг ҳар қайсисининг даъвоси бўйича суд томонидан ҳал қилинади.

Умумий улушли мулк эгалари ўз ихтиёрида бўлган мулкни ҳаммаларининг розилиги билан эгаллайдилар, ундан фойдаланадилар ва тасарруф этадилар. Агар шериклар мулкни эгаллаш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш тартиби тўғрисида ўзаро келиша олмасалар, бундай масала юзасидан шерикларнинг ҳар қайсиси даъвоси суд томонидан ҳал қилинади.

Умумий улушли мулкнинг ҳар бир аъзоси умумий мулк юзасидан бўлган солиқ, йиғим ва бошқа тўловларни тўлашда, шунингдек уни бошқариш ва сақлаш харажатларида ўз ҳиссасига яраша қатнашишга мажбур.

Умумий мулкни сақлаш ёки умумий мажбуриятни бажариш юзасидан харажатлар қилган бошқа шерикларидан ўзининг қилган чиқимларини ҳар бирининг ҳиссасига мувофиқ қопланишини талаб қилиш ҳуқуқига эгадир.

ФКнинг 221-моддасида айтилганидек, уни бошқариш ва сақлаш харажатларида ўз ҳиссасига яраша қатнашишга мажбур.

ФКнинг 218-моддасида айтилганидек, умумий улушли мулкнинг ҳар бир аъзоси ўз улушкини бошқа шахсга ўтказишга ҳақли. Бунда улушни ҳақ бараварига ҳам, текинга ҳам бировга ўтказиш назарда тутилади. Умумий мулкнинг шериклари ташкилот бўлган тақдирда, улар ўз улушларини бировга ҳақ бараварига ўтказади, кўпинча уни сотади. Фуқаролар эса, ўз улушларини ҳақ бараварига ҳам, текинга ҳам бировга ўтказиши; чунончи сотиши, ҳадя этиши, шунингдек васият қилиб қолдириши мумкин.

Мулқорлардан бири ўз улушини бошқа шахсга сотган вақтда қолған мулқорлар сотилаёттан улушни у сотилаёттан нархда ва бошқа тенг шартларда сотиб олишда имтиёзли ҳуқуқига әгадир. Ким ошди савдоси орқали сотиш ҳоллари бундан мустасно (ФК, 224-модда).

Умумий мулқдаги улушни сотувчи ўз улушини ўзга шахсга сотиш нияти ҳақида бошқа мулқдорга ёзма равища маълум қилиб, улушнинг нархини ва уни сотишнинг бошқа шартларини кўрсатиши шарт. Агар қолған мулқорлар имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқини амалга оширишдан воз кечсалар ёки бу ҳуқуқни хабар қилинган кундан эътиборан кўчмас мулкка нисбатан бир ой давомида бошқа мол-мулкка нисбатан эса – ўн кун давомида амалга оширмасалар, сотувчи ўз улушини ҳар қандай шахсга сотишга ҳақли бўлади.

Давлат, кооператив ёки бошқа юридик шахс уй-жойга нисбатан бўлган умумий мулк ҳуқуқидаги ўз улушини сотган тақдирда – уй-жойнинг ана шу улушни сотиб олишда имтиёзли ҳуқуқ уйнинг шу қисмида яшовчи шахсларга берилади, улар сотиб олишни хоҳламаганлари ёки бу ҳуқуқни амалга оширмаганларида эса улушни сотиб олиш ҳуқуқи умумий мулкнинг қолған шерикларига ўтади.

Агар улуш шерикларнинг имтиёзли ҳуқуқлари бузилиб сотилса, умумий улушли мулкнинг бошқа шериги сотиб олувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ўзига ўtkазилиши тўғрисида даъво қўзғатиб, судга мурожаат қилиши мумкин. Аммо бу ҳуқуқ ва мажбурият мулкни олиб-сотишда белгиланган нархини ҳамда сотиб олиш билан боғлиқ бўлган харажатларни тўлаш шарти билангина унга ўтказилиши мумкин.

Агар мулк олувчи улушни сотиб олиш тўғрисида розилик берган бўлса-ю, лекин у нотариал идорага келишдан бош тортса, нотариус сотувчининг танлаши бўйича бошқа шахс билан шартномани расмийлаштириш ҳуқуқига эга.

Умумий мулк бўлган уйдан тегишли улуш соқит қилинишида, масалан, сотилишида, уйга бўлган улушлар реал (натура шаклида) кўрсатилмай, балки арифметик улушларда белгиланади. Аммо шу билан бирга сотувчи фойдаланиш учун қайси квартира ёки хонанинг ўтишини кўрсатиши мумкин. Агар умумий улушли мулк бўлган турар жой иштирокчилари ўртасида уйнинг айrim хоналаридан фойдаланиш тўғрисида олдиндан келишилган бўлса, бундай келишиш ҳам нотариус томонидан тасдиқланиши мумкин.

Улуш шерикларнинг имтиёзли ҳуқуқлари бузиб сотилган ҳолда умумий улушли мулкка бўлган бошқа шериги сотиб оловчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ўзига ўтказилиши тўғрисида даъво қўзғатиб, судга мурожаат қилиши мумкинлиги тўғрисида қоидалар кенг маънода жорий қилинмайди, чунончи, турар-жойни ҳадя ва васият қилиш ҳолларida қўлланилмайди.

### **17.3. Умумий мулқдан улуш ажратиш ва уни тақсимлаш**

ФКнинг 223-моддасида кўрсатилганидек, умумий улушли мулк иштирокчиси ўз улушкини умумий мол-мулқдан беришни талаб қилишга ҳақлидир. Унинг бу ҳуқуқи умумий мулқдаги улушкини тасар-руф этишга бўлган ҳуқуқидан келиб чиқади.

Улушкини ажратишнинг асосий усули, мулкнинг хўжалик тайинланишига зарар етказмаслик шарти билан ундан асл ҳолида улуш ажратишдан иштирокчилар ўзаро келиша олмасалар суд ёки низони ҳал қилувчи орган умумий мулқдан қандай ашёлар асл ҳолида ажратилишини, масалан, шериклик асосида олинган ҳосилнинг қандай тақсимланишини белгилайди.

Умумий мулқдан унинг хўжалик тайинланишига зарар етказмасдан ажратиш мумкин бўлмаганда, улуш ажратиб оловчи эга рози бўлгани ҳолда, улушкинг миқдорига яраша пул бараварида ҳақ олиши мумкин. Агар пул бараварида унинг тўлаш имконияти бўлмаса, умумий мулк сотилиб унинг суммаси шериклар орасида тақсимланади.

Уй-жойга нисбатан бўлган умумий улушли мулк эгалари ўзларига тегишли улушларга яраша уй-жойни тақсимлашга ҳақли бўлиб, бунинг натижасида уларнинг ҳар бирига уй-жойнинг алоҳида қисми (квартира ёки ажратилган хона) бириктириб қўйилиши мумкин.

Фуқароларнинг умумий улушли ёки биргаликда эгалигига бўлган хусусийлаштирилган турар-жойларни бўлиш ҳақидаги масалалар суд амалиётида турлича ҳал этилиши ҳолатлари учрайди. ФКнинг 223-моддасига мувофиқ, умумий улушли мулк эгасининг ҳар бири умумий мулқдан ўз улушкини ажратиб беришни талаб қилишга ҳақли.

Агар улушкини ажратиш усули тўғрисида шериклар ўзаро келиша олмаган бўлсалар, мулк ҳар қайси шерикнинг даъвоси бўйича суд томонидан тақсимланади. Амалда шундай ҳоллар учрайдик, умумий мулқдан улуш ажратиш ҳақидаги қонуннинг қоидалари хусусий-

лаштирилган турар-жойларга татбиқ қилиниши мумкин эмас ва бундай турар-жойларни тақсимлашда Уй-жой кодекси нормалари татбиқ қилиниши лозим.

Аммо бундай тақсимлаш мазкур аҳоли яшайдиган жойнинг режалаштириш лойиҳасига зид бўлмаслиги керак. Уй-жойни тақсимлаш тўғрисидаги битим нотариал тартибда тақсимланиши ва туман (шаҳар) ҳокимлиги идораларида рўйхатдан ўтказилиши лозим.

Баъзи ҳолларда умумий мулкдан тегишли улуш мулк эгаларидан бирининг қарзини қоплаш учун унинг кредитори талаби бўйича ҳам ажратилиши мумкин.

#### **17.4. Эр-хотинлар ўртасидаги мулк ҳуқуқи**

Оила қонунчилигига эр-хотиннинг никоҳ даврида орттирган мулклари уларнинг биргаликдаги умумий мулки бўлиши кўrsатилган<sup>1</sup>. Бунда у ёки бу мулкнинг ким томонидан сотиб олингандиги, кимнинг номига расмийлаштирилганлиги, эр ё хотиндан бирортасининг қанча маош олиши, бутунлай олмаслигининг мутлақо аҳамияти йўқ. Умумий мулкни орттириш масаласига келганда, оила ўз юмушларини қилиш, фарзандларни тарбиялаш ҳар қандай маош тўланиб қилинадиган ижтимоий ишга тенглаштирилади. Бу эса мамлакатимизда аёлларнинг эркаклар билан тўла тенглигини исботлайди, аёлларнинг саломатлиги, уларнинг меҳнатлари қадрланганигини, оналарга чексиз ҳурмат билан қаралганлигини билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 23-моддасига асосан эр ва хотиннинг никоҳ давомида орттирилган мол-мулклари, шунингдек никоҳ қайд этилгунга қадар, бўлажак эр-хотиннинг умумий маблағлари ҳисобига олинган мол-мулклари, агар қонун ёки никоҳ шартномасида бошқача ҳол кўrsатилмаган бўлса, уларнинг биргаликдаги умумий мулки ҳисобланади.

Эр-хотиннинг тадбиркорлик фаолиятига қўшган маблағлар ва ундан келган даромадлар, агар эр-хотин ўртасидаги шартнома билан ўзгача тартиб белгиланган бўлмаса, улардан ҳар бирининг мулки бўлади.

Эр ва хотиннинг никоҳ давомида орттирган мулклари жумла-сига уларнинг ҳар бирининг меҳнат фаолиятидан, тадбиркорликдан ва интеллектуал фаолият натижаларидан орттирилган даромадлар, пенсиялар, нафақалар; шунингдек, уларнинг умумий даромадлари

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси. -Т.: Адолат. 1998 йил.

хисобига олинган күчар ва күчмас мулклар, қимматли қофозлар, пайлар, омонатлар эр ёки хотиндан бирининг номига расмийлаштирилганинидан қатъи назар эр-хотиннинг умумий мулкига киради.

Эр ва хотин ўртасидаги умумий мулк ҳуқукининг тақдири никохнинг бекор қилиниши билан ўзгариши мумкин. Бу ҳолда, дастлаб эр ва хотиннинг никоҳ тузганликларига қадар ўзларига тегишли бўлган мулклари, шунингдек никоҳ давомида ҳадя ёки мерос тариқасида олган мулклари ҳар бирининг ўз мулки қилиб ажратилиши ва улар ўртасидаги умумий мулкка қўшилмаслиги керак.

Эр-хотиннинг мажбуриятлари, уларнинг қандай асослардан келиб чиққанига қараб умумий мулк ҳисобидан бажарилиши мумкин. Агар мажбурият эр ва хотиннинг умумий хўжалик ёки оила манфаатларини кўзлаб қилган ҳаракатларидан келиб чиққан бўлса, қарз сўзсиз умумий мулқдан ундирилади.

Мажбурият эр ёки хотиннинг шахсий қарзларидан келиб чиққан бўлса, мажбурият қарзлари ўз шахсий мулкидан ёки унга тегишли умумий мулк улушидан ундирилади. Агар эр-хотиннинг умумий мулки жиноят ҳисобига жамғарилгани ёки қўпайтирилганини суд ҳукми билан исбот қилинса, жиноят туфайли келтирилган ҳамма мулк ҳисобидан ундирилади.

Юқорида баён қилинган эр ва хотиннинг умумий мулки ҳақидаги қоидалар ФХДЁда қайд этилган никоҳда турувчи шахсларга нисбатан татбиқ қилинади. ФХДЁда рўйхатдан ўтмай бирга турувчиларга Оила кодексида баён қилинган юқоридаги қоидалар татбиқ этилмайди. Улар ўртасидаги умумий муносабатга Фуқаролик кодексининг умумий мулк ҳуқуки тўғрисидаги нормалари қўлланилади.

## 17.5. Деҳқон ва фермер хўжалигининг мулк ҳуқуки

Умумий биргаликдаги мулк қўринишларидан бири деҳқон ва фермер хўжалигининг мол-мулкидир. Қонунга асосан деҳқон ва фермер хўжалигининг мол-мулки унинг аъзоларига, агар улар ўртасидаги шартнома билан бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, улушли ёки биргаликдаги умумий мулк ҳуқуки асосида тегишли бўлади<sup>1</sup>. Бу мол-мулк ўз таркибига турар-жой, хўжалик бинолари, суғориш иншоотлари, экинлар, чорва моллари, паррандалар,

<sup>1</sup> Т.Қаллибеков. Диҳон (фермер) хожалыкларын раужландырудин ҳуқуқий кепиллиги. Каракалпакстан. -Нокис. 1995. 20-21-бетлар.

техника ва үскуналар, транспорт воситалари, қишлоқ хўжалик ашёлари кабиларни олади.

Хўжалик етиштирган ҳосил, маҳсулот ва бошқа даромадлар хўжалик аъзоларининг умумий мол-мулки ҳисобланади ва ўзаро келишув асосида фойдаланилади. Бундай мол-мулкни тасарруф этиш бўйича битимлар хўжалик раҳбари ёхуд у ваколат берган хўжалик аъзоси томонидан тузилади.

Деҳқон ва фермер хўжаликларини ҳуқуқий тартибга солувчи қонунчиликка<sup>1</sup> асосан, деҳқон ва фермер хўжаликлари юридик шахс ҳуқуқига эга. Деҳқон хўжаликлари «Деҳқон хўжаликлари тўғрисида»ги 1998 йил 30.04.ги қонуннинг 1-моддасига асосан юридик шахс ташкил этмасдан ҳам амалга оширилиши мумкин.

Деҳқон ва фермер хўжаликларининг бир ёки бир неча аъзоси унинг таркибидан чиқкан тақдирда, биргаликдаги умумий мулк асл ҳолида тақсимланмайди, балки тегишли улуш пул маблағлари билан тўланади. Бундан асосий мақсад мавжуд деҳқон ва фермер хўжаликларининг парчаланиб йўқ бўлиб кетишига ёхуд заифлашиб қолишига йўл қўймасликдир. Худди шу сабабли янги деҳқон ва фермер хўжалиги ташкил этиш мақсадида ажралиб чиқаётган аъзолар деҳқон хўжалигининг умумий мулқдаги ўз улушларини асл ҳолида олишга ҳақли. Бироқ бунда мол-мулкни тақсимлаш деҳқон ва фермер хўжалиги фаолият юритиш учун зарур бўлган асосий ишлаб чиқариш воситаларидан маҳрум қилмайдиган тарзда амалга оширилиши керак.

Деҳқон ва фермер хўжалиги аъзоларининг биргаликдаги умумий мол-мулқдаги улушлари, агар улар ўртасидаги келишувга мувофиқ бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, барчаси учун тенг ҳажмда деб ҳисобланади

Деҳқон (фермер) хўжалиги тутатилган тақдирда барча кредиторларнинг талаблари қондирилгандан кейин, қолган мол-мулк ҳуқуқи мулк асосида деҳқон ва фермер хўжалиги аъзоларига тегишли бўлади ҳамда қонунда ёки шартномада белгиланган тартибида тақсимланади.

<sup>1</sup> Узбекистон Республикасининг «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонуни. Узбекистон Республикасининг «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги қонуни. Узбекистон Республикаси Олий Маҳлисининг Ахборотномаси. 1998. 5-6-сон. 86-88-моддалар. Узбекистон нинг янги қонулари. 19-тўплам. -Т.: Адолат. 1998. 98-135-бетлар.

**Ўн саккизинчи боб**  
**МУЛК ҲУҚУҚИ ВА БОШҚА АШЁВИЙ**  
**ҲУҚУҚЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ**

**18.1. Мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш үсуллари**

Мулк ҳуқуқи турли ҳуқуқ соҳалари – фуқаролик ҳуқуқи, жиноят ҳуқуқи, маъмурий ҳуқуқ, солиқ ҳуқуқи ва бошқа ҳуқуқ соҳалари билан ҳимоя қилинади. Мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишда Фуқаролик ҳуқуқи нормалари мухим роль ўйнайди.

Мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш деганда, бу ҳуқуқларга қарши қилинган бузилишларни бартараф этиш, мулқдорнинг мулкий манфаатларини тиклаш ва ҳимоя қилишга қаратилган фуқаролик қонунчилигида белгиланган воситалар йиғиндиси тушунилади. Мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш қуидаги гурухларга бўлинади:

1. *Мулк ҳуқуқини ашёвий ҳуқуқлар билан ҳимоя қилиш.* Бу усул мулк ҳуқуқини мутлақ субъектив ҳуқуқ сифатида ҳимоялаб ҳеч қандай аниқ мажбуриятга боғлиқ бўлмаган ҳолатда мулқдорнинг ўзига тегишли бўлган ашёга эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасар-руф этиш ҳуқуқини тиклаш ёки бу ҳуқуқларни амалга оширишга тўсқинлик қиласидиган ҳолатларни бартараф этиш тушунилади. Ашёвий-ҳуқуқий усулларга мол-мулкни бирорнинг қонунсиз эгалигидан талаб қилиш даъвоси (виндикацион даъво), эгалик қилиш ҳуқуқининг бекор қилиниши билан боғлиқ бўлмаган ҳуқуқбузарликларни бартараф этишини талаб қилиш даъвоси (негатор даъво), мулк ҳуқуқини тан олиш тўғрисидаги даъвалар киради. Аниқроқ қилиб айтганда, мулк ҳуқуқи аниқ субъектив ҳуқуқ сифатида фақат ашёвий-ҳуқуқий усуллар билан ҳимоя қилинади.

2. *Мажбурият-ҳуқуқий усуллар билан ҳимоя қилиш.* Бу усулларга мулқдорга етказилган зарарни қоплаш, асоссиз ортирилган мол-мулкни қайтариш, шартнома бўйича олинган ашёни, агар шартнома бўйича ашё маълум муддатга фойдаланишга берилган бўлса қайтариш каби мулк ҳуқуқини ҳимояловчи усуллар мисол бўлади. Ушбу усулларнинг барчаси учун уларнинг асосини ташкил этувчи омиллар мулк ҳуқуқига эга бўлмай, балки бошқа ҳуқуқий институтларга тегишли субъектив ҳуқуқлар хосдир. Масалан, мулқдор ўзига тегишли мулкни ижарага бериб, ижара муддати тугагандан сўнг, ижарага олувчи мулкни мулқдорга қайтармаса, мулқдорнинг ҳуқуқи мулк ҳуқуқи нормалари билан эмас, шартнома ҳуқуқи нормалари билан ҳимоя қилинади. Бошқача қилиб айтганда,

мажбурият-хуқуқий усууллар мулк ҳуқуқини бевосита эмас, балки сўнгги натижага боғлиқ ҳолатда ҳимоя қиласи. Бир қатор ҳолатларда, жумладан, мулк нобуд бўлганда мулк ҳуқуқи ўз-ўзидан бекор бўлади. Бунда мажбурият-хуқуқий усууллар мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишга эмас, мулқдорнинг мулкий манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилади.

3. *Фуқаролик ҳуқуқининг турли институтлари билан ҳимоя қилиш*. Бу гурӯҳга мулк ҳуқуқини фуқаролик-хуқуқий ҳимоя қилишнинг шундай усууллари кирадики, улар ашёвий ҳуқуқ ва мажбурият-хуқуқий муносабатларга алоқадор бўлмасдан, фуқаролик ҳуқуқининг турли институтларидан келиб чиқади. Бедарак йўқолган ёки вафот этган деб эълон қилинган фуқаронинг қайтиб келиши натижасида, унинг мулкий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳақидаги нормалар, битим ҳақиқий эмас деб топилганда; тарафларнинг мулкий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, гаров сақловчининг жавобгарлиги ҳақидаги, мерос қилиб қолдирилган мол-мулкни сақловчи ёки вассийга берилган вассийлик остидаги шахснинг мол-мулкини нобуд бўлиши ва йўқолиши ҳақидаги қоидалар фикримизни исботлайди.

4. *Мулк ҳуқуқининг бекор бўлишини қонун ҳужжатларида назарда тутилган асосларда ҳимоя қилиш*. Мазкур маҳсус усул билан боғлиқ фуқаролик-хуқуқий усуулларга, бевосита мулк ҳуқуқи бекор бўлиши оқибатида юзага келадиган ҳуқуқ бузилишларини фуқаролик қонун ҳужжатларида белгиланган меъёрлар орқали ҳимоялаш усууллари киради. Бунга, хусусан, давлат томонидан шахслар мулкининг давлат ихтиёрига ноконуний ўтказилишидан ҳимояловчи кафолатлар киради.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 233-моддасида мулқдорнинг ҳуқуқи қонуний равишда тўхтатилган тақдирда, унинг манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатлари белгилаб қўйилган. Айни вақтда қонунда мулқдор ҳуқуқини бузувчи ҳужжатларнинг қабул қилиниши ҳуқуқий оқибатлари ҳам ўз ифодасини топган. Бинобарин, юқоридаги асослар мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг ўзига хос мустақил тури сифатида қаралиши мумкин. Бундай ҳолатларда мулқдор ҳуқуқининг бузилиши давлат идораси томонидан норматив ёки ҳуқуқни қўлловчи ҳужжат қабул қилиниши орқали рўй беради. Бунда мулк ҳуқуқининг бекор бўлиши қонуний асосларга эга бўлиши ёхуд файриқонуний бўлиши мумкин. Лекин ҳар иккала ҳолатда ҳам мулқдорнинг қонуний манфаатлари кафолатланади. Масалан, мулқдорга қарашли уй, бошқа бинолар, иншоотлар, довдараҳтлар жойлашган ер участкасини олиб қўйиш ҳақида қарор

қабул қилиниши муносабати билан ёки давлат идорасининг мулкдор мол-мulkини бевосита олиб қўйишга қаратилмаган бошқа қарори муносабати билан мулкдор ҳуқуқини тўхтатиб қўйишга қонунда белгиланган ҳолларда ва тартибдагина йўл қўйилади. Бунда мулк ҳуқуқи бекор бўлиши муносабати билан мулкдорга етказилган барча заарлар мулкдорга батамом тўланади. Агар мулкдор бундай қарордан норози бўлса, у ҳолда низо суд томонидан ҳал этилмагунча, мулк ҳуқуқини бекор қилишга сабаб бўлувчи қарор ижроси тўхтатилади.

Давлат бошқарув идораси ёки давлат ҳокимияти маҳаллий идораси томонидан қонунга хилоф бўлган ҳужжатнинг қабул қилиниши натижасида мулкдорнинг мулкий ҳуқуқлари бузилган тақдирда, бундай ҳужжат мулкдорнинг даъвосига кўра суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилади. Мазкур ҳужжатни қабул қилган давлат органи ўз ихтиёридаги маблағ ҳисобидан мулкдорга етказилган заарларни тўлаши лозим.

## **18.2. Мол-мулкни бошқа шахснинг қонунсиз эгалигидан талаб қилиб олиш (виндикацион даъво)**

Мулкдорга қарашли мулк бирон-бир шахс (фуқаро ёки юридик шахс)нинг қонунсиз эгалигига бўлса, мулкдор ўз мулкини асл ҳолатида қайтариш ҳақида судда бу шахсга нисбатан даъво қўзғатишга ҳақли. ФКнинг 228-моддасида айтилганидек, мулкдор ўз мол-мulkини бошқа шахснинг қонунсиз эгалигидан талаб қилиб олишга ҳақлидир. Фуқаролик ҳуқуқи назариясида бундай даъволарга виндикацион<sup>1</sup> даъволар дейилади.

Виндикацион даъво деганда, қонуний эганинг ноқонуний эгадан мулкни натура ҳолида қайтариб бериш тўғрисидаги ношартномавий талаби тушунилади. Қонунчилигимизда виндикацион даъво қўзғатилганлиги учун бир неча ҳолатлар бўлиши назарда тутилади:

биринчидан, мулк мулкдорнинг тасарруфидан чиқиб кетган ва у ўз мулкига фактик хўжайинлик қилишдан маҳрум бўлиши лозим. Акс ҳолда мулк ҳуқуқини ҳимоя қилувчи бошқа усуслар қўлланилади;

иккинчидан, мулкдор маҳрум қилинган мол-мулк натура ҳолида сақланиши ва ўзганинг фактик эгалигига бўлиши керак. Акс

<sup>1</sup> Виндикация-лотинча “vin dicare” деган сўздан олинган бўлиб, “куч қўлланилишини эълон қилиш” деган маънони англатади.

ҳолда бу ерда ҳам мулк ҳуқуқини ҳимоя қилувчи бошқа усууллар қўлланилади;

учинчидан, виндикацион даъво факатгина индивидуал белгиланган ашёни қайтаришга қаратилади. Бунда индивидуал (якка) белгиланган бир турдаги ашёни фарқлаш лозим. Агар бир турдаги ашёдан ҳақиқий эганинг ашёсини ажратиб олишнинг иложи бўлса, унда бу турдаги ашё ҳам виндикацион даъво орқали ҳимояланади. Агар ажратиш имкони бўлмаса, виндикацион даъво эмас, асоссиз бойишдан келиб чиқадиган даъво қўлланилади;

тўртинчидан, виндикацион даъво ношартномавий характер касб этади ва мулк ҳуқуқини мутлақ субъектив ҳуқуқ сифатида ҳимоялайди. Маълумки, виндикацион даъво қилиш ҳуқуқига мулкка эгалик қилиш ҳуқуқини қўлдан чиқарган мулкдор эга бўлади. Лекин ФК мулкдор бўлмасада қонун ёки шартномага мувофиқ мулкка эгалик қиласидиган шахслар ҳам виндикацион даъво қилиш ҳуқуқига эга бўлишини назарда тутади. Бундай шахсларга ижарачи, омонат сақловчи, воситачи мисол бўла олади ва булар мулкнинг титул эгаси деб номланади.

Виндикацион даъво мулкни инсофсиз эгалловчиларга ҳам қўлланилиши мумкин. Инсофсиз эгалловчи деб мулкнинг ўзига ғайриқонуний йўл билан ўтишини билган ёки билиши лозим бўлган эгалловчига айтилади. Инсофли эгалловчи деганда, мулкнинг ўзига ғайриқонуний йўл билан ўтганини билмаган ва билиши мумкин бўлмаган эгалловчига тушунилади.

ФКнинг 229-моддасида кўрсатилганидек, агар мол-мулк уни бошқа шахсга бериш ҳуқуқига эга бўлмаган шахсдан ҳақ тўлаб олинган бўлса, олуви буни билмаган ва билиши мумкин бўлмаган (инсофли эгалловчи) бўлса, мол-мулк мулкдор томонидан ёки эгалик қилиш учун мулкдор берган шахс томонидан йўқотилиб қўйилган ёхуд мулкдордан ёки у мол-мулкни берган шахсдан ўғирланган ё бўлмаса уларнинг ихтиёридан ташқари бошқача йўл билан уларнинг ихтиёридан чиқиб кетган бўлса, мулкдор бу мол-мулкни олган шахсдан талаб қилиб олишга ҳақли.

ФКнинг мазкур 229-моддасидаги умумий қоидада баъзи истиснолар ҳам назарда тутилган, чунончи, агар мулк суд қарорларини ижро этиш учун белгиланган тартибда сотилган бўлса, мол-мулкни юқорида кўрсатилган асослар бўйича талаб қилиб олишга йўл қўйилмайди; агар мол-мулк уни бошқа шахсга бериш ҳуқуқига эга бўлмаган шахсдан ҳақ тўламасдан олинган бўлса, мулкдор мол-мулкни барча ҳолларда ҳам талаб қилиб олишга ҳақли.

Пул, шунингдек тақдим этувчига деб ёзилган қимматли қофозлар инсофли эгалловчидан талаб қилиб олиниши мумкин эмас. Зеро пул ва тақдим этувчига деб номланган (эгаси ёзилмаган) қимматли қофоз эгасини аниқлаш имкони деярли мавжуд бўлмайди. Шу билан бирга инсофли эгалловчи пул ва тақдим этувчига деб номланган қимматли қофозларни ўзганики бўлиши мумкинлигини, ўзига ноқонуний равишда ўтаётганлигини ҳамма вазиятда ҳам билиши мумкин бўлмайди.

Ўзларининг ғайриқонуний равишда бошқа шахсга ўтказилган мулкларини талаб қилиб олишда мулкдор бир вақтнинг ўзида қуйидагиларни талаб қилишга ҳақли:

биринчидан, инсофсиз эгалловчидан, чунончи, сотиб олувчидан мулкни эгаллаган барча вақти мобайнида олган ёки олиниши лозим бўлган ҳамма даромадларининг қайтарилиши ёки тўланишини;

иккинчидан, инсофли эгалловчидан эса – унинг мулкни эгallaши ғайриқонуний эканлигини билган ёки билиши лозим бўлган пайтдан бошлаб ёки мулкнинг қайтарилиши тўғрисида мулк эгасининг даъвоси бўйича чақирув қофози олган пайтдан бошлаб олган ёки чақириб олиши лозим бўлган ҳамма даромадларнинг қайтарилишини ёки тўланишини талаб қилишга ҳақли (ФК, 230-модда).

Ўз навбатида инсофли эгалловчи ҳам, инсофсиз эгалловчи ҳам, мол-мулкдан қанча вақт давомида олинган даромад мулкдорга қайтарилиши керак бўлса, шунча вақт давомида мол-мулкка қилинган зарур харажатларни тўлашни мулкдордан талаб қилишга ҳақли.

Қонунда мулк учун сарфланган нарсаларни, агар ашёдан уни бузмасдан ажратиб олиш мумкин бўлса, инсофли эгалловчи ўзида қолдиришга ҳақли эканлиги кўрсатилган. Агар мулкдан ажратиб олиш мумкин бўлмаса, инсофли эгалловчи мулкнинг кўпайиши учун сарф қилинган харажатларнинг ўзига тўланишини талаб қилишга ҳақли.

Фуқаролик кодексида мулк ҳуқуқлари ҳимоя қилинишининг кучайтирилишини таъминловчи қатор муҳим қоидалар белгиланган. Бундай қоидалар жумласига қуйидагилар киради:

биринчидан, мулк эгаси мулкини ўзи йўқотган ёки ўзи ўғирлатган ҳолларда инсофли эгалловчидан талаб қилиб олишдан ташқари яна мулк унинг ихтиёридан ташқари эгалигидан (қўлидан) кетган тақдирда ҳам талаб қилиб олиш;

иккинчидан, мулк бирорга ишониб топшириб қўйилганда унинг ихтиёридан ташқари қўлидан чиқиб кетган бўлса ҳам, бу мулкни инсофли равишда оловчидан талаб қилиб олиш;

учинчидан, агар мулк бирорга топшириш ҳуқуқига эга бўлмаган шахсдан бепул олинган бўлса, у вактда мулк эгаси барча ҳолларда ўз мулкини талаб қилиб олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Юқорида айтиб ўтилганидек, виндиқацион даъво – бирорвнинг қонунсиз эгалигида бўлган ашёни қайтариб олиш ҳақидаги мулк эгасининг даъвосидир. Виндиқацион даъвони бошқа турдаги даъвалардан ажратиб турадиган асосий белгилари: даъволашувчи тарафлар, даъво асоси ва даъво нарсаси, шунингдек унинг мақсадидир.

Ашёга нисбатан мулк ҳуқуқига эга бўлган, лекин ашёси қўлида бўлмаган шахс виндиқацион даъво бўйича даъвогар бўлади. Виндиқацион даъвони қилишга айрим мулк эгасигина ҳақли бўлмай, улушлари бўлган мулқдорларнинг ҳар қайсиси ҳам даъво қилишга ҳақли. Бундан ташқари мулкни қонун ва шартномага биноан эгаллаб (сақлаб) турган шакллар ҳам виндиқацион даъво бўйича даъвогар бўладилар.

Эгалик ҳуқуки виндиқацион даъвони қилишга асос бўлади. Мулқдор мулк ҳуқуки асосида ўзига тегишли ашёга бўлган субъектив ҳуқуки билан бу мулкни эгаллаш (қўлида сақлаш), ундан фойдаланиш, уни тасарруф этиш имкониятидан маҳрум бўлганида – бу ҳуқуқларнинг ўзига қайтарилишини талаб қила олади.

Виндиқацион даъвонинг мақсади – бузилган мулкий ҳуқуқни тиклашдан, ашёни бевосита мулк эгаси ихтиёрига қайтаришдан иборатdir.

Виндиқацион даъвонинг предмети мулкни ноқонуний эгадан қайтаришни талаб қилиш ҳуқуки ҳисобланади.

Виндиқацион даъво бўйича фақат индивидуал ашёлар эмас, балки бошқа барча мулклар, асл ҳолатда қонунсиз эгалловчидан талаб қилиб олиниши мумкин.

Мулк эгасига унга қарашли ашё ўрнига, унинг қийматини тўлаш, барча ҳолларда ҳам мулк эгасининг манфаатларини таъминлай олмайди. Бинобарин, мазкур масалани ҳал қилишда жисмоний ёки индивидуал аломатли мулкларни эгалловчидан мажбурий тарзда олиб бериш ҳуқуқининг судларга берилиши - мажбуриятларининг турмушда реал ижро этилишини, шунингдек мулкий ҳуқуқининг янада тўлароқ ҳимоя қилинишини таъминлашга қаратилади.

Виндиқацион даъво ҳуқуқини бузиш фактидан келиб чиқса ҳам, зарар етказишдан келиб чиқадиган даъво ҳисобланмайди.

Виндиқацыйон даъвога биноан ашё асл ҳолатда қайтарилиши талаб қилинса, зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятда эса, ашё ўрнига унинг қиймати талаб қилиниши мумкин.

Агар ишни ҳал қилишда шартномага оид жавобгарлик белгилаш учун асослар бўлса, у вақтда даъво шартнома мажбуриятлари тўғрисидаги нормаларнинг қоидаси бўйича ҳал қилинади. Бинобарин, виндиқацыйон даъво ашёвий ҳуқуқий даъво сифатида кўрилганлиги туфайли шартнома юзасидан қилинадиган даъво билан аралаштириб юбормаслиги лозим. Масалан, ашёни қайтариш ҳақидаги даъво шартнома мажбуриятларини, чунончи, ижара ёки омонат шартномалари юзасидан мулк эгаси ашёни асли ҳолида қайтариш тўғрисида даъво қилганида, ашёни қайтариб олиш ҳақидаги талаб шу шартномани тартибга соладиган ҳуқуқий нормалар асосида қаноатлантирилади. Демак, бундай ҳолларда мулк эгаси шартнома даъвоси ўрнига виндиқацыйон даъво қилишга ҳақли бўлмайди.

Мулкни эгаллаш қонуний ва қонунсиз бўлиши мумкин. Мулкни ҳуқук нормалари ёки шартномага асосланган ҳолда эгаллаш қонуний эгаллаш ҳисобланади. Бунда мулк ижозат этилган (қонун ёки бошқа ҳуқуқий акт билан йўл қўйилган) үсул билан қўлга киритилади.

Қонунсиз эгаллаш ашёни етарли ҳуқуқий асосларга эга бўлмай қўлда сақлаб туришга айтилади. Қонунсиз эгалловчи деб ўзбошимчалик билан эгаллаб олувчи, ўғирловчи ёки топиб олинган нарсани ўзлаштирувчи, шунингдек ашёни эгасидан қонун ёки шартнома асосида олмайдиган шахсга айтилади. Мулк қонун йўл қўймайдиган үсул билан сотиб олинганда, қўлга киритилганида ҳам уни эгаллаш учун ҳуқуқий асос бўлмаса, бундай эгаллаш ҳам қонунсиз эгаллаш бўлади. Масалан, фуқаро А. фуқаро Б.дан бир ашё сотиб олади. Аммо кейинчалик фуқаро Б. сотилган ашёнинг эгаси эмаслиги туфайли харидор А.га мулкка бўлган ҳуқуқни ўтказа олмаслиги маълум бўлади. Фуқаро А. ҳуқуқий нуқтаи назардан қараганда, гарчи ашёни фуқаро Б. иштироқи билан тегишли суратда ўзига олган бўлса-да, қонунсиз эгалловчи бўлиб кўрилади.

Фақат қонунсиз эгалловчи, яъни даъво қўзғатилган вақтда низоли мулк қонунсиз эгалигига бўлган шахсгина даъво бўйича жавобгар ҳисобланиши мумкин.

### **18.3. Мулкдан фойдаланишда мулк эгасига қилингган тұсқинликтарни бартараф этиш (негатор даъволар)**

Баъзи ҳолларда мулкий ҳуқуқнинг бузилиши ашёни эгаллаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаслиги ҳам мумкин. Ашё мулк эгасининг ихтиёрида, эгалигига бўлган бир вақтда мазкур ашёни бирон-бир шахснинг ҳаракати тұсқинлик қилиши оқибатида фойдаланишга қийналиши ёки умуман фойдаланишга имкони бўлмай қолиши мумкин. Масалан, фуқаро А.нинг қарзи учун фуқаро Б.нинг мулки нотўғри хатланганида фуқаро Б. мулкнинг рўйхатдан чиқарилишини ва шу билан ўз мулкидан фойдаланишга қилингган тұсқинликнинг бартараф этилишини талаб қила олади.

Мулк эгаларининг мулкни эгаллаш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқини бузиш, гарчи бу эгалик ҳуқуқидан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаса ҳам йўқотиш ҳақидаги талаблар ҳуқуқ назариясида негатор<sup>1</sup> даъволар деб айтилади. Бошқача айтганда, негатор даъво дейилганда ашёга эгалик қилувчи мулкдорнинг учинчи шахслардан мулкни эгаллаш, фойдаланиш ва тасаррuf этиш ҳуқуқини амалга оширишга тұсқинлик қилувчи ҳолатларни бартараф этиш ҳақидаги ношартномавий талаб тушунилади. ФКнинг 231-моддасида мулкдор ўз ҳуқуқларининг ҳар қандай бузилишини, гарчи бу бузилиш эгалик қилишдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаса ҳам, бартараф этишни талаб қила олиши қўрсатилган. Мазкур даъвонинг нарсаси мулк эгасининг бундай ҳалақитни (тұсқинликни) йўқ қилиш ҳақидаги талаби ҳисобланади. У мулк эгасига мулкидан фойдаланишда, ўз ҳуқуқини амалга оширишда тұсқинлик қиласи.

Судда негатор даъвони мулк эгасигина эмас, балки ашёни қонуний асослар бўйича, масалан, қонун ёки шартномага асосан эгалловчи шахс ҳам қўзғатишга ҳақли. Бундай қонуний эгалловчилар ўзларининг талабларини ФКнинг 231-моддаси асосида эмас, балки мулкни эгаллашларининг қонунийлигини белгиловчи ҳуқуқ нормалари (ФК, 232-модда) асосида қўя оладилар. Масалан, мулкий ижарага олувчи, яъни мулк эгаси билан тузилган шартнома бўйича ашёдан вақтинча фойдаланувчи шахс бу мулкни эгаллаш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқи бузилганида ҳар кимга, шу жумладан, мулк эгасига нисбатан ҳам даъво қўзғатишга ҳақли. ФКнинг 232-моддасида айтилишича, гарчи мулкдор бўлмаса ҳам қонун ёхуд шартномада назарда тутилган бошқа асосга мол-мулкка эгалик

<sup>1</sup> Негатор латинча «action negatorio» сўзидан олинган бўлиб, “инкор этувчи даъво” деган маънени англатади.

қилаётган шахс ҳам ФКнинг 228-231-моддаларида назарда тутилган ҳуқуқларга, яни виндикацион ва негатор даъволар қўзғатиши ҳуқуқига эга бўлади.

Суд тажрибасини ўрганиш шуни кўрсатадики, ҳозирги вақтда негатор даъво деб аталган даъво билан судга камдан-кам мурожаат қилинади. Аммо бундан мулк эгаларининг ҳуқуқларини бузишдан маълум даражада ҳимоя қилувчи мазкур ҳуқуқ нормаси ўз аҳамиятини йўқотади, деган хуоса мутлақо келиб чиқмайди. Амалда бирорнинг мулкий ҳуқуқини бузишга уринган ҳар қандай шахсни тартибга чақириб турувчи бундай нормаларнинг бўлиши мақсадга мувофиқдир.

#### **18.4. Мулкий ҳуқуқни фуқаролик ҳуқуки нормалари билан ҳимоя қилишининг бошқа усуслари**

Юқорида биз мулк ҳуқуқининг ашёвий-ҳуқукий воситалари ёрдамида (виндикацион ва негатор даъволар билан) ҳимоя қилиниши масалалари билан танишдик. Мулкий ҳуқуқни ҳимоя қилиш билан боғлик бўлган масалаларни ўрганишда мулк эгаларининг мулкий ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи мажбурият ҳуқуқига оид воситалар ҳам муҳим аҳамиятга эга. Мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишининг бундай мажбурий-ҳуқукий усуслари икки кўринишда: 1) шартномали муносабатлар; 2) шартномадан ташқари муносабатларда бўлади.

**Шартномали муносабатларда** мулкий ҳуқуқнинг ҳимоя қилиниши тўғрисида шуни айтиш керакки, тузиладиган хилма-хил шартномалар аксарият ҳолларда қонунга, шартнома шартларига риоя қилиниб, тўғри ва инсофли равишда бажарилади. Аммо баъзи ҳолларда шартноманинг айрим интизомсиз иштирокчилари шартнома юзасидан олган ўз мажбуриятларини бутунлай бажармасликлари ёки лозим даражада бажармасликлари ҳоллари ҳам учрайди. Бундай пайтларда табиий бузишган мулкий ҳуқуқларни тиклаш ҳамда шунинг ўзи билан мулкий ҳуқуқларни ҳар томонлама ва тўла ҳимоя қилиш масаласи қўйилади.

**Шартномали муносабатларда** мулкий ҳуқуқларни бузиш қўйидагича кўринишларда бўлиши мумкин:

а) қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ келмайдиган мазмундаги битим, шунингдек ҳуқуқ-тартибот ёки ахлоқ асосларига атайнин қарши мақсадда тузилган битим ўз-ўзидан ҳақиқий эмас ва у ФКнинг 116-моддасига биноан ҳақиқий саналмайди ҳамда ҳар икки

тарафнинг ёки бир тарафнинг бундай шартнома юзасидан олган даромадлари давлат даромадларига ўтказилади;

б) муомалага лаёқатсиз шахслар (ёш болалар, руҳий касаллар) билан битим тузилиши натижасида мазкур шахслар мулкий зарар кўрсалар, қонун (ФКнинг 117-119-моддалари) тузилган битимларни ҳақиқий эмас деб топиши билан бирга бузилган мулкий ҳуқуқнинг тикланиши лозимлигини ҳам кўрсатади. Масалан, 13 ёшли бола ўзига ҳадя қилинган фотоаппаратни ота-онасининг рухсатисиз бирорвга сотса, шартнома ҳақиқий саналмаслиги ва бундай шартнома-нинг тузилиши натижасида вояга етмаган шахс мулкий зарар кўрган бўлса, зарар ҳақи ундирилиши мумкин;

в) жиддий янгилиши, алданиш, зўрлик қилиниши таъсирида тузилган битимлар (шартномалар) суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин. Бундай битимлар тузилиши натижасида бузилган мулкий ҳуқуқлар ҳам қонун (ФКнинг 122-123-моддалари) бўйича ҳимоя қилинади;

г) айрим шартномалар, чунончи, олди-сотди, маҳсулот етказиб бериш, контрактация, ижара, пудрат, юқ ташиш ва бошқа қатор шартномалар бўйича олинган мажбуриятлар бутунлай ёки лозим даражада бажармаслиги натижасида ташкилотлар ёки айрим фуқаролар мулкий зарар кўришлари мумкин. Бундай ҳолларда ҳам қонун (бундай шартномалар)нинг ҳар қайсисини бузиш оқибатлари тўғрисида, ҳуқуқий нормалар бузилган ҳуқуқларни ҳимоя қилинишини назарда тутади.

Шартномалардан ташқари бўладиган мажбурият муносабатларида мулкий ҳуқуқларнинг ҳимоя қилинишига келсак, баъзи ҳолларда мажбурият муносабатлари юқорида айтилганидек, ўзаро келишув асосида тузилган шартномалардан келиб чиқмай, бевосита қонун билан ҳам белгиланиши мумкин. Бундай ҳолларда ташкилотлар ва фуқаролар қонунга асосан ўзаро мажбурият муносабатларида бўлади ва ҳуқуқ субъектлари (ташкилотлар ва фуқаролар) бир-бирларига нисбатан муайян мажбуриятлар олади. Агар қонун билан белгиланган мажбуриятларни бажармаслик натижасида мулкий зарар кўрилса, – бузилган мулкий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш масаласи вужудга келади.

**Шартномалардан ташқари бўладиган мажбурият муносабатларида** мулкий ҳуқуқнинг бузилиши асосан қуйидаги ҳолларда учраши мумкин:

а) баъзи ҳолларда айрим шахслар (юридик шахслар ёхуд фуқаролар)нинг мулкига қасдан ёки эҳтиётсизлик билан зарар етказиш

туфайли мулкий ҳуқуқлар бузилади. Масалан, давлат ёки ташкилот мол-мулкини талон-тарож қилиш, фуқаронинг мулкини ўғирлаш, фуқарога зарар етказилиши натижасида мулкий ҳуқуқлар бузилиши мумкин. Бундай ҳолларда қонун бузилган ҳуқуқларнинг тикланиши, мулкий ҳуқуқларнинг ҳар томонлама ва тўла ҳимоя қилинишини белгилайди;

б) амалда бирордан топшириқ олмай, унинг манфаатларини кўзлаб, баъзи харажатлар қилиш ҳоллари ҳам бўлиши, чунончи, бирорнинг тўсатдан касал бўлиб қолган боласини шифохонага такси машинасида олиб бориб жойлаштиришда маълум харажат қилиниши мумкин. Қонун бундай ҳолларда ҳам зааррнинг тўланиши лозимлигини кўрсатиб, мулкий ҳуқуқни ҳимоя қиласди;

в) хатолик билан бирорнинг мулки олинган ёки тежалган бўлса, яъни бирорнинг мулкини олиб қолиш ёки тежаш учун қонун ёки шартнома билан белгиланган асослар бўлмаса, олинган ёки тежалган мулк эгасига қайтарилиши лозимлиги қонунда белгиланади. Масалан, хатолик билан иккинчи марта такрор тўланган қарз ёки олинмаган маҳсулот учун ташкилотнинг тўланган пули қайтарилиши лозим.

Қонун (ФКнинг нормалари) яна бошқа баъзи ҳолларда ҳам шартномалардан ташқари вужудга келадиган мажбуриятларда мулкий ҳуқуқларнинг ҳимоя қилинишини белгилайди.

**Ўн тўққизинчи боб**  
**МАЖБУРИЯТ ҲУҚУҚИ ТУШУНЧАСИ, ТИЗИМИ,**  
**ВУЖУДГА КЕЛИШ АСОСЛАРИ**

## **19.1. Мажбурият ва мажбурият ҳуқуқи тушунчалари**

Фуқаролик ҳуқуқида мажбурият деб шундай фуқаролик ҳуқуқий муносабатга айтиладики, унга асосан бир шахс (қарздор) бошқа шахс (кредитор) фойдасига муайян ҳаракатларни амалга оширишга, чунончи: мол-мулк топшириш, ишни бажариш, хизматлар кўрсатиш, пул тўлаш ва ҳоказо ёки муайян ҳаракатдан ўзини сақлашга мажбур бўлади; кредитор эса, қарздордан ўзининг мажбуриятларини бажаришни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади (ФК, 234-модда).

Юқорида берилган таърифга кўра, мажбурият кенг маънода ҳуқук субъектлари ҳисобланган шахслар (ташкилотлар ва фуқаролар) ўртасида бўладиган фуқаролик-ҳуқуқий характердаги муносабатларни билдиради.

Мажбурият тушунчаси ҳуқуқнинг бошқа соҳаларида ҳам, чунончи, маъмурӣ ҳуқуқ, оила ҳуқуқи, меҳнат ҳуқуқи соҳаларида ҳам берилади. “Мажбурият” атамаси бошқа маъноларда ҳам ишлатилади, масалан, мажбурият деб фақат муайян бир ҳаракатни қилишга, чунончи, ижара ҳақини тўлашга, сотиб олинган нарсанинг қийматини тўлашга қаратилган бурчга ҳам айтилади.

Мажбурият субъектлари ва обьектлари унинг муҳим унсурлари ҳисобланади.

Мажбурият субъектлари муайян ҳуқуқларга эга бўлган ва зиммасига мажбурият олган шахслардир. Ҳар бир мажбуриятда, албатта, икки тараф иштирок этади. Муайян бир ҳаракатнинг қилинишини ёки муайян ҳаракатни қилишдан сақланишни талаб этишга ҳақли бўлган тараф – кредитор деб аталади. Муайян ҳаракатни қилишга ёки ҳаракат қилишдан сақланишга мажбур бўлган тараф эса қарздор деб аталади.

Мажбуриятда иштирок этувчи кредиторнинг ҳуқуқи нисбий ҳуқуқ бўлади, чунки кредитор фақат маълум шахс ёки шахсларга (бир қарздор ёки бир неча қарздорларга) нисбатан талаб қўйиш ҳуқуқига эга.

Мажбуриятда кредиторнинг талаб қилиш ҳуқуқи ва шунга яраша қарздорнинг бурчи нимага қаратса белгиланган бўлса, шунинг ўзи мажбурият обьекти ҳисобланади. Жумладан, ҳуқуқ ва бурчлар бирон-бир ашёни олишга, топширишга, муайян пул суммасини

тўлашга, бирон-бир ишнинг бажарилишига қаратилган ҳуқуқий ҳаракатлардан иборат бўлиши мумкин.

Мажбуриятлар мажбурият ҳуқуқи тушунчасини келтириб чиқаради. *Мажбурият ҳуқуқи* – мулк топшириш, ишларни бажариш, хизмат кўрсатиш ёки пул тўлаш билан боғлиқ бўлган ижтимоий муносабатларни тартибга соладиган фуқаролик ҳуқуқий нормалар йиғиндисидир. Мажбурият ҳуқуқи жамиятимизда мулкий муносабатларнинг энг муҳим ва кенг соҳасини, ўзининг фуқаролик-ҳуқуқий характеристидаги қоидалари билан тартибга солади. У ташкилотлар билан фуқаролар ўртасидаги муносабатларни ҳам, чунончи, фуқароларга хилма-хил товарлар, озиқ-овқат маҳсулотларини сотишда, уларга ҳар турдаги хизматлар кўрсатиш, уй-жойлар бериш ва бошқа ҳолларда вужудга келадиган муносабатларни ҳам тартибга солади.

Жамиятдаги мажбуриятга оид ҳуқуқий муносабатлар фуқаролар ва ташкилотларнинг хилма-хил эҳтиёжларини қондириш, таъминлаш мақсадларида ўрнатилади. Мажбуриятлар тўғрисидаги нормалар мулкнинг бир шахсдан иккинчи шахсга ўтишини, ишлаб чиқариш ва майший хизмат кўрсатиш корхоналари орқали хилма-хил хизматлар кўрсатилишини тартибга солади. Мажбуриятлар воситасида мулк ва мулкий ҳуқуқлар қўриқланиши таъминланади, фуқаронинг соғлиғига зарар етказилганда, фуқаро ўлдирилганида кўрилган заарлар қопланади ва ҳоказо.

Мажбурият ҳуқуқи фуқаролар билан фуқаролар ўртасидаги муносабатларни ҳам, жумладан, бозорларда озиқ-овқат маҳсулотларини олишда, уй-жой сотиб олиш ва бошқа ҳолларда бўладиган ўзаро муносабатларни ҳам тартибга солади. У ташкилот ва фуқароларга етказилган мулкий заарнинг тўланишини, шунингдек қонун ёки шартномалар билан белгиланган асослар бўлмай туриб олинган нарсаларнинг қайтарилишини таъминлайдиган ҳуқуқларни ҳам ўз ичига олади.

Мажбурият ҳуқуқи тизими икки асосий бўлимдан: мажбуриятлар тўғрисидаги умумий қоидалар ва мажбуриятларнинг айrim турларига оид маҳсус қоидалардан иборат.

Мажбурият тўғрисидаги умумий қоидаларда (ФКнинг 234-385-моддалари) мажбуриятларнинг келиб чиқиши ва бажарилиши, мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш, талаб қилиш ҳуқуқини бирорга ўтказиш ва қарзни кўчириш, мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарлик ва ниҳоят мажбуриятларнинг бекор қилиниши асослари, мажбурият муносабатларини вужудга келтирувчи асосий ҳуқуқий восита ҳисобланган шартномалар ва уларни тузиш,

ўзгартириш ҳамда бекор қилиш тартиби каби масалалар белгиланади.

Мажбуриятларнинг айрим турларига бағишиланган ФК нормалари мажбурият ҳуқуқи томонидан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлар ниҳоятда кўп ва хилма хил бўлганлиги туфайли Кодексда салмоқли ўринни эгаллади. Мажбурият ҳуқуқининг мазкур маҳсус қисми нормалари мазмуни ва ҳажми бўйича тенг бўлмаган икки туркумга: шартномали мажбуриятлар институтларига ва шартномасиз (шартномадан ташқари) мажбуриятлар институтларига бўлинган.

Шартномали мажбуриятларга оид ҳуқуқий институтлар жумласига олди-сотди, маҳсулот етказиб бериш, қарз, контрактация, пудрат, мулк ижараси, лизинг, уй-жой ижараси, юқ ва йўловчилар ташиш, франшизинг, суғурта каби бир қатор шартномалар асосида бўладиган муносабатларни тартибга соладиган ҳуқуқий нормаларга тааллуқлидир.

Шартномадан ташқари мажбуриятларга оид ҳуқуқий институтларни асосан қўйидагилар: зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар, асоссиз бойлик орттириш оқибатида келиб чиқадиган мажбуриятлар ташкил этади.

Мажбурият мазмуни деганда, кредиторнинг қарздор томонидан муайян ҳаракатлар қилинишини (ёки қилинмаслигини) талаб этишга бўлган ҳуқуқи ва қарздорнинг шунга яраша бўлган бурчи тушунлади. Қарздор томонидан қилиниши лозим бўлган ҳаракатлар ҳар хил: ашёни згасига (кредиторга) топшириш, ашёларни фойдаланиш учун топшириш, маълум сумма пулни тўлаш, бирон-бир ишни бажариш ёки хизмат кўрсатиш, қарздор томонидан битимнинг тузилишини таъминлаш, бирорга етказилган зарарни тўлаш, асоссиз орттирилган бойликни ўз згасига қайтариш тўғрисида бўлиши мумкин.

Юқорида кўрсатилган мажбурият обьектларидан кўринишича, мажбуриятнинг мазмуни асосан мулкий ҳарактердаги ҳуқук ва бурчлардан иборат бўлса-да, ҳуқуқ субъектларини ўзаро мулкий ҳарактерда бўлмаган мажбуриятлар ҳам белгилашлари мумкин. Масалан, маълум асар муаллифлардан бири ўзаро келишув бўйича муайян вақт ичиди асарнинг бир қисмини тузатиб, қайта ишлаб келиш тўғрисида ўз зиммасига мажбурият олиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, мажбуриятларнинг мазмунида қонунга ҳилоф бўлмаган ҳар қандай мулкий ва номулкий ҳаракатларни қилишни талаб этишга қаратилган ҳуқуқлар ва бу ҳаракатларни қилиш юзасидан олинган мажбуриятлар бўлиши мумкин.

Мажбурият тарафларининг бир-бирларига нисбатан белгиланган ҳуқук ва мажбуриятлари уларнинг характерига қараб фарқланади. Улар мазмуни, объектлари ва субъектлариға қараб қуидаги турларга бўлинади:

1.Ижобий мазмунли мажбуриятлар ва салбий мазмунли мажбуриятлар. Агар мажбурият юзасидан қарздор муайян бир ҳаракатни қилишга бурчли бўлиб, кредитор айнан шундай ҳаракатнинг қилинишини талаб қилишга ҳақли бўлса, бундай мажбурият ижобий мазмунли мажбурият ҳисобланади. Ҳуқуқий муносабатнинг кўпчилигида ижобий мазмунли мажбуриятлар ётади. Масалан: олди-сотди, мулкни ижарага бериш, маший хизмат кўрсатиш соҳасида олина-диган мажбуриятлар – ижобий мазмунли мажбуриятлардир.

Агар мажбурият бўйича қарздор муайян ҳаракатни қилишдан сақланишга бурчли, кредитор ҳаракат қилишдан сақланишини талаб этиш ҳуқуқига эга бўлса – бундай мажбурият салбий мазмунли мажбурият ҳисобланади. Масалан, нашриёт шартномаси бўйича муаллиф шартнома кучда бўлган даврда ўз асарини бошқа нашриётга топширишдан сақланиш мажбуриятини олса, нашриёт муаллифнинг бошқа нашриёт билан шартнома тузишдан сақланишини талаб этиш ҳуқуқини олади.

2.Бир томонлама ва икки томонлама мажбуриятлар. Мажбуриятда қатнашувчиларнинг бирида фақат талаб қилиш ҳуқуқи (ёки ҳуқуқлари), иккинчи томонда эса, фақат мажбурият (мажбуриятлар) бўлса, бундай мажбуриятлар бир томонлама мажбуриятлар ҳисобланади. Масалан, қарз шартномаси. Қарз шартномаси бўйича қарз берган шахс қарзнинг қайтарилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлса, қарздор ўз зиммасига олган қарзини қайтаришга бурчлидир.

Ҳуқуқий муносабатда қатнашувчиларнинг ҳар қайсиси ҳам ҳуқуқ, ҳам мажбуриятга (қатор ҳуқуқлар ва мажбуриятларга) эга бўлса, бундай мажбуриятлар икки томонлама мажбурият ҳисобланади. Икки томонлама мажбуриятларга олди-сотди, ижара, пудрат каби шартномаларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Чунончи, олди-сотди муносабатида сотувчида сотилган нарсани топшириш мажбурияти бўлса, олувчида сотиб олинган нарсанинг қийматига яраша ҳақ тўлаш мажбурияти бўлади ва аксинча. Аксарият мажбуриятлар икки томонлама мажбуриятлардир.

3.Муайян ҳаракатни бажаришга қаратилган ва муқобил мажбуриятлар. Агар ҳуқуқий муносабат бўйича кредитор қарздордан муайян бир ҳаракат қилинишини, масалан, маълум ишнинг бажарилишини, бирон-бир ашёнинг топширилишини ёки маълум сумма пул

тўланишини талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлса, бундай мажбурият муайян ҳаракатни бажаришга қаратилган мажбурият ҳисобланади. Агар ҳуқуқий муносабатда кредиторнинг талаби бўйича қарздор бир неча ҳаракатлардан бирини бажаришга мажбур бўлса, бундай мажбурият муқобил мажбурият саналади. Муқобил мажбурият бўйича ҳуқуқий муносабатда бир неча ҳаракат кўрсатилган бўлса ҳам, мажбуриятнинг мазмунини қарздорнинг факат биргина мажбурияти ва кредиторнинг шу мажбуриятнинг бажарилишини талаб қилишга бўлган ҳуқуки ташкил этади. Ҳуқуқий муносабатда назарда тутилган ҳаракатлардан бирининг бажарилиши билан мажбурият ижро этилган ҳисобланади. Муқобил мажбуриятнинг бажарилиши тўғрисидаги қоида ФКнинг 250-моддасида берилган. Мазкур моддада кўрсатилишича, агар қарздор икки ёки бир неча ҳаракатлардан бирини бажаришга мажбур бўлса, қонун, шартнома ёки мажбуриятнинг моҳиятидан бошқача тартиб англашилмаса, танлаш ҳуқуки қарздор ихтиёрида бўлади. Ўзбекистон Республикасининг бир қатор қонун ҳужжатлари<sup>1</sup>да қандай мажбуриятнинг бажарилиши лозимлигини танлаш ҳуқуқи кредиторга берилганини кўрсатилади. Чунончи, уларда сотилган ашёнинг сифати лозим даражада бўлмаганда, сотиб оловчи ўз хоҳиши билан ана шу ашёни бошқа сифатли ашёга алмаштириш ёки харид баҳосини тегишли даражада камайтиришни ёхуд сотувчининг шу ашёдаги камчиликларни ҳақ олмай тузатиб беришини ёки шу камчиликни тузатиш учун оловчининг қилган ҳаражатларини тўлашни ё бўлмаса шартномани бекор қилиб, ўзига етказилган зарарнинг тўланишини талаб қилишга ҳақли бўлади, деб кўрсатилади. Бу қоида бўйича қарздор сифатидаги сотувчи томонидан бажарилиши лозим бўлган ҳаракатлардан бирини танлаш ҳуқуки кредиторга, яъни сотиб оулвчига берилади.

4.Шахсий ҳарактерга эга бўлган мажбуриятлар ва шахсий ҳарактерга эга бўлмаган мажбуриятлар. Баъзи мажбуриятлар ҳуқуқий муносабатда қатнашувчиларнинг ҳар қайсиси ёки бирининг шахси билан қатъий боғлиқ бўлиши мумкин. Масалан, топшириқ шартномаси бўйича вужудга келадиган мажбурият вакилнинг (топшириқни бажарувчининг) ишончли шахс бўлишига қараб белгиланади. Бундай шахсий ҳарактерга эга бўлган мажбуриятларнинг бажа-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси; Ўзбекистон Республикасининг "Истемолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1996. 5-6-сон. 59-мода. Ўзбекистоннинг янги қонулари. -Т.: Адолат. 13-сон)да. Ўзбекистон Республикасининг "Хўжалик юритувчи субъектлар фаoliyatining шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1998. 9-сон. 170-мода. Ўзбекистоннинг янги қонулари. -Т.: Адолат. 20-сон)да.

рилишини, агар қонун ёки шартномада бошқача ҳол белгиланмаган бўлса, бошқа шахсга ўтказилишига йўл қўймайди, кредитор ҳам бошқа шахс билан алмашиниши мумкин эмас. Бундай мажбуриятлар, одатда, қарздор ёки кредиторнинг вафот этиши билан бекор бўлади.

Аксарият ҳуқуқий муносабатларда мажбуриятнинг ким томонидан бажарилиши аҳамиятга эга бўлмайди. Масалан, қарз шартномаси бўйича мажбуриятнинг фуқаро Г. томонидан ҳам ёки унинг учун фуқаро Б. томонидан ҳам бажарилиши мумкин. Бундай шахсий характеристерга эга бўлмаган мажбуриятлар бўйича кредитор ҳам, қарздор ҳам бошқа шахс билан алмашинишига йўл қўйилади. Бундай мажбуриятлар бўйича кредитор ёки қарздорнинг вафот этиши мажбуриятнинг бекор қилиниши учун асос бўлмайди.

Мажбуриятда санкция масаласига келсак, фуқаролик ҳуқуқи нормаларига мувофиқ қўлланиладиган мажбурлаш чоралари кўпинча ҳуқуқ бузилишда, мажбуриятларни бажармаслик ёки тегишли даражада бажармаслик учун қўлланилади. Санкция фуқаролик ҳуқуқий муносабатида иштирок эттаётган тарафлар ўз зиммаларида мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаганларида ҳуқуқ нормаларига мувофиқ қўлланиладиган мажбурлаш чорасидир. Бузилган мажбуриятлар юзасидан қўлланиладиган санкциялар ҳар хил. Мажбурий чора сифатида қўлланиладиган санкциялар умумий характеристерга эга бўлиши ҳамда маҳсус, яъни аниқ бир ҳуқуқий муносабатдан юзага келган ҳаракатларга нисбатан қўлланиладиган бўлиши мумкин.

Умумий характеристидаги санкциялар мажбуриятнинг бажарилишини кечикитириш, бирор ашёни топшириш мажбуриятини бажармаслик учун қўлланилади.

Маҳсус санкцияларга мисол қилиб сотилган ашёларнинг сифати тегишли даражада бўлмаслиги учун сотувчининг жавобгарлигини кўрсатиши мумкин.

Санкция мажбуриятларда иштирок этувчи ва ўз зиммаларидағи мажбуриятларни бажармаган тараф – кредитор ва қарздорга нисбатан қўлланилади.

Мажбуриятларни бузганлик учун қўлланиладиган санкциялар қўйидаги гурухларга бўлиниши мумкин:

1. Ихтиёрий бажарилмаган бурчни мажбурий ижро эттириш. Масалан, олинган қарз пули ихтиёрий равишда тўланмаганида уни мажбуран ундириш мумкин бўлади.

2. Шартномада күрсатилған мажбурият бажарилмаганда уни бир томонлама бекор қилиш. Масалан, ижарага олувчи ўз мажбуриятини бажармаганды ижарага берувчининг талаби билан шартнома муддатидан аввал бекор қилиниши мумкин.

3. Мажбурияттинг ижро этилиши тартибини ўзгартириш. Масалан, маҳсулот олувчи ташкилот аввал маҳсулотлари учун ҳақ тўлашни кечиктирганида маҳсулот етказувчи у билан акцепт шакли бўйича ҳисоб-китоб қилмай, балки харидор ташкилотга нокулай бўлган аккредитив шакли бўйича ҳисоблашиш тартибига ўтиши мумкин.

4. Тузук тараф зиммасида бўлган мажбуриятлар ҳажмини камайтиришга қаратилған санкциялар. Бунга мисол қилиб харидор ўзига шартнома шартларига номувофиқ сифатдаги ашё топширилганида, унинг нархини тегишлича камайтиришни талаб қила олишлигини кўрсатиш мумкин.

5. Нотузук тарафнинг зиммасида бўлган мажбуриятлар ҳажми ни ошириш. Бундай санкция қўлланилишида мажбурият бузган нотузук тараф ўзи учун нокулай бўлган баъзи вазифаларни, қўшимча мажбуриятларни бажаришга мажбур қилинади. Масалан, сифатли нарса ўрнига сифатсиз ашё топширган сотувчи бу ашёнинг нуқсонларини тузатиш учун ёки камчиликларни йўқотиш учун харидор томонидан қилинган харажатларни тўлашга мажбур қилиниши мумкин.

6. Мулкий жавобгарлик чоралари сифатида кўриладиган санкциялар. Бу тўғрида қуйироқда баён этилади.

## **19.2. Мажбуриятларнинг вужудга келиш асослари**

Фуқаролик ҳуқуқлари ва бурчларини келтириб чиқарадиган ҳолатлар мажбуриятта оид ҳуқуқий муносабатларни ҳам вужудга келтирадиган асослар бўлиб, улар ФКнинг 8-моддасида кўрсатилған. ФКнинг 234-моддасида нормаланганидек, мажбуриятлар шартномадан, зиён етказиш натижасида ҳамда фуқаролик қонунларида назарда тутилган бошқа асослардан келиб чиқади.

Маълумки, ФКнинг деярли барча меъёрлари шартномалардан келиб чиқадиган мажбуриятларни тартибга солишга қаратилған. Бу ҳуқуқий нормалар воситасида тартибга солинадиган мажбуриятлар жумласига мулкни бошқа шахснинг эгалигига топшириш (олди-сотди, айирбошлаш, ҳадя шартномалари)дан, мулкни оператив бошқариш ҳуқуқини ўтказиш (маҳсулот етказиб бериш шартномаси)дан,

фойдаланиш ҳуқуқини ўтказиш (мулк ижараси ва уй-жой ижараси, текин фойдаланиш тўғрисидаги шартномалар)дан, бирор ишни бажариш ёки хизмат кўрсатиш (пудрат, юк ташиш, топширик, воситачилик, сұғурта, транспорт экспедицияси шартномалари)дан ва бошқа шартномалардан келиб чиқадиган мажбуриятлар киради. Ҳозирги бозор муносабатлари шароитида тури тадбиркорлик субъектлари ўртасида тузиладиган шартномалардан келиб чиқадиган мажбуриятлар алоҳида аҳамиятга эгадир.

Давлат органларининг қонунда фуқаролик ҳуқуқ ва мажбуриятлари вужудга келишининг асоси сифатида назарда тутилган ҳужжатлари ҳам мажбуриятларни келтириб чиқариши мумкин. Бундай ҳужжатлар турли кўринишларда – давлат буюртмаси ёки маъмурий ҳужжатлар шаклида бўлиши мумкин.

Масалан, “Қишлоқ ҳўжалиги экинларини баҳорги экишни уюшқоқлик билан ўтказиш ҳамда 2000 йилда давлат эҳтиёjlари учун харид қилинадиган қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари учун ҳисоб-китобларни ўз вақтида таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 4 мартағи қарори<sup>1</sup>га кўра, 2000 йил учун пахта толасининг давлат харидлари ҳажми уни етишириш ҳажмининг 30 фоизи даражасида сақлаб қолинган. Давлат харидлари асосан ФКнинг 457-464-моддаларида белгиланган давлат эҳтиёjlари учун товарлар етказиш бўйича давлат контракти (шартномалари) асосида амалга оширилади. Ушбу давлат буюртмаси унинг тарафлари маҳсулот етказиб берувчи (ижрочи) ва давлат тайёрлов ташкилоти ўртасида тегишли мажбуриятларни юзага келтиради.

Фуқароларга уй-жойлардан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган ордер ҳам маъмурий далолатнома сифатида уй бошқармаси билан ордер олган фуқаро ўртасида уй-жой ижараси шартномасини тузишга ва шу билан муйайн мажбуриятларни вужудга келтиришга асос бўлади.

Фуқаролик ҳуқуқий мажбурият судлар томонидан чиқарилган ҳужжатлар (ҳал қилув қарорлари, ажримлар, ҳукмлар) асосида ҳам вужудга келиши мумкин. Қонун йўл қўйган асосларда мол-мulkнинг мулк сифатида олиниши натижасида ҳам (масалан, эгалик ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат ҳосил бўлганлиги сабабли) мажбурият келиб чиқиши мумкин. Бир томонлама битимлар ҳам фуқаролик ҳуқуқий мажбуриятларни келтириб чиқарувчи юридик фактлар

<sup>1</sup> /Халқ сўзи, 2000 йил 7 март сони.

жумласига киради. Бундай битимга мувофиқ шахснинг эрки иккинчи бир шахсга ҳуқуқ ва мажбурият келтириб чиқаради. Бир томонлама битимларга мисол қилиб васиятномани кўрсатиш мумкин. Васият бўйича, масалан, мулк олиш ҳуқуқи ва марҳумнинг қарзларини тўлаш мажбурияти вужудга келиши мумкин.

Яратилган ихтиро ва фойдали модель, буюмларнинг саноат намуналари, фан, адабиёт ҳамда санъат асарлари қонун талабларига жавоб бериши керак. Тегишли қонунлардаги нормаларга мувофиқ бу яратилган нарсалар уни яратган шахс билан ўзга шахслар, шунингдек тегишли давлат ташкилотлари ўртасида мажбуриятларнинг келиб чиқишига асос бўлади.

ФКнинг 234-моддасида кўрсатилганидек, фуқарога ёки ташкилотга зиён етказиш ҳам муайян мажбуриятлар туғдиради. Бундай мажбуриятлар, одатда, шартлашилмаган мажбуриятлар деб аталади.

Мажбуриятлар қонунларда белгиланганидек, ҳеч бир асосларсиз бошқа шахснинг мол-мулкини эгаллаб олиши ёки тежаб қолишидан келиб чиқади. Асоссиз олинган ёки тежаб қолинган мол-мулк жабрланувчига асл ҳолида қайтарилиши лозим, агар бунинг имконияти бўлмаса, мол-мулк қўлга киритилиши пайтидаги ҳақиқий қийматини тўлаш, агар қўлга киритувчи орттирилган бойликнинг асосизлигини билганидан кейин дарҳол унинг қийматини тўламаган бўлса, мол-мулк қийматининг кейинги ўзгариши туфайли кўрилган зарарни тўлаш мажбурияти вужудга келади.

Бошқа шахсларнинг ишларини топшириксиз бажарганлик сабабли келиб чиқадиган мажбуриятлар тўғрисидаги қоидалар ҳам қонунларда мавжуд.

Қонунларда кўрсатилишича, бошқа шахс манфаатларини кўзлаб топшириқ олмай ҳаракат қилган шахс, шу муносабат билан қилган зарур харажатларнинг, шунингдек бошқа ҳақиқий зарарни тўланишини талаб қилишга ҳақли. Агар манфаатдор шахс топшириқ олмай ҳаракат қилган шахснинг ишини маъкулласа, бундай ҳолларда ФКнинг топшириқ шартнома тўғрисидаги қоидалари қўлланилади ва мажбуриятларнинг келиб чиқишига асос бўлади.

Фуқаролик ҳуқуқий мажбуриятлари танлов эълон қилишдан ҳам келиб чиқиши мумкин. Мукофот тўлашни ошкора ваъда қилиш оммавий танлов эълон қилишдан келиб чиқадиган мажбуриятларда муайян ишни энг яхши бажарганлик ёки бошқа натижаларга эришганлик пул мукофоти тўлаш ёки бошқа мукофот бериш тўғрисида оммавий танлов эълон қилган шахс танловни ўтказиш шартларига

мувофиқ унинг ғолиби деб топилган шахсга шартлашилган муюк-фотни тўлаши лозим.

Мажбуриятга оид ҳуқуқий муносабатлар ҳодисалардан ҳам келиб чиқади. Бунга мисол қилиб табиий ҳодисалар, масалан, ёнғин ёки зилзила натижасида ижарага топширилган мулкнинг заарланиши туфайли суғурта органига нисбатан келиб чиқадиган мажбуриятларни кўрсатиш мумкин.

Мажбуриятлар қонунда кўрсатилган ҳолларда бошқа асослардан ҳам келиб чиқиши мумкин.

## **Йигирманчи боб МАЖБУРИЯТ СУБЪЕКТЛАРИ**

### **20.1. Мажбуриятда қатнашувчи тарафлар, улушли ва шерик мажбуриятлар**

Юқорида айтилганидек, мажбуриятда қатнашувчи тарафларнинг бири – кредитор, иккинчиси – қарздор деб аталади.

Мажбуриятда қарздор ва кредитор бўлиб иштирок этувчилар, фуқаролик ҳуқуқлари ва мажбуриятларига эга бўла оладиган шахслар бўлишлари керак. Мажбуриятга оид муносабатларда кредитор ва қарздор сифатида фуқаролар, юридик шахслар, шунингдек баъзи ҳолларда Ўзбекистон Республикаси ҳам субъект бўлиб иштирок этиши мумкин.

Фуқаролик ҳуқуқида аксарият мажбуриятларда (шартномаларда) қатнашувчи шахслар бир вақтнинг ўзида ҳам кредитор, ҳам қарздор бўлиб ҳисобланади. Масалан, олди-сотди шартномасида сотувчи сотилган нарсани топшириш юзасидан қарздор, унинг суммасини талаб қилиб олиш юзасидан кредитор ҳисобланади ва аксинча, сотиб олувчи нарсани талаб қилиб олиш юзасидан – кредитор, унинг суммасини тўлаш юзасидан қарздор ҳисобланади. Бинобарин, мажбуриятда иштирок этаётган тарафларда, яъни кредитор ва қарздорда ҳам талаб қилиш ҳуқуқи, ҳам мажбурият бўлса, бундай мажбуриятлар (икки томонлама шартномалар) мураккаб мажбуриятлар деб ҳам юритилади.

### **20.2. Мажбуриятда қатнашувчи тарафларнинг кўпчилик бўлиши**

Одатда, ҳар бир мажбуриятда икки тараф – кредитор ва қарздор қатнашади. Аммо баъзи ҳолларда мажбуриятда кредитор ёки қарздор тарафида ёхуд ҳар икки тарафда ҳам бир неча шахслар иштирок этишлари мумкин. Бундай мажбуриятлар кўп шахсли мажбуриятлар ҳисобланади. Масалан, бир мулк икки шахс томонидан сотиб олинганида – сотувчи ҳузурида унинг суммасини тўлаш юзасидан қарздор томонидан икки шахс қатнашади.

Мажбуриятда кўпчилик бўлиб қатнашувчи шахслар актив ва пассив иштирокчиларга ажратилиши мумкин. Мажбуриятда кўпчилик бўлиб кредитор тарафида қатнашувчи шахслар – актив иштирокчилар деб, қарздор тарафида қатнашувчи шахслар эса – пассив иштирокчилар деб аталади. Агар мажбуриятда қатнашувчи шахслар

ҳар икки тарафда ҳам күпчилик бўлиб иштирок этса – аралаш иштирокчилар деб аталади.

Кўп шахслар иштирок этган мажбуриятлар улушли ва шерик мажбуриятларга бўлинади.

Улушли мажбуриятларда қатнашувчи кредиторларнинг ҳар бири қарздордан тегишли улушкининг бажарилишини талаб қилиш ҳукуқига эга бўлса, улушли қарздорлардан ҳар бири ўзига тегишли улушни бажаришга мажбур бўлади.

ФКнинг 251-моддасида кўрсатилганидек, агар улушли мажбуриятда бир неча кредитор ёки бир неча қарздор иштирок этса, башарти қонундан ёки шартномадан бошқача тартиб англашилмаса, у ҳолда ҳар бир кредитор мажбуриятни бошқалар билан тенг улушларда талаб қилишга ҳақли, ҳар бир қарздор эса – бу талабни бажариши шарт.

Улушли мажбуриятга икки фуқаро томонидан улушларга бўлиниб қурилган уй-жойнинг сотилишида сотувчилардан ҳар бири ўз улушкига нисбатан тегишли ҳақни талаб қилиш юзасидан кредитор бўлишини мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Юридик шахслар ўртасида ҳам улушли мажбуриятлар вужудга келиши мумкин. Чунончи, бир неча ташкилот биргалашиб уй-жой қурганида ташкилотларнинг ҳар бири ўз улушкига яраша уй-жойни бошқариш ва ундан фойдаланиш ҳукуқига эга бўлади.

Улушли мажбуриятларда фаол иштирокчи бўлган кредиторлардан ҳар бир қарздордан факат ўзига тегишли улушкини талаб қилиш ҳукуқига эга бўлса, қарздорлардан ҳар бири ўзига тегишли улушда мажбуриятни бажаришга мажбур бўлади.

Кредиторлардан бирига мажбуриятнинг қарздорлардан бири томонидан ўз улушкига яраша бажариши улушли мажбуриятни бутунлай бекор қиласайди. Бундай мажбурият то бошқа кредиторларнинг талаблари қондирилгунча ёки бошқа қарздорлар ўз улушкига яраша мажбуриятларини бажаргунча сақланиб қолади.

Кредиторлар ва қарздорлар кўпчилик бўлган тақдирда кредиторлардан ҳар бири қарздордан қарзни бошқалар билан тенг улушкида талаб қилишга ҳақли ва қарздорларнинг ҳар бири эса – бошқалар билан тенг улушкида мажбуриятини бажаришга мажбур бўлади.

Шериклик мажбуриятларга асосан кредитор мажбуриятнинг тўла ҳажмда бажарилишини, шерик қарздорларнинг ҳар қайсисидан мажбуриятнинг бутунлай бажарилишини талаб қилишга ҳақли.

Юқорида берилген таърифга кўра, шериклик мажбуриятларида қатнашувчилар сифатида қарздор битта-ю, кредиторлар бир неча бўлиши ёки бир неча кредитор ва бир неча қарздор бўлиши мумкин.

Шериклик асосида мажбурият олганлар-шерик қарздорлар бўлса, шериклик асосида талаб қилиш ҳукуқига эга бўлганлар – шерик кредиторлар деб аталади.

Шериклик мажбуриятининг мазмунини шериклик мажбурияти ва шерикликка оид талаб қилиш ҳукуқлари ташкил этади. Масалан, бир неча шахс бир кишига ёки ташкилотга зиён етказилганида қонун бўйича шериклик мажбурияти белгиланади. Бир неча ворисларга қарашли, улушли ва бўлинмаган уй-жой бир фуқаро томонидан сотиб олинганда шерикликка асосланган талаб қилиш ҳукуки вужудга келади.

Шериклик мажбуриятида кредиторларнинг талаблари ёки қарздорларнинг мажбуриятлари улушларга бўлинмайди. Аммо кредиторлардан бири ёки бир нечтаси қарзниңг қисман бажарилишини талаб қилиш ҳукуқига эга бўлади.

Шериклик (солидаритет) асосида белгиланадиган мажбуриятга кўра, қарздорлардан бири томонидан мажбурият бажарилмаганида, унинг учун бошқа шерик қарздорлар жавобгар бўлишади ва аксинча шерик қарздорлар бажармаган мажбуриятнинг бажарилишини бундай қарздорларнинг биридангина талаб қилиш ҳам мумкин.

ФКнинг 252-моддасида кўрсатилганидек, қарздорларнинг шериклик мажбурияти белгиланганида кредитор мажбуриятнинг қарздорларнинг барчасидан биргаликда, шунингдек ҳар қайсисидан айрим-айрим ҳолда тўла ёки қисман бажарилишини талаб қилишга ҳақлидир.

Шерик қарздорларнинг биридан тўла қаноат ҳосил қилмаган кредитор ололмаган нарсасини бошқа шерик қарздорлардан талаб қилишга ҳақли. Шерик қарздорлар то мажбурият тўла бажарилгунга қадар қарздор бўлиб қолаверади.

Шерик қарздорларнинг ҳар бири кредиторнинг талабларига қарши эътиrozларини билдира олади. Чунончи, қарзниңг илгари тўлиқ ёки қисман тўланганилигини кўрсатишлари мумкин. Аммо шериклик мажбурият бўлгани ҳолда, қарздор кредиторнинг талабларига қарши бошқа қарздорларнинг кредиторга нисбатан бўлган, мазкур қарздор иштирок этмаган, муносабатларга асосланган эътиrozларини қўя олмайди (ФКнинг 253-моддаси).

Масалан: шериклик мажбуриятда кредитор Г.нинг шерик қарздорлари А. ва В.лардан бири айтайлик, В. бошқа бир оддий

мажбуриятда қарз шартномаси бўйича Г.нинг кредитори бўлса, бундай ҳолда ўзаро ҳисоблашишни фақат В.гина талаб қила олади. Бинобарин, унга нисбатан шериклик мажбурияти юзасидан талаблар қўйилганида фақат унинг ўзигина эътиrozлар билдира олади. Бошқалар бундай ҳукуқقا эга бўла олмайди.

Шериклик мажбуриятининг қарздорлардан бири томонидан тўла бажарилиши бошқа қарздорларни кредиторга нисбатан мажбуриятни бажаришдан озод қиласди.

Шериклик мажбуриятини бажарган қарздор, қонун ёки шартномаларда бошқача тартиб белгилаб қўйилмаган бўлса, мажбуриятни бажарган қарздор ўз улушкини чегириб ташлаб бошқа қарздорларга тенг улушларда регресс талаб қўйиш ҳукуқига эга бўлади. Мажбуриятини бажарган қарздорга тўланмаган ҳақ бу ва бошқа қарздорлар зиммасига тенг улушларда тушади (ФК, 254-модда).

Агар шериклик мажбуриятда кредиторлар бир неча бўлса, у ҳолда шерик талаблар вужудга келади ва шерик кредиторларнинг ҳар қайсиси қарздорга нисбатан тўла ҳажмда талаб қўйишга ҳақли бўлади. Бундай шериклик талабларга фаол шериклик дейилади. Шериклик талабларига биноан, қонун ёки шартномада бошқача ҳол кўрсатилмаган бўлса, қарздор кредиторларнинг бирига мажбуриятни тўла ҳажмда бажариши мумкин, кредитор эса қабул қилиб олишга мажбур. Шерик кредиторлардан ҳар бири ҳам қарздордан мажбуриятнинг тўла ҳажмда бажарилишини талаб қилишга ҳақли. Бундай талаб қўйилганда қарздор ана шу кредиторлардан бирига нисбатан бажаришдан озод қиласди (ФК, 255-модда, З-банд).

Шериклик талаблар кўпинча биргаликдаги фаолиятдан, шерик муаллифликдан ва бошқа баъзи ҳукуқий муносабатлардан келиб чиқиши мумкин. Шерик кредиторлардан ҳар бири ҳаракати билан бошқа кредиторнинг манфаатига зиён етказмаслиги керак. Чунончи, шерик кредиторлардан бирининг қилган ҳаракати қарздорлардан бирини мажбуриятнинг муайян қисмини бажаришдан озод қилишга қаратилган бўлса ҳам, бу қарздор шерик кредиторлар ҳузурида мажбуриятни тўла бажаришдан озод бўлмайди.

Қарздор шерик кредиторларнинг бири томонидан қўйилган талабга қарши ўзининг бошқа шерик кредиторлар билан бўлган, мазкур кредитор иштирок этмаган муносабатларга асосланган эътирозини қўя олмайди. Масалан, пудрат шартномаси бўйича пудратчи бир неча жамоа хўжалигининг буюртмасига биноан стадион қуриши керак бўлиб, кейинчалик шу жамоа хўжаликларининг биридан

буюртмани кечиктириб бажаришга мұхлат олган бўлса, қолган жамоа хўжаликларининг буюртмасини ўз вақтидан бажариши учун қўйған талабига кечиктириб бажариш учун олган мұхлатини қарши қўя олмайди.

Мажбуриятнинг қарздор томон шерик кредиторларидан бири нинг тўла ҳажмда бажарилиши, уни бошқа кредиторларга нисбатан бажаришдан озод қиласди.

Қарздордан мажбуриятнинг ижросини қабул қилиб олган шерик кредитор, башарти улар ўртасидаги муносабатлардан бошқача тартиб англашилмаса, бошқа кредиторларга тегишли бўлган улушларни тўлаши шарт (ФК, 255-модда).

Аралаш шериклик мажбуриятларда бир вақтнинг ўзида бир неча кредитор ва қарздор шахс иштирок этади. Бундай мажбуриятларни бажариш тартибиға фаол ва суст шериклик мажбуриятларини бажариш дейилади. Масалан, шахсий мулк ҳуқуқи асосида уй-жойга эга бўлган бир неча фуқаро таъмирловчи бригада билан пудрат шартномаси тузган бўлса, улардан ҳар бири мажбуриятнинг тўла ҳажмда бажарилишини бригаданинг ҳар қайси аъзосидан талаб қилишга ҳақли.

Ташкилотлар юридик шахс сифатида мустақил мулкий жавобгарликка эга бўлиб, хўжалик ҳисоби асосида иш олиб борганликлари сабабли ҳар қайси ташкилот мажбуриятини бажармаганлиги учун ўзича алоҳида жавобгар бўлади. Лекин айрим ҳолларда аралаш шериклик мажбурияти асосида ҳам жавобгарлик белгиланиши мумкин. Масалан, турли ташкилотларга қарашли автомашинадан бир неча фуқарога зиён етказилса, биргаликдаги аралаш шерик жавобгарлик белгиланиши мумкин.

Қўшимча (субсидиар) мажбуриятлар фақат қарздорлар тарафида вужудга келади. Мажбурият асосий қарздор томонидан бажарилмаганида кредитор унинг бажарилишини қўшимча қарздордан талаб қилишга ҳақли. Субсидиар жавобгарлик асослари ФКнинг 329-моддасида назарда тутилган. Бунга асосан қонун ҳужжатлари ёки мажбурият шартларига мувофиқ асосий қарздор бўлган бошқа шахснинг жавобгарлигига қўшимча равишда бўлган (субсидиар жавобгарлик) шахсга талаблар қўйишдан олдин кредитор асосий қарздорга талаб қўйиши керак. Агар асосий қарздор кредиторнинг талабини қондиришдан бош тортса ёки кредитор ундан қўйилган талабга оқилона муддатда жавоб олмаган бўлса, бу талаб субсидиар жавобгар бўлган шахсга қўйилиши мумкин. Кредитор асосий қарздорга бўлган ўз талабини қондирилиши субсидиар жавобгар

шахсдан талаб қилишга ҳақли эмас, башарти бу талаб асосий қарздорга муқобил талабни ҳисобга ўтказиш ёки маблағларни асосий қарздордан низосиз ундириб олиш йўли билан қондирилиши мумкин бўлса, субсидиар жавобгар шахс ўзига кредитор томонидан қўйилган талабни қондирилишдан олдин бу ҳақда асосий қарздорни огоҳлантириш, борди-ю бундай шахсга нисбатан даъво қўзғатилган бўлса – асосий қарздорни ишда қатнашишга жалб қилиш керак. Акс ҳолда асосий қарздор ўзининг кредиторга қарши эътиrozларини субсидиар жавобгар шахснинг регресс талабига қарши қўйиш ҳуқуқига эга.

Шериклик мажбурияти бўйича бошқалар учун мажбуриятни бажарган қарздор регресс (қайтарма) даъво ҳуқуқига эга бўлса, қўшимча мажбуриятни учинчи шахсга нисбатан бажарган қарздор, агар қонун ёки шартномаларда бошқача ҳол белгиланмаган бўлса, шу бажарилган нарсани қайтариб олиш ҳуқуқига эга бўлмайди. Масалан: ота-оналар фарзандликка олганлар, васийлар, ҳомийлар, вояга етмаган болаларнинг ҳаракати натижасида етказилган зарарни учинчи шахсга тўлаганларида мазкур ҳақни қайтариб олиш ҳуқуқига эга эмаслар.

Қўшимча мажбурият қонун ёки шартномаларда кўрсатилган тақдирдагина вужудга келади. Чунончи, қонунда айтилишича, ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгacha бўлган вояга етмаган ўсмир томонидан етказилган зиён учун уларнинг ота-оналари, васий ва ҳомийлари қўшимча жавобгардирлар. Қўшимча мажбуриятга яна бир мисол қилиб, тўғридан-тўғри шартномада кўрсатилган бўлса, бошқа шахс мажбуриятининг бутунлай ёки қисман бажарилиши учун унинг кредитори олдида жавобгарликни ўз зиммасига олган кафилнинг қўшимча жавобгарлигини кўрсатиш мумкин. Аммо бу ҳолда мажбуриятни бажарган кафил регресс (қайтарма) даъво қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

### **20.3. Мажбуриятдаги шахсларнинг ўзгариши**

Кредиторнинг ўзгариши мажбуриятга оид ҳуқуқий муносабатларда муайян субъектлар ўртасида вужудга келади. Мажбуриятни бажаришда иштирок этаётган тарафлар ўринларини бошқа шахс билан алмашинишларига қонун бўйича йўл қўйилади. Мажбуриятда қатнашувчи кредитор ҳам, қарздор ҳам бошқа шахслар билан алмашинишлари мумкин.

Кредиторнинг алмашиниши деб, мажбуриятда иштирок этаётган кредитор ўз ўрнини бошқа шахс билан алмашинишига айтилади. Кредиторнинг талаб қилиш ҳуқуқини бошқа шахсга ўтказилишига, агар бу қонун ёки шартномага зид бўлмасагина ёки талаб кредиторнинг шахси билан боғлиқ бўлмасагина йўл қўйилади. Агар талаб кредиторнинг шахси билан чамбарчас боғланган бўлса, масалан, ФКнинг 314-моддасида кўрсатилганидек, алиментлар ва ҳаётга ёки соғликқа етказилган зарарни тўлаш тўғрисидаги талабларнинг бошқа шахсга ўтишига йўл қўйилмайди.

Баъзи ҳолларда талаб қилиш ҳуқуқини ўтказишга шартнома бўйича ҳам йўл қўйилмайди. Масалан, умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (квартира)ни бошқа шахсга берган шахс ўзининг талаб қилиш ҳуқуқини бошқа шахсга ўтказа олмайди. ФКнинг 318-моддасида кўрсатилишича, кредиторнинг мажбурият бўйича ҳуқуқлари бошқа шахсга қўйидаги ҳолларда ўтади:

1) кредитор ҳуқуқларидаги универсал ҳуқуқий ворислик натижасида;

2) кредитор ҳуқуқларини бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги суднинг қарорига мувофиқ;

3) қарздорнинг мажбурияти ушбу мажбурият бўйича қарздор бўлмаган кафил ёки гаровга қўювчи томонидан бажарилиши оқибатида;

4) суғурта ҳолати бошланиши учун жавобгар бўлган қарздорга нисбатан кредитор ҳуқуқларининг суғурта қилувчига суброгацияси (ўтиши) натижасида;

5) қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда.

Талаб қилиш ҳуқуқини бошқа шахсга ўтказган кредитор бу ҳуқуқни тасдиқлайдиган ҳужжатларни ана шу шахсга топширишга мажбур. Чунончи, кредитор қарздордан тилхат олган бўлса, мазкур ҳужжатга талаб қилиш ҳуқуқининг ўтказилганини ёзib, уни янги кредиторга топшириши лозим. Дастребаки кредитор янги кредитор олдида унга ўтказилган талабнинг қарздор томонидан бажарилмаганилиги учун жавоб бермайди, дастребаки кредитор янги кредитор олдида қарздор учун ўз зиммасига кафолатини олган ҳоллар бундан мустасно (ФК, 321-модда).

Кредиторнинг ҳуқуқлари бошқа шахсга ўтиши учун, агар қонун ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, қарздорнинг розилиги талаб қилинмайди. Агар қарздор кредиторнинг ҳуқуқлари бошқа шахсга ўтганлиги ҳақида ёзма равишда хабардор қилинмаган бўлса, янги кредитор шу туфайли келиб чиқсан ўзи

үчун ноқулай оқибатлар хавфини ўз зиммасига олади. Мазкур ҳолда мажбуриятнинг дастлабки кредиторга нисбатан бажарилиши тегишли кредиторга нисбатан бажариш деб ҳисобланади (ФК, 313-модда).

Баъзи ҳолларда норматив ҳужжатларнинг ўзида ҳам талаб қилиш ҳуқуқини умумий қоида сифатида ўтказишга йўл қўйилмаслиги, масалан, темир йўл уставининг 172-моддасида темир йўл корхонасига талаб, шикоят ёки даъво қўзғатиш ҳуқуқини бошқа ташкилотга ёки фуқарога ўтказишга йўл қўйилмаслиги кўрсатилиши билан бирга қандай ҳолларда бу қоидадан истиснолар бўлишилиги ҳам айтилган.

Қарздор мажбурият бўйича ҳуқуқлар янги кредиторга ўтганлиги ҳақида огоҳлантириш олган пайтда дастлабки кредиторга қарши эътиrozларни янги кредиторнинг талабига қарши қўя олади (ФК, 317-модда). Масалан, мажбуриятнинг қисман бажарилганлигини ёки қарз ҳужжатида кўрсатилган сумманинг олинмаганлигини кўрсатиб, ўз эътиrozларини янги кредитор талабига қарши қўйиш ҳуқуқига эга.

Қарздорнинг алмашинишига келсак, мажбуриятда қатнашаётган қарздор ҳам ўз ўрнини бошқа шахс билан алмашиш ҳуқуқига эга. Қарздор алмашгани туфайли янги қарздор мажбуриятли бўлиб қолишига – қарзнинг (мажбуриятнинг) кўчирилиши дейилади.

Қарздорнинг ўз қарзини бошқа шахсга ўтказишига фақат кредиторнинг розилиги билан йўл қўйилади (ФК, 322-модда). Қарздор учун қайси кредиторга нисбатан мажбуриятни бажаришнинг фарқи йўқ бўлса ҳам кредитор учун ким янги қарздор бўлишининг аҳамияти бор. Аввало, кредиторнинг янги қарздорнинг мулкий ҳолати, иш қобилияти ҳамда мажбуриятни бажаришга қодир бўлишбўлмаслиги қизиқтиради. Агар, масалан, юқори малакали уста ишни бажаришни ўз шогирдига топширмоқчи бўлса, кредитор иш манфаатларини қўзлаб бунга рози бўлмаслиги ҳам мумкин. Дастлабки қарздор бошқа шахсга мажбуриятини ўтказганида кредиторга нисбатан мажбуриятни бажаришдан бутунлай озод бўлади. Унинг барча мажбурияти янги қарздор зиммасига ўтади.

Кредитор билан дастлабки қарздор ўртасидаги муносабатларга асосланган барча эътиrozларни янги қарздор кредиторнинг талабига қарши қўя олади, жумладан, янги қарздор ҳам дастлабки қарздор каби мажбуриятнинг қисман бажарилганлигини ёки қарзнинг қисман тўланганлигини ёхуд ҳужжатда кўрсатилганга қараганда камроқ суммада олинганлигини айтиб, эътиrozларини билдира олади.

Кредитор янги қарздордан мажбуриятни тұла ҳажмда бажаришни талаб қила олади, чунки мажбуриятни күчириша унинг мазмунини үзгартмайды. Масалан, қарз шартномасида қарздор алмашса, кредитор янги қарздордан тұла ҳажмда тұланишини талаб қила олади.

Агар кафил ёки гаровга қўювчи янги қарздор учун жавобгар бўлишига розилик бермаса, кафиллик ёки учинчи шахс томонидан берилган гаров қарзниң бошқа шахсга кўчирилиши билан бекор бўлади.

Қарзни (мажбуриятни) кўчириш кўпинча фуқароларнинг ўзаро муносабатларида қўлланилади. Аммо мажбурият қарздорнинг шахси билан боғлиқ бўлса, қарзни кўчириш мумкин эмас.

Ёзма шаклда тузилган битимга асосланган талаб қилиш ҳуқуқини ўтказиш ва қарзни (мажбуриятни) кўчириш оддий ёзма шаклда қилиниши лозим. Агар битим нотариал тасдиқланган ва давлат рўйхатидан ўтказилган бўлса, у ҳолда ушбу тегишли шаклга риоя қилинган ҳолда амалга оширилади. ФКнинг 323-моддасида қарзни ҳам, мажбурият бўйича ижрони ҳам бир пайтда бошқа шахсга ўтказиш қоидалари назарда тутилган. Бунга асосан қарздорни қарзни тўлаш мажбуриятидан озод қилмаган ҳолда қарзни ёки унинг бир қисмини бошқа шахсга ўтказишга рухсат берилади. Бу ҳолда ҳар иккала қарздор мажбуриятнинг бажарилиши учун шерик (солидар) жавобгар бўлади.

Қарздорнинг учинчи шахс билан шартномаси асосида учинчи шахс мажбуриятининг бажарилиши бўйича кредитор олдида эмас, балки фақат қарздор олдида бурчли бўлади.

## 20.4. Регресс (қайтарма) мажбурият

“Регресс” фуқаролик ҳуқуқида “қайтариш” тушунчасини, масалан, бирор учун тўланган пулнинг қайтариш тўғрисидаги талабни билдиради. Қайтарма мажбурият шериклик ва қўшимча мажбуриятларни бажаришдан келиб чиқади. Шерик қарздорлардан бири кредиторга нисбатан мажбуриятни тұла ҳажмда бажарыб, кейинчалик улар учун тўланган суммани, қилинган иш харажатларини қолган қарздорлардан қайтарма талаб асосида қоплата олади.

Қайтарма (регресс) мажбурият деб бир тараф иккинчи тараф учун учинчи шахс олдида бажарған мажбуриятни қайтариш тўғрисида талаб қила олиш ҳуқуқига айтилади. Регресс (қайтарма) талабда ҳам бошқа мажбуриятлар сингари икки тараф иштирок

этади. Ҳ.Раҳмонқуловнинг фикрича кредитор регредиент қарздор регрессатом деб номланади<sup>1</sup>. Масалан, қарз шартномасига асосан қарздорлардан бири қарзни тўла ҳажмда тўласа, қарз мажбурияти бекор бўлади. Лекин бошқа қарздорлар учун қарзни тўлаган қарздор улардан тегишли суммани ундириш учун қайтарма талаб қила олади. Агар мажбуриятни тўла ҳажмда бажарган қарздор бу тўғрида бошқа шерик қарздорларини огоҳлантирмаса, шерик қарздорлар мажбуриятни бажармаган бўлса, зарар кўрган қарздор қолган қарздорларга нисбатан қайтарма даъво қўзғата олмайди. У фақат кредиторга нисбатангина унинг асоссиз олганини қайтариши тўғрисида даъво қила олади. Қайтарма талаб учинчи шахсга нисбатан қилинган харажатнинг умумий миқдоридан ошмаслиги керак.

Қайтарма мажбурият хўжалик ташкилотлари ўртасидаги муносабатларда кўпроқ тарқалган. Чунончи, маҳсулот етказиб берувчи ташкилотдан сотиб олувчи ташкилотга маҳсулот сифатсиз бўлгани учун жарима тўлаганида – бундай санкцияга (жарима) тортилиши маҳсулот тайёрловчи ташкилотнинг шартнома шартларини бузганилиги сабабли вужудга келганилиги кўрсатилиб, кейинчалик бу жарима суммасининг ўзига қайтарилиши тўғрисида маҳсулот тайёрловчи ташкилотга қайтарма даъво қўзғата олади.

Бинобарин, қайтарма даъво ташкилотлар ўртасида ҳар бир хўжалик юритувчи субъектнинг ўз мажбуриятига нисбатан жавобгарлигини оширади ва у муайян аҳамиятга эга бўлади.

<sup>1</sup> Раҳмонқулов Ҳ. Мажбурият ҳукуки. –Т.: ТДОИ. 2005 й. 46-6.

## **Йигирма биринчи боб МАЖБУРИЯТЛАРНИ БАЖАРИШ**

### **21.1. Мажбуриятларни бажариш тушунчаси ва тамойиллари**

Мажбуриятларни бажариш деб, қарздор томонидан кредитор талабига мувофиқ мүайян бир ҳаракатнинг қилиниши ёки ҳаракатдан сақланиш тушунилади. Қарздорнинг мажбуриятни бажариши – кредиторга ашёни топшириш, маълум ишни бажариш, жабрланувчига етказилган зарарни қоплаш, асоссиз олинган мулкни қайтариш кабилардан иборат.

Давлат, юридик шахслар ва фуқаролар томонидан олинган мажбуриятларнинг ўз вақтида бажарилиши хақ хўжалигида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ишлаб чиқарини ривожлантириш, мулкий муносабатларни мустаҳкамлаш, жамиятнинг тобора ўсиб бораётган моддий ва маданий талабларини қондиришда катта роль йўнайди.

Мажбуриятлар ФКнинг 236-моддасида айтилганидек, мажбурият шартларига ва қонун хўжатлари талабларига мувофиқ, бундай шартлар ва талаблар бўлмаган тақдирда эса – иш мумомаласи одатларига ёки одатда қўйиладиган бошқа талабларга мувофиқ лозим даражада бажарилиши керак. Бунда тарафларнинг ҳар бири ўз мажбуриятларини анча тежамли бажариш, иккинчи томонга унинг ўз мажбуриятларини бажаришда ҳар томонлама ёрдам кўрсатиши лозим.

Мажбуриятлар давлат хўжатлари ва шартномалардан келиб чиққан бўлса, уларда кўрсатилган талаб ва шартларга мувофиқ бажарилиши керак. Агар давлат хўжатларида мажбуриятни бажариш шарти кўрсатилмаган бўлса, мажбуриятлар ўзаро келишиб қўйиладиган талабларга мувофиқ лозим даражада бажарилиши зарур. Мажбуриятни бажаришда ҳар икки томон хўжалик алоқаларининг ривожланишини кўзлаб, тежамлилик билан ва ўзаро ҳамкорликда зарур ҳаракатларни қилишлари талаб этилади.

Мажбуриятларни бажариш бир қатор тамойилларга асосланади. Улар: мажбуриятларни тегишли даражада бажариш, келишилган ва мақбул усу碌да бажариш, мажбуриятни тегишли шахс учун бажариш, аниқ бажариш, тежамлилик ва ўзаро ҳамкорликда бажариш кабилардир.

Мажбуриятларни тегишли даражада бажариш деганда, мажбуриятлар қўйилган талабларга тўлиқ жавоб берадиган даражада, бекаму-кўст ва белгиланган муддатда бажарилиши назарда тутилади. Ҳуқуқий муносабатларда қатнашувчи шахслар ўз мажбурият-

ларининг лозим даражада бажарилишидан баб-баравар манфаатдор бўлишлари, бир-бирларига кўмаклашишлари фарақ қилинади.

Мажбуриятларнинг лозим даражада бажарилиши жамият манфаати ҳамда унинг тобора ўсиб бораётган моддий ва маданий талабларини қондиришга қаратилган бўлиши лозим.

Бозор муносабатлари шароитида мажбуриятларни тегишли равишда бажарилишидан нафақат мажбурият ўз фойдасига бажарилаётган субъект, балки охир-оқибатда жамиятнинг ҳар бир аъзоси манфаатдор бўлади. Чунки барча хўжалик юритувчи субъект томонидан ўз мажбуриятини лозим даражада бажармаслиги бошқа субъектлар учун ҳам, гарчи улар бевосита бунда кредитор сифатида қатнашмасаларда, салбий оқибатлар келтириб чиқариши мумкин.

Мажбуриятларни тегишли равишда бажариш уларни қонун ҳужжатларига, шартнома шартларига, иш муомаласи одатларига, одатда қўйиладиган талабларга мувофиқ равишда шартнома нарсанинг сифати, миқдори, ҳажми бўйича ўз вақтида бажарилишини англатади.

Мажбуриятларни бажаришнинг яна бир тамойили – бу мажбуриятлар келишилган ва тарафлар учун мақбул усу碌да бажарилишидан иборат. Мажбуриятни бажариш усули, агар бу усул мажбуриятнинг моҳияти англашилмаса ва қонун билан белгилаб қўйилган бўлмаса, шартномада кўрсатилган бўлиши керак (ФК, 238-модда). Ушбу тамойил мазмунига кўра ўз навбатида мажбуриятларни реал (асл ҳолиҷа) бажарилиши, уни бажаришда тежамли усуллардан фойдаланиш, мажбурият бажарилишида тарафларнинг ҳамкорлик қилиш ҳақидаги қоидаларини англатади. Бу қоидаларни ҳам шартли равишда, гарчи қонунда бевосита санаб ўтилмаган бўлса-да, мажбуриятларни бажариш тамойиллари сифатида қараш мумкин.

Мажбуриятларнинг аниқ бажарилиши – шартномада кўрсатилган ҳаракатнинг айнан ўзи бажарилишининг, топширилиши лозим бўлган нарсанинг (маҳсулотнинг) асл ҳолатида топширилишини билдиради.

Мажбуриятнинг қарздор айби билан кечиктирилиши ёки лозим даражада бажарилмаслиги ҳолларини назарда тутиб, белгиланган неустойка (жарима, пеня)нинг ҳам мажбуриятнинг лозим даражада бажарилмаслиги натижасида келиб чиқсан зарарнинг ундирилиши – мажбуриятни асл ҳолида бажаришдан қарздорни озод қилмайди.

Қонунда назарда тутилган ҳоллардан ташқари мажбуриятни бажаришда бир томонлама бош тортиш ва шартнома шартларини бир томонлама ўзgartiriшга йўл қўйилмайди (ФК, 237-модда).

Аммо бу қоида юқорида айтилганидек, қонунда назарда тутилган айрим ҳолларда баъзи мажбуриятлар учун қўлланилмайди. Чунончи, топшириқ шартномаси бўйича топшириқ берувчи берган топширигини ҳар вақт бекор қила олади, топшириқ олган шахс хоҳлаган вақтида топшириқни бажаришдан бош торта олади. Темир йўл ва бошқа турдаги транспорт воситасида йўловчилар ташиш муносабатида ҳам йўловчи талаби билан шартнома ҳар қачон бекор қилиниши мумкин.

Мажбуриятларни бажаришда тежамлилик қоидасига мувофиқ мажбуриятни бажаришда тарафлар кам харажат билан кўп фойда келтиришга қаратилган ҳаракатларни қилишлари лозим. Бу қоида кредитор ва қарздорга мажбуриятни бажариш жараёнида энг қулай ҳамда энг фойдали усульдан фойдаланиш лозимлигини белгилайди. Чунончи, пудрат шартномаси бўйича пудратчи ишни буюртмачи материалидан бажаришда материални тежамлилик билан сарфлаши ва у нотўғри ишлатилиши учун жавобгар бўлиши белгиланган. Юк ташиш шартномасига асосан юк ташувчи юкни энг қисқа йўлдан ташиши кўрсатилган.

Мажбуриятларни бажаришда ўзаро ҳамкорлик тамойилига биноан ҳар икки томон мажбуриятни бажаришда бир-бирларига зарур бўлган ёрдамни кўрсатишлари лозим. Чунончи, кредитор мажбуриятнинг бажарилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлиши билан бирга қарздорнинг ўз мажбуриятини бажаришда унга ёрдам беришга, кўмаклашишга ҳам мажбур. Масалан, контрактация шартномасига мувофиқ қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларининг давлат йўли билан харид қилинишида тайёрловчи (маҳсулот қабул қилувчи) ташкилотлар қишлоқ ҳўжалик корхоналарига маҳсулотлар етиширишда, маҳсулотни ташишни ташкил қилишда ёрдам кўрсатиши зарур.

Мажбуриятларни тегишли шахс учун бажариш тамойили ФКнинг 240-моддасида ўз ифодасини топган. Бунга асосан тарафларнинг келишувида бошқача тартиб назарда тутилган бўлса ва иш муомласи одатларидан ёки мажбуриятни бажариш чоғида ижрони кредиторнинг ўз ёки бу иш учун у ваколат берган шахс қабул қилаётганлигини исботлашни талаб қилишга ҳақли бўлади ва бундай талабни қўймаганлик оқибатлари хавфи унинг зиммасида бўлади.

## **21.2. Мажбуриятларни бажарувчи субъектлар (шахслар)**

Мажбуриятни ўз номидан ижро этувчи ва ижрони қабул қилиб оловчилар мажбурият ижросининг субъекти ҳисобланадилар. Ижро субъектлари мажбурият субъектларига ҳамма вақт ҳам үхшамаслиги мумкин. Мажбурият субъектлари барча ҳолларда қарздор ва кредитор бўлади. Ижро субъектлари эса айрим ҳолларда қарздорлари учун мажбуриятни бажарувчи бошқа бирон шахс бўлиши, кредитор учун ижрони қабул қилувчи учинчи бир шахс бўлиши ҳам мумкин.

Аммо баъзи ҳолларда мажбурият кредитор учун унинг кўрсатмасига биноан, бошқа шахсга ҳам ижро этилиши мумкин. Масалан, маҳсулот оловчилари савдо базаси манзилига келиши лозим бўлган маҳсулот (товар)нинг бевосита савдо корхоналарига юборилиши тўғрисида маҳсулот етказувчи билан келишиши мумкин.

Қарзни депозитга қўйиш йўли билан мажбуриятнинг бажарилиши тўғрисида ФКнинг 249-моддасида айтилганки, мажбурият бажарилиши лозим бўлган жойда кредитор ёки ижрони қабул қилиб олуш учун у вакил қилган шахс бўлмаса ёки вакил рози бўлмаса: мажбурият бўйича ким кредитор эканлиги хусусида аниқлик йўқлиги қўриниб турган бўлса, хусусан бу ҳақда кредитор билан бошқа шахслар ўртасида низо чиққанлиги муносабати билан кредиторнинг ижрони қабул қилишдан бўйин товлаши ёки унинг томонидан бошқача йўл билан кечиктирилиши муносабати билан амалга оширилади.

Пул суммасини ёки қимматли қофозларни нотариус ёхуд суднинг депозитга қўйиши, мажбуриятни бажариши ҳисобланади.

Депозитга пул ёки қимматли қофозлар қўйган нотариус ёхуд суд кредиторни бундан хабардор қиласди.

Нотариал идоранинг депозитга қарзни қўйиш йўли билан мажбуриятнинг бажарилишига оид муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг “Нотариат тўғрисида”ги Конуни билан тартибга солинади<sup>1</sup>. Мазкур қонуннинг 74-моддасида айтилишича, пул суммалари ва қимматли қофозлар депозитга қўйилганлиги ҳақида нотариус кредиторга хабар қиласди ва унинг талаби бўйича унга тегишли бўлган пул суммалари ва қимматли қофозларни топширади.

Мажбуриятнинг учинчи шахс томонидан бажарилиши ФКнинг 241-моддасида кўрсатилган. Умуман, мажбуриятнинг бажарилиши

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1997. 2-сон. 47-модда. Ўзбекистоннинг янги қонунлари. -Т.: Адолат. 1997. 15-сон.

ФКнинг 241-моддасида кўрсатилганидек, учинчи шахс зиммасига ҳам юклатилиши мумкин. Қонунда айтилишича, агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада назарда тутилган бўлса, шунингдек учинчи шахс тарафлардан бири билан тегишли шартнома орқали боғлиқ бўлса, шартномадан келиб чиқсан мажбуриятнинг бажарилиши учинчи шахс зиммасига юклатилиши мумкин.

Мажбуриятнинг бажарилишини учинчи шахс зиммасига юклаш учун қуидаги асослар бўлиши керак:

1) белгиланган қоидаларда назарда тутилган бўлиши, чунончи, юкни бир неча транспорт корхонаси иштирокида ташишда шартнома фақат бир транспорт корхонаси (юкни жўнатиш пункти) билан тузилса ҳам, мажбуриятни бажаришда (юкни ташишда) бошқа транспорт корхоналарининг иштироки транспорт қонунларида кўрсатилган бўлиши керак;

2) маъмурий жиҳатдан бўйсуниш ҳолати бўлиши, масалан, қурилиш грести билан ўзига бўйсунган қурилиш бошқармасига мажбуриятни бажаришни топшириши керак;

3) мажбуриятнинг бажарилиши учинчи шахс зиммасига юкланиши шартнома билан белгиланган бўлиши керак. Чунончи, таъминотчи ташкилот маҳсулотни етказувчидан олиб, ўзи истеъмолчиларга юбормасдан, бу вазифани (мажбуриятни бажаришни) ўзаро келишув бўйича маҳсулот етказиб берувчига юклаши ҳам мумкин.

Бундай ҳолларда ФКнинг 241-моддаси, 2-бандида кўрсатилганидек, агар, қонун, шартнома ёки мажбурият мазмунидан мажбуриятни қарздорнинг шахсан ўзи бажаришига мажбурилиги англашмилмаса, кредитор қарздор учун учинчи шахс томонидан таклиф қилинган ижрони қабул қилиши шарт.

Бироқ мажбурият бажарилмаганлиги учун башарти қонун ҳужжатлари ёки шартномада учинчи шахснинг жавобгар бўлиши назарда тутилмаган бўлса, шартномадаги тараф жавобгар бўлади.

### **21.3. Бажариш предмети**

Моддий нарсалар (ашёлар, пуллар), шунингдек ижодий меҳнат натижалари (яратилган асарлар), умуман ниманинг барпо этилиши ёки топширилиши тўғрисида мажбурият белгиланса, у бажариш предмети бўлади. Фақат у фуқаролик муомаласидан чиқарилмаган ашёлар бўлиши керак.

Масалан, кредиторга мажбурият бўйича муайян бир ашёни, чунончи, ўзига хос белгилари бўлган нарсани топшириш лозим.

**Айтайлик**, мажбурият предмети жисмий аломатлари, чунончи, сон, оғирлик ёки ўлчов билан белгиланадиган бўлса – қарздор томонидан шу хилдаги сон, оғирлик ёки ўлчов билан белгиланадиган ашё топширилиши керак.

Пул мажбуриятида у сўмлар билан чет эл валютасидаги муайян сўммадаги эквивалент (тэнг) бўлган сўммадаги ёки шартли пул бирликлари (Евро, “маҳсус қарз олиш ҳукуқлари” ва ҳоказолар) билан тўланиши лозимлиги назарда тутилиши мумкин. Бундай ҳолларда, одатда, ҳисоб-китоблар тўлов кунидаги расмий курс бўйича белгиланади. Пул тўғрисидаги мажбуриятларни чет эл валютасида ифодалаш ҳамда тўлашга фақат Ўзбекистон Республикаси қонун-парида белгиланган ҳолларда ва тартибда йўл қўйилади.

Пул мажбуриятлари бўйича талабларни қондириш навбати ҳақида тўхталиб шуни эслатиш керакки, тўлов амалга оширилаётганда маблағлар етарли бўлмаса (ФКнинг 248-моддаси), судлар шундан келиб чиқишилари лозимки, асосий қарз суммаларидан олдин тўланиши лозим бўлган фоизларни, пул мажбуриятлари бўйича тўланиши лозим бўлган пул маблағларидан фойдаланганлик учун фоизлар, шу жумладан қарз, кредит, аванс, олдиндан ҳақ тўлаш ва ҳоказолардан фойдаланганлик учун фоизлар ва бошқаларни тушунишлари лозим, деб тавсия беради –Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судининг қарори<sup>1</sup>.

Муқобил ва факультатив мажбуриятлар. Қарздор икки ёки бир неча ҳаракатлардан бирини қилишга мажбур бўлиши (ФКнинг 250-моддаси) муқобил мажбурият ҳисобланади. Чунончи, икки фуқаро ўртасидаги олди-сотди шартномаси бўйича сотувчи олувчига ўзида бўлган бир нархдаги икки нарсадан бирини, масалан, ё телевизор ёки холодильникни сотиш тўғрисидаги келишишлари мумкин. Бунда шартнома предмети икки ашё бўлиб кўрилади. Бу ашёлардан бирини танлаб олиш билан мажбуриятни бажариш ҳукуқи қонун, шартнома ёки мажбурият мазмунидан бошқача ҳол англашилмаса – қарздорга берилади.

Факультатив мажбурият деб, асосан, қарздор муайян бир ҳаракатни қилишга мажбур бўлиб, шу билан бирга мазкур мажбуриятда назарда тутилган ҳаракат ўрнига бошқа бир ҳаракатни қилиш ҳукуқини ўзида сақлаб қолишга айтилади. Чунончи, шартномада телевизор сотилиши кўрсатилади, аммо шу билан бирга сотувчи

<sup>1</sup> “Ҳўжалик судлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг жавобгарлик тўғрисидаги қоидаларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг 72-сонли қарори. /Ҳўжалик ва ҳукуқ - Хозяйство и право. 1999 йил.

телевизор ўрнига холодильникни сотиш ҳуқуқини ўзига белгилаб қўяди.

Мажбуриятларнинг муқобил ва факультатив мажбуриятларга бўлиниб бажарилишининг маълум ҳуқуқий оқибатлари бор. Чунончи, муқобил мажбуриятда кўрсатилган ашёлардан бири тасодифан нобуд бўлса, ўрнига иккинчиси топширилади. Демак, бундай ҳолда мажбурият бекор бўлмайди. Аммо факультатив мажбуриятда кўрсатилган асосий нарса тасодифан, қарздорнинг айби билан боғлик бўлмаган ҳолда нобуд бўлса, бундай мажбурият бажариш мумкин бўлмаганлиги туфайли бекор бўлади.

Улушли ва шериклик мажбуриятларнинг бажарилиши тўғрисида ўн тўққизинчи бобда батафсил тўхтаб ўтилди.

## **21.4. Мажбуриятни бажариш муддати, жойи ва усули**

Мажбуриятни бажариш муддати қонун билан ёки тарафларнинг ўзаро келишуви билан ёхуд суд қарори билан белгиланиши мумкин.

Мажбуриятни бажариш муддати календарь сана билан ёки муайян вақтда, масалан, уч ой ичидаги бажарилишини кўрсатиш билан ёхуд бирон ҳодисанинг вужудга келиши, чунончи, пахта ҳосилнинг йиғишириб олиниши вақт билан кўрсатилиши мумкин.

Муддатлар умумий ва жузъий, асосий ва маҳсус, бошланғич ва охирги муддатларга бўлиниши мумкин.

Умумий муддат – барча мажбуриятнинг бутунлай бажарилиши муддати бўлса, жузъий муддат – мажбуриятнинг қонун ёки шартномада назарда тутилган қисмларга бўлиниб, қисман бажарилишидир. Бундай муддатлар асосий муддатлар ҳисобланади, чунки бу муддатлар тарафларнинг асосий мажбуриятларини бажарилари учун белгиланади.

Маҳсус муддатлар бирон-бир қўшимча, маҳсус ҳаракатларни бажариш, чунончи, қонун ёки шартномада назарда тутилган ҳолларда зарур ҳужжатларни топшириш, маҳсулотда бўлган камчиликлар тўғрисида далолатномалар тузиш учун белгиланган муддатлардир.

Баъзи мажбуриятларда, масалан, пудрат шартномасида ишни бошлаш муддати – бошланғич муддат ва ишни тамомлаш муддати – охирги муддат қилиб кўрсатилиши мумкин. Муддатларни ҳисоблашга оид қоидалар ФКнинг 145-148-моддаларида нормаланган.

**Бажариш муддати белгиланмаган мажбуриятлар ҳам учрайди.** **Бөллини** ҳолларда үзаро шартнома түзишда мажбуриятни бажариш **муддатини** белгиламасликлари ёки мажбуриятнинг кредитор ёки **қарздор** талаб қилган захоти бажарилиши кераклигини белгилашлари мумкин.

Агар мажбуриятни бажариш муддати кўрсатилмаган ёки талаб қилиб олиш пайти билан белгиланиб қўйилмаган бўлса – кредитор мажбуриятда ижрони талаб қилишга, қарздор эса ижрони ҳар қачон **амалга** оширишга ҳақли бўлади. Мажбуриятни дарҳол бажариш **вазифаси** қонун, шартнома ёки мажбуриятнинг моҳиятидан англашмаса, қарздор бундай мажбуриятни кредитор талаб қилган кундан бошлаб етти кунлик муддат ичидаги бажариши шарт (ФК, 242-модда). Муддат кўрсатилмай белгиланган мажбуриятларга омонат сақлаш мажбуриятини кўрсатиш мумкин. Тарафлардан бирининг талаби бўйича омонат шартномаси ҳар қачон бекор қилиниши ва ашёни омонатга қўйган шахс ҳар қачон унинг қайтарилишини талаб қилишга, омонат сақловчи эса дарҳол қайтаришга мажбур бўлади. Агар ашёлар талаб қилиб олингунча ёки муддат кўрсатилмай сақлаш учун топширилган бўлса, омонат сақловчи ҳар қачон шартномадан бош торта олади, аммо бу ҳолда у омонат топширган шахсга мулкни қайта қабул қилиш учун мазкур шароитларда етарли муддат беришга мажбур. Қонун баъзи ҳолларда кредиторга ҳам ижрони қабул қилишга тайёргарлик кўриш учун муҳлат олиш мумкинлигини белгилайди. Чунончи, агар мулк ижараси шартномаси муддати кўрсатилмай тузилган бўлса, бу ҳолда у номаълум муддатга тузилган саналади ва ҳар икки тараф хоҳлаган вақтда шартномани бекор қила оладилар. Бу ҳолда шартномани бекор қилмоқчи бўлган тараф иккинчи тарафни бир ой олдин кўчмас мулк ижарасида эса – уч ой илгари ёзма огоҳлантирилиши лозим деб кўрсатилади.

Мажбуриятлар муддатидан илгари ҳам бажарилиши мумкин. Мажбуриятнинг бажарилиши вақти кредитор учун ҳар хил аҳамиятга эга бўлади. Чунончи, кредитор омонатга қўйилган нарсани муддатидан илгари үзига қайтарилишини истамаслиги қарз шартномаси бўйича эса берилган қарзнинг муддатидан аввал қайтарилишига қарши бўлмаслиги мумкин. Агар қонун ҳужжатлари ёки шартномада назарда тутилган бўлса ёхуд мажбуриятларнинг моҳиятидан ёинки иш муомаласи одатларидан ёки одатда қўйиладиган бошқа галаблардан англашилса, қарздор мажбуриятни муддатидан илгари бажаришга ҳақли, кредитор эса – ижрони муддатидан илгари қабул қилиши шарт (ФК, 243-модда).

Фуқаролик ҳуқуқида мажбуриятни ижро этиш жойи ҳам мұхим ахамиятга эга. ФКнинг 246-моддасига асосан агар мажбуриятни бажариш жойи қонун ҳужқатлари ёки шартнома билан белгилаб қўйилган бўлмаса ва мажбуриятнинг моҳиятидан ёхуд иш муомаласи одатларидан ёинки одатда қўйиладиган талаблардан англашилмаса, ижро қўйидаги жойларда амалга оширилиши керак:

1) кўчмас мол-мulkни топшириш мажбуриятлари бўйича мол-мulk турган жойда;

2) ташишни назарда тутадиган товар ёки бошқа мол-мulkни топшириш мажбуриятлар бўйича – товарни кредиторга етказиб бериш учун уни биринчи ташувчига топшириш жойида;

3) қарздорнинг товарни ёки бошқа мол-мulkни топшириш юзасидан ўзга мажбуриятлари бўйича – мол-мulkни тайёрлаш ва сақлаш жойида, башарти мажбуриятнинг келиб чиқиш пайтида бу жой кредиторга маълум бўлган бўлса;

4) пул мажбурияти бўйича – мажбурият вужудга келган пайтда кредитор яшаган жойда, агар кредитор юридик шахс бўлса – унинг мажбурият вужудга келган пайтда жойлашган ерида, агар кредитор мажбуриятни бажариш вақтигача ўз яшаш жойини ёки жойлашган ерини ўзgartирган бўлса ва бу ҳақда қарздорни хабардор қилган бўлса – ижро билан боғлиқ ҳамма харажатларни кредитор ҳисобидан қилган ҳолда, унинг янги яшаш жойида ёки жойлашган ерида;

5) бошқа барча мажбуриятлар бўйича – қарздорнинг яшаш жойида, агар қарздор юридик шахс бўлса, унинг жойлашган ерида.

Мажбуриятни ижро этиш усули – бу мажбурият тузилган шартноманинг шартлари ёки ҳуқуқ нормалари билан белгиланган тартибда ижро этилишидир. Баъзи мажбуриятлар ўзининг мазмунига кўра бирданига ва батамом ижро этилади. Чунончи, хусусий аломатлари билан белгиланадиган ашёни, масалан, сотилган телевизорни топшириш мажбурияти бир вақтда ва батамом ижро этилади. Бошқа бир хил мажбуриятлар, аксинча, қисмларга бўлиниб, бир қанча вақт давомида ижро этилиши мумкин. Умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (квартира)ни бошқа шахсга беришда моддий таъминот унга бир неча йиллар давомида берилади, яъни мажбурият қисмларига бўлиниб, бир қанча вақт давомида бажарилади. Аксарият мажбурият, масалан, ташкилотларга сотилган маҳсулот (товар)ларни етказиб бериш ва бунинг учун ҳақ тўлаш мажбуриятлари бирданига, қисмларга бўлиб-бўлиб ҳам бажарилиши мумкин.

Баъзи ҳолларда мажбуриятнинг қисмларга бўлиниб ижро этилиши кредитор учун ноқулай бўлиши мумкин. Масалан, қишиғаслида сотиладиган кийимларни бир неча чоракка бўлиб, баҳор ва ёз фасларида етказиб берилиши хўжалик ҳисобида иш кўрувчи савдо ташкилотини қаноатлантирумаслиги мумкин. Бундай ҳолларда бошқача тартиб қонун ҳужжатларида, шартномада назарда тутилган бўлмаса ёки иш муомаласи одатларидан ёхуд мажбуриятнинг моҳиятидан англашилмаса, кредитор мажбуриятнинг қисмларга бўлиб бажарилишини қабул қиласликка ҳақли (ФК, 239-модда). Бундай ижрони кредитор қабул қиласа, қарздор мажбуриятни лозим даражада бажармаган ёки бутунлай бажармаган ҳисобланади.

Баъзи ҳолларда икки томонлама мажбуриятларда кимнинг энг анинал ўз мажбуриятини ижро этиши лозимлиги маълум бўлади. Масалан, воситачилик шартномаси бўйича воситачи аввал ўз мажбуриятини бажаради, нарсани сотади, кейин хизмат ҳақини олади; чакана савдо магазинида олувчи товарнинг қийматини аввал тўлайди, кейин молни олади ва ҳ.к. Агар тарафлардан бири ўз мажбуриятини аввал бажариши номаълум бўлганда, агар қонун, шартнома ёки мажбурият моҳиятидан бошқача ҳол англашилмаса, шартнома юзасидан олинган ўзаро мажбуриятлар бир вақтда бажарилиши лозим бўлади.

Юқорида көлтирилган қоида диспозитив характерда бўлганлиги туфайли мажбуриятнинг аввало ким томонидан бажарилиши, масалан, сотилган нарсанинг топширилиши ёки пулнинг тўланиши ўзаро келишув бўйича ҳам белгиланиши мумкин.

**Йигирма иккинчи боб**  
**МАЖБУРИЯТЛАРНИНГ БАЖАРИЛИШИНИ ТАЪМИНЛАШ**  
**22.1.Мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш**  
**тушунчаси**

Мажбуриятнинг бажарилишини таъминлаш деб қарздор томонидан олинган ва унинг зиммасида бўлган вазифани бажаришга мажбур қиласидан чорага айтилади. Бундай чора қонун ёки шартномага биноан асосий мажбуриятта қўшимча қилиб белгиланади. Мажбурият бажарилишини таъминлашнинг моҳияти шундан иборатки, қарздор зиммасида бўлган мажбурият белгиланган муддатда бажарилмаса ёки бошқача тарзда бузилса, кредиторда зиёнларни ундиришга бўлган ҳукуқдан ташқари мажбуриятнинг обьектини ташкил этган ҳаракатни қилишга қарздорни мажбур қиласидан бошқа мулкий таъсир чораларини қўшимча равишда татбиқ этилишини талаб қилиш ҳукуқи пайдо бўлади.

Мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тараф учун ноқулай оқибатларнинг вужудга келиши мумкинлиги шартномаларни керакли ҳажмда бажаришга уларни мажбур қиласиди, вазифаларини вижданан бажаришга даъват этади, шунинг ўзи билан давлат ва шартнома интизомининг мустаҳкамланиши маълум даражада таъминланади.

Мажбуриятларнинг бажарилиши ҳар хил усул билан таъминланади. Мазкур усуллар ё қонун билан белгиланиши ёки шартномага асосланган бўлиши мумкин. Фуқаролик қонунчилигига мажбуриятнинг бажарилишини таъминлаш неустойка, гаров, қарздорнинг молмulkини ушлаб қолиш, кафиллик, кафолат, закалат ҳамда қонун ҳужжатлари ёки шартномада назарда тутилган бошқа усуллар билан таъминланиши мумкин (ФК, 259-модда).

Ушбу усуллардан ҳеч қайсиси ўзича мустақил равишда қўлланмайди. Буларнинг ҳаммаси бирон-бир мажбуриятнинг мавжуд бўлишини кўрсатиб, мазкур мажбуриятнинг бажариш мақсадларини қўзлаб белгиланади. Бунда шартнома бўйича белгиланган мажбурият – асосий мажбурият бўлиб, унинг бажарилишини таъминлаш усули эса – қўшимча мажбурият ҳисобланади. Чунончи, маҳсулот етказиб бериш ёки пудрат шартномасидан келиб чиқадиган асосий мажбуриятнинг амалга оширилишини таъминлайдиган қўшимча мажбурият ҳисобланади.

Баъзи мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш маҳсус қонунларда назарда тутилмаган бўлса, бундай мажбурият муноса-

**батларини таъминлаш** Фуқаролик кодексида берилган умумий қоидалар билан тартибга солинади. Шу билан бирга, муайян мажбуриятнинг бажарилишини таъминлаш усуллари бир вақтнинг ўзида қонун билан ҳам, шартнома билан ҳам белгиланиши мумкин. Масалан, неустойка ва гаров бир вақтнинг ўзида шартнома билан ҳам, қонун билан ҳам назарда тутилиши мумкин<sup>1</sup>.

Бошқа усуллар эса, жумладан, закалат фақат келишув бўйичагина белгиланади.

Фуқаролик ҳуқуқининг мазкур институти мажбуриятларни қарздор томонидан бажарилмаслиги натижасида кредиторга келиши мумкин бўлган зарар оқибатларининг олдини олишга қаратилади. Аммо мазкур усулларнинг ҳар қайсиси билан кўрсатилган мақсадга эришиш ҳар хил бўлади.

Неустойка ва закалат қарздор томонидан мажбуриятнинг асли ҳолатида бажарилишини таъминлайди ва мажбурият ижро этилмаган ҳолда қарздорга муайян жавобгарлик белгиланишини кўрсатади. Неустойка ва закалат баъзи ҳолларда мажбуриятнинг бажарилмаслиги туфайли етказилган зарарнинг кредитор томонидан ундирилишини енгиллаштиради. Қарздор томонидан мулкнинг гаровга қўйилиши асосий мажбурият у томонидан реал бажарилишини муайян даражада таъминлайди ва мазкур мажбуриятнинг бажарилмаслиги туфайли вужудга келган кредитор талабларини қондиришга кўпроқ имконият беради.

Учинчи шахс томонидан белгиланган гаров, кафолат ва кафиллик мажбуриятнинг бажарилмагани ҳолда зарарнинг қопланиши, фоизларнинг ёки неустойкаларнинг тўланиши тўғрисида кредитор томонидан қўйилган талабларнинг қондирилишини таъминлайди.

Мажбуриятнинг бажарилиши мазкур мажбурият юзасидан кредитор бўлган шахс билан мажбуриятнинг амалга оширилишини таъминлаган учинчи шахс ўртасида мажбуриятта оид ҳуқуқий муносабатни ва асосий мажбуриятга нисбатан бўлган қўшимча ҳуқуқий муносабатни вужудга келтиради. Мазкур мажбуриятнинг қўшимча характерда бўлиши қатор ҳуқуқий масалаларда кўрилади.

<sup>1</sup> Аммо Ўзбекистон Республикаси Олий Ҳўжалик судининг Пленуми қарори шундай тавсия берадики, агарда битта мажбурият бузилган бўлиб, бунинг учун шартномада ҳам жарима шаклида, ҳам пеня шаклида неустойка тўлаш назарда тутилган холларда, судлар шунни эътиборга олишлари лозимки (фуқаролик ишларини кўриб, мазмунан ҳал қилаётган маҳалда - музаллиф), агарда қонунчиликда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, кредитор фақатигина бир шаклдаги неустойка кўлланилишини талаб қилишга хаклидир. Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг "Ҳўжалик судлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг жавобгарлик тўғрисидаги қоидаларини кўллашнинг айрим масалалари ҳақида"ги қарори. //Ҳўжалик ва ҳуқук Хозяйство и право. 1999. 3-сон.

ФКнинг 259-моддасида кўрсатилганидек, мажбуриятнинг бажарилишини таъминлаш тўғрисидаги келишувнинг ҳақиқий эмаслиги ушбу мажбуриятнинг (асосий мажбуриятнинг) ҳақиқий эмаслигига олиб келмайди.

Бироқ, асосий мажбуриятнинг ҳақиқий эмаслиги унинг бажарилишини таъминлайдиган мажбуриятнинг ҳақиқий эмаслигига олиб келади.

## **22.2.Неустойка – мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш усули сифатида.**

Неустойка қонун ҳужокатлари ёки шартнома билан белгиланган қарздор мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда кредиторга тўлаши шарт бўлган пул суммасидир (ФК, 260-модда).

Неустойка жарима ва пеня шаклида бўлади.

Мажбуриятнинг бажарилишини таъминлаш усувлари сифатида кўрилган жарима билан пеня ўртасида ҳеч қандай муҳим фарқ йўқ. Улар факат ҳисоблашиш усувлари жиҳатидангина бир-биридан фарқ қиласди.

Пеня мажбуриятнинг бажарилиши кечиктирилганда қўлланилади ва муайян вақт, масалан, ўн, йигирма, ўттиз кун давомида ҳисобланади. Пеня мажбуриятнинг бажарилиши кечиктирилганида кечиктиришнинг барча муддати давомида ҳисобланиб, бажарилмаган суммаси юзасидан белгиланган фоизлар билан ундирилади. Мажбуриятнинг бажарилишини кечиктириш вақти ошиб борган сари пеня суммасининг ҳам ўсиб бориши мажбуриятни мумкин қадар тезроқ бажаришга қарздорни мажбур қиласди.

Агар пеня муайян кунлар, масалан, ўттиз кун давомида ҳисобланса, мазкур кунлар ўтгандан сўнг унинг ҳисобланиши тўхтатилиди. Одатда, кейинчалик кредиторга қарздордан бирданига 2 фоиздан 5 фоизгacha неустойка олиш ҳуқуқи пайдо бўлади. Тор маънодаги неустойка мажбуриятни бутунлай бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун, шу жумладан, шартнома мажбуриятларининг ижросини кечиктирганлик учун ундирилади ва етказиб берилмаган маҳсулотнинг ёки пудрат шартномаси бўйича бажарилмаган ишлар суммасидан ҳамда шу каби бошқа суммаларга нисбатан фоиз билан, масалан, 2,3,4,5 фоиз микдорида неустойка олинади.

Неустойканинг хусусияти шундаки, у мажбуриятнинг бажарилиши бузилишида ҳар қайси факт учун ундирилади ва унинг миқдори мажбурият кечикирилишининг қанчалик узоқроқ бўлишбўлмаслигидан қатъи назар белгиланади.

Фуқаролик қонунчилиги неустойканинг икки ҳуқуқий асослари: қонун ва шартномадан келиб чиқишини белгилайди.

Қонуний неустойка деганда, мажбуриятларнинг муайян турлари учун қонун билан маҳсус белгиланган неустойка тушунилади. Бу ҳолда қонун неустойканинг миқдори, унинг ундирилиш тартиби ва шартларини белгилайди. Қонун билан белгиланадиган неустойка учун шу нарса характерлики, уни тўлаш тарафларнинг келишувида назарда тутилган ёки тутилмаганлигидан қатъи назар кредитор қонунда белгиланган неустойка (қонуний неустойка) ни тўлашни талаб қилишга ҳақли.

Қонуний неустойканинг миқдори, агар қонун тақиқламаса, тарафларнинг келишуви билан кўпайтирилиши мумкин (ФК, 263-модда).

Қонунда назарда тутилган неустойкани ундиришдан тарафлар бош торта олмайдилар, унинг миқдорини ҳам камайтира олмайдилар. Агар шартномада бундай шартлар кўрсатилган бўлса, улар ҳақиқий саналмайди.

Қонуний неустойка хўжалик ташкилотлари ўртасидаги муносабатларда анча кўп қўлланилади ва маҳсус норматив ҳужжатларда назарда тутилади. Хусусан, тарафлар томонидан ўз мажбуриятларни бузганликлари учун жарима шаклидаги неустойканинг кўп миқдорда ва ҳар хил ҳолларда олиниши транспорт қонунчилигига ва уставларида назарда тутилади.

Шартномали неустойка тарафларнинг ўзаро келишуви бўйича белгиланади. Бундай неустойка асосий мажбуриятнинг неустойка билан таъминланиши ёки таъминланмаслиги тўғрисидаги масала, унинг миқдори, ундириш тартиби ва шартлари факат тарафларнинг ўзлари томонидангина белгиланади. Масалан, иккита хўжалик субъекти бир-бирига қурилиш учун ғишт етказиб бериш тўғрисида шартнома тузганларида мажбуриятни бузганлик учун неустойканинг тўланишини кўрсатишлари мумкин.

Баъзи ҳолларда шартномага неустойка ундириш тўғрисидаги шартнинг қўшилиши зарурлиги қонун ёки шартнома билан белгиланиши мумкин. Бундай ҳолда неустойканинг миқдори ва ундирилиш шартлари, одатда, мазкур қонунда белгиланади. Аммо бундай неустойкани қонун билан белгиланган неустойка деб ҳисоблаш

мүмкін эмас, чунки тарафлар неустойка тұғрисидаги шартноманы шартномаға киритмaganлықлары сабабы мажбурият бажарилмагани үчүн неустойка тұлашга мажбур бўлмайди.

Неустойка (жарима, пеня) тұғрисидаги келишув ФКнинг 262-моддасида кўрсатилганидек, ёзма шаклда тузилиши керак. Бундай келишув маҳсус шартнома ёки асосий шартномаға қўшимча келишув шаклларида расмийлаштирилиши мүмкін. Келишувнинг ёзма шаклда бўлишига риоя қиласлик неустойка (жарима, пеня) тұғрисидаги келишувнинг ҳақиқий саналмаслигига сабаб бўлади.

Амалдаги фуқаролик қонунчилиги неустойканинг тўрт турини белгилайди. Булар – ҳисобга ўтказиладиган неустойка; жаримали неустойка; алоҳида неустойка; муқобил неустойкадир.

Ҳисобга ўтказиладиган неустойка ФКнинг 325-моддасида кўрсатилганидек, агар мажбуриятни бажармаганлик ёки лозим дараҗада бажармаганлик учун неустойка белгиланган бўлса, зарарнинг неустойка билан қопланмаган қисми тўланади. Бундай неустойка кўпинча ташкилотлар ўртасида тузиладиган, масалан, маҳсулот етказиб бериш, қурилиш пудрати шартномаларида қўлланилади.

Жаримали неустойка кредиторга қарздордан неустойканинг ўзини, шунингдек неустойкадан ташқари зарарни ҳам тўла ҳажмда ундириш ҳуқуқини беради.

ФКнинг 325-моддасида назарда тутилган бундай неустойка шундай хусусиятга эгаки, у қарздорга бутунлай бажармаганлик ёки лозим дараҷада бажармаганлик учун белгиланганидан бошқа турдаги неустойкаларга нисбатан қўшимча жавобгарлик белгилайди. Неустойканинг шундай тарзда қўшилиб, яъни неустойканинг ҳам, зарарнинг ҳам қўшилиши ва бир вақтда ундирилиши мажбуриятни бажарувчи қарздорга кучли таъсир этиш чораси бўлиб кўрилади. Масалан, маҳсулот олувчига сифатсиз ёки бутсиз маҳсулот етказиб берилган ҳолларда маҳсулот етказувчининг неустойка (жарима) тұлаш, бундай маҳсулот етказиб бериш натижасида қўрилган зарарни (неустойкани бу ҳисобга киритмасдан) ундан ундириб олиш бунга мисол бўла олади.

Алоҳида неустойка шу билан характерланадики, бунда ФКнинг 325-моддасида кўрсатилганидек, кредиторга зарарни ундиримасдан, балки неустойкани ундириб олиш ҳуқуқи берилади. Мажбуриятнинг бажарилишини кечиктирганлик учун ундириладиган алоҳида неустойка – пеня шаклида белгиланади. Масалан, квартира ҳақининг тўланиши ёки бошқача пул тўловлари кечиктирилганда, одатда, алоҳида неустойка ундирилади. Бундай неустойка жарима шаклида

транспорт корхоналари фаолиятидан шартномавий режа мажбуриятларининг бузилганлиги учун ҳам ундирилиши мумкин.

Муқобил неустойка юқорида кўрсатиб ўтилган неустойкалардан шу билан фарқ қиласади, бунда кредиторга қарздордан белгиланган неустойка (жарима, пеня) ни ундириш ёки мажбуриятнинг бажарилмаслиги туфайли кўрилган заарларни ундириш ҳукуқи берилади. Неустойканинг бундай тури рағбатлантириш аҳамиятига эга бўлишидан ташқари яна аввалдан суммада белгиланиши мумкин бўлган заарни қоплаш имкониятини ҳам беради. Шунинг учун бундай неустойка баъзи ҳолларда баҳоланадиган неустойка деб ҳам аталади.

Муқобил неустойка кредиторнинг кўрган заарларини қоплашга қаратилган. Агар неустойка кредиторга етказилган заарнинг миқдоридан ошиб кетган бўлса, кредитор неустойкани ундиришдан бош тортишга ва кўрган заарларининг тўланишини талаб қилишга ҳақли. Бу ҳолда кредитор қарздорнинг ўз мажбуриятини бажармаслиги туфайли қандай зарар кўрганлигини исботлашга мажбур бўлади. Хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги мазкур неустойка камдан-кам татбиқ этилади.

Мажбуриятларни бузганлик учун, жумладан, сифатсиз маҳсулот ёки товар етказиб берганлик учун маҳсулот етказувчилардан неустойкани ундириш – маҳсулот олувчининг ҳукуқигина бўлиб қолмай, балки унинг давлат олдидаги мажбурияти ҳам ҳисобланади.

Неустойкани ундиришдан асосий мақсад мажбуриятнинг бажарилишини таъминлашdir. ФКнинг 261-моддасида кўрсатилганидек, неустойка фақат пул билан белгиланади. Неустойка миқдори ё қонун билан ёки шартнома билан белгиланган бўлиши лозим. Одатда, неустойка бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган мажбурият суммасига нисбатан фоиз билан ёки қатъий сумма билан белгиланади. Пеня деб аталадиган неустойка қуйидагича таърифланishi мумкин:

биринчидан, пеня одатда, мажбуриятнинг ўз вақтида бажарилмаслиги ҳолларига татбиқ этилади ва мажбуриятнинг белгиланган муддатда бажарилишини таъминлашга қаратилади;

иккинчидан, пеня қатъий миқдорда белгиланмай, бажарилиши кечиктирилган мажбурият суммасига нисбатан фоиз билан белгиланади;

учинчидан, пеня одатда, узоқ муддат давом этадиган неустойка сифатида кўрилади, яъни пеня бир қанча муддат давомида,

масалан, ўн күн ёки бир ой давомида мажбуриятнинг кечикирилган ҳар бир куни учун ҳисобланади.

Неустойканинг татбиқ этилиши тарафлар ўртасида шартнома тузилишида, у тўғрисида кўрсатмалар бўлиш-бўлмаслигидан қатъи назар белгиланади. Агар неустойка тўғрисидаги қонун унинг миқдорини ўзгартириш ҳукуқини тарафларга бермаган бўлса, тузиладиган шартномаларда неустойканинг қонунда назарда тутилган миқдорини ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

Фуқаролик кодексида айтилганидек, қарздор мажбуриятни бутунлай бажармаганида ёки лозим даражада бажармаганида неустойка тўлашга мажбур бўлади. Шу тартибда ФКнинг 261-моддасида назарда тутилган неустойка ҳар қандай мажбуриятнинг ижро этилишини таъминлашга қаратилган бўлиши мумкин.

Неустойка қарздор томонидан мажбуриятнинг бажарилишини таъминлайди. Аммо амалда, кўпчилик ҳолларда неустойка мажбуриятда қатнашувчи иккинчи тараф – кредитор мажбуриятларининг ҳам бажарилишини таъминлайдиган усул сифатида фойдаланилади. Жумладан, кредитор мажбуриятнинг бажарилишини қабул қилмаганида, неустойка тўлашга мажбур қилиниши мумкин.

Қабул қилиш – топшириш жойига етказиб келтирилган маҳсулотни қабул қилиш асосиз рад этилганда тайёрловчи хўжаликка уни етказиб келиш харажатларини қоплади.

Неустойка тўғрисидаги ўзаро келишув асосий мажбурият шакли суммаси, неустойка суммасидан, шунингдек бошқа бирон-бир шартлардан қатъи назар, ёзма шаклда расмийлаштирилиши лозим. Неустойка тўғрисидаги келишувнинг ёзма шакли битимлар ва шартномаларнинг ёзма шаклларига нисбатан қўйиладиган умумий талабларга, яъни, ФКнинг 105-111-моддаларида кўрсатилган талабларга жавоб бериши лозим.

Неустойка тўғрисидаги келишув ёзма шаклда тузилмаса, бундай келишув ҳақиқий саналмайди ва неустойканинг ундирилиши мумкин бўлмайди. ФКнинг 325-моддасида неустойка билан мажбуриятнинг бутунлай бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги туфайли кўрилган зарарнинг неустойка билан қопланмаган қисми тўланиш тўғрисида умумий қоида берилади. Мазкур қоида неустойка билан таъминланган мажбуриятларнинг ҳар қандай бузилишларида қўлланилиши лозим. Аммо қонун ёки шартномада кўрсатилган алоҳида ҳоллар бундан мустасно.

ФКнинг 325-моддаси биринчи қисмида кўрсатилган қоида ФКнинг бошқа нормаларида ҳам, шунингдек айрим мажбуриятларни

тартибга соладиган бошқа меъёрий ҳужжатларда ҳам келтирилади. Ушбу қоида неустойка билан таъминланган мажбуриятнинг қарздор томонидан бузилиши туфайли зарар кўрилиши ҳолларига тааллук-лидир. Масалан, автомобиль транспорти билан юк ташишда мазкур юк кечиктириб етказилган ҳолларда; кўрилган заарлар, кечиктирилган заарлар кечиктирилганлик учун юк ташувчидан жариманинг олиниш-олинмаслигидан қатъи назар ундирилади. Мазкур моддада кўрсатилишича, агар мажбуриятнинг бажарилмаслиги ёки лозим даражада бажарилмаслиги учун неустойка белгиланган бўлса, зарар неустойка (жарима, пеня) билан қопланмаган қисми ҳажмида тўлатиб олинади.

Қонун ёки шартномада қўйидаги ҳоллар, яъни заарни ундири-масдан, балки фақат неустойкани ундириб олиш, неустойка билан бир қаторда заарни ҳам тўла ундириб олиш, кредиторнинг хоҳиши билан ёки неустойкани ёки заарни ундириб олиш назарда тути-лиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Ҳаво кодексида назарда тутилган жарималар алоҳида неустойка характеристида кўрилади, чунки мазкур кодексда тарафлар бир-бирига нисбатан олган мажбуриятларини бажармаганларида Уставнинг тегишли моддаларида назарда тутилган доиралардагина моддий жавобгарликка тортилишлари белгиланади. Жарима ва неустойка маҳсулот етказиб бериш бўйича бўладиган мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш усули сифатида кенг қўлланилади. ФКнинг 326-моддасида кўрсатилгани-дек, агар тўланиши лозим бўлган неустойка кредиторнинг мажбу-риятини бузиш оқибатида номутаносиблиги кўриниб турса, суд неустойкани камайтиришга ҳақли. Бунда қарздор мажбуриятни қай даражада бажарганлиги, мажбуриятда иштирок этаётган тарафларнинг мулкий аҳволи, шунингдек кредиторнинг эътиборга олиниши лозим бўлган манфаатлари ҳисобга олиниши керак.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг Пленуми қарори бу қоидани амалиётда қўллашда судлар қўйидагиларга эътибор беришлари лозимлигини белгилайди: агар талаб қилинган неустойканинг миқдори асосий қарз миқдоридан ошиб кетмаган тақдирда, суд томонидан зарар ҳажмини аниқламасдан талаб қилинган суммада ундирилиши мумкин. Агарда неустойканинг суммаси асосий қарз суммасидан ортиқ бўлса, суд даъвогардан зарарнинг асосли равишда зарар ва неустойкага мутаносиблигини аниқлаш учун асослантирилган ҳисобни талаб қилиши лозим. Улар мутаносиб бўлмаганида, суд, суд амалиётидан келиб чиқиб, қарздор

томонидан мажбуриятларнинг бажарилиш даражасини, мажбуриятларда қатнашувчи тарафларнинг мулкий ҳолатини, шунингдек кредиторнинг манфаатларини ҳисобга олиб, неустойканинг миқдорини асосий қарз миқдоригача камайтиришга ҳақлидир. Агар неустойка асосий қарз суммасидан ошиб кетмаса-да, лекин унинг қарздор томонидан тўланиши унинг фаолиятини ёмон оқибатларга, ҳатто иқтисодий жиҳатдан ночор аҳволга олиб келиши аниқ бўлган ҳолатда неустойка камайтирилиши мумкин. Бундай ҳолатда неустойканинг энг кам миқдори Фуқаролик кодексининг 327-моддасида кўрсатилган фоизлар миқдоридан кам бўлмаслиги лозим<sup>1</sup>. Аммо суд ҳеч қачон неустойкани тўлашдан озод қила олмайди.

Хўжалик субъектлари ўртасидаги низолар бўйича судлар фақат айрим ҳоллардагина қарздор ва кредиторнинг эътиборга олиниши мумкин бўлган манфаатларини назарга олиб, кредиторга тўланиши лозим бўлган неустойкани камайтиришга ҳақли. Фуқароларнинг иштироки билан бўладиган муносабатларда неустойканинг миқдорини камайтириш учун зарур шарт неустойканинг кредитор кўрган заарларга нисбатан анча кўп бўлишидир.

ФКнинг 326-моддаси биринчи қисмида келтирилган бошқа ҳолатлар эса, фақат неустойканинг миқдорини камайтириш тўғрисидаги талабни рад қилиш ёки камайтирилиши лозим бўлган сумманинг миқдорини белгилаш учунгина аҳамиятга эга бўлиши мумкин.

Аммо ҳар ҳолда мазкур қонунга асосан неустойканинг ундирилиши суд томонидан бутунлай рад қилиниши мумкин эмас. Мазкур қоида судларга ҳар қандай ҳолда ҳам неустойкани камайтириш мақсадга мувофиқ бўлиш-бўлмаслиги тўғрисидаги масалани ҳал қилишни топширади. Шу билан бирга, неустойка фақат айрим ҳоллардагина камайтирилиши мумкинлигини кўрсатиб ўтади. ФКнинг 326-моддаси иккинчи бандида кўрсатиб ўтилганидек, неустойканинг миқдори суд томонидан камайтирилиши мумкин. Бунда суд қарздор ва кредитор манфаатларини ҳисобга олиши лозим. Неустойканинг миқдори кредиторнинг кўрган заарлари миқдори билан тақкослаганида, қарздор бўлган ташкилотнинг мажбуриятни бажара олиш, айблилиги даражаси эътиборга олингандагина суд неустойканинг миқдорини камайтиришга ҳақли.

Неустойка ёки заарни тўлаган қарздорнинг ўз мажбуриятини асл ҳолда бажариш бурчи ФКнинг 330-моддасида нормаланган.

<sup>1</sup> /Хўжалик ва ҳуқуқ - Хозяйство и право. 1999. З-сон.

Мазкур моддада айтилишича, мажбуриятнинг бажарилиши кечиктирилганлиги ёки лозим даражада бажарилмаслиги ҳолларини назарда тутиб, белгиланган неустойка (жарима, пеня) ни ҳамда мажбуриятнинг лозим даражада бажарилмаслиги натижасида келган зарарни тұлаш мажбуриятини асл ҳолда бажаришдан қарздорни озод қылмайды.

Айни пайтда кредитор мажбурият ижроси кечикканлиги сабабли үзи учун унинг аҳамияти қолмаган бўлса, у ижрони қабул қилишдан бош тортиши ва зарарни тұлашни талаб қилиши мумкин (ФК, 337-модда, 2-қисм). Башарти, қонунда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, мажбурият бажарилмаган тақдирда зарарни қоплаш ва унинг бажарилмаганлиги учун неустойка тұлаш қарздорни мажбуриятни асл ҳолида бажаришдан озод қиласи (ФК, 330-модда, 2-қисм).

## **22.3.Гаров – мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш усули сифатида.**

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 264-моддасида кўрсатилганидек, бир шахснинг бошқа шахсга мол-мulkни ёки унга бўлган ҳуқуқни мажбуриятларни таъминлаш учун бериши гаров ҳисобланади.

Гаров туфайли гаров билан таъминланган мажбурият бўйича кредитор (гаровга олувчи) қарздор томонидан бу мажбурият бажарилмаган тақдирда, гаровга қўйилган мол-мulkнинг қийматидан ушбу мол-мulk эгаси бўлган шахс (гаровга қўювчи) нинг бошқа кредиторларига нисбатан ўз талабини имтиёзли қаноатлантирилишига ҳақли бўлади.

ФКнинг 264-моддасида кўрсатилган субъектив ҳуқуқ гаров ҳуқуқи бўлиб, мulkни гаровга берган шахс – гаровга қўювчи ва мulkни олган шахс эса – гаровга олувчи деб аталади. Мулкни гаровга қўювчи шахс қарздорнинг ўзи ҳам, шунингдек учинчи бир шахс ҳам бўлиши мумкин.

ФКнинг 266-моддасида кўрсатилганидек, гаровга қўювчи гаровга қўйилаётган мulkнинг эгаси бўлиши лозим. Башарти, қонун ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, мулкдорнинг розилигисиз ашёвий ҳуқуқни гаровга қўйишга йўл қўйилади.

Гаровнинг моҳияти шундаки, мажбурият қарздор томонидан ижро этилмаганида, кредитор ўзининг талабини гаровга қўйилган

мулк ҳисобидан биринчи навбатда қондириш имкониятига эга бўлади.

Кредиторнинг талаблари қондирилгандан сўнггина гаровга қўйилган мулкни сотишдан ҳосил қилинган суммадан қолганини бошқа кредиторларнинг талабларини қондириш учун сарфланиши мумкин.

Гаров нарсаси ҳар қандай мол-мулк, ашёлар ва мулкий ҳуқуқлар (талаблар) бўлиши мумкин, аммо бундан ФКнинг 267-моддасида, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг Гаров тўғрисидаги қонуни<sup>1</sup>да назарда тутилган ашёлар мустаснодир.

Муомаладан чиқарилган мол-мулк, кредиторнинг шахси билан узвий боғлиқ бўлган талаблар, хусусан, ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарарни қоплаш ҳақидаги талаблар, алиментлар ҳақидаги талаблар ҳамда бошқа шахсга бериш қонун билан ман этилган бошқа талаблар гаров нарсаси бўла олмайди. Тарихий, маданий ёки ўзгача қимматбаҳолиги туфайли ёхуд давлат хавфсизлиги нуқтаи-назаридан гаров қўлланилиши мумкин бўлмаган обьектлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгилаб қўйилади. Ундирув қаратилиши мумкин бўлган фуқароларнинг айрим турдаги мол-мулкини гаровга қўйиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ман этилиши ёки тикланиши мумкин.

Одатда, факат кредиторнинг ҳақиқий талабигина гаров билан таъминланиши мумкин. Демак, агар шартнома ҳақиқий эмас деб топилса, у ҳолда гаров тўғрисидаги шартнома ҳам ҳақиқий саналмайди. Агар қонун ёки шартномада бошқача ҳол кўрсатилмаган бўлса, гаров талаби таъминланиш пайтида қандай бўлса, шу ҳажмда, жумладан, фоизларни, ижрони кечиктириб юбориш натижасида етказилган зарарнинг тўланишини, неустойкани шунингдек ундириш харажатларининг тўланишини таъминлайди.

Асосий мажбурият юзасидан кредитор бўлган шахс талаб қилиш ҳуқуқини бошқа шахсга топширса, у ҳолда ФКнинг 315-моддасида кўрсатилганидек, гаров ҳуқуқи ҳам янги кредиторга ўтади.

Гаровга қўйилган мол-мулкка нисбатан мулк ҳуқуқи ёки ҳўжалик юритиш ҳуқуқи мулкни гаровга берган шахсдан бошқа шахсга ўтганида ҳам гаров ҳуқуқи ўз кучини сақлаб қолади. Бинобарин, гаров сақловчи шахс – кредитор гаровга қўйилган мулкнинг эгаси ёки уни бошқарувчи субъект бошқа шахс бўлганида ҳам ўз ҳуқуқини гаровга қўйилган мулк ҳисобидан ундиришга ҳақли.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1998 йил. 5-6-сон. 98-модда. Ўзбекистоннинг янги қонунлари. 19-сон. –Т.: Адолат. 1998.

Масалан, банкдан қарздор бўлган фуқаро олинган ссуда ҳисобига қурилган уй-жойни сотса, банк уй-жойни гаровга олган шахс сифатида мазкур уй-жой ҳисобидан ўз ҳақини янги эгадан ҳам ундириб олиши мумкин.

Гаров ҳуқуқи шартнома ёки қонунга биноан вужудга келади. Гаров ҳуқуқи қонунда факат норматив ҳужжатда маҳсус кўрсатма бўлганидагина вужудга келади. Кўпчилик ҳолларда мажбурият бирон-бир мулкни гаровга қўйиш тўғрисида шартнома тузиш йўли билан таъминланади.

ФКнинг 265-моддасига асосан гаровнинг қўйидаги турлари мавжуд:

- а) закалат (бунда гаров нарсаси гаровга олевчида сақланади);
- б) ипотека (бунда кўчмас мол-мулк гаровга олинади);
- в) мулкий ҳуқуқларни гаровга олиш.

ФКнинг 269-моддасига асосан агар шартномада ўзгача тартиб назарда тутилмаган бўлса, гаровга қўйилган мол-мулк гаровга қўювчида қолади. Ипотека белгиланган мол-мулк, шунингдек гаровга қўйилган муомаладаги товар ҳам гаровга олевчига топширилмайди.

Ўзбекистон Республикасининг “Гаров тўғрисида”ги қонунининг 38-моддасига асосан, ер билан боғлиқ мол-мулклар – бинолар, иншоот, квартирали уйлардаги квартиralар, корхоналар, бошқа мулкий мажмуалар, юридик ва жисмоний шахслар мулкида бўлган савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси обьектлари, шунингдек турар жой хоналари улар жойлашган ер участкалари билан бирга, қонун ҳужжатлари билан кўчмас мулк сирасига киритилган бошқа мол-мулк ҳамда ер участкасига бўлган мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқлар ипотека нарсаси бўлиши мумкин.

Гаровга қўйилган мол-мулқдан фойдаланиш натижасида олинган ҳосил маҳсулот ва даромадга гаров ҳуқуқи шартномада назарда тутилган ҳолларда жорий қилинади.

Гаров нарсаси гаровга олевчи томонидан қулфланган ва муҳрланган ҳолда гаровга қўювчида қолдирилиши мумкин.

Гаров нарсаси гаровга қўйилганлигини билдирувчи белгилар қўйилган ҳолда гаровга қўювчида қолдирилган гаров – қатъий гаров ҳисобланади.

Қимматли қофоз билан тасдиқланган мулкий ҳуқуқ гаровга қўйилганида, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, гаровга олевчида ёки нотариус депозитига топширилади (ФК, 269-мода).

Гаровга қўйилган мулк, уй-жойлардан бошқалари, агар қонун ёки шартнома билан бошқача ҳол белгиланмаган бўлса, гаровга олувчи ихтиёрига бериб қўйилади. Бундай топшириш хўжалик муносабатларида барча ҳолларда ҳам мақсадга мувофиқ бўлмайди, чунки қарздор гаровга қўйилган мулқдан фойдаланиш имкониятини йўқотади ва унинг манфаатларини жиддий равишда бузишга олиб келади.

Тарафларнинг ўзаро келишувлари бўйича гаровга қўйилган мулк қарздорнинг ўзида ҳам қолдирилиши мумкин. Баъзи ҳолларда гаровга қўйилган мулкни қарздор ихтиёрида қолдириш қонунда назарда тутилган бўлади. Масалан, муомалада бўлган товарларнинг гаровга олинишида ёки ишланишда бўлган маҳсулотларнинг гаровга қўйилишида гаров нарсаси бўлган мулк қарздорнинг ўзида қолдирилади. Гаровнинг баъзи турлари бўйича ашёларни гаровга берувчи қўлида қолдирилишига қўй қўйилмайди. Масалан, ашёларни ломбардда гаровга қўйишда ашёлар, албатта, ломбард ихтиёрида бўлади.

Гаровга олувчилар гаровга қўйилган мулкни тегишли равишда саклашга мажбур. Гаровга олувчи гаровга қўйилган мулкнинг йўқолиши ёки бузилиши ўзининг айби билан бўлмаганлигини исботламаса – ўзига топширилган мулкнинг сакланмаганлиги учун жавобгар бўлади.

Агар қонун ёки шартнома билан бошқача ҳол белгиланмаган бўлса, гаровга олувчи гаровга қўйилган мулқдан фойдаланишга ҳақли эмас. Агар гаровга олинган мулкни сақлаб турган шахс, яъни мулкни гаровга олувчи уни йўқотса ёки унинг қўлидан ўғирлаб кетилган бўлса ёки бошқа йўл билан унинг ихтиёридан ташқарига чиқиб кетган ҳолда гаровга олган шахс гаров нарсасини ҳар қандай эгалловчидан, шу жумладан, эгасидан ҳам талаб қилиб олишга ҳақли бўлади.

Агар ашё гаровга шахснинг эгаллашидан унинг ихтиёри бўйича қўлидан кетган бўлса, бу ҳолда у мазкур мулкни инсофли эгалловчидан талаб қилиб ололмайди.

Агар гаровга олган шахс қўлида қолдирилган мулк бошқа бир шахсга текинга ўтказилган, масалан, ҳадя қилинган ёки мерос тариқасида ўтган бўлса, гаров нарсасини сақловчи, яъни мулкни гаровга олган шахс мазкур гаров нарсасини инсофли эгалловчидан талаб қилиб олишга ҳақли.

Қонунда гаров нарсасига нисбатан гаровга олувчи ва гаровга қўювчи ҳуқуқлари аниқ чегаралаб қўйилган. Шу жумладан, гаровга

олувчининг ҳуқуқлари жорий қилинадиган мол-мулк ФКнинг 272-моддасида белгилаб қўйилган. Бутун корхона ёки бошқа мулкий комплекс ипотекасида гаров ҳуқуқи ипотека таркибига кирувчи мол-мулкнинг ҳаммасига, шу жумладан, талаб қилиш ҳуқуқи ва мутлақ ҳуқуқларга, шу билан бир қаторда ипотека даврида олинган ҳуқуқларга ҳам (агар қонун ёки шартномада бошқача тартиб белгиланмаган бўлса) жорий этилади. Ер участкасининг ўзини ипотекага қўйишда гаров талаби гаровга қўювчининг ушбу участкада жойлашган ёки кураётган бинолари ва иншоотларига қаратилмайди. Мабодо кейинчалик ер участкасига нисбатан ҳақ ундириш гаров талаби асосида қаратиладиган бўлса, унда жойлашган бинолардан ўз ўрнида фойдаланиш учун зарур бўлган сервитут (чекланган тарзда фойдаланиш) ҳуқуқи гаровга қўювчидаги сақланиб қолади.

Агар шартномада ўзгача тартиб назарда тутилмаган бўлса ёки гаровнинг моҳиятидан англашилмаса, гаровга қўювчи гаров нарсасидан унинг вазифасига кўра фойдаланишга, шу жумладан ундан ҳосил ва даромадлар олишга ҳақли (ФК, 277-модда).

Шунингдек гаровга қўювчи гаровга оловчининг розилиги билан гаров нарсасини бошқа шахсга беришга, уни ижарага ёки бепул фойдаланишга топширишга ёки бошқа усулда тасарруф этишга ҳақли. Гаровга оловчи ўзига топширилган гаров нарсасидан шартномада у гаровга бу ҳақда мунтазам ҳисобот бериб туради. Шартномага мувофиқ гаровга оловчи зиммасига асосий мажбуриятни бажариш мақсадида ёки гаровга қўювчининг манфаатини кўзлаб, гаров нарсасидан ҳосил ва даромадлар олиш бурчи юкланиши мумкин.

Гаровга қўйилган мол-мулкни сақлаш ва асраш мажбурияти гаров нарсаси кимда сақланаётганилигига боғлиқ бўлади. Гаров нарсаси ипотека бўлган ҳолда у йўқолиш ва шикастланиш хавфидан суғурта қилиниши ҳам лозим бўлади. ФКнинг 274-моддасига асосан гаровга қўйилган мол-мулк тўла қиймати бўйича, борди-ю, бу қиймат гаров билан таъминланган талабнинг микдоридан ошиб кетса, бу талаб микдоридан кам бўлмаган суммага гаровга қўювчи ҳисобидан суғурталаниши лозим.

Гаровга оловчи ва гаровга қўювчи иккинчи тарафдаги гаровга қўйилган мол-мулкнинг мавжудлигини, микдорини, ҳолатини ва уни сақлаш шароитларини хужоятлар асосида амалда текширишга ҳақли.

Гаровга олувчи томонидан сақланаётган гаров нарсаси гаровга қўйилган мол-мулкнинг йўқолиши ёки шикастланиш хавфини тұғдирадиган даражада қўпол суратда бузилганида гаровга қўювчи гаровни муддатидан олдин бекор қилишни талаб қилишга ҳақли.

Агар гаров тўғрисидаги шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, гаровга қўювчи қўйилган мол-мулкнинг тасодифан нобуд бўлиши ёки тасодифан шикастланиши хавфини ўз зиммасига олади.

Агар гаровга олувчида гаров нарсаси сақланаётган бўлса, у ҳолда гаров нарсасини бутунлай ёки қисман йўқолиши ёхуд шикастланиши учун жавоб беради (агар бунда у айбор эмаслигини исбот қилиб бера олмаса). Гаров билан таъминланган мажбурият бўйича қарздор бўлган гаровга қўювчи гаров нарсасининг йўқолиши ёки шикастланиши туфайли етказилган зарарни тўлаш тўғрисидаги талабни гаров билан таъминланган мажбуриятларни қоплаш учун ҳисобга олдиришга ҳақли.

Гаров нарсасини алмаштиришга, агар қонунда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, гаровга олувчининг розилиги билан йўл қўйилади.

Гаровга қўйиш гаров ҳақидаги шартнома билан расмийлаштирилади. Шартномада гаров нарсаси, унинг баҳоси, моҳияти, микдори ва гаров билан таъминланадиган мажбуриятнинг бажарилиш муддати кўрсатилган бўлиши лозим. Унда гаровга қўйилган мол-мулк тарафларнинг қайси бирида эканлиги ҳам кўрсатилиши керак.

Гаров шартномаси ёзма равишида тузилиши лозим. Ипотека ҳақидаги шартнома, шунингдек нотариал тасдиқланиши керак бўлган шартномага мувофиқ олинадиган мажбуриятларни таъминлаш юзасидан кўчар мол-мулкни ёки мол-мулкка бўлган хуқуқларни гаровга қўйиш тўғрисидаги шартнома нотариал тасдиқланиши шарт. Бундан ташқари, гаров шартномаси қийматига қараб тегишли адлия органларида рўйхатдан ўтказилиши лозим.

Гаров шартномаси шакли, уни тасдиқлаш ва давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақидаги талабларга риоя қилинмай тузилганда мутлақо ҳақиқий ҳисобланмайди.

ФКнинг 278-модда, 1-қисмида кўрсатилганидек, гаровга олувчи ўз ихтиёрида бўлган ёки бўлиши лозим бўлган гаровга қўйилган мол-мулкни бошқа шахснинг қонунсиз эгаллашидан талаб қилиб олишга ҳақли (ФК, 228, 229, 230, 232-моддалар).

Гаров билан таъминланган мажбурият қарздор томонидан бажарилгандан, гаровга қўйилган мулк суднинг, хўжалик судининг

қарорига асосан сотилади ва тушган сумма ҳисобидан биринчи навбатда, бошқа шахслардан олдин кредиторнинг талаблари қондирилади.

Гаровга қўйилган мулк давлат ва кооператив дўкон орқали сотилади. Гаровга қўйилган уй-жойлар эса – суд ижро чилари томонидан очиқ савдо билан сотилади.

Агар гаровга қўйилган мулкни сотишдан тушган сумма мулкни гаровга олган шахс (кредитор)нинг талабларини қондириш учун етарли бўлмаса, у ҳолда кредитор, агар қонун ёки шартномада бошқача кўрсатмалар бўлмаса, етишмаган суммани қарздорнинг бошқа мулки ҳисобидан олишга ҳақли бўлади. Кредиторнинг ўз ҳақини қарздорнинг бошқа мулкидан олишга бўлган ҳуқуқи гаров ҳуқуқидан эмас, асосий мажбуриятдан келиб чиқади. Бу ҳолда қарздорнинг бошқа мулки ҳисобидан ўз ҳақини ундиришда бошқа шахсларга нисбатан устунлик ҳуқуқига эга бўлмайди.

Мулкни гаровга олган шахснинг ўз талабларини гаровга қўйилган мулк ҳисобидан ундиришда устунлик ҳуқуқига эга бўлишилиги баъзи ҳолларда чекланиши мумкин. Жумладан, ФКнинг 26, 56-моддаларига мувофиқ, гаровга олган шахс талабларнинг қондирилишига қадар гаровга қўйилган мулкни сотиш натижасида тушган суммадан алиментларнинг ундирилиши, ходимларнинг меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган талаблари, ўзгаларнинг ҳаётига ёки соғлиғига зарар етказиш, шунингдек муаллифлик шартномалари бўйича мукофот тўлаш тўғрисидаги талаблар биринчи навбатда қондирилиши лозим.

Гаров ҳуқуқи уй-жойларга нисбатан шартноманинг давлат рўйхатидан ўтказилиши пайтида, бошқа мулкка нисбатан эса, бу мулкни гаровга оловчига топширилиши пайтидан, агар у қонун ёки шартнома бўйича топширилиши лозим бўлмаса, шартноманинг тузилиш пайтидан эътиборан вужудга келади.

Гаров ҳуқуқининг бекор бўлиши ҳоллари ФКнинг 283-моддасида кўрсатилади. Унда айтилишича, гаров ҳуқуқи қўйидаги ҳолларда, яъни:

- гаров билан таъминланган мажбурият бекор бўлганда;
- гаровга қўйилган ашё нобуд бўлганида ёки гаровга қўйилган ҳуқук бекор бўлганида;
- гаровга қўювчи гаров нарсасини алмаштирмаса;
- гаровга оловчи гаровга қўйилган мол-мулкнинг йўқолиш ёки шикастланиш хавфини туғдирадиган даражада қўпол суратда бузишларда гаровга қўйилган мол-мулк ким ошди савдосида сотилган

ёхуд сотиш мумкин бўлмаган тақдирда бекор бўлади. Ипотека бекор бўлгани ҳақида ипотека тўғрисидаги шартнома рўйхатга олинган реестрга белги қўйилиши керак.

Гаровнинг бир неча турлари мавжуд, жумладан, ипотека гарови банклар томонидан турли мақсадлар учун қарзлар беришда, фуқароларга якка тартибда уй-жой қуриш учун қарз берилишида, ломбардлар томонидан фуқароларга қарз берилишида қўлланилади. Банклар томонидан ташкилотларга ҳар хил мақсадлар учун бериладиган қарзлар мазкур ташкилотларнинг товарлари ва бошқа моддий бойликларнинг тўла гаровга қўйилиши билан таъминланади. Чунончи, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш мақсадида аванс учун, шунингдек қишлоқ хўжалигида мавсумий ишларнинг харажатлари учун бериладиган қарзлар тайёрланган маҳсулотларнинг хўжалик ташкилотлари ихтиёрига ўтиши билан гаров нарсаси сифатида қарзларни таъминлашга қаратилади. Банк томонидан гаров бараварига кредитларнинг берилиши хўжалик субъектларининг ҳам, банкларнинг ҳам манфаатларига жавоб беради.

Товарлар ва бошқа моддий бойликлар гаровга қўйилишида уларга гаровга берувчи – савдо корхонаси, гаровга қўйилган ашёларнинг қиймати тегишлича банкка тўланган ёки сотилган моллар бошқа моллар билан алмаштирилган ҳолда гаровга қўйилган ашёларни сотишга ҳақли.

Ашёларни гаровга берувчи ишлаб чиқариш корхонаси ўзининг ишлаб чиқаришда хом ашё материаллари ва ярим тайёр маҳсулотларни ишлатишга, қайтадан ишлашга ҳақли бўлса ҳам, банкнинг гаров ҳуқуқи барча ашёларга нисбатан белгиланади.

Маҳсулотларни гаровга олувчига банкка гаровга қўйилган молларнинг мавжуд бўлишини ва сақланишини текшириб туриш ҳуқуқи берилади. Кредит олган қарздор ташкилот ўз мажбуриятларини бажармаганида банк ўз буйруғи билан гаровга қўйилган молларни сотишга ҳақли. Банкка гаровга қўйилган товарларни сотишдан ҳосил қилинган маблағ банкнинг гаров билан таъминланган қарзини қоплашга сарфланади.

Якка тартибда ва кооператив уй-жой қурилиши учун банк томонидан узоқ муддатли кредитлар берилишида иморатларнинг гаровга қўйилиши маҳсус қоидалар билан тартибга солинади.

Бунда уй-жой қуриш учун банклар томонидан фуқароларга бериладиган кредитлар нотариал идоралар орқали иморатларнинг гаровга қўйилиши йўли билан таъминланади.

Банкка гаровга қўйилган иморатлар то кредитлар бус-бутун тўланмагунча сотилиши ёки бошқа усулда бирорга ўтказилишига йўл қўйилмайди.

Уй-жой қуриш учун фуқарога қарз беришда банк тегишли нотариал идорани хабардор қиласди ва унга қанча қарз, қанча вақтга берилганини кўрсатади. Нотариал идора банкнинг хабарномасини олганидан сўнг мазкур ҳужжатга тақиқ тўғрисида белги қўйиб, биринчи нусхасини рўйхатдан ўтказиш учун маҳаллий давлат ҳокимияти органига юборади, иккинчи нусхаси эса – нотариал идорада сақланади.

Нотариал идорада иморатга тақиқ белгиси қўйилиши бино эгасининг иморат тўғрисида тасарруф қилиш хукуқини чеклади. Гаровга қўювчи то ўзи олган кредитни тўла миқдорда тўлаб банкнинг ижозатини олмай туриб, кредит ҳисобига курилган иморатни сотишга ёки бошқа усулда бирорга ўтказишга ҳақли эмас.

Олинган кредит бўйича қарзлар тўланмаган банк қарз пулини иморат қиймати ҳисобидан ундиришга, агар иморат қуриб тамомланмаган бўлса, қурилиш материаллари ҳисобидан ундиришга ҳақли.

Иморатларни гаровга қўйишда Фуқаролик кодексининг мулк гаровини тартибга соладиган қоидаларида баъзи хусусиятлар бор. Уй-жой қурилиш кооперациясига кредитлар бериш банк муассасалари томонидан кредитлар берилиши шаклида амалга оширилади.

Уй-жой қуриш кооперациясига кредитлар бериш қоидаларига мувофиқ кооператив ўзи олган кредитни тўла тўламагунича кредит ҳисобидан курилган уйини бошқа ташкилотларга топширишга ҳақли эмас. Бундан ташқари, кооператив уй-жойни суғурта қилдиришга ва мазкур уй-жой нобуд бўлгани ҳолда суғурта ташкилоти томонидан бериладиган суммалар биринчи навбатда банк кредити бўйича бўлган қарзларни тўлашга сарфланади.

Гаровга қўйиладиган ашёлар ўзаро келишув бўйича баҳоланади. Ашёларнинг бундай баҳоланиши гаровга қўйилган ашёнинг нобуд бўлиши ёки бузилиши ҳолларида низо чиқсан тақдирда зарур бўлади.

Гаровга олувчи (кредитор) нинг талабларини қондириш учун ундирувни қарздор гаров билан таъминланган мажбуриятларни ўзи жавобгар бўлган ҳолатларда бажармаган ёки тегишли даражада бажармаган тақдирда гаров нарсасига қаратиши мумкин.

Агар гаров билан таъминланган мажбуриятнинг қарздор томонидан бузилиши жуда арзимас бўлса ва шу туфайли гаровга

олувчининг талабларининг микдори гаровга қўйилган мол-мулкнинг қийматига мутлақо мос келмаса, ундирувни гаровга қўйилган мол-мулкка қаратишни рад этиш мумкин (ФК, 279-модда).

Гаровга оловчи (кредитор) нинг талблари гаровга қўйилган кўчмас мол-мулк қийматидан суднинг қарорига мувофиқ ундирилади. Агар бунда нотариал тасдиқланган келишув мавжуд бўлса, суднинг қарорисиз ундириш амалга оширилади. Бироқ бундай келишув туфайли ҳуқуқлари бузилган шахс келишувни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида судга даъво билан мурожаат қилишга ҳақли.

Агар гаровга қўювчининг гаровга оловчи билан келишувда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, гаровга оловчининг талблари гаровга қўйилган кўчар мол-мулк ҳисобидан суд қарорига мувофиқ қондирилади. Ундирув гаров нарсасига қўйидаги ҳолларда фақат суднинг қарорига мувофиқ қаратилиши мумкин:

1) гаров тўғрисида шартнома тузиш учун бошқа шахс ёки органнинг розилиги ёхуд рухсати талаб қилинганида (масалан, ашёвий ҳуқуқ гаровга қўйилганида мулқдорнинг розилиги талаб қилиниши ҳолларида);

2) гаров нарсаси жамият учун тарихий, бадиий ёки ўзгача маданий аҳамиятга эга мол-мулк бўлса;

3) гаровга қўювчи йўқолган бўлса ва унинг турган жойини аниқлаш мумкин бўлмаса.

Юқорида ҳам айтганимиздек, мажбурият бўйича ҳақ ундириш гаров нарсасига қаратилган ҳолларда уни сотиш, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ким ошди савдосида сотиш йўли билан амалга оширилади.

Гаровга қўювчининг илтимосига кўра, суд ундирувни гаровга қўйилган мол-мулкка қаратиш тўғрисидаги қарорида уни ким ошди савдосида сотишни бир йилгача муддатга кечиктиришга ҳақли. Бундай кечиктириш гаров билан таъминланган мажбурият бўйича тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига таъсир этмайди. Бинобарин, агар кечиктириш даврида кредиторнинг кўриши мумкин бўлган зарарлари ва неустойка қарздор томонидан тўланиши лозим.

Гаровга қўйилган мол-мулкни ким ошди савдосида сотишда дастлабки бошланғич баҳо, агар ундириш суд тартибида белгиланган бўлса, суд қарори билан, бошқа ҳолларда эса гаровга оловчи ва гаровга қўювчи ўртасидаги келишув асосида белгиланади.

Гаровга қўйилган мол-мулк ким ошди савдосида энг юқори баҳо таклиф қилган шахсга сотилади.

Ким ошди савдоси амалга ошмаган ҳолларда (агарда гаровга қўйилган мол-мулкка харидор чиқмаса) гаровга оловчи гаровга қўювчи билан келишиб, гаровга қўйилган мол-мулкни сотиб олишга харид нархини гаров билан таъминланган ўз талаблари ҳисобига ўтказишга ҳақли.

Такрорий ким ошди савдоси амалга ошмаган деб эълон қилинганида, гаровга оловчи гаров нарсасини такрорий ким ошди савдо-сидаги бошланғич сотиш нархини кўпи билан ўн фоиз камайтирган суммада баҳолаб, ўзида олиб қолишга ҳақли. Агар гаровга оловчи бу ҳуқуқдан бир ой давомида фойдаланмаса, гаров шартномаси бекор бўлади.

Агар гаровга қўйилган мол-мулкни сотишдан тушган сумма гаровга оловчининг талабини қоплашга етарли бўлмаса, у қонунда ёки шартномада бошқача кўрсатма бўлмаганида етишмаётган суммани умумий асосларда ва тартибда қарздорнинг бошқа мол-мулкидан олиш ҳуқуқига эга. Агар сотувдан тушган сумма гаровга оловчининг гаров билан таъминланган талабидан ошиб кетса, фарқ гаровга қўювчига қайтариб берилади.

Қарздор ёки учинчи шахс бўлган гаровга қўювчи гаров нарсаси сотилгунча, хоҳлаган вақтда гаров билан таъминланган мажбуриятни ёки унинг ижросини кечиктириб юборилган қисмини бажариб, ундирувни унга қаратишга ва уни сотишга барҳам бериши мумкин. Бу ҳуқуқни чеклайдиган келишув ўз-ўзидан ҳақиқий эмасdir (ФК, 281-модда).

Мол-мулкнинг гаровга қўйилиши:

—биринчидан, мол-мулкнинг доимо мавжуд бўлиши ва сақла-нишини таъминлайди;

—иккинчидан, кредитор бошқа шахсларга, яъни қарзларнинг бошқа кредиторларига нисбатан устунлик билан ўз талабларини қондириш имкониятига эга бўлади;

—учинчидан, мол-мулкнинг қарздор учун учинчи шахс томонидан гаровга қўйилиши қарздорга бўлган талабларнинг қондирилиши учун қўшимча манба ҳисобланади.

Ашёни гаровга олган кредитор талабларининг қондирилиши аниқ таъминланиши билан гаровнинг белгиланиши қарздорни ўз мажбуриятини ижро этишга мажбур қиласди.

Қонунга кўра, ҳар қандай мажбурият ҳам гаров билан таъминланиши мумкин. Амалда гаров асосан қарз мажбуриятларининг ижро этилишини таъминлаш усули сифатида татбиқ этилади.

## **Ашёларнинг ломбардда гаровга қўйилиши.**

Фуқаролик кодексининг 289-моддасида айтилганидек, фуқаролардан шахсий истеъмолга мўлжалланган кўчар мол-мулкни қисқа муддатли кредитлар бериш учун гаровга қабул қилиш ихтисослашган ташкилотлар, яъни лицензияси бўлган ломбардлар томонидан тадбиркорлик фаолияти сифатида амалга оширилиши мумкин.

Ломбардда ашёларни гаровга қўйиш ҳақидаги шартнома, ломбард томонидан гаров паттаси бериш йўли билан расмийлаштирилади.

ФКнинг 289-моддаси 4-қисмида кўрсатилганидек, ломбард гаровга қабул қилинган ашёларни гаровга қабул қилиш пайтида шунга ўхшаш ва шундай сифатли ашёларнинг нархларига мос баҳодаги тўлиқ суммасида ўз ҳисобидан гаровга қўювчи фойдасига суғурталаши шарт.

Ломбард гаровга қўйилган ашёлардан фойдаланишга ва уларни тасарруф этишга ҳақли эмас. Ломбард ашёларнинг йўқолиши ёки шикастланиши енгиб бўлмас куч оқибатида юз берганлигини исботлай олмаса, гаровга қўйилган ашёларнинг йўқолганлиги ёки шикастланганлиги учун жавобгар бўлади.

Агар ломбардда ашёлар гарови билан таъминланган кредит суммаси белгиланган муддатда қайтариб берилмаса, ломбард нотариуснинг ижро ёзуви асосида имтиёзли бир ойлик муддат ўтганидан кейин гаровга қўйган мол-мулкни сотиш учун белгилаб қўйилган тартибда мол-мулкни сотишга ҳақли. Гаровга қўйилган мол-мулкни сотишдан тушган сумма талабларни тўлиқ қаноатлантириш учун етарли бўлмаса ҳам, ломбарднинг гаровга қўювчига (қарздорга) талаблари бекор бўлади (ФК, 289-модда, 7-банд).

Ломбардлар томонидан фуқароларнинг ашёларини гаровга олиб кредит бериш қоидалари қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Ломбардда ашёларни гаровга қўйиш тўғрисидаги шартнома нинг гаровга қўювчининг ҳуқуқлари ФК ёки бошқа қонун билан унга бериладиган ҳуқуқларга қараганда чеклаб қўядиган шартлари ўз-ўзидан ҳақиқий эмас (ФК, 289-модда, 9-банд).

## **22.4. Қарздорнинг мол-мулкини ушлаб қолиш – мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш усули сифатида**

Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 259-моддасида мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш усуллари тизимида қарздорнинг мол-мулкини ушлаб қолиш ҳам назарда тутилади. Бу усулларни қўллаш асослари ФКнинг 290-моддасида белгилаб берилган. Бунга асосан қарздорга ёки қарздор кўрсатган шахсга топширилиши лозим бўлган ашёни сақлаётган кредитор ушбу ашё ҳақини ёки у билан боғлиқ чиқимлар ва бошқа зарарни кредиторга тўлаш мажбуриятлари қарздор томонидан муддатида бажарилмаган тақдирда унга тегишли мажбурият бажарилгунга қадар ушлаб қолишга ҳақли.

Гарчи ашёning ҳақини тўлаш унинг чиқимларини ва бошқа зарарни тўлаш билан боғлиқ бўлмаса-да, бироқ тарафлари тадбиркор сифатида иш кўраётган мажбуриятдан келиб чиққан талаблар ҳам ашёни ушлаб қолиш билан таъминланиши мумкин.

Ашё кредитор эгалигига ўтганидан кейин унга бўлган ҳуқуқлар учинчи шахс томонидан олингандигига қарамасдан, кредитор ўз кўлидаги бу ашёни ушлаб қолиши мумкин.

Ушлаб қолиш ўз моҳиятига кўра гаровга ўхшайди. Бироқ айни вақтда у қатор ўзига хосликларга ҳам эга. Биринчидан, ушлаб қолишида ашё факат кредитор ихтиёрида бўлади, гаров нарсаси эса қарздорда ҳам, учинчи шахсда ҳам сақланиши мумкин. Иккинчидан, ушлаб қолинаётган ашё кредитор ихтиёрига турли асослар бўйича ўтган бўлиши мумкин. Гаров нарсаси эса ҳар доим қарздор ёки учинчи шахс (гаровга қўювчи) иродаси билан шартнома асосида-гина вужудга келади ва ҳ.к.

Ашёни ушлаб қолган кредиторнинг талаблари унинг қийматидан гаров билан таъминланган талабларни қондириш учун назарда тутилган ҳажмда ва тартибда қаноатлантирилади. Бинобарин, ушлаб қолинган мол-мулк ёки пул маблағлари ҳажми қарздорнинг қарзи ҳажмидан кўп бўлса, у ҳолда кредитор ортиқча қисмини қайтариши лозим. Агар ушлаб турилган мол-мулк ёки пул маблағлари қарздор қарз ҳажмига teng бўлса, ФКнинг 343-345-моддада-рида кўрсатилган талабларга риоя қилинган ҳолда мажбурият ҳисобга ўтказиш орқали бекор бўлиши мумин.

Қарздор томонидан мажбурият ижро этилган ҳолларда кредитор ушлаб қолинган мол-мулкни қарздорга ёки учинчи шахсга қайтариши шарт.

## **22.5.Закалат – мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш усули сифатида**

Закалат деб шартнома тузатган тарафлардан бири шартноманинг тузилганлигини исботлаш ва унинг ижросини таъминлаш юзасидан берадиган пул суммасига айтилади.

Закалат тўғрисидаги келишув закалатнинг суммасидан қатъи назар, ёзма равишда тузилиши керак (ФК, 311-модда). Закалат қўйидаги учта вазифани бажаради:

биринчидан, закалат берилиб тузилган шартнома ҳақиқатан тузилганлигини исботловчи далил ҳисобланади;

иккинчидан, закалат шартнома юзасидан аввалдан тўлаб қўйиладиган пул суммаси бўлиб, тегишли тўловлар ҳисобига муайян суммани тўлаган тараф шартномани қисман ижро этган ҳисобланади. Закалат олувчи тараф учун ҳам бу ҳол маълум аҳамиятга эга. Чунончи, бирон-бир уй-жой ижарага берилишида унинг мулқдори уй-жойни яшаш учун яроқли ҳолга келтириш мақсадларида уни таъмирлайди ва ҳоказо;

учинчидан, закалат шартномадан келиб чиқсан мажбуриятнинг ижро этилишини таъминлаш учун белгиланади. Закалатнинг мазкур вазифаси шундаки, закалат берган тараф шартнома юзасидан олган ўз мажбуриятларини бажармаганида, берган закалатни йўқотади. Агар закалат берган тараф шартномадан воз кечган бўлса, бу ҳолда у берган закалатнинг қайтариб берилишини талаб қила олмайди. Агар закалат олган тараф ўз мажбуриятларини бажармаса, у иккинчи тарафга закалат суммасини икки баравар миқдорида тўлашга мажбур.

Баъзи ҳолларда закалат уни берган тарафга бир миқдорда қайтарилиши лозим. Чунончи, агар мажбуриятни, тарафлардан ҳеч қайсисининг айби билан боғлиқ бўлмаган ҳолда бажарилмаса, ўзаро келишув бўйича бериладиган закалат қайтарилади.

Агар ижро этилган шартнома кейинчалик ҳақиқий эмас деб топилса ва бунинг натижасида ҳар икки тараф ҳам аввалги ҳолларига келтирилиши лозим бўлса ёки закалат берган тараф шартнома юзасидан амалга оширилган барча суммани ўзига қайтарилишини талаб қилишга ҳақли бўлса-ю, аммо иккинчи тараф бундай ҳуқуқقا эга бўлмаса – закалат, юқорида кўрсатилганидек, аслича бир карра миқдорда қайтарилиши лозим бўлади.

ФКнинг 312-моддаси учинчи қисмида кўрсатилганидек, шартноманинг бажарилмаслиги учун жавобгар бўлган тараф агар

шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, закалат суммасини ҳисобга олган ҳолда иккинчи тарафга заарларни тўлаши шарт.

Агар закалат суммаси зарар суммасидан бирмунча кўпроқ бўлса, у ҳолда фақат закалатгина үндирилади. Агар мажбуриятни бажармаслик натижасида кўрилган зарар закалат суммасидан ортиқ бўлса, у ҳолда закалат суммаси ҳам, заарларни қоплаш учун етишмаган сумма ҳам үндирилади.

Мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш усули сифатида кўриладиган закалат фуқаролар ўртасидаги муносабатда ҳам, шунингдек фуқаролар билан юридик шахслар ўртасидаги муносабатларда ҳам кўлланилиши мумкин.

Закалатни авансдан фарқ қилиш керак. Закалат билан аванснинг бир-бирига ўхшаш томони шундаки, буларнинг ҳар иккиси ҳам келажакда тўланадиган суммалар ҳисобидан тарафлардан бири томонидан иккинчисига аввалдан тўланиб кўйилган пул суммаси бўлиб кўрилади. Аммо аванс закалатдан фарқ қилиб, мажбуриятнинг бажарилишини таъминламай, балки шартнома юзасидан тарафлардан бирининг иккинчисига тегишли бўлган суммани мазкур иккинчи тарафнинг фаолиятини пул билан таъминлаш мақсадида аввалдан берилган пул суммаси ҳисобланади.

Тарафлардан бири томонидан иккинчисига берилган аванс муайян ишларни бажариш учун зарур ҳаражатларни қилиш имкониятини беради. Келажакда тўланадиган суммалар ҳисобига аввалдан берилган пул маблағлари ёки бошқа моддий бойликлар шартноманинг тузилганлигини исботлаш ва унинг бажарилишини таъминлаш масадларида берилган ҳолдагина закалат ҳисобланади. Агар бу икки белгидан ҳеч қайсиси бўлмаса, берилган суммани аванс қаторида ҳисоблаш лозим бўлади.

Иккинчи тараф томонидан мажбурият ижро этилмагани ҳолда аванс берган тараф қанча суммада аванс берган бўлса, унинг шу миқдорда қайтарилишини талаб қилишга ҳақли.

## **22.6. Кафиллик – мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш усули сифатида**

Кафиллик мажбуриятлар бажарилишини таъминлашнинг алоҳида тури бўлиб, у кафиллик тўғрисидаги шартномадан вужудга келади. Кафиллик шартномасига асосан бир тараф кафил, бошқа шахс ўз мажбуриятларини тўла ёки қисман бажариши учун унинг

кредитори олдида жавоб беришни ўз зиммасига олади (ФК, 292-модда, 1-қисм).

Кафил қарздор учун мулкий жавобгарликни олганлигини тұғридан-тұғри аник билдириши лозим.

Мажбуриятнинг бажарилишини таъминлаш усули сифатида кўриладиган кафилликнинг моҳияти шундаки, кредитор асосий мажбурият бажарилмаган ҳолда ўз талабларини фақат асосий қарздоргагина қўймай, балки кафилга нисбатан ҳам қўя олади.

Кафиллик шартномаси ёзма шаклда тузилиши лозим. Бу ҳолда тарафлар кафиллик тұғрисида алоҳида ёзма шартнома тузишлари шарт бўлмайди. Кафиллик белгиланишида кафил асосий қарздор томонидан бериладиган тилхатда қарздор томонидан мажбуриятнинг лозим даражада бажарилиши жавобгарлигини ўз зиммасига олганлигин кўрсатиб белги қўйса ёки қарздорнинг муайян мажбурият юзасидан кафил бўлишини кредитор номига ёзган хатида билдирса ҳам кифоя.

Кафиллик ҳақидаги шартноманинг ёзма шаклда тузилиши лозимлиги тұғрисидаги қонун билан белгиланган талабларга риоя қиласлик – кафиллик шартномасининг ҳақиқий саналмаслигига сабаб бўлади.

Кафиллик асосий мажбуриятга қўшимча характерда бўлиши шундан иборатки, кафиллик билан фақат асосий талабгина таъминланиши мумкин. Агар асосий шартнома унинг шаклига риоя қилинмаганлиги сабабли ёки шартномада иштирок этувчи тарафларнинг муомалага лаёқатсиз бўлиши туфайли ва бошқа шу каби сабаблар бўйича ҳақиқий эмас деб топилса, мазкур шартномага қўшимча ҳисобланган кафиллик шартномаси ҳам ўзининг юридик кучини йўқотади.

Кафилнинг жавобгарлиги ҳажми асосий мажбурият юзасидан қарздорнинг жавобгарлигидан ошиқ бўлиши мумкин эмас. Қарздор қандай ҳажмда жавобгар бўлса, кафил ҳам шу ҳажмда жавобгар бўлади. Хусусан, кафиллик шартномаси билан бошқача ҳол белгиланмаган бўлса – фоизларнинг, зарарларнинг, неустойканинг тўланиши учун ҳам жавобгар бўлади.

Қарздор учун мажбуриятни бажарган кафил мазкур мажбурият юзасидан бўлган барча ҳуқуқларни олади. ФКнинг 295-моддасида кўрсатилганидек, мажбуриятни бажарган кафилга шу мажбурият юзасидан кредиторга тегишли бўлган барча ҳуқуқлар ўтади.

Кафил мажбуриятни бажарганидан кейинги кредитор қарздорга бўлган талабни тасдиқловчи ҳужжатларни кафилга топшириш ва бу талабни таъминлайдиган ҳукуқларни бериши шарт.

Қарздор кафиллик билан таъминланган мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда кафил ва қарздор кредитор олдида солидар жавоб берадилар (ФК, 293-модда).

ФКда кўрсатилган юқоридаги қоида диспозитив характерда бўлгани, яъни, ўзгартирилиши, тўлғазилиши мумкин бўлгани сабабли тарафлар ўзаро келишиб, кафилнинг бошқача ҳажмда жавобгар бўлишини, масалан, асосий қарздорга қўшимча жавобгар бўлишини белгилашлари мумкин. Бу ҳолда кафил мажбуриятнинг бажарилиши юзасидан қарздордан ҳеч нарса ундириш мумкин бўлмагани ҳолдагина қарздор учун жавобгар бўлади.

ФКнинг 293-моддаси З-қисмида айтилганидек, биргалашиб кафил бўлган шахслар, агар кафиллик шартномасида бошқача ҳол кўрсатилмаган бўлса, кредитор олдида солидар жавоб берадилар.

Агар кредитор кафилга нисбатан даъво қўзғатса, у ҳолда кафил қарздорларни ишда иштирок этиш учун жалб қилишга мажбур. Шунинг ўзи билан у қарздорга ўзининг манфаатларини ҳимоя қилиш имкониятини берган бўлади. Агар кафил ишда иштирок этишга жалб қилмаса, қарздор ўзининг кредиторига қарши қўйиши мумкин бўлган барча эътиrozларини, яъни ФКнинг 294-моддасида кўрсатилган эътиrozларини кафилнинг унга қилган талабига қарши қўйишга ҳақли.

ФКнинг 294-моддасида кўрсатилганидек, кафил кредиторнинг талабига қарши қарздорнинг ўзи томонидан кўрсатилиши мумкин бўлган барча эътиrozларни қўйишга ҳақли. Кафил бундай эътиrozларга бўлган ҳукуқини, гарчи қарздор ўзи бу ҳукуқдан воз кечса ҳам ёки ўз мажбуриятига икror бўлса ҳам йўқотмайди.

Агар бир неча кафил қарздор учун кафиллик берган бўлса, кейинчалик қарздор учун қарзларини тўлаганлари ҳолда ҳар қайсиси ўзлари томонидан тўланган сумма микдорида қарздорга нисбатан ўз талабларини қўя олади.

ФКнинг 296-моддасида кўрсатилганидек, кафиллик билан таъминланган мажбуриятни бажарган қарздор бу ҳақда кафилни дарҳол хабардор қилиши шарт. Акс ҳолда ўз навбатида мажбуриятни бажарган кафил асоссиз олинган нарсани кредитордан ундириб олиши ёки қарздорга регресс талаб қўйишга ҳақли. Регресс талаб қўйилган тақдирда, қарздор асоссиз олинган нарсанигина кредитордан ундириб олишга ҳақли.

Кафиллик қуидаги ҳолларда бекор бўлади:

- 1) кафиллик билан таъминланган мажбурият бекор бўлганда;
- 2) кафилнинг розилигисиз мажбуриятда унинг жавобгарлиги ошиши ёки унинг учун бошқа нокулай оқибатлар юз беришига олиб келадиган тарзда мажбурият шартлари ўзгартирилганда;
- 3) кафиллик билан таъминланган мажбурият бўйича қарз бошқа шахсга ўтказилганда, агар кафил янги қарздор учун жавобгар бўлиши ҳақида кредиторга розилик берган бўлмаса;
- 4) мажбуриятни бажариш муддати келганида кредитор қарздор ёки кафил таклиф қилган тегишли ижрони қабул қилишдан бош тортганда;
- 5) шартномада белгиланган кафиллик муддати ўтганда;
- 6) агар шартномада кафиллик муддати кўрсатилмаган бўлса, кредитор мажбуриятни бажариш муддати етган кундан бошлаб бир йил давомида кафилга даъво қўзғатмаса;
- 7) агар асосий мажбуриятни бажариш муддати кўрсатилмаган ва белгиланиши мумкин бўлмаган ёки талаб қилиб олиш пайти билан белгиланган бўлса, кредитор кафиллик шартномаси тузилган кундан бошлаб бир йил мобайнида кафилга нисбатан даъво қўзғатмаган тақдирда (ФК, 298-модда).

## **22.7. Кафолат – мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш усули сифатида**

Мажбуриятнинг бажарилишини таъминлаш усулларидан бири кафолат ҳисобланади. Кафолатга биноан банк, бошқа кредит муассасаси ёки суғурта ташкилоти (кафил) бошқа шахс (принципал)нинг илтимосига қўра кафил ўз зиммасига олаётган мажбурият шартларига мувофиқ принципалнинг кредитори (бенефициар) пул суммасини тўлаш ҳақида ёзма талабнома тақдим этса, пулни унга тўлаш ҳақида принципалга ёзма мажбурият беради (ФК, 299-модда).

Кафолатнинг ўзига хос ҳусусиятларидан бири шундаки, бунда ҳар доим кафил сифатида банк, бошқа кредит муассасаси ёхуд суғурта ташкилоти қатнашади. Кўп ҳолларда кафил принципалга хизмат кўрсатувчи ташкилот ҳисобланади. Шу сабабли ҳам кафил принципалнинг банкда сақлаётган пул маблағлари ҳисобидан унинг кредиторлари олдидаги мажбуриятини бажаради. Бироқ қонун буни шарт қилиб қўймайди, шу сабабли ҳам кафил сифатида ҳар қандай кредит муассасаси ёки кредит ташкилоти бўлиши мумкин.

Кафолатнинг асосий моҳияти шундаки, у орқали принципалнинг бенефициар олдиаги ўз мажбуриятини (асосий мажбуриятни) тегишли даражада бажарилиши таъминланади.

Кафолат ҳақ бараварига тузилади. Кафолат берган банк (кредит муассасаси, суғурта ташкилоти) га принципал тегишли миқдорда ҳақ тўлайди.

Кафолат асосий мажбуриятдан (яъни принципалнинг бенефициар олдиаги мажбуриятидан) гарчи кафолатда ушбу мажбуриятга ҳавола қилинса-да мустақил ҳисобланади.

Агар кафолатда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, у кафил томонидан чақириб олиниши мумкин эмас.

Кафолат бўйича бенефициарга тегишли бўлган кафилга талаб қўйиш ҳукуқи агар кафолатда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, бошқа шахсга ўтказилиши мумкин эмас.

Агар кафолатда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлмаса, у берилган кундан эътиборан кучга киради. Бенефициарнинг кафолат бўйича пул суммасини тўлаш ҳақидаги талаби кафолатда кўрсатилган ҳужокатларни илова қилган ҳолда кафилга ёзма равишда тақдим этилиши лозим. Талабда ёки унга иловада бенефициар принципални таъминлаш учун кафолат берилган асосий мажбуриятни бузиши нимадан иборатлигини кўрсатиши керак.

Кафил бенефициарнинг талабларини олганидан сўнг бу ҳақда дарҳол принципални хабардор қилиши ва унга талабнинг нусхасини барча тегишли ҳужокатлар билан топшириши керак.

Кафил бенефициарнинг талабини илова қилинган ҳужокатлар билан бирга кафолатда кўрсатилган муддатда бу талаб ҳамда унга илова қилинган ҳужокатлар кафолат шартларига мос келиши ёки келмаслигини аниқлаш учун оқилона жонкуярлик кўрсатиши керак.

Агар бенефициарнинг талаби ёки унга илова қилинган ҳужокатлар кафолат шартларига мос келмаса ёхуд кафилга кафолатда белгилаб қўйилган муддат тамом бўлганидан кейин тақдим этилган бўлса, кафил бенефициарнинг талабини қондиришни рад этади ва бу ҳақда уни дарҳол хабардор қиласи.

Агар бенефициарнинг талаби қондирилганга қадар кафолат билан таъминланган асосий мажбурият батамом ёки унинг тегишли қисми бажарилганлиги ёхуд бошқа асосларга кўра бекор бўлганлиги ёинки ҳақиқий эмас деб топилганлиги кафилга маълум бўлиб қолса, у бу ҳақда дарҳол бенефициарга ва принципалга хабар бериши шарт.

Одатда, кафилнинг бенефициар олдиаги маъсулияти кафолатда назарда тутилган суммани тўлаш билан чегараланади. Бироқ кафил кафолат бўйича мажбуриятни бажармаганда ёки лозим даражада бажармаган тақдирда кафолатда назарда тутилган суммани тўлатиш билан чегараланмай, етказилган заарларни ҳам ундириб олишга ҳақли.

Кафилнинг кафолат бўйича бенефициар олдиаги мажбурияти қўйидаги ҳолларда бекор бўлади:

1) кафолат берилган сума бенефициарга тўланиши билан;

2) кафолатда белгиланган муддат тамом бўлиши билан;

3) бенефициар кафолат бўйича ўз ҳукуқларидан воз кечиши ва уни кафилга қайтариб бериш оқибатида;

4) бенефициар кафилни унинг мажбуриятларидан озод қилиш ҳақидаги ёзма ариза бериш йўли билан кафолат бўйича ўз ҳукуқларидан воз кечиши оқибатида.

Кафолатнинг юқоридаги 1, 2, 4-бандларида кўрсатилган асослар бўйича бекор қилиниши кафилга кафолат қайтариб берилган ёки берилмаганлигига боғлиқ бўлмайди.

Кафолат бекор бўлганлигидан хабар топган кафил дарҳол бу ҳақда принципални хабардор қилиши керак.

Кафилнинг принципалдан кафолат бўйича бенефициарга тўланган суммаларни регресс тартибида тўлашни талаб қилиш ҳукуқи кафилнинг принципал билан бажариш юзасидан кафолат берилган келишувида белгилаб қўйилади.

Агар кафилнинг принципал билан келишувида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, кафил бенефициарга кафолат шартларига мувофиқ тарзда ёки кафилнинг бенефициар олдиаги мажбуриятни бузганлиги учун тўланган суммаларни қоплашни принципалдан талаб қилишга ҳақли эмас (ФК, 310-модда).

**Йигирма учинчи боб**  
**МАЖБУРИЯТЛАРНИНГ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК**  
**23.1. Мажбуриятларнинг бузилиши ва бунинг учун**  
**фуқаролик-хуқуқий жавобгарлик тушунчаси**

Маълумки, жамиятимиз ҳаётининг энг муҳим тамойилларидан бири қонун устуворлиги ҳисобланади. Унинг моҳияти шундан иборатки, “асосий ижтимоий, энг аввало иқтисодий муносабатлар фақат қонун билан тартибга солинади, унинг барча қатнашчилари эса ҳеч бир истисносиз ҳуқуқ нормаларини бузганлиги учун жавобгар бўлади”<sup>1</sup>. Бозор механизмининг энг асосий хусусиятларидан бири “хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида уларнинг иқтисодий жавобгарлиги ва тўлиқ иқтисодий мустақиллиги асосида”<sup>2</sup> қонун ва шартномалар интизомига қатъий риоя қилиш ҳисобланади. Қонун ва шартномалар мазмунида эса кўп ҳолларда фуқаролар ва юридик шахслар зиммасига юқланган мажбуриятлар ётади.

Мажбурият юзасидан қарздор бўлган шахс уни бутунлай бажармаслиги ёки лозим даражада бажармаслиги, мажбуриятни бажариш юзасидан белгиланган ҳуқуқ нормаларига риоя қилмаслиги ҳуқуққа хилоф ҳаракат ёки ҳаракатсизлик ҳисобланиб, бу ҳол мажбурият бузилганлигидан далолат беради. Яъни, мажбурият юзасидан қарздор шахс кредиторнинг субъектив ҳуқуқини бузган ҳисобланади. Чунончи, сифатсиз маҳсулот (товар) етказиб беришда маҳсулот сотувчи ташкилот – қарздор сифатида ҳуқуқ нормасини, яъни, ФКнинг тегишли моддасида кўрсатилган қоидани бузиш билан бирга маҳсулот олувчи корхонанинг, яъни кредитор ташкилот қарздор ташкилотдан шартномага мувофиқ сифатли маҳсулот (товар)нинг ўзига топширилишини талаб қила олади.

Юқорида айтилганидек, қарздорнинг ҳаракатсизлиги ҳам ҳуқуққа хилоф ҳисобланиши мумкин. Бундай ҳаракатсизлик қарздорнинг шундай хатти-ҳаракатидан иборат бўлиб кўринадики, бунда қарздор ўзи амалга ошириши лозим бўлган ҳаракатни қилмайди. Масалан, уй-жой ижараси шартномаси бўйича ташкилотнинг уйида яшовчи фуқаро белгиланган ижара ҳақини тўламаслиги билан Уй-жой кодексининг 69-моддасида белгиланган қоидани бузади. Шу билан бирга, шартномага мувофиқ тарзда қарздордан квартира ҳақининг ўз вақтида тўланишини талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлган

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон - бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. -Т.: Ўзбекистон. 1994. 48-б.

<sup>2</sup> Ўша асарда. 50-б.

ташкилотнинг – ижарага берувчининг, яъни кредиторнинг субъектив ҳуқуқи ҳам бузилади.

Бозор муносабатлари шароитларида қарздорнинг тадбиркорлик қоидаларига зид келган ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги, бепарволиги ҳуқуқ нормасини тўғридан-тўғри бузиш билан боғлиқ бўлмаса ҳам, ҳуқуққа хилоф ҳисобланishi мумкин.

Қарздорнинг ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракати ҳуқуқ нормаларига риоя қилмасликни билдирганлиги туфайли, чунончи, қарздор томонидан олинган мажбуриятнинг бутунлай бажарилмаслиги ёки лозим даражада бажарилмаслиги ва шу билан шартнома интизомининг бузилиши – қонунчиликни бузиш деб юритилади. Бинобарин, шартнома юзасидан олинган мажбуриятларнинг, шунингдек бошқа мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлашга қаратилган кураш – айнан шу вақтнинг ўзида қонунчиликка риоя қилиш учун бўлган кураш деб ҳисобланади.

Қонунчилик хўжалик юритувчи субъектлар томонидан шартнома мажбуриятларининг бузилишига йўл қўймаслик лозимлигини нормаламайди. Чунки қарздор томонидан мажбуриятнинг бузилиши, мазкур субъектлар томонидан шартнома интизомига риоя қилмаслиги давлат томонидан белгиланган ҳуқуқ нормаларига риоя қилмасликни билдиради. Натижада ташкилотларнинг маблағлари муоммалада бўлиши бирмунча секинлашади; қурилишлар, корхоналар ва ташкилотларнинг изчил, узлуксиз иш олиб боришлари бузилади.

Қишлоқ хўжалик машиналарининг ва бошқа маҳсулотларнинг саноат корхоналари томонидан қишлоқ хўжалик корхоналарига топширилиши ва уларнинг давлат буюртмаси бўйича қишлоқ хўжалик маҳсулотлари топшириш юзасидан олинган мажбуриятларнинг ўз вақтида бажарилиши мухим аҳамиятга эгадир.

Кредиторлар сифатида фуқаролар бўлганида ҳам тегишли ташкилотлар ўз зиммаларига олган мажбуриятларни лозим даражада бажаришлари талаб қилинади.

Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик қарздор томонидан мажбуриятнинг бажарилмаслиги ёки лозим даражада бажармаслиги ҳолларини назарда тутиб, қонун ёки шартномада белгиланган санкциялар қўлланилади.

Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик мажбуриятни бажармаган қарздор зиммасига заарларни, неустойкани кредитор фойдасига тўлаш вазифасини юклашдан иборатдир.

Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик тушунчаси мажбуриятдаги санкция тушунчасидан бирмунча торроқ маънода тушунилади,

чунки бунда қарздорнинг жавобгарлиги барча ҳолларда фақат мулкий жавобгарлик ҳисобланади. Чунончи, бирорга зарар етказиш туфайли вужудга келадиган мажбуриятларда зарар етказувчи жабрланган шахсга етказилган зарарнинг пул билан ҳисобланган микдорини тўла равишда тўлайди. Шартнома бўйича олинган мажбуриятларнинг бажарилмаслиги эса кредиторнинг кўрган зарарларни тўлатиши учун ҳам, қарздордан неустойканинг ундирилиши учун ҳам асос бўлади.

Қарздорнинг мажбуриятни лозим даражада бажарилмаслиги, яъни, мажбуриятни шартнома ёки қонунда кўрсатилган шартларга мувофиқ равишда бажарилмаслиги; масалан, маҳсулотнинг сифати, топшириш муддати, шартноманинг бажарилиш жойи каби шартлар бузилишидан иборатdir. Мажбурият қарздор томонидан бутунлай бажарилмаса, кредитор суд орқали мажбуриятнинг мажбурий тартибда бажарилишини, биринчи навбатда, албатта реал равишда бажарилишини, агар мажбурият лозим даражада бажарилмаган бўлса, унинг қонун ёки шартномада кўрсатилган шартларга мувофиқ бажарилшини талаб қилишга ҳақли.

Юқорида кўрсатилган ҳар икки ҳолатда, яъни мажбурият бутунлай бажарилмаганида ҳам, лозим даражада бажарилмаганида ҳам, яъни айрим шартлари бузилганида ҳам кредитор қарздордан қонун ёки шартномада назарда тутилган мулкий жарималарнинг ундирилишини, яъни ўзи кўрган зарарларнинг қопланишини, неустойкаларнинг тўланишини талаб қила олади. Шу билан бирга қарздорни олган мажбуриятларини бажариш учун мумкин қадар кўпроқ ҳаракат қилишга мажбур қиласди.

Фуқаролик-хуқуқий жавобгарликнинг белгиланиши турли субъектлар ўртасидаги муносабатларда шартнома интизомининг мустаҳкамланишига ёрдам беради. Бинобарин, фуқаролик-хуқуқий жавобгарлик мажбуриятларнинг реал ва тегишли даражада бажарилишига ёрдам бериб, катта юксак тарбиявий роль йинайди. Агар мажбуриятни бажарилмаслик ёки лозим даражада бажарилмаслик натижасида кредиторга зарар етказилган бўлса, қарздор бундай зарарларни тўлашга мажбур бўлади. ФКнинг 324-моддасида қарздор мажбуриятни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги туфайли кредиторга етказилган зарарни тўлаши шарт деб кўрсатилади.

ФКнинг 14-моддаси 2-қисмида зарар тушунчаси нормаланган. Бунга асосан, зарар деганда, хуқуки бузилган шахснинг бузилган хуқуқини тиклаш учун қилган ёки қилиниши лозим бўлган харажат-

лари, унинг мол-мулки йўқолиши ёки шикастланиши (ҳақиқий зарар), шунингдек бу шахс ўз ҳуқуклари бузилмаганида одатдаги фуқаролик муомаласи шароитида олиши мумкин бўлган, лекин ололмай қолган даромадлари (бой берилган фойда) тушунилади.

Зарар деганда, қарздор томонидан мажбуриятнинг бутунлай ижро этилмаслиги ёки лозим даражада ижро этилмаслиги оқибатида кредитор томонидан қилинган харажатлар, мулкнинг йўқотилиши ёки камайиши тушунилади. Кредиторнинг мулкий зарарига мисол қилиб ташкилот томонидан қилинган ишларнинг сифатсиз бажарилиши сабабли уни тузатиш билан боғлиқ бўлган харажатларни ёки шартномада белгиланмаган муддатда қарздор томонидан юборилган, масалан, муддатидан олдин юборилган маҳсулотни сақлаш харажатларидан келган заарни ёхуд кредитор томонидан бошқа ташкилотларга тўланган жарималарни кўрсатса бўлади.

Кийим тикувчи ательєнинг хизматчиси томонидан фуқарога костюм тикилишида у томондан топширилган материалларнинг нотўғри бичилиши натижасида кўрган заарни кредитор бўлган фуқаронинг заарарлариға мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Иккинчидан, заарар сифатида кредитор томонидан олиниши мумкин бўлган, аммо қарздор мажбуриятни бажармагани туфайли олинмай қолган даромадлар ҳам мисол бўла олади. Масалан, кредитор бўлган давлат корхонаси қарздор ташкилотнинг хом ашёларни ўз вақтида етказиб берилишини кечиктирганида, мажбурият ўз вақтида бажарилгани ҳолда олиши мумкин бўлган, яъни тайёр маҳсулотни сотиш натижасида олиши мумкин бўлган фойданинг қарздор ўз мажбуриятини бажармаганлиги сабабли олинмаган даромадлари кредиторнинг кўрган зарари ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг Пленуми қарори ҳам мавжуд заарар таркибиға фақатгина тегишли шахс томонидан аниқ етказилган заарарларнигина эмас, балки шахснинг бузилган ҳуқуқини тиклаши учун қилган ёки қилиши лозим бўлган харажатлар ҳам киришини белгилайди. Айни пайтда бундай харажатларнинг зарурийлиги ва уларнинг таҳминий миқдори жавобгарлик миқдорини белгиловчи товар, ишдаги ҳамда хизмат кўрсатишдаги камчиликларни бартараф этишга кетадиган смета (калькуляция) сифатидаги ва мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарлик даражасини белгиловчи шартнома, асослантирилган ҳисоб-китоб каби бошқа далиллар билан тасдиқланган бўлиши ҳам керак. Олинмай қолган даромаднинг миқдори (бой берилган фойда), агарда

мажбурият бажарилган бўлганида, кредитор қилиши лозим бўлган оқилона харажатлар ҳисобга олиниб аниқланади<sup>1</sup>.

Мажбурият ҳукуқида заарнинг тўла равишда тўланиши (қопланиши) тамойили белгиланади. Шу билан бирга, фуқаролар ўртасидаги муносабатларда суд заарнинг ундирилиши тартибини белгилашда ҳар икки томоннинг мулкий аҳволини, хусусан, қарздорнинг мулкий аҳволини эътиборга олиб, мажбуриятнинг бажарилишини кечиктиришга ёки уни бўлиб-бўлиб бажарилишини белгилашга ҳам ҳақли. Бу тўғрисида Фуқаролик процесдуал қонунининг тегишли моддасида қоида белгиланган. Унда алоҳида ҳолларда иш бўйича ҳал қилув қарорини чиқарган суд ёки ҳал қилув қарорини ижро этиш жойидаги суд ишда иштирок этувчи шахсларнинг аризаси бўйича тарафларнинг мулки аҳволига ёки бошка ҳолатларга қараб, ҳал қилув қарорининг ижросини кечиктиришга ёки бўлиб-бўлиб ижро этишга, шунингдек уни ижро этиш усули ва тартибини ўзгартиришга ҳақли деб кўрсатилган.

Н.Эгамбердиеванинг фикрича, фақатгина бевосита заарлар ундирилиши керак, билвоситалари эса ундирилиши лозим эмас, чунки ҳукуқбузарлик ва уларнинг юзага келиши ўртасидаги сабабий боғланиш ҳукуқ томонидан ҳисобга олиш учун етарли эмас<sup>2</sup>.

ФКнинг 332-моддасига асосан мажбуриятнинг айrim турлари бўйича ҳамда муайян фаолият тури билан боғлиқ мажбуриятлар бўйича қонунда заарни тўла қоплашга бўлган ҳукуқ чеклаб қўйилиши мумкин (чекланган жавобгарлик). Масалан, юк ташувчи транспорт ташкилоти ташиш учун қабул қилган мулкни йўқотганда, юзага келган заарни юк жўнатувчига ёки олувчига йўқотилган ашё қиймати бараварида тўлайди. Агар юк заарлантiriлган бўлса, у ҳолда заарлланган юкнинг қиймати қанчага камайган бўлса, шу сумма микдорида тўлайди. Ҳолбуки, юк юборувчи ёки юк олувчининг заарлари фақат йўқотилган юкнинг қиймати ёки қийматининг камайиши натижасида келган заардангина иборат бўлмай, яна юкларни сақлаш учун керакли омбор биноларини ижарага олиш билан боғлиқ харажатлардан, ходимларнинг бекор турган даврида уларга тўланган иш ҳақидан юк ташувчининг айби билан материаллар ва ускуналарнинг ўз вақтида олинмаслиги натижасида содир

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг "Хўжалик судлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг жавобгарлик тўғрисидаги қоидаларини қўллашнинг айrim масалалари ҳақида"ти қарори. //Хўжалик ва ҳукуқ - Хозяйство и право. 1999. №93.

<sup>2</sup> Эгамбердиева Н. Савдо муносабатларида тарафларга етказилган заарни қоплаш. /Бозор иқтисодигети шароитида савдо муносабатларини ҳукуқий таъминлаш муаммолари. -Т.: ТДЮИ. 2004. 161-166 бетлар.

бўлган бошқа заарлардан иборат бўлиши мумкин эди. Аммо транспорт ташкилотларига нисбатан чекланган жавобгарлик белгиланганлиги сабабли кейинги заарлар эътиборга олинмайди.

Чекланган жавобгарлик транспорт ташкилотлари ва баъзи бошқа ташкилотлар учун ҳам белгиланиши мумкин. Чунончи, электр қувватини етарли микдорида етказиб беролмаган электр станцияси – фақат берилмаган электр қуввати қиймати микдорида жавобгар бўлиши мумкин. Ташкилотлар ўртасидаги мажбурият муносабатларида кўпроқ татбиқ этиладиган мулкий санкция – неустойкадир.

Неустойкани ундириш учун фақат қарздорнинг ўз мажбуриятини бажармаганлиги кўрсатилса кифоя ва бундай мажбуриятнинг бажарилмаслиги натижасида етказилган конкрет моддий зарар микдорини исботлаш талаб қилинмайди.

Агар муайян мажбурият учун белгиланган жавобгарлик микдори қонунда аниқ кўрсатилган бўлса, бундай жавобгарликни чеклаш тўғрисида ўзаро келишишга йўл қўйилмайди.

### **23.2. Мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарлик асослари**

Қарздор томонидан мажбуриятнинг бажарилмаслиги ёки лозим даражада бажарилмаслиги ҳукукка хилоф ҳаракат ёки ҳаракатсизлик ҳисобланади. Бунинг учун умумий қоида сифатида фақат муайян асослар мавжуд бўлгандагина қарздорнинг, яъни мажбуриятни бузган шахснинг мулкий жавобгарликка тортилиши белгиланади.

Фуқаролик ҳукуқида, одатда, мажбуриятни бузганлик учун қарздорнинг ёки зарар етказувчининг жавобгарликка тортилиши учун қуидаги тўртта асос бўлиши кўрсатилган:

биринчидан, ҳукуқка хилоф ҳаракат ёки ҳаракатсизлик;

иккинчидан, зарар етказилиши;

учинчидан, ҳукуқка хилоф ҳаракат ёки ҳаракатсизлик билан содир бўлган зарар ўртасида сабабий боғланиш бўлиши;

тўртинчидан, қарздорнинг ёки зарар етказувчининг айби мавжуд бўлиши.

Шуни кўрсатиб ўтиш керакки, шартномадан ёхуд бошқа бир томонлама битимдан келиб чиқадиган мажбуриятларда унинг бажарилмаслиги бошқа шахсга ғайриқонуний равишда зарар етказиш – барча ҳолларда ҳукуқка хилоф ҳисобланади. Мазкур ҳолларда қарздор хатти-ҳаракатининг ҳукуқка хилоф бўлишини белгилашда қандай шартлар мавжуд бўлганида мажбуриятни ижро этмаслик

учун фуқаролик-хукуқий жавобгарликнинг белгиланишини аниқлаш зарур бўлади.

Заарлар ҳамма вақт ҳам қарздорнинг мажбуриятни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлигидан келиб чиқавермайди. Баъзи ҳолларда мажбуриятнинг бажарилмаслиги натижасида юқорида айтганимиздек, мулкий зарар бўлмаслиги ҳам мумкин. Аммо аксарият ҳолларда зарар жавобгарликни белгилаш учун зарур асос бўлади.

Зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар баъзи ҳолларда қонун йўл қўйган ҳаракатлар натижасида ҳам етказилиши мумкин. Масалан, давлат, жамият ёки айрим фуқароларнинг хукуклари ва қоунуний манфаатларини ҳимоя қилишда етказилган зарар қонуний, ҳукуқ йўл қўйган ҳаракат бўлиб ҳисобланади.

Агар кредиторнинг талаблари зарарни ундиришга қаратилган бўлса у ҳолда, албатта, қўйидаги асослар: заарарнинг бўлиши, қарздорнинг хукуқка хилоф ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги билан кредиторнинг кўрган зарари ўртасида сабабий боғланишлар бўлиши ва ниҳоят, қарздорнинг айби бўлиши талаб этилади. Агар кредиторнинг талаби фақат неустойка, пеня, жаримани ундиришга қаратилган бўлса, қарздор фақат айби бўлгандагина мулкий жавобгарликка тортилади.

Қарздорга мулкий жавобгарликни белгилашдан олдин, яъни кредиторга етказилган зарарнинг ундан ундирилишидан олдин суд ҳар бир аниқ ҳолатда, мазкур заарлар қарздорнинг ўз мажбуриятларини бузишидан келган-келмаганлигини аниқлаши, яъни қарздорнинг хукуқка хилоф ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги билан кредиторнинг кўрган зарари ўртасида сабабий боғланиш бўлиб-бўлмаслигини аниқлаши лозим. Масалан, агар темир йўл транспорти корхонаси юқ олувчига зааррланган юкни етказиб берса, суд кредиторга бундай зарарни ким етказганигини, маҳсулот юборувчи ташкилотми ёки темир йўл корхонаси томонидан етказилганигини, бундай зарарнинг сифатсиз товар юборувчи ташкилотнинг айби, хукуқка хилоф ҳаракати билан бўлиш-бўлмаганлигини ёки ташиш учун қабул қилинган юкнинг йўлда сақланишини таъминламаган темир йўл корхонасининг хукуқка хилоф ҳаракатларидан бўлган-бўлмаганлигини аниқлаши лозим.

ФКнинг 324-моддасида кўрсатилганидек, қарздор мажбуриятни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги туфайли кредиторга етказилган зарарни тўлаши шарт. Бунда шартнома билан белгиланадиган мажбурият муносабатларида ҳам сабабий

боғланиш муаммосини қўйиш ва ҳал қилиш зарурлиги келиб чиқади.

Юридик адабиётларда сабабий боғланиш тўғрисидаги масалани таҳлил қилишда аксарият мутахассислар қўйидаги илмий қоидаларга асосланадилар:

—табиатда ва жамиятда ҳар бир ҳодиса фақат атрофдаги бошқа ҳодисалар билан боғлиқ ҳолдагина олиб қаралиши мумкин. Ҳар бир ҳодисанинг келиб чиқиши атрофдаги ҳодисалар билан боғлиқ бўлиши, бир ҳодисанинг келиб чиқишига иккинчиси, шу билан бирга, бир ҳодисанинг ўзи бошқа бирмунча сабаблар туфайли содир бўлиши мумкин;

—табиат ва жамиятда сабабий боғланиш ҳодисалар ўртасидаги объектив равишда мавжуд бўлган боғлиқликдан иборат. Бундай боғланишлар кишилар томонидан ўрганилиб, амалиётда текширилади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган қоидаларга асосланниб, суд сабабий боғланиш тўғрисидаги масалани ҳал қилишда мазкур натижанинг, яъни, кредитор заарлари содир бўлишида қарздорнинг ҳуқуқقا хилоф ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги туфайли бўлган бошқа ҳолатлар ўртасида қандай роль ўйнаганлигини эътиборга олиши, ўзининг мулоҳазасида — мазкур ҳодисага субъектив равишда қилинган баҳосидан эмас, балки объектив равишда мавжуд бўлган қонуниятларга амал қилиши, ҳар бир конкрет ишни ҳал қилишда барча муҳим ҳолатларни ажратиб олиши лозим.

Муайян бир натижага қатор сабабларнинг оқибати бўлиши мумкинлиги туфайли ҳар қандай ҳуқуқка хилоф ҳаракатсизлик, кредиторнинг зарар кўришига алоқаси бўлган қарздорнинг ҳар қандай ҳаракати ҳам ҳуқуқий аҳамиятга эга, яъни унинг учун жавобгарлик туғдирадиган ҳаракат бўлиш-бўлмаслиги масаласини ҳал қилишда роли бор.

Қачонки натижага, яъни кредиторга зарар етказилиши қарздорнинг ҳуқуқка хилоф ҳаракати ёки ҳаракатсизлигидан бевосита вужудга келганлиги маълум бўлса; яъни, тўғридан-тўғри сабабий боғланиш мавжуд бўлса, у ҳолда масаланинг ҳал этилиши унча қийинчилик туғдирмайди.

Юқорида ёзилган назарий тушунчани қўйидагича изоҳлаш ўринлидир. Масалан, мебель фабрикасига қарашли юк киракаш автопарк машинасида ташилишида ёнғин бўлиб, фабрикага мулкий зарар етказилади. Даъво ишининг судда кўрилишида автопарк ёнғин бўлишида айби йўқлигини исботлай олмади. Бинобарин,

фабриканинг машинадаги ёнфин натижасида кўрган заарини тўлашга автопарк мажбур қилинади.

Мазкур ҳолда тўғридан-тўғри сабабий боғланиш мавжудлигини кўрамиз. Чунки бундай ҳолатда автопарк йўлга носоз машина чиқарганлиги ва шу билан унинг ҳаракати бепарвонликнинг бўлишлиги – муайян заарли оқибат содир этилганлигига сабаб бўлади.

Қарздорнинг ҳаракатлари муайян заарли оқибатларнинг содир бўлишига сабаб бўлган-бўлмаганлигини белгилаш учун суд бундай ҳолатларнинг сабабий боғланишига таъсири бўлган-бўлмаганлигини белгилаши керак. Бундай мақсадда ҳар хил далиллардан фойдаланишга тўғри келади. Жумладан, далил тўплаш учун экспертиза тайинлашга, масалан, юк ташишдан келиб чиқадиган даъволар бўйича товарни текшириш экспертизаси тайинлашга, бажарилган ишларнинг сифати тўғрисидаги даъволар бўйича техникавий экспертизалар тайинлашга тўғри келади.

Қарздорнинг хуқукка хилоф ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги билан содир бўлган натижа ўртасидаги сабабий боғланиш қарздорнинг мажбуриятни бутунлай бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги учун жавобгарликка тортилишига объектив асос бўлади. Шу билан бирга, қонун жавобгарликнинг субъектив асосини ҳам, яъни қарздорнинг айбини ҳам назарда тутади.

Мажбурият бажарилмаганлиги учун қарздорнинг жавобгарлигини белгилайдиган шарт сифатида кўриладиган айб қонунда назарда тутилган. Жумладан, ФКнинг 333-моддасида кўрсатилганидек, қарздор айби бўлган тақдирда мажбуриятни бажармаганлиги ёки уни лозим даражада бажармаганлиги учун, агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, жавоб беради. Агар мажбурият ҳар икки тарафнинг айби билан бажарилмаган бўлса, у ҳолда суд қарздорнинг жавобгарлигини тегишлича камайтиради.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, олинган мажбуриятларнинг ташкилотлар томонидан ҳам, фуқаролар томонидан ҳам лозим даражада бажарилиши учун барча моддий шарт-шароитлар мавжуд. Бунинг учун қарздордан ўз ижодий қобилияtlари ва иродасининг муайян даражада кучайтирилиши талаб этилади.

Мажбуриятларни лозим даражада бажариш учун барча имкониятлардан фойдаланиш, мажбуриятларни бажаришда вужудга келиши мумкин бўлган қийинчиликларни йўқотиш учун ҳар икки тарафнинг – қарздор ва кредиторнинг ҳам маълум даражада ташаб-

бус кўрсатиши, дикқат билан иш қилиши, фаол ҳаракат қилишлари зарур.

Барча субъектлар ўз мажбуриятларини бажаришлари учун ўзидаги мавжуд ички имкониятларни қидириб топиш ва улардан мумкин қадар тўлиқ фойдаланиш, ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштира бориб, меҳнат унумдорлигини ошириш, ускуналардан, хом ашё ва материаллардан самарали фойдаланишда ғамхўрлик қилишлари лозим. Агар қарздор ўз эркини, ижодиётини, кучини қасдан сафарбар қилмаганлиги ёки бунга бепарволик билан қараганлиги натижасида мажбурият бутунлай бажарилмаса ёки лозим даражада бажарилмаса, унинг айби бўлмаганлиги аниқланади ва бунинг учун у мулкий жавобгарликка тортилиши лозим бўлади.

Шартномалардан келиб чиқадиган мажбуриятларга нисбатан айб тўғрисида гапирав эканмиз, айб деб шахснинг мажбуриятини бажаришга талаб қилинган тарзда муносабатда бўлмаганлиги, қонун ва ахлоқ талабларига мувофиқ риоя қилмаганлиги ва натижада мажбуриятнинг бутунлай бажарилмаслиги ёки лозим даражада бажарилмаслиги тушунилади.

Фуқаролик ҳуқуки фанида, айб қасд ёки эҳтиётсизлик (бепарволик) шаклида ифодаланади.

Қасд шаклида айб бўлишида шахс мажбуриятни онгли равишида, атайн бажармайди ёки лозим даражада бажармайди.

Фуқаролик муомаласида мажбуриятни бажаришга нисбатан бундай муносабатда бўлиш фақат айrim ҳоллардагина учрайди. Умумий қоида сифатида ташкилотлар ва фуқаролар ўз зиммаларига олган мажбуриятларни бажаришга вижданан муносабатда бўладилар.

Мажбуриятларнинг айrim турлари бўйича қасд шаклида айб қонунларда бевосита назарда тутилади.

Ташкилотлар томонидан мажбуриятларнинг қасдан бажарилмаслиги уларнинг фуқаролик-ҳуқуқий (мулкий) жавобгарликка тортилишига, баъзи ҳолларда мансабдор шахсларнинг жиноий жавобгарликка ҳам тортилишига сабаб бўлиши мумкин.

Юқорида айтганимиздек, навбатдаги шакли эса – бепарволикдир. Айниқса, бу соҳада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 4 мартағи "Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий начорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш тўғриси-

да"<sup>1</sup>ги Фармонини эслатиш ўринли бўларди. Унда эътироф этилганидек, хўжалик юритувчи субъектларнинг раҳбарлари жавобгарликни ҳис этмаган ҳолда ўзи биларчилик, совуқонлик ва хизмат мансабини сунистеъмол қилиш натижасида корхона шартнома интизомини қўпол равишда бузиб, уни иқтисодий ноchorлик ва банкротликка олиб келмоқда. Таҳлиллар шуни кўрсатмокдаки, хўжалик судлари томонидан кўрилган ишларнинг салмоқли фоизи шартнома мажбуриятларини бажармаслик ёки кечикиришга оидdir. Шу маънода хўжалик юритувчи субъектлар мансабдор шахсларининг жавобгарлигини кучайтириш, шартномаларнинг ўз вақтида тузилиши ва бажарилишини таъминлаш мақсадида юкорида Фармон билан хўжалик судлари:

–хўжалик низоларини кўриш жараёнида жиноят аломатлари аниқланган ҳолатларда хўжалик юритувчи субъектлар мансабдор шахсларига нисбатан жиноят иши қўзғатиши;

–иктисодий ҳукуқбузарликни содир қилган шахсларга нисбатан маъмурий жавобгарлик чоралари кўллаш;

–хўжалик юритувчи субъектларга етказилган мулкий зарарни айбор мансабдор шахслар ҳисобидан қоплаш;

–пул маблағлари ва бошқа мулқдан оқилона фойдаланмаганик; тўлов интизомини бузганлик, шартнома мажбуриятларини бажармаслик ва корхоналарни банкротлик даражасига олиб келганлик учун хўжалик юритувчи субъектларнинг раҳбарларини ва бошқа ходимларини эгаллаб турган лавозимидан озод этишга қадар бўлган интизомий жавобгарликка тортиш ҳақида тегишли органларга тақдимномалар киритиш<sup>2</sup> ваколати берилди.

Бепарволикда қарздор мажбуриятни бажаришга интилмайди, ҳаракат қилмайди, бунинг учун барча куч ва қобилиятини етарли даражада сафарбар қilmайди, ишни бажаришда дикқатсизликка, эътиборсизликка йўл қўяди. Бепарволик шаклидаги айб ҳам ФКнинг тегишли моддаларида нормаланган.

Фуқаролик кодексида қўпол эҳтиётсизлик оддий эҳтиётсизлик, оддий бепарволикдан фарқланади. Қонун баъзи ҳолларда қарздорга жавобгарлик белгилаш учун оддий эҳтиётсизлик (бепарволик) эмас, балки қўпол эҳтиётсизлик бўлишини шарт қилиб қўяди.

Эҳтиётсизликнинг қўпол эҳтиётсизликдан фарқи шундаки, олинган мажбуриятларни тегишли даражада бажаришда эътиборсизликнинг турли даражада бўлишидир.

<sup>1</sup> /Халқ сўзи, 1998 йил 5 март.

<sup>2</sup> Юкоридаги фармон матнида.

Күпоп эхтиётсизлик мавжуд бўлганида қарздор хатти-ҳаракатидаги эътиборсизлик оддий эхтиётсизликка нисбатан бирмунча кўпол бўлиб кўринади ёки турмуш ва ишбилармонлик қоидалари нуқтаи назаридан қарасак, бундай кўпол эхтиётсизликка нисбатан қаттиқроқ масъулият белгиланиши, жазо берилиши талаб этилади.

Қарздор кўпол эхтиётсизликка йўл қўйиши билан фуқаролик муомаласида бўлган талабларга атайн эътиборсизлик билан қарайди. Чунончи, омонатта олинган ашёлар ҳавонинг булутли вақтида очиқ жойда қолдирилиши туфайли ёмғир таъсирида заарланса, бу ҳолат эхтиётсизликка йўл қўйилган деб ҳисобланади.

Фуқаролик ҳуқуқи фанида эхтиётсизлик шаклидаги айб содир қилинганини белгилаш бирмунча мураккаб ҳисобланади. Мажбуриятни бажаришга қаратилган муносабатларга баҳо беришда қарздорнинг индивидуал ҳусусиятларига ҳам қарашиберак. Чунончи, фуқаронинг аклий, жисмоний томонидан етарли даражада камолотга етмагани аниқланса, бундай шахсга нисбатан мулкий жавобгарликни белгиламаслик масаласи қўйилади. Баъзи ҳолларда мазкур шароитларда ҳар бир киши ёки хўжалик корхонаси хизматчиси томонидан амалга оширилиши лозим бўлган ғамхўрлик чоралари кўрилган-кўрилмаганинига қараб баҳо бериш масаласи туфилади.

Шартнома юзасидан олинган мажбуриятларни бутунлай бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун қарздорга мулкий жавобгарлик юклаш тўғрисидаги масалани ҳал қилишда унинг тажрибасизлиги, маълум ишларни бажаришга қобилиятсизлигига қараб, маълум чекинишларга йўл қўйиш нотўғри бўлур эди.

Судларга фуқаролик-ҳуқуқий характердаги низоларни ҳал қилишдаги барча ҳолларда юридик шахсларнинг айби тўғрисидаги масалани текширишга, таҳлил қилишга тўғри келади. Юридик шахснинг айби бўлиши-бўлмаслиги тўғрисидаги масалани кўришда суд корхона, муассаса ёки ташкилот мазкур шароитларда мажбуриятни бажариш учун максимал даражада барча куч ва ташаббусни кўрсатган-кўрсатмаганлигини, бунинг учун бозор муносабатлари шароитида бўлган кенг имкониятлардан фойдаланган-фойдаланмаганлигини эътиборга олиш талаб этилади.

Агар юридик шахс мажбуриятни бажариш учун барча зарур чораларни кўрган бўлса-ю, мажбуриятни бутунлай ёки қисман бажара олмаса, масъулиятни белгилаш учун талаб этилган субъектив асос – айб бўлмаганлиги сабабли бундай ташкилот мажбуриятни бажармаганлиги учун мулкий жавобгарликдан озод қилинади. Мажбуриятни бажармасликда юридик шахснинг айби

мазкур ташкилот органлари (вакиллари) ҳисобланган ва ўзларига берилган ваколатлар доирасида ҳаракат қилган айрим шахсларнинг айби билан кўрилади. Ташкилотларнинг айби улар томонидан берилган ваколатлар доирасида ҳаракат қилувчи вакилларининг, муайян хизмат вазифаларини бажарувчи ходимларининг айби билан белгиланади.

Ташкилотларнинг айби – юридик ҳаракатларда, масалан, вакил томонидан қонунга хилоф битимлар тузилишида, шунингдек фактик ҳаракатларида; чунончи, ходимларнинг уста томонидан нотўғри ўргатилиши ёки уларнинг етарли даражада малакали бўлмасликлари туфайли сифатсиз маҳсулотлар тайёрланишида ҳам юзага келиши мумкин.

Юридик шахс шартнома бўйича олинган мажбуриятини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун мулкий жарима (санкция)ни тўлаганидан сўнг ўзи томонидан тўланган суммаларни регресс тартибida мажбуриятни бажармаганликда ёки лозим даражада бажармаганликда айбдор бўлган ходимлардан тўла ҳажмда ёки қисман ундириб олиши мумкин. Бундай ҳолларда муайян ходимнинг шахсий жавобгарлиги тўғрисида сўз кетади. Уларнинг жавобгарлиги фуқаролик ҳуқуки нормалари билангида тартибга солинмай, балки меҳнат ҳуқуки, маъмурий ҳуқуқ ва баъзи ҳолларда жиноят ҳуқуки нормалари билан ҳам тартибга солиниши мумкин. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси<sup>1</sup>нинг 202-моддаси б-бандига асосан ходим корхона (муассаса, ташкилот) тижорат сирларини ошкор этганлиги учун тўлиқ моддий жавобгар бўлади ва бунинг натижасида етказилган заарни тўлаши лозим.

Юқорида айтганимиздек, фуқаролик ишларини ҳал қилишда хўжалик суди шартнома интизомини қўпол тарзда бузишда айбдор бўлган шахсларни шахсий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги масалани тегишли органлар олдига қўяди.

Кредитор қарздорнинг ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги ҳуқук-қа хилоф бўлишилигини, яъни у томондан мажбуриятнинг бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги фактини ва қарздорнинг айбли ҳаракати натижасида заар кўрганлигини исботлаши лозим. Қарздор эса жавобгарликдан озод бўлиши учун ўз ҳаракатида айб йўқлигини исботлаши, яъни мажбуриятни лозим даражада бажариш учун барча зарур чораларни кўрганлигини тасдиқлайдиган фактларни келтириши лозим.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1996. 1-сонга илова. -Т.: Адолат. 1996.

Қарздорнинг айбли деб фараз қилинишини қонун баъзи ҳолатларни эътиборга олиб белгилайди. Чунончи, жамиятда мажбуриятларни лозим даражада бажариш учун барча шарт-шароитлар мавжудлиги, уларнинг бажарилмаслиги эса, – одатда, қарздорнинг айби ҳаракати натижасида бўлишлиги, қарздорнинг айби бўлмаганида – унинг далилларни етказиб келтириши кредиторга қараганда бир-мунча енгил бўлишлиги эътиборга олинади.

ФКнинг 333-моддаси фуқаролик қонунчилигининг асосий тамоилларидан бирини, яъни қонун ёхуд шартномада назарда тутилган истиснолардан ташқари ҳолларда, мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарликни белгилашда ҳуқуқни бузувчи ҳаракатларида айб бўлиши тамойилини белгилайди. Шартномали мажбуриятни бузишдаги айб, шунингдек шартномасиз мажбуриятларда ҳам зарар етказувчининг айби деганда, ҳуқуқга хилоф ҳаракатни қилувчи шахснинг қасди ёки эҳтиётсизлиги тушунилади.

Аммо юқорида кўрсатилган қоида билан белгиланган айб қарздорда бўлишлиги фараз қилинади. Бинобарин, қарздор ўзига қўйилган айбни йўқقا чиқаришга ҳаракат қилиши ва ўзининг айбсизлигини исботлаши керак.

Қарздор томонидан мажбуриятнинг қасдан бузилиши ҳоллари суд амалиётида камдан-кам учрайди. Аммо баъзи ҳолларда мажбуриятни қасдан бузиш ҳоллари ҳам учраши мумкин. Масалан, ташкилот ўзи томонидан буюртма қилинган маҳсулотни қасдан қабул қиласлик ҳоллари, сохта банкротлик ҳолатлари бўлиши мумкин.

Мажбуриятларни бузишда юридик шахснинг айби тушунчаси баъзи хусусиятларга эга. Бундай айб масаласини кўришда суд айбли бўлган ташкилотни муайян бир бутун ташкилот, яъни юридик шахс сифатида назарда тутади.

Бинобарин, агар мажбурият ташкилот ходимининг айби билан бажарилмаганида мажбуриятни бажармасликда ташкилот айбли бўлиб қўрилади. Баъзи ҳолларда суд ташкилотнинг мажбуриятни бажариш учун барча имкониятлардан фойдалангани ҳолда мажбурият бажарилмай қолганида уни айбли эмас деб топиши мумкин.

Айбнинг қасдан ёки эҳтиётсизликдан келиб чиқиши, шунингдек эҳтиётсизлик даражаси, умумий қоида бўйича, қарздорнинг фуқаролик жавобгарлигини белгилаш учун аҳамиятли эмас, қайси шаклда бўлса ҳам қарздор ўз мажбуриятини бузишда айбли бўлса, бунинг натижасида келган зарарни, неустойкани тўлашга мажбур бўлади. Аммо баъзи ҳолларда қонун мажбуриятнинг қарздор томонидан фақат қасдан ёки қўпол эҳтиётсизлик натижасида

бажарилмагани учунгина жавобгар бўлишини белгилайди. Бундан ташқари, қарздор айбининг шакли ва даражаси – мажбурият фақат қарздорнинг айбли ҳаракатлари билангина эмас, балки кредитор айби билан ҳам боғлиқ бўлган ҳолларда ва ҳар икки тарафнинг айбини қарздорнинг жавобгарлиги ҳажмини белгилаш учун солиштириб кўриш зарур бўлган ҳолларда аҳамиятга эга бўлади.

Қонунчиликда назарда тутилганидек, умумий қоидадан истисно сифатида қарздорнинг баъзи ҳолларда мажбуриятларни бузганлиги учун жавобгарлигини айбининг бўлиш-бўлмаслигидан қатыи назар белгилайди. Бундай ҳолларда, биринчи навбатда, бирорнинг айби учун жавобгарлик белгилайдиган ФКнинг 334-моддасида кўрсатилган ҳоллар назарда тутилади. Булар жумласига мажбуриятни ўз айби билан бузмай, қарздорга нисбатан олган мажбуриятларини бузган шахсларнинг унинг бошқа қарздорлари айби билан бузилган мажбуриятлар учун жавобгарликни суд амалиётида маҳсулотлар тайёрловчи билан бирга, маҳсулот етказиб беришга мажбур бўлган ташкилотларнинг айбли ҳаракатлари натижасида, мажбурият бузилганида маҳсулот етказиб берувчи ташкилотларга юклаш ҳоллари учрайди.

Шунингдек, маҳсулот ёки товар ишлаб чиқарувчи ташкилот ҳам маҳсулотнинг сифати унинг айбли ҳаракатларидан келиб чиқмай, балки унга хом ашё, материаллар ва бошқа нарсалар етказиб берган ташкилотларнинг айбли ҳаракатларидан келганида ҳам жавобгар бўлади.

Агар қарздор бу ташкилотларнинг ҳаракатлари учун кредитор олдида жавобгар бўлмаганида, кредитор мажбуриятларнинг улар айби билан бузилганида, ҳеч қандай чора кўрмай қолган бўлар эди. Қарздор ўзини жавобгарликдан озод қилиш учун баъзи ҳолатларни, чунончи, биринчидан, ўзининг ҳаракатларида айб йўқлигини; иккинчидан, ўз мажбуриятларини бузган унинг қарздорлари ҳаракатларида ҳам айб йўқлигини исботлаши лозим.

Баъзи ҳоллар учун қонун бирон-бир тарафнинг ҳаракатида айбининг бўлиш-бўлмаслигидан қатыи назар, жавобгарлик белгилайди.

Бундай жавобгарликнинг белгиланиши тўғрисида шуни айтиш керакки, одатда, қарздорнинг жавобгарлиги унинг ҳаракатларида айб бўлишида белгиланади. Аммо баъзи ҳолларда қонун истисно сифатида қарздор томонидан мажбуриятларнинг бошқа учинчи шахслар айбли ҳаракати натижасида бажарилмагани учун ҳам жавобгар бўлишини белгилайди.

Бундай жавобгарлик түғрисида ФКнинг 334-моддасида кўрсатилишича, башарти қонун ҳужоатлари ёки шартномада бевосита ижрочи бўлган учинчи шахснинг жавобгарлиги белгилаб қўйилмаган бўлса, зиммасига мажбуриятни бажариш вазифаси юклатилган учинчи шахсларнинг мажбуриятни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун қарздор жавобгар бўлади.

Мазкур ҳолларда қарздорнинг жавобгарлигини белгилаш учун қўйидаги шартлар, чунончи: қарздор мажбуриятини бошқа шахслар бажаришлари лозим бўлиши; бундай ҳаракатлар учинчи шахслар учун белгиланган қоидалар билан юклатилган бўлиши ёки бундай ҳаракатлар уларнинг қарздор билан тузилган шартномага асосан бажарилган бўлиши ёки маъмурий жиҳатдан бўйсунишлик туфайли бажарилган бўлиши; мазкур шахсларнинг айби қасд ёки эҳтиётсизлика кўрилган бўлиши лозим.

Амалда ушбу қоида юкларнинг транзит тартибида юборилишида, қачонки, сотилган товарлар, бевосита олувчининг манзилига маҳсулот тайёрловчи томонидан юборилмай, балки учинчи бир ташкилот орқали унинг омборига туширилмай юборилишида қўлланилади.

Агар кредитор учинчи шахснинг айби билан маҳсулотни кечиктириб олса, маҳсулот юборувчи ташкилот, яъни маҳсулот тайёрловчининг топшириғи бўйича товарни юборувчи учинчи ташкилот эмас, балки қарздорнинг бевосита ўзи, яъни маҳсулот тайёрловчи ташкилот жавобгар бўлади.

Мажбуриятни бажармаган ёки уни лозим даражада бажармаганлиги учун қарздор, агар қонун ёки шартномада бошқача ҳол назарда тутилмаган бўлса, ўзининг айби бўлиш-бўлмаслигидан қатъи назар, мулкий жавобгарликка тортилиши мумкин. Бу ҳолда мулкий жавобгарликнинг белгиланиши халқ ҳўялиги манфаатларини ҳимоя қилиш, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиқларини ҳимоя қилиш мақсадларини кўзлайди. Масалан, автотранспорт билан юк ташиш юзасидан олинган шартномавий режали мажбуриятларни бажармаслик учун ҳар икки томон – юк юборувчи ҳам, автотран-спорт ташкилоти ҳам ўзларининг айблари бўлиш-бўлмаслигидан қатъи назар, мулкий жавобгарликка тортиладилар.

Автотранспорт билан юк ташиш тўғрисидаги маҳсус қонунларда юк ташиш режасини бажариш юзасидан олинган мажбуриятларни бажармаслик учун автотранспорт ташкилотини ва юк ташувчины жавобгарликдан озод қилинадиган ҳолатлар ҳам кўрсатилади.

### **23.3. Қарздорнинг зарарни тўлаш мажбурияти**

ФКнинг 324-моддасида қарздор мажбуриятни бутунлай бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги туфайли кредиторга етказилган зарарни тўлаши шартлиги нормаланган.

Қарздорнинг мажбуриятни бажармаслиги натижасида вужудга келган ва тўланиши лозим бўлган кредиторнинг харажатлари деганда, кредитор томонидан мазкур мажбурият юзасидан қилинган харажатлар ва қарздорнинг ўз вазифасини бажармаганлиги билан боғлиқ харажатлар тушунилади. Чунончи, маҳсулот етказиб берувчи томонидан маҳсулотнинг белгиланган муддатларда етказиб берилмаслиги туфайли маҳсулот олувчи корхонанинг фаолият қўрсатиб туриши вақтида қилинган харажатлар тўланиши лозим.

Мажбуриятни бажариш юзасидан топширилган мулк шартнома шартларига мувофиқ келмаганда ва кредитор бундай ҳолларда мулкни қарздорга қайтариш ёки мажбур бўлганида кредитор зарарларининг ундирилишидан қатъи назар, мулк учун тўланган пул суммаларининг ўзига қайтарилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Кредитор қарздорнинг ўз вазифасини бажарганлиги туфайли йўқотган мулкининг қийматини ёки мулкнинг зарарланиши натижасида унинг қиймати камайишидан келган суммаларнинг тўланишини талаб қилиши мумкин. Маълумки, бозор муносабатлари шароитида шартномавий нархлар амал қиласи. Унинг асосий хусусияти шундан иборатки, баъзи ҳолларда мажбурият вужудга келган пайтдаги нарх билан зарарни ундириш вақтидаги баҳолар ўртасида тафовут бўлиши мумкин. Қонунда ушбу ҳолатлар ҳам кўзда тутилади. ФКнинг 324-моддаси 2-қисми мазмунига кўра, агар қонун ҳужжатлари ёки шартномада ўзгача тартиб назарда тутилмаган бўлса, зарарни аниқлашда мажбурият бажарилиши керак бўлган жойда, қарздор кредиторнинг талабларини ихтиёрий қаноатлантирган кунда, борди-ю, талаб ихтиёрий қаноатлантирилмаган бўлса, даъво кўзғатилган кунда мавжуд бўлган нархлар эътиборга олинади. Суд вазиятга қараб, зарарни тўлаш ҳақидаги талабни қарор чиқарилган кунда мавжуд бўлган нархларни эътиборга олган ҳолда қаноатлантириши мумкин.

Кредитор томонидан олинмаган ва тўланилиши қарздордан талаб қилишга ҳақли бўлган даромадлар деганда, қарздор ўз мажбуриятини лозим даражада бажармаганида кредиторнинг олиши мумкин бўлган даромадлар тушунилади. Бу айниқса, пул

мажбурия-тини бажармаганлик учун жавобгарлик белгилашда яққол намоён бўлади. ФКнинг 337-моддасига асосан бошқа шахсларнинг пул маблағларини ғайриқонуний ушлаб қолиш, уларни қайтариб беришдан бош тортиш, уларни тўлашни бошқача тарзда кечиқтириш ёхуд бошқа шахс ҳисобидан асоссиз олиш ёки жамғариш натижасида улардан фойдаланганлик учун ушбу маблағлар суммасига фоиз тўланиши керак.

Фоизлар миқдори кредитор яшайдиган жойда, кредитор юридик шахс бўлганида эса, унинг жойлашган ерида пул мажбурияти ёки унинг тегишли қисми бажарилган кунда мавжуд бўлган банк фоизининг ҳисоб ставкаси билан белгиланади. Қарз суд тартибида ундириб олинганида, суд кредиторнинг талабини даъво қўзғатилган кундаги ёки қарор чиқарилган кундаги банк фоизининг ҳисоб ставкасига қараб қондириши мумкин. Ушбу қоидалар қонунда ёки шартномада бошқа фоиз миқдори белгиланмаган бўлса қўлланилади. Кредиторнинг пул маблағларидан қонунсиз фойдаланиш туфайли унга етказилган заар юқорида кўрсатилган фоизлар суммасидан ошиб кетса, кредитор қарздордан заарнинг бу суммадан ортиқча бўлган қисмини тўлашни талаб қилишга ҳақли. Ушбу модда билан боғлик муносабатлар Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг қарори<sup>1</sup>да ҳам тартибга солинган.

Заар кўрилганлигини исботлаш ва бундай заарнинг қарздорнинг мажбуриятни бажармаслигидан келган бўлишини исботлаш, шунингдек заарнинг миқдорини ҳисоблаб кўрсатиш вазифаси заарнинг ундирилиши тўғрисида талаб қўядиган кредиторга юклатилади.

Қонунда кредитор қарздордан йўқотилган ашёнинг қийматинигина талаб қилишга ҳақли бўлиб, мажбуриятнинг қарздор томонидан бажарилмаслиги натижасидан олинмай қолган даромадларни талаб қилишга ҳақли бўлмаслиги ҳоллари ҳам мавжуд.

Қонун баъзи ҳолларда заарларни тўлаган қарздорнинг мажбуриятни асл ҳолида бажариш бурчини ҳам белгилайди.

ФКнинг 330-моддасига асосан, башарти қонунда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, мажбурият бажарилмаган тақдирда заарни қоплаш ва унинг бажарилмаганлиги учун неустойка тўлаш қарздорни мажбуриятни асл ҳолида бажаришдан озод қиласади.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг "Хўжалик судлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг жавобгарлик тўғрисидаги қоидаларини қўллашнинг айrim масалалари ҳақида"ти Қарори. //Хўжалик ва ҳуқуқ - Хозайство и право. 1999. №3.

Хуссий аломатлари билан белгиланган ашёни топшириш мажбуриятини бажармаслик оқибатлари ФКнинг 331-моддасида нормаланган.

Агар ашёни олувчилар эгалигига топшириш тұғрисида шартнома тузилмай, бу ашёни кредиторга фойдаланиш учун топшириш тұғрисида икки ёки бир неча шартнома кетма-кет тузилған бўлса, ашёниң кредитордан бирига топширилиши, аввал шартнома тузган кредиторларнинг ҳуқуқини йўққа чиқаради. Агар ашё кредитор билан бирдек ҳуқуққа эга бўлган учинчи шахсга топширилган бўлса, бу ҳуқуқ бекор бўлади. Бундай ҳолда аввал шартнома тузган кредитор кўрган заарларнинг тўланиши тұғрисида даъво қўзғатишга ҳақли.

Хуссий аломатлари билан белгиланган ашёни эгаликка ўтказиш ёки хўжалик юритишига, оператив бошқаришига ёхуд фойдаланиш учун топшириш тұғрисидаги кетма-кет тузилған икки ёки бир неча шартномалар бўлгани ҳолда ашёни ашё кредиторлардан ҳеч қайсисига топширилмаган бўлса, кредиторлардан қайси бири фойдасига илгари мажбурият вужудга келган бўлса, яъни ашёни топшириш тұғрисида ким билан аввал шартнома тузилған бўлса, шуниси устунлик ҳукуқига эга бўлади.

Агар ишнинг вазиятлари бўйича мажбуриятларнинг қачон вужудга келганлиги, яъни шартнома ким билан аввал тузилганлигини белгилаш мумкин бўлмаса, ашёниң топширилиши тұғрисида ким аввал даъво қўзғатган бўлса, бу шахс имтиёзга эга бўлади.

Муайян ишни бажариш мажбуриятини бажармаслик оқибатлари 330-моддада белгиланганидек, мажбуриятни реал равишда, аслича бажарилишини таъминлашга қаратилади. ФКнинг мазкур нормаси қарздор томонидан мажбуриятнинг бажарилмаганида шартнома юзасидан бажарилиши лозим бўлган ишни, биринчи навбатда, ўзи бажариши ёки бажарышни бошқа шахсга топшириши ва мазкур ишни бажариш учун зарур харажатларнинг тўланишини қарздор зиммасига кўйиш ҳуқуқини беради.

Фуқаролик процессуал қонунларда жавобгарни муайян ҳаракатлар қилишига мажбур этадиган даъволарнинг қилиниши ва бу тұғрида суд қарорининг чиқарилиши назарда тутилади. Мажбурият бўйича амалга оширилиши лозим бўлган ҳаракатларни бевосита қилишига мажбур этиш мумкин бўлмаганлиги туфайли қонун, агар жавобгар қарорни белгиланган муддатда бажармаса, даъвогар бу ҳаракатларни жавобгар ҳисобидан ўзи бажаришга ва шу муносабат билан қилинган зарур харажатларни ундан ундиришга ҳақли

эканлиги тұғрисида суд ўз қарорида күрсатишга ҳақли бўлади, деб кўрсатма беради. Агар қонун ёки шартномада назарда тутилмаган бўлса, мажбуриятни бажармаган қарздор ҳисобига ишнинг кредитор томонидан бажарилишига ёки у билан тузилган шартнома бўйича бошқа шахс томонидан бажарилишига йўл қўйилмайди.

Агар қарздор, яъни жавобгар томонидан бажарилмаган факат унинг томонидангина бажарилиши мумкин бўлса, бундай ҳаракатларни қилишга қарздорни мажбур этадиган қарорда суд қарори ижро этилиши муддати белгиланади, агар суд қарори белгиланган муддатда ижро этилмаса, жавобгарга қонунда кўрсатилган тартибда жарима солиниши мумкин.

Баъзи ҳолларда ишни ижро этиш мумкин бўлмаганида, кредитор мажбуриятнинг қарздор томонидан бажарилмаслиги туфайли ўзига етказилган заарнинг тўланишини талаб қила олади.

### **23.4. Қарздорнинг жавобгарликдан озод қилиниши асослари**

Қарздорнинг мажбуриятни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги унинг айбисиз содир бўлганлиги ёки бундай ҳолат кредиторнинг айби билан боғлиқ бўлса, умумий қоида бўйича қарздор жавобгарликдан озод бўлади.

Қарздор томонидан мажбуриятнинг аниқ бажарилишига тўс-қинлик қилган юқорида кўрсатилган юридик фактлардан бирининг бўлиши – мажбурият бажарилиши мумкин бўлмаслиги тушунчасини билдиради.

Оддий тасодифий ҳолат – юридик маънода мажбуриятнинг қарздор томонидан унинг ва кредиторнинг айби бўлмай туриб бажарилганини ёки лозим даражада бажарилмаганлигини содир қилган ҳолат ҳисобланади. Бундай ҳолатлар учинчи шахсларнинг, чунончи, бошқа шахсларнинг ҳаракатлари билан ҳам боғлиқ бўлиши мумкин. Масалан, бегона бир шахснинг ҳаракатлари натижасида қарздор йўқлигига у томондан олди-сотди шартномаси бўйича кредиторга топширилиши лозим бўлган уйга ўт тушиб, ёниб кетишини кўрсатиш мумкин. Бозор муносабатлари шароитида тадбиркорликнинг аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда тадбиркорлар учун муҳим кафолатни кўзда тутади. ФКнинг 333-моддаси З-қисмига асосан башарти, қонунда ёки шартномада назарда тутилган бўлмаса, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган шахс мажбуриятни лозим даражада

да бажаришга енгиб бўлмайдиган куч, яъни, фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (форс-мажкор) туфайли имкон бўлмаганигин исботлай олмаса, жавобгар бўлади.

Қайтариш мумкин бўлмаган куч сифатида шу мажбуриятда тарафлар бўлган шахс томонидан, унинг ихтиёридаги барча воситалар билан олдини олиш, қайтариш мумкин бўлмаган фавқулодда ходиса деб баҳоланади.

Қайтариш мумкин бўлмаган куч оддий тасодифий ҳол каби мажбуриятни бажармаслиқда ёки лозим даражада бажармаганлиқда тарафларнинг айби бўлмаслиги ва мазкур аниқ ҳолатларда уни қайтариш мумкин бўлмаслиги билан характерланади. Шу билан бирга, мазкур ҳолат одатдан ташқари фавқулодда содир этилган бўлиши керак. Амалда бундай ҳолатларда табиий оғат, масалан, сув тошқини, зилзила, кучли бўрон каби табиий оғат ҳоллари тўғрисида сўз юритилади.

Суд қарорларида мажбуриятни бутунлай бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун жавобгарликдан қарздорни озод қилишга асос бўладиган қайтариш мумкин бўлмаган куч ҳолатларини кўрсатиш камдан-кам учрайди.

Қайтариш мумкин бўлмаган кучни (зилзила, тошқин, ёнгин кабиларни) нисбий тушунча деб билиб, бундай ҳолатларни асос қилиб, жавобгарликдан озод қилиш-қилмаслик мазкур ҳолатларнинг қандай шароитларда, қандай жойда ва даврда содир бўлганлиги эътиборга олинади. Мажбуриятни бажаришга тўсқинлик қилган ҳолат ўзининг ички, ўзига хос ҳусусиятлари бўйича қайтариш мумкин бўлмаган куч сифатида кўрилмайди, балки қатор шароит ва муайян ҳолатларнинг биргалиқда келишига қараб белгиланади. Қайтариб бўлмайдиган куч таъсири натижасида зарар етказилганиги исботланганда мулкий жавобгарликдан озод қилиш мумкин. Шу билан бирга, айrim ҳолларда қайтариб бўлмайдиган куч таъсирида етказилган зарарнинг тўланиши ҳам фуқаролик қонунчилигига назарда тутилган. Чунончи, ҳаво транспортидан фойдаланишда йўловчиларнинг кўрган заарлари Ўзбекистон Республикаси Ҳаво кодексига мувофиқ тўла равишда тўланади.

Қайтариб бўлмайдиган куч тушунчасини аниқлаш фуқаролик-хукуқий жавобгарлик тўғрисидаги масалани тўғри ҳал қилиш учун зарур. Чунки қарздор тасодифий ҳолат учун жавобгар бўлганлиги туфайли қайтариш мумкин бўлмаган куч мавжуд бўлганида, у жавобгарликдан озод қилинади. Чунончи, автотранспорт орқали юк юборувчи ва юк ташувчи ташкилот юк ташишдан келиб чиқадиган

мажбуриятларни тасодифий ҳолатлар сабабли бажармаганларида жавобгарликка тортилсалар, аммо табиий ҳодисалар содир бўлганда жавобгарликдан озод қилинадилар. Енгиб бўлмайдиган куч таъсирида мажбуриятни бажармаганлик учун қарздорни тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётгандаги содир бўлсагина қўлланилади. Бинобарин, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган мажбуриятларга нисбатан ФКнинг 333-моддасидаги 3-қисми нормаси қўлланилмайди. Айни вақтда шуни таъкидлаб ўтиш ўринлики, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган мажбуриятнинг бажарилмаслиги қарздорнинг шартнома бўйича шериклари томонидан содир этилиб, бозорда мажбуриятни бажариш учун зарур товарларнинг йўқлиги, қарздорда пул маблағлари бўлмаганлиги сабабли рўй берган ҳолларда улар енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажкор) ҳолати сифатида қаралмайди ва демак, қарздорни 333-модда 3-қисми билан жавобгарликдан озод этиш учун асос бўлмайди.

Кредиторнинг айбини ҳам аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. ФКнинг 335-моддасида айтилганидек, агар кредитор қасдан ёки эҳтиётсизлик туфайли мажбуриятни бажариш мумкин бўлмаслиги юк беришига ёки бажармаслик туфайли етказилган зарар миқдорининг кўпайишига кўмаклашган бўлса, шунингдек кредитор мажбуриятни бажармасликдан етказилган зарарни камайиш чораларини қасдан ёки эҳтиётсизлик туфайли кўрмаган бўлса, суд ишнинг ҳолатларига қараб тўланадиган ҳақ миқдорини камайтиришга ёки кредиторга ҳақ тўлашни батамом рад этишга ҳақли.

ФКнинг қоидасида мажбуриятларнинг қарздор, шунингдек кредитор хатти-ҳаракатлари туфайли бажарилмаслиги ёки лозим даражада бажарилмаслиги тўғрисида сўз боради. Бундай ҳолларда қарздорнинг жавобгарлиги ҳажми ҳам камайтирилиши мумкин.

Мазкур ҳолда суд ҳар икки тарафнинг айби даражасини белгилаши ва қарздорнинг жавобгарлиги миқдорини тегишлича камайтириши, кредитор кўрган зарарларни қисман тўлашга мажбур қилиши, кредиторга тўланиши лозим бўлган неустойка суммасини камайтириши лозим.

Модомики, мажбуриятларни бажаришда ҳар икки тараф ўзи учун фойдали, тежамли самарага эришишни кўзлаб ҳаракат қилар экан, кредитор ўз айби билан зарар камайиши учун чоралар кўрмаса, ўз мажбуриятини бажармаган ҳисобланади. Мажбуриятни бажармасликдаги айби кейинчалик мажбуриятни лозим даражада

бажара олмаган қарздорнинг жавобгар бўлиш даражасини белгилашда эътиборга олинади.

Мажбуриятни бажармасликда ҳар икки тараф тенг даражада айбли бўлса, кўрилган зарар тарафлар ўртасида баб-баравар тақсимланиши заарарнинг фақат ярминигина тўлашга мажбур қилинади. Заарарнинг иккинчи ярми эса кредиторга тўланмай қолади. Аммо бундай жавобгарлик барча ҳолларда ҳам бир хил бўлмайди. Чунончи, суд қарорларида ҳар икки тарафнинг айбини таққослаб кўриб, тўланадиган зарар суммаси бирмунча камайтирилиши ҳоллари кўрилади.

Баъзи ҳолларда қарздор мажбуриятни бажариш учун барча чораларни кўрса ҳам кредитор ўзининг ҳаракатсизлиги ва бепарвонлиги билан мажбуриятнинг бажарилишига тўскинлик қиласди. Бундай ҳолда суд қарздорнинг мажбуриятни бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик жавобгарлигидан озод қиласди.

### **23.5. Мажбуриятнинг қарздор ва кредитор томонидан кечиктирилиши оқибатлари**

ФКнинг 337-339-моддалари мажбуриятнинг бажарилиши қарздор ёки кредитор томонидан кечиктирилгани учун жавобгарлик тўғрисидаги масалани тартибга соладиган қоидаларни белгилайди.

Ижронинг қарздор томонидан кечиктирилиши деб, мажбуриятнинг у томонидан белгиланган муддатда бажарилмаслиги тушунилади.

Мажбуриятнинг бажарилишини кечиктирган қарздор бундай кечиктириши натижасида кредиторга етказилган заарни тўлашга мажбур бўлади. Мазкур зааррнинг тўланишини қарздорни ўз мажбуриятини асл ҳолида бажаришидан озод қиласди.

Қарздорнинг айби билан мажбуриятнинг ижро этилишининг кечиктирилиши мажбуриятнинг кейинчалик ижро этилиши имконияти бўлмаслиги учун жавобгарлигини оширади.

Агар мажбуриятнинг ижро этилиши кечиктирилган даврда мазкур мажбурият қарздорнинг айбидан қатъи назар, ижро этилиши мумкин бўлмаса ҳам, у ўз айби билан мажбуриятни ижро этмаганида қандай жавобгарликка тортиладиган бўлса, унга нисбатан худди шундай жавобгарлик белгиланади. Бундай ҳолларда жавобгарликни белгилаш учун қарздор томонидан кечиктирилиши асос қилиб олинади. Чунки қарздор сотилган нарсани ёки ижарага

берилган ашёни ўз вақтида топширганида эди, ашё тасодифан нобуд бўлмаган бўлур эди, деб фараз қилинади.

Агар мажбуриятнинг бажарилиши қарздор томонидан кечиктирилганлиги туфайли унинг кейинчалик бажарилишига зарурат қолмаган бўлса, кредитор ФКнинг 337-моддаси 2-қисмида кўрсатилганидек, ижрони қабул қилишдан бош тортишга ва зарарни тўлашни талаб қилишга ҳақли.

Кредиторнинг кечиктириши ҳам муҳим ҳуқуқий оқибатлар туғдиради. Фуқаролик қонунчилиги юқорида айтилганидек, мажбуриятнинг бажарилишида қарздорнинг ҳам, кредиторнинг ҳам манфаатлари бир бўлиши зарурлигини белгилайди. Модомики, тарафлар мажбуриятни бажаришда бир-бирига кўмаклашишлари лозим экан, кредитор ўзининг хатти-ҳаракати билан мажбуриятнинг қарздор томонидан бажарилишига тўсқинлик қилмаслиги, ижрони оғирлаштираслиги керак.

Кредиторнинг кечиктириши деганда, мажбуриятнинг қарздор томонидан бажарилишида тўсқинлик қилишга ёки бундай ижронинг қийинлаштирилишига қаратилган ҳаракат тушунилади. Бундай ҳаракатнинг оқибати учун кредитор мулкий жавобгар бўлиши, яъни бундай ҳаракатнинг мулкий оқибати кредиторнинг зиммасига қўйилиши керак.

Кечиктиришнинг оқибатлари ФКнинг 338-моддасида кўрсатилган. Бу моддада кредиторнинг шартнома бўйича ўзига тегишли нарсани қабул қилишни кечиктириб юбориши туфайли етказилган зарарни ундириб олиш ҳуқуқини бериши ва кейинчалик мажбуриятни ижро этиш мумкин бўлмай қолса, уни жавобгарликдан озод қилиш, қарздорнинг қасдан иш тутиши ёки кўпол эҳтиётсизлик қилиш ҳоллари бундан мустасно эканлиги, пул мажбурияти бўйича кредитор ижрони кечиктириб юборган вақт учун қарздор фоизлар тўлашга мажбур эмаслиги кўрсатилган.

Кредиторнинг кечиктириши икки турдаги хатти-ҳаракатдан, биринчидан, кредитор ўзига қарздор томонидан лозим дражадаги ижрони қабул қилмасликдан, иккинчидан, қарздорнинг ўз мажбуриятини бажаришга қадар кредитор томонидан лозим бўлган ҳаракатнинг у томондан қилинмаганлигидан иборат бўлиши мумкин.

Юқорида кўрсатилган ҳолатларни баязи мисоллар билан тушунтирса бўлади. Чунончи, агар маҳсулот олувчи маҳсулотни топширишга тайёр эканлиги тўғрисида хабардор қилинган бўлса-ю, уни белгиланган муддатда олиб кетмаса – мажбуриятни кечиктиришга йўл қўйган ҳисобланади.

Кредитор ўзига юклатилган ҳаракатларни бажармаса ва бу ҳаракатни бажармасдан туриб қарздор мажбуриятини ижро эта олмайдиган ҳолларда ҳам кредитор кечиктирган ҳисобланади. Чунончи, маҳсулот етказиб бериш шартномаси бўйича маҳсулот уни олувчига бевосита юборилмай, балки сотиб олувчининг тақсимотига мувофиқ равишда шартномада қатнашмаган бошқа ташкилотларга жўнатилиши лозим бўлганида белгиланган муддатда тақсимотнинг берилмаслиги кредиторнинг кечиктиришини англатади. Бошқа бир мисол: курилиш пудрати шартномаси бўйича буюртмачи пудрат шартномалари тўғрисидаги қоидалар бўйича ўз зиммасидаги ҳаракатларни бажармаганида ҳам кредиторнинг кечиктириши кўринади.

Кредитор мажбуриятни кечиктиришда ўз айби ёки ўзига қарашли шахсларнинг айби йўқлигини исботлай олмаса, мажбуриятнинг кечиктирилиши натижасида қарздорга етказилган зарарни тўлашга мажбур бўлади. Чунончи, белгиланган муддатда олиб кетилмаган маҳсулотларни сақлаш билан боғлиқ харажатларни тўлаши шарт. Одатда, бундай ҳолларда неустойка (пеня, жарима) ундирилади. Чунончи, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқуқий базаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни<sup>1</sup>да шартномада белгиланган муддатда товарларни етказиб берганда уларни олишни асоссиз рад этилиши учун сотиб олувчи (кредитор) етказиб берувчига ушбу ўз муддатида олинмаган товарлар қийматининг 5 фоизи миқдорида, тез бузиладиган товарлар бўйича эса – 10 фоиз миқдорида жарима тўлаши белгиланди.

Кредиторнинг кечиктириши кўпинча мажбуриятнинг бажармаслигига айбли бўлган қарздорнинг жавобгарлиги тўғрисида даъво қўзғатилганда муҳим аҳамиятга эга бўлади. Чунки бундай ҳолларда кредиторнинг айблилик даражаси эътиборга олиниб, қарздорнинг жавобгарлиги даражаси бирмунча камайтирилиши мумкин.

Агар кечиктириш кредиторнинг ўз айби ёки қонунга ёхуд кредиторнинг топшириғига биноан ижрони қабул қилиш юклатилгани шахсларнинг қасди ёки қўпол эҳтиётсизлигидан эмаслигини кредитор исботласа, у кечиктириш жавобгарлигидан озод бўлади.

Мажбуриятнинг қарздор томонидан бажарилишида у томондан берилган тилхат ёки хужжатини кредитор қарздорга қайтариб беришдан бош тортганда ҳам кредитор кечиктирган ҳисобланади.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 9-сон, 170-модда. Ўзбекистоннинг янги қанунлари. 20-сон. -Т.: Адолат. 1999.

Юқорида айтилганидек, кредитор мажбуриятнинг қарздор томонидан бажарилишида унга кўмаклашишга мажбур. Агар у ўзининг бундай мажбуриятини бажармаса, оқибатлари учун ҳам жавобгар бўлади. Кредиторнинг мажбуриятни кечикитириш оқибатлари қуидагилардан иборат бўлиши мумкин:

биринчидан, мажбуриятнинг кечикитирилиши натижасида қарздорга етказилган заарни тўлайди; масалан, қарздор мажбуриятини бажариш юзасидан керакли маҳсулотларни ўз вақтида етказган бўлса-ю, кредитор бўш омбор биносининг бўлмаслигини баҳона қилиб, маҳсулотни қабул қилишдан бош тортса, қарздор маҳсулотнинг ташилиши ва сақланиши билан боғлиқ ошиқча харажатлардан келган заарларни кредитордан ундиришга ҳақли. Бу ҳолда кредитор бундай кечикитиришнинг ўз қасди ёки эҳтиётсизлиги билан боғлиқ бўймаганлигини ёки бундай кечикитиришда қонун ёхуд кредиторнинг топшириги бўйича мажбуриятни бажаришни ўз зиммасига олган бошқа шахсларнинг қасд ёки эҳтиётсизлигидан келмаганлигини исботласа, қарздор кўрган заарларни тўлашдан озод қилинади;

иккинчидан, кредиторнинг кечикитириш вақти учун қарздор пул мажбуриятлари бўйича фоизлар тўламайди;

учинчидан, агар кредитор қарздорга унинг берган тилхатини ёки бошқа қарз хужокатини қайтаришдан, ёхуд тилхатда қарз хужокатининг қайтарилиши мумкин бўлмаслигини кўрсатишдан бош тортса, қарздор ижро этишни тўхтатишга ҳақли.

Бажариш мумкин бўлмаслиги тушунчаси ҳам маълум аҳамиятга эга. Бажариш мумкин бўлмаслиги, юқорида айтиб ўтилганидек, мажбуриятнинг реал тарзда, яъни асл ҳолатда бажариш мумкин бўлмаслигини билдиради. Бажариш мумкин бўлмаслиги тўғрисидаги масала ҳар бир муйян ҳолатда суд томонидан мазкур ишнинг хусусиятлари эътиборга олинниб ҳал этилади.

Қарздордан мажбуриятнинг реал тарзда бажарилишини баъзи ҳолларда ва баъзи асослар бўйича талаб қилиш мумкин бўлмайди. Бунга қуидагиларни кўрсатиш мумкин:

1) мажбуриятнинг аслича бажарилиши мумкин бўлмаслиги, яъни мажбурият нарсаси хусусий аломатлари билан белгиланган ашё бўлиб, уни аслича топшириш мумкин бўлмаган ҳолатларнинг мавжудлиги ёки бирон-бир ҳолатнинг содир бўлиши сабабли қарздор мажбуриятини маълум бир жойда бажара олмаслиги каби;

2) мажбуриятнинг ҳуқуқий жиҳатдан бажарилиши мумкин бўлмаслиги, яъни баъзи ҳолларда мажбуриятнинг бажарилиши

бундай мажбурият вужудга келгандан сүнг қабул қилинган қонун ҳужокатларига хилоф келадиган бўлса, мажбурият бажарилмаслиги мумкин;

3) баъзи ҳолларда мажбуриятнинг реал бажарилиши ниҳоятда қийин бўлиши мумкин. Масалан, шартнома бўйича бирон-бир мажбуриятни шахсан бажаришга мажбур қарздорнинг қаттиқ бетоб бўлиб қолишини кўрсатиш мумкин.

Мажбуриятнинг бажарилиши мумкин бўлмаслиги қарздорни кредитор олдида бўлган жавобгарликдан озод қилмайди. Қарздор фақат мажбуриятнинг бажарилиши мумкин бўлмаслигига ўз айбина нинг йўқлигини исбот қиласагина, жавобгарликдан озод бўлади. Масалан, хусусий аломатлари билан белгиланган ашёлар ижарага олувчининг қўлида бўлган вақтда унинг айбидан ташқари нобуд бўлса, қарздор кредиторга зарар ёки жаримани тўлашдан озод бўлади.

Агар ашёларнинг нобуд бўлиши қарздорнинг мазкур ашёларга бепарволик билан, эҳтиётсизлик муомаласи туфайли бўлса, кредиторга етказилган зарар учун жавобгар бўлади.

## **24.1. Мажбуриятларнинг бекор бўлиши тушунчаси**

Ҳар қандай ҳуқуқий муносабат каби мажбурият ҳам муайян асослар, яъни, муайян юридик фактлар мавжуд бўлган вақтда бекор бўлади. Мажбуриятнинг бекор бўлиши деганда вужудга келган юридик факт туфайли мажбурият иштирокчилари ҳуқуқ ва бурчларининг бекор бўлиши тушунилади.

Мажбурият Фуқаролик кодексида, бошқа қонунларда ёки шартномада назарда тутилган асосларга кўра тўлиқ ёки қисман бекор бўлади.

Мажбуриятни тарафлардан бирининг талаби билан бекор қилишга қонун ҳужжатлари ёки шартномада назарда тутилган ҳоллардагина йўл қўйилади (ФК, 340-модда). Амалдаги қонунчиликка кўра, мажбурият қўйидаги ҳолларда бекор бўлади:

- 1) мажбуриятнинг бажарилиши билан;
- 2) воз кечиш ҳақини бериш билан;
- 3) ҳисобга ўтказиш билан;
- 4) талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш билан;
- 5) қарздор билан кредитор бир шахс бўлиб қолиши билан;
- 6) мажбурият янгиланиши билан;
- 7) қарздан воз кечиш билан;
- 8) бажариш мумкин бўлмаганлиги туфайли;
- 9) давлат органи ҳужжати асосида;
- 10) фуқаронинг вафот этиши билан;
- 11) юридик шахс тугатилиши билан.

Юқорида кўрсатилган умумий асослардан ташқари мажбуриятларни бекор қиласидан яна баъзи асослар уларнинг айрим турларини тартибга соладиган тегишли бобларда назарда тутилган. Жумладан, мулкни ижарага олувчи шартномани истаган вақтида бир томонлама бекор қила олиши мумкинлиги кўрсатилади.

## **24.2. Мажбуриятларнинг бажарилиши билан бекор бўлиши**

ФКнинг 341-моддасида кўрсатилганидек, мажбурият қоида тарикасида унинг лозим даражада бажарилиши билан бекор бўлади.

Мажбуриятлар бекор бўлишининг кенг тарқалган усусларидан бири – мажбуриятни тегишли равишда ижро этилишидир. Мажбуриятларнинг бекор бўлиши учун бажариш тегишли равишда амалга

оширилмаса, мажбуриятни бекор қилмай, балки уни бузганлик учун мулкий жавобгарлик белгиланади, баъзи ҳолларда мажбуриятни реал равишда бажариш вазифаси ҳам сақланиб қолади.

Айрим мажбуриятлар тегишли равишда бажарилиши билан бекор бўлади, шу билан бирга, мажбуриятни талаб даражасида бажарган шахсга шу шартномани қайта тиклашда имтиёзли ҳуқуқ берилади. Масалан, бирор мулкни ижарага олган шахс ўз зиммасига олган мажбуриятини, талаб даражасида бажарса, шу мулкни ижарага олиш учун янги шартнома тузишда бошқа шахсларга нисбатан имтиёзли ҳуқуққа эга бўлади.

Кредитор ижрони қабул қила туриб, қарздорнинг талаби бўйича унга ижронинг тўла ёки қисман қабул қилинганлиги тўғрисида тилхат беришга мажбур. Агар қарздор мажбуриятни тасдиқлаш юзасидан кредиторга қарз ҳужжати берган бўлса, кредитор ижрони қабул қила туриб, бу ҳужжатни қайтариши, агар уни қайтариш мумкин бўлмаса, бу тўғрида ўзи берган тилхатда кўрсатиши лозим. Тилхат қайтарилаётган қарз ҳужжатига устхат ёзиш билан ҳам алмаштирилиши мумкин.

Мажбуриятнинг бажарилганлигини исботловчи бошқа ҳужжатлар ҳам бўлиши мумкин. Сотилган ашёларни олувчига жўнатиш учун транспорт ташкилотига топширилиши ёки олувчига юбориш учун алоқа бўлимига берилиши тўғрисидаги ҳужжат шулар сирасига киради.

Қарз ҳужжатининг қарздор қўлида бўлиши, бошқа бир ҳол исботланмагунча, мажбуриятнинг бекор бўлганлигини тасдиқлайди.

Кредитор тилхат беришдан, қарз ҳужжатини қайтаришдан ёки қайтариб бериш имконияти йўқлигини тилхатда кўрсатишдан бош тортган тақдирда, қарздор ижрони тўхтатиб туришга ҳақли бўлади. Бундай ҳолларда кредитор муддатни кечиктирган ҳисобланади (ФК, 258-модда).

Қарз ҳужжатининг қайтарилиши ёки уни қайтариш мумкин бўлмаганлиги тўғрисидаги тилхат ўрнига берилган ҳужжат устига ижронинг қабул қилинганлиги ҳақида ёзиб бериши мажбуриятнинг ижро этилганлигини исботлаш ҳужжатларидан бири ҳисобланади.

Қарз ҳужжати (тилхат) қарздор томонидан кредиторга берилади. Бундай ҳужжат билан кўпинча майший пуррат шартномаларидан келиб чиқсан мажбуриятлар гувоҳлантирилади. Қарз ҳужжати кредитор қўлида бўлиши – мажбуриятнинг мавжудлигини исботловчи далил ҳисобланади ва унга мажбуриятнинг бажарилишини талаб қилиш ҳукукини, масалан, қарз пулининг тўланишини, буюртма қилинган нарсанинг берилишини талаб қилиш ҳукукини беради.

Кредитор мажбуриятнинг ижросини қабул қила туриб, қарздорга қарз ҳужоатини қайтаришга мажбур. Қарздор эса мажбуриятнинг бажарилганлигини тасдиқлайдиган ҳужоатни ўзига берилишини кредитордан талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Айрим ҳолларда мажбуриятнинг бажарилганлиги тўғрисида кредитордан алоҳида ҳужоат олмай, балки қарздорнинг тилхати устига мажбуриятнинг бажарилганлигини, масалан, қарз пулининг бутунлай ёки қисман олинганлигини ёзиш мумкин. Ўз характерига кўра қарз ҳужоати то мажбурият тегишли суратда бажарилгунга қадар кредиторда бўлиши керак. Қарз ҳужоатининг қарздорга қайтарилиши мажбуриятнинг бажарилганлигини билдиради. Шунинг учун қарз ҳужоатининг қарздор қўлида бўлиши бошқа бир ҳол исботланмагунча, мажбуриятнинг бажарилганлигини ва шу билан унинг бекор бўлганлигини тасдиқлади.

Башарти кредитор йўқ бўлса ёки у ижрони қабул қилишдан бош тортса, ёхуд бошқа сабабларга кўра қабул қилиш муддатини ўтказиб юборса, шунингдек муомала лаёқатига эга бўлмаса ёки муомала лаёқати чекланган бўлса, ижрони қабул қилишга рози бўлган вакил қоғозни нотариал идоранинг депозитига қўйиши мумкин. Бундай ҳолларда пулни ёки қимматли қоғозни кредитор номига нотариал идоранинг депозитга қўйиш, мажбуриятни лозим даражада бажариш бўлиб ҳисобланади.

Юридик шахслар ўртасидаги муносабатларда мажбуриятнинг бажарилиши тегишли ҳужоатлар билан расмийлаштирилади. Юборилган товарлар ёки кўрсатилган хизматлар учун тўланган суммани тасдиқлайдиган счетлар ёки квитанциялар ана шундай ҳужоатлар ҳисобланади. Улар ташкилотлар маблағлари ҳисобидан пул тўловлари ва бошқа харажатларнинг тўғри сарфланганлигини тасдиқлаш ҳамда тегишли назорат олиб бориш имконини беради.

#### **24.3. Мажбуриятларнинг ҳисобга ўтказиш йўли билан бекор бўлиши**

Ҳисобга ўтказиш – бу мажбуриятни бекор қиласидиган шундай усули, бунинг воситасида муддати тўлган ёки қисман муддати кўрсатилмаган ёхуд талаб қилиш пайти билан белгиланган муқобил ўхшаш талаб ҳисобга ўтказилиши билан мажбурият тўлиқ ёки қисман бекор бўлади (ФКнинг 343-моддаси, чунончи, ким ошди савдосида ғолиб чиқсан шахс билан шартнома тузишда у тўлаган закалат суммаси тузилган шартнома бўйича мажбуриятларни бажаришда ҳисобга ўтказилади).

• Ҳисобга ўтказиш ўз-ўзича автоматик равишда амалга оширилмайди. Фуқаролик ҳуқуқи нұқтаи назаридан ҳисобга ўтказиш бир томонлама битим бўлиб кўрингани туфайли бунга бир томоннинг ҳисоблашиш тўғрисидаги аризаси кифоя қиласи.

Ҳисобга ўтказиш – мажбуриятларнинг бажарилишини осонлаштиради, чунки бу усул тарафларни бир-бирларига пул тўлаш билан бўлган ошиқча ҳаракатларни қилишдан озод қиласи ва ҳар икки кредиторнинг манфаатларини яхши таъминлайди.

Муқобил (қарши) талабни ҳисобга ўтказиш фуқаролар иштирок этган муносабатларда ҳам, ташкилотлар ўртасидаги муносабатларда ҳам қўлланилади. Ташкилотлар ўртасидаги ўзаро муносабатларга муқобил (қарши) талабни ҳисобга ўтказиш, банк орқали ҳисоблашиш шаклида амалга оширилади. Банк ташкилотлар ижтиёридаги пул маблағларининг айланишини тезлатиш мақсадида нақд пулсиз ўзаро ҳисоблашишни амалга оширади.

Банк орқали ҳисобга ўтказиш ФКнинг тегишли моддаларидан ташқари ваколатли органлар томонидан чиқарилган маҳсус ҳужжатлар билан ҳам тартибга солинади.

Қонун муқобил (қарши) талаб ҳисоби йўли билан мажбуриятларнинг бекор бўлиши учун қўйидаги уч талабни қўяди:

1) мажбуриятлар қайтарма бўлиши, яъни кредиторлар бир-бирига нисбатан қарздор бўлиши керак. Масалан, ижарага оловчи ижарага берувчига ижара ҳақи учун 20.000 сўм тўлаши керак бўлса, ижарага берувчи ундан 20.000 сўм қарз бўлса – муқобил талаб ҳисобидир;

2) қарама-қарши талаб бир хилда, талаб қилинадиган нарсанинг аломатлари ҳам шу турда бўлиши керак. Масалан, пулга пул, буғдойга буғдой каби. Агар қарама-қарши талабнинг нарсаси бир хилда бўлмаса, ўзаро муқобил талабни ҳисобга ўтказиш мумкин эмас. Масалан, бир томон бир ашё юзасидан виндицион даъво қўзғатса, иккинчи томон эса шартнома бўйича кўрсатилган хизматни талаб қиласа, бундай талаблар ўзаро қарши талабни ҳисобга ўтказиш йўли билан бекор бўлмайди, яъни муқобил (қарши) талабни ҳисобга ўтказиш йўли билан ҳисоблашиш мумкин эмас;

3) бир хилдаги қарама-қарши талабни ҳисобга ўтказишида уларни бажариш муддатлари тўлган бўлиши керак. Агар бажариш муддати кўрсатилмаган ёки талаб қилиш пайти билан белгиланган бўлса, мажбуриятни бажаришнинг ҳисобланиши ҳар қачон талаб этилиши мумкин. Шунинг учун бундай талабни ўзаро ҳисобга ўтказишида бажариш муддати аҳамиятсизdir. Бироқ кредитор бажариш муддати

тўлмаган талабини шу кредитордан талаб қилиш муддати тўлган қарздорнинг талабига қарши ўзаро ҳисобга ўтказишга ҳақли эмас.

Муқобил (қарши) талабларни ҳисобга ўтказишга кўйилмайдиган ҳолатлар амалдаги қонун ҳужожатларида белгиланганидек,

—даъво муддати тўланган талабларни (даъво муддатининг ўтиб кетиши талаб қилиш ҳукуқини йўқотади);

—фуқаронинг соғлиғига шикаст етказиш ёки унинг вафоти муносабати билан етказилган зарарни тўлаш тўғрисидаги талабини;

—алиментлар ундириш ҳақидаги талабни;

—умрбод таъминлаш шарти билан уй-жойни (квартирани) бошқа шахсга топшириш талабини (мехнатга қобилиятсиз шахсларни моддий жиҳатдан таъминлаш мақсадида бўлганлиги туфайли);

—қишлоқ хўжалик маҳсулотлари контрактация шартномалари бўйича мажбуриятларнинг бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги учун томонларнинг мулкий жавобгарлиги<sup>1</sup>;

—қонунда ёки шартномада назарда тутилан бошқа ҳоллардаги талабни ҳисобга ўтказишга йўл кўйилмайди.

Талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечилган тақдирда қарздор ўзининг дастлабки кредиторига муқобил талабни янги кредиторнинг талабига қарши ҳисобга ўтказишга ҳақли.

Агар талаб қарздор бу талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечилгани тўғрисидаги билдиришни олган пайтгача мавжуд бўлган асосга кўра вужудга келган бўлса ва талаб қилиш муддати ана шу билдириш олгунча келган бўлса ёки ушбу муддат кўрсатилмаган ёхуд талаб қилиш пайти билан белгиланган бўлса, ҳисобга олиш амалга оширилади (ФК, 345-модда).

#### **24.4. Қарздор билан кредитор бир шахс бўлиб қолганида мажбуриятнинг бекор бўлиши**

Қарздор билан кредитор бир шахс бўлиб қолганида мажбурият бекор бўлади (ФК, 346-модда). Маълумки, ҳар қандай шахс ўзига ўзи ҳам қарздор, ҳам кредитор бўлиши мумкин эмас. Бундай кредитор ва қарздорнинг бир шахс бўлиб қолиши кўпинча мерос олишда учрайди. Масалан, мерос олувчи шахс ўз акаси ёки отасига қарздор бўлса, кейинчалик мерос очилиши натижасида кредиторнинг (марҳум aka ёки отанинг) талаб қилиш ҳукуқларини ўзига олади.

Қарздор билан кредиторнинг бир шахс бўлиб қолиши фуқаролар ўртасидагина эмас, балки юридик шахслар ўртасида ҳам юз бериши

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 сентябрдаги 383-сонли қарорига 1-илова.

мумкин. Одатда, юридик шахслар қайта ташкил бўлиши ёки бир нечаси қўшилиши туфайли (универсал хукуқий ворислик) қарздор ва кредитор бўлган ташкилотлар бир юридик шахс бўлиб қолиши – мажбуриятни бекор қиласди. Агар бунда қўшилиш кейинчалик бекор бўлса, мажбурият янгидан пайдо бўлади. Чунончи, бир-бирига қарздор бўлган икки хўжалик қўшила туриб, кейинчалик яна ажралсалар – аввалги қарздор хўжаликларнинг мажбурияти янгидан пайдо бўлади.

#### **24.5. Тарафларнинг келишуви бўйича ва қарздорни қарздан воз кечиши бўйича мажбуриятнинг бекор бўлиши**

Тарафларнинг келишувига мувофиқ мажбуриятларнинг бекор қилинишида бундай келишув бажарилмаган мажбуриятларни келгусида бажаришдан озод қилишга қаратилган бўлади ва ҳар икки тараф мажбуриятни бажаришга ҳали киришмаган вақтда ёки мажбуриятнинг бир қисми бажарилган пайтда юз беради. Тарафларнинг келишувлари турлича мазмунда, чунончи, қарзни тўлашдан ёки бирон-бир ишни бажаришдан озод қилиш тўғрисида бўлиши мумкин. ФКнинг 342-моддасига асосан тарафларнинг келишувига мувофиқ мажбурият уни бажариш ўрнига воз кечиш ҳақини бериш (пул тўлаш, мол-мулк бериш каби) билан бекор қилиниши мумкин. Воз кечиш ҳақининг микдори, муддатлари ва уни бериш тартибини тарафлар белгилайдилар.

Кредиторнинг қарздан воз кечиши ҳам мажбуриятнинг бекор бўлишига олиб қелади. Бу бир тарафлама битим бўлиб, унда тарафларнинг келишуви рўй бермайди. Бироқ бунда кредиторнинг қарздан воз кечиши бошқа шахсларнинг кредитор мол-мулкига нисбатан ҳукуқларини бузмаса, мажбурият бекор бўлади (ФК, 348-модда).

ФКнинг 347-моддасида кўрсатилганидек, тарафлар ўз ўрталаридағи дастлабки мажбуриятни бошқа нарсани ёки бошқача ижро этиш усулини назарда тутувчи янги мажбурият билан алмаштириш (мажбуриятни янгилаш) ҳақида келишиб олсалар, мажбурият бекор бўлади. Чунончи, бирон-бир нарса насияга олинганида олди-сотди шартномасидан келиб чиқсан мажбурият тарафларнинг келишуви билан қарз мажбуриятига айлантирилади. Бундай ҳолда тарафлар ўртасида қарз шартномаси билан тартибга солинадиган хукуқий муносабат келиб чиқади.

Бир мажбуриятнинг бошқа бир мажбурият билан алмаштирилиши учун қатор шартлар талаб қилинади. Бунда, биринчидан, тарафлар

Ўртасидаги бир мажбуриятни бекор қилиш учун бошқа турдаги мажбурият билан алмаштириш ҳақидаги келишув бўлиши; иккинчидан, ҳаракатда бўлган, ҳақиқий мажбуриятнинг бўлиши (агар дастлабки мажбурият ҳақиқий бўлмаса ёки бекор қилинган бўлса, у ҳолда мажбуриятни бошқа бир мажбурият билан алмаштириш тўғрисида келишув ҳам бўлиши мумкин эмас); учинчидан, янги мажбурият ҳақиқий бўлиши ва эски мажбуриятдан бирон-бир фарқи бўлиши керак.

Тарафларнинг бир турдаги мажбуриятни бошқа бир турдаги мажбурият билан алмаштириш тўғрисидаги келишуви шартнома сифатида кўрсатилганлиги туфайли келишув ҳам шартномаларни тузишга оид умумий қоидаларга мувофиқ бўлиши лозим.

Дастлабки мажбуриятнинг янги мажбурият билан алмаштирилишида дастлабки мажбуриятнинг бажарилишини таъминлаш учун белгиланган кафолат, закалат ва бошқа усууллар ҳам бекор бўлади.

Мажбуриятларнинг келишув йўли билан бекор қилиниши ФКнинг 102-112-моддаларига риоя қилинган ҳолда расмийлаштирилиши лозим. Ташкилотлар ўртасидаги мажбуриятларнинг келишуви фақат ёзма шаклдагина бекор қилиниши мумкин.

#### **24.6. Бажариш мумкин бўлмаганлиги туфайли мажбуриятнинг бекор бўлиши**

Фуқаролик ҳуқуқида мажбуриятни бажариш мумкин бўлмасли-ги деб шундай вазият тушунилади, бунда қарздорга мажбурият мазмунини ташкил этган ҳаракатларни бажариш имконияти бўлмай қолади.

ФКнинг 349-моддасида кўрсатилишича, агар тарафлардан биронтаси ҳам жавоб бермайдиган вазият туфайли мажбуриятни бажариш мумкин бўлмай қолса, у бекор бўлади. Башарти, қарздор мажбуриятни кредиторнинг айбли ҳаракатлари туфайли бажариши мумкин бўлмаса, кредитор ўзининг айбли ҳаракатлари туфайли бажариши мумкин бўлмаса, кредитор ўзининг мажбурият бўйича бажаргандарини қайтариб беришни талаб қилишга ҳақли эмас.

Бажариш мумкин бўлмаслик тасодифий ҳолатлар туфайли бўлишини бирорнинг айби билан боғлиқ бўлиши ҳолатидан ажратиш керак. Тасодифий ҳолат туфайли бажариш мумкин бўлмаслиги деб мазкур шароитда, вазиятда қайтара олмайдиган куч, чунончи, сув тошқини, зилзила, ёнғин каби табиий оғатлар туфайли бажариш мумкин бўлмаслиги тушунилади.

Бажаришнинг мумкин бўлмай қолиши қарздор айби билан бўлган деб ҳисоблаш учун бажариш имкониятини бермаган ҳолатлар қарздор қасдан ёки эҳтиётизлиқдан йўл қўйган бўлиши ёхуд унинг олдини олмаган бўлиши керак. Агар бажаришга имконият бермайдиган ҳолатлар қарздорнинг айби билан содир этилган бўлса, у ҳолда қарздор мажбуриятни бажаришдан озод бўлмайди, бундай ҳолда мажбурият бекор бўлмай ўз кучида қолиб, фақат унинг мазмуни юз берган ҳолатга қараб ўзгариши мумкин. Қарздорнинг ўз айби билан ижро этиб бўлмайдиган ҳолат содир қилинган бўлса, мажбурият бажарилмаслиги учун неустойка ёки зарарни тўлаш бурчидан озод қилинмайди.

Қонун мажбуриятни бажариш мумкин бўлмаслиги фактларини турларга бўлиб кўрсатмайди. Мажбуриятни бажариб бўлмаслиги фактлари ўз характеристига кўра бир неча турга, чунончи, жисмий, ҳукуқий ва иқтисодий фактларга бўлинади. Жисмий жиҳатдан бажариб бўлмаслик деганда, бажарилиши лозим бўлган мажбурият нарсасининг нобуд бўлиши натижасида бажариш мумкин бўлмас-лиги тушунилади. Масалан, ижарага берилаётган бинонинг ёнғин туфайли яроқсиз бўлиб қолганлиги сабабли мажбурият нарсасини бериб бўлмайди.

Ҳукуқий жиҳатдан бажариб бўлмаслик деганда, мажбурият мазмунини ташкил этган ҳаракатни қилишни ваколатли орган томонидан чиқарилган ҳукуқий хўжат билан ман қилиниши тушунилади. Масалан, дори тайёрлаш заводи дори етказиб бериш мажбуриятини олса, лекин тайёрланган дорининг зарарли хусусияти маълум бўлиб қолиб, ваколатли орган фуқаролик муюмаласидан чиқариш тўғрисида буйруқ берса, ҳукуқий асос бўйича бажариб бўлмайдиган ҳолат рўй беради.

Иқтисодий жиҳатдан бажариб бўлмаслиги шу билан характеристикадики, қарздор мажбуриятни бажариш жараёнида ошиқча харажатлар қилиши лозим бўлса, бундай харажатлар туфайли халқ хўжалигига зарар етказилиши сабабли бажарилмаслиги мумкин.

Бундан ташқари, мажбуриятни бутунлай ёки қисман, шунингдек муттасил ва вақтинча бажариб бўлмасликни бир-биридан фарқ қилмоқ керак.

Қисман ижро этиб бўлмаслик, масалан, шартномага асосан топшириладиган бир неча ашёнинг бири ёки бирмунчасининг бузилишидан келиб чиқиши мумкин.

Бутунлай ижро этиб бўлмаслик эса, топширилиши лозим бўлган мулкнинг тасодифий ҳолат сабабли истеъмолга яроқсиз бўлиб қолиши тушунилади.

Вақтингча бажарип бўлмасликка ваколатли орган томонидан берилган буйруқقا асосан мажбурият бажарилиши кечиктирилишини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Вақтингча ижро этиб бўлмасликда мажбурият бутунлай бекор қилинмай, балки бажарилиши вақтингча тўхтатилиб турилади.

Муттасил ижро этиб бўлмасликда бирон тасодифий ҳолат туфайли мажбуриятни ҳеч қачон бажариш мумкин бўлмайди. Масалан, ёнгин туфайли вайрон бўлган муайян бинони ижарага бериш мажбурияти муттасил, ҳеч қачон бажарилмаслиги мумкин.

#### **24.7. Мажбуриятнинг давлат органи ҳужокати асосида бекор бўлиши**

ФКнинг 350-моддасига асосан агар давлат органининг ҳужокати чиқиши натижасида мажбуриятни бажариш тўлиқ ёки қисман мумкин бўлмай қўлса, мажбурият тўлиқ ёки унинг тегишли қисми бекор бўлади. Масалан, Ўзбекистондаги мис комбинати хориждаги корхонага мис етказиб бериш ҳақидаги шартнома бўйича мажбуриятга эга бўлиши мумкин. Борди-ю, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати хорижга мис экспорт қилишни чеклаш ҳақида қарор қабул қилгудай бўлса, ушбу мажбурият бекор бўлади. Бунинг натижасида зарар кўрган тарафлар ФКнинг 12- ва 15-моддаларига мувофиқ уни тўлашни талаб қилишга ҳақлидирлар.

Давлат органининг мажбурият бекор бўлишига асос бўлган ҳужокати белгиланган тартибида ҳақиқий эмас деб топилганда, агар тарафларнинг келишувида ёки мажбуриятнинг моҳиятидан бошқача тартиб келиб чиқмаса ва мажбуриятни бажариш кредитор учун ўз аҳамиятини йўқотмаган бўлса, мажбурият тикланади.

#### **24.8. Фуқаронинг вафот этиши ёки юридик шахснинг тугатилиши сабабли мажбуриятнинг бекор бўлиши**

Мажбурият иштирокчиси бўлган фуқаро вафот этиши туфайли мажбуриятлар барча ҳолларда ҳам тугатилмайди, чунки қонун билан белгиланган баъзи ҳолларда мархумнинг ҳуқуқ ва бурчлари унинг ворисларига ўтади. Жумладан, меросни қабул қилган ворис мерос қолдирувчининг қарзлари юзасидан ўзига ўтган мерос мулкининг ҳақиқий қиймати доирасида жавобгар бўлади. Мерос мулки ворислар

бўлмагани учун давлатга ўтган бўлса, давлат ҳам шу тартибда марҳумнинг қарзлари учун жавоб беради.

Агар мажбуриятни қарздорнинг шахсий иштирокисиз бажариш мумкин бўлмаса ёки мажбурият бошқача тарзда қарздорнинг шахси билан чамбарчас боғлиқ бўлса, қарздор вафот этиши билан бекор бўлади (ФК, 351-модда). Чунончи, вакил вафот этса, у томондан олингтан мажбурият ҳам бекор қилинади, чунки вакиллик шахсий ишончга асосланиб белгиланган ҳуқуқий муносабат ҳисобланади. Агар мажбуриятни бажариш шахсан кредитор учун мўлжалланган ёки мажбурият бошқача тарзда кредиторнинг шахси билан боғлиқ бўлса, кредитор вафот этиши билан мажбурият бекор бўлади. Чунончи, соғлиғига шикаст етказганлиги туфайли зарар ҳақини олиб турган фуқаронинг вафот этиши билан унга нисбатан белгиланган мажбуриятлар ҳам бекор бўлади ва ҳоказо.

Мажбурият қарздор ёки кредитор бўлган юридик шахс тугатилиши билан ҳам бекор бўлади (ФК, 352-модда). Юридик шахснинг қайтадан ташкил бўлишида – ташкилотнинг ишлари ва мулкини тугатмай, бекор қилинганда; яъни барлашиш, бўлиниш ёки қўшилишлари ҳолларида мажбуриятлари тугамайди.

Икки ёки бир неча ташкилот бирлашганда ёки бир ташкилот бир неча ташкилотларга бўлинганда, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари янгидан вужудга келган ташкилот (ёки ташкилотлар)га ўтади.

Бир ташкилот бошқа бир ташкилотга қўшилганда унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қўшиб олаётган ташкилотга ўтади. Юридик шахс банкрот бўлгани сабабли тугатилганда, унинг мажбуриятлари бекор бўлади. Айрим мажбуриятлар, масалан, юридик шахс фуқаронинг ҳаёти ёки соғлиғига зарар етказгани учун тўловлар бўйича мажбуриятда қарздор бўлса, бекор бўлмайди. Бунда ФКнинг 247-моддасига ва банкротлик ҳақидаги қонунчиликка асосан тугатилаётган юридик шахс маблағлари капиталлаштирилиб қўйилади ва мажбуриятнинг ижроси бошқа шахс зиммасига юкландади.

Юқорида кўрсатилган усуллар мажбуриятни бекор қиласиган умумий асослар бўлиб, баъзи ҳолларда мажбуриятлар бошқа асосларда ҳам бекор бўлиши мумкин.

**25.1. Шартнома түшүнчаси ва унинг бозор муносабатлари шароитидаги аҳамияти**

ФКнинг 8-моддаси талабига кўра, шартномалар тарафлар ўртасида фуқаролик ҳуқуқ ва бурчлари вужудга келишининг асосларидан биридир. Шубҳасиз, бугунги кунда шартномаларга алоҳида аҳамият берилмоқда. Чунки шартномаларда бошқа юридик фактларга қараганда, тарафларнинг эрки-иродаси тўла ифодаланади. Шартномага киришувчи шахслар ким билан, қанча, қачон шартнома тузишни у туфайли етказиб берилиши лозим бўлган пул, товар, ашёларни қайси муддатларда, қандай транспортларда етказилишини, тўлов амалдаги қандай шаклларда бўлишини мутлақо ўзи, мустақил ҳал қиласидилар. Улар шартномалар тузишда эркиндиrlар, шартнома тузишга мажбурлашга йўл қўйилмайди<sup>1</sup>. Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, шартномалар тузишнинг эркинлиги, ундан тарафларнинг ўзаро манфаатдорлиги, шартномада шартнома интизомининг мустаҳкамлиги (яъни, ҳалқ тили билан айтганда, “шартноманинг пулдан қимматлиги”), унда маъмурӣ-буйруқбозликка асосланган жавобгарликдан кўра, мулкий жавобгарликнинг кенг белғиланиши ҳўжалик юритувчи субъектларни тобора ушбу ҳуқуқий воситадан (шартномадан) тўлароқ фойдаланишга жалб қилмоқда. Шартномаларнинг аҳамиятини кенг тушунтириш мумкин. Аммо улар-нинг сараси шартномалар тўлов интизомини кучайтиради, тараф-ларнинг фаолиятини ҳар томонлама рағбатлантиради, ўз навбатида тарафларнинг масъулиятини оширади, ҳўжаликнинг дебиторлик ва кредиторлик ҳолатини яхшилади, пировардида тарафларнинг барқарорлигини таъминлайди. Бу эса, ўз навбатида, жамиятда товарлар, хизматлар ва капиталларнинг мўл-кўллигига гаровдир.

Шу маънода соҳанинг тезкор ва таъсирчан ҳуқуқий механизми ни яратиш, шартномалар тузиш ва бажаришни таъминлаш мақсадида мамлакатимизда “Ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг

<sup>1</sup>Аммо бу ҳолатдан айрим истиснолар бор. Чунончи, Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майдаги “Умумий фойдаланишдаги ҳаво, темир йўл, ички сув ва автомобиль транспорти йўловчиларининг мажбурий шахсий сұғуртаси тўғрисида”ги қонунига кўра, парвоз вақтида ёки аэропорт, шоҳбекат, бекат, бандаргоҳда рўй бериши мумкин бўлган баҳтсиз ҳодисаларда давлат мажбурий сұғуртасидан ўтказилиши керак бўлган ҳаво, темир йўл, ички сув ва автомобиль транспорти йўловчилари муқаррар тарзда сұғурталандилар. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. 1993. 6-сон. 250-модда. Ўзбекистоннинг янги қонунлари. 8-сон. -Т.: Адолат. 1994.

шартномавий-хуқуқий базаси тўғрисида” қонун<sup>1</sup> қабул қилинди, шартномаларни тузиш ва бажариш мониторинги юритилмоқда. Булар, ўз навбатида, тузилган шартномаларни тезроқ ва реалроқ ишлашига хизмат қилмоқда.

Шартнома икки ёки ундан ортиқ шахснинг фуқаролик хуқуқлари ва бурчларини белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилишга қаратилган ўзаро келишувиdir.

Шартнома атамаси уч маънода: юридик факт; бирон-бир юридик фактга асосланган, моддий ёки моддий манфаатлар тўғрисидаги хуқуқий муносабат; шахслар (фуқаролар ва ташкилотлар) нима тўғрисида ўзаро келишсалар, шуни акс эттирувчи, ифодаловчи хужожат маъносига ишлатилади. Бу ерда у ўзининг биринчи маъноси – юридик факт сифатида кўрилади ва ўрганилади.

Ёдингизда бўлса, юридик факт тушунчаси “Фуқаролик-хуқуқий муносабат” мавзусида батафсил берилган эди. Унда юридик фактлар мазмуни жиҳатидан икки асосий тоифага: юридик ҳодисалар ва ҳаракатларга бўлинган эди. Юридик ҳаракатлар, ўз навбатида. хуқуқ йўл қўйган ҳаракатлар сифатида бир томонлама ва икки томонлама битимлар (шартномалар) дан иборатлиги кўрсатилган эди. Икки томонлама битимларнинг ҳаммаси (олди-сотди, ижара, қарз ва бошқалар) шартнома ҳисобланади. Бир томонлама битим, масалан, васиятнома шартнома бўла олмайди. Бинобарин, ҳар қандай шартнома битим дейилса ҳам, аммо ҳар қандай битимни шартнома деб атаб бўлмайди.

Демак, шартнома битимнинг бир кўриниши ҳисобланар экан, унга нисбатан битимга оид қоидалар, жумладан, ФКнинг 9-бобидага қоидалар татбиқ этилади. Шу билан бирга, шартнома ўзига тааллуқ-ли бўлган бошқа маҳсус нормалар билан ҳам масалан, “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ётиштирувчилари билан тайёрлов хизмат кўрсатиш ташкилотлари ўртасида шартномалар тузиш, уларни рўй-хатдан ўтказиш, бажариш, шунингдек уларнинг бажарилиши мони-торингини олиб бориш тартиби тўғрисида”ги Низом<sup>2</sup> билан ҳам тартибга солинади.

Шартномадан келиб чиқсан мажбуриятларга, агар қонунларда бошқача ҳол назарда тутилмаган бўлса, ФҚда белгиланган мажбу-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси., 1998 йил. 9-сон. 170-модда. Ўзбекистоннинг янги қонунлари. 20-сон. -Т.: Адолат. 1999.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 сентябрдаги 383-сонли қарорига 1-илова. //“Норма” Юридик ахборот тизими. 2005 йил 1 апрелгача бўлган версияси.

риятлар ҳақидағи умумий қоидалар (ФКнинг 234-352-моддалари) күлланилади.

Иккидан ортиқ тарафлар тузиладиган шартномаларга ҳам агар бундай шартномалар шартномаларнинг кўп тарафламалик хусусиятига зид бўлмаса, шартнома тўғрисидаги умумий қоидалар қўлланилади.

Шартнома ҳуқуқий муносабатларни вужудга келтириш, ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асос бўлиб хизмат қиласди. Аммо шартноманинг ҳаракати бу билан чекланмайди. Агар бошқа юридик фактлар умумий қоида бўйича ҳуқуқий муносабатни вужудга келтириш, ўзгартириш ёки бекор қилиш билан тугалланса, шартнома мазкур юридик фактлардан фарқ қилиб, ҳуқуқий муносабатни белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилишдан ташқари яна ҳуқуқ нормалари билан белгиланган доираларда ҳуқуқий муносабатда қатнашувчиларнинг хатти-ҳаракатларини тартибга солади, ҳуқуқий муносабат иштирокчиларининг ҳуқуқ ва бурчларини белгилайди.

Шартнома билан вужудга келтирилган ҳуқуқий муносабат давомида шартнома тарафларнинг хатти-ҳаракатлари қанчалик қонунга мувофиқ бўлган-бўлмаганлигини ҳам текшириш имкониятини беради<sup>1</sup>.

Шартнома тушунчасида асосий белги, асосий шарт – тарафлар-нинг муайян натижага эришишга қаратилган ўзаро келишувларидир. Тарафларнинг ҳар қайсиси томонидан шартнома бўйича олинадиган ҳуқуқ ва бурчлар ҳар хил бўлса ҳам, улар оқибатида ягона ҳуқуқий натижа беради, масалан, бирон-бир нарсага нисбатан эгалик ҳуқуқи ўтказилади ёки бирон-бир ашёдан фойдаланиш ҳуқуқи олинади ва ҳ.к.

Тарафларнинг келишувлари натижасида эришиладиган бевосита аниқ натижани мазкур шартнома тузишда тарафларнинг ўз олдиларига кўйилган асосий мақсаддан ажратиш керак. Масалан, металлургия заводи машинасозлик заводи билан муайян микдордаги, шарт қилинган нав ва маркали пўлатни етказиб бериш тўғрисида шартнома тузади. Бу ерда тарафлар ўзаро келишувларининг бевосита натижаси металлургия заводи томонидан машинасозлик заводига шартнома билан белгиланган муддатларда ва муайян шартларга биноан маълум микдорда пўлат етказиб бериш ҳисобланади. Шартноманинг мақсади эса ҳар икки тараф учун умумий бўлиб, тарафларнинг ҳар қайсиси шартноманинг барча кўрсаткичларини

<sup>1</sup> Рахманкулов М., Роль и сущность гражданско-правового договора в условиях рыночной экономики. - Т.: Фан. 1994. 113-114-бетлар.

бажаришдан, пировардида фойда (даромад) олишдан иборат бўла-ди. Бинобарин, ҳар икки тараф ҳам шартномани лозим даражада бажаришни ўзларининг бурчлари деб биладилар.

Фуқаролик-хуқуқий шартнома, асосан, мулкий муносабатларни расмийлаштириш учун тузилади. Баъзи ҳолларда шартнома шахсий номулкий хуқуқ ва мажбуриятларни ҳам расмийлаштиради. Бу адабиёт, фан ва санъат асарларини яратиш соҳасидаги ижодий фаолият билан боғлиқ бўлган шартномалар, чунончи, нашриёт шартномаси, саҳна асари, киносценариялар ва бошқа шартномалар учун характерлидир.

Бундай шартномалар тарафларнинг мулкий хуқуқлари ва бурчларинигина, чунончи, муаллифлик ҳақи тўғрисидаги шартларни, муддатларни бузганлик учун жавобгарликнинг белгиламай, балки шахсий-номулкий хуқуқларни ҳам, масалан, муаллиф ўз асарида номини кўрсатиб ёки аноним тарзда чиқариши, асари матнига ўзgartириш киритишга рухсат бериш-бермаслик сингари номулкий хуқуқларни ҳам белгилайди.

## 25.2. Шартномаларнинг турлари

Шартнома унда иштирок этаётган тарафлар ўртасида хуқуқ ва мажбуриятларнинг ўзаро тақсимланишига қараб **бир томонлама, икки томонлама ва кўп томонлама** шартномаларга бўлинади.

Бир томонлама шартномада иштирок этаётган тарафларнинг бирида фақат хуқуқ бўлиб, ҳеч қандай мажбурият бўлмайди, иккинчи тарафда эса фақат мажбурият бўлади. Масалан, қарз шартномасида қарздор олган пул суммасини ўз вақтида қарз берувчига қарзга берган пул суммасини талаб қилиш хуқуқига эга.

Икки томонлама шартномада эса ҳар икки тараф ҳам мустақил хуқуқ ва мажбуриятга эга бўлади. Бундай шартномага олди-сотди шартномасини мисол қилиб келтириш мумкин. Бу шартнома бўйича сотувчи сотилган ашёнинг баҳосини талаб қилиш хуқуқига эга бўлиб, сотилган ашёни олувчига топширишга мажбур, олувчи эса – олаётган ашёнинг баҳосини тўлаши зарур бўлиб, сотиб олинган ашёни талаб қилиб олишга ҳақли.

Фуқаролик муюмаласида тузиладиган шартномаларнинг кўпчилиги икки томонлама, яъни юқорида кўрсатилган олди-сотди шартномасидан ташқари маҳсулот етказиб бериш, мулк ижараси, пудрат ва бошқа шартномалардан иборат бўлади.

Күп томонлама шартномалар ҳам мавжуд бўлиб, унда тарафлар уч ва ундан ортиқ бўлади. Бундай шартларда бир пайтнинг ўзида ҳар бир тарафда муайян ҳуқуқ ва мажбуриятлар бўлиши характерлидир. Масалан: франшизинг, лизинг шартномалари.

Шартномалар **ҳақ бараварига** ва **текинга** тузиладиган шартномаларга бўлинади. Ҳақ бараварига тузиладиган шартномалар бир тараф топширган мулки, қилган хизмати эвазига пул ёки мулк билан ҳақ олади. Масалан, бир тараф вақтингчалик фойдаланиш учун мулкни ижарага оловчи ундан фойдалангани учун ижара ҳаки тўлашга мажбур бўлади. Бундай ҳақ бараварига тузиладиган шартномаларга олди-сотди, маҳсулот етказиб бериш, айирбошлиш, пудрат ва бошқа кўплаб шартномаларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Агар қонун ҳужжатларидан бошқача қоида келиб чиқмаса, шартноманинг мазмуни-моҳиятидан ўзгача ҳол англашилмаса, шартнома ҳақ эвазига тузилган шартнома деб ҳисобланади.

Текинга тузиладиган шартномада эса бир тараф бошқа бир тараф фойдасига ҳақ олмай, бирон-бир мулкни топшириш, бирон ишни бажариши мумкин. Масалан, ҳадя шартномаси бўйича мулк эгаси ўз мулкини бошқа бир шахсга текинга беради. Текин фойдаланиш, фоизсиз қарз шартномалари ҳам бепул тузиладиган шартномаларга киради.

Шартномалар тузилиш пайтига ва мазмунига қараб **консенсуал** ва **реал** шартномаларга бўлинади.

Консенсуал шартномалар ҳуқуқ ва мажбуриятлар тарафларнинг келишувлари асосида қонун талаб қилган шаклда расмийлаштирганлари заҳоти тузилган ҳисобланади. "Консенсуал" сўзи лотинча "консенсус" сўзидан олинган бўлиб, "келишув" маъносини билдиради. Консенсуал шартномага мисол қилиб олди-сотди, маҳсулот етказиб бериш, пудрат, мулкни ижарага бериш каби шартномаларни кўрсатса бўлади. Фуқаролик ҳуқуқида аксарият кўпчилик шартномалар консенсуал шартномалар гуруҳига киради.

Реал шартномалар бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлар тарафлар ўзаро келишган ва шартнома нарсаси ашё ёки пул топширилган пайтдан вужудга келади.

"Реал" сўзи латинча "рес" сўзидан олинган бўлиб, "ашё" маъносини билдиради. Реал шартномага мисол қилиб қарз, омонат, ҳадя, текин фойдаланиш шартномаларини кўрсатиш мумкин.

Учинчи шахс фойдасига тузиладиган шартномалар умумий қоида бўйича шартномадан келиб чиқадиган ҳуқуқ ва мажбуриятлар шартнома тузишда қатнашган тарафлар учун пайдо

бўлади. Айрим ҳолларда шартнома учинчи шахс фойдасига тузилиши ҳам мумкин. Учинчи шахс фойдасига тузилган шартномага мисол қилиб суғурта шартномасини кўрсатиш мумкин. Учинчи шахс шартномада алоҳида тараф ҳисобланмайди. Бироқ, ФКнинг 362-моддасида кўрсатилганидек, агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада ўзгача тартиб назарда тутилмаган бўлса, учинчи шахс шартнома бўйича ўз ҳуқуқидан фойдаланиш ниятини қарздорга билдирган пайтдан бошлаб тарафлар ўзлари тузган шартномани учинчи шахснинг розилигисиз бекор қилишлари ёки ўзгартиришлари мумкин эмас. Шартнома тузган шахс шартномадан келиб чиқсан мажбуриятнинг учинчи шахсга нисбатан бажарилишини шарт қилган бўлса, бу ҳақда шартномада бошқача ҳол кўрсатилмаган бўлса, мажбуриятнинг бажарилишини шартномани тузган шахс ҳам, фойдасига мажбуриятнинг бажарилиши кўрсатилган учинчи шахс ҳам талаб қилиши мумкин.

Агар учинчи шахс ўзига шартнома бўйича берилган ҳуқуқдан воз кечса, шартнома тузган шахс, агар шартноманинг мазмунига хилоф келмаса, бу ҳуқуқдан ўзи фойдаланиши мумкин.

Шартномалар, шунингдек оммавий шартнома, қўшилиш шартномаси ва дастлабки шартнома қаби турларга ҳам бўлинади.

Ташкилот тарафидан тузилган ҳамда унинг бундай ташкилот ўз фаолияти хусусиятига кўра ўзига мурожаат қиладиган ҳар бир шахсга нисбатан амалга ошириш шарт бўлган товарлар сотиш, ишлар бажариш ёки хизматлар кўрсатиш соҳасидаги вазифаларини (чакана савдо, жамоат транспортида йўловчи ташиш, алоқа хизмати, электр қуввати билан таъминлаш, тиббий хизмат, меҳмонхона хизмати ва бошқаларни) белгилаб қўядиган шартнома тузишда бир шахсни бошқа шахсга нисбатан афзал кўришга ҳақли эмас (қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллардан ташқари).

Товарлар, ишлар, хизматларнинг баҳоси; шунингдек оммавий шартноманинг бошқа шартлари ҳамма истеъмолчилар учун бир хил қилиб белгиланади. Ташкилотнинг истеъмолчига тегишли товарларни бериши, хизматлар кўрсатиши, унинг учун тегишли ишларни бажариш имконияти бўла туриб оммавий шартнома тузишдан бош тортишига йўл қўйилмайди. Ташкилот оммавий шартнома тузишдан асоссиз бош торtgанида ҳаридор (мижоз) уни суд орқали шартнома тузишга мажбур қилиш имкониятига (ФК, 358-модда) эга. Майиши пудрат, йўловчи ташиш, ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномалари оммавий шартномалардир.

Шартларини тарафлардан бири формулярлар ёки бошқа стандарт шаклларда таърифлаган ҳамда иккинчи тараф фақат таклиф қилинган шартномага бутунлай қўшилиш йўли билан қабул қилиши мумкин бўлган шартнома қўшилиш шартномаси дейилади. Бундай шартномаларга мисол қилиб ҳаво ва темир йўл транспортида юк ва йўловчилар ташиш шартномаларини кўрсатиш мумкин. Одатда, бундай шартномалар мазмуни ҳамма учун деярли бир хил бўлиб, олдиндан белгилаб қўйилади ва бинобарин, мижоз унинг шартларини бошқача тузишни таклиф этиш имкониятига эга эмас. Бироқ қўшилиш шартномаси мижознинг ўз ихтиёри, эрки ва иродаси билан шартномага қўшилишини билдиради. Бундай шартномаларни асло бир томонлама битим деб ҳисоблаш мумкин эмас. Қўшилиш шартномасини бекор қилиш ёки шартномаларини ўзгартириш асослари ФКнинг 360-моддасида назарда тутилган.

Дастлабки шартнома бўйича тарафлар келгусида мол-мулк бериш, ишлар бажариш ёки хизматлар кўрсатиш ҳақида дастлабки шартномада назарда тутилган шартлар асосида шартнома тузиш (асосий шартнома) мажбуриятини оладилар.

Дастлабки шартнома асосий шартнома учун белгиланган шаклда, борди-ю, асосий шартноманинг шакли аникланмаган бўлса, ёзма шаклда тузилади. Дастлабки шартноманинг шакли тўғрисидаги қоидаларга риоя қиласлик унинг ҳақиқий саналмаслигига сабаб бўлади. Дастлабки шартномада асосий шартноманинг нарсасини, шунингдек бошқа муҳим шартларини белгилаб қўйиш имконини берадиган шартлар бўлиши керак. Дастлабки шартномада асосий шартномани тузиш муддати кўрсатилган бўлиши лозим, агар кўрсатилмаган бўлса, дастлабки шартнома тузилган вақтдан бошлаб бир йил ичida тузилиши шарт (ФК, 361-модда). Биржаларда тузиладиган турли хил шартномалар; жумладан, форвард, фьючерс, опцион битимлар – дастлабки шартномалардир.

### 25.3. Шартноманинг мазмуни

Шартноманинг мазмунини унинг бандлари (шартлари, реквизитлари) ташкил этади. Амалдаги қонунчиликка кўра, агар тарафлар ўртасида шартноманинг барча муҳим шартлари юзасидан шундай ҳолларда талаб қилинадиган шаклда келишувга эришилган бўлса, шартнома тузилган ҳисобланади.

Шартнома шартлари (бандлари) муҳим, одатдаги ва тасодифий шартларга бўлинади. Шартноманинг нарсаси тўғрисидаги шартлар

қонун ҳужжатларида бундай турдаги шартномалар учун мұхим ёки зарур деб ҳисобланған шартлар; шунингдек, тарафлардан бирининг аризасига күра келишиб олиниши зарур бўлган ҳамма шартлар мұхим шартлар ҳисобланади. Баъзи шартномалар учун хос мұхим бандлар қонун билан белгиланади. Чунончи, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқуқий базаси тўғрисида"ги қонуннинг 10-моддасида, "Қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиширувчилар билан тайёрлов, хизмат кўрсатиш ташкилотлари ўртасида шартномалар тузиш, уларни рўйхатдан ўтказиш, бажариш; шунингдек, уларнинг бажарилиш мониторингини олиб бориш тартиби тўғрисида"ги Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 сентябрдаги 383-сонли қарори билан тасдиқланган Низомнинг II бандига мувофиқ, шартномаларда қуйидагилар кўрсатилади:

- шартноманинг мавзуси, маҳсулотнинг номи, ассортименти, миқдори (ҳажми), сифати, нархи (турлари бўйича);
- шартноманинг умумий суммаси;
- томонларнинг хуқуқлари ва ўзаро мажбуриятлари;
- маҳсулотларни етказиб бериш тартиби ва шартлари, топшириш – қабул қилиб олиш (ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш) пунктлари ва даврлари (муддатлари);
- идишга, маркировка қилишга, ўраш-жойлашга қўйиладиган талаблар;
- ҳисоб-китоблар тартиби, шакли ва муддатлари, томонларнинг тўлов, поча ва юклаб жўнатиш реквизитлари;
- шартнома мажбуриятлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажармаганлиги учун томонларнинг мулкий жавобгарлиги;
- низоларни, форс-мажор ҳолатларни ҳал этиш тартиби, томонларнинг реквизитлари, шартнома тузилган сана ва жой.

Давлат эҳтиёjlари учун қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини ҳарид қилиш юзасидан тузиладиган контрактация шартномаларида давлат эҳтиёjlари учун ҳарид қилинадиган ҳамда ҳўжаликлар ихтиёрида қоладиган маҳсулотларнинг сорти ва миқдори ҳам кўрсатилади.

Одатдаги шартлар муайян мажбуриятга оид муносабатни тартибга соладиган диспозитив нормалар билан белгиланадиган шартлар ҳисобланади. Бундай шартлар одатдагидек назарда тутилади. Масалан, мулк ижараси шартномасида мулкни майда (жорий) таъмирлаш шарт қилиб кўрсатилса ҳам, кўрсатилмаса ҳам бўлади, чунки бу шарт тўғрисида қонунчиликда (дипозитив характердаги) кўрсатма берилган.

Тасодифий шартлар умумий ҳуқуқ мөъёрлари билан тартибга солинмаган масалалар бўйича ўзаро келишув бўлиб кўрилади. Чунончи, ижара га олинган мулкни таъмирлаш муддати тўғрисидаги масала тасодифий шартлардан бири ҳисобланади.

Шартномада унинг айрим шартлари тегишли турдаги шартномалар учун ишлаб чиқилган намунавий шартлар билан белгиланиши назарда тутилиши мумкин. Шартномада намунавий шартларга ҳавола қилинмаган ҳолларда бундай намунавий шартлар тарафларнинг муносабатларига иш муюмласи одатлари сифатида қўлланилади (ФК, 359-модда).

## 25.4. Шартнома тузиш

Шартноманинг тузилиши ФКнинг 354-моддасида кўрсатилганидек, агар тарафлар ўртасида шартноманинг барча талаб қилинадиган шаклда келишувга эришилган бўлса, шартнома тузилган ҳисобланади.

Шартноманинг умумий тартибда тузилиши икки давр билан белгиланади. Биринчи давр – шартнома тузишга таклиф қилиш даври; бу оферта, шартнома тузишга таклиф қилувчи эса, офферент, деб аталади.

Иккинчи давр – шартнома тузиш тўғрисидаги таклифни қабул қилиш даври; бу акцепт, таклифни қабул қилувчи акцептант деб айтилади.

Шартнома тузишнинг умумий тартибига оид қоидалар ФКнинг 364-381-моддаларида берилган. Бу қоидаларда айтилишича, агар шартнома тузиш тўғрисидаги таклиф (оферта) жавоб учун муддат тайинлаб қилинган бўлса, бу ҳолда шартнома иккинчи тараф (акцептант) томонидан таклифнинг қабул қилинганилиги тўғрисидаги жавоб шу муддат ичida таклиф қилувчи (офферент) томонидан олинган ҳолдагина тузилган ҳисобланади. Оферта йўллаган шахс унинг акцептини олган пайтдан шартнома тузилган ҳисобланади.

Шартнома тузилиши учун тарафлар ўзаро келишувининг ўзигина кифоя эмас. Бу келишув тегишли шаклда расмийлаштирилган бўлиши шарт. Шартномаларнинг шакли ФКнинг 366-моддасида белгиланган қоидаларга мувофиқ бўлиши шарт. Унга асосан, агар қонунда муайян турдаги шартномалар учун маълум бир шакл белгилаб қўйилмаган бўлса, шартнома битимлар тузиш учун назарда тутилган ҳар қандай шаклда тузилиши мумкин.

Нотариал тасдиқланиши ёки давлат рўйхатидан ўтказилиши шарт бўлган шартнома нотариал тасдиқланган ёки рўйхатдан ўтказилган пайтдан эътиборан, нотариал тасдиқланиши ва рўйхатдан

үтказилиши зарур бўлганда эса – шартнома рўйхатдан ўтказил-ган пайтдан эътиборан шартнома тузилган ҳисобланади.

Агар тарафлар шартномани муайян шаклда тузишга келишган бўлсалар, гарчи қонунда бу турдаги шартномалар учун бундай шакл талаб қилинган бўлмаса-да, шартнома белгиланган шаклга келтирилганидан кейин тузилган ҳисобланади.

Ёзма шартнома тарафлар имзолаган битта ҳужжатни тузиш йўли билан; шунингдек, почта, телеграф, телетайп, телефон, электрон алоқа ёки ҳужжат шартномадаги тарафдан чиққанлигини ишончли суратда аниқлаш имконини берадиган бошқа алоқа ёрдамида ҳужжатлар алмашиш йўли билан тузилиши мумкин.

Шартнома тузиш ҳақидаги таклиф (оферта) акцептантга билдирилгунича чақириб олиниши мумкин. Бироқ у акцептант томонидан қабул қилиб олинган бўлса, акцептлаш учун белгиланган муддат давомида чақириб олиниши мумкин эмас.

Оферта муайян шахсга ҳам, номуайян шахсларга ҳам қаратилган бўлиши мумкин. Масалан, маҳсулотни реклама қилиш, ўз хизматини таклиф этиб эълон бериш – номуайян шахслар доирасида йўлланган оферта ҳисобланади. Бундай офертани, одатда, оммавий оферта деб ҳам юритилади.

Оферта юборилган шахснинг уни қабул қилганлиги ҳақидаги жавоби акцепт ҳисобланади. Акцепт тўлиқ ва писандасиз бўлмоғи шарт. Агар қонундан, иш муомаласи одатидан ёки тарафларнинг иш бўйича аввалги муносабатларидан бошқача маъно келиб чиқмаса, сукут сақлаш акцепт бўлмайди.

Агар шартнома түғрисидаги таклиф (оферта) жавоб учун муддат тайинланмасдан, оғзаки равишда қилинган бўлса, иккинчи тараф (акцептант) бу таклифни қабул қилганлигини дарҳол таклиф қилувчига (офферентга) билдирган ҳолдагина шартнома тузилган ҳисобланади.

Агар бундай таклиф ёзма равишда қилинган бўлса, таклифни қабул қилганлик (акцепт) тўғрисидаги жавоб уни олиш учун лозим бўлган нормал вақт давомида олинган тақдирдагина, шартнома тузилган ҳисобланади.

Агар шартнома тузишга рози бўлганлик тўғрисидаги кечиктирилиб олинган жавобдан унинг ўз вақтида юборилганлиги маълум бўлса, бу ҳолда таклиф қилувчи шахс (офферент жавобнинг кечиктирилиб олинганлиги тўғрисида иккинчи тараф (акцептант) ни дарҳол хабардор қилсагина жавоб кечиктирилган ҳисобланади. Бу ҳолда жавоб айни пайтда янги таклиф (оферта) ҳисобланади.

ФКнинг 375-моддасида кўрсатилганидек, офертада тақлиф қилинганидан бошқача шартлар асосида шартнома тузишга розилик билдириш тўғрисидаги жавоб акцепт ҳисобланмайди. Бундай жавоб акцептдан бош тортиш ва айни вақтда янги оферта ҳисобланади.

Одатда, шартномада у тузилган жой кўрсатиб ўтилиши керак. Агар шартномада унинг тузилган жойи кўрсатилмаган бўлса, шартнома оферта йўллаган фуқаронинг яшаш жойида ёки юридик шахснинг жойлашган ерида тузилган ҳисобланади (ФК, 376-модда).

Айни пайтда "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқуқий базаси тўғрисида"ги қонунда белгиланишича, контрактация шартномалари қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштирувчи жойлашган ерда тузилади.

Юқорида айтганимиздек, шартномалар тузишда тарафлар эркиндирлар. Бинобарин, ҳеч қайси тараф шартнома тузишга мажбур қилинмайди. Бироқ айрим ҳолларда мажбурий шартнома тузилиши мумкин. Бунда шартнома тузиш ўзи учун мажбурий бўлган тараф оферта олган кундан бошлаб ўттиз кун ичida бошқача шартлар асосида акцептлаши ҳақида (шартнома лойиҳасига ўзининг эътиrozлари баённомасини кўшган ҳолда) билдириш йўллаши лозим.

Башарти, шартнома тузиш офферент учун мажбурий бўлса-ю, у ўз таклифларига бошқача шартлар асосида акцептлаш олса (шартнома лойиҳасига эътиrozлар баённомаси билан бирга), у ҳолда бу тараф билдириш хабарнома олинган ёки акцепт муддати тамом бўлган кундан бошлаб, ўттиз кун ичida келишмовчиликларни бартараф этиш учун судга мурожаат қилишга ҳақли.

Шартнома тузиши мажбурий бўлган тараф уни тузишдан бош тортса, иккинчи тараф уни шартнома тузишга мажбур этиш талаби билан судга мурожаат қилишга ҳақли. Шартнома тузишдан асоссиз бўйин товлаётган тараф шу тифайли етказилган зарарни бошқача тарафга тўлаши шарт.

Шартнома тузиш вақтида вужудга келган келишмовчиликлар судда кўриб чиқилган ҳолларда, келишмовчиликларга сабаб бўлган шартлар суд томонидан белгиланади.

Шунингдек, шартномалар ким ошди савдосида ҳам тузилиши мумкин. Бундай ҳолларда обьектни, мулкни, товарни олди-сотди шартномаси ким ошди савдосини ўтказган ташкилот билан савдода ғолиб чиқсан шахс (ашёнинг мулқдори, мулкий ҳуқуқ эгаси ёки ихтисослашган ташкилот) ўртасида тузилади. ФКнинг 374- моддасида белгиланганидек, қонунда кўрсатилган ҳолларда, ашёни ёки мулкий ҳуқуқни сотиш тўғрисидаги шартномалар факат ким ошди савдоси

ўтказиш йўли билан тузилиши мумкин. Шунингдек, ким ошди савдоси суд қарорлари ижросини таъминлаш учун ҳам ўтказилади (шартнома мажбуриятлари юзасидан ундирув мажбурий равишда суд томонидан қарздорнинг мол-мулкларига қаратилган ҳолларда, бундай мол-мулкларнинг муҳофазаси таъминланмайди ҳам).

Ким ошди савдоси аукцион ёки танлов шаклида амалга оширилади. Одатда, битта иштирокчи қатнашган ким ошди савдоси ўтказилмаган ҳисобланади. Аукцион ва танловлар очик (бунда хоҳлаган шахслар қатнашишлари мумкин) ва ёпиқ (махсус таклиф этилган шахслар қатнашишлари мумкин) шаклида ўтказилиши мумкин. Ким ошди савдосини ўтказиш шаклини агар қонунда бошқача ҳол белгиланмаган бўлса, сотиладиган мол-мулкнинг мулқдори белгилайди.

Очиқ турдаги ким ошди савдосига қилинган таклиф (хабар) ни оммавий оферта деса ҳам бўлади. Унда ким ошди савдосининг вақти, жойи, шакли, савдога нима қўйилаётгани, ўтказиш тартиби, қатнашчиларни расмийлаштириш, савдога қўйилаётган объектнинг бошланғич нархи тўғрисидаги; шунингдек, савдога шартнома тузиш ҳукуқи қўйилаётган бўлса, бунга бериладиган муддат ҳақидаги маълумот бўлиши мумкин.

Савдо ташкилотчиси аукцион ўтказишдан хоҳлаган вақтда, лекин у ўтказиладиган кундан камида уч кун олдин, танлов ўтказишдан эса – камида ўттиз кун олдин бош тортишга ҳақли.

Бундай ҳолларда ташкилотчи иштирокчилар кўрган ҳақиқий заарларни (харажатларни), ёпиқ савдолар ташкилотчиси ўзи таклиф этган иштирокчиларнинг реал заарини тўлайди. Шунингдек, иштирокчиларга улар дастлаб ташкилотчига тўлаган закалат пули ҳам тўланади. Айни пайтда закалат савдода қатнашган, аммо ғолиб чиқмаган шахсларга ҳам қайтарилади.

Ғолиб билан ташкилотчи ўртасида савдо натижалари тўғрисида баённома тузилади. Бу баённома ашёни, объектни ёки мулкий ҳукуқларни олди-сотди шартномасига тенгглаштирилади. Баённома имзолашдан бош тортган ғолиб чиқсан шахс тўлаган закалатидан маҳрум бўлади. Ташкилотчи имзолашдан бош тортганида закалатни икки ҳисса қилиб, шунингдек ғолибга савдода қатнашиши туфайли етказилган заарнинг закалатдан ортиқ бўлган қисмини тўлайди.

## 25.5. Шартномаларни ўзгартириш ва бекор қилиш

Умумий қоида бүйича, шартнома тарафларнинг келишувига мувофиқ ўзгартирилиши ва бекор қилиниши мумкин.

Тарафлардан бирининг талаби билан шартнома суд томонидан фақат қуидаги ҳоллардагина ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин:

1) иккинчи тараф шартномани жиддий равишда бузса;

2) Фуқаролик кодекси, бошқа қонунлар ва шартномада тузилган ўзга ҳолатларда.

Тарафлардан бирининг шартнома бузиши иккинчи тарафга у шартнома тузишга умид қилишга ҳақли бўлган нарсадан кўп даражада маҳрум бўладиган қилиб зарар етказиши шартномани жиддий бузиш ҳисобланади.

Бир тараф шартнома бажаришда тўла ёки қисман бош тортиб, қонун ёхуд тарафларнинг келишувида бунга йўл қўйса, шартнома тегишлича бекор қилинган ва ўзгартирилган ҳисобланади.

Қонун вазият жиддий ўзгариши муносабати билан шартномани ўзгартириш ва бекор қилишга ҳам йўл қўяди. Шартнома тузишда тарафлар учун асос бўлган вазиятнинг жиддий ўзгариши, агар бошқача тартиб шартномада назарда тутилмаган бўлса ёки унинг моҳиятидан англашилмаса, шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асос бўлади.

Вазиятни тарафлар олдиндан кўра олганларида шартнома умуман тузмасликлари ёки анча фарқ қиласидиган шартлар билан тузишлари, мумкин бўлган даражада ўзгартириши жиддий ўзгариш ҳисобланади.

Агар тарафлар шартномани жиддий ўзгарган вазиятга мувофиқлаштириш ёки уни бекор қилиш ҳақида ўзаро келиша олмаган бўлсалар, шартнома манфаатдор тарафнинг талаби билан ФКнинг 383-моддасида кўрсатилган шартлар мавжуд бўлган ҳолларда шартнома суд томонидан бекор қилиниши мумкин.

Башарти, қонун ҳужоатларидан, шартнома ёки иш муомаласи одатларидан бошқача тартиб келиб чиқмаса, шартнома қандай шаклда тузилган бўлса, уни ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги келишув ҳам шундай шаклда тузилади. Бир тараф шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидағи таклифга иккинчи тарафдан рад жавоби олганидан кейингина ёки таклифда кўрсатилган ёхуд қонунда ёинки шартномада белгиланган муддатда, бундай муддат бўлмаганида эса – ўттиз кунлик муддатда жавоб олмага-

нидан кейин шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидағи талабни судга тақдим этиши мүмкін.

Агар қонунда ёки тарафларнинг келишувіда бошқача тартиб белгилаб қўйилмаган бўлса, тарафлар шартнома ўзгартирилгунча ёки бекор қилингунча мажбурият бўйича ўзлари бажарган нарсаларни қайтариб беришни талаб қилишга ҳақли эмаслар.

# МУНДАРИЖА

<b>ДАРСЛИК ҲАҚИДА .....</b>	3
 <b>Биринчи боб</b>	
<b>ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ ТУШУНЧАСИ, ТАМОЙИЛЛАРИ ВА ТИЗИМИ</b>	
1.1. Фуқаролик ҳуқуки түшүнчаси .....	5
1.2. Фуқаролик ҳуқуқининг асосий тамойиллари .....	11
1.3. Фуқаролик ҳуқуқи тизими .....	15
1.4. Ўзбекистонда фуқаролик ҳуқуқининг асосий ривожланиш босқичлари .....	26
 <b>Иккинчи боб</b>	
<b>ҲОЗИРГИ ЗАМОН ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИННИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ</b>	
2.1. Ҳозирги замонда амал қилувчи асосий фуқаролик- ҳуқукий тизимлар .....	35
2.2. Фуқаролик ҳуқукий муносабатларни мусулмон ҳуқуки тизимида тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари .....	51
 <b>Учинчи боб</b>	
<b>ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИННИНГ МАНБАЛАРИ</b>	
3.1. Фуқаролик ҳуқуки манбалари түшүнчаси ва турлари .....	59
3.2. Фуқаролик қонунларининг вақт, худуд ва шахслар бўйича амалда бўлиши .....	64
3.3. Фуқаролик ҳуқуқида қонун аналогияси ва ҳуқуқ анalogияси .....	66
3.4. Фуқаролик-ҳуқукий нормаларни шарҳлаш ва уларнинг турлари .....	67
 <b>Тўртинчи боб</b>	
<b>ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТ</b>	
4.1. Фуқаролик ҳуқукий муносабат түшүнчаси .....	71
4.2. Фуқаролик ҳуқукий муносабатларнинг турлари (таснифи) .....	74
4.3. Фуқаролик ҳуқуклари ва бурчларининг келиб чиқиш	

асослари. Юридик фактлар .....	77
4.4. Фуқаролик ҳуқуқларининг амалга оширилиши ва бурчларининг бажарилиши. Фуқаролик ҳуқуқларининг ҳимоя қилиниши .....	79

## **Бешинчи боб**

### **ФУҚАРОЛАР-ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИННИГ СУБЪЕКТЛАРИ СИФАТИДА**

5.1. Фуқаролик ҳуқук лаёқати тушунчаси .....	82
5.2. Ҳуқук лаёқатининг бошланиши ва тамом бўлиши. ....	84
5.3. Фуқароларнинг муомала лаёқати.....	85
5.4. Васийлик ва ҳомийлик .....	88
5.5. Хусусий тадбиркор фуқароларнинг ҳуқуқий мақоми .....	91
5.6. Фуқароларнинг турар жойи .....	92
5.7. Фуқарони бедарак йўқолган деб топиш ёки вафот этган деб эълон қилиш.....	93
5.8. Фуқаролик ҳолати ҳужжатларини қайд этиш .....	96

## **Олтинчи боб**

### **ЮРИДИК ШАХСЛАР**

6.1. Фуқаролик ҳуқуқида юридик шахс тушунчаси ва белгилари .....	100
6.2. Юридик шахснинг ҳуқук лаёқати ва муомала лаёқати .....	103
6.3. Юридик шахсларнинг вужудга келиш ва бекор бўлиш тартиби .....	105
6.4. Юридик шахсларнинг турлари. ....	109
6.5. Хусусий корхоналар – юридик шахс сифатида .....	110
6.6. Ҳўжалик ширкатлари – юридик шахс сифатида .....	114
6.7. Ҳўжалик жамиятлари – юридик шахс сифатида .....	117
6.8. Давлат корхоналари – юридик шахс сифатида.....	124
6.9. Ишлаб чиқариш кооперативлари – юридик шахс сифатида .....	125
6.10. Матлубот кооперативи – юридик шахс сифатида .....	127
6.11. Жамоат бирлашмалари – юридик шахс сифатида.....	128
6.12. Жамоат фондлари – юридик шахс сифатида .....	130
6.13. Давлат муассасалари – юридик шахс сифатида. ....	131
6.14. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари –	

юридик шахс сифатида .....	131
6.15. Юридик шахсларнинг филиаллари ва ваколатхоналари.....	132
6.16. Юридик шахсларнинг товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар тайёрланган, ишлаб чиқарилган номларига бўлган ҳуқуқ.....	133

### ***Еттинчи боб***

## **ДАВЛАТ – ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАР СУБЪЕКТИ СИФАТИДА**

7.1. Умумий қоидалар.....	136
7.2. Ўзбекистон Республикаси мамлакатнинг ички оборотида фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг субъекти .....	138
7.3. Ўзбекистон Республикаси - мамлакатнинг ташқи оборотида фуқаролик ҳуқуқий муносабатларнинг иштирокчиси .....	141

### ***Саккизинчи боб***

## **ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИННИГ ОБЪЕКТЛАРИ**

8.1. Фуқаролик ҳуқуқи обьектлари тушунчаси ва турлари.....	144
8.2. Ашёлар фуқаролик ҳуқуқининг обьекти сифатида .....	144
8.3. Мол-мулклар фуқаролик ҳуқуқининг обьекти сифатида .....	149
8.4. Пуллар ва қимматли қофозлар – фуқаролик ҳуқуқининг обьекти сифатида .....	150
8.5. Номоддий неъматлар тушунчаси ва таркиби .....	153
8.6. Интеллектуал фаолият натижалари, хизмат ва тижорат сири - фуқаролик ҳуқуқининг обьекти сифатида .....	157
8.7. Ишлар ва хизматлар - фуқаролик ҳуқуқининг обьекти сифатида .....	160

## **8.8.ШАХСИЙ НОМУЛКИЙ ҲУҚУҚЛАР ТУШУНЧАСИ ВА ТУРЛАРИ**

8.8.1. Номулкий ҳуқуқларнинг тушунчаси ва белгилари .....	161
8.8.2. Номулкий ҳуқуқларнинг таснифи ва туркумлаш мезонлари .....	164
8.8.3. Шаън, қадр-қиммат ва ишчанлик обўйини	

фуқаролик-хуқуқий ҳимоя қилиш .....	168
8.8.4. Фуқаронинг исмга (номга) бўлган хуқуқи ва уни фуқаролик хуқуқий ҳимоя қилиш .....	170

## ***Тўққизинчи боб***

### **БИТИМЛАР**

9.1. Битимлар тушунчаси ва турлари .....	173
9.2. Битимларнинг муддатлари ва шартли битимлар .....	175
9.3. Битим шакллари .....	176
9.4. Биржা битимлари .....	180
9.5. Битимнинг ҳақиқий саналиш шартлари .....	181
9.6. Ўз-ўзидан ҳақиқий саналмайдиган битим турлари ва уларнинг хуқуқий оқибатлари .....	183
9.7. Низоли битимларнинг турлари ва уларнинг ҳақиқий саналмаслиги оқибатлари .....	186

## ***Ўнинчи боб***

### **ВАКИЛЛИК ВА ИШОНЧНОМА**

10.1. Вакиллик тушунчаси .....	190
10.2. Ваколат ва унинг турлари .....	191
10.3. Ишончнома .....	193

## ***Ўн биринчи боб***

### **МУДДАТЛАР**

11.1. Муддат тушунчаси .....	197
11.2. Муддатлар ўтишининг бошланиши ва тамом бўлиши .....	202

## ***Ўн иккинчи боб***

### **ДАЪВО МУДДАТИ**

12.1. Даъво муддатлари .....	204
12.2. Даъво муддатининг турлари .....	205
12.3. Даъво муддатининг ўта бошлиши .....	206
12.4. Даъво муддати ўтишининг тўхтатилиши, узилиши ва даъво муддатининг тикланиши .....	207
12.5. Даъво муддати ўтишининг оқибатлари .....	209
12.6. Даъво муддати жорий қилинмайдиган талаблар .....	209

## **Ўн учинчи боб МУЛК ҲУҚУҚИ**

13.1. Мулк ва мулк ҳуқуқи тушунчалари .....	211
13.2. Мулк ҳуқуқининг мазмуни .....	213
13.3. Мулк ҳуқуқининг вужудга келиш ва бекор бўлиш асослари .....	217
13.4. Мулк ҳуқуқининг асосий тамойиллар .....	222
13.5. Мулк шакллари .....	222

## **Ўн тўртинчи боб ХУСУСИЙ МУЛК ҲУҚУҚИ**

14.1.Хусусий мулк тушунчаси .....	224
14.2. Хусусий мулк ҳуқуқи субъектлари .....	224
14.3. Хусусий мулк ҳуқуқи объектлари .....	234

## **Ўн бешинчи боб**

### **ОММАВИЙ (ДАВЛАТ) МУЛК ҲУҚУҚИ**

15.1. Оммавий (давлат) мулкнинг турлари .....	237
15.2. Оммавий (давлат) мулкнинг зарурати ва манбалари.....	237
15.3. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусиялаштириш.....	238
15.4. Давлат корхонасининг мулки .....	240
15.5. Давлат муассасаларининг мол-мулки .....	240
15.6. Давлат ижара корхонасининг мол-мулки.....	240

## **Ўн олтинчи боб**

### **АШЁВИЙ ҲУҚУҚЛАР**

16.1. Ашёвий ҳуқук тушунчаси ва тур лари .....	241
16.2. Ҳўжалик юритиш ҳуқуқи ва оператив бошқариш ҳуқуқи.....	241
16.3. Мерос қилиб қолдириладиган ер участкасига умрбод эгалик қилиш ҳуқуқлари .....	244
16.4. Ер участкасига доимий эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқи .....	245
16.5. Сервитут ҳуқуқи .....	246

## **Үн еттинчи боб**

### **УМУМИЙ МУЛК ҲУҚУҚИ**

17.1. Умумий мулк ҳуқуқи түшүнчаси. Умумий мулк турлари.....	247
17.2. Умумий улушли мулкни эгаллаш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш.....	249
17.3. Умумий мулкдан улуш ажратиш ва уни тақсимлаш.....	251
17.4. Эр-хотинлар ўртасидаги мулк ҳуқуқи .....	252
17.5. Дөхкон ва фермер хўжалигининг мулк ҳуқуқи .....	253

## **Үн саккизинчи боб**

### **МУЛК ҲУҚУҚИ ВА БОШҚА АШЁВИЙ ҲУҚУҚЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ**

18.1. Мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш усуллари .....	255
18.2. Мол-мулкни бошқа шахснинг қонунсиз әгалигидан талаб қилиб олиш (виндикацион даъво).....	257
18.3. Мулкдан фойдаланишда мулк эгасига қилинган тўсқинликларни бартараф этиш (негатор даъволар) .....	262
18.4. Мулкий ҳуқуқни фуқаролик ҳуқуқи нормалари билан ҳимоя қилишнинг бошқа усуллари .....	263

## **Үн тўққизинчи боб**

### **МАЖБУРИЯТ ҲУҚУҚИ ТУШУНЧАСИ, ТИЗИМИ, ВУЖУДГА КЕЛИШ АСОСЛАРИ**

19.1. Мажбурият ва мажбурият ҳуқуқи түшүнчалари .....	266
19.2. Мажбуриятларни вужудга келиш асослари .....	272

## **Йигирманчи боб**

### **МАЖБУРИЯТ СУБЪЕКТЛАРИ**

20.1. Мажбуриятда қатнашувчи тарафлар, улушли ва шерик мажбуриятлар .....	276
20.2. Мажбуриятда қатнашувчи тарафларнинг кўпчилик бўлиши .....	276
20.3. Мажбуриятдаги шахсларнинг ўзгариши .....	281
20.4. Регресс (қайтарма) мажбурият.....	284

## *Йигирма биринчи боб*

### **МАЖБУРИЯТЛАРНИ БАЖАРИШ**

21.1. Мажбуриятларни бажариш тушунчаси ва тамойиллари .....	286
21.2. Мажбуриятларни бажарувчи субъектлар (шахслар).....	289
21.3. Бажариш предмети .....	290
21.4. Мажбуриятни бажариш муддати, жойи ва усули .....	292

## *Йигирма иккинчи боб*

### **МАЖБУРИЯТЛАРНИНГ БАЖАРИЛИШИНИ**

#### **ТАЪМИНЛАШ**

22.1.Мажбуриятларни бажарилишини таъминлаш тушунчаси.....	296
22.2.Неустойка – мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш усули сифатида .....	298
22.3.Гаров – мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш усули сифатида.....	305
22.4.Қарздорнинг мол-мулкини ушлаб қолиш – мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш усули сифатида .....	317
22.5.Закалат – мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш усули сифатида .....	318
22.6.Кафиллик – мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш усули .....	319
22.7.Кафолат – мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш усули сифатида .....	322

## *Йигирма учинчи боб*

### **МАЖБУРИЯТЛАРНИ БУЗГАНЛИК УЧУН**

#### **ЖАВОБГАРЛИК**

23.1.Мажбуриятларнинг бузилиши ва бунинг учун фуқаролик-хұқықий жавобгарлик тушунчаси .....	325
23.2.Мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарлик асослари .....	330
23.3.Қарздорнинг заарни тұлаш мажбурияти.....	341
23.4.Қарздорнинг жавобгарликтан озод қилиниши асослари .....	344

23.5. Мажбуриятнинг қарздор ва кредитор томонидан  
кечикирилиши оқибатлари ..... 347

### *Йигирма тўртинчи боб*

#### **МАЖБУРИЯТЛАРНИНГ БЕКОР БЎЛИШИ**

24.1. Мажбуриятларнинг бекор бўлиши тушунчаси.....	352
24.2. Мажбуриятларнинг бажарилиши билан бекор бўлиши .....	352
24.3. Мажбуриятларнинг ҳисобга ўтказиш йўли билан бекор бўлиши.....	354
24.4. Қарздор билан кредитор бир шахс бўлиб қолганида мажбуриятнинг бекор бўлиши .....	356
24.5. Тарафларнинг келишуви бўйича ва қарздорни қарздан воз кечиши бўйича мажбуриятнинг бекор бўлиши .....	357
24.6. Бажариш мумкин бўлмаганлиги туфайли мажбуриятнинг бекор бўлиши .....	358
24.7. Мажбуриятнинг давлат органи ҳужоати асосида бекор бўлиши.....	360
24.8. Фуқаронинг вафот этиши ёки юридик шахснинг тутагилиши сабабли мажбуриятнинг бекор бўлиши.....	360

### *Йигирма бешинчи боб*

#### **ШАРТНОМА ТЎҒРИСИДА УМУМИЙ ТУШУНЧАЛАР**

25.1. Шартнома тушунчаси ва унинг бозор муносабатлари шароитидаги аҳамияти.....	362
25.2. Шартномаларнинг турлари .....	365
25.3. Шартноманинг мазмуни .....	368
25.4. Шартнома тузиш.....	370
25.5. Шартномаларни ўзgartириш ва бекор қилиш .....	374

**И.Б.ЗОКИРОВ**

# **ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ**

**ДАРСЛИК  
I қисм**

қайта ишланган ва түлдирилган нашр

Мұхаррир: *С.Усмонов.*

Техник мұхаррир: *Ж.Абдужалилов.*

Мусахих: *Н.Мирзажонова.*

Компьютерда сақыфаловчи: *A.Худайбергенова.*

Босишига рұхсат этилди:03.03.2006.

Хажми:24 б.т. Адади: 1000. Буюртма: №727

ТДЮИ кичик босмахонасида босилди.

Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ 35.

